

ШАРОФ РАШИДОВ

ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР

ШАРОФ РАШИДОВ

АСАРЛАР

БЕШ
ЖИЛДЛИК

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

ШАРОФ РАШИДОВ

АСАРЛАР

БЕШИНЧИ
ЖИЛД

ПУБЛИЦИСТИК
МАҚОЛАЛАР


ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

66.2(2)
P31

Муҳаррир — *Ҳамид Ғулом*

P $\frac{70303 - 240}{M 352(04) - 83}$ - 8 - 82 4702570200

ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР



ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ АСОСИДА

Давримизни ҳақли равишда туб социал ўзгартишлар даври деб атайдилар. Тарихнинг шиддатли ва жўнқин оқими тишимсиз илгарилаб бормоқда. Совет кишилари ўз эртанги кунларига, нурафшон коммунистик идеалларнинг галабасига ишонадилар. Бизнинг қудратли кемамизни доно ва синалган дарға — коммунистларнинг улуғ партияси бошқариб бормоқда. Партия совет халқини ленинча тўғри йўлдан олға элтмоқда.

КПССнинг XXV съезди, СССР янги Конституциясининг қабул этилиши, Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигининг байрам қилиниши каби кейинги йилларда содир бўлган тарихий воқеалар буни янги куч билан кўрсатди. Бу воқеалар мамлакатимиз ҳаётидагина эмас, шу билан бирга бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида ҳам муҳим босқич бўлди.

КПСС XXV съезди ишлаб чиққан коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор Программаси — тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программаси Ленин васиятлари муваффақиятли равишда рўёбга чиқарилаётганидан яққол далолат бериб турибди. Съезд қарорлари омманинг онига синиб, ҳозир бутун фаолиятимизни белгилаб бермоқда, жанговар ҳаракат программаси бўлиб турибди, совет кишилари ўзларининг амалий иш фаолиятларида ундан туғанмас илҳом олмоқдалар.

СССРнинг янги Конституцияси уч йилдан бери яшаб, ишлаб келмоқда. Асосий Қонунимиз бутун дунё кўз ўнгиде совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида эришган теран инқилобий ўзгаришларнинг якуни, олтинчи йилдан кўпроқ давр ичида Совет давлати босиб ўтган тараққиёт йўлининг мужассам якуни каби намён бўлди. У Совет Ватани тарихида янги улуғвор марра — ривожланган социалистик жамият қурилганини қонуний тарзда тасдиқлаб берди, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг кеңг истиқболларини очди. СССРнинг янги Консти-

тунияси — давримизнинг чинакам коммунистик манифестидир.

Улуғ Октябрь 60 йиллигининг байрам қилиниши социализм ва умумжаҳон революцион ҳаракати эринган оламшумул-тарихий ютуқларнинг яққол намоёни бўлди. Бу байрам марксизм-ленинизм таълимоти, пролетар интернационализмининг буюк қудрати ва ҳаётийлигини, янги ижтимоий тузумнинг енгиламлигини бутун дунёга кўрсатди.

«Биз янги жамият, инсоният тарихида шу дамгача мисли кўрилмаган жамият барпо қилдик. Бу жамият кризислар бўлмайдиган, экономикаси муттасил ўсиб борадиган, етук социалистик муносабатларга, чинакам эркинликка эга бўлган жамиятдир, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Бу жамият илмий материалистик дунёқараш ҳукмронлик қилаётган жамиятдир. Бу жамият келажак, порлоқ коммунистик истиқболларга ишончи билан жамиятдир. Унинг олдида яна ҳар томонлама тараққий этиш учун чексиз уфқлар очилди»¹.

В. И. Ленин етакчилик қилган Коммунистик партия раҳбарлигида Россия ишчи ва деҳқонлари амалга оширган Улуғ Октябрь социалистик революцияси капиталистлар ва помещиклар ҳокимиятини ағдариб ташлади, жабр-зулм кишиларни парчалади ва пролетариат диктатурасининг, революция ғалабаларини ҳимоя қилишнинг, социализм ва коммунизм қуришнинг асосий воситаси бўлган янги типдаги Совет давлатини барпо этди. Тарихда биринчи мартаба социализм илмий башоратдан ҳақиқатга айланди. Шу тариқа ишчилар синфининг тарихий вазифаси, унинг жамиятни эксплуатациядан, социал ва миллий зулмдан халос қилиш қобилияти намоён этилди. Бутун дунё меҳнаткашлари, инсониятнинг оқил ва фозил кишилари асрлар давомида орзу қилиб келган эзгу ниятларни амалга оширишнинг ёрқин намунасига эга бўлдилар.

Улуғ Октябрнинг ғалабаси бутун инсониятнинг ривожланиш йўлини тубдан ўзгартириб юборган XX асрнинг энг асосий воқеасидир. У капитализмдан социализмга ўтиш йўлини бошлаб берди, «халқларни империализмдан озод қилиш учун, халқлар ўртасидаги урушларни тўхтатиш учун, капитал ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун, социализм учун»² кураш даврини очди.

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. 5-том, 619-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 37-том, 192-бет.

Шуни тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, ҳозирги замоннинг ҳамма улуғ ва илғор воқеалари Октябрь революцияси билан у ёки бу тарзда, бевосита ёки бавосита боғлангандир. Моҳият эътибори билан олганда, биронта мамлакат; биронта халқ йўқки, унинг тақдиринда Октябрь галабасининг, социализм идеалларининг самарали таъсири акс этмаган бўлсин.

Улуғ Октябрь миллий масалани одилона ҳал этиш йўлини ҳам очди. У миллий зулм зақжирларини парчалаб ташлаб, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилди ва амалда таъминлаб берди, мустамлака ва қарам халқларга, бутун инсониятга норлоқ келажак йўлини кўрсатди.

Инсоний муносабатларнинг кўп қиррали ва мураккаб муаммолари орасида миллий масала ҳаминша энг мураккаб, энг қийин ва позик муаммо бўлиб келди, дейиш мумкин. У инсониятнинг кўн авлодларга мансуб илғор кишиларининг фикрини тўлқинлантирди. Бироқ, эксплуататорлик тузуми шароитида бу масалани ҳал этиб бўлмас эди.

Чунки миллий масалани ҳал этиш — миллий зулмни ва миллий тенгсизликни тугатишни, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг мазлум халқларини империализм зулмидан озод қилишни, ирқи ва миллатидан қатъий назар, барча кишиларнинг ҳақиқий тенглиги учун, халқларнинг дўстона ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамни ривожлантириш учун шароит яратишни билдирар эди. Аммо капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон синфлари, империалист давлатларнинг ҳукмдорлари ҳеч қачон бундан манфаатдор бўлган эмаслар. Аксинча, улар доимо миллий зулмни кучайтиришга, халқлар ўртасига адоват ва душманлик уруғларини сочишга, уларни бир-биридан ажратишга интилиб келганлар. Буржуазия идеологлари эса мазлум халқлар ирқий ва миллий жиҳатдан ақли расо эмас, мустақил тарихий ижодкорликка қодир эмас, деб исботлашга зўр бериб интилиб келдилар.

Фақат марксизм-ленинизм классикларигина миллий масалани илмий изоҳладилар, уни тўғри ҳал этиш йўлларини биринчи бўлиб кўрсатдилар. Улар капитализмни йўқ қилиб ташлаш ва социализм галабаси натижасидагина миллий зулмни ва халқлар тенгсизлигини тугатиш мумкинлигини назарий жиҳатдан исботлаб бердилар.

Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс бундай деб ёздилар: «Бир индивидуумни иккинчи бир индивидуум эксплуатация қилиши йўқола борган сари, бир

миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради.

Миллатлар ичидаги синфлар антагонизми йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам тугайди»¹.

Маркс билан Энгельс ўз асарларида пролетар партиялари миллий сиёсатининг асосларини яратдилар. Улар буржуа миллатчилигига барча мамлакатлар меҳнаткашларининг синфий бирдамлиги ва қардошлигини назарда тутувчи пролетар интернационалиزمни принципини қарама-қарши қўйдилар. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган мангу барҳаёт шпорнинг қуйма таърифида марксча пролетар интернационалиزمни принципи ўз ифодасини топди. Маркс билан Энгельс раҳбарлик қилган Коммунистлар Иттифоқи байроғига шу жанговар даъват ёзиб қўйилди, марксизмнинг биринчи программавий ҳужжати — «Коммунистик партия манифести» шу даъват билан тугади. Бу сўзлар пролетар интернационализмнинг шиори бўлиб қолди.

Маркс билан Энгельс ҳар қандай зулмга, шу жумладан миллий зулмга ҳам қарши бўлган пролетариатнинг позициясини ҳар тарафлама асослаб бердилар. Улар: «Бошқа халқларни эзувчи халқ озод халқ бўлиши мумкин эмас»², деб таъкидладилар.

Ишчилар синфи ўз табиатига кўра интернационал синфдир,— деб таълим берадилар Маркс ва Энгельс. Бу синфнинг туб манфаатлари миллатларни асоратга солиш, миллий ва мустамлакачилик зулми сиёсатига қарши, миллий маҳдудликнинг ҳамма, ҳар қандай кўринишларига қарши, бир хил миллатларнинг иккинчи миллатлардан ҳар қандай имтиёзларга эга бўлишига қарши барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги учун қатъият билан курашишни талаб қилади.

Буни В. И. Ленин ҳам неча марта лаб уқтириб ўтган эди. У миллий душманлик ва ишончсизликни бартараф этишни пролетариат талабасининг гарови деб билди. Меҳнат манфаатлари турли мамлакатлар меҳнаткашлари, турли миллатлар ўртасида жуда тўлиқ ишонч, жуда мустаҳкам иттифоқ бўлишини талаб қилади, дерди Ленин. «Капитал халқаро бир кучдир,— деб ёзди Владимир

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик, таъланган асарлар, Т., 1-том, 125-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар. М., 18-том, 509-бет.

Ильич.— Бу кучни епгмоқ учун ишчиларнинг халқаро иттифоқи, уларнинг халқаро биродарлиги зарур»¹.

В. И. Ленин помещикларни ва буржуазияни ағдариб ташлаш учун биргаликдаги революцион кураш мақсадида барча миллат ва мамлакатлар пролетарлари ва меҳнаткаш оммасини ўзаро яқинлаштиришни пролетар партияларининг миллий масала ва мустамлака масаласида олиб борадиган бутун сиёсатининг энг муҳим талаби ҳисоблади. Чунки, деди у, фақат мана шундай яқинлашувгина капитализм устидан ғалаба қозонишни таъминлайди, бу ғалабасиз миллий зулм, ҳуқуқсизлик ва тенгсизликни тугатиб бўлмайди.

Ўз салафлари Маркс ва Энгельс каби Ленин ҳам турли мамлакатлар халқларини жипслаштиришни ва миллий адоватни тугатишни социализм ғалабаси билан чамбарчас боғлади. Социализм ғалабасигина,— деб уқтирди Владимир Ильич,— «эски дунёга, миллий зулм, миллий пизолар ёки миллий айримлик дунёсига...» барҳам бериб, унга «ҳамма миллат меҳнаткашларининг бирлашган дунёсини қарши қўядики, бу дунёда биронта ҳам имтиёзга, кишининг кишини заррача бўлса-да эзишига ўриш бўлмайди»².

Пролетарпатнинг интернационал бирлиги тўғрисидаги, миллий муносабатлар ҳақидаги масала капитализм ўзининг империализм боққичига кирган ва пролетар революциялари даври бошланган пайтда жуда ўткир бўлиб қолди. Эски миллий давлатлар янги территорияларни босиб олиб, кўпмиллатли мустамлакачи давлатларга айландилар. Улар ер юзининг турли қитъаларидаги миллион-миллион халқларни асоратга солдилар.

Миллатлар эзувчи ва эзилувчи миллатларга ажралди. Мустамлакачилар миллий зулмни турли йўللار билан кучайтирдилар, миллий адоватни авж олдирдилар. Буржуазия ишчилар синфини миллий белгиларга қараб парчалаб ташлашга интилди. Эзувчи миллатларнинг шовинизми ва маҳаллий буржуазия орасидаги миллатчилик ҳам кучайди. Мана шуларнинг ҳаммаси эзилувчи ва эзувчи миллатлар ўртасидаги муносабатларни ҳаддан ташқари кескинлаштирди.

Турмуш шароитларининг ўзи турли миллат меҳнаткашларининг туб, синфий маффаатлари муштараклигини англаб олишларига объектив равишда кўмаклашди. Турмушнинг ўзи уларни бошқа халқларнинг тақдирига бе-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 40-том, 49-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 169-бет.

фарқ қараб бўлмайди, биргаликда курашмай туриб капиталистик эксплуатациядан ва мустамлакачилик зулмидан қутулиб, озодликка эришиш мумкин эмас, деган фикрга олиб келди. Мана шундай шароит тақозосига кўра метрополиялардаги пролетар революцион ҳаракати мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий озодлик ҳаракати билан умумий душман — империализмга қарши курашнинг ягона революцион фронтига бирлаша бошлади.

Табиийки, мана шундай шароитда миллий мустамлака масаласи пролетар революцияси ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги умумий масаланинг таркибий қисми бўлиб қолди. В. И. Ленин шу масалани атрофлича ишлаб чиқишга киришди. У марксизмнинг пролетар интернационалиزمи ва миллий муносабатлар тўғрисидаги ғояларини бирлаштирди, уларни миллий озодлик ҳаракати тўғрисидаги фикрларнинг мунтазам бир системаси тарзида таърифлаб берди, миллий масалани империализмни ағдариб ташлаш ва пролетар революциясининг ғалабаси тўғрисидаги масала билан боғлади, Коммунистик партиянинг миллий ва миллий мустамлака масалаларига оид назарияси ва сиёсатини атрофлича ишлаб чиқди.

В. И. Ленин миллий масалада икки тенденция амал қилиши қонуниятини очди. Биринчи тенденция — миллий турмуш ва миллий ҳаракатнинг уйғонишидан, ҳар қандай миллий зулмга қарши курашдан, миллий давлатларнинг вужудга келишидан иборат бўлса, иккинчи тенденция — миллий маҳдудликни тугатишдан, миллатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришдан, иқтисодий турмушни, сиёсатни, илм-фанни интернационаллаштириш асосида миллатларни ўзаро яқинлаштиришдан ва шу кабилардан иборат.

Турли миллат меҳнатқашларининг интернационал бирлашувига, уларнинг синфий бирдамлигига В. И. Ленин биринчи даражали аҳамият берди. Буржуа миллатчилиги билан пролетар интернационалиزمи — бир-бирига қарама-қарши бўлган икки идеологиядир, бир-бирига муросасиз душман икки дунёқарашдир, деб таълим берди у. Миллатчи учун тор миллий манфаатлар ҳамма нарсадан устун турса, интернационалист учун ишчиларнинг халқаро синфий бирдамлиги ҳамма нарсадан устун туради.

Буржуа миллатчилиги — буржуа жамиятидаги ҳукмрон синфнинг, ҳалокатга маҳкум этилган ва ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилишга интилаётган синфнинг

идеологияси ва сиёсатидир. Унинг тиги меҳнаткашларнинг бирлигини қўпоришга, уларни миллий ва ирқий белгиларга қараб парчалаб ташлашга қаратилган.

Пролетар интернационализи — ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг идеологияси ва сиёсатидир. У барча ирқ ва миллат меҳнаткашларининг сафларини жипслаштириш, ўзининг сиёсий ҳукмронлиги учун, мустақиллиги ва озодлиги учун курашда уларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди. Буржуа миллатчилиги энг реакцион ғояларни тарқатади, пролетар интернационализида эса инсоният прогрессив ривожланишининг умумий йўли ўз ифодасини топади.

В. И. Ленин пролетар интернационализининг асосий принципларини аниқ таърифлаб берди. Лениннинг таълимоти бўйича пролетар интернационализи: бирлигидан, бир мамлакатдаги пролетар кураши манфаатларини бутун дунё миқёсидаги мана шундай кураш манфаатларига бўйсундиришни; иккинчидан, буржуазия устидан галаба қозонаётган миллатнинг халқаро капитални ағдариб ташлаш йўлида жуда кўп қурбонлар бера олиш ва унга тайёр туришни талаб қилади.

Бошқача қилиб айтганда, пролетар интернационализи пролетариатнинг илмий асосланган идеологиясидан иборат бўлиб, ҳар бир алоҳида мамлакатда ҳам, шунингдек дунёнинг барча мамлакатларида ҳам турли миллат меҳнаткашлари манфаатлари муштараклиги ва мақсадлари бирлигининг ифодасидир. Марксни партиянинг социализм ва коммунизм учун барча миллат меҳнаткашларини жипслаштиришга, мана шу муштарак мақсад йўлида айрим мамлакатдаги пролетар ҳаракати манфаатларини бутун дунё миқёсидаги ҳаракат манфаатларига бўйсундиришга қаратилган сиёсати ҳам шу идеологиядан келиб чиқади. Бундай интернационалистик сиёсат турли миллат ва мамлакатлар меҳнаткашлари ўртасидаги тўлиқ ишонч асосига қурилади, умумий душманга — империализмга қарши курашда уларнинг ҳаракат бирлигини, уларнинг бирдамлигини, ўзаро ёрдами, қўллаб-қувватлаши ва мададкорлигини таъминлайди.

Ўз фаолиятининг илк давридаёқ В. И. Ленин миллатчилик ва миллий зулмнинг ҳар қандай кўринишларига кескин қарши чиққан эди. 1902 йилдаёқ у земство арбобларига хатида бундай деб ёзди: «Пролетариат партияси самодержавие малайларининг ҳар қандайини жамиятнинг қандай бўлса-да бирон табақасига, қандай бўлса-да бирон миллат ёки ирққа қарши қилган ҳар қандай зулм ва бе-

бошлиги учун таъқиб қилишга ва адабици бериб қўйишга ўрганиши керак»¹.

В. И. Ленин ўз асарларида, айниқса «Миллий масалага доир танқидий мулоҳазалар», «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида», «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқи» деган асарларида марксизмнинг миллий масалага оид программасини ривожлантирди ва ҳар томонлама чуқур илмий асослаб берди. Бу программанинг моҳиятини у: миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, барча миллат ишчиларининг яқинлашуви тарзида ифодалаб берди. Марксизм ишчиларга мана шу миллий программа руҳида таълим беради, бутун дунёнинг тажрибаси ва Россиянинг тажрибаси шундай таълим беради, деди Ленин.

Коммунистик партиянинг миллий масаладаги сиёсати, деб уқтирди В. И. Ленин, миллатларнинг империализм шароитида амалга ошириб бўлмайдиган тенглигини расман эълон қилувчи буржуа демократияси сиёсатидан фарқли ўлароқ, барча миллат пролетарлари ва меҳнаткаш оммасини уларнинг буржуазияни йиқитиш учун олиб бораётган революцион курашида бир-бирлари билан яқинлашувини оғишмай амалий равишда рўёбга чиқаришдан иборатдир. «Бу мақсадни амалга ошириш,— деб ёзди Ленин,— мустамлака миллатларини ва эзилиб келган ёки тўла ҳуқуқли бўлмаган миллатларни тамоман озод қилиш ва уларга ажралиб чиқиш эркинлиги беришни талаб этадики, бу тадбирлар натижасида турли миллатлар меҳнаткаш оммасининг эзувчи миллатларнинг ишчиларига капитализмдан мерос бўлиб қолган ишончсизлиги ва эзилган миллатларнинг ишчиларида эзувчи миллатларнинг ишчиларига қарши бўлган ғазаб тамоман йўқ бўлиши ва унинг ўрнига оғли ва ихтиёрий иттифоқ тузилиши керак»².

Лениннинг миллий масаладаги программаси — мазлум миллатларни озод қилиш учун, уларнинг демократия ва социализм асосида эркин сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожини учун кураш программасидир, халқларнинг қардошларча дўстлик алоқаларини, уларнинг ўртоқларча ҳамкорлигини ва ўзаро ёрдамини ўрнатини ва мустаҳкамлаш, барча халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатда пролетар интернационалиزم принципларини қарор топтириш

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 6-том, 409-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 38-том, 132-бет.

программасидир. Бу программа жинси, дини, ирқи ва миллатидан қатъий назар, граждaнларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини, катта ва кичик барча халқларнинг миллий суверенитети ҳурмат қилинишини, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, жумладан, давлат сифатида ажралиб чиқиш ҳуқуқи тан олиншини; ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёзлар ва чеклашлар бекор қилинишини; аҳолининг ўз она тилида илм олиш ва гаплашиш ҳуқуқини; ҳамма тилларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашни, миллий маданиятлар эркин ва кенг ривожланишини назарда тутди.

Ленин илгари сурган ва асослаб берган мана шу юксак принциплар Совет ҳукумати 1917 йил ноябрда қабул этиб, эълон қилган «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси»да баён этилди. Бу принциплар партиянинг программа тарзидаги ҳужжатларида янада ойдинлаштирилди, СССР Конституциясида ва иттифоқдош республикаларнинг Конституцияларида мужассам ифодалаб берилди.

Партиянинг 1919 йилда РКП(б) VIII съездида қабул қилинган Программасида помешчикларга ва буржуазияга қарши биргаликдаги революцион кураш учун турли миллат меҳнаткашларини ўзаро яқинлаштириш сиёсатининг жуда катта аҳамияти алоҳида куч билан таъкидланди. Эзилган мамлакатлар меҳнаткаш оммасининг эзиб келган миллатлар пролетариатига нисбатан ишончсизлигини бартараф этиш мақсадида Программа ҳар қандай миллатнинг қандай бўлмасин имтиёзларини тугатинини, миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқлигини, мустамлакалар ва тенг ҳуқуқли бўлмаган миллатлар давлат сифатида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга эканини тан олинни талаб қилди.

Программада илгари эзиб келган миллат пролетариати томонидан илгари эзилиб келган халқларнинг меҳнаткаш оммасига нисбатан алоҳида эҳтиёткорлик ва эътибор кўрсатиш зарурлиги уқтирилди.

Партия Программасининг миллий масала хусусидаги талаблари Ленин кўрсатмалари руҳига тўла-тўқис мос келар эди. В. И. Ленин халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги негизларидаги мустаҳкам, чинакам ихтиёрий иттифоқини таъминлайдиган шарт-шароитларни вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида неча марта талаб гапирган эди.

Ҳамма миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва давлат бўлиб ажралиб чиқиш ҳуқуқини таъминлашни Ленин миллий масалани тўғри ҳал этишнинг зарур шарт

деб ҳисоблади. Бунда у миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига ташқаридан зўрлик ишлатиш ёки бирон-бир тарзда адолатсизлик қилиш орқали таъсир ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишга қарши социал-демократия доимий курашиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги талабни Ленин ҳеч қачон у ёки бу миллатнинг давлат бўлиб ажралиб чиқиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала билан қориштириб юбормас эди. У ҳар бир ҳолатда бу масалани кўриб чиқишга диалектик тарзда, пролетариат революцион курашининг ривожланиши манфаатлари нуқтан назаридан ёндашиш керак, деб таълим берди. Владимир Ильич ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги учун курашни сўзсиз тан олиш миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига доир ҳар қандай талабни қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юкламайди, деб кўрсатди: «Пролетариат партияси бўлган социал-демократия халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилашга эмас, балки ҳар бир миллат пролетариатининг ўз тақдирини ўзи белгилашига ёрдам беришни ўзининг ижобий ва асосий вазифаси қилиб қўяди»¹.

Демократик республика ва социализм учун имкони борича кенгроқ майдонда курашиш мақсадида барча миллат ишчиларининг мумкин қадар кўпроқ оmmasини маҳкамроқ жипслаштириш пролетариатнинг ишидир. Айни шу йўлда Ленин ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлиги тўғрисидаги талабни илгари сурган эди.

В. И. Ленин барча миллатларга мансуб пролетарларни ва меҳнаткашлар оmmasини мамлакат ичкарисидагина эмас, шу билан бирга халқаро миқёсда ҳам пролетар интернационалиزمни асосида жипслаштиришга сабот билан интилди.

Бунда Владимир Ильич пролетар интернационалиزمни бўлмаса, барча миллатларнинг ишчилари ва меҳнаткашлари синфий курашда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватламаса, ўзаро ишонч бўлмаса, уларнинг биргаликдаги ҳаракати ва қардошларча ҳамкорлиги бўлмаса, миллий масалани ҳал этиб бўлмайди, деган муқаррар ҳақиқатни эътироф қилишга асосланиб иш тутди. У айни пролетар интернационалиزمни принципларини изчиллик билан турмушга татбиқ этиш, буюк давлатчилик шовинизмига ва маҳаллий миллатчиликка қарши кескин кураш, ҳукмрон миллатларнинг ишчилар синфи мазлум халқларнинг мил-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 7-том, 267-бет.

лий озошлик ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши империализмга қарши курашнинг умумий революцион фронтини вужудга келтириш учун шарт-шароит яратиб бериши мумкин, деб ҳисоблади.

В. И. Ленин миллий муносабатлар масаласини ҳар тарафлама ишлаб чиқиш орқали пролетар партияларини жанговар ҳаракат программаси билан қуроллантирди. Ленин бошқа кўнгина жуда муҳим миллий кашфиётлари каби миллий масалага оид доҳиёна хулосалари билан ҳам марксизм ҳазинасига бебаҳо ҳисса қўшди. Ленин гоёлари халқларнинг империализмга қарши, миллий мустамлакачилик зулмидан халос бўлиш учун, мустақиллик, демократия ва социализм учун кураш байроғи бўлиб қолди.

Ленин халқларнинг миллий озошлик ҳаракати истиқболларини тўғри таърифлаб берганлиги ҳам унинг бебаҳо хизматиدير. Шу асрнинг бошларидаёқ Владимир Ильич ўз тақдирини ўзи белгилаш душманларининг фикрларини, уларнинг мустамлакачилар эзиб келган майда миллатларнинг ҳаётийлик қобилияти гўё тугади, шу сабабли улар империализмга қарши курашда ҳеч қандай роль ўйнай олмадилар, деган даъволарини фош қилиб ташлади. Мазлум халқларни лажлик, итоатгўйлик ва бефарқлик ботқоғига абадий ботиб қолган одамлар тўдаси деб кўрсатмоқчи бўлган, мустамлачилик ҳукмронлиги системасини ўзгармас деб ҳисоблаган мустамлакачилик идеологиясига Ленин қатъий зарба берди.

В. И. Ленин ўша пайтдаёқ «жаҳон сўёсатида ёндрувчи материал» тўпланиб бораётганини, гоҳ у, гоҳ бу мустамлака мамлакатига миллий қўзғолон учқунлари аланга ола бошлаганини кўрди. 1908 йилда у бундай деб ёзди: «Масала омманинг капиталга қарши, капиталистик мустамлака системасига қарши, яъни қулликка солиш, талаш ва зўрлик системасига қарши курашнинг қўзғатишга келиб тақалади»¹. Владимир Ильич империализм даврида мустамлака ва ярим мустамлакаларнинг миллий қўзғолонлари ва миллий урушлари мумкин ва эҳтимол бўлибгина қолмай, муқаррар ҳамдир, бу мамлакатларда эртами, кечми жуда катта жанглар ва революциялар бошланиши мумкин, деб ҳисоблади. «Империализмнинг асосий хусусиятларидан бири худди шундан иборатки,— деб уқтирди Ленин,— у энг қолюқ мамлакатларда капитализм тараққиётини тезлаштиради ва шу билан миллий зулмга қарши курашнинг кенгайтиради ва кескинлаштира-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 17-том, 200—201-бетлар.

ди. Бу — фактдир. Бинобарин, бундан, имперпализм кўпинча миллий урушларни туғдириши керак, деган хулоса муқаррар келиб чиқади»¹.

Владимир Ильич Осие ва Африкадаги воқеаларнинг ривожини айниқса синчиклаб кузатиб борди. У мазкур қитъалардаги мустамлака ва қарам мамлакатларнинг эзилган халқларига зўр умид билан қаради, уларнинг ўсиб бораётган революцион кучларига астойдил ишонди. Ленин империализмнинг шармандали мустамлакачилик системаси таназзулга учраб, барбод бўлини, Осие ва Африка халқлари уйғошиб, ўз қаддини ростлаб олиши муқаррарлигини чуқур илмий асослаб берди. У шарқнинг юз миллионлаб эзилган халқлари орасида революцион ҳаракат ўсиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. «Жаҳон капитализми ва 1905 йилги рус ҳаракати Осиени тамоман уйғотди, — деб уқтирди Ленин. — Ўрта аср турғунлиги остида эзилиб, ёввойлашган юзларча миллион аҳоли янги турмушга ва энг оддий инсоний ҳуқуқлар учун, демократия учун курашга уйғонди»².

Марксизмни янги тарихий шароитларга тадбиқан ижодий ривожлантирган Ленин Шарқ халқлари миллий озодлик курашининг мукамал ва изчил назариясини, шу кураш стратегияси ва тактикасини биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Метрополияларда капитализмни ағдариб ташлаш учун курашувчи халқаро революцион пролетариат Осие ва Африка халқларининг курашига амалий ёрдам беришга қодир бўлган ҳал қилувчи кучдир, деб уқтирди у. Ғарбнинг эзилган синфлари билан Шарқнинг эзилган миллатлари биргаликдаги курашини Ленин халқаро капитал ҳукмронлигини ағдариб ташлашнинг гарови деб билди.

Ленин миллий масала назариясини, миллий озодлик революциялари стратегияси ва тактикасини ҳар томонлама ишлаб чиқиб, эзилган халқларни миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашишининг аниқ программаси билан қуроллантирди.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ ЙЎЛИНИ ЕРИТИБ ТУРИБДИ

Тарих допо Ленин башоратининг, жаҳон пролетариати улуг йўлбошчиси қилган доҳиёна илмий ғаразлар ва хулосаларнинг тўғрилигини порлоқ тарзда тасдиқлаб берди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 30-том, 158-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 164-бет.

Биз эксплуатация ва зўрлик, миллий зулм ва социал тенгсизлик асосига қурилган системанинг тиргаклари аста-секин қулаб тушаётган улуғ бир даврда яшаб турибмиз. Империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги халқлар ҳамма турдаги зулмдан халос бўлишидан иборат улуғ жаҳоншумул тарихий жараённинг ёрқин ифодасидир, замонамиздаги энг зўр халқаро сиёсий воқеаларнинг биридир.

Марксизм-ленинизм ғоялари, социализм ғоялари планетамиз бўйлаб зафарли одим ташлаб бормоқда, ер юзининг барча қитъаларидаги одамлар онги ва дилини ўзига ром қилмоқда. Бу ғоялар турли мамлакатлар меҳнаткашлари кўп миллионли оммасининг социал ва миллий озодлик учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашида буюк илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилади.

Меҳнаткашларнинг интернационал бирлик байроғи энди ҳамма жойда ҳилпираб турибди. Жаҳон узра халқлар озодлиги ва қардошлиги тоғи тобора кўпроқ ёришиб бормоқда. Йигирманчи аср социализмнинг тарихий ғалабаси асри бўлиб қолди. Улуғ Октябрь бошлаб берган дунёни революцион янгилаш иши шитоб билан олға силжимоқда.

Биз ҳозир Ўрта Осиё республикалари турмушининг кундалик амалий масалалари тўғрисида ўйласак ҳам, ташқи сиёсатнинг энг зарур проблемалари тўғрисида фикр юритсак ҳам, жаҳон тарихий жараёни шу кунларда қандай таркиб топаётганини таҳлил этмоқчи бўлсак ҳам,— ҳаммаша, хато қилмаслик учун, улуғ марксизм-ленинизм назариясига, Ленин маслаҳатларига, йўл-йўриқларига, фаразларига мурожаат қиламиз. Йиллар ва ўн йиллар ўтар, мустамлакачилик зулмига ва ирқий камситишга асосланган дунё ўтмишига риҳлат қилар, аммо инсоният хотирасида Лениннинг доҳиёна васиятлари абадий яшай беради.

Шарқ халқлари буюк озодлик кураши эпопеяси ҳам асло унут бўлмайди.

Шарқ ва Ғарб... Буржуазия идеологлари улар донмо бир-бирига қарама-қарши туриб келган ва бу ҳеч қачон ўзгармайди деб «исботлаш» учун, Шарқ халқларини туҳматдан иборат ноҳақ сўзлар билан таҳқирлаб, уларни «ақли қисқа», «ночор», тарихий ижодкорликка «ноқобил» деб «исботлаш», уларнинг қулликка солинишини, империалистларнинг мустамлакачилик бебошлигини, капиталистларнинг фойда йўлидаги эксплуатациясини оқлаш учун минг-минглаб китоблар ёзишди.

«Уйқудаги», «ювон» Шарқ. Бу ибора узлуксиз кўз-голонлар жўш уриб турган Шарқ ҳақида айтилган эди; буржуа жамияти бир вақтлар бу кўзголонларни бостириш учун куч топган бўлса ҳам, аммо бу ҳаракатларнинг тез-тез такрорланиши ва кучайишидан ўзини ҳеч қачон хотиржам сезмаган эди.

Азалдан «қолоқ», «бадавий» Шарқ. Бу ибора дунёга қадим замонларнинг энг забардаст шоири Калидасани, бутун дунёда шухрат қозонган файласуф, табиб, математик, шоир Ибн Синони, гениал табиийётшунос ва мутафаккир Беруний ва бошқа кўндан-кўп ажойиб арбобларни етиштириб берган халқлар тўғрисида айтилган эди. Холбуки, жаҳон фан ва маданияти хазинасини шу арбобларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳақиқат ҳаминша ёлгон устидан голиб. Ҳақиқат димо ёлгон уйдирмаларни енгиб келган. Биз яшаб турган замонда буржуазиянинг дунё Ғарб ва Шарққа бўлиниши «ўзгармаслиги» тўғрисидаги, Ғарбнинг азалдан Шарқдан «устушлиги» ҳақидаги афсоналари чиннакка чиқарилмоқда, бу афсоналар ўзини тўқиб чиқарган мустамлакачилик билан бир гўрга кўмилмақда.

Масала буржуазиянинг Шарқ тўғрисидаги тасаввурларини пучга чиқарувчи тобора янги-янги ҳақиқатлар очилаётганидагина эмас. Айтишлик, империалистлар ҳазар қилиб «ёввойи» деб атаган Африкада ўн учинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб ўша замон назарида иқтисодий ва маданий жиҳатдан илғор бўлган, тропиклардан Саҳрон Кабиргача чўзилган катта Мали давлати мавжуд бўлганидан жаноб империалистлар кўз юма олмайдилар.

Масала тарихий ўтмишнинг айрим фактларида эмас. ҳаммадан ҳам муҳим томони шундаки, ҳозирги замон шарқ тарихи капитализм ўзига таскин бериб келган «ўз-ўзини алдаб юпатиш»дан асар ҳам қолдирмади. ҳаммадан ҳам муҳимроғи, шу кунлардаги воқеалар марксизм-ленинизмнинг, Ленин доҳиёна фаразларининг тўғрилигини қайта-қайта тасдиқламоқда, Шарқ мамлакатларидаги революцион жараён ривожланиб бормоқда! Шарқ халқлари қардошларча дўстликни мустаҳкамламоқдалар, миллий ва социал озодлик учун курашда ўз кучларини бирлаштирмоқдалар.

Лениннинг ер куррасида яшовчи аҳолининг кўнчилик қисмини ташкил этувчи Осиё ва Африка халқлари ўз озодликлари учун фавақулдда шиддат билан курашга отланаётганликлари, «шунинг учун бу жиҳатдан қараганда, жаҳон миқёсидаги курашнинг қандай узил-кесил ҳал

бўлиши тўғрисида зарарча ҳам шубҳаланиш мумкин эмас. Мана шу жиҳатдан социализмнинг узил-кесил ғалабаси тўла ва шак-шубҳасиз таъминланган»¹, деб айтган башорати тўғрилигини Шарқ мамлакатлари ривожининг бутун боши яққол кўрсатиб турибди.

«Лениннинг социал-сиёсий таҳлили қанчалик аниқлиги билан ажралиб турганлигига ҳамда унда берилган прогнозлар қанчалик асосланганлигига, уларнинг тўғрилиги барча муҳим жиҳатлари билан турмуш томонидан қанчалик тўла-тўқис тасдиқланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун биз ҳозир яшаб турган дунёга бир назар ташлашнинг ўзи kifоя, — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Ҳозирги кунда дунёнинг манзараси қанчалик зиддиятли бўлмасин, унинг асосий белгилари, тараққиётнинг асосий ҳал қилувчи тенденцияси Ленин қандай башорат қилган бўлса, худди шундайдир. Ҳозирги дунёнинг таркибий қисмлари бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, уларнинг ҳар бири коммунизм сари бормоқда ва оқибат натижада албатта коммунизмга келади!»²

Тарих Ленин кўрсатган йўлдан бормоқда, чунки Ленин тарих тараққиётининг чинакам ва ҳақиқатан ҳам чуқур сабабларига марксча теранлик билан назар ташлаган эди.

Мўъжизакор башорат эртақ. Лекин илмий башорат фактдир, деб тақрорлар эди Ленин. Биз Ленин башоратига ишонамиз, чунки у илмий башоратдир.

Ленин бундай деган эди: «Эртаги кун... жаҳон тарихида худди шундай бир кун бўладики, бу кунда империализм томонидан эзилган ва кўзи очилган халқлар узил-кесил уйғонади ва бу кунда бу халқларни озод қилиш учун узоққа чўзиладиган қатъий ва оғир жанг бошланади»³.

Биз — халқлар тақдири учун улуг жанг бораётган кунларда яшамоқдамиз; «эртанги кун» қай тариқа ҳозирги кунга айланиб бораётганини кўриб турибмиз.

Уйғонаётган Шарқнинг революцион келажagini В. И. Ленин неча ўн йиллар олдиндан кўрди. Шарқ жаҳоншумул революцион ҳаракатнинг умумий даврасига узил-кесил қўшилди, деб таъкидлади у.

Лениннинг мана шу қоидалари тўғрилигига ҳозир бирон киши шубҳа билан қарай оладими? Ҳозир уйғонган Шарқ халқлари жаҳон революцион жараёнининг актив қатнашчилари эканини кўрмай бўладими?

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 451-бет.

² Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 656-бет.

³ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 406-бет.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Шарқни уйқудан уйғотди, мазлум мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатига қудратли туртки берди, мустамлака халқларини жаҳоншумул революцион ҳаракатнинг умумий оқимига тортди, мустамлакачилик устидан ғалаба қилиш йўлларини ёритди. Ленин башорат қилганидек, Осиёда улуввор жаҳоншумул бўронларнинг янги ўчоғи вужудга келди, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида озодлик курашининг қудратли кучи ўсиб етишди. Миллий озодлик ҳаракати пролетарнатнинг социализм йўлидаги жаҳон революцион кураши билан бирга қўшилиб, эндиликда бутун революцион жараённинг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолди.

Мазлум мамлакатларнинг халқлари ўтмишда ҳам зулмга тоқат қилмаган эдилар. Улар мустамлакачиларга қарши неча марта лаб фидокорона курашга отландилар. Аммо кучлар тенг эмас эди, шу сабабли мустамлакачилар ўз ҳарбий машиналарини ишга солиб, халқ қўзғолонларини шафқатсизлик билан бостириб келган эдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошқача вазият вужудга келди. СССРда социализм ғалаба қозонганлиги, бу ердаги барча миллат ва элатлар социал ва миллий зулмдан халос бўлганликлари империализм ва мустамлакачилик позицияларига жиддий путур етказди, мустамлака ва ярим мустамлакалардаги халқларни зулмкорларга қарши курашни янада кучайтиришга руҳлантирди. Озодлик ҳаракатлари мустамлака ва ярим мустамлака асоратида яшаган мамлакатларнинг кенг районларини қамраб олди. Бутун мустамлакачилик системасининг чуқур танглик даври бошланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқларнинг миллий озодлик кураши мислсиз кенг қўлам касб этди. Немис фашизми ва япон милитаризми тор-мор этилиши натижасида халқаро майдондаги кучлар янгича жойлашганлиги, жаҳон социалистик системаси ташкил топганлиги жаҳон революцион жараённинг ривожини бениҳоя жадаллаштириб юборди, Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида социализм ғалабасини таъминлади. Империализмнинг ҳукмронлик доираси янада торайди, жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбати тубдан ўзгарди. Социализм планета бўйлаб голубона одим ташлаб бормоқда.

Социализмнинг буюк бунёдкорлик кучи социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг муттасил юксалишида, уларнинг ривожланган социалистик жамият сари, ком-

мунизм сари комил ишонч билан ҳаракат қилишида амалий равишда намоён бўлмоқда. Бу мамлакатларнинг тажрибаси, турли мамлакатларнинг ўзига хос шароитлари қандай бўлмасин, революция ривожининг, социализм ва коммунизм қурилишининг умумий қонуниятлари борлигини яққол исботлади. Социалистик ҳамдўстлик — пролетар интернационалиزمи ғояларининг турмушга татбиқ этилишидир, социализм ва тинчлик учун курашувчи эркин халқларнинг тарихда мислсиз қардошларча иттифоқидир, ҳамдўстликда қатнашувчи мамлакатлар ва халқларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиги, дўстлиги ва бирдамлиги билан, уларнинг ўртоқларча ўзаро ёрдамлашуви билан ажралиб турувчи халқаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги типидир.

Ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери қардош мамлакатлар социалистик ўзгаришлар йўлидан биргаликда бормоқдалар. Улар бир-бирларига кўмаклашиб ва бир-бирларининг тажрибасидан ўрганиб, янги турмуш қуришнинг масъулиятли ва оғир вазифаларини ҳал этмоқдалар. Уларнинг ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йил сайин тобора мустаҳкам ва самарали тус олмақда, қардош коммунистик партияларнинг марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принциплари асосидаги ғоявий бирлиги ва чуқурлашиб бораётган алоқалари бу ҳамкорликнинг метиндек негизи бўлиб хизмат қилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қримда қардош партиялар ва давлатларнинг раҳбарлари билан ўтказаетган анъанавий дўстона учрашувлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари дўстлиги ва бирлигининг ёрқин намоёنшига айлланиб кетмоқда. Бу учрашувлар КПСС ва Совет давлатининг қардош партиялар ва мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун, уларнинг халқаро майдондаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш учун муҳим ва фойдалидир, чунки одамларга тинчлик, озодлик, тенгликни таъминлаб бериш — социализмнинг олий мақсадидир.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг экономикаси муттасил ривожланиб, социалистик ва коммунистик қурилишда янги марраларга эришгани таъминламоқда. Социалистик мамлакатлар коммунистик партиялари ва халқларининг куч-гайратлари туфайли социализмнинг капитализмдан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги туб устунликлари изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. Социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги дунёдаги энг ҳаракатчан ва қобил иқтисодий кучдир. Умуман ўзаро Иқти-

содий Ёрдам Кенгаши (ЎИЕК)га аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий даромади 1978 йилда 1948 йилга нисбатан 10 баравар кўпайди. Утган давр ичида қардош мамлакатлар миллий даромадининг ўсиш суръатлари капитал дунёсидаги шундай суръатлардан уч ҳисса юқори, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари эса тўрт ҳисса юқори бўлди.

Социалистик иқтисодий интеграциянинг узоқ муддатли комплекс программаси қабул этилганлиги қардош мамлакатларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқич бошланганидан дарак берди. Халқаро муносабат тарихида халқ хўжалигини ривожлантириш плавларини мувофиқлаштириб туришдек интернационал ҳамкорликнинг бу қадар кенг қамровли формаси ҳали учрамаган эди. ЎИЕК мамлакатлари қисқа муддат ичида социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни ихтисослаштирини ва кооперациялаш соҳасида, фан-техника ҳамкорлигида ва биргаликдаги иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларида бой тажриба орттирдилар. Комплекс программани бажариш жараёнида ҳар бир социалистик давлатларнинг экономикаси янада юксалиш билан бирга уларнинг миллий хўжаликлари ўртасидаги ўзаро алоқалар чуқурлашмоқда, уларнинг иқтисодий тараққиёт даражаси аста-секин бараварлаштириб олинмоқда. Узоқ муддатли тармоқ программалари ишлаб чиқилиб, бажарилаётганлиги олға томон қўйилган янги қадам бўлади.

Қардош мамлакатларнинг самарали бунёдкорлик фаолияти илмий социализм ғояларининг обрў-эътиборини ва жозиба кучини оширмоқда, реал социализмнинг жаҳон ривожига ҳал қилувчи куч эканини тобора кўпроқ тасдиқламоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ социалистик ҳамдўстлик жаҳоншумул ижтимоий тараққиётнинг энг мўътабар кучи бўлиб майдонга чиқмоқда, халқлар тинчлиги, озодлиги, бахт-саодати ва мустақиллигининг ишонган таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Қардош давлатларнинг келишиб олинган ва мувофиқлаштирилган ташқи сиёсати империализмнинг агрессив муддаоларига қарши, мустаҳкам тинчлик учун ва халқаро муносабатларни соғломлаштириш учун курашнинг таъсирчан қуроли бўлиб қолди. Бу сиёсат мустахлак ва қарам мамлакатлар халқларининг империализм асоратидан халос бўлиш йўлидаги кураши кучайишига ҳал қилувчи даражада кўмак берди.

Дуённинг жуда катта районларида миллий озодлик революциялари тантана қилди. Деярли бутун Осиё мил-

лий мустақилликка эришди. Африка ўз озодлиги йўлидаги курашда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Куба революциясининг ғалабаси Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик учун курашига қудратли омил берди. Урушдан кейинги даврда мустамлакачилик империяларининг вайроналари ўрнида 110 тадан кўпроқ мустақил давлат дунёга келди. Икки миллиарддан кўпроқ киши мустамлака қуллиги исканжасидан қутулди.

Импернализм мустамлакачилик системасининг азалий формалари барбод бўлганлиги, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлар сиёсий мустақилликни қўлга киритганликлари шу мамлакатлар халқлари турмушида чуқур революцион бурилиш бошланганини билдиради. Бу — бутун инсониятнинг буюк ғалабасидир. У зўр жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Миллий озодлик революцияларининг қудратли тазйиқи натижасида мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги илгари эзилиб келган халқлар бизнинг замонамизда нақадар ўсиб, мустақамланганликларини бутун дунёга кўрсатди. Капиталистлар мустамлакачилик системасини бир неча аср мобайнида вужудга келтирган эдилар. Шу системани путурдан кетказиб, ағдариб ташлаш учун эса атиги бир неча ўн йил кифоя қилди. Мустамлакачилик системасини супуриб ташлаётган тарихий курашнинг бундай жўшқинлиги эзилиб келган халқларнинг ажойиб мардлиги ва қаҳрамонлиги, барча антиимпериалист кучларнинг ўсиб бораётган қудрати ва ҳаракат бирлиги туфайли, Улуғ Октябрь Ватанининг ҳамда бошқа социалистик мамлакаглариинг жуда катта ва ҳар томонлама ёрдами туфайли юзага келди.

Осиё ва Африкадаги кўпчилик халқлар миллий мустақилликни курашиб қўлга киритганликлари, Куба революциясининг ғалабаси ва Кубанинг социализм қуриш йўлига ўтганлиги, Латин Америкасининг кўпгина мамлакатларидаги революцион кўтарилиш турли қитъалардаги озодлик ҳаракатларини ўз мақсадлари ва вазифалари жиҳатидан ҳам, шунингдек уларнинг мазмуни жиҳатидан ҳам ўзаро яқинлаштирди. Бу эса уч улуғ қитъа халқларининг империализмга қарши бирлашган фронтини вужудга келтириш учун реал замин яратди.

Мустамлакачилик системаси инқирозга учраши натижасида инсоният ҳаётида янги тарихий давр бошланди. Осиё, Африка ва Латин Америкасининг озодликка эришган халқлари замонамизнинг кенг йўлига — миллий мустақиллик, озодлик ва социал тараққиёт йўлига чиқиб ол-

дилар. Импернализм тарих хилватгоҳида сақлаб келган мамлакатлар энг актуал халқаро проблемаларни ҳая этишда фаол иштирок қила бошладилар, жаҳон сиёсатининг муҳим омилига айландилар. Илгари эзилган, забун ва йўқсил кишиларнинг миллион-миллион оммаси тарихнинг ошгики ижодкорлари бўлиб қолдилар.

Озодликка эришган давлатларнинг кўпчилиги эҳтиросли тинчлик курашчилари, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлаш жарчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Осиёнинг мустамаलाкачилик зулмидан халос бўлган мамлакатлари кўшиямаслик ҳаракатининг ташаббускорлари бўлдилар, 1961 йилда Белграддаги конференцияда шу ҳаракатга асос солинди. Бу ҳаракатда қатнашувчи мамлакатларнинг 1976 йилда Коломбода бўлиб ўтган бешинчи конференцияси давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитетини ва ишон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига содиқ эканликларини тасдиқлади. Бу давлатлар империалист давлатларнинг ҳар қандай агрессиясига қарши кескин курашмоқдалар.

1979 йил 3 сентябрдан 8 сентябргача Гаванада қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг VI Конференцияси бўлиб ўтди. Шу мўътабар халқаро анжуман ишида ҳаракатнинг бутун тарихи давомида энг кўп делегация қатнашиб, 100 дан ортиқ мамлакат ва ташкилот номидан вакиллик қилди.

Л. И. Брежнев Конференция Раиси Фидель Кастро Русга йўллаган табрикомасида қўшилмаган давлатлар ҳаракатининг «жаҳон сиёсатининг таъсирчан омили» деб атади ҳамда бу давлатлар «...тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига, империализмни, эски ва янги мустамалакачиликни, прқчилик ва апартеидни тугатиш йўлидаги, халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи таи олиниши учун, озодликка чиққан мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланиши учун курашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар»¹, деб уқтирди.

Гавапа конференцияси қўшилмаслик ҳаракатининг ҳаётини қобилятини кўрсатувчи янги намоёнш бўлди, ҳаракат қатнашчилари ўзларининг дўстлари киму ганимлари кимлигини яхши тушуниб турибдилар. Конференцияда сўзга чиққан кўнгина нотиқлар миллий озодлик курашини, ривожланаётган мамлакатларнинг маиғаат-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 8-том, 123-бет.

ларини доимо қўллаб-қувватлаб келаётган социалистик давлатларга миннатдорчилик изҳор этдилар. Империалистларнинг, шунингдек, айрим мухлифларимизнинг кирдикорларига қарамай, қўшилмаган мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини, уларнинг империализмга қарши курашчилар бонқа отрядлари билан бирдамлигини сақлаб қолш ва мустақамлаш вазифаси бу халқаро анжуманда айниқса катта аҳамият касб этди.

Конференцияда ҳозирги замоннинг кўпгина энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди. Конференция иштирокчилари Европа қитъасидаги кескинликни юмшатиш йўлидаги курашда сарфланаётган куч-гайратларни бошқа регионларга ҳам ёйишга чақирдилар, Африка жанубидаги халқларни мустамлака қарамлигидан ва ирқчиликдан тезроқ халос қилишни талаб этдилар, Миср билан Исроил ўртасидаги сепарат шартномани қораладилар, Яқин Шарқдаги можаро одилона ҳал этилиши, фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқлари таъминлашнинг кераклигини айтдилар.

Анжуман ишида, унда қабул қилинган ҳужжатларда халқаро майдонда содир бўлаётган умумий ижобий силжишлар ўз ифодасини топди. Империализмнинг позициялари тобора заифлашиб бораётганлиги, жаҳон революцион жараёни чуқурлашиб, кенг тус олаётганлиги мана шу силжишлар жумласига киради.

Конференцияда турли найранглар, дўқ-пўписа, лўтти-бозликлар йўли билан унинг иштирокчилари орасига нифоқ солишга, ҳаракатни танг аҳволга тушириб қўйишга, уни ўзлари учун мақбул йўлга солиб юборишга уринган империалистларнинг ва реакциянинг режалари бутунлай барбод бўлди.

Гавана конференцияси ҳаракатнинг кўпчилик аъзолари қўшилмаслигининг асосий принципларига содиқ экаликларини тасдиқлади, империализмга, янги мустамлакачиликка, ирқчиликка ва апартеидга қарши кураш мазкур ҳаракатнинг энг катта ҳамда бош йўли бўлиб қолаверилишини кўрсатди.

Ҳали яқиндагина миллион-миллион африкаликлар омасп жаҳон сиёсатидан бутунлай четлатиб қўйилган эди. Ҳозирги вақтда эса бу халқларнинг кўпчилиги озодликка эришиб, энг муҳим халқаро муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

Эндиликда қитъа жанубида охириги мустамлакачилик — ирқчилик таянчларига қарши бошланган ҳужум шиддатли тус олиб бормоқда. Африкалик халқларнинг ўз

диёрларида империалистлар хўжайинлик қилган даврийт сарқитларини абадий тугатиш муддаоси совет кишиларига азиз ва тушунарлидир. Улар Африка халқларини қўллаб-қувватлашни тобора кучайтириб, Жанубий Африка Республикасида ҳамон ҳукм суриб келаётган шармандали апартеид истибдодига қарши, Намибиядаги мустамлакачилик тартиблари сақланиб қолаётганига қарши ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ирқчиликка ва ирқий камситишга қарши курашга бағишланиб 1978 йили Женевада ўтказилган Жаҳон конференциясига йўллаган табрикомасида бундай деб уқтирди: «Совет халқи барча халқларнинг тенглиги учун, ирқий ва миллий камситишга қарши кураш олиб бораётган, мустамлакачилик ва ирқчилик қолдиқлари сақланиб қолишига қарши курашаётган кучларга қатъиян мадаққордир. У Родезиядаги ирқчи режим тугатилишини ва бутун ҳокимият тўла-тўқис Зимбабве халқига топширилишини, Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) нинг Намибиядан чиқиб кетишини, ЖАРдаги апартеид системаси тугатилишини изчиллик билан талаб қилиб келмоқда».

Халқларнинг миллий озодлик кураши дастлабки тўлқинлари мустамлака мамлакатларида эндигина кўтарилиб келаётган пайтдаёқ В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «...дунёдаги ҳеч қандай куч Осиёда эски крепостникликни тиклай олмайди, Осиё ва ярим Осиё мамлакатларидаги халқ оммасининг қаҳрамонона демократизминини ер юзидан супуриб ташлай олмайди»¹.

Бу сўзлар олтинчи олти йил муқаддам ёзилган эди. Аммо ҳозир ҳам улар худди шу бугун айтилгандек янграб турибди! Ўша пайтда Лениннинг жаҳон сиёсатида Шарқ халқларининг роли ўсиб бориши тўғрисида олдиндан айтган сўзлари илмий башорат бўлган эди, ҳозир бу башорат ҳақиқатга айланди. Дарҳақиқат, дунёдаги ҳеч қандай кучлар империализмнинг собиқ мустамлакалари ва ярим мустамлакаларидаги миллион-миллион омманинг қаҳрамонона озодлик кураши натижаларини ер юзидан сунуриб ташлай олмайди.

Давримиздаги миллий озодлик революциялари ўзининг характери, мақсадлари ва тарихий оқибатлари жиҳатидан ўтган даврдаги миллий озодлик революцияларидан

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 4-бет.

анча фарқ қилишини таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу революциялар нисоният жамияти ривожига ҳозирги босқичнинг ўзига хос белгиларини ифодаловчи бир қанча хусусиятларга эгадир. Ўзининг социал мазмуни жиҳатидан бу революциялар янги типдаги демократик революциялардир.

Аввало ҳозирги миллий озодлик революциялари империализмга қарши қаратилганлиги яққол кўриниб турибдики, бу нарса уларнинг ўзига хос хусусияти, шу революциялардан ҳар бирининг умумий қонуниятидир. Ҳамма ҳолларда бу революциялар империализмни зарбага учратмоқда, унинг таянчларини емириб, путурдан кетказмоқда. Айни вақтда бу революциялар кўпчилик мамлакатларда феодализм ёки ҳатто ундан ҳам тубанроқ муносабатларини тугатишга, меҳнаткашларни ҳар қандай эъзини барҳам беришга қаратилган.

Бизнинг давримиздаги миллий озодлик революциялари мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларининг сиёсий озодликкагина эмас, шу билан бирга иқтисодий мустақилликка ҳам эришиш мақсадини кўзлайди. Шу мамлакатларнинг халқлари курашиб қўлга киритган сиёсий мустақиллик ўз-ўзидан уларни эксплуатация қилинувчи миллатлар ҳолатидан халос этмаслигини тушуниб турибдилар. Сиёсий мустақиллик — империалистик эксплуатациядан халос бўлиш учун шарт-шароит яратади, холос. У ўз-ўзидан ёш давлатларда ҳали ҳам империализм қўлдан бермай келаётган иқтисодий позицияларни автоматик тарзда тугатиб юбормайди. Бу позициялар мазкур мамлакатлар экономикасининг аграр структураси, уларнинг жаҳон капиталистик меҳнат тақсимидаги қарамлиги, хом ашё экспорт қилишга ва энг муҳим турдаги саноат маҳсулотларини импорт қилишга мажбурлиги тўғрисида вужудга келган. Мана шуларнинг ҳаммаси миллий озодлик революциялари олдида иқтисодий мустақилликни курашиб қўлга киритиш, ажнабий капиталга қарамликни тугатиш вазифасини қўймоқда.

Ҳозирги миллий озодлик революцияларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу революциялар жараёнида мустамлакачилик зулмидан халос бўлган мамлакатларнинг бундан буёнги ривожланиш йўллари тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб турибди. Улуғ Октябрнинг ғалабасидан аввал бундай масала вужудга келмаган эди, чунки мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган халқларнинг фақат битта ривожланиш йўли — капитализм йўли бор эди. Шу сабабли ўша вақтдаги мил-

лий озодлик революциялари ё буржуа, ёки буржуа-демократик революциялар сифатида ривожланиб борган эди. Бу революциялар халқларни ажнабийлар асоратидан халос қилиб ва мустақил давлат сифатида яшаш ҳуқуқини қўлга киритиш орқали капитализмнинг ривожланиши учун йўл очиб берган эдилар, холос.

Ҳозирги аҳвол бошқача, энди мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари учун икки йўлдан бирини — капиталистик ёки социалистик йўлни танлаб олиш имконияти вужудга келди. Шу сабабли бизнинг давримиздаги миллий озодлик революциялари кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзловчи умумхалқ революциялари тарзида ривожланиб бормоқда.

Бизнинг давримизда миллий озодлик кураши янги тарихий шароитларда, мустамлакачилик системаси асосан тугатилган, жаҳон империализмнинг позициялари пуртурдан кетган, жаҳон социалистик системаси эса қудратли кучга айланган, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари бу кучни ўзларининг кшончли таянчи деб билаётган даврда ривожланиб бораётгани бу курашнинг хусусиятларини белгилаб турибди.

Империализмга ва мустамлакачиликка қарши кураш ижтимоий турмушни демократлаштиришни, ички реакцияни бостиришни, кенг миқёсдаги демократик ислохотларни амалга оширишни назарда тутати. Ажнабий капитализмнинг фаолияти устидан давлатнинг қаттиқ назоратини ўрнатиш ва уни миллий манфаатларга зид келаётган жойлардан суриб чиқариш, хўжалик структурасидаги бирёқламаликни бартараф этиш ва мустақкам миллий экономикани вужудга келтириш — империалистик монополияларга қарамликни тугатишнинг энг муҳим шартларидир.

Бир қанча мамлакатлардаги миллий озодлик революциялари социалистик ислохотлар ўтказиш учун шарт-шароит вужудга келишига олиб бормоқда. Ҳозир Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўнгина халқлари социализм байроғи остида ҳаракат қилиб, унинг идеалларини рўёбга чиқариш учун курашни кучайтирмоқдалар.

Ўтмишда мустамлака ёки қарам мамлакатлар бўлиб келган Куба, Вьетнам, Лаос социализм йўлига ўтди. Халқ оммасининг социалистик йўлдан бориш муддаоси Осиё ва Африканинг кўнгина мамлакатларида тобора равшан намоён бўлмоқда.

Социалистик ривожланиш йўлига ўтган давлатлар ке-

йипги ўн йил ичида икки ҳисса кўлаймоқда. Ҳозир Жа-
зонир, Ангола, Афғонистон, Бенин, Гвинея, Мадагаскар,
Мозамбик, Конго, Танзания, Эфиопия, Сурия, Ироқ,
ЯХДР, Бирма шулар жумласига киради. Ватайларвар-
лик ва демократик позицияларда туриб ҳаракат қи-
лаётган бошқа бир қанча давлатлар ҳам шу қаторда ту-
ради.

Озодликка чиққан ёш мамлакатлар турмушида жиддий
прогрессив ўзгаришлар содир бўлмоқда. Уларнинг кўпла-
рида чуқур социал ислохотлар амалга оширилмоқда, фео-
дал ер эгаллиги, ажнабийларнинг мол-мулки тугатилмоқ-
да, саноатдаги давлат сектори кучайиб бормоқда. Демок-
рат ва революцион кучлар мустақамламоқда. Бир қанча
мамлакатларда революцион авангард партияларнинг ил-
мий социализмнинг ғоявий асосига ўтишидан иборат му-
ҳим жараён рўй бермоқда. Ёш мустақил мамлакатларнинг
халқаро майдондаги роли ҳақли равишда кучаймоқда,
уларнинг ташқи сиёсати активлашмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси Лениннинг миллий озод-
ликка қаратилган ҳаракат капитализмга қарши йўлга ту-
шади ва қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг про-
летариати ёрдами билан капиталистик ривожланиш бос-
қичини четлаб ўтиб, социализмга чиқишлари мумкин, де-
ган сўзлари тўғрилигини тасдиқлайди.

Нокапиталистик ривожланиш йўлига ўтган ёш давлат-
лар ўз олдига мақсад қилиб қўйган «социалистик нусха-
даги жамият» қуриш ғояси баъзан социализм тўғрисида-
ги марксизм қарашларидан жуда олис, албатта. Аммо бу
ғоя халқ оммаси орасида социалистик идеалларга инти-
лиш тобора ўсиб бораётганидан яққол далолат бериб
турибди. Шу мамлакатларда амалга оширилаётган исло-
хотларнинг кўлами ва характерини ҳам социализм қуриш
йўлига кирган мамлакатларда рўй берган ўзгаришлар
билан таққослаб бўлмайди. Бироқ, мустамлакачиликдан
халос бўлган Осиё ва Африкадаги кўпчилик мамлакатлар
тараққиёт йўлидан бораётганлиги шак-шубҳасиз факт
бўлиб қолмоқда.

Озодликка эришган мамлакатларнинг халқлари импе-
риалистик зулми улоқтириб ташлаб ва сиёсий муста-
қилликни қўлга киритиб, эндиликда туб социал-иқтисо-
дий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгартиришларни
амалга оширмоқдалар. Улар империализмга қарши, фео-
дализмга қарши бўлган демократик революцияни изчил-
лик билан ниҳоясига етказиш учун фаол курашмоқда-
лар.

Озодликка эришган мамлакатларнинг халқлари иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш мақсадида, аввало, ўз хўжалик турмушидаги ажнабий капиталнинг зўравонлигини тугатишга интилмақдалар. Бунинг учун улар империалистик монополияларни суриб чиқариш ва чеклашнинг турли методларидан, шу жумладан, экономиканинг энг муҳим тармоқларидаги империалистик монополиялар мулкнинг давлат ихтиёрига олиш усулидан фойдаланмоқдалар.

Шу билан бирга бу мамлакатларда кўп тармоқли ўз экономикасини вужудга келтириш тadbирлари амалга оширилмоқда, миллий саноат ривожлантирилмоқда, аграр масала деҳқонларнинг манфаатларини қўзлаб узил-кесил ҳал этилмоқда, феодал ва ярим феодал сарқитлар тугатилмоқда. Иқтисодий ислохотлар жараёнида барпо этилаётган давлат сектори муттасил кенгайиб, мустаҳкамланиб, аста-секин экономиканинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Ижтимоий-сиёсий турмушни демократлаштириш, меҳнаткаш омманинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш, халқ маорифини ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш йўлидаги кураш ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашда озодликка чиққан ва озодликка эришаётган мамлакатлар ўз сафларининг бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамламоқдалар ҳамда СССР ва жаҳон социалистик система-сидаги бошқа мамлакатларнинг мададига доимо таянмоқдалар. Улар социалистик мамлакатларнинг ёрдами билан ҳамма энг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгартишларни амалга оширмоқдалар.

ДУСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Эркесвар халқлар бирлик — куч-қувват манбаи, енгил-маслик гарови эканини яхши биладилар. Шарқда: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деган доно нақл бор.

Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган мамлакатлар бир-бирлари билан алоқаларини ҳар томонлама кенгайтирмоқдалар, социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамламоқдалар. Шу билан бирга улар социалистик давлатларга таянган тақдирдагина чинакам миллий мустақилликка эришишлари мумкинлигини турмушнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Социалистик давлатлар мавжудлиги фактининг ўзи, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақи-

ятлари миллий озодлик ҳаракатини ривожлантиришга жуда катта таъсир ўтказмоқда. Турли қитъалардаги бир қанча мамлакатларда социализмнинг галабаси миллий ва социал озодлик учун курашаётган халқлар олдида янги истиқболлар очди, мустақилликдан халос бўлиш ва тўла мустақилликка эришиш учун уларга реал шарт-шароит яратди. Ҳозир жаҳон социалистик системасининг ўзгарувчанлиги таъсири ҳар бир мамлакатда ва инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида бирон-бир тарзда сезилмоқда турибди. Ҳозир социалистик давлатлар дунёдаги маълум халқларнинг курашини қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни ўзларининг интернационал бурчлари деб билмоқдалар. Уларнинг Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлиги бениҳоя хилма-хил шакллар касб этмоқда. Бу ҳамкорлик турмушнинг турли соҳаларини — идеологик ва сиёсий, иқтисодий ва илмий-техникавий, маданий ва ҳарбий соҳаларни қамраб олмақда. Социалистик давлатлар эзилган, озодликка чиқаётган ва озодликка чиққан халқларга эркинлик ва мустақилликни қўлга киритишда, янги турмуш қуришда, империалистларнинг, улар қўлидаги кўғирчоқларнинг ва ички реакциянинг хуружларини даф қилишда ҳар тарафлама ёрдам бермоқдалар.

Озодликка чиққан мамлакатларнинг бирлиги ва бирдамлиги нақадар маҳкам бўлса, уларнинг социалистик дунё мамлакатлари билан дўстлиги нақадар мустаҳкам бўлса, улар ўз мустақиллигини, ўз ҳаётини манфаатларини шу қадар муваффақиятлироқ муҳофаза этмоқдалар ва қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар, бу мамлакатлар ўзларининг одилона курашида социалистик дунё мамлакатларининг мададига таянишлари мумкин. Империализм ва гумашталарининг Ангола, Афғонистондаги халқ ҳокимиятини ағдариб ташлаш, революцион Эфиопияни парчалаб юбориш йўлидаги уринишлари тараққийпарвар кучларнинг бирдамлиги туфайлигина барбод этилди.

Мана шу ва бошқа мисоллар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар — империалистик зулмдан халос бўлиш учун курашаётган халқларнинг энг самимий ва содиқ дўстлари эканликларидан қайта-қайта далolat бериб турибди. Улар В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, миллий зулмнинг ҳамма ва ҳар қандай шаклларини йўқ қилиб ташлаш учун қатъият билан ҳаракат қилмоқ-

далар, ёш давлатларнинг суверенитетини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашмоқдалар.

Социализм дунёси муттасил ва жўшқин ривожланиб бормоқда. Унинг халқаро вазиятга баракали таъсири ҳам ўсмоқда. Бирлашган социалистик Вьетнамнинг қарор топанлиги, Лаосдаги социалистик революция, Камбучия демократик ва социализм кучларининг галабаси бу дунёни янада кенгроқ ва қудратлироқ қилиб қўйди.

Совет халқи америкалик интервенциячиларга ва уларнинг гуманитарига қарши урушда қаҳрамон Вьетнамга кўнгина ёрдам берганлиги билан фахрланади. Вьетнам халқининг галабаси натижасида империализмнинг социалистик давлатни қуролли йўл билан тугатиб, миллий озодлик революциясини мажақлаб ташлаш учун иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг катта уриниши мағлубиятга учради.

Вьетнам кетидан Лаос халқи ҳам озодликка эришди. Социалистик давлатларнинг қардошлик оиласига яна бир аъзо қўшилди. Ўз халқини қириб ташлаш йўлига кирган Пол Пот — Пен Сарининг қонхўр диктаторлик режимига қарши камбучиялик ватанпарварларнинг қийин кураши ажойиб галаба билан тугади. Камбучиядаги эксперимент Пол Пот тўдасининг шармандасини чиқарди.

Озодликка чиққан халқларнинг социалистик давлатлар билан қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлиги — мустамлакачилик тутқунлигидан халос бўлган мамлакатлар миллий қайта тикланишининг зарур шarti эканини ҳаёт кўрсатмоқда. Миллий озодлик революциялари натижасида бу мамлакатлар сиёсий озодликка эга бўлдилар. Бироқ, сиёсий галабаларни мустаҳкамлаш учун иқтисодий мустақиллик зарур, иқтисодий мустақилликка ёш давлатларнинг ҳар тарафлама ривожланган ўз экономикасини барпо этиш асосидагина эришиш мумкин. Бу давлатлар социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилмай туриб мустаҳкам миллий экономикани вужудга келтира олмайдилар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар шуни англаб, ривожланаётган ёш давлатларга ҳар томонлама иқтисодий ёрдам ва мадад бермоқдалар. Улар тенг ҳуқуқли, дўстона муносабатлар асосида, ҳеч қандай гaрaзли мақсадларни кўзламай, самимий, қардошларча тарада шундай қилмоқдалар.

Империалистик давлатлар ҳам ёш давлатлар экономикасига капитал маблағ ажратилишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Аммо бу ишда ажнабий монополия-

ларнинг иштироки озодликка чиққан мамлакатларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги гамхўрлик билан эмас, балки аввало арзон ишчи кучи, хом ашё, ёқилғи, ўз молларини сотадиган янги бозорлар қидириш билан белгиланади. Шу билан бирга улар ҳар сафар мана шундай «ёрдам» эвазига бу мамлакатларга моҳият эътибори билан уларни янада қарам қилиб қўядиган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий шартларни тикиштирмоқдалар.

Социалистик мамлакатларнинг ривожланаётган давлатларга бераётган ёрдами ўз характери ва мақсадлари билан капитализм мамлакатлари бераётган «ёрдам»дан мутлақо фарқ қилади. Социалистик мамлакатларнинг озодликка чиққан халқларга бераётган ёрдами ёш давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг сиёсий оинини ўстириш ва уларнинг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлса, империалист давлатларнинг «ёрдами» бу мамлакатларни асоратга солиш, улардан фойда ундириб олиш, демократик эркинликларни бўғиш, реакцион кучларни боқиб семиртириш, меҳнаткашлар оmmasини қашшоқлик ва нодонликдан чиқармаслик мақсадини кўзлайди. Социалистик мамлакатлар ривожланаётган давлатларга ёрдам бериб, шу тариқа халқлар ўртасидаги қардонларча дўстликни мустаҳкамламоқдалар, империалистлар эса халқларни пароканда қилиш йўлини ўтказмоқдалар, улар ўртасига адоват ва душманлик уруғларини сочмоқдалар.

Социалистик давлатларнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан кенгайиб бораётган иқтисодий ҳамкорлиги империалист давлатларнинг монополиясини путурдан кетказмоқда, империалистларнинг собиқ мустамлакалар ва қарам мамлакатларни қамал қилиш ҳамда уларга иқтисодий зўрлик кўрсатиш йўлидаги уринишларини чинпақка чиқармоқда. Бизнинг давримизда ҳар бир, ҳатто кичик мамлакат ҳам ўзининг ички ресурсларидан имкони борича яхшироқ фойдаланса ва социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилса, империалистларнинг зўравонлигига, уларнинг ёш миллий давлатларни иқтисодий жиҳатдан бўғиб ташлаш йўлида қилаётган уринишларига қарши туриш имкониятига эга бўлади.

Социалистик давлатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги шу мамлакатлар мустақил миллий экономикасини юксалтиришга ёрдам

бермоқда, уларни индустриялашга, сийсий мустақилликни мустаҳкамлашга ва иқтисодий мустақилликка эришишга кўмаклашмоқда.

Ривожланаётган давлатларнинг миллий экономикасини ривожлантириш, мавжуд табиий бойликлар негизда sanoatни барпо этиш орқали уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Айни шу соҳада улар кўпроқ ёрдам ва мададга муҳтождирлар. Шу сабабли Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар мазкур давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда, аввало, уларнинг ўз sanoatини вужудга келтириш зарурлигини эътиборга олмоқдалар.

Ҳозирги вақтда УНЕКга аъзо бўлган мамлакатлар Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 78 та мустақил давлатга ўзаро манфаатли шартлар билан ҳар томонлама иқтисодий ва техникавий ёрдам бермоқдалар. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг иштироки билан уларда 2685 та sanoat объекти ва бошқа объектлар ишга туширилди, 875 та корхона қўрилмоқда ёки қўрилиш учун мўлжаллаб қўйилган. УНЕК мамлакатларининг олий ўқув юрталари ва техникумларида бу давлатлар учун 43 минг мутахассис тайёрланди. Ривожланаётган мамлакатлардан келган граждoнлар учун УНЕКнинг махсус стипендия фонди тузилган.

Ёш давлатларнинг миллий экономикасини ривожлантиришга, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга Совет Иттифоқи айниқса катта ҳисса қўшмоқда. Мустақиллик ва ярим мустақиллик кўрсаткичларини улоқтириб ташлаган халқлар билан қардошларча иттифоқ, дўстлик ва ҳамкорликни партиямиз, Совет давлати ўз халқаро сиёсатининг энг муҳим негизларидан бири деб ҳисоблайди.

КПСС XXV съезди материалларида «СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан узоқ муддатли, барқарор ва ўзаро фойдали асосдаги иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу мамлакатларнинг миллий экономикасини ривожлантиришга ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, уларнинг илмий-техникавий қудрати ўсишига кўмаклаш»¹ зарурлиги уқтириб ўтилди.

Партиянинг мана шу программавий кўрсатмаси Ленин

¹ КПСС XXV съездининг материаллари. Т. «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 315-бет.

васиятларига тўла-тўғис мос бўлиб тушади. 1919 йилдаёқ Советларнинг Бутун Россия VII съезди В. И. Лениннинг ташаббуси ва интироки билан эзилган миллатларга махсус мурожаат қабул қилиб, унда Россия инчилари ва деҳқонлари бу миллатларга ҳам маънавий, ҳам моддий мадад беришга тайёр эканликларини пзҳор этди.

Лениннинг илгари эзилиб келган миллатларга ёрдамни ҳар томовлама кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалари пзиллик билан турмушга татбиқ этилмоқда. Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги йил сайин кенгайиб, мустақамланиб бормоқда. 1955 йилда мамлакатимиз 18 та ривожланаётган давлат билан муштазам савдо-иқтисодий муносабат боғлаб турган бўлса, 70-йилларнинг иккинчи ярми бошланган пайтда Совет Иттифоқининг 55 та ривожланаётган мамлакат билан иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги узоқ муддатли ҳукуматлараро битимлари бор эди. Ҳиндистон, Эрон, Жапон, Афғонистон сингари мамлакатлар билан ҳамкорлик масалалари юзасидан диний икки томонлама аралаш комиссиялар ишлаб турибди.

СССРнинг ривожланаётган мамлакатлар билан ташқи савдо обороти 1946 йилдан 1978 йилгача амалдаги нархларда 80 баравар, таққослама нархларда эса 50 баравардан зиёд кўнайди. Совет Иттифоқи ривожланаётган мамлакатлар айниқса муҳтож бўлган машина ва ускуналарни уларга кўп миқдорда етказиб бермоқда. Совет Иттифоқи ўз навбатида шу мамлакатлардан (одатдаги савдосотиқ операциялари натижасида ҳам, шунингдек уларга берилган қарз тўловлари тарзида ҳам) ўзимиз учун зарур бўлган кўп миқдордаги кенг истеъмол моллари, озик-овқат, хом ашё олиб турибди.

СССР геология-разведка ва лойиҳа-қидирув ишларини бажаришда қатнашиб, комплект асбоб-ускуналар етказиб бериб, корхоналар қурилишида техникавий раҳбарликни таъминлаб, енгил шартлар билан қарз бериб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда ва шу каби соҳаларда кўмаклашиб, ривожланаётган мамлакатларга катта иқтисодий ва техникавий ёрдам бериб келди ва бермоқда. 1977 йилнинг бошларида шу мамлакатларда СССР кўмаги билан жами бўлиб 998 та объект қурилаётган эди, уларнинг ярмидан кўпроғи қуриб битказилиб, ишга тушириб юборилган эди; улар орасида Ҳиндистондаги Бхилай ва Бокаро металлургия комбинатлари, Суриядаги Фрот ГЭСи ва сугориш системаси каби

энг юксак техникавий савиядаги катта-катта объектлар бор.

Мана шуларнинг ҳаммаси ривожланаётган давлатларга ўз экономикасини мустақамлашда, янги турмуш барпо этиш вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал этишда ёрдам беради. Мана шуларнинг ҳаммаси эрксевар халқларни бир-бирига яқинлаштиради ва жишелаштиради, уларнинг кучларини империализмга қарши кураш ва пролетар интернационализмга байроғи остида бирлаштиради. Буларнинг ҳаммаси инсоният тараққиётининг жонкуяри бўлмиш Совет Иттифоқининг халқаро обрў-эътиборини оширади.

Ҳозир дунёдаги барча софист кишилар коммунизм бунёд этаётган Советлар мамлакатига умид кўзи билан қараб турибдилар. Улар ўзларининг энг порлоқ орзумидларини Советлар мамлакатига билан боғламоқдалар. Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Революцион ҳукуматининг бош вазири ўртоқ Фидель Кастро уларнинг Совет Иттифоқи тўғрисидаги фикрларини жуда яхши ифодалаб берди. У ўзининг КПСС XXV съездида сўзлаган нутқида бундай деди: «Совет Иттифоқи бўлмаганда эди, ҳозир кичик давлатлар эришган мустақилликни ҳам, халқларнинг табиий бойликларини ўз назорати остига олиш йўлидаги муваффақиятли курашларини ҳам тасаввур этиб бўлмас эди... Совет давлатига асос солинган пайтдан бери хоҳ Европа, Осиё, Африкада бўлсин, хоҳ Латин Америкасида бўлсин, ҳар бир курашаётган халқ худди бизнинг халқимиз каби совет коммунистларининг мададкорлиги ва бирдамлигига умид боғлай олди. Миннатдор қалблар уриб турган ҳамма жойда, адолат ва етлол ақл-идрок туйғуси яшаб турган ҳамма жойда бу нарса унут бўлмайди».¹

Бугунги кунда тарихнинг бурилиш нуқталарида текширувдан ва синовдан ўтган қардонлик ва дўстлик Совет Иттифоқини, бутун социалистик ҳамдўстликни Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг қудратли миллий озодлик ҳаракати билан боғлаб турибди. Бу — Ленин бояларининг буюк таптанасидир, Ленин васиятлари мангу барҳаётлигининг тимсолидир.

¹ «КПСС XXV съезди». Стенографик ҳисобот. М. Сийёсий адабиёт нашриёти, 1976, 1-том, 194—195-бетлар.

БИРЛИК ЕНГАДИ

Биз Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари миллий-озодлик кураши тарихидаги катта воқеаларнинг гувоҳлари ва шитирокчиларимиз. Бу қитъаларда янги турмуш бунёд этишнинг шитобли жараёни давом этмоқда. Мустақлақачилик ва прқчилиқнинг охириги қолдиқлари ер юзидан суиуриб ташлақадиган кун узок эмас.

Бироқ, ёски дунё ўз позицияларини осонгина топширинини истамайди. АҚШ импернализми бошчилигидаги монополиястик капитал Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларини ёзиш ва ёксплуатация қилиш системасини сақлаб қолишга зўр бериб уринмоқда.

Имперналист давлатлар озодликка ёришган мустақил давлатларнинг ишларига доимо аралашмоқдалар, ўзларининг тазинқ ўтказиш, дўқ-нўниса, ғаламислик ва ҳатто ҳарбий интервенция сиёсати тигини шу давлатларга қарши қаратмоқдалар. Уларнинг прогрессив йўлдан ривожланишга тўқилиш қилиш учун ички ишларига аралашмоқдалар. Ўз монополияларининг ғаразли манфаатларини таъминлаш ёки ҳарбий-стратегик режаларини амалга оширини учун бу давлатларнинг суверенитетини кемирмоқдалар.

Бундай аралашув, Чилида бўлганидек, қонли зўравонликка ва халқларнинг ҳуқуқларини оёқости қилишга олиб бормоқда, бу мамлакатда имперналистлар ҳарбий мустабид режим ўриатишга, итоатгўйи қўғирчоқларни ҳоқиямнат тенасига чиқариб қўйишга ва уларнинг ёрдами билан ўз позицияларини бирмунча вақт қўлдан бермай туришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ, бу аралашув ошкора ташқи агрессия шаклида ҳам амалга оширилмоқда. Ўттиз йилдан ортинқ вақтдан бери АҚШ ҳукмрон доираларининг ва бошқа имперналист давлатларининг доимий мададидан фойдаланаётган исроиллик экстремистлар фаластинликларнинг ва қўшини араб халқларининг ҳуқуқларини сурбетларча поймол этиб келмоқдалар. Фаластинлик арабларга қаршли ерларни ҳамда Сурня, Нордания ва Миср территориясининг бир қисминини босиб олган Исроил арабларга несбатан террор ва зўрлик сиёсатинини ўтказиб, уларнинг уйларини вайрон қилмоқда, киндик қони тўкилган ерларидан ҳайдаб чиқармоқда, босиб олинган ерларни ўзлаштириб, ҳарбийлаштирилган манзилгоҳлар қурмоқда. Қўшма Штатларга ёса Исроил Америка нефть монополияларининг Яқин Шарқдаги манфаатларини қўриқловчи кўппак сифатида керак.

Империалист доиралар дунёнинг шу районидаги ўз позицияларини қўлдан бермасликка ниҳтилар эканлар, баъзи бир араб мамлакатларининг реакцион ҳукмдорлари орасидан ҳам таянч топишмоқдалар. Садат қабилидаги реакционерларни миллий-озодлик кураши давомидаги илгор ўзгартиришлар чўчитмоқда: Садат шундай ўзгаришлар йўлидан боришдан кўра хиёнаткорликка рози бўлишни афзал кўрди. Ниҳоят, ҳокимият тенасига чиқиб олгач, Мисрнинг марҳум президенти Носир ўтказиб келган империализмга қарши прогрессив йўлни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу нарса социалистик йўлдан ҳақиқатда воз кетишда, ажнабий капиталнинг Миср экономикасида хўжайинлик қилишига имкон бериб қўйган «очиқ эшик» сиёсатини амалга оширишда, йирик буржуазиянинг позицияларини мустаҳкамлашда, меҳнаткашлар оммасининг аҳволини ёмонлаштиришда ўз ифодасини топди. Ташқи сиёсатда бу нарса социалистик мамлакатлар ва прогрессив араб давлатлари билан ҳамкорлик қилиш йўлидан қайтишда, араб халқларининг миллий-озодлик курашига хиёнат қилишда, улардан ниҳон тутиб Америка империализми ва Исроил сионист раҳбарлари билан тил бириктиришда намоён бўлди.

Араблар Садатнинг Бегни билан тузган манъум сепарат битимини рад қилмоқдалар, бу битим Яқин Шарқ халқларининг ҳаётини манфаатларини чайқов бозорига солишдан бошқа нарса эмас.

Садат режимининг АҚШ ҳукмрон доиралари воситачилигида Исроил билан тузган таслимчилик битими Яқин Шарқдаги тангликнинг туб муаммоларини асло ҳал этмайди, балки, шу региондаги кескинликни кучайтиради.

Ер курашидаги тараққийларвар кучлар Яқин Шарқда ҳақиқатан ҳам мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши учун курашмоқдалар, араб халқларининг ҳаққоний ҳуқуқларини, уларнинг Исроил агрессияси оқибатларини тугатини, империалистларнинг зўравонлигига қарши ва арабларнинг манфаатларини меинмай тузилган таслимчилик битимларига қарши курашини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар.

Империализм Африка жанубида, Тинч океан, Кариб денгизи ҳавзаларида ва дунёнинг баъзи бир бошқа районларида қолган-қутган мустамлакаларни бўйинтуруқда ушлаб туришга ниҳитилмоқда.

Мустамлакачилик Африка қитъасига жон-жаҳди билан ёпишиб олмақда. У ирқчилик хизматидан фой-

даланмоқда, Африка давлатларининг ишларига бевосита ва ниқобланган аралашувни ўзига қурол қилиб олмоқда.

Шу кунларда тараққийпарвар матбуот саҳифаларида Жанубий Африка Республикасидаги воқеалар тўғрисидаги хабарлар доимий равишда эълон қилиб турилибди. Бу мамлакатдаги учига чиққан прқчилик кучайиб бораётганлиги, у ерда амалга оширилаётган анартеид сиёсати бутун жаҳон жамоатчилигини газаблантирмоқда. Американик ва англиялик имперналистлар прқчиларга ҳомийлик қилиб, уларни сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар.

Жанубий Африка Республикасининг мустамлакасига айлантирилган Намибиянинг туб жой аҳолиси прқчиликка қарши, анартеид сиёсатига қарши, ўз озодлиги учун қатъият билан курашмоқда. Бу мамлакат халқи озодлик курашининг бой анъаналари бор. Готтентотлар ва гереролар неча йиллар давомида қўлда қурол билан ажнабий истилочларга қаршилик қилиб келганлар. Биринчи рус революцияси билан айни бир вақтда улар немис мустамлакачиларга қарши қудратли кўзголон кўтардилар. Эркесевар гереро қабиласи зolimларга қарши оташини қўшиқ айтиб жангга кирган эди, шу қўшиқ сўзларини Ленин ўзининг «Импернализмга оид дафтарлар»да мисол қилиб кўреатади.

«Гереролар диёри — кимнинг юрти?» — сўрашарди мард курашчилар ва ўзлари: «Гереролар диёри — бизнинг юртимиз», — деб жавоб қайтаршарди.

Шу кунларда гереролар қўшинини Африкадаги барча мамлакатларнинг халқлари бошқачароқ тарзда ифодалашлари мумкин. «Африка диёри — кимнинг юрти?» — деб сўрашмоқда бу халқлар. «Африка диёри — бизнинг юртимиз», дейишмоқда улар бутун дунё олдида фахрланиб. Зимбабве, Намибия ва Жанубий Африка Республикасининг халқлари шу сўзлар билан озодлик ва мустақиллик учун курашга отландилар.

АҚШ имперналистлари Лотин Америкасидаги озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашга интилмоқдалар, аммо музаффар Куба революцияси бу қитъадаги озодлик ҳаракатига жуда катта таъсир ўтказиб турибди. Қитъанинг баъзи мамлакатларида Америка Қўшма Штатларининг мадади билан ҳарбий-террорчилик диктатуралари ўрнатилди, консерватив кайфиятдаги ҳарбийларининг позициялари муस्ताҳкамланди.

Аммо, умуман, 70-йилларда миллий-озодлик ҳаракати

типнинг юксалганлиги бу ерда империализмни ўз позицияларини кетма-кет бой бершига мажбур этди. Иқтисодий мустақиллик учун муваффақиятли курашган Венесуэла нефть ва кон-руда саноатини давлат ихтиёрига олди. Панама ўз территориясидаги Америка йўлагини тугатиш ҳаракатларини бошлаб юборди. Ямайка, Барбадос, Тринидад, Тобаго, Гренада империализмга қарши позицияларга ўтдилар. Контрреволюция вақтинчалик устун бўлиб олган мамлакатларда олигархиянинг позицияларига янги ҳужум бошлаш учун кучлар қайтадан уюшмоқда. Иричилик авжига чиққан Қўшма Штатларнинг ўзида негрларнинг, индеецларнинг, пуэрто-рикатликларнинг ва бошқа қора танли аҳолининг ўз граждонлик ҳуқуқлари учун кураши тўхтовсиз давом этмоқда.

Собиқ мустамлакалар ва қарам мамлакатларнинг кўпчилиги қисми сиёсий суверенитетга эришган ҳозирги шароитда империализм бу мамлакатларни эксплуатация қилишнинг эски шаклларида энди фойдалана олмайди. Бироқ, империализм асоратга туширишнинг янги формаларини ишга солиб, ёш давлатлар гарданига аввалгисидан кўра оғирроқ «кўзга кўринмас» заъирларни солишга иштироқмоқда. Халқларни иқтисодий асоратга солишнинг янги мустамлакачилик моҳиятини ташкил этувчи мана шу системаси ишқобланган характерда эканлиги ҳам айниқса хатарлидир. Бу ерда империализм ёш давлатларнинг иқтисодий қолоқлигидан фойдаланиб, уларни жаҳон капиталистик хўжалигида қарамлик ҳолатига тушириб қўймоқда.

Шу мақсадга эришиш учун империалистлар турлитуман ва хилма-хил воситаларни яратдилар. НАТО билан боғланган ва империалист давлатлар назорати остида бўлган ҳар хил ҳарбий-сиёсий гуруҳлар; ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий характердаги тенг ҳуқуқли бўлмаган икки томонлама битимлар; ривожланаётган мамлакатларда ажнабий монополияларнинг мутлақ ҳокимиятини таъминлаш мақсадида шу мамлакатлар экономикасига тобора чуқур суқилиб кириш мана шулар жумласидандир.

Империалистлар озодликка эришган мамлакатларни ҳамон бой хом ашё хазинаси деб, капитал ундириш ва мол сотиш бозори деб, арзон ишчи кучи ва ўта кўп фойда олин манбаи деб билмоқдалар.

Империалистлар ўз умрлари тугаб қолаётганини сезиб, ўзларини омон сақлаб қолиш, мустамлака ер-мулкларини қўлдан бермаслик, озодликка чиққан давлатлардаги пози-

дияларини сақлаб қолиш, уларнинг тараққиётига ҳалокат бериш учун жазавога тушиб ҳаракат қилмоқдалар, турли-туман ҳийлакорликларни ўйлаб топмоқдалар, курашнинг энг макқорона методларини ишга солмоқдалар.

Айни шу босдан ҳам улар ўзларининг ёш давлатларга нисбатан тутаётган сиёсати империалист давлатларнинг манфаатлари билан ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини уйғун равишда бирга қўшади, деб даъво қилишга уринмоқдалар. Айни шунинг учун улар озодликка чиққан мамлакатлардаги ўз таъсирини кучайтириш социал базасини кенгайтиришга, у ердаги ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашнинг янги-янги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий воситаларини қидириб топишга интилмоқдалар. Айни шунинг учун ҳам улар молиявий-иқтисодий «ёрдамдан фойдаланмоқдалар, маҳаллий реакционерларга пора бериб, уларга таяниб, ҳарбий тўнтаришлар қилмоқдалар. Айни шу босдан ҳам улар алдамчилик, лўттибозлик қилмоқдалар, ёш давлатларнинг ўз дидларига ёқмаган раҳбарларини ўлдиришни ташкил этмоқдалар, миллий ва қабилавий адоватни авж олдирмоқдалар. Айни шунинг учун ҳам улар ўрни-таги бўлмаган «коммунистик хавф» билан халқларни чўчитмоқдалар, ошқора агрессия ҳаракатлари қилишга ўтмоқдалар.

Янги мустамлакачилик тузоғига илтиб қолган мамлакатларда миллий суверенитет, таниқли африкалик публицист Франц Фаннон ёзганидек, «пуч пўчоқ»қа айланиб қолмоқда. Бу мамлакатлардаги сотқин юқори табақа аслида Ғарб монополияларининг садақаси ҳисобига кун кўради. Шу мамлакатларда ҳаддан ташқари қашшоқлик бир ёқда-ю, қулоқ эшитмаган ҳашаматлар иккинчи ёқда яшай беради. Миллатлараро корпорациялар ёш давлатларни талаш, омманинг қашшоқланиши билан айни бунда вақтда юқори табақа тўхтовсиз бойиб бораётганлиги синфий можароларни кучайтирмоқда. «Иккинчи бор мустақиллик» олиш учун, иқтисодий ва социал озодлик учун кураш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Яқин ўтмишда Эфиопиядаги аҳвол мана шундай эди, ҳали яқиндагина Афғонистон ва Эронда мана шундай аҳвол ҳукм сураётган эди. Бироқ, империализмга қарши, феодализмга қарши революциялар сотқин реакцион режимларни ағдариб ташлади. Бу мамлакатлардаги миллий-озодлик ҳаракатининг энг асосий мазмуни энди миллий мустақилликни империализмдан ҳимоя қилишдан, иқтисодий мустақилликка эришишдан, асрий қолоқликни ту-

гатишдан, халқларнинг миллий озодлик реал самараларидан баҳраманда бўлишини таъминлашдан иборат.

Империализм қўшни давлатларда ҳам миллий-озодлик кураши бошланишидан қўрқмоқда ва воқеаларнинг боришини тескари буриб, дўқ қилиш, сиёсий ва иқтисодий зўравонлик ўтказиш стратегиясидан фойдаланимоқда. Мана шундай шароитда Совет Иттифоқи ва социалистик давлатлар мазкур мамлакатларга ёрдам ва мадад беришни ўз бурчлари деб билмоқдалар. 1917 йилда Ленин бундай деб ёзган эди: «1905 йилдаёқ Туркияда, Эронда, Хитойда революцияни келтириб чиқарган рус революцияси, агар у золимларга қарши, хонларга қарши, Туркиядан немисларни ҳайдаб чиқариш учун, Туркиядан, Эрондан, Хиндистондан, Мисрдан ва ҳоказолардан инглизларни ҳайдаб чиқариш учун мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлардаги ишчи ва деҳқонлар билан ҳақиқатан революцион иттифоқни амалга ошира бошласа эди, немис империалистларини ҳам, инглиз империалистларини ҳам жуда қийин аҳволга солиб қўяр эди»¹.

Жаҳон озодлик ҳаракатининг ривожланишида Ленин ишлаб чиққан умумий назарий хулосаларгина эмас, шу билан бирга унинг айрим мамлакатларга тааллуқли аниқ-равшан мулоҳазалари, хулосалари ҳам бизга доимо ёрдам бермоқда, бизни бойитмоқда. Ленининг илмий аниқ, пролетарча тўппа-тўғри ва эҳтиросли фикрлари — умумий назарияни вужудга келтириш учун шунчаки «материал», «виштчалар» эмас; назариянинг асоси бўлган бу фикрлар жуда замонавий бўлиб, гоят катта амалий аҳамиятга эгадир.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланган Совет — Эфиопия ва Совет — Афғонистон шартномалари бизнинг кунларимизда Ленининг дохиёна васиятлари рўёбга чиқиши, социализм мамлакатларининг ўз миллий ва социал озодлиги учун курашаётган халқлар билан бирдамлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Янги мустамлакачилар ўзларининг макрли мақсадлари йўлида турли-туман мафкуравий галамисликларни кенг миқёсда ишга солмоқдалар. Антикommунизм мана шу галамисликларда уларнинг энг асосий қуроли бўлиб қолди. Империалистлар шу қуролини ишга солиб, қолоқ халқларни қўрқитишга, миллий-озодлик ҳаракатини парчалаб, унинг кучларини пароканда қилиб ташлашга, озодликка чиққан мамлакатларининг социалистик давлатлар билан

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 32-том, 385-бет.

алоқалари мустаҳкамланишига ҳалақит беришга, уларнинг бирдамлиги ва ҳамкорлигига нутур етказишга интиломқдалар.

Бироқ, империалистлар ва уларнинг ҳар турли гумашталари дунёнинг янгилашни жараёнига тўсқинлик қилишга ва воқеаларнинг ривожини тескари буриб юборишга қанчалик уринмасинлар, улар миллий-озодлик ҳаракатларининг кучайиб бораётган тўлақинини тўхтатиб қолишга қодир эмаслар.

Империалистлар ва халқаро реакция қанча кўп жазавага тушсалар, ўз қаддини ростлаётган халқлар шунчалик активлашмоқдалар, улар ўз сафларини интернационал асосда янгилаштиришга, бирдамликка шу қалар кўпроқ ихлос қўймоқдалар. Халқлар озодлиги, мустақиллиги, тенглиги ва қардошлиги гоёлари енгилмасдир. Бу гоёлар ҳамма жойда ўзига йўл очиб бормоқда. Зотан, империалистлар бу гоёлар йўлини тўсишга беҳуда уринмоқдалар.

Халқларнинг озодлик ҳаракати олдида ҳозир мустамлакачиликни ва янги мустамлакачиликни тугатиш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўриатиб, шу тариқа барча мамлакатларнинг иқтисодий ва социал тараққиёти, кенг халқаро ҳамкорлик учун шарт-шароит яратиш, ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш, ҳар бир халқнинг ўз миллий бойликларини ўзи бемалол тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш ва бошқа бир қанча зарур шарт-шароитларни яратиш вазибалари турибди.

Ҳозир социалистик мамлакатлар, ер юзидаги барча тинчликсевар ва тараққийпарвар кучлар ўз озодлиги учун курашаётган халқлар билан ҳамдамдирлар. Эндиликда бутун дунё узра инсоният баҳори бошланганидан дарак берувчи буюк тозаловчи момақалдироқ гулдураб турибди. Империалистик зулмдан халос бўлган мамлакатларнинг халқлари ўз сафларини марксизм-ленинизм байроғи остида, Улуғ Октябрь байроғи остида, демократия ва социализм байроғи остида янгилаштираётганликлари диққатга сазовордир. Улар интернационал бирдамлик, қардошларча дўстлик алоқаларини мустаҳкамламоқдалар, ягона фронт бўлиб ўзларининг умумий душмани — империализмга ҳужум бошлашга интиломқдалар.

1967—1979 йиллар

РУС ХАЛҚИ БИЛАН АБАДИЙ БИРГАМИЗ

УЛУҒ ОҒАМИЗ

«Бизнинг Ўзбекистондаги учрашувлар, анжуманлар, ўзаро суҳбатларда рус халқини «улуғ», «улуғ оға» деб атайдилар. Бу сўзлар худди «салом», «ёруғлик», «Ваътан» сўзлари каби табиий ва сизқидилдан айтилади. Фақат ўзбеклар эмас, мамлакатимиздаги ҳамма қардош халқлар ҳам шундай дейдилар.

Биз бу сўзларни рус халқига инсбат бериб айтсак ҳам, ўзимиз учун гаширамиз, хушмуомала ва миннатдор бўлишдан кўра ҳам янада забардаст, янада метиндай мустаҳкам бўлиш учун айтамыз. Халқларнинг дўстлиги тарихий жараёнларда бузилмас ва абадий бўлиб қарор топди; бу дўстлик революция жанглари ва озодлик урушлари алаңасида чиниқди, коммунистик қурилишлардаги меҳнатда тобланди.

Биз рус халқини мамлакатимиздаги энг қўп сонли халқ бўлганлиги ва шундай бўлиб қолаётганлиги учун улағлаётганимиз йўқ. Бизнинг бу халққа ҳурмат-эҳтиромимиз манбан бунда эмас. Шу ўринда Виктор Гюгоннинг қўйидаги сўзлари беихтиёр эсга тушади: «Инсоннинг улуглиги унинг буй-баста билан ўлчанмагани каби халқнинг улуглиги ҳам асло унинг сони билан ўлчанмайди». Рус халқининг улуглиги аввало у қўп асрлик тарих мобайнида ўз зиммасига қандай масъулият олганлиги билан ва у ер юзида инсон бахт-саодати учун нималар қилганлиги билан ўлчанади. Бениҳоя шафқатсиз эксплуатация, ажнабий истилочиларнинг ҳаммаёқин ваёрон қилган босқинлари оқибатида келиб чиққан машаққатлар ва маҳрумликлар рус халқини зулмга астойдил нафрат билан қарайдиган, озодликка бениҳоя ташна қилиб тарбиялади.

Кучли душманларнинг зарбаларига рус халқичалик қўп дуч келган бошқа халқлар қанча топиларкин? Мўғул хонлари ва швед баронлари, немис «кўппак рицарлари» ва Наполеон «улуғ армияси»нинг сараланган қўшинлари — яна қанча-қанчалари турли даврларда рус халқини асоратга солишга уриниб кўрдилар, ammo бу уринишлар

хеч қатон муваффақиятли бўлиб чиқмади. Рус халқи ҳатто вақтинчалик муваффақиятсизликларга учраган кезларда ҳам у фавқуллоҳда зўр матонат ва мардлик кўрсатди, галабага доимо ишонди ва пировард натижада душманни тор-мор этишга ва ўз диёрини озод қилишга эришаверди. Ватанга муҳаббат, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳар қандай қурбонлар ва маҳрумликлардан қайтмаслик ҳамيشа рус халқининг ўзига хос хусусияти бўлиб келди.

Оғир синов замонларида халқ ўз орасидан ажойиб ҳарбий бошлиқ саркардаларни етиштириб берди. Александр Невский ва Дмитрий Донской, Кузьма Минин ва Дмитрий Пожарский, Александр Суворов ва Михаил Кутузовлар ҳарбий маҳорат, мардлик ва ўз Ватанига астойдил садоқатнинг сўнмас тимсоли бўлиб халқ хотирида абадий сақланиб қолади. Рус халқи бошига тушган кўндан-кўн урушларда душманни енгини учун жонини аямай жанг қилган қанчадан-қанча довиорак қаҳрамонлар етишиб чиқди. Иван Сусанин, Василиса Кожина сингари кўнгина фидойи деҳқонларнинг номлари мамлакат тарихининг энг фожияли кунларида уни омон асраб қолган халқ қаҳрамонлигининг рамзидир. Афеуски, революциядан аввалги тарихий адабиёт бундай номларни кам сақлаб қолган. Бунинг синфий сабаблари совет кишиларига маълум. Бироқ, солдат шинелини кийган ўша оддий рус қивиниси Бородино майдонида ва Севастополь истеҳкомларида жон олиб-жон бериб жанг қилган, она диёр озодлиги ва шон-шарафини кўкрак кериб ҳимоя қилган эди.

Ўз мамлакатининг ор-номуси ва шон-шарафи деб жасорат кўрсатиш — унинг миллий фазилатидир. Рус халқининг бошқа халқлар учун қилган яхшиликларида унинг жасорати тўла-тўқис намоён бўлади.

Рус халқи ўзининг фидокорона кураши билан Европа ва Осиёдаги кўп халқларни неча марталаб асоратдан сақлаб қолганлиги унинг мангу унутилмас хизматидир. Унинг қонхўр Боту галаларига зўр бериб кўрсатган қаршилиги мўғулларнинг Ғарбий Европага туширмоқчи бўлган зарбини заифлаштирди ва уларни Ғарбий Европани босиб олишдан бош тортишга мажбур этди. Украин халқининг Богдан Хмельницкий раҳбарлигидаги озодлик уруши даврида унга берилган иқтисодий, сийёсий ва ҳарбий ёрдам Украинани султонлар Туркляси, хонлар Қрими ва шляхталар Польшаси асоратига тушиб қолишдан омон асради. Бородинода французларга кўрсатилган мардона қарши-

лик ва шундан кейин рус армиясининг Европага қилган юриши, Италия, Германия, Австрия, Бельгия халқларини Наполеон истибдодидан халос қилди. АҚШ даги граждандан уруш вақтида негрларни озод қилиш курашчиларининг сафларида руслар ҳам бор эди: руслар кубаникларининг ўтган аср охиридаги озодлик қўзғололида қатнашдилар; рус демократлари ва революционерлари Гарибальдин армиясида ва Париж коммунаси баррикадаларида жанг қилдилар.

Болгариянинг Туркия зулмидан озод қилиниши руслар шухратига абадий ёдгорлик бўлди.

Россияда подшо ва помещиклар ҳукмрон бўлишига қарамай кўн халқлар ажнабийлар зулмидан озод қилинганлиги уларнинг шундан кейинги иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти учун, уларнинг рус меҳнаткаш халқига нисбатан қардошларча туйғулари мустаҳкамланиши учун объектив жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга бўлди, зеро, меҳнаткаш рус халқининг олижаноб кураши Россия самодержавнеси билан эксплуататор синфларининг босқинчилик сиёсатиغا мутлақо алоқадор эмас эди.

Рус халқининг эркесварлиги ажнабий босқинчиларга қарши курашдагина эмас, шу билан бирга ички синфий душманларга — самодержавнега, помещикларга ва капиталистларга қарши курашда ҳам бениҳоя зўр куч билан намоён бўлди. Аслида, Россия тарихи рус халқининг ва мамлакатдаги бошқа мазлум халқларнинг эксплуататорларга қарши ҳеч қачон тўхтамаган кураши тарихидан иборат, бу кураш неча марта лаб қудратли қўзғололга айланиб, тож тахтини ларзага келтирган эди.

Иван Болотников, Степан Разин, Емельян Пугачев бошчилигидаги деҳқон урушлари мана шундай бўлган эди. Бу қўзғололларда мазлум халқларининг фарзандлари рус халқи билан ҳамдам бўлганликлари диққатга сазовордир. Шу тариқа рус халқининг манфаатлари чоризм томонидан эзилган халқларининг манфаатлари билан объектив равишда қўшилиб бораверди, марказда ҳам, жойларда ҳам самодержавнега, помещикларга ва бой-боёнларга қарши умумий кураш fronti вужудга келаверди.

Рус халқи яратган ва чишдан ҳам жаҳон маданиятининг олтин фонди бўлиб қолган маданиятда ҳам шу халқининг улуглиги намоён бўлди. Андрей Рублев ва Иван Федоров, М. В. Ломоносов ва А. Н. Радищев, А. С. Пушкин ва М. И. Глинка, Н. В. Гоголь ва М. Ю. Лермонтов, И. С. Тургенев ва И. Е. Репин, Л. Н. Толстой ва Д. Н. Мендел-

деев, А. П. Чехов ва Н. П. Семенов-Тяньшанский, А. М. Горький ва Ф. И. Шаляпин, В. В. Маяковский ва И. В. Курчатов, М. Н. Ермолова ва К. С. Станиславский, М. А. Шолохов ва Д. Д. Шостакович ҳамда бошқа кўпдан-кўп рус ва жаҳон адабиёти намояндаларининг номини тилга олиш кифоя қилади.

Ҳали яқин ўтмишда Россиянинг улуғ фарзандлари ўз асарларида шафқатсиз эксплуатация қишанлари остида пиграб ўтган ўз мамлакатини зўр куч билан тасвирлаб, уни озод қилишга эҳтирос билан даъват қилган эдилар. А. И. Радищевнинг «Петербургдан Москвага саёҳат», А. С. Пушкиннинг «Горюхин қишлоғи воқеаси», Н. А. Некрасовнинг «Русияда ким яхши янайди», Г. И. Успенскийнинг «Чоракта от», М. Е. Салтиков-Шчедриннинг ва бошқа кўнгилна сўз санъаткорларининг асарлари халқ гам-гуссасининг, рус халқи жаҳолат ва ҳуқуқсизлик азобини тортаётганининг ҳаяжонли солномаларидир. В. И. Ленин рус адабиёти энг яхши асарларининг креностникликка қарши демократик руҳини юксак баҳолаб, унинг жаҳоншумул аҳамиятини неча марта лаб таъкидлаганини биламиз.

Рус халқи декабристларнинг, улуғ революцион демократлар В. Г. Белинский, А. И. Герцен, П. Г. Чернышевский ва Н. А. Добролюбовларнинг чоризмга ва креностникликка қарши қаҳрамонона ва фидокорона кураши билан ҳақли равишда фахрланади.

Революцион демократлар Россия халқларини самодержавиега қарши курашга оташин даъват қилдилар. Улар рус халқини монархия билан айнан бир деб билишга қарши кескин норозилик изҳор этдилар, подшонинг миллий зулм ва адоват сиёсатини шафқатсизларча фош этдилар.

Улар рус халқининг ва Россиядаги бошқа халқларнинг келгусидаги бахтли истиқболни ҳам олдиндан кўрдилар: Герцен 1853 йилдаёқ: «Зўравонликка асосланган бирлик замирида эркин бирлик кўриниб турибди...» деган башоратга тўлиқ сўзларни ёзди.

Тарих саҳнасида рус ишчилар синфи пайдо бўлини билан рус халқининг халоскорлик миссияси янги поғонага кўтарилди. Бу синфнинг эксплуататорларга қарши дастлабки жанглириёқ К. Маркс билан Ф. Энгельсга қойил қолдирди. 1881 йил бошларида улар, «олис Петербургда, гарчи узоқ давом этадиган шиддатли курашда кейин бўлса ҳам, пировард натижада Россия Коммунасини барпо этишга муқаррар олиб бориши лозим бўлган

воқеалар рўй берадиган»¹ вақт яқинлашиб қолганини тўғрисида ёздилар.

Рус революционерларининг фаолияти, уларнинг пролетар партиясини тузиш муддаси илмий коммунизм асосчиларининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Ф. Энгельс «Меҳнатни озод қилиш» группасининг аҳамиятини тавсифлаб, 1885 йил апрелда бундай деб ёзди: «...рус ёшлари орасида Маркенинг буюк иқтисодий ва тарихий назарияларини сиқидилдан ва ҳеч писандасиз қабул қилиб олган ҳамда ўз салафларининг барча анархистлик ва бирмунча славянофиллик анъаналари билан алоқани қатъиян узган партия маъжудлиги билан фахрланаман. Маркс ҳам узоқроқ яшаганида, бу билан фахрланган бўлур эди. Бу — Россиядаги революцион ҳаракатни ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўладиган силжишдир»². Ф. Энгельс анчагина қариб қолган пайтда, 1893 йилнинг кузида Россия «улуг ва юксак истеъдодли халқи»³ нинг ҳаётний кучига ва унинг революцион истиқболларига баёнотомуз баҳо берди.

Мана шу истиқбол ҳақиқатга айланди. Рус халқи К. Маркс билан Ф. Энгельс ишининг дохиёна давомчиси — Владимир Ильич Ленинни жаҳонга етиштириб берди. В. И. Ленин раҳбарлигида Россия ишчилар синфи янги тиндаги дунёда биринчи пролетар революцион партиясини яратди. Шу партия раҳнамолигида Россия халқлари уч революция алаңаси оша ўтиб, планетамизда биринчи марта эксплуатация заنجирларини парчалаб, йўқ қилиб ташладилар, социализмни барпо этдилар, бутун инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиши учун асос солдилар. Мана шу жаҳоншумул-тарихий ишлар ва ўзгартишларда рус ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари бош ролни ўйнадилар.

В. И. Ленин ўз халқини сиқидилдан, самимий ва жонгани билан севар эди, рус пролетариатининг ақл-заковати ва революцион куч-гайратига астойдил ишонар эди. 1894 йилдаёқ, Россияни самодержавие тушининг зулмати қоплаб турган бир пайтда Владимир Ильич: «Рус ИШЧИСИ барча демократик элементларга бош бўлиб кўтарилиб чиқиб, абсолютизмни ағдаради ва РУС ПРОЛЕТАРИАТИНИ (БАРЧА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ пролетариати би-

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган хатлар, М., Давлат сиёсий адабиёт нашриёти, 1953, 348-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, М., 36-том, 260-бет.

³ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 39-том, 129-бет.

лан ёнма-ён туриб) *тўғридан-тўғри очиқ сиёсий кураш йўли билан* РОЛИБОНА КОММУНИСТИК РЕВОЛЮЦИЯГА олиб боради»¹, деб олдиндан кўрган эди.

Бироқ, Лениндаги ўз халқига муҳаббат, унинг ақл-заковатига ва буюк халоскорлик кучига ишонч миллий худбинликка ва сохта ватанпарварликка мутлақо алоқадор эмас эди. Владимир Ильич бениҳоя зўр интернационалист бўлган эди. У ҳар қандай миллий мумтозликка қарши кўрашар экан, «бирон-бир тарздаги ватанпарварона шовинизм пайдо бўлишини истисно қиладиган ва қайси миллатдан чиқмасин, пролетар ҳаракатидаги ҳар қандай янги қадамни шодиёна табриклайдиган чин интернационал руҳни сақлаб қолиш»²га даъват этган Ф. Энгельснинг гоёеига мудом амал қилиб келди.

В. И. Ленин айни шундай иш тутди. У РСДРПнинг I съезди партиямизни рус ишчи партияси деб эмас, рус ишчи союзи деб эмас, балки Россия социал-демократик ишчи партияси деб атаганлиги ҳамда бу партия ўз сафларида барча миллат пролетариатининг авангардини бирлаштириши ва умуман ишчилар синфининг қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, туб манфаатларини ифодалаши лозимлиги фактини юксак баҳолади. Большевиклар партияси барно этилганининг ўзини ҳам Владимир Ильич пролетариатнинг интернационал жасорати деб ҳисоблади. Россия ишчилар синфининг гули ўзининг жанговар авангардини вужудга келтирди, деб Владимир Ильич неча марталаб таъкидлаган эди. Бу гул руслар, украинлар, грузинлар, арманлар, поляклар, яҳудийлар, латишлардан ва бошқа миллатларга мансуб ишчилардан иборат бўлган эди.

Гарбий Европанинг социал-демократик партиялари ўзларининг жанговарлик руҳидан маҳрум бўлган ва оппортунистлар раҳбарлиги остига ўтгач, келишувчилик ботқоғига тобора кўпроқ ботиб борган бир пайтда Ленин ва унинг сафдошлари тузган большевиклар партияси ишчилар синфига бош бўлиб, уни самодержавнега ва капитализмга қарши жангга бошлади. Большевикизм халқаро ишчилар ҳаракатидаги энг революцион ва изчил марксистик йўналиш бўлди, Россияда тугилган большевиклар партияси эса ер куррасидаги барча мамлакатлар ёш коммунистик партиялари учун пролетариатнинг сиёсий йўл-бошчиси намунасига айланди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 1-том, 348-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, М., 18-том, 500-бет.

1905—1907 йиллардаги революция рус халқи тарихига шойли саҳифа бўлиб ёзилди. Бу революция халқаро ишчилар ҳаракатидаги энг катта воқеа бўлди ва капиталистик мамлакатлар меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари йўлидаги курашига, мустамлака ва ярим мустамлакалардаги халқларнинг миллий озодлик ҳаракати юксалишига жуда катта таъсир ўтказди. Ғарбий Европа мамлакатларидаги ишчилар ҳаракати вақтинча пасайган шароитда бошланган 1905 йил революцияси рус ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари ҳаракатида революцион куч-гайратнинг нақадар битмас-туганмас манбаи яширилиб ётганини кўрсатди. Бу революция «синфий сулҳ» ғоясини ҳимоя қилган II Интернационал охиригача қаттиқ зарба берди ва В. И. Ленин ибораси билан айтганда, Улуг Октябрь социалистик революциясининг «бош ренетицияси» бўлди.

Дунёдаги энг улугвор Октябрь революциясининг ғалабасида, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда рус ишчилари билан деҳқонлари ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар граждон уруши йилларида ташқи ва ички контрреволюцияни тор-мор этишда етакчи куч бўлдилар ва шу билан бирга собиқ Россия империясида яшовчи барча халқларнинг меҳнаткашларига ёрдам бердилар. Тенг ҳуқуқли ва суверен совет социалистик республикаларининг ихтиёрий иттифоқи бўлмиш СССРни барпо этишда, мамлакатимиз халқларининг миллий совет давлатчилигини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда ҳам рус халқи биринчи даражали хизмат қилди.

Улуг Ватон уруши йилларида гитлерчилар Германиясини ва империалистлар Япониясини тор-мор этишда рус халқи ўйнаган етакчилик роли унинг буюк жасорати бўлди. Рус халқи кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган уруш машаққатлари ва маҳрумликларини бартараф этиб, ўз руҳининг бардамлигини сақлаб қолди, Совет Иттифоқидаги барча қардош халқларни ўз теварагида ягона жанговар лагерга янада маҳкамроқ жипслаштирди. Советлар диёрини фашист босқинчилардан озод қилган СССР халқлари Европа ва Осиёда асоратга солинган халқларга ёрдамга бордилар, ўзларининг юз минглаб фарзандлари жони ва қони эвазига уларни фашистлар қуллигидан озод қилдилар. Шунинг натижасида Шарқий Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида пролетар революцияларининг ғалабаси учун, жаҳон социалистик системасини барпо этиш учун қулай шарт-шароит вужудга келди.

Рус халқи — мард ва довиорақ халқ, у халқ урушларида қаҳрамонлик ва матонатнинг беқиёс намуналарини кўрсатган. Аммо рус халқи — аввало тинчликсевар халқ, бунёдкор халқдир. У кўп марталаб очлик ва юпунликка чидаб, жонажон диёрини қултепалардан тиклади, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни зўр меҳнат билан қайта қурди. Ҳаммаёқни вайрон қилиб кетган мўғуллар босқинидан кейин шундай бўлган эди, 1812 йилдан сўнг шундай бўлган эди, граждан урушидан ва интервенциячилар ҳужумидан кейин шундай бўлган эди.

Урушдан аввалги беш йилликлар даврида совет халқи фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатди, шунинг натижасида мамлакатимиз қудратли индустриал-колхозлашган давлатга, ғолиб социализм мамлакатига айланди. Улуғ Ватан уруши тамом бўлгач, Советлар мамлакатигаги барча бошқа халқлар билан қардошларча ҳамдўстликдаги рус халқи социалистик Ватанимиз экономикасини қайта тиклашга ва тағни ҳам ривожлантиришга янада зўр ғайратшижоат билан киришди. Улуғ Ленин партияси раҳбарлигидаги Совет Иттифоқи халқлари ҳозир КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажаришда, коммунизм моддий-техника базасини барпо этишда янги-янги муваффақиятларга эришмоқда.

Табиатан тинчликсевар, аммо уруш йилларида баҳодир жангчи халқ ва бунёдкор халқ, меҳнаткаш халқ ва халоскор халқ, жаҳон эътироф этган ажойиб маданиятни яратган халқ бўлмиш рус халқи ҳақли равишда улуғ деб аталади. Шундай қилиб, «улуғ» ва «тўнғич оға» сўзларида шовинизмдан, миллий устуликдан заррача ҳам асар йўқ. Мана шундай иззат-иқром чинакам қардошларча бегараз ёрдам туфайли юзага келган. Бу сўзлар рус халқининг инчилари — барча эрксевар халқларнинг унга нисбатан миннатдорчилиги, меҳр-муҳаббати пфодасидир, унинг революция, жанг ва меҳнатдаги хизматлари эътирофидир.

АСРЛАР ДАВОМИДА

Рус халқининг бошқа халқлар тақдиридаги зўр тараққийпарварлик роли унинг Ўрта Осиё халқлари билан, шу жумладан, ўзбек халқи билан ўзаро муносабатлари мисолида равшан кўриниб турибди.

Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар асрлар бўйи таркиб топиб келган. Уларнинг илк чашмалари узоқ ўтмишга бориб тақа-

дади. Қадимий тарихий манбаларда, рус солномаларида, Шарқ ёзувчилари ва мутафаккирларининг асарларида Ўрта Осиёда славянларни азалдан билишлари, улар билан дўстлик алоқалари боғлаганликлари тўғрисида ёзиб қолдирганлар. Баъзан тасодифий характерда бўлган сиёсий ва иқтисодий алоқалар айрим даврларда бирмунча доимий тус олган. Территориал яқинлик ва кўп асрли ўзаро алоқа Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганидан кейин халқларнинг ўзаро яқинлашув жараёнини объектив равишда тайёрлаган шарт-шароитларни маълум даражада вужудга келтирди.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинишининг барча иқтисодий, социал ва маданий оқибатларини тадқиқ қилиш — мутахассисларнинг иши. Бу ўринда муаллиф шу тарихий воқеадан аввалги икки ҳолнигина қайд этиб ўтишни истайди. Биринчидан, Россиянинг Шарқ халқларига нисбатан маданият тарқатувчилик роли XIX асрнинг иккинчи ярмида анча кучайди ва бу нарса Россияда капитализмнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлди. Иккинчидан, Ўрта Осиё халқлари доимо инглизларнинг босиб олиши хавфи остида қолди. Башарти шундай бўлса, Туркистон Англиянинг, масалан, Ҳиндистон каби типик мустамлака мулкига айланган бўлур эди, бу эса ўз навбатида ўлканинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти сунъий равишда секинлашини, унинг халқлари Россиядаги қудратли революцион ҳаракатдан ажралиб қолишига олиб келган бўлур эди.

Хўш, инглиз «маданият тарқатувчилари» Ҳиндистон халқларига нима келтирдилар? XIX асрнинг сўнгги чораги мобайнидагина Ҳиндистонда 18 марта очарчилик рўй бериб, 16 миллион кишининг ёстигини қуритганини айтиш kifой.

Яқинда, Англия мустамлакачилик ҳукмронлигининг охирларида, 1943 йилда Бенгалиянинг бир ўзида 3,5 миллион киши нобуд бўлди. Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида буни мустамлакачиликнинг авжига чиққан босқичи деб атади. Бу даҳшатли очарчиликни, деб ёзди Неру, «табiiй офат, табиат кучларининг ўйини ва ҳарбий операциялар ёки душман қамали келтириб чиқаргани йўқ... Очарчиликни инсоннинг ўзи келтириб чиқарди... унинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик мумкин эди».

Ўрта Осиё халқлари Россия билан бирга эканликлари туфайли бундай қисматга дучор бўлмадилар, Маркс билан Энгельс 1882 йилда ёзганларидек, Россия «Европада-

ги революцион ҳаракатнинг илғор отряди»¹га айланган эди.

Россиянинг Шарқ мамлакатларига тараққийпарварлик таъсирини илмий коммунизм асосчилари таъкидлаб ўтган эдилар. Маркс билан Энгельс чор самодержавиясининг реакцион моҳиятини доимо, фош этиш билан бирга, рус халқи қалбидаги революцион куч-гайратни кўрсатиб берган эдилар. Чунончи, Ф. Энгельс 1851 йил 23 майда К. Марксга ёзган хатида Россиядаги чоризмга қарши халқ революцияси кучайиши эҳтимолни уқтириб, «Россия ҳақиқатаи ҳам Шарққа нисбатан тараққийпарварлик ролини ўйнамоқда... Россиянинг ҳукмронлиги Қора ва Қасий деиғизлари учун ҳамда Марказий Осиё учун маданият тарқатувчилик ролини ўйнамоқда...»² деб қайд этди.

Хўш, Россиянинг Ўрта Осиё халқларига нисбатан, айниқса у XIX асрнинг 60—90-йилларида қўшиб олинганидан кейин маданият тарқатувчилик, тараққийпарварлик роли конкрет нисмалардан иборат бўлди? Аввало Россия бу ерда капиталистик муносабатларни ривожлантиришга ва капитализмнинг жамийи қонли ва аянчли жиҳатларига қарамай, Туркистон ўлкасини иқтисодий жиҳатдан анча тез юксалтиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни ўстиришга, пролетариатнинг маҳаллий отряди, шу жумладан миллий пролетариат вужудга келишига кўмаклашди.

Туркистоннинг Россияга қўшиб олинishi шафқатсиз ва бемаъни ўзаро урушларга, жумладан, Қўқон билан Бухоро ўртасидаги мана шундай урушларга чек қўйди, қабилалараро жанжалларни ва феодалларнинг ўзбошимчилигини гарчи тугатмаган бўлса ҳам, маълум даражада чеклади. Ўз-ўзидан равшанки, ўзбек халқи (совет даврига келиб) ўз давлатига эга бўлгунча ва равнақ топувчи миллатга айлангунча ҳали узоқ кураш йўлини босиб ўтиши лозим бўлди.

Туркистон Россияга қўшиб олинishiнинг энг муҳим прогрессив аҳамияти шундан иборат бўлдики, чоризмнинг хоҳиш ва продасидан қатъий назар, Ўрта Осиё халқлари рус халқи билан, қудратли революцион куч бўлган рус ишчилар синфи билан алоқа боғладилар.

Ўз-ўзидан равшанки, Россияга қўшиб олинган (айрим жойларда ихтиёрий равишда, баъзи жойларда қурол кучи

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, Т., 97-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, М., 27-том, 241-бет.

билан қўшиб олинган) Туркистон Октябрь революцияси-га қадар ҳуқуқсиз ҳолатда қолаверди. Шундай бўлса ҳам, чоризмнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги билан, масалан, Британиянинг Ҳиндистондаги ҳокимлиги ўртасида жуда катта тафовут бор эди.

Ҳиндистонга келган ҳар бир инглиз ўзини кўндан-кўн қора танлиларнинг хўжайини деб ҳис қилар эди. Инглиз Ҳиндистонда офицер, амалдор, руҳоний, инженер бўлган, аммо ҳеч қачон деҳқон ёки оддий ишчи бўлмаган. У ҳаминша имтиёзли мавқеини эгаллаган ва доимо «оқ танли инсонга муносиб» ҳаёт кечирган. Зўр бериб ўтказилган тарғибот сабабли вужудга келган ирқий тўсиқ ҳукмрон миллат билан эзилган миллат намояндалари ўртасида бирон-бир кенг ва мустаҳкам алоқа ўрнатилишига йўл бермаган.

Мазкур ирқий тўсиқ шовинистик идеологиягина эмас, шу билан бирга моддий пойдеворга ҳам асосланганини қайд этиб ўтиш муҳимдир. Ган шундаки, инглиз буржуазияси мустамлакаларини шафқатсизларча талаш натижа-сида олган жуда катта фойда инглиз пролетариатининг «олний» табақаларини — «ишчи аристократияси» деб атал-ган табақаларини қўшимча хўрак билан таъминлаб туриш имконини берар эди. Айни шу вазият инглиз ишчилар синфининг революцион руҳини кескин пасайтирар эди.

Ф. Энгельс 1883 йил 30 августда А. Бебелга хатида «инглиз ишчиларининг... спёсий пассивлиги»¹ тўғрисида ёзган эди, В. И. Ленин эса «Штутгартда бўлган халқаро социалистик конгресс» (1907 йил, август) мақоласида «масалан, инглиз буржуазияси Ҳиндистон аҳолиси билан ва унинг бошқа мустамлакаларидаги ўн ва юз миллионларча аҳоли билан инглиз ишчиларидан оладиган даромадига қараганда кўпроқ даромад олмақда. Бундай шароитда маълум мамлакатларда у ёки бу мамлакат пролетариатини мустамлакачилик шовинизми билан заҳарлаш учун моддий ва иқтисодий негиз вужудга келади»², деб тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтди.

Чоризм Туркистонда бундай ирқий тўсиқни вужудга келтира олмади. Бу ерда ҳам ўлка қўшиб олингандан кейин тез орада туб жой аҳолининг тақдирига бенарво амалдорлар ва юлғич-товламачи савдогарлар пайдо бўлди, албатта. Бироқ, бу ерда рус камбағаллари кўплаб кўчиб келганлиги принципиал жиҳатдан муҳим бўлди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс: Асарлар, М., 36-том, 51-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар-тўплами, 16-том, 79—80-бетлар.

Чупончи, деҳқонлар қўзғолони бостирилгандан кейин кўнгина пугачевчилар Урал даштларидан жанубга қочиб, ўзбеклар орасида яшай бошладилар ва улар билан қўшилиб кетдилар. Омск, Тобольск, Семипалатинск архивлари шундан далолат беради.

Муҳтожлик азобидан, помещикларнинг дастидан, айрим жойларда эса, Чехов асарида тасвирланганидек, графларнинг олчазорларинигина эмас, рус мужикларининг ёўладан қурилган қулбаларини ҳам бузиб ташлаб, фабрика ва заводлар қуришга киришган лонахшиларнинг зулмидан қочган кишилар, ерсиз ғаллакорлар ва умуман батрақлар — руслар, украинлар ва белоруслар ўз отабоболари яшаб ўтган жойларни тарк этиб, бу ерга, жануб тарафга, подшо босиб олган «янги ўлкалар»га кела бошладилар, подшо ва «ўз» ноилари томонидан хонавайрон қилинган йўқсиллар бу ерга келиб, дини бошқа бўлса ҳам, тақдирини ўхшаш бўлган, ўзлари каби қашшоқ ўзбек, қирғиз ва тоjik деҳқонларни ёнига жойлашдилар. Рус миллатига мансуб батрақ ўлкада доимий яшаб қолиб ёки бир мавсум ишлаш учун бу ерга келиб, доимо маҳаллий бойлар ерида меҳнат қилди, шу жиҳатдан олганда у ўзбек деҳқонидан асло фарқ қилмади.

Пахта тозалаш заводларида ва обжувозларда, нефть конларида, темир йўлда рус пролетарлари туб жой аҳолининг намояндлари билан ёнма-ён ишладилар. Биргалликдаги меҳнат, жуда шафқатсиз эксплуатация маҳаллий миллат меҳнаткашлари учун ҳам, рус ишчи ва деҳқонлари учун ҳам бир хил бўлган сиёсий ҳуқуқсизлик умумий дунимага — самодержавиега, капиталистларга, помещикларга, қулоқларга, ҳам маҳаллий, ҳам рус бойларига қарши курашмоқ учун турли миллат меҳнаткашларининг дўстлиги ва бирлиги шаклланиб, мустақкамланишига, уларнинг жаиговар иттифоқи таркиб топишига олиб келди.

Шу муносабат билан самодержавиенинг Туркистонда миллий душманликни аланга олдирши йўлидаги уринишлари ҳам аслида натижасиз бўлиб чиқди. Оқ ташиinsonнинг «қора таши» ёки «ғайри жинс» кишилардан «устушлиги» гоёси рус ишчилари ва деҳқонларининг асосий оmmasига ёт бир нарса эди. Уларнинг самодержавиега қарши, помещикларга ва капиталистларга қарши революцион кураши аввал бошданоқ интернационал тус олди ва шу кураш давомида Россиянинг маркази ва чекка ўлкалари меҳнаткашларининг миллий отрядлари ўртасида ўртоқлик ва қардошлик муносабатлари тобора мустақкамлана борди.

Рус демократ зиёлиларининг фаолияти ҳам ўлкадаги революцион ҳаракатнинг ривожини учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди, улар орқали Ўрта Осиёда Герцен ва Белинскийнинг, Чернышевский ва Добролюбовнинг эрк-севарлик гоялари тарқала бошлади.

Подшо ҳукумати ўтган асрнинг 20 ва 30-йилларида эркинлик кучлари ва декабристлар ҳаракати тарафдорлари бўлган шоирларни Кавказга солдат ёки кичик офицер қилиб юборгани каби асрнинг иккинчи ярмида, реакция авжига чиққан бир пайтда рус революцион нардониклари, исёнкор студентлари, тараққийпарвар зиёлилари, профессионал революционерлари колонна-колонна қилиб Туркистонга юборила берди. Уларнинг кўплари армия хизматини ўтаб бўлганларидан кейин Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида доимий ўрнашиб қолиб, самодержавиега қарши кураш гояларини садоқат билан тарқатдилар.

XIX асрнинг 80-йиллари бошларида подшо томонидан сургун қилинган атоқли рус революционер, I Интернационал ижроия комитетининг аъзоси, Карл Маркснинг дўсти, «Капитал»ни биринчи бўлиб рус тилига таржима қилган Герман Александрович Лопатин бирмунча вақт Тошкентда яшайди. У Тошкентнинг тор кўчаларидан кун б-тар пайтда тизасингача чанга ботиб, «Спёсий тўғарак» мажлисига борар, унда бошқалар қатори маҳаллий демократлар олдига маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари учун кураш ва уни озодлик курашига жалб этиш вазифасини кўяр эди. Шу ерда, Тошкентда унинг «Халқ эрки» деган рус революцион ташкилотини мустаҳкамлаш режаси қиёмига етди ва Лондонда Маркс билан яна бир бор учрашишга ҳозирлик кўра бошлади. Лопатин сургундан қочди, аммо у Карл Маркснинг қадрдон хонадонинда орзиқиб кутган учрашувига муяссар бўлмади. Йасур революционер чегарадан ўтаётган кунин Маркс вафот этди.

Г. А. Лопатин Тошкентда турган пайтида «Чанг ва саломатлик» китобини инглиз тилидан рус тилига таржима қила бошлади. «Бу китоб сизларга ҳам асқотади»,— деди у ўз дўстлари, рус зиёлиларига, чунки уларнинг орасида врачлар ҳам бор эди. Буида у маҳаллий аҳолининг сиҳат-саломатлигини ва келажакни тўғрисида гамхўрлик қилишни ҳам назарда тутган эди, албатта.

Лопатиндан ўн йил аввал атоқли географ ва табиатшунос Алексей Павлович Федченко ва унинг хотини Ольга Александровна Туркистонда бўлган эдилар. Алек-

сей Павлович даҳшатли маҳаллий касаллик — ришта тарқатувчисини кашф этганида, у илмий ишларини бир-мунча вақт тўхтатиб қўйиб, «ўзбек тилига таржима қилиш ва ерли маҳаллий кишиларнинг йиғилишларида ўқиб бериш учун» шу дард, унинг тарқатувчиси тўғрисида, сувдан фойдаланиш ва турмуш гигиенаси ҳақида махсус оммавий мақолани зудлик билан ёзиб берди. Мақола ўша пайтда Тошкентда чиқиб турган бирдан-бир маҳаллий газетада дарҳол эълон қилинди.

Мен туғилиб ўсган Жиззах қишлоғида Федченко ришта дардига чалинган юртдошларини янги 1869 йилни кутиш тундида биринчи бор кўрган эди. Айтишларича, бу ердаги одамлар унинг мақоласини деярли ёддан билишарди, унинг номини аниқ айтиша олмаса ҳам, «катта рус табиби» дейишарди. Шу ернинг ўзида, Жиззах яқинида Ольга Александровна Федченко ўзбек қизи ҳарорат ичида куйиб-ёниб ётганини эшитган заҳоти дадил шу хонадонга кирган ва ўзини аямай, ўша қизнинг узилаётган жонини сақлаб қолган. Кейинчалик шу жасур рус аёли, ботаник олим ва рассом Ўрта Осиё бўйлаб сафар қилиб юрганида ўша пайтдаги ўзбек хонадонларининг хотин-қизлар яшайдиган ичкарисига кириб, уларга табиблик қилди, беморларни боқди, уларни ўлимдан сақлаб қолди, оилалардаги жанжалларни бостирди.

Юқумли касалликларга қарши курашда бутун-бутун қишлоқларни қирилиб кетишдан ҳимоя қилишга киришиб, фидокорона ҳаракат қилган номлари номаълум рус врачлари, санитарлари баъзан ўзлари ҳам ҳалок бўлиб кетдилар. Улар бурч туйғуси билан ва русларга хос сажийлик, олижаноблик билан иш кўрдилар. Романтик маънавий баркамол ва пок рус маърифатчилари ўзбек ҳамда бошқа Ўрта Осиё халқларининг келажаги ва гуллаб-яшнаши йўлида шахсий ҳузур-ҳаловатдан кечиб, ўзларини бутунлай эл ишига бағишладилар.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида рус зиёлиларининг қизи Мария Ивановна Шишова Петербургдаги олий медицина курсини муваффақиятли тамомлади. Унга Варшавада ишларини таклиф қилдилар. Унинг олдида Европанинг энг яхши университетларидан бирида илмий медицина иши билан шуғулланиб, зўр шуҳрат қозониш истиқболли очилди. Аммо Н. Г. Чернишевский ва бошқа революцион-демократларнинг олижаноб ғоялари руҳида тарбияланган бу аёл ўз тақдирини бошқача ҳал этди. У олис Фарғона водийсида врачлар йўқлигини ва кўнгини маҳаллий аҳоли врачлик ёрдами ололмай нобуд бўлаётганини эшитиб қол-

гач, ўз эрига: «Биз ўша ерга боришимиз керак», деб айтди. Унинг эри ҳам медек эди. Улар Туркистонга келиб, Қўқоннинг эски шаҳар қисмига жойлашдилар ва врачлик қила бошладилар. Неча марталаб уларнинг ўзлари юқумли касалликларга чалиниб, зўрга жон сақлаб қолдилар. Шахсий роҳат-фароғат ўрнига қийин ҳаётни танилаб олганликлари учун неча марталаб уларга таъна тошлари ёғдирилди. Аммо улар ўзларининг олижаноб ишларини давом эттиравердилар. Шишовларнинг номи Қўқондагина эмас, теvarак-атрофдаги ҳамма қишлоқларда ҳам миннатдорчилик билан тилга олинадиган бўлди.

Шишова халқ соғлигини сақлашга ўзининг олтмиш йилдан кўпроқ умрини бағишлади ва кейинги чорак аср мобайнида Тошкентнинг собиқ Эски шаҳарида врач бўлиб ишлаб, Улуғ Ватан урушидан кейин вафот этди. Минглаб эркак ва аёл ўзбеклар унинг тобути кетидан бордилар. Тошкентнинг Октябрь районидаги касалхоналардан бирига Шишова номи берилган.

Мана шу рус олимлари ва врачларининг икки оиласи — Федченколар билан Шишовлар яна қанчадан-қанча худди шундай табаррук зотлар қаторида турадиларки, ўзбек халқи улар билан бевосита кундалик муомала намунасида улуғ рус миллатининг кучи ва саховати, мардлиги ва олижаноблиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиб келди ва ҳосил қилмоқда.

Туркистонга келган илғор рус зиёлиларининг намоёндалари — врачлар, ўқитувчилар, агрономлар маҳаллий аҳоли билан муомалада бўлганларида унга астойдил меҳрибонлик қилибгина қолмай, ўз кучлари ва имкониятлари борича, мустамлакачилик режимининг қийин шароитларида бу халқнинг турмушини яхшилаш, савод тарқатиш, медицина хизматини йўлга қўйиш учун иложи бўлган ҳамма ишни қилишга интилдилар.

Агар ўзбеклар элининг оддий кишилари буни билиб, бу ҳақда фикр юрита олган бўлсалар, рус маърифатпарварларининг бошқа бир маънавий жасоратидан уларнинг хабари бўлмаган ва бу нарса кейинчаликгина маълум бўлган эди. Замонавий фан ва маърифатнинг юксак чўққиларига кўтарилган ўзбек зиёлилари буни унута олманликлари каби биз ҳам бу ҳақда гапирмай ўтолмаймиз. Бунда гап русларнинг ўзбек халқига ўз келажагинингиз эмас, балки ўз ўтмишини ҳам кўришда ҳал қилувчи тарзда ёрдам берганликлари устида бормоқда. Ҳа, Россия Ўрта Осиё халқларига уларнинг миллий ўтмишини қайтарди, ўзларини ўзлари яхшироқ таниб олишларига ёрдам берди.

Ўрта Осиё халқларидан бошқа халқлар ҳам шундай ёрдамдан баҳраманд бўлдилар!

Хўш, бунда жуда ҳам табиий ва тушунарли бўлган миллий иззат-нафсга тегиб кетадиган бирон маъно борми? Йўқ, бундай маъно мутлақо йўқ. Русларда: «Насл-насабинини эсламайдиган иванлар эмасмиз!» деган гап бор. Худди шунингдек, биз ҳам яхшиликни эсдан чиқарадиганлардан эмасмиз! Бундай одат бизда йўқ! Айни Россия жаҳон шарқшунослигида етакчи ўринлардан бирини олганлиги факт эмасми ахир? Бунинг сабаби етилган иқтисодий ва сиёсий эҳтиёжларгина эмас! Айни рус шарқшунос олимлари Ўрта Осиё қадимий ёдгорликларини ўрганиб, уларни халқ миллий ижодининг тимсоли деб билганликлари факт эмасми, ахир? Рус олимлари Ўрта Осиё халқларининг тилларини, адабиётларини, урф-одатларини, касбу корларини ўрганишга жуда катта ҳисса қўшганликлари, ўтмишнинг кўнгини бебаҳо дурдоналарини, масалан, Улуғбек расадхонасини топиб, чангу губордан халос этиб, асрий забунликдан қутқариб халқларга қайта тортиқ қилганликлари факт эмасми, ахир? Рус демократик шарқшунослиги Ўрта Осиё халқларининг миллий оғини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди.

Шу сабабли XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги Ўрта Осиёнинг энг зиёли, ўз халқи билан чуқур боғланган маърифатпарвар демократларининг ҳаммаси — Қўнанбоев билан Валихонов, Доғиш билан Муқимий, Завқий билан Фурқат турли вақтларда ва турли ерларда ҳаёт кечириншларига қарамай рус адабиётини жонидан севдилар; улар рус адабиётини меҳр билан қабул қилиб, унинг таъсирида ижод этдилар ва Туркистон халқларининг Россия халқлари билан яқинлашуви эътиқодли тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Улар ўлканинг феодали қолоқлигини қораладилар, меҳнаткашларини рус халқининг илгор маданиятини ўрганишга даъват этдилар.

Ўз вақтида Россиянинг бир қанча шаҳарларида бўлган ва чет эллар бўйлаб кўн саёҳатлар қилган таниқли ўзбек шоири Зокиржон Фурқат бундай деб ёзган эди:

Кўпайди илм пла ҳикмат жаҳонда,
Кўрунг ўтган замондин бу замонда.
Бу ҳикмат Русиянинг давлатидин,
Бўлубдур илмин хосиятидин.

Атоқли ёзувчи, тожик халқининг тарихчиси Аҳмад Доғиш Бухоро халқларини зулмат ва жаҳолатдан озод этишга ёрдам бера оладиган мамлакат бўлмиш Россия

билан яқинлашиш зарурлигини жон куйдириб тарғиб қилди. У бундай деб ёзди: «Гарчи руслар миллат ва дин жиҳатдан бизга ўхшамасалар ҳам, ammo улар дўстлик, сидқидилликда ва одамгарчиликда ҳаммага намунадирлар».

Ўзбек адабиёти демократик қанотининг истеъдодли намояндаларидан бири — Муқимийнинг ижоди зулм ва эравонликка астойдил нафрат руҳи билан сугорилади. Ҳим қолган жияни Рўзимат Дўсматовни рус аёли Зинаида Алексеевна ўғил қилиб олганда Муқимийнинг қувончи ичига сиғмай кетган эди. Рўзимат Петербургда, сўнгра Москвада тарбияланди, гимназияда ўқиди. У уйига қайтиб келган чоғларда Муқимий у билан узоқ вақт суҳбат қуради, Россия, Москва, Петербург тўғрисида, рус халқи, унинг маданияти ҳақида кетма-кет саволлар беради, Рўзиматга А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой ва рус адабиётининг бошқа классиклари асарларини кўпроқ ўқишни маслаҳат беради.

Ўрта Осиёнинг маърифатпарвар демократлари илғор рус адабиётининг намояндаларидан санъат ва адабиётдаги инсонпарварликни, воқеликка материалистик назар билан қарашни, маълумлар ва йўқсилларга муҳаббат қўйиб, зolimлар ва эксплуататорларга нафрат билан қарашни ўргандилар.

XX асрнинг бошларида улуг Ленин тузган большевиклар партияси раҳбарлик қилган революцион рус ишчилар синфи тарихий ҳаракат саҳнасига чиққан пайтда, Ўрта Осиёга сургун қилинган руслар келиб ўрнашганда Ўрта Осиё халқлари кўнгина атоқли маданият арбобларининг қарашлари тобора кучли суратда демократик рус маданияти ва шу билан бирга социалистик маданият таъсири остида шакллана бошлади. Бунинг Ҳамза, Айниё, Тўқтагул ва бошқа машҳур ёзувчи ва шоирларининг асарларида яққол кўриш мумкин.

Марксни-ленинчи партия ташкил толган пайтдан бошлаб рус халқининг Ўрта Осиё халқлари тақдирига революцион таъсири анча кучайганлигини таъкидлаш муҳимдир. Партиямизнинг биринчи Программисидаёқ барча эзилган миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилиши тўғрисидаги талаб ёзиб қўйилган эди. Шу тариқа миллий масаланинг ҳал этилиши пролетариат умумий озодлик курашининг ажралмас қисми деб ҳисобланган эди. Большевиклар партияси раҳбарлигидаги рус ишчилар синфи собиқ Россия империясини «халқлар турмаси» деб билиб, шу манфур турмани вайрон қилиш учун, барча

халиларни ҳар қандай зулмдан халос қилиш учун курашувчи энг асосий куч бўлиб майдонга чиқди.

Рус революционерларидан А. Р. Бахарев, В. В. Биховский, В. Д. Дмитриев, В. Д. Корнюшин, К. Д. Литвишко, М. В. Морозов, Д. В. Полуян, В. В. Сахаров, П. Ф. Сахарова, Я. Умал, П. Т. Фиолстов, А. В. Худаш ва бошқа кўнгина кишилар Туркистонда фаол ташвиқотчилик иши ва ташкилотчилик билан шуғулландилар.

Рус большевиклари ва жойларда улар тузган социал-демократик ташкилотлар умумий курашда интернационал жинслашиш зарурлигини меҳнаткашларга сабот билан тушунтириб бердилар, рус ишчилари билан маҳаллий ишчиларнинг дўстлиги ва жанговар иттифоқини мустаҳкамлашга чақирдилар, ишчилар ва деҳқонлар онгини миллий адоват оғуси билан заҳарлашга уринган буюк давлатчилик руҳидаги шовинистларни ҳам, маҳаллий миллатчиларни ҳам фош этдилар. Маҳаллий аҳоли орасига сингиб борган большевистик, ленинча ҳақ гап аҳолига революционлаштирувчи таъсир ўтказди, халқлар ўртасида дўстлик ва бирдамлик ғояларини кўпроқ оммалаштиришга ёрдам берди.

1916 йилда, уруш давом этиб турган бир пайтда подшо ҳукумати, Туркистон ўлкасининг кўнгина деҳқон ва хунармаандларини зўрлик билан фронт орқаси ишларига сафарбар қилди.

Ийрик саноат марказлари (Петроград, Москва, Тверь, Иваново ва бошқалар)да рус ишчилари билан алоқа боғлаганликлари уларнинг сиёсий руҳда тарбияланишига ёрдам берди. Уларнинг кўплари ўз юртларига қайтиб келгач, Туркистон туб жой аҳолисининг жанговар ҳаракатлари ташкилотчилари ва актив қатнашчиларига айландилар, рус пролетариатининг революцион ғояларини тарғиб этдилар.

Мана шулар туфайли пантуркизм ва панисломизм жарчиларининг миллатларни айиришга, пароканда қилишга, Туркистон халқлари орасида рус халқига нисбатан гашилик туйғуларини авж олдиришга қаратилган душманлик тарғиботи меҳнаткашларга унчалик таъсир қилмади.

Ўрта Осиё меҳнатанлари ленинизмнинг ҳаётбахш оташин ғоялари таъсирида озодлик курашига тобора кўпроқ қўшила бердилар, ўзларининг содиқ дўсти ва қудратли иттифоқчиси, бутун меҳнаткаш халқ манфаатларининг ифодачиси — рус ишчилар синфи билан яқинлашавердилар.

МУСТАҲҚАМ ИТТИФОҚ

Ўрта Осиёнинг Россия давлатига қўшиб олинганидан кейин то Октябрь революциясигача ўтган давр ерлик халқлар турмушида, сўзсиз, жуда муҳим ўрин олса ҳам, аммо мамлакатимиздаги барча халқлар каби уларнинг ҳам ҳақиқий тарихи бутун инсоният ҳаётида янги давр очган улугвор тарихий марра — Улуг Октябрдан бошланади.

Революцион кураш жараёнида рус пролетариати бошқа миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини ўз теварагида жинслаштирди ҳамда уларнинг социал ва миллий озодлик учун курашига бошчилик қилди.

Улуг Октябр тошги отини биланоқ бизнинг ўлкамизга ҳам чинакам инсоний бахт-иқбол кулиб боқди. Бахт-иқбол чирогини мангу барҳаёт Ленин, рус большевиклари ёқиб бердилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари дилида йўлбошчи ва устоз Владимир Ильич Ленинга меҳр-муҳаббат ва астойдил миннатдорчилик алаңаси абадий сўнмайди.

Совет халқининг хўжалик ва маданий қурилишидаги ҳамма муваффақиятлари, ишчилар синфининг шиддатли синфий жанглари ва ғалабалари, янги, коммунистик дунёнинг юзага келиши Ленин номи билан, у тузган Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Владимир Ильич Ленин, музаффар Октябрь туфайли партиямиз, совет халқи XX асриги меҳнат аҳллари тақдиринидаги туб социал ўзгаришлар асри сифатида шонга буркадилар. Совет халқимиз янги дунёнинг, озодлик ва бахт-иқбол дунёсининг биринчи бунёдкори, кашфиётчиси эканлиги билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Ўрта Сиеёда Октябрь революциясининг ғалабаси ва Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун мардона курашчилар — Н. В. Шумилов, А. Я. Першин, В. Д. Вотинцев, Е. П. Дубицкий, Н. С. Качуринер, В. Н. Финкельштейн, А. М. Мальков, Д. Г. Шильков, М. Троицкий, В. Д. Фигельский, А. В. Червяков, С. И. Гордеев, А. И. Фролов, Е. А. Бабушкин, Г. И. Лугин, В. С. Ляпин, П. Г. Полторацкий, Д. И. Манжара, Ф. И. Колесов, П. А. Кобозев ва бошқа кўп инқилобчиларнинг номлари ўзбек халқининг хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Ўрта Сиеёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда ва ўлканинг ёш партия ташкилотларини вояга етказишда жуда катта роль ўйнаган М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Г. К. Оржоникидзе, М. И. Калинин, Я. Э. Рудзутак, Н. М.

Варейкис сингари атоқли партия арбобларининг номларини ўзбек халқи абадулабад ўз юрагида асрайди ва улардан миннатдор бўлиб яшайди.

Рус халқи граждани уруши йилларида Туркистон, шунингдек, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги меҳнаткашларига бебаҳо ёрдам берди. Совет Туркистонининг Қизил Армияси сафларида Москва, Қозон, Оренбург полклари, Самара, Челябинск, Нижегород отрядлари жанг қилганликларини айтиш kiffoя қилади. Рус жангчилари ва командирлари билан бирга ўзбек, қozoқ, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа миллатларга мансуб жангчилар зўр мардлик кўрсатдилар. Ташқи ва ички контрреволюцияга қарши умумий курашда уларнинг интернационал дўстлиги мустақкамланди.

Туркистонда граждани уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилган, босмачи галаларни тор-мор қилишда фаол қатнашган таниқли совет саркардалари — С. М. Будённый, В. Д. Соколовский, И. Е. Петров, П. И. Дибенко, А. И. Тодорский ва бошқа машҳур командирларнинг ажойиб плеядасини Ўрта Осиё халқлари ҳеч қачон унутмайдилар.

Улуғ Октябрдан кейинги дастлабки йилларда совет халқи Ўрта Осиё халқларига берган катта ёрдамни ҳам улар ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар.

В. И. Ленин «Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» деган хатида рус халқига меҳнаткашларининг қардошларча иттифоқлиши мутиндай мустақкамловчи куч сифатида қараб, унга ҳақиқий интернационал сиёсат олиб боришни васият қилди.

Катта миллатнинг илгари эзилган кичик миллатга нисбатан интернационализи, В. И. Лениннинг фикрича, миллатларнинг расмий тенглигига рноя қилишдангина иборат бўлиб қолмайди, шу билан бирга ҳақиқатда вужудга келган тенгеизликни тугатиш имконини берадиган сиёсат ўтказишдан ҳам иборат бўлиши керак эди. Шу йўлда рус халқи онгли фидокорлик билан бошқа халқларнинг тарихан бой берилган имкониятларини тез орада яна тиклаб олишлари ва ижтимоий турмушининг ҳамма соҳаларида тенгликка эришишларига ёрдам бериши керак эди. «Бунини тушунмаган киши миллий масалага ҳақиқатан пролетарча муносабатда бўлишни тушунмайди...»¹ деб таъкидлади В. И. Ленин.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 402-бет.

Рус халқи худди мана шундай тарихий жасорат кўради.

Октябрь галабасидан кейин кўп вақт ўтмасдан, орада рўй берган икки қонли уруш келтирган даҳшатли вайронгарчиликларга қарамай, Совет Россияси қардош Туркистонга ҳарбий, иқтисодий ёрдам берди, кўп миқдорда озиқ-овқат жўнатди. 1918 йил февралда РСФСР ҳукумати пахтачиликнинг жуда катта аҳамиятини тушуниб, В. И. Лениннинг кўрсатмасига биноан ирригацияга алоқадор масалаларни ўрганш учун Алоҳида комиссия тузди. Бу комиссиянинг ишига атоқли партия ва давлат арбоблари, мутахассислар, Туркистон экономикасининг билимдонлари жалб этилди. 1918 йил 23 мартда Алоҳида комиссиянинг мажлисида В. И. Ленин раислик қилди. Владимир Ильич пахтачилик ва сув хўжалиги масалаларини, Мирзачўлни тадқиқ этиш натижаларини синчиклаб суриштирди. Айни шу мажлисда пахта программаси ва ирригация ишлари плани тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Кейинги йилларда Ленин яна неча маргалаб шу проблемаларга мурожаат этди.

1918 йил 17 майда Владимир Ильич Ленин «Туркистондаги сугориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш тўғрисида ва шу ишларни ташкил этиш ҳақида» деган декретга имзо чекди. Бу декретга биноан Мирзачўлда беш юз минг десятина ери сугориш кўзда тутилган эди. Вайронгарчилик ва эндигина бошланган граждани уруши шароитида бу қадар катта маблағнинг ажратилиши В. И. Лениннинг, Коммунистик партиянинг, қардош рус халқининг Туркистон экономикасини ривожлантириш тўғрисидаги, меҳнаткаш деҳқонлар фаровонлигини юксалтириш ҳақидаги бениҳоя зўр ғамхўрлигини кўрсатувчи қонкрет мисол бўлди.

1918 йил март ва апрелида Туркистон Тошкент темир йўли орқалигина 464 вагон бугдой, ун, маккажўхори олди. Уша йилнинг май-июнида эса Тошкентга яна 200 вагон галла ва 7 вагон картошка жўнатилади. Бундан ташқари РСФСР Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг нарядларига мувофиқ Туркистон учун Красноводск орқали 1918 йил июнь ойи бошларида 35 минг пуд бугдой, 6255 пуд ун, 2375 пуд тарик, 2538 пуд маккажўхори етказиб берилди, Царициндан 100 вагон бугдой ва 15 вагон арпа жўнатилади. Мана шуларнинг ҳаммаси Россиянинг ўзи панийнғ ҳар бурдасига жуда муҳтож бўлган пайтда юборилди. Улкага озиқ-овқатдан ташқари саноат моллари ҳам жўнатиб турилди.

1920 йил ёзида Туркистонга Совет Россиясидап бир печа тўқимачилик фабрикаси ва бошқа саноат корхона-ларининг асбоб-ускуналари келтирилди. Фаргона ва Мар-гилонда жойлаштирилган пиллакашлик ва шойи тўқиш фабрикалари учун тўла-тўқис етарли асбоб-ускуна олин-ди. Ўша йилнинг кузида ип йнгирув фабрикаси билан кўн заводи Россиядан Туркистонга кўчирилди.

Келгуси йилларда Туркистон халқларига қардошлик ёрдами тобора кўнаиб борди. Ўрта Осиё республикалари индустриясини тез ривожлантириш борасидаги мураккаб ва масъулиятли вазифаларнинг ҳал этилиши марказнинг бирмунча ривожланган районлари томонидан шу респуб-ликаларга кўпроқ ёрдам берилишини талаб қилар эди. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистонга нефть маҳсулотлари, тошкўмир, чўян, пўлат, бинокорлик материаллари, шунингдек станоклар, электр моторлар ва бошқа асбоб-ускуналар юборилди.

РСФСР корхоналарида малакали миллий ишчи, инже-нер ва техник кадрлар тайёрлашда ҳам жуда катта ёрдам берилди. Бундан ташқари марказий саноат районларидан Ўрта Осиёга юборилган тажрибали ишчилар, инженерлар ва хўжалик ходимлари ўз билимларини маҳаллий кадр-ларга ўргатдилар.

Москва ва Ленинград, Иваново-Вознесенск, Нижний Новгород, Харьков ва ватанимиз бошқа кўпгина саноат марказларининг вакиллари Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқ-ларида фидокорона ишлаб, янги турмуш қуришда меҳ-наткашларга ёрдам бердилар.

Кейинги йилларда Урал ва Запорожье пўлат қуювчи-лари ўз қардошлари — ўзбекларга пўлат эритишни ўргат-дилар. Кузбасс ва Донбасс шахтёрлари Ангрен кўмири ҳавзаси кўмирининг дастлабки қатламларини ўзбек ишчи-лари билан бирга қазиб олдилар. Боку нефтчилари ўзбек қардошлари билан қўлни қўлга бериб Фаргона водийси-даги дастлабки кон-қудуқларни пармаладилар. Москва ва Харьков машинастлари ўзбек темирйўлчиларини Тошкент магистралда паровоз ва электровоз ҳайдашга ўргатдилар. Ўзбек хотин-қизлари мураккаб тўқув агрегатларида иш-лаш сабогини ивановолик тўқимачилардан олдилар.

П. А. Баранов, А. Л. Бродский, А. И. Введенский, М. Г. Запрометов, Г. Л. Корженевский, Е. П. Коровин, С. Н. Наумов, И. А. Райкова, В. И. Романовский, А. С. Уклоцкий, А. Э. Шмидт сизгари машҳур рус олимлари Тошкентда 1918 йилда халқ университетини ташкил эт-ган Глеб Никанорович Чердацев бошчилигидаги бир

гуруҳ илғор Туркистон рус зиёлилари билан биргаликда Лениннинг декретига биноан 1920 йилда барно этилган Тошкент Давлат университети муаллимлари ва профессорлари ўзагини ташкил этдилар, илм-фанни ривожлантиришда, олимлар ва мутахассисларнинг миллий кадрларини тайёрлашда ёрдам бердилар.

Хуллас, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида рус халқи мамлакатдаги катта ва кичик барча халқлар каби Ўрта Осиёга ҳам бегараз ёрдам бериб, амалдаги интернационализм нималигини бутун дунёга яққол намоён қилди.

«Миллий чекка ўлкалар қолақлигини тугатиш, уларни жадал ривожлантириш йўлида ана шундай ёрдам беришнинг зўр куч-ғайрат сарфлашга ва тўғриси айтганда, қурбонлар беришга тайёр бўлиб туришни Ленин Россия пролетариатининг олий интернационал бурчи деб васият қилган эди,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Рус ишчилар синфи, рус халқи бу бурчни шараф билан бажардилар. Аслида бу — бутун бир синфнинг, бутун бир халқнинг интернационализм йўлида кўрсатган шонли жасорати бўлди. Ватанизмнинг ҳамма халқлари шу жасоратни ҳеч қачон унутмайдилар»¹.

Россиянинг бегараз ёрдами ўлкадаги туб жой миллатларга мансуб ишчи ва деҳқонларнинг революцион ғайрати, жанговар қаҳрамонлиги, меҳнатдаги ташаббускорлиги билан бирга қўшилиб, пировард натижада, эксплуататор синфлар устидан қозонилган ғалабани, социализм ғояларининг тантанасини белгилаб берди. Капитализмгача бўлган эски ишлаб чиқариш муносабатлари социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўз ўрнини муттасил бўшатиб беравериши натижасида ўлкада ишлаб чиқарувчи кучлар гуркираб ўса бошлади. Коммунистик партия омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини жўш урдирди, уни социалистик қурилиш режаларини амалга оширишга, ижтимоий турмушнинг ҳал қилувчи соҳалари — иқтисодий, социал ва маданий-маиший соҳаларни тубдан ўзгартиришга сафарбар этди.

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулум ўзбек халқининг рус халқига эзгу миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини жуда яхши ифодалаб берган:

Мувчалар меҳрибонсан,
Мувчалар чин инсонсан,

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, 56-бет.

Мунчалар қадрдопсап,
Қадрдоним, оға рус!

1924 йил 27 октябрь куни Ўрта Осиёдаги миллий давлат чегараланиши натижасида бошқа республикалар қатори суверен давлат — Ўзбекистон ССР ташкил топиб, тенг ҳуқуқлилик асосида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига кирди.

1925 йил февралда Ўзбекистон Коммунистик партияси тузилди. Марксизм-ленинизм таълимотининг метни негизда ташкил этилган Ўзбекистон Компартияси ўзининг бутун фаолиятида улуғ Ленин васиятларига амал қилиб келмоқда. У КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлиб, йил сайин мустаҳкамланди, камол топди, гоёвий ва ташкилий жиҳатдан чиниқди ҳамда КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида республика меҳнаткашларини социализм ва коммунизм қуришдан иборат ленинча планни амалга ошириш учун қаҳрамонона меҳнатга отлантирди.

Барча қардош совет халқлари каби ўзбек халқи ҳам Совет ҳокимияти йилларида босиб ўтилган шонли кураш ва ғалабалар йўлига ифтихор ва қувонч билан назар ташлайди. Бу йўл Ўзбекистон учун косибчилик ва ҳунармандчилик устахоналаридан металлургия комбинатлари ҳамда катта-катта машинасозлик корхона ва бирлашмаларигача, ибтидоий тўқув устахоналаридан азим шойи ва тўқимачилик комбинатларигача, жинчироқдан қудратли электр станцияларигача босиб ўтилган йўлдир.

Бу — омондан бўлак иш қуроли бўлмаган яқка деҳқон хўжалигидан қудратли тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари ва бошқа механизмларга эга бўлган кўн тармоқли йирик колхоз ва совхозларгача босиб ўтилган йўлдир.

Бу — қашшоқлик ва ҳуқуқсизликдан тенг ҳуқуқли қардош халқлар оиласида бадавлат ва эркин ҳаётга, жаҳолатдан шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни равнақ тонтиринишга эришиш йўлидир.

Бу — аҳолининг деярли ёппасига саводсизлигидан олимлар, санъат ва маданият арбоблари, халқ хўжалиги барча тармоқлари мутахассислари — кўн минг кишилик миллий кадрлар отрядини вужудга келтириш йўлидир.

Бошқа қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам Совет ҳокимияти йилларида узлуксиз ривожланаётган индустрия, механизацияланган йирик қишлоқ хўжалиги, илгор фан ва маданият масканига, юксақ даражада ривожланган республикага айланди.

Ўзбекистон днёри тапиб бўлмас даражада ўзгарди.

Утмишда қовжираб ётган дашту биёбонлар ўрнида яшнаб турган воҳалар ва шинам шаҳар-қишлоқлар пайдо бўлди. Ўзбек қишлоғининг қиёфаси, деҳқонларимизнинг турмуши ва меҳнат шароитлари бошқача бўлиб қолди. Майда, бечораҳол деҳқон хўжаликлари ўрнида юксак даражада механизациялашган бақувват колхоз ва совхозлар барпо бўлди. Улар йил сайин иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан мустақамланмоқда, хўжаликни иқтисослаштириш, марказлаштириш ва хўжаликлараро кооперациялаш асосида бошқарилмоқда, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтирмоқда.

Ўзбекистон СССРнинг асосий пахта базасига айланди. Республика меҳнаткашлари мамлакатни тобора кўп миқдорда «оқ олтин» билан таъминлашни ўзларининг энг биринчи интернационал бурчи деб ҳисоблайдилар.

Олий таълим ва маданиятни ривожлантириш даражаси жиҳатидан Ўзбекистон ССР энг олдинги марраларга чиқиб олди. Олимларнинг катта отряди ўсиб, вояга етди: улардан кўпларининг номлари республикадан ва мамлакатдан ташқарида ҳам машҳур.

Мана шуларнинг ҳаммаси — партиямиз ленинча миллий сиёсатининг самараларидир. Булар совет халқлари буюк бузилмас қардошларча дўстлигининг мадҳияси бўлиб янграйди. Ўзбеклар мақолида айтилганидек, «кўпгил кўнгилдан сув ичадил». Совет халқларининг диллари бир-бирига пайванд бўлиб кетган, бу диллар ҳамоҳанг уриб, биргаликда улуғ социалистик организмга, унинг енгилмас, қудратли кучига куч қўшади.

Руслар ва украинлар, белоруслар ва ўзбеклар, қozoқлар ва грузинлар, озарбайжонлар ва литвалликлар, молдавчанлар ва латинлар, қирғизлар ва тожиклар, арманлар ва туркманлар, эстонлар ва татарлар, бошқирдлар ва қорақалпоқлар, чувашлар ва қомиллар, мордвалар ва яҳудийлар, мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳамма халқлар бир-бирлари билан қардошдирлар.

Умумий иш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилиш, коммунизмнинг моддий-техникавий базасини бунёд этиш учун умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшиш, самимийлик, ҳалоллик, дўстликка садоқат, ўзаро ёрдам ва чинаякам интернационализм совет халқлари ягона бузилмас қардошларча оиласининг ўзинга хос хусусиятларидир.

Рус халқи билан ўзбек халқининг муносабатлари тарихида самимий дўстлик, ўзаро ҳурмат, ҳақиқий инсоний-лякнинг мингларча намуналари бор. Фақат бир мисол айтиб ўтаман.

...1918 йил... Мамлакатда вайронгарчилик ва очарчилик ҳукм сурмоқда. Волга бўйидаги минглаб деҳқонлар қуртоқчилик азобидан ўз уйлариини ташлаб, бир парча пон плинжида ҳар ёққа тарқаб кетишди. Уфа губернияси Иваново қишлоғидан 35 нафар киши Туркистон ўлкасига йўл олди. Йўлда улар терлама касалига чалиниб, нобуд бўлишди. Фақат 14 яшар Коля Фатеевгина омон қолиб, Тошкент ёнидаги Келес станциясига етиб келди.

Уй-жойсиз ёлғиз йиғитча бегона юртда нима қила олар эди? Қаровсиз болалар галасига қўшилсинми? Янги терлама балоси ўз домига тортишини кутсинми? Худди мана шу аянчли дақиқаларда Коля Фатеевнинг бошини раҳмдил бир инсон силади.

— Юр мен билан, укажон,— деди унга Раҳимжон Қулматов ва меҳрибонлик билан қўлидан етаклаб кетди. Қулматовларнинг меҳнаткаш оиласи Николай Фатеевни ўз бағрига олди.

У оиланинг еттичи тенг ҳуқуқли фарзанди бўлиб қолди.

Рус йиғитига Аҳмаджон деб ном беришди. Ўзбек тили унинг она тилига айланди. Аҳмаджон ўз дўстлари, ўртоқлари билан биргаликда нахта етиштирди, пўлат эритди, севикли Ватан равнақиға қўлидан келганча ҳисса қўшди. Бутун вужудига бепоеён Россия далаларининг саховати, ўзбек қуёнининг ҳарорати сингиб кетган қалби дарё инсон Аҳмаджон ака Қулматов шонли йўлини босиб ўтди. Ҳозир унинг 17 набираси, 108 қариндош-уруғи бор.

Совет халқларининг дўстлиги Улуғ Ватан уруши йилларида умумий душманга қарши биргаликдаги курашда даҳшатли сповларга бардош берди ва ҳамма имтиҳонлардан шараф билан ўтди.

Мамлакат бониға оғир кунлар тушган ўша пайтда ўзбек халқи ўзбек жангчиларига йўллаган хатида бундай деб ёзди:

«Эй, ўзбек халқининг ҳур ўғлони, эркин қизи!

...Сенинг аканг бўлган руснинг уйига, қардошинг бўлган белорус ва украиннинг уйига герман каллакесари босиб кирди... Модомки қароқчи қардошингнинг уйини тортиб олган экан, уни олиб бер, бундай қилиш сенинг бурчинг, эй, ўзбек жангчиси!. Эй, қўлиға қурол ушлаган аскар! Сен бу буюк оила аъзоларининг тинч ва эркин ҳаётини душман ҳамласидан сақлашға бахт ва тўй айёмида аҳду паймон қилган эдинг-ку!.. Шундай қилгинки, зафар кунларида, келгусидаги тинч қурилиш кунларида ўзингнинг бахтли оиланг ўртасида фахр билан: «Ватан

урувининг даҳшатли кунларида ўз Ватанини ҳалокат ва талон-торождан сақлаб қолганлар қаторида мен ҳам бор эдим», — деб айта оладиган бўл!»

Ўзбек халқининг ўғил-қизлари бу тошпирикни шараф билан бажардилар. Барча совет жангчилари каби улар ҳам Ватанининг муносиб ҳимоячилари эканликларини кўрсатдилар. Ўзбекистоннинг 120 мингдан ортиқ вақили уруш йилларида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун ССР Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди, 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Бизнинг битмас-туганмас, қудратли ҳаётбахш кучимиз дўстликдадир. Шарқда шундай қадимий нақл бор: бир донишманддан: «Олтиндан қимматроқ нима бор?» — деб сўрабдилар. «Дўстлик», — дебди донишманд. «Темирдан маҳкамроқ нима бор?» — деб сўрабдилар. «Дўстлик»; — дебди яна донишманд. «Бўровдан кучлироқ нима бор?» — деган саволга ҳам ўша донишманд: «Дўстлик!» — деб хитоб қилибди. Халқимиз дўстликни шундай ардоқлаб қадрлайди.

СССР халқларининг дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги — кўпмиллатли Совет давлати янада равнақ топишининг гаровидир. Коммунизм душманлари совет халқларининг дўстлигига раҳна солишга, КПСС миллий сиёсатининг моҳиятини бадном қилишга, қоралашга ва бузиб кўрсатишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилаётганликлари тасодифий ҳол эмас. Империализм маддоҳлари СССР халқларининг улуғ ва бузилмас дўстлиги кучи ҳамда аҳамиятини камайтириб кўрсатиш учун жазавага тушиб уринмоқдалар, «оға» тушунчасини сохталаштириб талқин этмоқдалар. Улар учун бу тушунча «жаноб» ёки «хўжайин» тушунчаси билан бир хил эмиш. Улар рус социалистик миллатини мамлакатимиздаги бошқа миллат ва элатларга нисбатан ҳукмрон, давлат соҳиби бўлган миллат қилиб тасвирлашга, қолганларни эса мустамлака, қарам миллат ва элатлар деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Империализм малайлари ўзларининг разиллона уйдирмадарини тасдиқлаш учун миллий совет республикаларида рус ишчилари, колхозчилари ва хизматчилари яшаб турганлиги фактини рўқач қиладилар. Миллий республикаларда руслар яшаб турганлиги важдан бу республикалар эркин деб ҳисобланиши мумкин эмас эмиш. Бундан ҳам мунофиқона ва қабиҳона сохтакорлик бўладими, ахир! Биз мамлакатдаги ҳар бир совет республикасида, ҳар бир облаётда, ҳар бир йирик шаҳарда русларгина эмас, бошқа кўнгина миллатларнинг намояндalари ҳам

ёнма-ён яшаб, меҳнат қилаётганликлари билан фахрланамиз.

Совет Иттифоқининг иттифоқдош ва автоном республикаларида рус миллатига мансуб кишилар яшаб турганлигига келганда, бу — қонуний бир ҳолдир. Чунки миллий республикалардан ҳар бирининг иқтисодий ва социал ривожини нақадар жадаллашса, бутун турмушимизнинг интернационаллашув жараёни шу қадар яққолроқ намоён бўлаверади.

Масалан, Октябрь революциясидан анча аввалроқ Ўрта Осиёга мустамлакачи унсурлар билан бир қаторда ўн минглаб ерсиз деҳқонлар, абгор бўлган ҳунармандлар ва ишсиз пролетарлар ризқ-рўз излаб келган эдилар. 1914 йилда ҳозирги Фарғона области территориясида рус аҳолиси қуйидаги гуруҳлардан иборат эди: ота-боболари ва шахсан ўзлари дворян ҳамда руҳоний бўлган 3044 киши, шаҳар аҳолиси 17888 киши, деҳқонлар (келиб чиқиши жиҳатидан) 41882 киши эди. Фарғона водийсидаги русларнинг жуда кўпчилиги меҳнаткаш бўлганлиги мана шу маълумотлардан кўриниб турибди. Бошқа областлардаги аҳвол ҳам шундай эди.

Ўрта Осиёда эксплуататорлар ҳокимиятини аглариб ташлашда ва совет тузумини ўрнатишда рус аҳолисининг айни шу қисми муҳим роль ўйнади. Чор амалдорлари, рус савдогарлари ва капиталистлари эса ғаламислик йўлига ўтдилар, маҳаллий залимлар билан иноқлашиб олиб, совет халқига қарши чиқдилар. Меҳнаткашлар контрреволюция кучларини батамом янчиб ташлаганларидан кейин эса мустамлакачилар ашаддий миллатчи буржуа ва феодал унсурлар билан, туркистонлик бойлар, мухториятчилар ва амирнинг хеш-ақраболари билан бирга чет элларга қочдилар.

Рус халқининг меҳнаткаш оммаси эса, аксинча, ўлкада қолиб, Ўрта Осиё туб аҳолисининг таркибий қисмига айланиб кетди. Ҳозир Ўзбекистонда ўзбеклар, руслар, тожиклар, украинлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, татарлар — юздан ортиқ миллат меҳнаткашлари оғанилардек яшамоқдалар, уларнинг ҳуқуқлари ҳам, социал-демократик Ватан олдидаги вазифалари ҳам тенга-тенгдир. Улар тенг эканликлари, миллий имтиёзларнинг йўқлиги СССРнинг янги Конституциясида мустаҳкамлаб берилган. Ўзбекистон маданияти ривожланиб, камол топиб бормоқда, рус, украин ва бошқа миллатларнинг маданиятидаги энг яхши хислатларини ўзига тобора кўпроқ сиғдиримоқда.

Ўзбекистон ССР каби Совет Иттифоқидаги ҳамма республикалар ҳам кўпмиллатлидир. Шунга қараб, энг ёвуз душманларимизгина у ёки бу миллатнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеи тўғрисида нотўғри хулоса чиқаришлари мумкин. Аммо империализм маддоҳлари совет халқларининг мустақкам иттифоқи нақадар олижаноб социалистик негизларда қарор топганлиги тўғрисида жўрттага лом-мин демайдилар.

Русларнинг миллий республикаларда яшаши факти асосида рус миллати бошқа миллат ва элатлар устидан ҳукмрон бўлиб қолган, деб сохтакорлар қилаётган уйдирмалар гайриилмий, буржуа-мустамлакачилик даъволарининг типик мисолидир. Сохтакорлар одамларнинг синфий гуруҳланиши ҳал қилувчи аҳамиятини қасдан хаспўшлаб ўтадилар. Айни ишчилар синфи ва барча меҳнатқашларнинг туб синфий манфаатлари турли миллат кишиларини бир бутун қилиб жипслаштирамоқда. Ҳукмрон эксплуататор синфлар ўзларининг гаразли манфаатларини кўзлаб мустамлакачилар билан ҳар қандай битимга рози бўладилар, кўпинча миллат манфаатларига хиёнат ҳам қиладилар. Ишнинг моҳияти мана шунда.

Биз, совет кишилари учун у ёки бу миллий райондаги бошқа миллатларга мансуб кишиларнинг сони эмас, балки улар қайси синфлардан ва социал группалардан иборат эканлиги ва район турмушида қандай роль ўйнаётганликлари ва қандай ҳуқуқлардан фойдаланаётганликлари бош масаладир.

Ўзбекистон аҳолисининг 13 процентдан сая кўпроги руслар бўлиб, улар ҳам худди ўзбеклар каби ишчи, қолхозчи ва хизматчи бўлиб ишламоқдалар, худди шунингдек, кўпгина эркак ва аёл ўзбеклар Москва ёки Харьковни, Ленинград ёки Киевни ўз уйи деб танаб олмоқдалар.

Руслар ўзбеклар билан бирга бутун халқ бахт-саодати йўлида меҳнат қилмоқдалар, янги-янги каналлар қурмоқдалар, янги ерларни ўзлаштирамоқдалар, заводлар барпо этмоқдалар, фан ва маданият равнақи учун курашмоқдалар.

Биз мана шундай аҳил, мустақкам, жипслашган социалистик онлада яшаб турганимиз билан, улуг рус халқи оғамиз экани билан фахрланамиз. Бу — ўзбекларнинггина фикри эмас, барча совет халқларининг ҳам фикридир.

Тинчлик ва тараққиёт душманлари кўпмиллатли Совет давлатининг табиатини тушуна олмайдилар. Бизнинг бутун турмушимиз интернационал тус олганини тушунамайдилар. Совет жамиятининг сиёсий негизи интернацио-

налдир. Иқтисодий негизимиз интернационалдир. Маданиятимиз интернационалдир. Совет кишилари меҳнатининг ўзи ҳам интернационалдир, чунки мамлакатимиздаги ҳар бир кишининг меҳнати халқларнинг коммунизм ғалабаси йўлидаги кураши азим дарёсига ирмоқ бўлиб қўшилаверади.

СССР — совет социалистик республикаларининг муқаддас иттифоқидир, унда бирон миллат иккинчисидан асло устун эмас, ҳамма халқлар тенгдир. Бу иттифоқ барча халқларнинг тўла-тўқис ўзаро ишонч ва ҳурматига, ўз қардошларча бирлиги ва коммунизм ғалабасига эришиш учун курашдаги мустаҳкам иттифоқи улуғ кучини равшан тушунишга асосланган.

Совет Иттифоқига ҳар йили ўн минглаб чет элликлар келиб кетмоқдалар. Улар бизнинг социалистик тузумимизни ўз кўзлари билан кўриб, унинг капиталистик тузумдан зўр афзалликларига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Ўрта Осиё республикалари ҳам уларнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда.

Янги Зеландия социалистик бирлик партияси раисининг муовини Элеонора Айо Совет Ўзбекистонининг ютуқлари тўғрисида завқ-шавқ билан бундай сўзларни ёзди:

«Биз Ўзбекистонда кўрганларимиздан ҳайратга тушдик... Сизлар шу қадар қисқа тарихий муддат ичида турмушининг ҳамма соҳаларида мана шундай ўзгаришлар қилиб, жаҳон аҳлини лол қолдирдингиз.

Социализмни ўзининг ривожланиш йўли деб танлаб олган Ўзбекистон халқи шу йўлдан қатъият билан олға бориб, барча халқларнинг йўлини машғалдек ёритиб турибди».

Колумбиялик ёзувчи Эутикио Леалнинг сўзларига қулоқ беринг:

«Ўзбекистон социалистик республикаси мислсиз сакраш қилганини кўрдим. Халқнинг феодал қолоқликни енгиб социалистик ютуқларга эриша олганлиги фактини мўъжиза деса бўлади. Даҳшатли қашшоқликни кўра бериб кўзи қотган колумбиялик учун мен Ўзбекистонда кўрган нарсалар эртак бўлиб туюлади. Мен колхозчилар билан гаплашдим, уларнинг хонадонларида бўлдим ва халқ ўзининг иқтисодий, маънавий ва маданий муаммоларини муваффақиятли ҳал этганига ишонч ҳосил қилдим. Мениннг мамлакатимда капиталистик система одамларни ҳам моддий, ҳам руҳан майиб қилмоқда. Ўзбекистонда мен социализм бунга абадий барҳам берганини ўз кўзим билан кўрдим».

«Мен Ўзбекистонда кўрган нарсалар пақадар кўрам,— деб ёзади Замбия Республикаси миллий мустақиллик Бирлашган партияси Марказий Комитетининг сиёсий секретари Даниэл Сингви.— Сизлар халқ турмушининг барча соҳаларида жуда кўп нарсага эришибсизлар».

Бизнинг ютуқларимиз тўғрисида чет эллик жамоат арбобларининг мана шундай фикрларини ўқиганимизда ва социалистик воқелигимизга назар ташлаганимизда, беихтиёр: Хўш, бу қадар ажойиб самаралар қаердан ҳосил бўлди?— деган савол туғилади. Бунинг жавоби битта: бу ажойиб медалар совет жамияти тараққиётининг қонуниятли якунидир, социализмнинг капитализмдан бекиёс устунлигининг, совет турмуш тарзи, ижтимоий ва давлат тузумимиз афзаллигининг натижасидир. Бу — бутун совет халқининг ақл-идроки, шон-шарафи ва ор-номусини ўзида мужассамлаштирган ленинчи партия раҳбарлигининг самараларидир. Бу — ленинча миллий сиёсат таптанасининг, совет социалистик миллатлари чинакам равнақ топиб, ўзаро яқинлашиб бораётганликларининг натижасидир.

Эксплуатация ва зулмнинг ҳамма формаларидан озод бўлган халқларнинг ижодий қобилиятлари ва қудратли бунёдкорлик кучини социализм тўла-тўқис рўёбга чиқарганлиги туфайли мана шундай муваффақиятларга эришдик. Совет Шарқда социализмнинг галабаси буржуа идеологларининг «ижодкор» миллатлар бир ёқдаю гўё биологик «туқсонлари» сабабли фан-техника тараққиётига ҳисса қўша олмайдиган ва ижод қилишга «ноқобил» миллатлар бир ёқда деган гайриилмий назарияларини мутлақо чиппакка чиқарди. Бизнинг социализм қуриш тажрибамиз миллатлар ичидаги ва миллатлар ўртасидаги эксплуататорлик муносабатлари йўқотилган тақдирда, халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёти гоят жадаллашиб кетишини, иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган халқлар ўз қолоқлигини тез суръатлар билан тугатиб, илғор халқлар билан бир қаторга чиқиб олишини яққол кўрсатиб берди.

Совет республикаларининг ютуқларини ҳамма эътироф қилди. Ватанимиз бу ютуқларни юксак баҳолаб, барча республикаларни фахрий мукофотлар билан тақдирлади. Ўзбекистон ССР байроғида иккита Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени ва Халқлар дўстлиги ордени порлаб турганлиги Ўзбекистон меҳнаткашлари дилини ҳаққоний ифтихор туйғуларига тўлдиради. Шунингдек, Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё, На-

манган, Жиззах областлари ва Самарқанд шаҳри Ленин ордени билан мукофотланганлар. Саноат, қурилиш, транспорт ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўнгина корхоналаримиз, колхоз ва совхозларимиз, фан ва маданият муассасаларимиз ҳукуматнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар.

Партия ва Совет ҳукумати ишлаб чиқариш илгорларининг меҳнатдаги хизматларини юксак қадрламоқдалар. Республиканинг 228 минг меҳнаткаши Совет Иттифоқининг ордени ва медаллари билан мукофотланган, 851 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга мушарраф бўлган.

Бу юксак мукофотлар — партиямиз раҳбарлигидаги халқ самарали бунёдкорлик фаолиятининг, халқ хўжалиги барча тармоқларини ривожлантиришда республика меҳнаткашлари эришган катта-катта муваффақиятларнинг яна бир далилидир.

Келгусида эса биз янги-янги истиқболларни, коммунистик қурилишнинг янада кенг уфқларини кўриб турибмиз.

СССРнинг янги Конституцияси бизнинг олдимизда нурафшон истиқболлар очиб бермоқда. У мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг янада ҳар тарафлама раванқ топишини ва муттасил ўзаро яқинлашишини таъминлайди. Биз ҳақли равишда уни қардошлигимизнинг Асосий қонунини деб атаёмиз, унинг қабул этилиши эса коммунизм йўлидаги буюк марра бўлиб қолди.

Хўш, Ўзбекистоннинг эртаги кунини қандай тасаввур этамиз?

Бу, аввало, кўркам шаҳар ва посёлкалардан, янги завод ва фабрикалардан, юксак даражада автоматланган саноат ишлаб чиқаришдан, тўла-тўқис механизацияланган қишлоқ хўжалигидан, янгидан суғорилган юз минглаб гектар ерлардан, тинимсиз гуллаб-яшнаб борувчи маданият ва санъатдан, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий турмуши муттасил ўсишдан иборатдир.

Белгиланган юксак марраларга ҳеч сўзсиз эришилади. Ленин партиясининг доно раҳбарлиги, республика меҳнаткашларининг коммунистик қурилишда янги чўққиларга интибдан интилиши, уларнинг қаҳрамонона меҳнати, қардошларча дўстлиги, улуг рус халқи бошчилигидаги барча совет халқларининг мустаҳкам ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами бунинг гаровидир.

1967—1979 йиллар

СОЦИАЛИСТИК МИЛЛАТЛАРНИНГ РАВНАҚ ТОШИШИ ВА ЎЗARO ЯҚИНЛАШИШИ

КАПИТАЛИЗМНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ

Октябрнинг дастлабки давлат ҳужжатлари — Сулҳ тўғрисидаги Декрет, Россия халқлари ҳуқуқларининг Декларацияси Коммунистик партия Программасининг миллий масалага оид асосий қондаларини қовун тарзида мустаҳкамлади, Россия ҳамма халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлигини, уларнинг миллий ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши ва муҳофаза этилишини гарантиялади.

Вазифа мамлакатнинг орқада қолган районлари меҳнаткашларига амалий ёрдам берилишини, халқларнинг социализм қурилишидаги мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлашдан иборат эди. Ленинчи партиямиз миллий зулм ва тенгсизликнинг ҳамма оқибатларини тугатиш учун ҳатто энг яхши, энг адолатли қонунлар қабул этилиши ҳам камлик қилишини яхши тушунар эди. Илгарги эзилган миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини амалда тугатиш керак эди. Бошқа сўзлар билан айтганда, миллатларнинг юридик тенгсизлигини бекор қилиш етмас эди, уларнинг ҳақиқий тенгсизлигини ҳам тугатиш зарур эди. Бу вазифани ҳал этиш Коммунистик партиянинг бош сиёсий мақсадларидан бири бўлиб қолди.

КПССнинг қатъий ва принципиал сиёсати туфайли, совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларидаги социалистик ўзгаришлар натижасида ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган миллий масала мамлакатимизда узил-кесил ва батамом ҳал этилди. Бу — социализмнинг буюк ютуғи, КПСС ленинча миллий сиёсатининг катта ғалабаси бўлди. «Бу, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — СССР ва янги жамият қуришда индустриалаш, коллективлаштириш, маданий революция сингари ғалабалар билан ҳақли равишда бир қаторга қўйиш мумкин бўлган ютуқдир»¹.

Капиталистик тузум шароитида ҳал этиб бўлмайдиган миллий масала ҳал этилганлиги чинакам бебаҳо сиёсий ва ҳаётий, назарий ва амалий, социал ва маънавий тажриба

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, 55-бет.

бўлиб, у бизнинг мамлакатимизда социализм ва коммунизм тақдирини учунгина эмас, бутун социалистик ҳамдўстлик учунгина эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг тақдирини учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу тажриба эндиgina вужудга кела бошлаган пайтда Владимир Ильич Ленин инглиз мухбири билан суҳбатда бундай деган эди: «Тажрибамиз бизда шундай қатъий бир ишонч ҳосил қилдики, турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқ-фасод хавфи йўқолади, шундай ишонч, айниқса турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч тугдирадики, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да муваффақият билан ривожлантириши ҳам асло мумкин эмас»¹.

Қани, орқага, Ильич шу қадар жонкуярлик ва гамхўрлик билан гапирган «тажрибамиз» мабдаларига бир назар ташлайлик-чи.

Коммунистик партиянинг қатта ва кичик халқларга, уларнинг манфаатлари ва эзгу орзуларига ҳурмат руҳи билан сўғрилган ленинча миллий сиёсати большевизмнинг бош стратегик ва тактик вазифалари билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетди. Турли миллат ишчи ва деҳқонларининг рус халқи бошчилигида капиталистик кулликка қарши, буржуа миллатчилигининг реакцион идеологияси ва ирқий нафратга қарши курашда, социализм ва коммунизм учун курашда бирлаштириш жараёнини янада жадаллаштирди. Бу сиёсат Улуг Октябрь ғалабасини яқинлаштирди, Совет ҳокимияти миллий соҳаларда аввало ички ривожланиш маҳсули, ўз синфий ва миллий озодлиги йўлидаги ҳаракатнинг натижаси эканлигидан иборат эрди мутлақо равшан кўриниб турган фактнинг яққол намоёни бўлишига ёрдам берди. Миллий масалага ленинча ёндашиш миллий-озодлик ҳаракатидаги жамикки соғлом ва қудратли кучининг пролетар озодлик ҳаракати билан бирлаштиришига ёрдам берди, бу эса социалистик революциянинг нировард муваффақиятини таъминлади.

Айни шу боседан ҳам, музаффар Октябрь революцияси дарҳол халқлар тақдирини ўтмишдаги ҳеч бир революция эгалдай олмаган ўринини олди. Революцион Октябрь халқлар баҳори бўлди. У биринчи марта меҳнатқам-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 274—275-бетлар.

ларнинг манфаатлари йўлида гоёт теран иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни амалга оширди, социал ва миллий зулмнинг ҳамма шаклларини йўқ қилиб ташлашга олиб борди, тинчлик, барча ирқ ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда дўстлигидан иборат олижаноб гоёларни турмушга татбиқ этди, халқ оммасини тарихда мисли кўрилмаган оғли ижодкорликка руҳлантирди.

Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин Ўрта Осиё халқлари турмушининг энг муҳим хусусияти шундан иборат бўлдики, улар уқубатли капиталистик йўлни четлаб ўтиб, социализмга чиқдилар. В. И. Ленин марксизмнинг миллий, социал ва сиёсий ривожланиш ҳодисаларига диалектик ёндашиш методини ривожлантириб ва бойитиб, қолоқ мамлакатлар социализмга ўтишининг нокапиталистик йўли асосий қонуниятларини таърифлаб берди. Коммунистик интернационалнинг 1920 йил июлида бўлиб ўтган II конгрессида Ленин, «қолоқ мамлакатлар янгор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин»¹, деган жуда муҳим қондави ўртага қўйди ва асослаб берди. Бу қонда амалда ажойиб тарзда тасдиқланди.

Лениннинг социализм қуриш планига мувофиқ партия ишлаб чиққан конкрет вазифаларнинг ҳал этилиши Совет Шарқи халқларини социалистик қурилишга жалб этишни таъминлаши лозим эди. Бу вазифалар РКП (б) X ва XII съездларининг миллий масалага оид маълум резолюцияларида ўз ифодасини топди. Бу резолюцияларда қуйидаги асосий қондалар белгилаб берилди:

Биринчидан, Шарқдаги чекка ўлкаларнинг меҳнаткани оммасини Советлар теварагига жипслаштириш ва бирлаштириш, совет миллий давлатчилигини Совет Шарқи халқларининг миллий турмуш шароитларига мувофиқ келадиган формаларда ривожлантириш ва мустақамлаш.

Иккинчидан, Россия Шарқий миллий чекка ўлкаларининг ўтмишдаги тенгсизлигини ижтимоий ва хўжалик турмушининг ҳамма тармоқларида тугатиш чораларини кўриш ва аввало бу ерларда янги саноат корхоналари ташкил этиш ва эски саноат корхоналарини бевосита комашё манбаларига ва истеъмол бозорларига яқинлаштириш йўли билан саноатни планли равишда ривожлан-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 274-бет.

тириш, шу асосда Совет ҳокимиятининг бош таянчи бўлмиш индустриал пролетариатни вояга етказиш.

Учинчидан, Совет Шарқи меҳнаткашларини илгариги эзилиб келган миллатларнинг ўз орасидаги патриархал-феодал муносабатларни узил-кесил тугатиш учун ва уларни социалистик қурилшга тортиш учун жинслаштириш ва бирлаштириш.

Барча маҳаллий эксплуататор элементларни халқ оmmasига таъсир ўтказишдан четлаштириш, маҳаллий меҳнаткашлар оmmasини ўз ихтиёри билан меҳнаткашлар Советларига уюштириш орқали эксплуататор унсурларни синфий имтиёзларидан маҳрум этиш, меҳнаткашларни Коммунистик партия теварагида жинслаштириш партиянинг шарқий чекка ўлкалардаги синфий табақалашув соҳасидаги сиёсатида биринчи қадам бўлди.

Тўртинчидан, хўжалик турмушининг қолоқ формаларидан замонавий формаларга, кўчманчиликдан ўтроқликка, ҳунармандчилик ва касибчиликдан фабрика-завод ишлаб чиқаришга, майда деҳқончиликдан ерни планли равишда жамоат бўлиб ишлашга ва сўнгра қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга ўтиш мақсадида маҳаллий меҳнаткашлар оmmasининг иқтисодий ташкилотлари тузила бошлади.

Бешинчидан, социалистик маданий революция, халқнинг маънавий турмушида туб ўзгариш амалга оширилди.

Партия турли-туман буюк давлатчилик ва миллатчилик оғмачликларига қарши кескин курашни, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализм принципларини изчиллик билан ўтказиш орқали Совет Шарқида коммунистик ташкилотлар тузиш ва уларни гоёвий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашни жуда зарур деб ҳисоблайди.

Бу вазифаларни ҳал этишда партия маҳаллий аҳолига нисбатан имкони борича хушмуомалалик ва ёдоб билан ёндашди. У В. И. Лениннинг сиёсатда социализмга ўтишнинг муштарак қонуниятларини маҳаллий хусусиятлар билан, интернационал хусусиятларни миллий хусусиятлар билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларга ҳамда Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил, ноябрда эълон қилинган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига мурожаатномаси каби ҳужжатларга амал қилди. Шу мурожаатномада бундай дейилган эди: «Шу кундан эътиборан сизларнинг динингиз ва урф-одатларингиз, миллий

ва маданий муассасаларингиз эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркин ва бемалол қураберингиз. Сизлар шундай қилишга ҳақлисизлар. Билиб қўйингларки, Россиянинг барча халқлари ҳуқуқлари каби сизларнинг ҳуқуқларингиз ҳам революция ва унинг органларининг, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади».

В. И. Лениннинг 1919 йил ноябрида ёзган Туркистон коммунистларига хати партиянинг Шарқдаги энг муҳим вазифалари баён этилган ажойиб ҳужжатдир. Владимир Ильич Халқ Комиссарлари Советининг ва Мудофаа кенгашининг Раиси сифатида эмас, балки партия аъзоси сифатида мурожаат этиб, шу ўлка халқлари билан амалда, иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучни сарфлашни дўстона илтимос қилди. Шу билан бирга В. И. Ленин бундай деб таъкидлади: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, жуда катта жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир».¹

Бу хатда Лениннинг Шарқ халқлари тақдири тўғрисидаги фикр-ўйлари, Совет давлатининг қурашаётган, озодликка эришаётган, янги турмуш қуришга киришаётган мамлакатларга муносабат принциплари ўз ифодасини топган, мана шу принциплар ҳозирги кунгача ҳам совет ташқи сиёсатининг таркибий қисми бўлиб амал қилиб келмоқда.

Партия Шарқ халқларининг ҳақиқий тенглигини таъминлаш, мамлакатнинг миллий чекка ўлкалари, диққатсодий ва маданий қолоқлигини тугатиш соҳасида жуда катта иш қилди. Мамлакатнинг барча халқлари, ва аввало улуг рус халқи илгари орқанда қолган халқларга ҳар томонлама ва доимий ёрдам берганликлари ва бу ёрдамни улуг рус халқи ўзининг муқаддас вазифаси деб, интернационал бурчи деб ҳисобланганлиги эришилган муваффақиятларнинг энг муҳим шарти бўлди.

Ҳозир Осиё, Африка ва Лотин Америкасида тобора кўп озодликка чиқаётган мамлакатлар капитализм ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитда уларнинг иқтисодий, социал ва сиёсий муаммоларини ҳал эта олмаслигига ишонч ҳосил қилиб, нокапиталистик ривожланиш йўли-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 349-бет.

га ўтмоқда. Бунда Совет Шарқи республикаларининг, жумладан Ўзбекистоннинг тарихий тажрибаси улар учун муносиб намуна ва ибрат бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки бу республикалар ўз ривожига Советлар мамлакатининг илғор районлари билан аллақачон тенглашиб олганлар ва бу эса социализмнинг энг муҳим ғалабаларидан бири бўлиб қолган.

Бизнинг Ўрта Осиёда янги жамият қуришнинг амалий тажрибаси бўлмаганлигини айтиб ўтмоқ керак. Бироқ навниҳол ҳеч қачон таянчсиз, тиргаксиз ўсиб-унмаслиги маълум. Биз интервенция ва ички контрреволюция балоларига қарамай ўсиб-ундик ва камол топдик. Бунинг босси шуки, бизнинг ҳам таянчимиз, суянган тоғимиз бор эди. Аввало бизнинг социализмга, Лениннинг революцион идеалларига эътиқодимиз мана шундай таянч бўлди.

Янги тузум барпо этилиши жараёнининг ўзидаёқ сафларимиздаги айни мафкуравий барқарорлик, дунёқарашимизнинг муштарақлиги, организмимизнинг жонли муррак тўқимасига буржуа захрининг кириб боришига қарши кескин кураш, айни мана шу омиллар курашнинг бош мақсадларини — иқтисодий, социал, сиёсий мақсадларини юз карра кучайтирди ва шу мақсадларга маъно бахш этди. Айни мафкуравий аниқлик ва пухталиқ душманларга қарши курашда Совет Шарқининг қуролини ўткир қилди ва эҳтимол тутилган янги босқинчиликларга, интервенцияга, тузумимизни ичкаридан қўпоришга қарши даҳшатли огоҳлантириш бўлди.

Илмий социализм ғоялари Совет Шарқи меҳнаткашлар оmmasининг онгига сингиб, олға бориш йўлини ёритди ва эски муносабатларни тубдан ўзгартириш, янги муносабатларни қарор топтиришнинг қийин ва жуда узоқ бўлиб туюлган тарихий жараёнини қисқартирди. Совет Шарқи айрим районларининг иқтисодий, социал ва сиёсий ривожланиш даражасида бирмунча тафовут бўлишига қарамай (Бухоро ва Хива тарихини бунга мисол қилиб келтириш мумкин), чиндан ҳам, социалистик қурилишнинг бир бутун Умумиттифоқ оқимига тез қўшилиб кетди.

Лениннинг, «Европа мамлакатларида бўлмаган алоқиди шароитга мувофиқ тарзда умумкоммунистик назарияга ва амалиётга таяниб, бу назария ва амалиётни исосий омма деҳқонлардан иборат бўлган шароитга, капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиш

жерак бўлган шароитга»¹ татбиқ эта билиш тўғрисидаги кўрсатмаси Совет Шарқидаги социалистик қурилиш тақдири учун чинакам тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Партия маҳаллий хусусиятларни эътибор билан ҳисобга олиб, Совет ҳокимияти қарор тошнин биланоқ дарҳол барча халқларга ўз миллий давлатини қуришга ёрдам бера бошлади. Совет ҳукумати 1917 йил ноябридаёқ Россия халқлари ҳуқуқлари Декларациясида халқларнинг давлат бўлиб ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилган ҳамда шу билан бирга барча миллатларни социалистик революцияни ривожлантириш ва мустақамлаш учун курашда бирликка чақирган эди.

«Пролетар партияси,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— мумкин қадар анча йирик давлатни барпо этишга интилади, чунки бундай давлат меҳнаткашлар учун фойдалидир, пролетар партияси миллатларнинг бир-бирига яқинлашувига... ҳаракат қилади, лекин у бу мақсадга зўрлик йўли билан эмас, балки барча миллат ишчи ва меҳнаткашлар оммасининг эркин, биродарларча иттифоқини тузиш йўли билангина эришишни истайди.

Россия республикаси қанчалик демократикроқ бўлса, Ишчи ва деҳқон депутатлари Советларининг республикасига қанчалик муваффақият билан уюшса, бундай республикага барча миллат меҳнаткашлари оммасининг ихтиёрий равишда тортилиш кучи шунчалик зўр бўлади»².

Кўпмиллатли социалистик давлатни барпо этишга В. И. Лениннинг ўзи бевосита раҳбарлик қилди. У мазкур тарихий вазифани ҳал этиш учун умумий назарий қойдаларни ишлаб чиқиш билангина чекланмади, шу билан бирга маҳаллий партия ва давлат органларининг фаолиятига йўл-йўриқ бериб турди. Совет Шарқида ҳам давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма энг муҳим масалалари унинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилди.

Лениннинг ташаббуси билан 1918 йилда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Туркистон ўлкасининг халқлари ўз республикасини тузғач, миллий автономия асосларида Россия федерацияси соствага кирдилар.

Волга бўйи, Сибирь ва мамлакат бошқа районларининг халқлари ҳам шу йўлдан бордилар. Бу даврда Ук-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 380-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 31-том, 189—190-бетлар.

раина, Белоруссия, Литва, Латвия совет республикалари ташкил топди. Дастлабки кунлардан бошлабоқ улар ўртасида қардошлик муносабатлари ўрнатилди. Ёш миллий республикалар ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга киришдилар.

Собиқ Россия империяси халқларининг янги, социалистик негизларда ўзаро яқинлашуви чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданд уруши йилларида янада ривожланди. Ташқи ва ички душманларга қарши шиддатли кураш алаңасида совет республикаларининг қудратли ҳарбий иттифоқи чиниқиб камол топди, бу иттифоқ империалист давлатлар бирлашган кучлари ва оқғвардиячи галалар устидан ёш Қизил Армиянинг ғалабасини таъминлади.

Тошкент ва Бухоро, Андижон ва Термиз, Урганч ва Самарқанднинг ўртоқлик мазорларида тоғларимиз ва водийларимизнинг порлоқ келажаги учун ҳалок бўлган бошқа миллатларга мансуб қизил аскарлар хоки ўзбеклар билан ёнма-ён дафн этилган. Улар орасида руслар, украинлар, белоруслар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар бор. Биз уларнинг хотирасини ҳурмат билан эсга оламиз ва уларнинг жасоратига офарин айтамыз. Интернационал отрядларнинг жангчилари — чехлар ва поляклар, словаклар ва немислар, мажорлар ва хорватлар, болгарлар, шунингдек шарқий қўшни мамлакатлардан чиқиб, синфий бирдамлик юзасидан бизнинг қизил байроқларимиз остига келган ҳиндилар, форслар, турклар ва уйғурлар Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жанг қилиб, жон берганликлари ҳам бизнинг асло ёдимиздан кўтарилмайди.

1919 йил октябрида В. И. Лениннинг ташаббусига биноан Бутун Россия Марказий ижроия комитети билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари Комиссияси тузилган эди. Туркистон Комиссияси ленинча миллий сиёсат принципларини турмушга татбиқ этиш соҳасида катта иш қилди. Комиссия составига Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоблари: М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элнава, Я. Э. Рудвутақ, Ф. И. Голошчекин ва бошқалар киритилган эди.

Комиссия ўз ишида маҳаллий партия-совет кадрларига таянди, уларни Ленин партияси пролетар интернационализми тоғлари руҳида тарбиялади. Партиянинг ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм халқ-республикалари ҳамда Ўзбекистон ССРнинг партия

ва давлат органларида масъулиятли лавозимлари эгаллаб турган Ф. Хўжаев, А. Икромов, Й. Охунбобоев, А. Раҳимбоев, С. Отабоев, Н. Тўрақулов ва бошқа кўпгина кишилар айниқса зўр активлик кўрсатдилар.

Ички ва ташқи контрреволюцияга қарши курашаётган Туркистон халқларига ҳар тарафлама иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ёрдам ташкил этилганлиги Лениннинг номи билан чамбарчас боғланган. 1920 йил мартда РКП(б) Марказий Комитети «Туркистон автономияси тўғрисида Низом» деган махсус ҳужжат қабул қилди. Автоном республиканинг идора органларига давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг жуда кўп масалалари соҳасида бутун ҳокимият бериб қўйилди, мудофиа, ташқи савдо, темир йўллари, молия ишларини бошқариш масалалари эса Бутун Совет давлатининг умумий иши бўлиб қолди.

Рус халқи ва мамлакатдаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами, улар билан мустаҳкам ҳарбий-иқтисодий иттифоқ туфайли Ўрта Осиё халқлари 1920 йилда сўнгги истибод таянчлари бўлмиш Бухоро амирлиги билан Хива хонлигини тугатиб, Бухорода ва Хоразмда халқ совет республикаларини барпо этишга муваффақ бўлдилар.

Ленин Шарқда совет республикалари пайдо бўлганига қувонган эди. У Советларнинг VIII Бутун Россия съезди минбарида уларни қизғин табриклаб, бу воқеанинг жуда катта аҳамиятини таъкидлади. «Бу республикалар, — деди Владимир Ильич, — Совет ҳокимияти ғоялари ва принциплари фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлар сингари асоси бўлган мамлакатларда ҳам тушунарли ва тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир. Деҳқон Советлари ғояси енгиб чиқди!»¹

Қадимий Хивада, маҳаллий тарих-революция музейида қумушдан ясалган Меҳнат ордени кўргазмага қўйилган. Унда бугдой бошоқлари, кетмон ва ооч — деҳқончилик турмушининг нишонлари тасвирланган, тана қисмига: «Бутун дунё меҳнаткашлари, бирлашингиз!» деган сўзлар ёзилган.

Хоразм халқ совет республикасининг юксак мукофоти — Меҳнат ордени билан 1922 йилда биринчи бўлиб Ленин тақдирланганлиги диққатга сазовордир. Хоразм республикаси Марказий ижроия комитетининг В. И. Ле-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42-том, 154—155 бетлар.

нингга йўллаган хатида бундай дейилган эди: «Азиз ва севакли устозимиз, Сиздан шу орденни қабул қилиб олингангизни... ва Шарқда кўн асрли қулликдан кейин меҳнат озод этилганлигининг рамзи сифатида тақиб юришгангизни сўраймиз». Бунда меҳнаткашларнинг В. И. Ленинга нисбатан меҳр-муҳаббати ва унинг Шарқ халқларини озод қилишдаги буюк роли эътирофи ўзининг жуда яққол ифодасини топди.

Ўзининг биринчи босқичида миллий-демократик характердаги давлат тузумининг кўнгина белгиларига эга бўлган Хоразм ва Бухоро халқ совет республикалари РСФСРнинг ёрдами туфайли қисқа муддатда муҳим иқтисодий, социал ва сиёсий ислохотларни амалга оширдилар ҳамда ўз юртларида социализм негизларини қуришга ўтиш учун шарт-шароит яратдилар.

Ленин Ўрта Осиё халқларининг социалистик миллатларга айланишлари, мамлакатдаги бошқа миллатлар билан жипселашишлари учун уларга зарур шарт-шароитни яратиб бериш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилди. Шу жиҳатдан олганда 1924 йилда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши тарихий иш бўлди. шунинг натижасида СССР составида Ўзбекистон ССР билан Туркменистон ССР ташкил топди, кейинчалик эса Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги бошқа иттифоқдош республикалар тузилди.

Владимир Ильич турли миллат меҳнаткашларининг иттифоқи йўлларини белгилар экан, улар ўртасидаги муносабатларни тўла ишонч асосига, қардошларча бирликни равшан англаш, мутлақо ихтиёрий иноқлик асосига қуриш зарурлигини уқтирди. «Бундай иттифоқни бирданиса амалга ошириб бўлмайди, — деб ёзди у. — Бундай иттифоқни вужудга келтиришда, ишни бузиб қўймаслик учун, ишончсизлик туғдирмаслик учун, асрларча давом қилиб келган помешчик ва капиталистлар зулми, хусусий мулк ва уни тақсим қилиш ҳамда қайтадан тақсим қилиш устидаги жанжаллар натижасида пайдо бўлган ишончсизликни йўқ қилиб юбориш учун жуда ҳам сабр ва эҳтиётлик билан иш кўриш лозим»¹.

Бинобарин, Совет Иттифоқи дарҳол эмас, балки улуғ Октябрь ғалабасидан кейин орадан беш йил ўтгач тузилганлиги мутлақо тасодифий иш бўлгани йўқ. Мамлакатимизда яшовчи халқлар мана шундай иттифоқнинг зарурлиги ва мақбуллигига ўз тажрибасида ишонч ҳосил

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 40-том, 50-бет.

қила олишлари учун вақт керак эди. Ниҳоят улар бунга
ишонч ҳосил қилдилар!

1922 йил декабрида Совет Социалистик Республика-
лари Иттифоқи тузилганлиги ленинизм ғояларининг чи-
накам улугвор ғалабаси, буржуа миллатчилиги устидан
қозонилган ғалаба, социализм, тенг ҳуқуқли халқларнинг
қардошларча дўстлиги зўр ҳаётий кучининг намоиши
бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тузил-
ганлиги ва муваффақиятли равишда ривожланганлиги
«КПСС ленинча миллий сиёсатининг таптанаси бўлди,—
дейлади КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь
социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги
қарориди,— унинг чинакам интернационалистик характе-
рининг яққол далили, социализмнинг улуг ғалабаси бўл-
ди»¹.

СССР халқларининг иттифоқи ленинча пролетар ин-
тернационализи байроғи остида туғилиб, мустаҳкамланди.
Айни шу байроқ остида мамлакатнинг барча миллат
ва элатлари битта аҳил оилага жинслашдилар. Айни шу
байроқ остида бир сафда туриб янги жамият қуришнинг
ҳали синаб кўрилмаган йўлларида бордилар, ўтминда-
ги қолоқликни қадам-бақадам бартараф қилдилар, иқтисод-
дий ва маданий тараққиётнинг янги-янги чўққиларини
забт этдилар. Совет халқларининг мустаҳкам қардошлиги
интернационализм байроғи остида қарор топди. Шу бай-
роқ остида барча совет миллатлари ва элатлари ўз оғаси—
улуғ рус халқи теварагида бирлашдилар ва у билан бир-
га тенг ҳуқуқлилик ва суверенлик негизларида кўнмил-
латли Совет давлатини барпо этдилар.

В. И. Лениннинг 1918 йил январиди Советларнинг Бу-
тун Россия III съездида: «Озод миллатларнинг турли-ту-
маи айрим федерациялари революцион Россия агрофида
тобора кўпроқ уюша боради. Бу федерация, ёлгончилик-
сиз ва зўрликсиз, батамом ихтиёрий суратда ўса боради
ва бу федерация енгилмайди»², деб айтган башоратли
сўзлари рўёбга чиқди.

Агар буржуа кўнмиллатли империяларнинг тузили-
ши эзилган халқларнинг миллий мустақиллиги туғатили-
шини билдирган бўлса, Совет Иттифоқи яхлит социалис-
тик кўнмиллатли давлат-системасида барча халқлар мил-

¹ «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги
тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил 31 январь
қарори», Т., 1977, 12-бет.

В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 35-том, 319-бет.

лий давлатчилигини вужудга келтириш намунаси бўлиб қолди.

Партия миллатларнинг ҳуқуқий тенглигини белгилаш билан аynи бир вақтда мамлакатнинг миллий чекка ўлкалари иқтисодий қолоқлигини тугатиш соҳасида жуда катта иш олиб борди. У илгари орқада қолган Шарқдаги совет республикаларида қудратли саноат базасини барпо этиш йўлини қатъият билан ўтказди. Бу йўл партиянинг X, XII съездлари ва шундан кейинги съездлари қарорларида ўзининг яққол ифодасини топди. Партия XV съездининг биринчи беш йиллик планга доир директиваларида бундай деб ёзиб қўйилган эди: «Беш йиллик планда қолоқ миллий чекка ўлкалар ва қолоқ районларнинг иқтисодий ҳамда маданий қолоқлигини тадрижий равишда тугатиш зарурлигини назарда тутиб, уларнинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши, шунга мувофиқ равишда уларнинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг бир-мулча тезроқ суръатлари кўзда тутилиши лозим...»¹

Партиянинг ғамхўрлиги, бутун совет халқининг кучгайрати ва маҳаллий меҳнаткашларнинг илҳомбахш меҳнати туфайли шарқий республикаларда замонавий индустрия мамлакатнинг марказий районларига нисбатан анча юксак суръатлар билан ривожланиши таъминланди. Масалан, биринчи беш йилликда умуман СССРда йирик саноатнинг асосий фондлари 112 процент кўнайган бўлса, Ўзбекистон республикасида 194 процент кўнайди.

Совет республикаларининг аҳил оиласида мамлакатимиз барча халқларининг баҳодирона кучлари барқ уриб яшвади. Собиқ миллий чекка ўлкалар рус халқининг ва СССРдаги бошқа халқларнинг ёрдами билан ўтмишдаги қолоқликни тугатиб, биринчи даражали индустрияга ва юксак даражада механизацияланган қишлоқ хўжалигига, ривож топган фан ва маданиятга эга бўлган илгор социалистик республикаларга айландилар.

Улуғ Октябрь шарофати билан ўзбек халқи дёнрига ҳам озодлик ва бахт-иқбол нур сочди. Эски тартиблар, удар билан бирга эса қанишоқлик, очарчилик ва подонлик ҳам абадий қайтмас бўлиб ўтмишда қолди. Меҳнат аҳли ўз юртининг хўжайини эканини ҳис этибгина қолмай, унинг соҳибига ҳам айланди. Фабрика ва заводлар, дала

¹ «КНСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюциялари ҳамда қарорларида», Тўққисм, 7-ваши, М., 343-бет.

ва ўрмонлар, ер ости бойликлари, мана шуларнинг ҳаммаси абадий меҳнаткаш халқ қўлига ўтди. Оддий меҳнатчилар давлат ҳокимияти жиловини қўлга олдилар, олимлар, санъат арбоблари ишлаб чиқариш командирлари бўлиб қолдилар, дунёни янгилаш ишига зўр ғайрат-шижоат билан киришдилар. Улар Ильич васиятларини бажариб, Ленин партияси раҳбарлигида ўлкани бутунлай ўзгартириб юбордилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳозир мамлакатнинг асосий пахта базасидир. У бутун Иттифоқимизда етиштириляётган пахтанинг учдан икки қисмини бермоқда. Бу соҳада биз революциядан аввалги давр билан ҳозирги аҳвол ўртасидаги жуда катта тафовутни яққол кўриб турибмиз: 1978 йилда мамлакатнинг пахта ҳазинасига Ўзбекистон 5 миллион 550 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» қўшди; 1913 йилда эса 522 минг тонна пахта ҳосили олинган эди.

Бу — Ильич васиятларига мувофиқ ташкил этилган колхоз тузуми буюк афзалликларининг самарасидир. Майда хўжаликларнинг муҳтожликдан боши чиқмайди, деб таълим берган эди Ленин. У эндиликда бутун мамлакатдаги колхоз ҳаракатининг асоси бўлиб қолган доҳияна кооператив планни ишлаб чиқди. Ўрта Осиё дёрида шу планнинг рўёбга чиқарилиши ўзбек қишлоғининг қиёфасини ва бутун турмушини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Майда қашшоқ деҳқон хўжаликлари ўрнида барпо этилган йирик колхоз ва совхозлар йил сайин мустаҳкамланмоқда. Уларнинг далаларида 150 мингтадан кўпроқ трактор, 30 мингтадан ортиқ пахта териш агрегати, юз минглаб бошқа машина ва механизмлар ишлаб турибди.

Совет ҳокимияти деҳқонни омовдан қутқаришига, уни тракторга мингазишига қаттиқ ишонган ва ҳамма жойда машиналарни кўпроқ жорий этишга, имкони борича кенг миқёсда машина техникасини қўлланишга ўтишга даъват қилган Ленин сўзлари беихтиёр эсга тушади.

Ўзбекистон ўз индустриясини ривожлантиришда нақадар девкор сакраш қилди. «Туркестанская правда» (ҳозирги «Правда Востока») газетаси 1922 йил 22 майда: «Главтекстилдан олинган хабарга кўра, ўзбек деҳқонлари учун Стокгольмда кетмонлар заказ қилинибди», деб ёзган эди. Ўрта Осиёда большевикларга мана шундай мерос қолган эди! Ҳатто кетмон ҳам чет эллардан ташиб келтирилган эди. Энди эса Ўзбекистон ўз маҳсулотларини 70 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилмоқда.

Покапиталистик ривожланиш йўлига ўтган кўпгина мамлакатлар индустриялаш режаларини белгилаётганликларини ва амалга оширишга киришганликларини эшитганимизда уларга ўзбеклар катта иш қилаётган ҳар бир кишига айтганларидек, «Ҳорманг!» дейишга тайёرمىз. Ҳа, шу йўлдан, тинчлик ва соқнал тараққиёт йўлидан ҳормай-толмай олга бораверингиз.

Ҳозир Ўзбекистон ССРда хилма-хил газлама ва озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб самолёт ва тракторларгача, қудратли пахта териш машинаси ва темир-бетон буюмларигача, экскаваторлар ва гоят мураккаб радио-электрон аппаратларгача — ҳамма нарса ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот барча қардош республикаларга етказиб берилмоқда ва кўпгина чет мамлакатларга юборилмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида республикамиз sanoat ишлаб чиқариши ҳажми 1924 йилга нисбатан 176 баравар кўнайти. Ўзбекистон ССР ташкил этилган йил — 1924 йилдагидан кўпроқ sanoat маҳсулотини ҳозир республика корхоналари икки кун ичида ишлаб чиқармоқда.

«Йирик машиналашган sanoat асосида қурилган хўжаликка ўтиш...»¹ мамлакат иқтисодий тузумини қайта ташкил этишнинг энг тўғри ва энг самарали йўлидир, деб таълим берган эди В. И. Ленин. Владимир Ильич йирик машиналашган индустрияни социализмнинг моддий ишлаб чиқариш маъбаи ва пойдевори деб билган эди. Ўзбекистонда барно этилган кўп тармоқли индустрия республикадаги социалистик ўзгаришларнинг мана шундай пойдевори бўлди.

Лениннинг электрлаштириш гоёси барча совет республикалари каби Ўзбекистон учун ҳам гоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. «Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштириш демақдир», деган машҳур иборани ким эсламайди дейсиз. Мана шу ибора ҳақиқий улуғ ишларда ўз ифодасини топди. Илгари зулмат ҳукмрон бўлган жойларда ҳозир Фарҳод ва Ангрен, Тошкент ва Навоий, Фарғона ва Тахитош, Чорвоқ ва Сирдарё электр станциялари ёрқин нур сочиб турибди. Ҳозир Ўзбекистон электр станциялари 1922 йилда мамлакатдаги ҳамма электр станцияларига қараганда 45 баравар кўп электр энергия ишлаб чиқармоқда. Агар Герберт Уэллс бу рақамлардан хабардор бўлганида ўзи «Кремль хаёлпарастини» деб атаган Ленин билан суҳбатлашган чоғида нима деб ўйлаган, нима деб айтган бўларди? Уша хаёлпараст инсон 1921

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, 173-бет.

Йилда Туркистонни ГОЭЛРО планининг алоҳида райони деб ёзган ва умуман эртани кунга назар ташлашни, бу ерда «фақат биринчи навбатдаги электр станцияларинигина эмас, келгусидаги электр станцияларни ҳам назарда тутини» таклиф қилган эди.

«Яхши ният — ярим мол» деган доно халқ ҳақиқатан ҳам ҳақли бўлиб чиқди.

Ленин табиий газдан фойдаланиш проблемасига неча марталаб фикран мурожаат этган эди. Шу кунларда Ўзбекистон бу проблемани ҳал этишга жуда катта ҳисса қўшмоқда. У газ саноатининг жуда катта марказига айланди. Республикада газ қазиб олиш 1960 йилга нисбатан 81 баравар кўпайиб, йилига 36 миллиард куб метрга етди. Газ эса — ҳам арзон ёқилғи, ҳам жуда яхши химиявий хом ашёдир.

Ўзбекистоннинг табиий ва газ саноати билан бир қаторда ўзбек халқининг рус халқи билан ва бошқа совет халқлари билан қардошларча дўстлиги рамзига ва моддий ифодасига айланди. Ўзбек газини республика шаҳар ва қишлоқларинигина эмас, Москва, Россия Федерацияси, Ленинград, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳам олиб турибди. Дунёда энг катта Бухоро—Урал пўлат газ қувури Урал корхоналарининг шонли меҳнатчиларига кун сайин миллион-миллион куб метр арзон «зангори ёқилғи» узатиб турибди. Бундан ҳам каттароқ Ўрта Осиё—Марказ газ қувури тўла қувват билан ишламоқда.

Электр энергетика ва газ саноати каби Ўзбекистонда металлургия, кўп тармоқли машинасозлик, катта химия, электр техника, кон-руда, кўмир, олтин чиқариш саноати, бинокорлик индустрияси, енгил ва озиқ-овқат саноатининг кўпгина замонвий тармоқлари ҳам «бўм-бўш жойда» барпо этилди. Ўзбекистон индустрияси ўзининг техникавий мукамаллиги жиҳатидан электр вакуум, ярим ўтказгич, электрон ва радиотехника приборлари, ғоят мураккаб машиналар, станоклар ва механизмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берадиган даражага кўтарилди. Кейинги йилларда, айниқса тўққизинчи беш йилликда саноат гуркираб ривожланди, бу иш асосан фан-техника тараққийётини жадаллаштириши, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиши ва техника билан қайта қуролантириши, бошқарувни такомиллаштириши асосида олиб борилди.

Ўнинчи беш йилликда саноат яши маҳсулотини кўпайтиришнинг ярмидан кўпрогини ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуролантириши, реконструк-

дия қилиш ва кенгайтириш ҳисобига олиш лозим. Саноатда миқдор ўзгаришларигина эмас, шу билан бирга аввало сифат ўзгаришлари ҳам содир бўлмоқда, ишлаб чиқаришни марказлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш, илм-фаннинг практика билан боғланишини мустаҳкамлаш жараёни чуқурлашиб бормоқда. Оралиқ бўгинларини тугатиш ҳамда бошқарувнинг икки ва уч бўгинли системасига ўттиш асосида ишлаб чиқариш ва бошқарувишнинг ташкилий структурасини соддалаштириш иши кенгайиб бормоқда. Майда ва ўрта цехларни, корхоналарни йириклаштириш, катта-катта ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиш жараёни тобора интенсив давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда юзтадан кўпроқ ишлаб чиқариш—саноат бирлашмаси ишлаб турибди. Нефть, кўмир, газ қазиб олишнинг ҳаммаси, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш, химия, электр техника саноати, озиқ-овқат, мебель, трикотаж маҳсулотлари ва халқ истеъмол қиладиган бошқа молларнинг анчагина қисми шу бирлашмаларга жамланган. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш нагжасида корхонанинг ўртача ҳажми маҳсулот реализация қилиш миқдорига кўра 1,8 барабар, асосий ишлаб чиқариш фондлари жиҳатида эса 30 процент ўсди.

Республикада капитал қурилиш кенг қулоч ёзди. Совет ҳокимияти йилларида янги азим корхоналаригина эмас, шу билан бирга йирик саноат ва маданият марказлари бўлиб қолган бутун-бутун шаҳарлар ҳам вужудга келди. Чирчиқ ва Бекобод, Ангрен ва Олмалиқ, Нукус ва Хўжайли, Гулистон ва Янгийер, Ленинск ва Янгийўл, Беруний ва Қўнғирот, Жиззах ва Чимбой, Тахиратон ва Қувасой, Денов ва Навоий, Зарафшон ва Шириш, Ульянов, Гагарин ва бошқа кўпгина шаҳар ва посёлкалар шу жумлага киради. Республика пойтахти — Тошкент, бизнинг қадимий, аммо ҳайратомуз тарзда ёшариб кетган шаҳарларимиз — Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Андижон, Урганч, Термиз, Наманган, Қарши, Қўқоннинг беқиёс обод бўлганини айтмайсизми! Уларнинг ҳусн-жамоли яшшади, ўз чегараларини кенгайтирди, кўкка бўй чўзди.

Республикада кўпдан-кўп ноёб гидротехника иншоотлари қурилди. Неча мишг километрлаб темир йўл магистраллари ва автомобиль йўллари барпо этилди, ҳаво трассалари мамлакатнинг ҳамма жойларига ва кўпгина чет давлатларга бориб етмоқда. Замонавий алоқанишнинг ҳамма турлари, коммунал хўжалиқ, савдо-сотиқ, маъший хизмат кеш миқёсда ривож тонди.

Республика экономикаси ва маданияти ўнинчи беш йилликда мислсиз раванга эришди. 1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг рақамлари шундан яққол далolat беради. Беш йил мобайнида республика саноат маҳсулотининг ҳажми 35-39 процент кўнаяди. Ялпи ижтимоий маҳсулот 34 процент ортиб, салкам 35 миллиард сўмликка етади. Миллий даромад ҳажми 32,6 процент, меҳнат унумдорлиги 26 процент кўнаяди, маҳсулотни кўпайтиришнинг қарийб 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш белгиланган. Тўққизинчи беш йилликка нисбатан капитал маблағ сарфлаш салкам 3 миллиард сўмга ортади ва 22 миллиард сўмдан ошиб кетади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига, сифат жиҳатига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Компартияси XIX, XX съезди қарорларида электрон, электр техника, химия, рағли ва қора металлургия, машинасозлик сингари тармоқларни, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни янада ривожлантиришни таъминлаш кўзда тутилади. Уй-жой, мактаблар, болалар муассасалари, шифохоналар ҳамда бошқа маданий ва маиший муассасалар қуришнинг катта программаси амалга оширилади.

Ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақа кун сайин кенг қулоч ёзмақда. Мусобақа иқтисодий ва социал тараққиётнинг қудратли воситаси, меҳнаткашларни сиёсий, ахлоқий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мактаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бизнинг давримизда мусобақа янада юқори поғонага кўтарилди, умумхалқ тусини олди. Ҳозир унда республиканинг 3,5 миллион меҳнаткаши қатнашиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар тўла-тўқис ҳамда ортиги билан муваффақиятли равишда бажарилишига ёрдам бермоқда.

Саноат, капитал қурилиш, транспорт, алоқа, экономиканинг бошқа тармоқлари ривожланиши билан бирга жамиятимизнинг етакчи кучи — ишчилар синфи ҳам ўсиб, сафлари кенгайиб борди. Октябрь революциясига қадар Ўзбекистонда 18 минг ишчи бор эди, ҳозир уларнинг сониники миллиондан ошади. Саноат корхоналаридаги меҳнатнинг характери ўзгарди. Энди меҳнатнинг асосий оғир-

лиги стапоклар ва автомат қурилмалар зиммасига юклатилган. Ишчилар синфининг умумий таълим ва техника савияси беқийёс ўсди.

Маданий қурилиш соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. Ўзбек халқи ўтмиш асрлардаёқ жаҳонга қўлгина истеъдодли олимлар ва мутафаккирларни етиштириб берган, ўз орасидан атоқли меъморларни вояга етказган эди, улар яратган обидалар ҳозир ҳам одамларнинг ақлини лол қолдиради. Аммо ижтимоий турмуш ва ҳоким феодаал тартиб, низомлар туфайли халқ оммаси зулмат ва жаҳолатда қолиб келар эди. Революциядан аввал Ўзбекистон аҳолисининг атиги 2 проценти ўқиш ва ёзишни билар эди.

Хотин-қизларнинг қисмати айниқса машаққатли эди. Ташқи дунёдан ва ҳатто қуёш нуридан ҳам тўрт девор ва паранжи билан беркитиб қўйилган, саводсиз ва забун ўзбек аёли эрининг итоатгўй чўриси эди, ижтимоий ҳаётдан мутлақо ажралиб қолган эди.

Революцияга қадар Ўрта Осиёда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, бир неча ўн мактабда эса асосан бадавлат хонадонларнинг фарзандлари ўқир эди. Юқумли касалликлар қутурган ўлкада даволаш муассасалари деярли йўқ эди. Ленин раҳбарлигидаги партия кенг миқёсда авж олдириб юборган маданий революция асрий қолоқликни тугатиш мақсадини кўзлар эди.

Ўтмиш даврларнинг аянчли мероси — аҳолининг ёппасига саводсизлигини тугатиш Октябрь ғалабасидан кейинги дастлабки йилларда Совет Шарқидаги маданий қурилишнинг эпг муҳим йўналиши бўлди. Моддий маблағнинг озлигига ва маҳаллий муаллим кадрларнинг йўқлигига қарамай, Коммунистик партия билан Совет ҳукумати мусулмон руҳонийларининг реакцион қисми ашаддий қаршилигини бартараф этди, бутун куч саводсизликни тугатиш учун курашга сафарбар қилинди. Иш қудратли революцион кўламда олиб борилгани туфайли қисқа муддатда эски мактаб системасида ҳукм суриб келган миллий камситиш, табақачилик ва ҳуқуқсизликлар буткул тугатилди.

Халқ маорифи шу қадар тез гуркираб кетдики, урушдан олдинги даврдаёқ Ўрта Осиё болаларни мактаб таълимига жалб этиш жиҳатидан СССРнинг марказий районлари билан бир қаторга чиқиб олди. 1940 йилда Ўзбекистондаги 5,4 минг умумий таълим мактабида 1 миллион 315 минг бола ўқир эди. Мактаблар сони 1924 йилга нисбатан 6 баравар, улардаги ўқувчилар сони эса қарийб 16

баравар кўнайди. Шу вақтга келиб саводсизлик асосан тугатилган эди.

Ушундан кейинги даврда халқ маорифи ривожланиб бораверди. Ҳозир Ўзбекистонда 9458 та умумий таълим мактаби бор. Улардаги ўқувчилар сони 3 миллион 875 минг кишидан ошади.

Айни вақтда мактабгача тарбия муассасалари тармоғи ривожлантирилди. Ҳозир бу муассасаларда 700 мингдан кўпроқ бола тарбияланмоқда.

Бизнинг ўлкамизда революцияга қадар хотин-қизларнинг илм олишига мутлақо йўл берилмаганлиги сабабли, уларни маърифатли қилиш масаласи жуда мураккаб эди. Маҳаллий турмуш шароитларини, айниқса хотин-қизларнинг тортинчоқлигини эътиборга олиб, аввал бошда қизлар учун мактаблар, сўнгра эса юқори синфларнинг ўқувчилари учун интернат мактаблар тузилди. Мактабларни битириб чиққан қизларнинг ҳаммаси олиёй мактабларда ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун зарур чоралар кўрилди. Шу мақсадда алоҳида тилдаги ўқув юртлари — хотин-қизлар педагогика институтлари ва билим юртлари ташкил этилди.

Бироқ, саводсизликни тугатиш хотин-қизларни озодликка чиқариш ва уларни социалистик қурилишга жалб этишдан иборат катта ва муҳим масалани ҳал қилишнинг бир қисми эди, холос. Ленин бундай деб таъкидлаган эди: «Агар меҳнаткаш хотин-қизларнинг жуда катта қисми социалистик тўнтаришда яқиндан иштирок этмаса, социалистик тўнтаришнинг бўлиши мумкин эмас»¹.

Совет ҳокимияти турмушнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берди. Аммо уларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни янги турмушга, ижтимоий фойдали меҳнатда, сиёсий ва маданий ҳаётда актив қатнашишга тортиш керак эди.

Янги турмушни қарор топтириш жараёнида оила-никоҳ муносабатлари такомиллаштирилди. Қалин, кўп хотинлилик, қизларни зўрлаб эрга бериш, балоғатга етмаганларни никоҳдан ўтказиш, паранжи ва чачвон тутиш сингари разил асрий сарқитлар таг-туби билан тугатилди. Партия аёлларнинг оиладаги ролини ҳар томонлама кўтарди, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг рўзгор юмушларини енгилаштириш тўғрисида тишимсиз амр-қарорлар қилди.

¹В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 37-том, 243-бет.

Бу тадбирлар ажойиб самаралар берди. Хотин-қизларнинг саводсизлиги, асрий ҳуқуқсизлиги, маданиятсизлиги, сиёсий подонлиги абадий тугатилди. Совет Шарқининг хотин-қизлари билим асосларини эгаллаб олиб ва ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиб, эркаклар билан тенга-тенг янги турмуш қуришнинг кенг ва ёруғ йўлига чиқиб олдилар. Улар корхоналарга бориб ишлай бошладилар, педагог, врач, инженер, агроном, олим, адабиёт ва санъат арбоби, давлат ва партия ходимлари бўлиб етишдилар.

Ҳозир республика халқ ҳўжалигидаги барча ходимларнинг 43 проценти, саноат ходимларининг 48 процентдан кўпроғи хотин-қизлардир. Маориф ва маданият ходимлари орасида хотин-қизлар 55,7 процентга, соғлиқни сақлаш системасида эса 72,5 процентга боради. Хотин-қизлар давлатни идора қилишга ҳам жалб этилмоқда. Ҳининчи чақириқ СССР Олий Совети составига Ўзбекистондан 28 аёл сайланди. 45 мингга яқин хотин-қиз Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг ва маҳаллий Советларнинг депутатларидир.

Партия билан Совет ҳукумати аёлларимизнинг ижодий ишини юксак қадрламоқдалар, уларнинг меҳнатдаги хизматларини муносиб тақдирламоқдалар. Ўзбекистоннинг 74 мингдан кўпроқ меҳнаткаш аёли СССР орден ва медаллари билан мукофотланган, улардан 115 нафари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Халқ социалистик зиёлиларининг ўсиб, вояга етишида ҳам Ўрта Осиё маданий ривожининг хусусиятлари ўз ифодасини топти. Бу ерда эски зиёлилар жуда оз эди, маҳаллий миллатлар орасида инженер-техник, агроном ва илмий зиёлилар мутлақо йўқ эди. Аммо ҳаёт кўп минглаб малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қилди. Олий ва ўрта махсус таълимни юксак суръатлар билан ривожлантирмай туриб бундай мутахассислар етиштириб бўлмас эди.

В. И. Ленин имзолаган декретга биноан 1920 йил сентябрида Тошкентда Ўрта Осиё олий ўқув юр்தларининг тўнғичи бўлган Давлат университети очилди. Унда ишлаш учун Ленин йўлланмаси билан Россия маркавидан тапикди олимлар ва педагоглар келдилар. Ҳозир Ўзбекистон ССРда 43 та олий мактаб ва 207 та ўрта махсус ўқув юрти бор. Улардаги студентлар ва ўқувчилар сони 480 минг кишига етай деб қолди. Кейинги саккиз йил-

нинг ўзида 5 та олий ва 44 та ўрта махсус ўқув юрти очилди.

Халқ маорифи тез ривожланганлиги кўп сонли мутахассислар армиясини тайёрлашни таъминлаб берди. 1979 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, республика халқ хўжалигида ишлаб турган ҳар минг кишининг 800 дан кўпроги олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотлидир.

Илм-фан юксак суръатлар билан ривожланди. Маҳаллий миллий зиёлилар орасидан илмий кадрлар йил сайини ўсиб чиқаверди, илмий тадқиқот муассасалари тармоғи кенгайди.

1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилди. Ҳозир у мамлакатнинг катта илмий марказига айланган. Тошкентда ташкил этилган ядро физикаси институти ва атом реактори, кибернетика, электроника, энергетика ва автоматика, геология ва геофизика, химия ва бошқа кўпгина институтлар Ўзбекистонда илм-фан ва техниканинг гуркираб равнақ топгани тимсолдир. Ҳозир республикада 32 мингдан кўпроқ илмий ходим бор. Улар орасида 850 фан доктори ва 12 мингдан кўпроқ фан кандидати, шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 48 академиги ва 65 мухбир аъзоси, СССР Фанлар академиясининг ва Бутуниттифоқ тармоқ академияларининг 21 ҳақиқий аъзоси ва мухбир аъзоси, 500 профессор меҳнат қилмоқда. Илмий ходимлар составида 11,5 мингдан кўпроқ хотин-қиз бор. Улардан 93 нафари фан доктори ва 3 мингга яқини фан кандидати.

Ўзбекистон олимлари қилган бирталай кашфиётлар Ватанимиз фани ва техникасини анча бойитди. Олимларимиз назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга молик бўлган бир қатор салмоқли ишларни бажардилар, юксак самарали техника намуналарини яратинга, илгор технология жараёнлари ва агротехника усулларини ишлаб чиқишга, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш проблемаларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг математика, физика, химия, биология, геология, медицина соҳаларида, қуёш нуридан фойдаланишда эришган муваффақиятлари республикада, Иттифоқда ва чет мамлакатларда ҳам маълум.

Совет фани олдидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Ўсимлик моддалар химияси институтининг директори, СССР Фанлар

академиясининг мухбир аъзоси С. Ю. Юнусов, Богдорчилик, узумчилик ва виночилик институти директори М. М. Мирзаев, республика Қишлоқ хўжалиги мишистрлиги фан бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари П. М. Маннонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳ. А. Раҳматуллинлар ҳам маана шу юксак унвонга мушарраф бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология ва геофизика институтининг директори И. Ҳ. Ҳамробоев, шу институтнинг катта илмий ходими А. И. Пақ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг академик-секретари, академик Ё. Х. Тўрақуллов, республика геология мишистри Ҳ. Т. Тўлаганов ва унинг ўринбосари В. Г. Гарковецлар Ленин мукофотининг лауреатлари бўлишди. Тошкент Давлат университетининг ректори академик Т. А. Саримсоқов, академик ёзувчи Комил Яшин ва бошқа олимларнинг асарлари СССР Давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Партия маданият қурилиш вазифаларини ҳал этар экан, революцияга қадар республикамизда мутлақо бўлмаган маданият муассасалари тармоғини ривожлантириш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширди. Энди Ўзбекистоннинг бир ўзида 26 та театр, шу жумладан иккита опера театри, иккита филармония, 3,8 мингтадан кўпроқ клуб муассасаси, 6,4 мингта оммавий кутубхона, 32 та музей, 4 мингтадан кўпроқ киноустановка, кўндан-кўн спорт муассасалари ишлаб турибди. Ўрта Осиёнинг бошқа ҳамма республикалари каби бизда ҳам бадиий телевизион ва ҳужжатли фильмлар киностудиялари бор.

Матбуот, радио, телевидение барқ уриб ривожланган, Совет матбуотининг барча ходимлари каби республика журналистлари ҳам КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда актив қатнашмоқдалар, меҳнаткашларнинг ижодий кучларини ўзинчи беш йиллик тошшириқлариши муваффақиятли бажаришга сафарбар этмоқдалар. Ўлкамизнинг ҳамма жойларида меҳнаткашлар республика ва марказий студияларнинг телекўрсатувлариши ҳар куни томоша қилмоқдалар. Деярли ҳар бир уйда радио бор.

Социалистик ўзгартишлар Совет Шарқидаги эркин миллатларнинг ижодий кучларини қулф урдириб юборди. Шаклап миллий, мазмунан социалистик адабиёт ва санъат вужудга келтирилганлиги бунинг ажойиб натижаси бўлди.

Янги адабиёт ва санъат миллий маҳдудлигини ва миллий худбинлигини тарғиб қилувчи, санъатнинг партианлийлиги ва халқчиллигига қарши, унинг ҳаёт билан боғланшига қарши чиққан буржуа миллатчиларнинг гайримарксистик, формалистик оқимларига қарши шиддатли курашда туғилди.

Совет Шарқида социалистик реализм адабиёти ва санъатининг қарор топиши Хамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Тўқтағул Сотилгонов, Ғафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимонов, Берди Кербобоев, Мухтор Аевзов, Мирзо Турсунзода ва бошқа атоқли санъаткор адибларнинг номлари билан чамбарчас боғланган. Уларга Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Тарас Шевченко, Гоголь, Толстой, Горький, Маяковский ҳамда мамлакатимиздаги қардон халқларнинг бошқа кўнгина ёзувчилари ва шоирлари яратган асарлар катта таъсир ўтказди.

Социалистик реализм санъатининг интернационал табиати, ўзаро таъриба айирбошлаш Совет Шарқи халқларида бадиий ижодиётнинг янги форма ва жанрлари вужудга келишига ёрдам берди. Истеъдодли ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, архитекторлар, кино ва театр артистларининг ажойиб намояндалари ўсиб вояга етди. Партиянинг эътибори ва гамхўрлигидан пайҳомланган Ўзбекистон адабиёт ва санъат арбоблари халққа зарур бўлган, коммунистик бунёдкорлик нафосини ёрқин бўёқлар билан тасвирлайдиган, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнатини тараннум этадиган кўплаб асарлар яратдилар. Бу асарларнинг аксарияти ҳақли равишда кўнчилиكنинг таҳсинига сазовор бўлди.

Республиканинг кекса кино санъаткори Комил Ерматовнинг ижодий фаолияти Ватанинг олий мукофоти билан тақдирланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Рамаз Бобожон «Оби ҳаёт» достони учун, Зулфия «Хотира сатрлари» китоби ва «Камалак» шеърлар туркуми учун ва «Баҳор» халқ рақс ансамбли СССР Давлат мукофотларига сазовор бўлди. Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати писон» романи ўзбек совет адабиётида катта ҳодиса бўлди, у ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзининг мукофоти билан тақдирланди. Драматургия асарлари орасида Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» пьесаси муносиб ўрни олди.

Ёзувчилардан Сергей Бородин, Уйғун, Михаил Шервдин, Назир Сафаров, Миртемир, Асқад Мухтор, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, кинорежиссёр Наби Ғаниев, СССР

халқ артистлари Олим Хўжаев, Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Раззоқ Ҳамраев, Шукур Бурхонов, Мукаррама Тургулбоева, Галина Загурская, Михаил Мансуров, Тамарахоним, Наби Раҳимов, Малик Қайумов, Зигир Муҳаммаджолов, rassomлардан Ёрол Таисиқбоев, Қодиржон Ҳайдаров, Раҳим Аҳмедов ва бошқа маданият арбоблари ўзбек совет адабиёти ва санъатини ривожлантиришига катта ҳисса қўшдилар.

Кейинги йиллардаги энг яхши адабиёт ва санъат асарлари ҳозирги замон билан боғланганлиги, халқ турмушини чуқур тасвирлаши, ажойиб воқеаларимизни чинакам бадиий ифодалаб бериши уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу асарларга илғор ишчилар, колхозчилар, бутун-бутун меҳнат коллективлари қаҳрамон қилиб олинган. Ёрқин бадиий образларда гавдалантириб берилган бу қаҳрамонлар барча меҳнаткашлар учун намуна бўлиб хизмат қилади, уларни янги шонли ишларга руҳлантиради.

Соғлиқни сақлаш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Революцияга қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида атиги 997 ўринли 63 та касалхона бор эди. Ҳозир республикада 151, 1 минг ўринли 1122 та касалхона муассасаси, 2000 тага яқин поликлиника ва амбулатория, минглаб соғломлаштириш пунктлари ва бошқа медицина муассасалари бор. 37,5 минг врач ва 114, 5 минг ўрта малакали медицина ходими меҳнаткашларнинг сўхат-саломатлигини муҳофаза қилишдек олижаноб вазифани ўтамоқда.

Экономика, фан ва маданият ривожланиши билан республиканинг миллий даромади ҳам муттасил ўсмоқда. 1960 йилга нисбатан миллий даромад 3 баравар кўнайди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ моддий фаровонлигининг юксалишига, одамларнинг турмуш даражаси ва машаати тубдан яхшиланishiга олиб келди.

Революциядан аввал ўлкамиз меҳнаткашлари қоронғи ўтовлар ва гувалак кулбаларда ночор ҳаёт кечиришар, электр ва газ нималигини, замонавий сув таъминоти ва канализация системаси нималигини билмас эдилар. Совет ҳокимияти йилларида халқнинг уй-жой, маиший шароитлари бутунлай ўзгарди. Ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнидагина Ўзбекистон меҳнаткашлари 16 миллион квадрат метрдан кўпроқ шинам уй-жой олдилар. Замонавий электр асбоблари, маданий моллар, мебель, музика асбоблари меҳнаткашлар турмушига сингиб

кетди. Шаҳар ва қишлоқлар тўла-тўқис электрлаштирилди, уларни газ билан таъминлаш кенг суратда олиб берилмоқда.

Социализм меҳнаткашларнинг социал таъминот, бепул даволаниш ва илм олиш ҳуқуқини гарантиялайди. Меҳнаткашларнинг шу эҳтиёжлари давлат ҳисобидан қондирилади.

Одамларнинг дунёқараши ўзгарди. Юксак идеалларни кўзловчи, билим доираси кенг, олижаноб коллективчилик, ўртоқлик ва қардошлик, ижтимоий бурчга садоқат туйғулари билан яшовчи янги инсон ўсиб-вояга етди.

Марксча-ленинча дунёқараш одамларимиз маънавий турмушининг асоси, янги дунё учун курашда уларнинг ғоявий қуроли бўлиб қолди. Одамлар ўртасидаги муносабатларда: «Инсон инсонга — дўст, ўртоқ ва биродар» принципи мустаҳкам қарор топди. Мана шулар — халқнинг бахт-саодати тўғрисидаги, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳақидаги гамхўрлик—Ленин партиясини турмуши ва фаолиятининг олий қонуни эканлигининг исботи эмасми, ахир. Шу гамхўрлик туфайли ўзбек халқи қардош совет халқининг аҳил оиласида иқтисодий ва маданий раванқ чўққиларига кўтарилди.

Партиямиз халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. У «Хамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» шioriни амалга оширишга бутун кучини сарфламоқда. Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Иттифоқи халқлари Лениннинг социализм қуриш планини турмушга татбиқ этиб, ривожланган социалистик жамият барпо қилдилар. Бу эса партия билан халқ революцион-ўзгартирувчилик фаолиятининг энг муҳим натижаси, бош якунидир.

Республика меҳнаткашларининг коммунистик қурилишидаги буюк зафарлари Ўзбекистон ССР нинг 1978 йил апрелида қабул қилинган янги Конституциясида қонун тарзида мустаҳкамлаб қўйилди. СССР Конституциясига тўла мувофиқ равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССР Конституцияси давлат қурилишининг бой тажрибасини, социалистик демократия янада ривожлантирилганини, совет халқлари мустаҳкам иттифоқининг буюк кучини ўзида мужассамлаштирди. Ўзбекистон ССР Конституцияси эришилган ютуқларини мустаҳкамлаш билан бирга, коммунистик қурилишни янада авж олдириш истиқболини очади.

Халқлар қардошлиги ва дўстлигига асосланган совет тузумининг буюк бунёдкорлик кучини катта ва кичик барча иттифоқдош ҳамда автоном совет республикалари ўз тажрибаларида синаб билдилар. Мисол учун Украина ва Белоруссияни олайлик. Бу икки республика граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида чет эл босқинчиларининг ҳужумидан энг кўп зарар кўрди, жуда катта вайронгарчиликларга дучор бўлди, шунга қарамай, совет халқларининг қардошлик оиласидаги украин ва белорус халқлари ҳозир ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда улуғвор муваффақиятларга эришдилар.

Ҳозирги Украина — иқтисодий қудрати жиҳатидан РСФСР дан кейин иккинчи ўрнида турадиган иттифоқдош республикадир. Унда оғир, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа саноат тармоқларининг жуда катта комплекси бор. Унинг ялпи маҳсулоти 1978 йилда 1913 йилга нисбатан 99 барабар кўпайди. Республика қишлоқ хўжалиги экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айланди. 60 йил мобайнида дон экинларининг ҳосилдорлиги уч барабардан зиёд ордди.

Белоруссия ҳам катта муваффақиятларга эришди. Эндиликда у ривож топган металлургия, машинасозлик ва химия республикаси дир. Совет ҳокимияти йилларида унинг саноат маҳсулоти ҳажми 207 барабар кўпайди. Кейинги ўн йиллар мобайнида республиканинг иқтисодий потенциали ҳар етти йилда икки ҳиссадан ошиб бораверди. Қишлоқда жуда зўр ўзгартишлар амалга оширилмоқда. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ялпи маҳсулотини етиштириши революциядан аввалги даражага нисбатан 3,5 барабар ордди.

Ёки Қозоғистон ССР мисолига мурожаат этайлик. Октябрь революциясига қадар Қозоғистон чор Россиясининг энг қолоқ чекка ўлкаларидан бири эди. Совет ҳокимияти йилларида эса Қозоғистоннинг ялпи саноати маҳсулоти ҳажми 232 барабар кўпайди. У — раангли ва қора металлургия, катта химия республикаси дир. У — космосга парвоз қилинадиган ўлка ва ердаги ажойиб зафарлар ўлкаси дир, бу ўлкада илгари ҳувиллаб ётган 25 миллион гектардан кўпроқ серҳосил ер партиянинг иродаси, совет халқининг меҳнати билан ўзлаштирилди.

Ҳозир барча иттифоқдош республикалар — Советлар мамлакатининг узлуксиз ривожланаётган, гуллаб-яшнаб турган регионларидир. Улар қардош халқларнинг ягона

опласида янги турмуш қуришда катта катта муваффақиятларга эришдилар. Уларнинг бутун моддий ва маънавий турмушига ривожланган социализм жамиятига хос хислатлар сингиб кетган. Уларнинг индустриал тараққиётига онд рақамларни олиб кўрайлик. Совет ҳокимияти йилларида янги саноат маҳсулоти ҳажми Грузияда 144 барабар, Озарбайжонда — 62, Литвада — 140, Молдавияда — 261, Латвияда — 39, Қирғизистонда — 333, Тожикистонда — 138, Арманистонда — 335, Туркменистонда — 74 ва Эстонияда — 56 барабар кўнайди.

Шу тариқа социалистик ва коммунистик қурилиш давомида, барча миллатларнинг биргаликдаги куч-гайратлари, уларнинг ўзаро ёрдамлашуви туфайли Лениннинг республикалар хўжалик тараққиёти даражаларини бараварлаштириб олиш принципи изчиллик билан амалга ошириб келинди. Бу мураккаб проблема гарчи эндиликда асосан ҳал этилган бўлса ҳам, бундан буёнги коммунистик қурилиш жараёнида бараварлаштириб олиш иши ҳали давом эттирилади. КПСС Программасига бундай деб ёзиб қўйилган: «Партия, илгаригидек, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини тўла ҳисобга олиб, уларнинг амалдаги тенглигини таъминлайдиган сиёсат юргизади, мамлакатнинг тезроқ ривожланиши лозим бўлган районларига алоҳида эътибор беради».

КПСС XXV съезди қарорларида партия билан давлатнинг ҳар бир республика ва умуман бутун мамлакат манфаатларини бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш ҳақидаги, уларнинг хўжалик соҳасида, халқ маорифи ва маданият соҳаларида янада умумий юксалиши ва раванқ топиши тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги янги куч билан намойи бўлди. Леонид Ильич Брежневнинг мазмундор ибораси билан айтганда, ўнинчи беш йиллик — халқлар дўстлигининг экономика тилида ифодаланган ленинча беш йиллигидир.

«1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да ҳар бир республиканинг хусусиятлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Асосий йўналишларда уларнинг уйғун равишда ривожланиши белгиланган, ҳар бир иттифоқдош ва автоном республиканинг хўжалик потенциалини ўстириш, СССРда коммунизмнинг моддий-техникавий базасини барпо этиш суръатларини жадаллаштириш реал равишда таъминлаб қўйилган. «Совет беш йиллик планлари — хўжалик қурилиши планларигина эмас, шу билан бирга социал тараққиёт планлари ҳамдир», — дейилади КПСС

Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарориди.— Бу планлар социалистик ижтимоий ишлаб чиқарининг олий мақсадига эришишга—одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қоят тўла-тўқис қондиришга хизмат қилади».

Партиянинг ривожланган социализм давридаги иқтисодий сиёсати жамиятимизнинг тағ-заминли, узоқ муддатли мақсадларига эришишга қаратилган, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш шу мақсадлар орасида олий мақсаддир. Партия бу мақсадларни рўёбга чиқариш йўллари ва воситаларини чуқур ва атрофлича асослаб берди, у ҳам бўлса — ишлаб чиқаринини узлуксиз ва пропорционал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида уни сифатини ҳар томонлама яхшилашдан иборат.

КНСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида Ҳисобот докладиди 1976 — 1990 йилларда мамлакатимиз ўтган 15 йилга нисбатан тахминан икки ҳисса кўп моддий ва молиявий ресурсларга эга бўлади, деб айтилган сўзларни совет кишилари ифтихор ва мамнуният билан кутиб олдилар. Шу тариқа КНСС Программасида, партиянинг сўнги съездларида ўртага қўйилган асосий социал-иқтисодий вазибаларни ҳал этиш учун янги имкониятлар вужудга келтирилади. Бу гап аввало совет кишиларининг фаровонлигини оширишга, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, соғлиқни сақлаш, маориф, маданиятнинг анчагина тараққий этишига — ҳуллас, янги ишонни камол топтириш учун, шахсни ҳар томонлама воёга етказиш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш учун кўмаклашадиган ҳамма соҳаларга тааллуқлидир.

Халқ хўжалиқ планлари ҳар бир республикада энг қулай табиий, иқтисодий шароитлар ва тарихан таркиб топган ишлаб чиқариш кўшикмалари мавжуд бўлган хўжалиқ тармоқларини биринчи галда ривожлантиришни кўзда тутди. Бу эса республиканинг ресурсларидан тўла-тўқис ва самарали фойдаланиш имконини беради ҳамда социалистик меҳнат тақсимотини кенгайтиришга, иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини янада раванқ топтиришга, бутун мамлакатнинг қудратини тағин ҳам юксалтиришга, Совет Иттифоқи

халқларнинг қардошларча дўстлигини янада кучайтиришга имкон беради.

Шу ўринда совет тузумининг ўзига хос бир хусусиятини уқтириб ўтиш муҳимдир. Ижтимоий мулкчилик социалистик миллатларнинг иқтисодий негизидир. Айни ижтимоий мулкчилик биринчи бор халқ хўжалигини стихияли тарзда эмас, балки план асосида ривожлантиришга йўл очди. Бу план бутун мамлакат миқёсидаги меҳнат тақсимотини ҳам, шунингдек саноатни энг оқилона тарзда жойлаштириш, хом ашё ва ёқилғи ресурсларидан фойдаланиш йўли билан турли районлар ўртасида кооперациялашни, хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашни ҳам назарда тутди.

Ишчилар синфи умумхалқ социалистик мулкчилигига асосланиб социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда меҳнаткаш деҳқонларга жуда катта ёрдам беради. Социалистик тузум ҳуқуқронлик ва қарамлик муносабатлари ўрнига ишлаб чиқариш соҳасида ўртоқларча ҳамкорлик ва мусобақа муносабатларини, экономикани муттасил ривожлантиришдан ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг чуқур манфаатдорлигини вужудга келтирди. Бу — миллатларнинг иқтисодий турмушида кризисларни ҳам, синфий антагонизмларни ҳам билмайдиган мутлақо янги умумийликдир. Бу умумийлик коммунизм экономикаси муваффақиятли равишда қурилган сайин тобора ўсиб, мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизнинг тажрибаси шунини кўрсатиб турибдики, ҳар бир социалистик миллат ичидаги иқтисодий умумийлик барча социалистик миллатларнинг умумий экономикасига зид эмас, балки аксинча уни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Социалистик миллатларнинг иқтисодий бирлигини мустаҳкамлаш жараёни муттасил давом этмоқда, иқтисодий умумийлик эса миллатларнинг базаси бўлиб қолади ва борган сари интернационал характер касб этади.

Жамиятимиз турмушида интернационал ва миллий белгиларнинг бирга қўшилишидан иборат қонуниятли жараён содир бўлмоқда. Ҳар бир иттифоқдош республиканинг экономикаси Совет Иттифоқи яхлит экономикасининг таркибий қисмидир, чунки бутун Ватани равишда топтириш асосидагина ҳар бир республика чинакам равишда топшиши мумкин.

«Совет Иттифоқининг экономикаси,— дейди ўртоқ Л. И. Брежнев,— айрим республикалар ва областлар экономикасининг йиғиндисидан иборат эмас. У барча

миллатлар ва элатларнинг муштарак иқтисодий мақсадлари ҳамда манфаатлари асосида кўпдан бери таркиб топган ягона хўжалик организмидир.

Айтайлик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳолати республиканинг ўзидаги пахта ҳосилигагина эмас, Урал ва Ленинград машинасозларининг, Кузбасс шахтёрларининг, Қозоғистон ғаллакор совхозларининг, Белоруссиядаги электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарувчиларнинг ишига ҳам боғлиқдир. Худди шунингдек, Украинанинг равнақи, унинг ўз меҳнаткашлари муваффақиятли ишигагина боғлиқ бўлиб қолмай, шу билан бирга Татаристон ва Бошқирдистон нефтчилари, Коми ўрмон саноати, Москва, Горький ва Куйбишев машинасозлиги ишининг натижаларига ҳам боғлиқдир. Бундай мисолларни юзлаб ва минглаб келтириш мумкин. Ишларимизнинг кўлами иқтисодий районлар чегарасидагина эмас, иттифоқдош республикалар чегарасидан ҳам ташқарига чиқмоқда»¹.

Тузумимиз социал, иқтисодий ва сиёсий табиатининг ўзи ҳар бир республиканинг, ҳар бир социалистик миллатнинг муваффақиятларга эришиши учун ҳамма шаронтни яратди ва бу муваффақиятлар партиянинг бош йўлини муттасил турмушга татбиқ этиш орқали, мамлакатимиз барча халқларининг қаҳрамонона меҳнати орқали таъминланади. Аммо бу ҳол маҳаллий ташаббуснинг роли ва аҳамиятини камайтирмайди, балки оширади.

Ҳар бир республиканинг муваффақиятларига унда яшовчи барча халқлар намоёндаларининг меҳнати билан эришилди. Мамлакатимизда социалистик миллатлар тугал таркиб топди, ўси ва тарихий ривожланишда, мамлакат тақдирини ҳал этишда, жаҳон тарихида ўз ўрнини олди. Коммунистик қурилишининг улуг ишига уларнинг ҳиссаси кун сайин ўсиб бормоқда.

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Совет Иттифоқи етук социализм босқичига қадам қўйганлиги СССРдаги муносабатлар ривожидан янги босқич бошланганидан дарак беради. Аввалги босқичда бўлгани каби бу босқичда ҳам мамлакатимиздаги миллий масалада икки теңденция амал қилмоқда. Бир томондан,

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, 63—64-бетлар.

ҳар бир социалистик миллат гуркираб, ҳар томонлама ривожланишда, иккинчи томондан, мамлакатимизнинг бутун иқтисодий қурилиши социалистик негизда интернационаллашуви натижасида, интернационализм байроғи остида миллатлар бир-бирлари билан ўзаро тобора кўпроқ яқинлашмоқдалар.

Миллатларнинг равақ топиши ва ўзаро яқинлашуви — яхлит объектив жараёнинг ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи икки жиҳатидир. Бу жиҳатларнинг ҳар бири иккинчиси ривожнинг шартӣ бўлиб турибди. Совет миллатларининг ривожӣ ва равақи уларнинг ўзаро алоқаларини кучайтириш, ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириш учун ва бинобарин, уларнинг ўзаро яқинлашуви учун шароит яратади. Миллатлар тобора кўпроқ ўзаро яқинлашсалар, улар нақадар кенг ва мустақкам ҳамкорлик қилсалар, уларнинг бир-бирларини ўзаро бойитиш жараёни шу қадар тўлақонли бўлаверади ва, бинобарин, улардан ҳар бири шу қадар тез ривожланиб, ҳар томонлама равақ топаверади.

Мана шу ҳар иккала тенденция диалектик бирликдан иборат бўлиб, бир-бири билан уйғун равишда кўшилиб кетади. Равақ топиш орқали яқинлашиш, яқинлашиш орқали эса равақ топиш — социалистик миллатлар ривожининг моҳиятидир. Бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган мана шу илғор тенденцияларнинг амал қилиши жамият кўп қиррали турмушининг ҳамма соҳаларида намоён бўлмоқда. Улар совет миллатлари ва элатларини ҳақли равишда тўла бирликка олиб келди.

Туб социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгартишлар, социализм ишлаб чиқарувчи кучларининг бениҳоя ўсиши, социалистик миллатларнинг ривожланиши ва ўзаро яқинлашиши, уларнинг миллатлараро алоқаси кенгайиши туфайли мамлакатимизда одамларнинг илғори мисли кўрилмаган янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Бу — СССР даги юздан ортиқ миллат ва элатнинг чинакам интернационал бирлигидир. Бу бирлик ягона социалистик хўжалик системаси шарофати билан юзага чиқди. Бу бирлик иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий турмушининг бирлиги, марксча-ленинча идеологиянинг, манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги негизда шаклланди. У барча социалистик миллатларнинг равақ топиши, уларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, суверенитети, қардошларча дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдам асосида вужудга келди.

Социалистик интернационализм бу бирликнинг байроғидир. Қатрада куёш аке этганидек, совет кишиларининг янги тарихий бирлигида ҳам Ленин ғоялари ва социалистик интернационализм принциплари намоён бўлмоқда. Халқимизнинг бутун турмуши шу ғоялар ва принциплар билан сугорилган, улар барча миллатларга мансуб совет кишиларининг қон-қонига сиғиган.

Мана шу ҳамжиҳатлик заҳматкашлар ва бунёдкорларнинг дўстона синфлари — ишчилар ва колхозчи деҳқонларни, шунингдек, ўзларининг бутун ижодий кучларини коммунистик қурилиш ишига сарфлаётган халқ зиёлиларини бирлаштириб турибди. Совет халқи муштарак социалистик иқтисодий базага, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ягона тилига эга бўлган СССРдаги барча халқларнинг бузилмас дўстлиги ва қардошларча иттифоқини ўзида мужассамлаштиради.

Коммунизм ишига астойдил садоқат, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм, юксак меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлик, эксплуатацияга ва зулмга нисбатан, миллий ва ирқий хурофотларга нисбатан муросасизлик, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан синфий бирдамлик каби ягона ва муштарак ахлоқий, сиёсий фазилатларга эга бўлган кишиларни мана шу ҳамжиҳатлик жишешлаштириб турибди. Барча миллатларга мансуб совет кишилари ғоявий принциплар ва юксак мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашганлар.

Социалистик миллатларнинг бундай ҳамжиҳатлиги, совет кишиларининг бундай қардошлиги империалистларга ва уларнинг идеологларига ёқмасди, албатта. Ғарбда Советларга қарши ва коммунизмга қарши фиёқу фасод билан шугулланувчи бир талай «мутахассислар» бор, улар бизда вужудга келган совет халқининг бирлиги гўё «миллатлар ва элатларни ўзига ютиб, эритиб юбормоқда», деб исботлашга жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. Улар ҳатто «Совет ҳокимияти халқларни совет-рус типидagi ягона миллат»га «зўрлик билан бирлаштирди», деб вайсамоқдалар.

Аммо бундай уйдирмалар воқелигимизни тўғридак-тўғри сохталаштириш эканлиги ҳар бир халқ кишига равшан.

Интернационал ҳамжиҳат совет халқи вужудга келганлиги одамларнинг миллатлар ва элатларга бўлиниши, миллий ўзига хосликлар, миллий маданиятлар ва миллий тиллар йўқ бўлиб кетишини асло билдирмайди. Итти-

фоқ давлат — Совет Социалистик Республикалари Итти-
фоқининг мавжудлиги халқларнинг миллий давлатчили-
гини тугатмагани каби, интернационал ҳамжиҳатлик
ҳам миллий бирликларни бекор қилмайди, балки уларни
миллатлар интернационал бирлигининг зарур компонен-
ти сифатида ўз таркибига қўшади.

Интернационал бирлик барча социалистик миллат-
ларга ва улардан ҳар бирига хос бўлган ягона, барқарор,
муҳим белгиларни таъкидлайди, холос. Совет халқи
ягона ва айни вақтда кўнмиллатлидир. Уни ташкил қи-
лувчи ҳамма миллат ва элатлар узлуксиз ҳар тарафла-
ма ривожланаверади, шу билан бирга улар ўз миллий
хусусиятлари ва белгиларини сақлаб қоладилар ва айни
вақтда бир-бирлари билан яқинлашадилар, қардош халқ-
ларнинг ютуқлари ва тажрибасидан баҳраманд бўлади-
лар, умумхалқ хазинасидаги жамики энг яхши, илғор
нарсаларни ўзларига сингдириб оладилар. Ўртоқ Л. И.
Брежнев бундай деб таъкидлади: «Кўнмиллатли совет
халқининг бирлиги олмосдек мустаҳкамдир. Олмос ранг-
баранг товланиб тургани сингари халқимизнинг бирлиги
ҳам уни ташкил этган миллатларнинг фазилатлари би-
лан кўркемдир. Бу миллатларнинг ҳар бири бадавлат,
тулақонли, эркин ва бахтли ҳаёт кечирмоқда»¹.

Мамлакатимизда халқларнинг миллий ва интер-
национал манфаатлари ўртасида зиддиятлар йўқ: улар-
нинг манфаатлари бир-бирига мос келади ва бир бутун
бўлиб қўшилиб кетади.

Фан-техника революцияси гуркираб ривож топаёт-
ган, халқлар ўртасидаги турли-туман алоқалар тобора
кенгайиб бораётган асримизда миллийлик ўз даврасида
чекланиб, бепиқ бир ҳодиса бўлиб қолаолмайди. Миллий
хусусиятларни ўзгармас ҳолда ташқи таъсирлардан тў-
сиб қўйиб бўлмайди. Жамики миллий хусусиятлар халқ-
ларнинг қардошларча алоқалари ва биргаликдаги меҳнат
фаолияти таъсирида ўзгаради, интернационал мазмун
билан бойийди.

Бу совет кишисида ажойиб ифодасини топмоқда.
«...Ўтган 60 йилнинг энг муҳим яқуни, у ҳам бўлса со-
вет кишисидир,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев
КНСС XXV съездида.— Совет кишиси эркинликни ку-
рашларда қўлга киритиб, уни энг оғир жангларда сақ-
лаб қола олди. У кучини аямай ва ҳар қандай қурбон-
лардан қайтмай келажакни қурди. У ҳамма синовлар-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 108-бет.

дан ўтиб, ўзи тавиб бўлмайдиган даражада ўзгарди, гоёвий эътиқодни ва жуда катта ҳаётини ғайратни, маданиятни, билимларни ва бу билимларни татбиқ қила билишни ўзида мужассамлаштирди. У ўзи оташин ватанпарвар бўлиш билан бирга изчил интернационалист ҳам бўлди ва ҳаминша шундай бўлиб қолади»¹. У совет кишилари барча авлодларининг энг яхши фазилатларини ўзида бирлаштириб турибди, меҳнатга ижодий муносабат, юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий активлик, коммунистик идеалларга садоқат унинг ўзига хос хусусиятларидир.

Совет социалистик турмуш тарзининг мустаҳкам қарор топиши мамлакатимиз тараққиётининг муҳим натижаси — социалистик тузумнинг буюк ижтимоий ғалабаси, эски дунё тартибларини ағдариб ташлаш ва янги жамият қуриш учун Ленинча партия атрофида жинслашган бутун халқимизнинг баҳодирона ишидир. Социалистик турмуш тарзининг характерли хусусиятлари орасида ўртоқ Л. И. Брежнев чинакам коллективчилик ва ўртоқлик муҳитини, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг кун сайин мустаҳкамланиб бораётган жинслиги, дўстлиги ва қардошлигини, меҳнатда ва курашда совет кишиларига куч ва матонат бахш этаётган маънавий соғломликни кўрсатиб ўтди. Социалистик турмуш тарзи ўзининг инсонпарварлиги ва демократизми билан, юксак оғлилик ва гоёвий эътиқодлилиқ даражаси билан ажралиб туради.

Совет кишиларининг интернационалиزمи совет ватанпарварлиги билан узвий равишда боғланиб кетади. Жонажон диёрга, ўз тилига, ўз маданиятига тарихан таркиб топган муҳаббат туйғуси, ҳар бир халққа хос бўлган ўз урф-одатлари ва анъаналарига ихлосмандлик совет ватанпарварлигида бутун социалистик Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат билан, меҳнаткашларнинг ўзлари хўжайин бўлиб қолган бутун мамлакатнинг тақдирини учун юксак масъулият билан қўшилиб кетади.

Миллий ифтихор туйғуси барча совет кишиларига хос бўлиши билан бирга улар СССР граждандари эканликлари билан фахрланадилар. Ҳар бир халқнинг маънавий қиёфасида биз миллий характер деб атайдиган ўзига хос белгилар мажмуаси мавжуд ва тинимсиз ри-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 5-том, 615—620-бетлар.

ривожланиб бормоқда. Аммо айни вақтда уларнинг ҳаммасида совет характерини белгилаб берадиган умумхалқ фазилатлари вужудга келди ва ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиздаги барча миллат намоёндалари ўзларини фахрланиб аввало совет кишиларимиз, дейдилар. Уларда бутун совет халқининг зўр ватанпарварлик туйғуси — совет кишиси умуммиллий ифтихори туйғуси ривожланиб, мустаҳкамланди.

Бизнинг давримизда интернационал хусусиятлар билан миллий хусусиятларнинг бирлигида интернационал хусусиятлар етакчи роль ўйнаётганлиги диққатга сазовордир. Совет кишиларининг умумхалқ, умумдавлат манфаатлари ҳамisha биринчи ўринда туради. Аммо бу парса уларнинг миллий манфаатларига зид келмайди, chunki миллий манфаатлар интернационал манфаатларга мос бўлиб тушади.

Масалан, пахта Ўзбекистон учун энг катта бойлик ҳисобланади. У — бизнинг ифтихоримиз ва шон-шухратимиздир, республика равнақ топпшининг бош манбаидир. Аммо Ўзбекистон меҳнаткашлари пахта бутун Советлар мамлакатига, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга жуда кераклигини яхши тушунадилар. Шу сабабли улар пахта етиштиришни узлуксиз кўнайитиришни ўзларининг энг биринчи интернационал бурчи деб биладилар. Улар мана шу юксак бурчларини шараф билан адо этмоқдалар.

Табиий газ — Ўзбекистоннинг миллий бойлигидир. Республика ер остида унинг битмас-туганмас хазинаси бор. Халқимиз шу бойликни қардош мамлакатлар билан сахийларча баҳам кўрмоқда. Ўзбекистоннинг «зангори ёқилгиси» республика шаҳар ва қишлоқларига борибгина қолаётгани йўқ. Ундан қўшни республикаларнинг, Уралнинг ва мамлакат марказининг қудратли индустрияси баҳраманд бўлмоқда.

Барча совет республикаларида ҳам мана шундай манзарани кўрамиз. Улардан ҳар бири ўзининг ишлаб чиқарувчи кучларини ва миллий бойлигини ошириб, бутун мамлакатнинг бойлигини кўпайтирмоқда.

Коммунизм қурилиши жараёнида ишлаб чиқариш оқилона жойлаштирилади. Давлатнинг хўжалик планларида ҳар бир миллатнинг ўз моддий имкониятларидан ҳар томоцлама фойдаланишига, ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштиришга, республика ва иқти-

содий районларнинг хўжалигини комплекс ривожлантиришга асосий эътибор берилади.

СССР халқ хўжалиги системасида барча республикаларнинг экономикаси табиий иқлим шароитларини, ҳомий манбаларини, халқларнинг тарихан таркиб тўнган кўникмаларини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, меҳнатини социалистик тарзда тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш асосида ривожланиб бормоқда. Аммо бундан — мамлакатимизда бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлмаган ва бир-бири билан боғланмаган республикаларнинг экономикалари ва иқтисодий районлар мавжуд, деган ҳулоса асло келиб чиқмайди. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти мамлакатнинг яхлит хўжалик комплексини доирасида, СССРнинг яхлит халқ хўжалик плани асосида амалга оширилади.

Мамлакатнинг барча республикалари ва иқтисодий районлари ишлаб чиқариш соҳасида доимо мустаҳкам албада бўлишлари табиий. Ҳар бир республиканинг экономикаси СССР хўжалиги яхлит план системасининг таркибий қисми бўлиб, бошқа халқларнинг экономикасида яққа ҳолда ривожланиши мумкин эмас. Улар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик узлуксиз кенгайиб, мустаҳкамлашмоқда, бир республикадан иккинчисига хилма-хил маҳсулот етказиб бериш кўпаймоқда. Шу сабабли социализм ва коммунизм қурилиши шароитида барча миллатларнинг хўжалик турмуши иқтисодий ўзаро алоқаларнинг мингларча иллари билан туташиб кетади.

Умумиттифоқ ишлаб чиқариш кооперацияси кенг миқёсда ривож топди. Ҳозир ҳар бир замонавий корхона ўнлаб ва юзлаб корхоналар билан боғланган. Масалан, Тошкент электрон-техника заводига ва «Ташкенткабель» заводига юздан ортиқ корхона деталлар ва бошқа материаллар юбориб турибди. Тошкент ишлаб чиқариш авиация бирлашмаси қардош республикаларнинг юзлаб корхоналари билан мустаҳкам кооперацияда ишламоқда.

Қардош республикалар ўртасидаги социалистик мусобақа, улар фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибани баҳам кўришлари СССР халқларини ўзаро яқинлаштиришга, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади. Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркменистон ва Тожикистон пахтакорларининг, Ўзбекистон ССР ва Белоруссия ССР турли саноат тармоқлари меҳнатчиларининг, республикамиз пахтакорлари, пахта тозалаш саноати ходимлари ва тўқимачиларининг

Иваново области тўқимачилари билан, Чирчиқ химикларининг Кемерово химиклари билан, Бекобод металлургиярийнинг Урал чўян ва пўлат усталари билан, Ангрен кончиларининг Донбасс ва Қарағанда шахтёрлари билан, Ўзбекистон энергетика системалари ходимларининг қозогистонлик ҳамкасблари билан мусобақаси анъанавий тус олинди. Бу мусобақа меҳнат коллективларини ўзаро бойитмоқда, хўжалик вазифаларини муваффақиятлироқ ҳал этишда уларга ёрдам бермоқда.

Совет халқлари йирик объектлар қурилишида ҳам куч-ғайратларини бирлаштирмоқдалар. Улар биргаликда ирригация комплекслари ва энергетика системаларини барпо этмоқдалар, электр станциялар, сув омборлари қурмоқдалар, суғориш каналлари ўтказмоқдалар, нефть қувурлари ва газ магистраллари, темир йўллар ва тош йўллар барпо этмоқдалар, янги ерларни ўзлаштирмоқдалар.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ёнма-ён туриб Катта Фарғона каналини қурдилар, Вахш водийсини ўзлаштирдилар, Фарҳод ва Қайроққум гидроэлектростанцияларини бунёд этдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон меҳнатчилари қардошларча ҳамдўстликда барпо этган каттакон Озерний коллектори иккала республика территориясида юз минг гектарлаб ботқоқ ерларнинг захини қочириб имконини берди. Мирзачўлни Ўзбекистон, Қозогистон, Тожикистон меҳнаткашлари, юздан ортиқ миллатнинг фарзандлари ҳамжиҳатликда ўзлаштирдилар. Кўпгина республикалар меҳнаткашларининг куч-ғайратлари билан Бухоро — Урал ва Ўрта Осиё — Марказ улкан газ қувурлари ётқизилди.

Қозогистоннинг қўриқ ерлари ўзлаштирилганлиги совет халқининг буюк интернационал жасорати бўлди. Бу ерда барча совет республикаларининг вакиллари аҳил оила бўлиб шавкатли меҳнат қилдилар.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлигининг тарихий аҳамияти тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг ажойиб «Қўриқ» китобида жуда яхши, маънодор ва ифодали сўзлар айтди. Леонид Ильич қўриқ эпопеяси Ватанга садоқат билан хизмат қилиш тимсоли, социалистик даврнинг буюк зафари бўлганини таъкидлаб қуйидагиларни ёзади: «Қўриқда миллион-миллион совет кишилари революция тажрибасини амалга оширишни давом эттирдилар, янги тарихий шароитларда унинг муваффақиятларини бойитдилар, ривожланган социализм голибона қурилишининг жонли тажрибасини ижод қилдилар... Қўриқ чинакам ич-

тернационал тарбия мактаби, допо тажриба маскапи, мамлакатимиз барча халқлари вакилларининг галаба қозонишга меҳнат кўникмалари ва қатъиятнинг мактаби бўлиб қолди!»¹

Эндиликда Байкал-Амур магистрали, Россия Федерациясининг Ноқоратунроқ зоғасидаги, Ғарбий Сибирдаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги катта-катта халқ хўжалик объектлари умумхалқ қурилишлари бўлиб қолди. Уларни барпо қилишда ўнлаб миллат ва элатларнинг фарзандлари қатнашмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси совет социалистик интернационализмининг реал ва улугвор самараларидир.

1966 йилда Тошкентда рўй берган даҳшатли табиий офатни тугатиш чоғида совет халқлари интернационал қардошлигининг кучи, уларнинг беғараз ёрдами бутун улуглиги билан яққол намоён бўлди. Ўзбекистон пойтахтида zilзила бошланиб, шаҳар бошига кулфат тушганида барча совет халқлари тошкентликларга ёрдам қўлини узатдилар. Орадан бир неча кун ўтиши биланоқ Тошкентга қардош республикалардан қурилиш поездлари, бинокорлик материаллари, асбоб-ускуналар, машиналар ортилган эшелонлар етиб кела бошлади. Тошкентда Бутуниттифоқ қурилиши бошланди. Унда Москва, Ленинград, Россия Федерациясининг бошқа кўнгина шаҳарлари, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон қурувчилари, Совет Армиясининг жангчилари қатнашдилар.

Партия билан Совет давлатининг, барча қардош халқларнинг жуда катта ёрдами туфайли Тошкент қисқа муддатда қайта тикланибгина қолмай, шу билан бирга, аслида қайтадан барпо этилди. Янгидан бунёд этилган соҳибжамол Тошкент совет халқлари бузилмас дўстлигини кўз-кўз қилувчи улугвор монумент бўлиб абадий яшайверади. Ўзбекистон меҳнаткашлари эса беғараз ёрдам ва мадад берган барча қардош халқларга чуқур миннатдорчилик туйғусини қалб тўрида сақлайдилар.

Ўзбек халқи ҳам улардан қарздор бўлиб қолаётгани йўқ. Кейинги йилларда республика Туркменистоннинг сув остида қолган Чоржўй шаҳрига ва Грузия пойтахти—Тбилисига, шунингдек Қирғизистон ва Доғистоннинг zilзиладан шикастланган шаҳарларига ёрдам берди.

¹ Л. И. Брежнев. Кичик ер. Тикланиш. Қўриқ. ЎзКП МК пашриёти, 1931, 164—216-бетлар.

Аmmo совет халқлари фавқулодда, таҳликали вазиятлардагина ёнма-ён бўлиб қолмай, улар ҳаммина ҳамдам ва ҳампафасдирлар. СССР халқларининг мустаҳкам иқтисодий алоқалари, хўжалик соҳасидаги ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами кун сайин ва ҳар соҳада намён бўлмоқда. Бу — социализмнинг объектив қонуниятидир, барча иттифоқдош республикалар равнақ топиши ва умуман мамлакат қудрати ўсишининг энг муҳим омилдир. Бу — миллатларни ривожлантириш ва ўзаро яқинлаштиришининг, уларнинг бирлиги ва дўстлигини интернационализмнинг метин негизида мустаҳкамлашининг иқтисодий асосидир.

Миллатларнинг ривожланиши ва ўзаро яқинлашиши жараёни экономикадагина давом этиб қолмай, бу тенденциялар маънавий соҳада ҳам амал қилмоқда. Миллий тўсиқларнинг парчаланиши, СССР халқларини янада яқинлаштирувчи шарт-шароитларнинг шаклланиши социал-сиёсий ва маданий турмушда содир бўлмоқда.

Синфлар ўртасидаги тафовутларнинг йўқотилиши ва социалистик ижтимоий муносабатларнинг ривожлантирилиши миллатларнинг социал жиҳатдан бир хиллигини кучайтирмоқда. Барча республикаларда кўп сонли ишчилар синфи ўсиб етишди, унинг анча қисмини туб жой миллатига мансуб меҳнаткашлар ташкил этади. Ҳар бир миллатнинг деҳқонлар синфи қолхозчилардан иборат бўлиб, ишчилар синфининг кўпгина энг муҳим фазилатлари уларга ҳам хос фазилатлардир, уларнинг меҳнати эса ўз характерига кўра индустриал меҳнатга тобора кўпроқ яқинлашиб бормоқда. Ҳар бир республикада бутун халқ билан бир мақсад йўлида ҳамфикр яшаётган зиёлилар коммунизм қурилишига ўз ҳиссаларини қўшимоқдалар. Шундай қилиб, мамлакатимиздаги ҳамма миллатларнинг синфий структураси бир тинда бўлиб, ижтимоий-сиёсий интилишларига кўра яқиндирлар.

Миллатларни ўзаро яқинлаштириш, уларнинг интернационал бирлигини мустаҳкамлаш учун СССР халқлари миллий давлатчилиги формаларини такомиллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Кейинги йилларда республикаларнинг барча хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларидаги ҳуқуқлари анча кенгайтирилди, иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этишда, хўжаликни бошқаришда уларнинг роли ва мустақиллиги ошди.

Қундалик турмушимиз қардошларча дўстликнинг кўндан-кўн мисолларини юзага чиқармоқда. Биз ўз келажакимиз лойиҳасини биргалликда тузамиз ва улугвор ре-

жаларни биргаликда амалга оширамиз, шаҳарлар қура-
миз ва тўғонлар барно этамиз, ўлкани обод қиламиз ва
турмушни такомиллаштирамиз, каналлар ўтказамиз ва илм
чўққиларини забт этамиз. Биз шодиёна кунларда ҳам, ку-
тилмаган кулфат қаршисида ҳам — ҳаминша биргамиз.
Шунинг учун ҳам қардошлигимиз гуллаб-яшнамоқда, шу-
нинг учун ҳам. КНСС Марказий Комитетининг Улуғ Ок-
тябрь 60 йиллиги тўғрисидаги қарорида таъкидлаб ўтил-
ганидек, «Совет Иттифоқи инсоният жамияти ривожининг
энг мураккаб масалаларидан бирини муваффақиятли ҳал
этишининг жозибали намунасини кўрсатиб турибди»¹.

Республикалар, областлар, шаҳарлар, районлар аҳоли-
сининг кўпмиллатлилиги тобора ортиб бораётганлиги
мамлакатимизга хос хусусиятдир. Шу туфайли ҳар бир
республикада маҳаллий миллат аҳолиси табиий жиҳатдан
алчагина кўпайишни билан айна бир вақтда бошқа миллат-
ларга мансуб аҳоли ҳам кўпаймоқда. СССРда фақат бит-
та республика составида яшаб турган миллат йўқ. Маса-
лан, Ўзбекистонда деярли барча миллат ва элатларнинг
фарзандлари бор. Биздаги меҳнат коллективларининг
ҳаммаси кўпмиллатлидир. Шу коллективларнинг барча
аъзолари битта аҳил оила бўлиб яшаб, муштарак мақсад-
га эришиш йўлида меҳнат қилмоқдалар. Барча совет рес-
публикаларида ҳам аҳвол мана шундай.

Совет Иттифоқида миллатлар ўртасида маънавий бой-
ликларни баҳам кўриш тобора жадал тус олмоқда, мил-
лий маданиятлар ўзаро яқинлашиб, бир-бирини бойит-
моқда, уларнинг интернационал асоси кенгаймоқда.
Бунинг учун бизнинг давримизда чексиз имкониятлар
яратилган. Совет ҳокимияти йилларида СССРнинг барча
халқлари ўз маданиятларини ривожлантиришда буюк
натижаларга эришдилар. Мамлакатимиздаги ҳар бир халқ-
нинг атоқли олимлари, ёзувчилари, рассомлари, компо-
зиторлари, кино ва театр арбоблари, меъморлари бор,
уларнинг ижодиёти Ватанимиз ва жаҳон фани, техника,
архитектураси, адабиёти, санъатини бойитмоқда. Социалис-
тик миллатлар ҳам ўз ютуқларини бошқа халқлар билан
бажонидил ўртоқлашмоқдалар.

СССРдаги ҳар бир халқнинг маданияти ўзининг мил-
лий шакллари жиҳатидан хилма-хилдир. Аммо бу мада-
ният ўз ривожининг бош йўналиши жиҳатидан, мазмун
жиҳатидан, руҳи ва характери жиҳатидан социалистик,

¹ «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги
тўғрисида. КНСС Марказий Комитетининг 1977 йил 31 январь
қарори», 13-бет.

бошқа маданиятларга муносабати жиҳатидан эса интернационалистик маданиятдир. Миллийлик билан интернационалликнинг диалектик ўзаро боғланиши — барча совет халқлари маданиятининг характерли белгисидир. Аммо улардаги интернационал жиҳат етакчи роль ўйнайди. Бадий ижодкорликнинг интернационал аҳамиятга эга бўлган ягона методи — социалистик реализм уларни бирлаштириб турибди. Шу сабабли бош йўналишда, социалистик мазмун асосида миллий маданиятлар ўзаро яқинлашиб бормоқда.

Бутун ижтимоий турмуш каби маданиятнинг ривожига ҳам юксалиш йўлидан бормоқда. Ҳар қандай миллий маданиятда нимадир эскириб, ўз умрини тугатаётганлиги, айни вақтда янги, бирмунча илғор ҳодисалар юзага келаётганлиги табиийдир. Маданиятнинг миллий шакллари қотиб қолмайди, балки ўз турини ўзгартириб, такомиллашиб, янги турмуш шароитларига зид бўлган иллатлардан халос бўлаверади.

Маданиятнинг миллий шаклида аввалги ифода воситаларини қайта идрок қилиш ва бошқа миллий маданиятлардан шундай воситаларни ижодий қабул этиш асосида янги элементлар вужудга келади. Ҳар бир социалистик миллат бошқа миллий маданиятлардаги ҳамма қимматли хусусиятларни тобора тўла-тўқис аниқлаш йўли билан улардан ўзи учун мақбул хислатларни танлаб олади, илғор шакллари ўзига сингдиради, уларни ўз миллий маданиятининг таркибий қисмига айлаштириб, шу тариқа уни бойитади. Бадий ижодкорликнинг илғори бизда бўлмаган янги жанрлари ва турлари — роман, повесть, очерк, балет, опера, хор ва кўновозли ашула, симфоник музыка, кинематография ўзбек социалистик миллат маданиятига айни шу йўл билан кириб келди. Ўзбек халқи бошқа халқлар маданияти формалари ва воситаларини қабул этиб, ўз маданиятини юксак даражага кўтарди.

СССР халқлари ўртасидаги маданий алоқа ва ҳамкорлик формалари хилма-хил бўлиб бормоқда. Республикаларда мунтазам равишда ўтказилаётган адабиёт ва санъат ўнқунликлари, ҳафталиклари ва кунлари, кинофестиваллар, тасвирий санъат асарлари кўрғазмалари, радиоэфиртириш ва телевизион кўрсатувлар, қўшма илмий сессиялар ва конференциялар, санъат усталарининг ўзаро гастроль сафарлари, фан-техника проблемаларини олимлар билан мутахассислар биргаликда куч-гайрат сарфлаб ишлаб чиқишлари ва шу қабилар бу жараёнга кўн жиҳатдан кўмак бермоқда. Бошқа республикалар олимлари ва ёзувчилари

рининг асарлари ўзаро таржима қилиб, миллий тилларда нашр этилаётганлиги, маҳаллий театрларда қардош халқлар драматургларининг пьесалари саҳналантири- лаётганлиги, кинофильмлар дубляж қилинаётганлиги социалистик миллатлар маданиятларини ўзаро яқинлаш- тиришда муҳим роль ўйнамоқда. Булар бир халқнинг иккинчи халқ маданий меросидан баҳраманд бўлишига ёрдам бермоқда, уларнинг маънавий ҳаётини бойитмоқда.

Шу тариқа ҳар бир миллатнинг маданият хазинаси интернационал характердаги ижод маҳсуллари билан бойиб бормоқда. СССР халқларининг маънавий қиёфасида бутун совет халқига хос бўлган умумий, интернационал белгилар тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Барча халқлар учун умумий бўлган интернационал маданият ривожлан- моқда, миллий тўсиқлар нималигини билмайдиган ва бар- ча миллат меҳнаткашларига баб-баравар хизмат қиладиган муштарак коммунистик маданиятнинг аста-секин шаклланиши учун шароит вужудга келмоқда.

Аmmo бу гапдан халқларнинг маданияти ўз миллий илдизларидан, ўз миллий хусусиятларидан маҳрум бўла- ди, деган маъно асло келиб чиқмайди. Аксинча, улар социалистик мазмун билан бойиб, миллий шакллар орқали ўз халқларининг ўзига хослигини тобора тўла-тўқис ифо- далаш имкониятини олади. Миллий ўзига хослик йўқ бўлиб кетмайди, балки умумсовет, умумхалқ хусусиятларининг ифода формаси тарзида ривожланаверади, ҳар бир мил- латнинг маънавий бойлиги эса келгусидаги интернацио- нал маданиятнинг ажралмас бўлагига айланади. Чунки совет маданияти — барча социалистик миллатлар яратаёт- ган маънавий бойлиқнинг органик қотишмаси, синтезидир.

Турли миллатларга мансуб совет кишиларида маъна- вий қиёфа, ахлоқ, турмушнинг умумий коммунистик бел- гилари ривожланиб, СССРдаги барча халқларнинг энг ях- ши анъаналарини ўзига сингирмоқда.

Совет халқлари маданиятлари ва бутун маънавий тур- мушининг ўзаро яқинлашиш жараёни алоқа воситаси бўлган тил билан чамбарчас боғланган. Совет ҳокимияти миллий тилларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очди. Шунинг айтиш кифоя қиладики, ҳозир СССРда ўзи- нинг адабий тилига эга бўлган 76 халқдан 40 дан кўпроги Октябрь революциясидан кейин алифбе олди. Мамлака- тимиздаги ҳамма тиллар тенг ҳуқуқлидир. Уларнинг тенглиги қонун билан мустаҳкамланиб қўйилган. СССРда у ёки бу тилдан фойдаланишда ҳеч қандай имтиёз, чек- маш ёки мажбур қилишга йўл қўйилмайди.

Бироқ, тиллардан фойдаланишдаги тенгликни уларнинг ижтимоий вазифаларидаги тенглик билан аниқ бир нарса деб билмаслик керак. Кўпмиллатли давлат турмушининг ўзи барча халқлар учун ягона, умумий алоқа воситаларини талаб қилади. Бусиз миллатларнинг тўлақонли ҳамкорлиги бўлиши мумкин эмас. В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, «иқтисодий ахборот аҳтиёжлари бир давлатда яшовчи миллатларни (токи улар бирга яшашни хоҳлар экалар) кўпчиликни ташкил қилувчи халқнинг тилини ўрганишга ҳамма вақт мажбур эгади»¹. Совет Иттифоқида бу масала рус тилини ихтиёрий ўрганиш асосида ҳал этилди.

Нега айтилган рус тилини? Чунки бу — СССРдаги барча халқларнинг оғаси ва энг содиқ дўсти — улуг рус халқининг тилидир. Чунки бу — совет кишилари жуда кўпчилигининг тилидир. Чунки бу — барча меҳнаткашларнинг улуг йўлбошчиси В. И. Лениннинг тилидир, ленинизм тилидир; Ленин ўзининг ўлмас асарларини шу тилда ёзган. Чунки бу — дунёда биринчи социалистик революция тилидир, барча халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун кураш тилидир. Чунки бу — дунёда энг кўп тарқалган, ифодали ва жозибали тиллардан бири, улуг ва қудратли тилдир.

Айтилган шу боисдан барча миллатларга мансуб совет кишилари рус тилини севадилар, уни зўр мароқ билан ўрганадилар. Рус бўлмаган халқларнинг рус тилини эгаллашга интилиши СССР барча граждандарининг энг зарур аҳтиёжи бўлиб қолган.

«Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» мавзуда 1979 йил, май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси рус бўлмаган миллатларга мансуб ўқувчиларни тайёрлашни янада такомиллаштиришга, рус тилини ўрганишнинг тарбиявий аҳамиятини оширишга ёрдам берди.

Рус тилини билиш барча миллатларга мансуб совет кишиларига бир-бирлари билан таржимонсиз ва луғатсиз бемалол гаплашиш, билим ва тажрибани ўртоқлашиш, Ватан ва жаҳон фани, техникаси, маданияти ютуқларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Бу эса барча совет миллатлариши яқинлаштиради ва иноқлаштиради, уларнинг интернационал қардошлигини жипсلاштиради.

Етук социализм — чинакам демократия, реал инсонпарварлик, социал умидворлик жамияти — совет кишила-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 23-том, 474-бет.

рини гоъвий сиёсий жиҳатдан янада кўпроқ жипслаштириш учун янги уфқлар очади. «...Ривожланган социализм,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг 1977 йил, 4 октябрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида,— етук янги жамиятнинг шундай босқичи қурилди, деб айтиш ҳуқуқини берган жараёнлар шулардан иборатки, бу босқичда жами ижтимоий муносабатларни социализмгагина хос бўлган коллективчилик асосларида қайта қуриш тугалланади. Бу эса социализм қонуларини амалга ошириш учун, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида унинг афзалликларини рўёбга чиқариш учун кенг имконият очиб беради. Социал системанинг узвий яхлитлиги ва динамизми, унинг сиёсий барқарорлиги, бузилмас ички бирлиги шундан келиб чиқади. Барча синфлар ва социал гуруҳларнинг, барча миллат ва элатларнинг яқинлашуви ўсиб бораётганлиги ва бунда кишиларнинг янги тарихий социал ва интернационал бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги шундан келиб чиқади. Янги, социалистик маданиятнинг вужудга келганлиги, янги, социалистик турмуш тарзининг қарор топганлиги шундан келиб чиқади»¹.

Халқимизнинг бирлиги янада мустаҳкамлашуви объектив равишда партиянинг коммунизм таптанаси учун курашига асосланади. КПСС XXV съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари бу тарихий вазифани рўёбга чиқаришнинг жанговар программасидир, бу қарор ва нутқларда партия фаолиятининг барча асосий соҳалари ижодий марксизм-ленинизм позицияларида туриб чуқур илмий таҳлил этилган, жуда катта амалий тажриба умумлаштирилган, янги истиқболлар белгиланган.

Барча миллат ва элатларнинг мустаҳкам дўстлиги ва қардошлиги — Коммунистик партия социал ва миллий сиёсатининг бош ютуқларидан биридир. Дунёда совет халқларининг, совет социалистик республикаларининг дўстлигидек мустаҳкам ва мусаффо дўстлик йўқ, дунёда уларнинг қардошлигидан ҳам яқинроқ қардошлик йўқ. Мамлакатимиз халқларининг астойдил ва самимий дўстлиги гранитдек мустаҳкам, булоқ сувидек тоза, қуёшнинг ўзидек ҳароратли ва ёруғдир. Бу дўстлик совет кишиларига илҳом ва қанот бахш этади, уларга ягона онла туйғусидек ажойиб туйғу тортиқ қилади, уларнинг кучига куч қўшади. Бу дўстлик Ватанимиз қудратининг битмас-туганмас манбаидир, барча совет социалистик миллатлари рав-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 596—597-бетлар.

нақ топишининг кафолатидир, коммунизм учун курашда эришажак ғалабаларимизнинг гаровидир.

Ўзбекистон Компартияси ўзбек халқининг СССРдаги барча халқлар билан дўстлиги кун сайин ривожланиб, мустақамланиши учун ҳамиша ҳамма ишни қилиб келди ва қилаверади. Халқларнинг совет тузуми туфайли юзага келган, Ленин партияси ардоқлаб вояга етказган, меҳнатда ва жангларда мустақам қардошлик алоқалари орқали пухталанган улуғ дўстлигини биз кўз қорачуғидек асраб келямиз ва бундан буён ҳам ардоқлайверамиз.

Йиллар ўтар, асрлар ўтар, янги авлодлар ўсиб вояга етар, бироқ, миннатдор инсоният улуғ Ленин партияси раҳбарлигида пролетар революциясини зафарга эриштирган ва дунёдаги барча халқлар учун порлоқ келажак йўлини солган совет халқининг қаҳрамонона жасоратини асло унутмайди.

Ўтган 60 йилдан кўпроқ вақт Ватанимизнинг коммунизм сари шитобли ҳаракати йилларигина бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун планетамизни Улуғ Октябрь ғоялари таъсирида революцион янгилаш йиллари ҳам бўлди.

Большевиклар 1917 йил октябрида кўтарган социалистик революция байроғи эндиликда Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатлари узра ҳилшираб турибди, бу мамлакатлар жаҳон социализм системасини вужудга келтирдилар.

В. И. Лениннинг Октябрь тажрибаси барча мазлум халқларга ўзларининг социал ва миллий озодлик тўғрисидаги орзу ва умидларини амалий рўёбга чиқариши мумкинлигини кўрсатиб беради, деган мангу барҳаёт сўзлари амалга ошди.

Октябрь ғоялари, марксизм-ленинизм ғоялари эндиликда синфий ва миллий зулмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлчи юдузи бўлиб қолди. Коммунистлар дунёни революцион тарзда ўзгартириш байроқдорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар, миллион-миллион кишилар уларни ўз идеали деб, мардлик, олижаноблик, халқ ишига садоқат билан хизмат қилиш намунаси деб билмоқдалар.

Советлар мамлакати халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик байроғини баланд кўтариб бормоқда. Партиямиз билан ҳукуратимиз ўз ташқи сиёсий фаолиятида совет халқининг туб манфаатларига, қардош социалистик мамлакатлар ва бутун дунё меҳнаткашлари олдидаги интернационал революцион бурчга асосланиб иш тутмоқдалар.

Биз, совет кичилари жаҳон тараққиёти иши бизнинг тажрибаларимиз, билан, бизнинг янги жаҳият қуришдаги муваффақиятларимиз билан бойиб бораётганлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳақиқий озодлик, иқтисодий ва маданий равнақ топиш халқ галаба қозонган жойдагина, халқ ҳокимият тепасида турган жойдагина, марксизм-ленинизм ғоялари тантана қилаётган жойдагина гарантиялаб қўйилишини Совет мамлакатининг революцион тажрибаси исботлади.

1967—1979 йиллар

БИРДАМЛИК ЙЎЛИ

1965 йил, декабрь ойининг тун оғушида ТУ-114 самолёти Мурманск портининг учиб майдончасидан бамисоли қушдай енгилгина қалқиб, шитоб билан осмонга кўтарилди. У юқорига чиқиб олгач, жануби ғарб томонга қараб йўл олди.

Самолёт бортида совет делегацияси бўлиб, у Куба революциясининг етти йиллик таптаналарида ҳамда уч қитъа халқларининг бирдамлик конференциясида қатнашмоқ учун Гаванага қараб йўл олган эди. Делегация кўпмиллатли совет халқининг вакиллари: Фикрат Табеев, Мирзо Турсунзода, Дмитрий Шевлягин, Зулайхо Гусейнова, Расул Гамзатов, Бижамол Рамазонова, Чингиз Айтматов, Комрон Гусейнов, Анатолий Сафронов, Зинаида Фёдорова, Дмитрий Дюлидзе ҳамда шу сатрларнинг муаллифидан иборат эди.

Ғарчи орадан ўн беш йил ўтган бўлса ҳам, аниқ эсимда: биз баланд осмон қаърида, мусаффо ҳаво денгизи қўйнида учиб боряпмиз, ҳамма нарса уйдагидай шинам, кўнгил хотиржам. Кема ичида йўловчиларга ҳамма қулайликлар яратилган. Хушмуомала, меҳрибон экипаж аτροφимизда парвона эди.

Яна шу нарса яхши эсимдаки, Мурманск анча олисда қолгач, кема осмон қаърига кўтарилиб, юлдузлар бағрига сингиб кетгандай бўлди-да, «текис йўл»га тушиб олди. Энди у Атлантика океани узра парвоз қилаётган эди. Қадрдон далалар, ўрмонлар, тоғлардан қанчалик кўп узоқлансақ, Мурманскда бўлган пайтимиздаги ўртоқларча қайноқ учрашувлар шунчалик тез-тез хотирга келаверди. Қаҳратон қиш палласида, изғирин шамол юз-бетингни чимдилаб турган бир дамда Шимол одамларига хос бўлган меҳрибонлик, меҳмондўстлик ва дилкашлик бағримизни иситиб турди. Мурманскликлар биз учун бир умрга ога-ини, қалин дўст бўлиб қолдилар.

Беноён океан узра учинида давом этапмиз. Ҳаво йўлида ўқтин-ўқтин паға-паға оқин булутлар учраб қолади.

Улар осмону фалакда бемалол қанот қоқиб юрган афсонавий қушларга ўхшаб кетади. Гоҳ бир тўдаси олд томонда кўришиб, шундоққина ёнгинамиздан учиб ўтади ёки настига қараб шўнгийди, гоҳ эса бир жойда қават-қават, гуж бўлишиб, қуюқ-кўкимтир рангда товлашиб ётишади. Кема эса ҳамон парвоз қилади. Унинг тўрт қудратли двигатели — совет кишиларининг гидроки ва забардаст кўллари билан яратилган двигателлар тинимсиз гувиллайди. Бу гувиллаган овоз чексиз ҳаво уммонида узоқ-узоқларга таралади.

Тун кўйида олис сафарга учинишнинг завқи ўзгача! Кўм-кўк осмон тубига тикилар экансиз, милтираб турган сон-саноксиз юлдузлар жамолни, осмон қаърида кема билан ёнма-ён парвоз қилаётгандек туюлган ажабтовур оймонма чиройни кўриб, беихтиёр завққа тўласиз. Осмонда нур сочиб турган планетамиз йўлдоши айниқса жозибали кўринади. Само гумбазига қадалган юлдузлар эса бамисоли чўғдай ёниб, қуюқ кинриқларини пирпиратиб турган шахло кўзларни эслатади.

Тун қаъридаги само мўъжизаларига маҳлиё бўлиб, беихтиёр хаёлга шўнғиб кетдим. Шу он хаёл мени маъзизимиз бўлмиш Кубага, Озодлик оролига элтди. Ана шу ажойиб мамлакат ҳақидаги, унинг қаҳрамон, эрксевар ҳалқи тўғрисидаги фикр-ўйлар мени дафъатан чулғаб олди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ

Куба... Куба халқининг тарихида шонли саҳифалар жуда кўп. У лочинлар юрти, у минг йил қул бўлиб яшайдан кўра бир кун эркин ва мустақил бўлиб яшашни афзал кўрадиган қаҳрамонлар юрти. У — Америка империализмининг куч-қудрати олдида тиз чўкмаган, бўйсуний нималигини билмаган жасур одамлар юрти.. У — Америка қитъасида биринчи бўлиб социализм йўлига ўтиб олган мамлакат. У — ёниб турган революция гулхани, у — ғарбий ярим куррада сўнмас нур сочиб турган ёруғ юлдуз.

1962 йилда Кубага қилган сафарим хотирамга тушди. Ўша пайтда у ерда вазият гоит мураккаб эди. Мамлакат эндигина ўз революциясининг учинчи йилига қадам қўйган эди. У ташвишли кунларни бошидан кечирарди.

Озодлик оролида Америка жосуслари ва диверсантлари гуж-гуж тўла эди. Улар ҳар қандай йўл билан янги ҳаёт

куртакларини бўғиб ташлашга, шу янги ҳаёт ижодкорларини жисман қириб ташлашга уринишарди. Очиқ интервенция йўлига ўтиб олган Америка империалистлари ҳеч қандай иғводан тап тортишмасди. Улар Кубага ҳарбий кучлар юборишарди. Бу ҳарбий кучлар денгиз томондан келар, шаҳар ва қишлоқларга ўт очиб, завод ва фабрикаларни ўққа тутарди. Империалистик қўзғунлар ҳам осмондан ҳужум қилиб, ҳаммаёққа қиргин ва ажал уругини сочишарди.

Ички контрреволюцияга жон кириб қолди, у ҳаддидан оша бошлади. Ер-сув, мол-мулк ва текин даромаддан маҳрум этилган собиқ «хўжайин»лар денгиз ортидаги пулдорларнинг кўмаги ва раҳбарлигида америкалик калла-кесарларнинг қабиҳ йўлидан бордилар. Бевосита АҚШ территориясида ўргатилган ва қуроллантирилган контрреволюция қора кучлари тўғридан-тўғри Плайя-Хиронга бостириб кирдилар, аммо улар қиронга учраб, Озодлик оролидан улоқтириб ташланди. Ҳосуслик, диверсия ва ҳарбий интервенцияни ўзига касб қилиб олган АҚШ империалистлари қитъада пайдо бўлган биринчи социалистик давлатни ҳар қандай йўл билан бўғиб ташлашга уриниб кўрди. Америка давлатлари ташкилоти шуларнинг тазйиқи остида 1964 йилда Кубага нисбатан дипломатик ва иқтисодий қамал эълон қилди.

Лекин уларнинг умиди чиппакка чиқди! Қаҳрамон Куба халқи агрессорларга муносиб зарба берди. У ўзининг мустақиллик ва озодлик учун курашида совет халқининг қардошларча мададини ҳамиша сезиб турди. Ленинча ташқи сўёсатга амал қилиб келган партиямиз ва совет ҳукумати ана шундай мураккаб вазиятда Озодлик оролига қўшимча ёрдам бериш, мамлакат экономикасини, мудофаа қудратини мустаҳкамлаш юзасидан қатор муҳим чора-тадбирларни амалга оширди. Куба Республикасининг қишлоқ хўжалигини юксалтириш борасида айниқса кўп ишлар қилинди.

Маълумки, Куба узоқ йиллар давомида Америка империализми учун бой хом ашё манбаи бўлиб келган. Мамлакатнинг жуда катта майдонларида шакарқамши етиштирилар, Америка монополистлари эса ундан миллион топналаб шакар олиб, дунё-дунё мўмай пул ишлашарди. Шакарқамши ҳамма нарсаи — сабзавотчиликни ҳам, боғдорчилигу озуқабоп эканларни ҳам қисиб чиқарган эди.

Мамлакатда йил давомида қарийб етти ойгача чўзиладиган қурғоқчилик Куба деҳқонларининг қаттиқ қийнаб келарди. Унумдор ерларни сув билан мунтазам таъмин-

лаб туриш учун сув омборлари, каналлар, насос станциялари, денгиз соҳилларидаги ботқоқ ерларда эса мелиорация йишоотлари қуриш талаб этиларди. Лекин америкалик хўжайинларнинг парвоиш фалак эди.

Советлар мамлакати Куба халқига ёрдам қўлини чўздди: Совет ҳукумати Куба Республикасига кредит, механизмлар, қурилиш материаллари ажратиб, у ерга жуда кўплаб мутахассислар юборди.

Уша йилларга оид хотиралар огушидан ҳозирги кунларга қайта туриб, шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, эндиликда Куба Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида чинакам қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари юзага келди, бу муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, чуқур илдиз отиб бормоқда. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Куба Республикасига қилган сафари пайтида 1974 йил 2 февралда Гаванада имзоланган, Совет-Куба декларацияси белгилаб берган планли, комплекс асосда ривожланмоқда.

СССР мамлакат экономикасининг кўнгина тармоқларини ривожлантиришда Кубага кенг миқёсда иқтисодий ва илмий-техник ёрдам кўрсатмоқда. Чунончи, Совет Иттифоқининг кўмагида 160 саноат ва бошқа объектлар қурилди ёки реконструкция қилинди. Ольгина шахрида қурилган шакарқамшини ўриш комбайнлари заводи, Гаванадаги юксак даражада механизацияланган балиқчилик порти, бир қатор қанд заводлари, реконструкция қилинаётган никель заводлари ва бошқалар шулар жумласидандир. 1976 йил, апрель ойида имзоланган Совет—Куба битимларига мувофиқ Совет Иттифоқи электроэнергетика, қора ва рангли металлургия, транспорт, бинокорлик материаллари саноати, ирригация-мелиорация ишлари, алоқа сингари тармоқларни ривожлантириш бобида Кубага ёрдам кўрсатмоқда. Ийрик атом электростанциясини, шунингдек, йилга бир миллион тонна нўлат ишлаб чиқарадиган металлургия комбинатини қуриш юзасидан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Куба ташқи савдо оборотининг ярмидан кўпроғи СССР ҳиссасига тўғри келади. Совет Иттифоқи Кубага тракторлар, турли-туман қишлоқ хўжалик комбайнлари, мелиорация ишларида қўлланадиган ускуналар ва бошқа техника воситаларини етказиб бермоқда. Озодлик оролининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришда бу ёрдам жуда катта роль ўйнамоқда.

Мамлакатда мелиорация ишларининг амалга оширилиши ва сув ҳавзаларининг қурилиши (уларнинг сигими

1958 йилда 29 миллион кубометрни ташкил этган бўлса, 1975 йилда 4400 миллион кубометрга етди) қурғоқчилик оқибатларини тугатиш, экономикани мустаҳкамлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда. Шу давр ичида суғориладиган майдонлар анча кўнайди. Ҳозир Кубада суғориладиган майдонлар 700 минг гектардан кўпроқни ташкил этади.

Социалистик ҳамдўстликка аъзо бўлган бошқа мамлакатлар ҳам Кубага қардошларча ёрдам бердилар ва ёрдам бериб келмоқдалар. Куба 1972 йил июль ойида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзоликка қабул қилиниши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Социалистик иқтисодий интеграциянинг комплекс программасига мувофиқ мамлакатда таркибида никель ва кобальт мавжуд бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилмоқда.

Озодлик оролининг революцион халқни Совет Иттифоқи ҳамда Кубанинг бўлак содиқ дўстлари — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари кўрсатаётган доимий ёрдамга таянган ҳолда АҚШ империализми уюштирган иқтисодий қамал оқибатларини қаҳрамонларча бартараф қилиб, муваффақият билан социалистик жамият қурмоқда. Куба халқи тарихан қисқа муддат ичида мамлакат экономикаси ва маданиятини юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Эндиликда Куба қолоқ аграр мамлакатдан ҳар жиҳатдан камол топаётган саноат-аграр давлатга айланди.

Аттиги биргина 1977 йилнинг ўзида 30 та саноат корхонаси ва объекти ишга туширилди. Нўлат ишлаб чиқариш 1959 йилда 24 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1977 йилда 329 минг тоннага етди, цемент ишлаб чиқариш миқдори эса шу давр ичида 743 минг тоннадан 2,6 миллион тоннага кўтарилди. Эндиликда революциядан олдингига нисбатан икки ҳисса кўп никель қазиб олинмоқда, металлни қайта ишлайдиган заводлар уч ҳисса кўп маҳсулот бермоқда, электр қуввати ишлаб чиқариш беш ҳисса, баллиқ овлаш олти ҳиссадан кўпроқ ортди. Мамлакатда саноатнинг янги тармоқлари юзага келди.

Революциядан кейинги йилларда экинзорлар икки ҳисса, тракторлар сони саккиз ҳисса кўнайди. Ҳозир бир йилда ўрта ҳисобда 6,5 миллион тонна шакар ишлаб чиқарилмоқда. 1978 йилда об-ҳаво ноқулай келган бўлишига қарамай шакарқамшини ўриш — сафра пайтида 7,3 миллион тоннадан кўпроқ шакар етиштирилди, бу эса мам-

лакатнинг бутун тарихи давомида иккинчи марта эришилган юксак кўрсаткичдир.

Куба ўз олдида турган иқтисодий вазифаларни муваффақиятли тарзда ҳал қилиш билан бирга фоят муҳим социал проблемаларни бартараф этишда кўпгина ривожланаётган мамлакатларга яққол ўрнак бўлмоқда. Халқ оммасининг бошига битган бало бўлгани сиёсий ва иқтисодий ҳақсизлик, инсизлик, қашшоқлик ва саводсизлик бир умрга тугатилди.

Халқ ҳокимияти йилларида Кубада мактаб ўқувчиларининг сони 3,5 ҳиссадан кўпроққа, олий ўқув юрлари студентларининг сони эса 5 ҳиссадан кўпроққа ошди. Куба соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ҳайратомуз ютуқларга эришди. Врачлар сони, касалхона ва даволаш муассасалари миқдори анча кўпайди. Революциядан кейинги йилларда аҳолининг ўртача умри 15 йилга ортди, ҳозир у 70 ёшни ташкил этмоқда. Адабиёт ва санъат ҳар томонлама ривож топди. Физкультура ва спортни ривожлантиришда катта ютуқларга эришилди.

Куба революциясининг самаралари ана шундай. Куба халқлари билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги қардошларча беғараз дўстлик самаралари ана шундай.

Ғарбий ярим шардаги биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатини дипломатик йўл билан яққалаб қўйишга ва иқтисодий жиҳатдан бўғиб ташлашга уринган империалистларнинг бутун умидлари чиппакка чиқди. Куба ғолиб келди, зотан Куба халқи мардонавор халқ, революция ишига содиқ халқ, зотан дунёда Кубанинг ишончли дўстлари талайгина, буларнинг ичда энг ишончлиси ва энг содиғи эса Совет Иттифоқидир.

Қаҳрамон Куба халқининг бошига тушган оғир синовлар пайтида бизнинг мамлакатимиз унга ҳамшиша ёрдам қўлини чўзиб келди, доимо мададда бўлди, ўзининг интернационал бурчини тўхтовсиз, изчил равишда бажариб келди. Бизнинг партияларимиз ва халқларимиз бир-бирларини яхши тушунадиган ва қадрлайдиган, умумий манфаат йўлида қўлни қўлга бериб меҳнат қиладиган, курашадиган бўлиб қолдилар. Бинобарин худди шу муштараклик Америка Қўшма Штатларининг Кубани ташқи дунёдан ажратиб қўйишдан иборат империалистик сиёсатини барбод этган бош омил бўлди.

Америка давлатлари ташкилоти (АДТ)га аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг XV консультатив кенгашида Кубани қамалга олиш сиёсати кучли зарбага учради. 1974 йил, ноябрь ойида бўлиб, ўтган

ларини эслаган ҳолда сукунат ичида бошларимизни қуйи эгдик.

Шундан кейин совет делегацияси Куба пойтахтининг қоқ марказида жойлашган «Гавана либре» меҳмонхонасига қараб йўл олди. Бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам шу ерга жойлашишди. Бизнинг делегациямиз меҳмонхонанинг ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи қаватларига жойлашиб олгач, дарҳол қизгин иш фаолиятига шўнгиб кетди. Олдимизда турган олижаноб ва фахрли вазифа ҳар биримиз учун илҳом манбаи эди.

Бирлик, қардошлик, дўстлик... Одамларнинг ўзаро муносабатида бундан ҳам юксакроқ ва олижаноброқ нарса борми! Ва не сўз борки, бундан ҳам теран маънога эга бўлсин! Халқлар бахт-саодати ва фаровонлиги учун кураш йўлига жопини тиккан жаминки соф ниятли кишиларнинг қалби бирлик, қардошлик ва дўстлик ҳис-туйғулари билан йўғрилган. Совет делегацияси ўша кунлари худди ана шу ҳис-туйғулар билан Кубага кириб келди. Бутун Гавана бирлик, қардошлик ва дўстлик руҳи билан яшарди.

Биз Куба пойтахти бўйлаб кезар эканмиз, унинг чиройига мафтун бўлдик. Гавана осмони ниҳоятда мусаффо, ниҳоятда тароватли. Гавжум кўчалар ва майдонлар, боғлар ва хнёбонлар байрам либосига бурканган.

Оқшом чўкиши билан салқин тушди. Денгиз тарафдан эсаётган енгил шабада танга ором беради. Шаҳар рангоранг чироқлар оғушида. Очiq денгизда посбонлик қилаётган ҳарбий кемалар ҳам чароғон. Одамлар оқими кўчаларга сизмайди. Етти ёшдан етмишгача ҳамма ёпирилиб кўчага чиққандай. Одамлар ясанган-тусанган, кайфиятлари чоғ. Қаерга борманг ўйин-кулги, шўх қаҳқаҳа, турлича тиллар жаранги-ю, ажэйиб куйлар ва дилрабо кўшиклар садоси.

Ўша кунлари Гавана бунчалик латофатли, бунчалик ҳаяжонли умри бино бўлиб биринчи марта кўрган бўлса ажаб эмас. Зеро, бунинг сабаби ҳам бор эди! Гавана кўшалоқ байрам: Куба революциясининг етти йиллиги тантаалари ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг шу ерда очиладиган бирдамлик конференцияси арафасида эди.

Булар тарихий аҳамиятга молик воқеалар эди. Бутун дунёнинг нигоҳи ҳозир шуларга қадалган эди. Улуғ Октябрь учқунлари ер қуррасининг бошқа гўшалари каби Америка қитъасига ҳам етиб борганига кўп бўлди, лекин Лотин Америкасида биринчи бўлиб Кубада революцион

аланга олди. Эндиликда эса Куба революцияси Лотин Америкасидаги барча мамлакатларга йўл кўрсатувчи нурафшон маёққа айланди. Яна шуниси эътиборга лойиқки, худди ўша кунлари Озодлик оролида уч қитъа халқларининг бирдамлик ҳаракати юзага келди.

Ана шу тарихий воқеалар арафасида Гаванада Куба Республикаси ҳукуматининг қарорига кўра Янги йилни тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди. Бу маросимда ёлғиз кубаликларгина эмас, балки жуда кўплаб чет эллик меҳмонлар ҳам иштирок этишди.

Хосе Марти номидаги Революция майдонига одамлар оқиб кела бошлади. Собиқ партизанлар, деҳқонлар, деғизчилар, ишчилар, республика раҳбарлари, маданият арбоблари, хорижий давлатларнинг элчилари ҳамда дунёнинг саксон мамлакатидан келган меҳмонлар шу ерга тўпланишди. Янги зиёфат, концертлар, оммавий сайиллар уюштирилди. Тун бўйи куй ва қўшиқ янграб турди, шоду хуррамлик тонгача давом этди. Бу — озод халқ эришган галабаларининг нашъу намоси, унинг ёрқин орау ва умидлари, бирлик ва дўстлик тантанаси эди.

Афсуски, баъзи кимсалар шодон бошлаган Янги йил кунинда дилсепҳлик қилмоқчи бўлишди. Зотан Гаванага соф ниятли одамлар билан бирга ғанимлар ҳам келишган эди-да. Буларнинг баъзилари мухбир, бошқа бировлари эса кузатувчи ёки турист ниқобида иш кўришарди. Аслида эса улар империалистларнинг малайи бўлиб, бу ерга фақат бир мақсадда — уч қитъа мамлакатлари халқларининг бирлиги йўлига тўғаноқ бўлиш мақсадида келишган эди. Ўз ниятларини амалга ошириши йўлида улар турли ҳийла ва найрангларни ишлатишарди: ёлғон-яшиқ гаиларни тарқатишар, туҳмат ва чақимчилик билан шуғулланишарди. Лекин уларнинг қабих нияти амалга ошмади, барча ҳийла-найранглари иш бермади. Халқларнинг бирлигига заррача путур етгани йўқ.

Кечқурун президент саройида катта қабул маросими ўтказилди. Бу ерда турли мамлакат вакиллари бир-бирлари билан учрашишди. Уларнинг деярли ҳаммаси бирликка эришишга астойдил бел боғлаган эди. Советлар мамлакати вакиллариининг кубалик дўстлари билан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг делегациялари билан учрашувлари самимий ва самарали бўлди. Биз ошкора суҳбатлар чоғида дўстона алоқалар ўрнатдик, ташқи сўбатнинг гоят муҳим масалалари бўйича фикр алмашдик, империализмга қарши халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун, бутун инсоният тараққиёти учун

курашда биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олди.

Эртаси кунн Хосе Марти номидаги Революция майдонида Куба революциясининг етти йиллигига бағишлаб Куба кўшинчиларининг ҳарбий паради ҳамда меҳнаткашларининг намоёниши бўлиб ўтди.

Автоматлар билан қуролланган пийдаларнинг колонвалари парадни бошлаб берди. Кейин артиллерия ўтди. Ва, ниҳоят, майдонга Улуғ Ватан уруши фронтларида немис-фашист босқинчиларининг додини берган, оламга машҳур «катюша»лар кириб келади. Диктор уларнинг жанговар шон-шухрати ҳақида тўлқинланиб сўзлайди, майдон узра эса қарсақлар сурони, кейин эса гулдурос олқишлар янграб кетади. Кубаликлар ва меҳмонлар Куба Республикасининг қудрати, ҳарбий техникасини минбарлардан туриб ана шундай олқишлайдилар. Шундан кейин байрам тароналари заминдан осмонга кўтарилгандай бўлади-да, нўлат қушларининг парвози бошланади. «Миг»лар майдон узра шитоб билан учиб ўтади. Кубанинг ҳарбий-ҳаво кучлари ўз маҳоратини намоёниш этади.

Озод Куба халқининг намоёниши ҳаяжонли манзарадай кечди. Кўзин қамаштирадиган даражада ранг-баранг қилиб безатилган колонналарда майдонга кириб келаётган шодон одамларнинг кети кўринмасди. Улар ўзлари эришган ютуқларни, партия ва ҳукуматга садоқатларини, Куба революцияси иши учун охиригача курашишга тайёр эканликларини барадла намоёниш қилаётган эдилар.

Ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намоёниши Озодлик оролида социализм эришган улуғ зафарлар кўригига айланди. Ушбу парад билан намоёниш империалистик зулм кишакларини улоқтириб ташлаган халқ янги ҳаёт қуришда қанчалик буюк галабаларга эришиши мумкинлигини яққол кўрсатиб берди. Шунингдек, майдонга тўпланганларнинг ҳаммаси Совет — Куба дўстлиги қанчалик мустаҳкам эканини, Совет Иттифоқи ҳамда бўлак социалистик мамлакатларининг Куба халқига кўрсатаётган сажий ва беғараз ёрдами қандай ажойиб самаралар бераётганини яна бир карра ўз кўзи билан кўриш имконига эга бўлди.

Бу парад билан намоёниш революцион Кубага қарши макқорона режалар тузаётган Америка империалистлари учун жиддий огоҳлантириш бўлди. Айни бир пайтда бу ўзининг озодлиги ва мустақиллиги учун, халқлар бирлиги пийдеворини мустаҳкамлаш учун курашаётган барча элларга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

Уч қитъа мамлакатларининг бирдамлик қонференцияси арафасида Гаванада бўлиб ўтган ўша унутилмас воқеалар тиричилик, халқлар ўртасида дўстлик ва бирликнинг барқарор бўлиши шу халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ эканини яққол кўрсатиб берди. Ана шу озодлик ва мустақилликка эса улар биргаликда кураш олиб борган, бир-бирини қардошларча қўллаб-қувватлаган тақдирдагина эришишлари мумкин. Худди шу сабабдан ҳам барча қитъаларда яшовчи халқлар учун бирдамлик масаласи давр тақозоси бўлиб қолди.

ДЕҲЛИДАН — ГАВАНАГАЧА

Ўтган асрнинг ўрталаридаёқ илмий коммунизм асосчилари Маркс ва Энгельс, кейинчалик эса улар ишининг буюк давомчиси Ленин даъват этган бирдамлик — турли мамлакат, миллат ва irqқа мансуб бўлган меҳнаткашлар ўртасидаги бирдамлик йиллар оша, ўн йилликлар оша кучга тўлиб, кенгайиб ва мустаҳкамланиб борди, инсониятнинг ёрқин келажаги йўлида унинг байроғи остига тўпланган курашчилар сафи муттасил кўнара борди. Халқлар бирдамлигини мустаҳкамлаш йўлида, империализмга, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши курашда бой тажриба тўпладилар.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида халқаро империализмнинг бош зарбдор кучлари — немис фашизми ва япон милитаризми тор-мор этилиб, Европа ва Осиёдаги қатор мамлакатларда социалистик революция галаба қозонгандан сўнг бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлиги тараққиётида янги давр бошланди. Социализм яқка бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланганлиги туфайли барча мамлакатларда революцион жараённинг тезлашуви учун қулай шарт-шароит юзага келди. Мазлум халқларнинг озодлик ҳаракати ана шу жараённинг гоят муҳим бир таркибий қисми, империализм асосларини ларзага келтириб, жаҳон социалистик революцияси ривожига ёрдам бераётган қудратли омиллардан бири бўлиб қолди.

Бирдамлик ҳаракати қатнашчиларининг сафлари тўхтовсиз ўсиб, мустаҳкамланаверди, жаҳон социализми кучлари капиталистик давлатлардаги ишчи синфининг революцион ҳаракати кучлари билан жипслаша борди. Замоначиликнинг ана шу прогрессив кучлари тобора кўпроқ ягона оқимга қушилган ҳолда империализмга қарши,

аввало унинг агрессив шиятларига қарши, тинчлик учун, янги қиргин урушининг олдини олиш учун кураш байроғи остида тобора мустаҳкамроқ жишлашавердилар.

Биобарин бу тушунарли ҳолдир, зотан уруш ва тинчлик масаласи давримизнинг энг долзарб масаласи бўлиб қолди. Ҳозирги авлоднинггина эмас, балки келажак авлодларнинг ҳам тақдирини шу масалага боғлиқдир. Тинчлик—бу жаҳон социализми мавқеларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришнинг зарурий шартидир. Тинчлик — бу капитал мамлакатларида революцион ва демократик курашни авж олдиришнинг энг муҳим омилдир. Тинчлик — бу миллий ва социал озодлик учун кураш олиб бораётган мазлум халқларнинг ишончли мададкоридир.

Мана шунинг учун ҳам урушдан кейинги даврда барча мамлакатларда тинчлик тарафдорларининг қудратли ҳаракати юзага келди. Эркаклар ва аёллар, йигитлар ва қизлар, фан ва маданият арбоблари — қайси миллат ва irqқа, қайси сиёсий ва диний қарашларга мансуб эканидан қатъий назар, барча соф ниятли кишилар ана шу ҳаракатга актив қўшилдилар. Турли мамлакатларда тинчлик тарафдорларининг, хотин-қизлар, ёшлар, маданият арбоблари халқаро ташкилотларининг жаҳон конгресслари, конференция ва сессиялари бўлиб ўтмоқда. Ва ҳар сафар халқаро анжуманлар минбаридан туриб тинчликни сақлаб қолишга, давлатларнинг тинч-тотув яшашига қаратилган ва империалистик агрессияни лаънатловчи даъватлар тобора кучлироқ янграмоқда. Бу даъватларни барча мамлакатлардаги миллионларча одамлар чин юракдан қўллаб-қувватламоқдалар.

Осиё халқларининг 1955 йил, апрель ойида Деҳлида бўлиб ўтган биринчи бирдамлик конференцияси жаҳон миқёсида кескинликни юмшатиш учун курашда ҳамда антиимпериалистик кучларнинг жишлашувида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Конференция барча кўришишдаги мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликни қоралади, империалистларнинг агрессив кирдикорларини, уларнинг миллий-озодлик ҳаракатини бўғиб ташлашга ва мазлум халқларни асоратда сақланга бўлган уришишларини, сиёсий, иқтисодий ҳаёт ҳамда идеология соҳасидаги разил ҳийла-найрангларини фонга этиб ташлади. Конференцияда қитъадаги бирдамлик тарафдорлари ҳаракатини янада кенгайтириш мақсадида доимий секретариат сайланди.

Орадан кўп ўтмаёқ — 1955 йил, апрель ойининг охирида Бангдунда Осиё ва Африкадаги 29 мамлакат конференцияси бўлиб ўтди. Бу — ер куррасидаги энг йирик

ижки қитъа халқларининг биринчи алжумани эди. Бандунгда ҳали Осиё ва Африкадаги кўнгина давлатлардан вакиллар йўқ эди. Лекин шунга қарамай конференция катта халқаро аҳамиятга эга бўлди, у янги давр — улуғ Ленин башорат қилган Шарқ халқларининг уйғониш даври байроғига айланди.

Бандунгда изҳор этилган орзу-умидлар — истиқбол орзу-умидлари эди. Лекин айни бир пайтда улар бизнинг давримизда давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Миллий мустақиллик учун, тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш шiori остида ўтган Бандунг конференциясида эконимика, сиёсат ҳамда инсон фаолиятининг бошқа соҳалари билан боғлиқ бўлган бир талай масалалар кўриб чиқилди. Конференция ҳужжатларида инсоният учун энг долзарб муаммолар қамраб олинди.

Бандунг конференциясида халқаро муносабатларнинг машҳур ўн принципи: инсоннинг асосий ҳуқуқларини, шунингдек, БМТ Уставининг мақсад ва принципларини ҳурмат қилиш; барча мамлакатларнинг суверенитети ва территория бутунлигини ҳурмат қилиш; барча ирқлар тенглигини ҳамда барча катта ва кичик миллатлар тенглигини эътироф қилиш; бошқа мамлакатга интервенция қилиш ва унинг ички ишларига аралаштишдан ўзини тийиш, ҳар бир мамлакатнинг БМТ Уставига мувофиқ тарзда яққа ёки коллектив мудофаа ҳуқуқини ҳурмат қилиш; коллектив мудофаа ҳақидаги битимлардан буюк давлатларнинг бирортасининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишдан ўзини тийиш ҳамда бирор-бир мамлакатнинг бошқа мамлакатларга тазйиқ ўтказишидан ўзини тийиш; бирор-бир мамлакатнинг территориал бутунлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши агрессия ҳаракатида бўлиш ёхуд куч ишлатишдан ёки шу ҳақда дўқ-пўйиса қилишдан ўзини тийиш; барча халқаро жанжалларни музокара, келишув, арбитраж ёки юридик йўллар билан, шунингдек, БМТ Уставига мос равишда томонларнинг ўзи танлаган бошқа йўллар билан тинч ҳал этиш; ўзаро манфаатларга ва ҳамкорликка ёрдам бериш; адолатни ва халқаро мажбуриятларни ҳурмат қилиш принциплари яқдиллик билан қабул қилинди.

Барча тинчликсевар халқлар ушбу принципларни маъқуллаб, тўла қувватладилар.

Конференцияда қабул қилинган якуловчи ахборотнинг қўйидаги сўзлари бамисоли даъваткор пидо бўлиб янгради:

«Осиё ва Африка мамлакатлари конференцияси қарам халқлар, мустамлакачилик ва ёвузлик проблемаларини муҳокама қилди. Халқлар чет эл ҳукмронлиги ва эксплуатациясига дучор қилинаётганлиги бу ёвузликка сабаб бўлмоқда. Конференция шунини айтишга келишиб олдики, мустамлакачилик ўзининг барча кўринишлари билан дарҳол тугатилиши лозим бўлган ёвузликдир...»

Бу нидо ўз тарихида кўп марта гаротчи ва зўравон мустамлакачиликнинг қонли саҳифаларини бошидан кечирган Осиё ва Африка халқларининггина шидоси эмас эди. Бу нидо ер юзидаги барча софдил одамларнинг шидоси эди.

Бандунг конференциясининг қарорларини амалга ошириш йўлида озмунча тўсиқларга дуч келинмади. Империалистик доиралар «куч ишлатиш позицияси»дан туриб иш кўрган, Осиё ва Африка давлатларига сиёсий ҳамда иқтисодий тазийа ўтказган ҳолда тинчликсевар Бандунг идеалларига чоҳ қазимоқчи бўлдилар. Лекин уларнинг бу уринишлари зое кетди. Бандунг ғоялари Осиё ва Африка мамлакатлари бўйлаб голибона юриш бошлади. Мустамлакачиликка қарши Бандунгда юзага келган ягона жабҳа йилдан йилга кенгайиб, мустаҳкам бўла борди. Бу жабҳа империализм ва мустамлакачиликка қарши биргалликда курашда ҳар икки қитъа халқларини тобора кўпроқ жишлантира борди.

Совет жамоат арбоблари Осиё ва Африка халқларининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар. СССРда Бирдамлик комитети тузилди. Ушбу комитет қисқа давр ичда Осиё ва Африкадаги барча мамлакатларнинг миллий комитетлари билан алоқа боғлади. Миллий комитетлар самарали ишлаганлиги натижасида Қоҳирада икки буюк қитъа халқларининг энг ваколатли анжуманини чақиритишга имкон туғилди. Бу анжуман Осиё ва Африка мамлакатларининг бирдамлиги аял одимлар билан шахдам олға бораётганидан далолат берди.

Конференция 1957 йил 26 декабрда тантанали суратда очилди. Унда аҳолиси инсониятнинг ярмини ташкил этувчи 45 мамлакат иштирок этди. Бу анжуманда турли ирқ ва миллатга, турли ижтимоий топфага, турли сиёсий ва диний қарашларга мансуб бўлган кишилар тенг асосда қатнашдилар. Лекин ҳаммаларининг фикр-ўйлари ва орзу-умидлари бир нарсага — халқларни эзиб келаётган зўравонликка барҳам беришга, бирдамлик, дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни барқарор этишга қаратилган эди.

Турли мамлакатларнинг вакиллари бирин-кетин минбарга кўтарилишди. Етти кун давомида залда турли тилларда ҳаяжонли нутқлар янграб турди. Нотиқлар ўз халқларининг эзгу орзу-умидларини ифода этган ҳолда империализм ва мустамлакачиликка қарши, барча миллатлар ва ирқларнинг эркин, бахтли турмуш кечирishi учун бўлган баб-баравар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган курашини кучайтиришга даъват этдилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам давлатимизнинг ташқи сиёсатини қизгин қўллаб-қувватлади, миллий озодлик ҳаракатига кўрсатаётган қардошлик ёрдами учун Совет Иттифоқига, унинг халқи ва ҳукуматига самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор қилди.

Совет Иттифоқининг вакили минбарга чиққанида бутун зал дафъатан оёққа турди. Олқишу гулдурас қарсақлар зал гумбазларини ларзага келтирди. Совет вакили сўз бошлаши биланоқ зал сукунатга чўмди. У икки қитъа бирдамлик жабҳаси олдида турган жанговар вазибалар ҳақида гапириб, нутқини якунлаган ҳам эдики, зал ява оёққа қалқди, қарсақ устига қарсақ ёғилиб кетди.

Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати барча мамлакатлар халқлари учун қанчалик қалбга яқин ва тушунарли эканлигига, бу халқлар Совет давлатининг умуминсоний тараққиёт ишига қўшаётган ҳиссасини қанчалик юқори баҳолаётганликларига бу ерда ҳамма яққол ишонч ҳосил қилди.

Яқдиллик вазиятида ўтган конференция сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун, бутун дунёда тинчлик учун курашида икки қитъа халқлари бирдам эканлигини ёрқин намойиш этди. У Бандунг конференциясидан сўнг Осиё ва Африка халқлари онгида ижтимоий ўзгаришлар рўй берганини таъкидлаб ўтди. У Бандунг руҳи халқлар қалбидан мустаҳкам жой олганини кўрсатиб берди. Икки буюк қитъа халқларининг ушбу улкан анжумани Бандунг конференциясида эълон қилинган принциплар бундан кейин ҳам халқаро муносабатлар учун негиз бўлиб қолиши лозимлигидан далолат берди. Анжуманда ушбу принциплар батамом қўллаб-қувватланди, агар бу принциплар ҳамма томонидан қабул этилса, «ҳозирги халқаро кескинлик муайян камаяди», деб ишонч билдирилди.

1958 йил 1 январь куни конференциянинг якунловчи мажлиси гоят кўтаринки руҳда ўтди. Конференция қатнашчилари бутун дунё халқларига мурожаатнома — декларация қабул қилдилар. Конференциянинг бўлак ҳужжатлари — ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақида

СССР, АҚШ ва Англия ҳукуматларига мурожаатнома, бутун дунё олимларига мурожаатнома, ядро қуролига қарши биргаликда ҳаракат қилиш юзасидан тавсияномалар, қуrolсизланиш ҳамда атом уруши хатарини йўқотиш ҳақида, иқтисодий ва техник ҳамкорлик тўғрисида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хусусида, империализм ҳақида, Фаластин ва Ҳазор масалалари бўйича резолюциялар ҳам яқдиллик билан қабул этилди. Конференция ҳар қандай шаклдаги прқий камситишлар сиёсатини ғазаб билан қоралади.

Империализм найрангларига қарши, тинчлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашни кучайтириш ҳақидаги конференция даъвати барча қитъалар бўйлаб қанот қоқди. Осиё ва Африка халқларининг индоси планетамиздаги барча тинчликсевар кучларга етиб борди ва улар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

1958 йил, октябрь ойида Африка ва Осиё мамлакатларининг вакиллари ўзларининг янги анжуманларига тўпландилар. Бу гал бу йилги Совет Ўзбекистонининг пойтахти Тошкентда ўтказилди. Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Биринчи бирдамлик конференцияси бўлди. Конференцияда икки буюк қитъанинг таниқли адабиётчилари бир-бирлари билан илж дафъа шахсан кўришиб, алоқа ўрнатдилар.

Лекин уни ёлғиз ёзувчилар анжумани деб бўлмайти. Анжуманда Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг ўзаро алоқаларига оид масалаларгина кўрилгани йўқ. Бу ерда тинчлик учун, мустахлака ва қарам мамлакатларни империалистик зулмдан қутқариш учун олиб борилаётган муқаддас курашда халқларнинг бирдамлиги ҳақида, сўз санъаткорининг бу курашда тутган ўрни ва юксак бурчи ҳақида сўз борди.

Тошкент конференциясининг сўнгги дақиқалари асло эсдан чиқмайди. Ғоят ҳаяжонли дамлар эди у. Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат опера ва балет Катта академик театрининг улуғвор залини лиқ тўлдириб ўтирган делегатлар конференция ёпиқ деб эълон қилингандан сўнг гур этиб ўрниларидан турдилар, гулдурос қарсақлар бошланиб кетди. Ёзувчиларининг ўз халқларига, бирдамлик принципларига садоқат қасамёди эди бу. Уларнинг сафлари қанчалик жипсе эканлигини, миллий ва социал озодлик, ёрқин келажак йўлида, ер юзида тинчлик барқарор бўлиши йўлида халқлар олиб бораётган кураш ишига улар ўз истеъдоди ва қалб кўрипи бағишлашга тайёр эканликларини кўрсатувчи яққол далил эди бу.

Тошкент конференциясида Осиё ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик буюси ийдевориға илк гишт қўйилди. Бу конференция кейинчалик Осиё ва Африканинг бепоён сарҳадлари оша қудратли тўлқин бўлиб мавж олган ёзувчилар ҳаракатини бошлаб берди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг ёзувчилари «Тошкент руҳи»га содиқ бўлиб қолдилар. Тошкент конференцияси гоёлари 1961 йил, ноябрь ойида Қоҳирада тўпланган ёзувчилар конференциясининг муҳитини белгилаб берди. Конференцияда қўрилган бош масала — Осиё ва Африка халқларининг империализм ва мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик ва ер юзиде тиғчилик учун курашда ёзувчиларининг тутган ўрни масаласи бўлди. Шу масала Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1967 йил, март ойида Байрут (Ливан)да бўлиб ўтган Учинчи бирдамлик конференциясида ҳам бош мавзу бўлди.

Байрут конференцияси Тошкент руҳининг муносиб давомчиси бўлди. Айни бир пайтда у ёзувчилар ҳаракатининг ривожиде янги босқич вазифасини ўтади. У ушбу ҳаракат сафларини яна ҳам жипслаштирди, унинг вазифаларини конкретлаштириб берди, жаҳонда янги прогрессив кучларни империализмга, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши курашга жалб этди. Байрут анжуманида икки қитъа ёзувчилари ташкилотининг уставини қабул қилинди ҳамда китоблар таржима қилиш ишини мувофиқлаштириб турувчи орган сайланди.

Осиё ва Африка мамлакатларининг 1960 йил, апрель ойида Конакри шаҳрида (Гвинея) бўлиб ўтган Иккинчи бирдамлик конференцияси халқларининг миллий-озодлик ҳаракати ривожиде ҳамда уларининг жипслигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Бу конференцияда Осиё ва Африкадаги 55 мамлакатдан 70 дан зиёд демократик ташкилот вакиллари қатнашди.

Яқинлик вазиятида ўтган конференция империализм ва мустамлакачилик ҳақида, қуролсизланиш ва давлатларининг тиғч-тотув яшашини тўғрисида резолюциялар қабул қилди, ҳукуматларни атом қуролни синовларини тақиқлаш ва уни йўқотиш ҳақида тезроқ бир битимга келишга даъват этди. Конференция қарорларида ёлғиз икки қитъа эмас, балки бутун дунё халқларининг иродаси ҳамда орзу-умидлари ифодасини тонди.

Икки қитъа халқларининг ўз озодлиги йўлидаги кураш ҳаракатларини мувофиқлаштириб туриш ҳамда бу курашини кучайтириш мақсадида тузилган жамоатчилик

ташкilotи ушбу конференцияда даврга мос ном олди: у Осиё ва Африка халқларининг бирдамлик ташкilotи (ОАХБТ) деб аталадиган бўлди.

Конакри конференциясида уч қитъа — Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг бирдамлик ташкilotини тузиш фикри биринчи марта ўртага ташланди. Турли мамлакатлардаги миллий бирдамлик комитетлари, кенг жамоатчилик доиралари бу фикрни қизгин қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Орадан бир неча ой ўтгач, Газада Осиё ва Африка бирдамлиги Ижроия Комитети тўпланди. У уч қитъа мамлакатларининг бирдамлик конференциясини чақириш ҳақида махсус қарор қабул қилди. 1961 йилда эса Мехикода Лотин Америкаси мамлакатларининг Бирдамлик конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу конференция ҳам уч қитъанинг ҳамдўстлик ташкilotини тузиш зарурлигини эътироф этди. Шундай қилиб, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг хоҳиш-истаклари бир бўлиб чиқди.

Уч қитъа мамлакатларининг бирдамлик ташкilotини тузиш ғояси ушбу мамлакатлар халқларининг бирлигини мустаҳкамлаш, яъни антиимпериалистик жабҳани юзага келтириш йўлидаги орзу-умидларига қанот бағишлади. Оқибатда уларнинг кучига куч қўшилди, ғалабага бўлган ишончлари ортди, зolimларга қарши фидокорона курашга илҳомлантирди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг бирдамлигини ташкилий жиҳатдан шакллантириш учун ҳамма жойларда фаол тайёргарлик ишлари авж олиб кетди. 1963 йил февралда Моши шаҳрида (Танзания) икки қитъа мамлакатларининг Учинчи бирдамлик конференцияси тўпланди. Конференция ишида Осиё ва Африка мамлакатларининг вакиллари қатори Лотин Америкасидан келган меҳмонлар ҳам қатнашдилар.

Қаҳрамон Куба халқининг вакили конференция минбаридан туриб нутқ сўзлади. У империализм ва мустамлакачиликка қарши курашни кучайтиришга, барча мамлакатларининг антиимпериалистик кучларини жипслаштиришга даъват қилди ҳамда уч қитъа мамлакатларининг Биринчи бирдамлик конференциясини Куба Республикаси пойтахти Гаванада ўтказиш ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф яқдиллик билан қабул қилинди. Шу ернинг ўзига даёқ Гавана конференциясига тайёргарлик масалалари муҳокама этилиб, тайёргарлик комитети тузилди. Мошидаги конференцияда буюк бирдамлик — ер куррасидаги учта улкан қитъа халқларининг бирдамлиги юзага келди.

Африка ва Осиё мамлакатларининг 1965 йил, март ойида Вишнебеда (Гана) бўлиб ўтган Тўртинчи конференцияси ҳам уч қитъанинг бирдамлик ҳаракати ғоясини қизғин қўллаб-қувватлади. Айни шу конференцияда Гавана конференциясини ўтказиш муддати — 1966 йил бошлари белгилаб олинди. Уч қитъанинг Биринчи бирдамлик конференциясига тайёргарлик кўриш вазифаси Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги 18 мамлакат вакилларидаги иборат махсус комитетга топширилди.

Ўтган йиллар давомида яна қатор бошқа конференциялар ҳам бўлиб ўтдики, тинчликсевар кучларни ҳамда миллий-озодлик ҳаракатини жиплаштиришда уларнинг аҳамияти муҳим бўлди. Перонинг империалистик агрессиясига қарши курашаётган араб халқларига хайрихоҳлик (1967 йил, июль ойи, Қоҳира) ҳамда қахрамон Вьетнам халқининг курашига хайрихоҳлик (1968 йил, сентябрь ойи, Қоҳира) юзасидан ўтказилган Фавқулодда бирдамлик конференциялари, Осиё ва Африка халқларининг V бирдамлик конференцияси (1972 йил, январь ойи, Қоҳира), «Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик ҳаракатининг ҳозирги босқичдаги вазифалари» конференцияси (1978 йил, июнь ойи, Коломбо) ва бошқалар шулар жумласидандир. 1978 йил, октябрь ойида Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Биринчи конференциясининг 20 йиллигига бағишлаб адабиётчиларнинг халқаро учрашуви бўлиб ўтди.

Халқлар бирдамлигини мустаҳкамлаш йўлида яна кўнгина йирик воқеалар ҳам рўй берди. Урушдан кейинги йилларда талайгина кенг ваколатли халқаро анжуманлар ўтказилди. Уларда қабул қилинган қарорлар агрессорларни жиплаб қўйишга, термоядро урушининг олдини олиш, империализм ва янги мустамлакачиликка қарши, барча ирқ ва миллат халқларининг озодлиги ҳамда тенглиги учун курашни авж олдиришга қаратилган эди.

1976 йил, май ойида Бокуда бўлиб ўтган IV Совет бирдамлик конференцияси совет кишилари пролетар интернационализмга, халқларнинг миллий ва социал озодлик учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлаш принципларига нечоғли содиқ эканликларини яққол намойиш эди. Конференция ишида барча иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ҳамда областларнинг делегатлари, шунингдек, қардош социалистик давлатлар, Осиё ва Африкадаги мустақил мамлакатлардан келган 34 делегация, миллий-озодлик ҳаракатининг вакиллари иш-

тирок этдилар. Конференция жанговар ҳаракат программасини белгилаб берди. Барча демократик, прогрессив, антиимпериалистик кучларнинг бирдамлигидан иборат улуғ иш учун изчил кураш олиб бориш зарурлиги ана шу программанинг туб моҳиятини ташкил этади.

Беш қитъа коммунистик ва ишчи партияларининг 1957, 1960 ва 1969 йилларда Москвада ўтказилган кенгашлари ҳамда Европадаги коммунистик ва ишчи партияларининг 1976 йил, июнь ойи охирида Берлинда бўлиб ўтган конференцияси чинакамига оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу анжуманларда халқаро аҳвол, тинчлик ва социализм учун кураш билан боғлиқ бўлган энг актуал проблемалар муҳокама этилди. Кенгашларда ҳозирги даврнинг кенгайтирилган характеристикаси берилди, турли социал тузумларга мансуб бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаш ҳақида, урушларнинг олдини олиш мумкинлиги, ҳарбий хатарга нисбатан халқлар ҳушёрлигини сақлаб туриш зарурлиги тўғрисида, турли мамлакатларнинг капитализмдан социализмга ўтиш формалари тўғрисида муҳим хулосалар қилинди.

Ушбу кенгашларда улкан сафарбарлик ва илҳомлантирувчи кучга эга бўлган программ ҳужжатлар қабул қилинди.

Коммунистик ва ишчи партияларининг 1960 йилги халқаро кенгаши ягона ҳаракат бўйича конкрет программа ишлаб чиқиб, уни барча прогрессив кучларга тақдим этди ҳамда уларни тинчлик учун антиимпериалистик курашда биргаликда иш кўриш мақсадида ўзларининг савий-ҳаракатларини коммунистик партияларининг савий-ҳаракатлари билан қўшиб олиб боришга даъват қилди. Кенгаш: «Социалистик мамлакатларининг халқлари, капитал мамлакатларидаги пролетарлар, барча демократик кучлар, озод бўлган ва мазлум халқлар — империализмга қарши, тинчлик учун, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун умумий курашда бирлашингиз!»¹ деган шioriни ўртага ташлади.

Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференцияси бош революцион кучлар — социалистик давлатлар, капитал мамлакатларидаги ишчилар ҳаракати, миллий озодлик ҳаракати — барча демократик тинчлик-севар кучлар билан биргаликда реакция қаршилигини енгишга, жаҳон урушининг бошланишига йўл қўймасликка қодир эканликларини аниқ кўрсатиб берди.

¹ «Коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро кенгаши. Москва, 1969». Прага, «Тинчлик ва социализм», 1969, 43-б.

Конференцияда яқдиллик билан қабул қилинган якуловчи ҳужжатда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, Европа қитъасида рўй берган ижобий ўзгаришлар «...халқларнинг озодлик кураши учун, ҳарбий хавф-хатарга қарши кураш учун, дунёнинг бошқа бўлақларида ҳам кескинликни юмшатиш учун, халқларнинг янги мустамлакачиликка ва миллий асоратнинг ҳамма кўринишларига қарши кураши учун қулай шарт-шароит яратиш бермоқда»¹.

Конференция қатнашчилари Европа меҳнаткашларини ҳамда барча демократик ва тинчликсевар кучларини ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган жаҳондаги ҳамма халқлар билан бирдамликни кучайтириш йўлида яна ҳам кўпроқ куч-ғайрат ва шижоат кўрсатишга даъват қилдилар.

Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашлари ҳамда Берлин конференциясининг гоилари билан даъватлари ер юзининг ҳамма бурчакларига етиб борди, ҳамма жойда ҳам соф пиятли кишилар қалбида чуқур ақс садо уйғотди.

Тинчлик ва халқлар бирдамлиги тарафдорлари ҳаракатининг авж олиши жараёнида ўзининг раҳбарлик ва ижроия органларига эга бўлган кўйлаб халқаро ташкилотлар юзага келди. Ҳукуматларга дахли бўлмаган бу ташкилотлар қуйидагилардир: Парламентлараро уюшма, БМТга кўмаклашувчи Халқаро уюшмалар федерацияси, Жаҳон тинчлик кенгаши, Жаҳон тинчлик ташкилоти, Жаҳон касба-союзлар федерацияси, Жаҳон хотин-қизлар демократик федерацияси, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, Халқаро студентлар уюшмаси, Осиё ва Африка халқларининг доимий бирдамлик ташкилоти, Олимларнинг доимий Пагуош комитети, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларининг халқаро федерацияси, Халқаро журналистлар ташкилоти, Халқаро демократик юристлар уюшмаси, Халқаро матбуот бирлашмаси, Халқаро уруш ветеранлари федерацияси. Буларнинг ҳар бирида Совет Иттифоқи ҳам қатнашиб келмоқда.

Ушбу халқаро ташкилотлар катта кучга эга. Улар миллионлаб халис пиятли одамларни бирлаштирган бўлиб, муҳим прогрессив роль ўйнамоқда. Ўз фаолияти билан улар бирдамлик ҳис-туйғуларини ҳамда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам бермоқда, миллий ва ирқий

¹ «Европада тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал таваққуф учун. Европа коммунистик ва ишчи партиялари конференциясининг якунларига доир. Берлин, 1976 йил, 29—30 июнь». Политиздат, 1976, 42-б.

адоватнинг тарқалишига қарши, мустамлакачиликка ва ҳар қандай шаклдаги зулм-асоратга қарши, чет эл ҳукмронлигига ва ирқчи режимларга батамом барҳам бериш учун, озод бўлган мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун, туб социал ўзгаришлар ва демократик эркинликлар учун, мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашмоқда.

Тинчлик учун, кескинликни юмшатиш, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун, турли ижтимоий-сиёсий системаларга эга бўлган давлатлар ўртасида кенг ва кўламли савдо-иқтисодий, илмий-техник ҳамда маданий алоқаларни ривожлантириш учун планетамиздаги барча прогрессив кучлар олиб борган кураш 1975 йилда Хельсинкида жуда катта ғалаба билан якунланди: Европадаги 33 давлатнинг, шунингдек АҚШ ва Канаданинг олий мартабали раҳбарлари 1 августда тинч-тотув яшаш принципларининг машҳур ўнта омили эълон қилинган якунловчи актни имзоладилар. Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар ўзаро муносабатларда ана шу омилларга қараб иш кўриш мажбуриятини олдилар. Якунловчи актда баён қилинган барча принциплар ва келишувларнинг бажарилиши тинчликни янада мустаҳкамлаш, барча мамлакатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни кучайтириш йўлида яхши истиқбол уфқларини очиб беради.

Шу тариқа ижтимоий тараққиёт жараёнининг ўзи жаҳонда қудратли халқ ҳаракатлари ва ташкилотларини юзага келтирдик, булар ягона антиимпериалистик оқимга қўшилган ҳолда умум башарият социал тараққиёти учун курашни кучайтириб юбормоқда.

Ана шундай шарт-шароит туфайли Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг куч-ғайратларини бирлаштириш, жаҳондаги учта энг катта қитъанинг бирдамлик ташкилотини тузиш учун қулай имконият туғилди.

УЧ ҚИТЪА АНЖУМАНИ

1966 йилнинг илк ҳафталари халқларнинг озодлик кураши ҳамда уларнинг бирлигини мустаҳкамлаш тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Уша кунлари бутун дунёнинг нигеҳи Гаванага қадалган эди. У ерда январь ойининг учинчи кунидан ўн бешинчи кунига қадар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг Биринчи бирдамлик конференцияси бўлиб ўтди.

.. У Халқаро миқёсдаги энг ваколатли анжуман бўлди. Конференция ишида Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги 82 мамлакатдан 512 делегат қатнашди. Улар турли революцион кучларнинг вакиллари эди. Буларнинг орасида дунёда биринчи социалистик давлат — Советлар мамлакати ва ўз бозорлиги учун қаҳрамонона курашаётган халқларнинг ҳам, сиёсий мустақилликка эришган мамлакатлар ва нокапиталистик тараққиёт йўлига ўтиб, чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошираётган янги давлатларнинг ҳам намояндалари бор эди. Конференцияда Европа социалистик давлатларидан, прогрессив халқаро ташкилотлардан, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги турли ташкилотлардан 100 дан кўпроқ кўзатувчи, махсус таклиф этилган ўилаб арбоблар бор эди.

.. Улкан «Гавана либре» меҳмонхонасида шу январь кунлари ҳаёт жўш уриб қайнаб турди. Чет эллардан келган делегатлар билан меҳмонлар шу меҳмонхонада ҳам яшаб, ҳам ишлашарди. Унинг кенг залларида конференция ялпи мажлислари ва ишчи комиссиялар мажлислари ўтказилди.

.. Янги йилнинг учинчи куни, эрталаб. Делегацияларнинг раҳбарлари гоёт муҳим бу халқаро анжуманнинг кун тартибини ҳақида келишиб олмоқ учун кенгашига тўқланишган.

Қизғин фикр алмашувлар бўлиб турибди, мунозаралар бошланиб кетди. Шунда маълум бўлдики, конференцияга ҳамма ҳам ҳолис ният билан келавермаган. Делегатлар орасида халқларнинг бирдамлик идеалларига жавоб бермайдиган мақсадларга амал қилувчи одамлар ҳам борлиги сезилиб қолди.

.. Булар Нью-Йорк, Лондон ва чет эллардаги бошқа шаҳарларда узоқ муддат истиқомат қилган кишилар эди. Булар империализмга қарши курашаётган ўз халқларидан ажралиб қолган, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларидан мутлақо бехабар одамлар эди. Улар конференция муҳокамасига қўйишга қўйишга асосий проблемаларнинг моҳиятини тушунамасдилар, бинобари кўнчилиكنинг диққат-эътиборини унча муҳим бўлмаган, майда масалаларга чалғитиш пайида эдилар.

.. Лекин бузғунчиларнинг уринишлари чиппақка чиқди. Делегациялар ўз халқлари олдидаги юксак масъулиятни ҳис этган, соф ниятди барча кишиларнинг орзу-умидлари ва ҳожиш-истакларини рўёбга чиқаришга интилган ҳолда кенгашида муҳокама қилинаётган проблемаларга жиддий муносабатда бўлиб, асосий масалалардан четга чиқарилган

йўл қўймадилар. Совет Иттифоқи вакиллари қатъий ва изчил позицияда турдилар. Улар ҳаракат бирлигига эришини учун астойдил курашдилар. Делегацияларнинг асосий кўпчилиги уларни қўллаб-қувватлади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг Биринчи бирдамлик конференцияси 3 январь кун кечқурун таътанали вазиятда ўз ишینی бошлади. Залда «Яшасин Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг озодлик кураши!», «Ватан ё ўлим! Биз енгамиз!» деган шiorлар янграб турди, суропли олқишлар, гулдурос қарсақлар атрофини тутди.

Конференция кун тартибида ҳозир ҳам халқларнинг чинакам мустақиллиги, демократия, тараққиёт ва тинчлик тарафдорларини курашга сафарбар этиб, уларни илҳомлантириб келаётган талабларни ифода этувчи масалалар талайгина эди. Ана шу масалаларнинг барчаси тўртта катта гуруҳга бўлинган бўлиб, ҳар бир гуруҳнинг ўзи қатор муҳим проблемалардан иборат эди.

Кун тартибининг биринчи банди «Империализмга, мустамлакачиликка қарши кураш» деган умумий ном остида қарийб ўнта масалани ўз ичига олди.

Кун тартибининг иккинчи бандида антиимпериалистик курашнинг аиниқса долзарб проблемаларига кенг ўрин берилди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг иқтисодий, социал ва маданий соҳалардаги антиимпериалистик бирдамлиги масалалари кун тартибининг учинчи бандига киритилди. Улар уч қитъа халқларининг иқтисодий мустақиллиги, социал ва маданий алоқаларини ривожлантириш учун курашга оид проблемалардан, уч қитъа мамлакатлари билан дунёдаги бошқа мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда янги иқтисодий сиёсатни юзага келтириш, Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан тинч-тотув яшаш тушунчасининг умумий таърифини ишлаб чиқиш, учала қитъадаги ишчилар, студентлар, хотин-қизлар ва маданият ташкилотларининг фаолиятини координация қилиб туриш билан боғлиқ бўлган масалалардан иборат эди.

Кун тартибининг охириги банди миллий озодлик, тикланиш, равнақ топиш ва тинчлик учун умумий курашда уч қитъа халқларининг куч-ғайратини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан бириштиришга оид масалаларни қамраб олганди.

Бутун дунёга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини даъво қилаётганлар измидаги империалистик стратегия уч қитъа

халқларига қарши қаратилган. Қатор мамлакатларда мустақилликка, миллий суверенитетга, тараққиёт ва тинчликка қарши империалистлар зўр бериб хуруж қилаётганлиги ана шу стратегиянинг ифодасидир. Бу стратегияга илҳом бериб, уни амалга ошириб келаётган бош куч эса АҚШ империализми ҳисобланади.

Табииyki, ана шундай вазиятда уч қитъа халқларининг Бирдамлик конференцияси жаҳон империализмининг хуружга жавобан чора-тадбирлар топиши лозим эди ва буларни топти ҳам. Кенг кўламдаги стратегияга амал қилаётган АҚШ империалистларининг агрессивлиги ошиб бораётган бир пайтда конференция империализмга қарши, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши курашда ўзларининг куч-гайратларини бирлаштиришга, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга интилаётган эрксевар халқлар учун кенг кўламли революцион стратегияни ишлаб чиқариши лозим эди ва бунини ишлаб чиқди ҳам.

Конференция қатнашчилари Халқаро тайёргарлик комитетининг спёсий докладини зўр мароқ билан тингладилар. Ушбу докладда уч қитъанинг тарихий тараққиёти баён қилиб берилди, конференция ўтаётган вақтдаги вазият таърифланди, Гавана анижуманининг улкан аҳамияти ва юксак вазифаси таъкидлаб ўтилди. Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларидаги революцион кучлар олдида турган вазифалар таърифлаб берилди.

Кун тартибига киритилган масалаларнинг ҳаммаси конференцияда қизгин муҳокама қилинди, тўртта ишчи комиссиясида: сиёсий, ташкилий, иқтисодий комиссияларда ҳамда социал ва маданият масалалари комиссиясида чуқур ўрганиб чиқилди. Тўрт кун давом этган ялпи мажлисларда қарийб 70 делегация раҳбари сўзга чиқди.

Минбарга кўтарилган делегатлар қалбида бирдамлик ҳисси жўшиб турарди. Улар империалистларни, мустамлакачи ва янги мустамлакачиларни қаҳр билан лаънатладилар, уларнинг ваҳшиёна кирдикорларини ва ёвуз ниётларини очиб ташладилар, Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкаси халқларининг бирдамлигига эришишга, бу халқларнинг империализм қора кучларига қарши умумий курашини кучайтиришга қизгин даъват этдилар.

Совет Иттифоқи тутган йўлни конференция делегатлари қизгин қўллаб-қувватладилар. Л. Н. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқларининг конференцияга йўллаган табриқномасида бу йўл баён қилиб берилган эди. Партиямиз ва Совет ҳукумати раҳбарларининг табриқномаси

ўқиб эшиттирилганда улкан зал гулдурос қарсақлардан ларзага келди.

Гаванага келган делегацияларнинг қарийб ҳаммаси бизнинг делегациямиз ҳузурида бўлишди. Икки ўртадаги суҳбат чоғида дарҳол самимий, ошкор ва дўстона вазият юзага келарди. Турли мамлакат вакиллари у ёки бу масала ҳақида ўзларининг нуқтаи назарлари қандай эканлигини ошкор баён қилишар, режа ва мулоҳазаларини ўртага ташлар, бизнинг фикримизни диққат билан тинглашарди. Совет делегацияси конференциянинг кун тартибининг ишлаб чиқишга ҳам, конференция ҳужжатларини тайёрлаш ишига ҳам катта ҳисса қўшди. Бу нарса бирликка эришишда ҳамда конференция ишини муваффақият билан тугатишда жуда катта омил бўлди.

Конференция қатнашчилари Советлар мамлакати вакилининг нутқини бегубор самимият билан тингладилар. Совет делегациясининг: «Бизнинг тутган йўлимиз ҳаммага равшан, бипобарин биз баҳслашиб ўтирмоқчи эмасмиз. Конференциямиз минбари бўлишини эмас, бирлашини минбари бўлмоғи керак», деган баёнотини улар гулдурос қарсақлар билан кутиб олдилар.

Конференция иши айни қизиган бир пайтда совет делегацияси Америка империализмининг Вьетнамга қилган агрессияси ҳақидаги масалани муҳокамага қўйди ҳамда бу масала бўйича Совет Иттифоқи тутган позицияни аниқ-равшан таърифлаб берди. Биз бу агрессияни тағ-томири билан фож қилиб тавладик, АҚШ империалистлари ўзларининг йиртқич виятларини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан таш тортмасликларини таъкидладик. Совет давлатининг вьетнам халқига қардошларча кўрсатаётган улкан иқтисодий ва ҳарбий ёрдами ҳақида гапириб бердик.

Залга йиғилганлар АҚШ империализмининг ҳарбий агрессиясига қарши курашда совет халқи қаҳрамон Вьетнамга ёрдам бераётгани ҳақидаги хабаримизни чуқур мамнуният ҳисси билан кутиб олдилар. Улар бараварига оёққа қалқиб, гулдурос қарсақлар остида Совет давлатининг лепинча ташқи сиёсатини қизгин маъқулладилар.

Курашаётган Вьетнам билан бирдамлик ҳақидаги масала муҳокамаси конференциянинг диққат марказида бўлиб турди, у бирликка эришувда ўзига хос катализатор вазифасини ўтади, турли нуқтаи назар ва позицияларни бир мурасага олиб келишга ёрдам берди. Ҳамма делегатлар АҚШ империалистларининг Вьетнамда бошлаган ва давом эттираётган ваҳшиёна уруши бутун инсониятнинг

энг яхши оруз-умидларига мутлақо зиддир, деган хулосага келдилар.

Уша қуилардаги воқеалар дунёдаги бугунги вазият билан ғоят ҳамоҳанг. Гавана конференцияси кунларида АҚШ империализмининг ваҳшиёна агрессиясига қарши адолатли кураш олиб бораётган Вьетнам халқини нечоғли қўллаб-қувватлаш социалистик мамлакатлар, капитал мамлакатларидаги меҳнаткашлар, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги эрксевар халқларнинг революцион стратегиясини белгиловчи бош мезон эди.

Гавана конференциясида совет делегацияси ва бошқа делегациялар АҚШнинг Шарқи-жанубий Осиёдаги қатор давлатларга қарши қаратилган агрессив хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладилар, ер юзидаги барча прогрессив кучларни қўллаб-қувватладилар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги барча мамлакатлардан келган озодлик ҳаракатлари вакиллариغا конференцияда зўр хайрихоҳлик кўрсатилди. Делегациялар ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган барча халқлар билан қардошларча бирдам эканликлари, уларнинг адолатли курашини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари ҳақида яқдил бўлиб гапирдилар. Миллий озодлик ҳаракатларига, мустамлакачилик кншанларини улоқтириб ташлаган халқларга ҳамда ўз озодлиги учун курашаётган халқларга Совет Иттифоқи қандай иқтисодий ёрдам ва снёсий мадад кўрсатаётганлиги, ривожланаётган давлатлар билан савдо-сотик ва маданий алоқаларимиз қанчалик ўсиб бораётганлиги ҳақида совет делегацияси баён қилган маълумотни улар ғоят мамнун бўлган ҳолда кутиб олдилар.

Делегациялар мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг озодлик кураши билан бирдам эканликларини изҳор этдилар.

Конференцияда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги миллионлаб одамларни иқтисодий ва снёсий жиҳатдан бўғиб ташлашга уринаётган зарарли империализм муҳитидан қутулиш учун ҳозирги пайтда қулай шарт-шароит мавжуддир. Ана шундай вазиятда халқлар озодлиги учун кураш кенг тус олди, у олис жоёларгача етиб борди, бинобарин уч қитъа ягона қудратли жабҳа бўлиб ҳаракат қилиши лозим. Бу қитъа халқларининг жанговар бирдамлиги эса олдинда турган проблемаларнинг ўхшашлиги, интилишлар эса умумий эканидан, дунёдаги воқеалар ривожни тақозосидан келиб чиқувчи қатъий заруратдир, бинобарин империализмнинг

агрессив хатти-ҳаракатлари ялпи моҳиятга эга бўлиб, улар ер қуррасидаги барча халқлар учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик, суверенитет ва хавфсизлик нуқтаи назаридан баб-баравар хатарлидир.

Гавана конференцияси Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилди. Бу тушунарли ҳолдир, зотан иқтисодий мустақилликка эришмай туриб сиёсий қарамсизликка ҳам эришиб бўлмайди. Делегатлар ривожланаётган давлатларда империалистик монополиялар таъсирини туб илдизи билан қўпориб ташлаш, шу мамлакатларда янги ҳаёт қуриш учун тезроқ моддий-техника базасини яратиш, янги резервлардан самаралироқ фойдаланиш зарурлигини бир овоздан таъкидлаб ўтдилар.

Ривожланаётган давлатлар социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўрнатган, ҳозирги даврнинг асосий революцион кучлари ўртасидаги бирлик мустаҳкамланган тақдирдагина бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Жаҳон социалистик системаси, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати ҳамда миллий-озодлик ҳаракати ана шу асосий революцион кучларни ташкил этади. Ана шу учта ҳал этувчи куч ўртасида бирлик мавжуд бўлган жойда империализм кучлари муқаррар мағлубиятга учрайди. Ҳозирги ижтимоий тараққиёт қонуни ана шундай.

Шуниси қувонарлики, Гавана конференцияси барча революцион кучларнинг жипслашувига, мавқеларининг янада мустаҳкамланишига олиб келди. Конференция кун тартибида турган барча масалалар бўйича яқдиллик билан қарорлар қабул қилинди, халқлар ҳамжиҳатлиги ва жипс иттифоқи учун қулай шарт-шароит яратилди.

Конференцияда империалистик реакцияга қарши, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашнинг долзарб проблемалари, революцион кучлар бирдамлигини мустаҳкамлаш, уч қитъа мамлакатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича ўнлаб ялпи ва алоҳида резолюциялар қабул қилинди. Яқунловчи ялпи мажлисда қабул қилинган Бош декларация конференциянинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Ушбу декларацияда халқаро вазият чуқур таҳлил қилиб берилди, империализмга, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши кураш йўллари кўр-

сатилди, Осиё, Африка ҳамда Латин Америкаси халқларининг бирлиги ва бирдамлигига эришишга даъват этилди.

15 январь куни кечқурун Кубанинг энг катта театрида Гавана конференциясининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Бу маросим жуда катта кўтаринкилик вазиятида ўтди. Тантанали ёпилиш маросимида ҳамма делегатлар ва жуда кўп меҳмонлар қатнашдилар: залда қарийб саккиз минг киши тўпланган эди.

Конференциянинг тантанали ёпилиш мажлисида Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикасининг бош вазири ўртоқ Фидель Кастро оташини нутқ сўзлади. Куба революциясининг йўлбошчиси Гавана анжуманига юксак баҳо бериб, бундай деди: «Биз империализмга қарши кураш олиб бораётган барча ҳаракатлар ўртасида вужудга келган алоқалар, шунингдек, конференция давомида ташкил этилган органлар революцион курашни қўллаб-қувватлаш, унинг қўламини кенгайтириш ҳамда бу кураш штирокчилари ўртасидаги бирдамликни кучайтириш ишида, шубҳасиз, муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблаймиз».

Энг сўнгги қарсақлар садоси тингач, тантанали мажлисида қатнашган одамлар ташқарига чиқишди. Ҳамма шодон, ҳамма ҳаяжонда эди. Куба пойтахти оидин огушида. Гавана худди кундузгидай чарогон. Одамларнинг руҳи ҳам нур билан йўғрилгандай чарақлаб турибди.

Биз, Советлар мамлакатининг вакиллари айниқса шодон, айниқса кайфи чоғ ҳолатдамиз. Қилинган ишдан чуқур қониқиб ҳисси масъул ва мураккаб вазифа чарчоқларини тарқатиб юборгандай. Кунни тунга улаб, баъзан эса кечалари мижа қоқмай ишладик, энди унинг самараларини кўриб турибмиз.

Ер юзида биринчи марта уч қитъа халқларининг бирлиги пайдо бўлди, кўз очиб дунёга келди. Ва биз ана шу мурғак норасидага доялик қилдик; бешигини тебратдик, авайлаб парваришладик. Мана, энди у чинакам паҳлавон бўлиб етишди. Унинг азамат қўллари-ю, бамисоли чинордай гавдаси, истиқболга равшан боқиб турган тиниқ кўзлари-ю, ёруғ жаҳонга келиши билан Инсонга қараб талпинганлари, — ҳамма-ҳаммаси гўдагимиз эркесвар халқларининг туғилган фарзанди эканлигидан далолат беради. Янги туғилган чақалогимизнинг исми — Бирлик. Биз уни шамол ва бўронлардан, турли бало-қазолардан асраймиз, у ҳаммаша қуёш нуридан баҳраманд бўлишини истаймиз,

шунга ҳаракат қиламиз. У жаҳондаги тинчликсевар халқларининг меҳрида, ардоғида.

Гавана анжумани ёпилишининг эртаси куни ташкилот комитети бошчилигида Лотин Америкаси бирдамлик ташкилоти тузилди.

Гаванадаги анжуман силлиққина, зиддиятсиз ўтди, деб ўйлашлик хато бўлур эди, албатта. Бирлик оғир тўлғоқ азоби ичида дунёга келди. Конференцияда мунозаралар авж олган, даҳанаки жанглар қизиб кетган пайтлар ҳам бўлди. Гаванага конференция ишига тўғаноқ бўлиш мақсадида келган муҳолифлар ҳар хил ёлгон-яшиқ гаплар тарқатишар, ивво тўла ҳужжатлар битишар, делегатларни дуқ-пўниса билан қўрқитмоқчи, ҳатто пулга сотиб олмоқчи бўлишарди. Конференция жараёнида жаҳон коммунистик ҳаракатида мавжуд бўлган шифоқлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Бироқ халқлар бирлигига раҳна солмоқчи бўлганларнинг барча уринишлари зое кетди. Ҳалокатга маҳкум этилган империализмнинг беҳуда чиранишларига, эриксевар халқларни асоратда ушлаб қолиш йўлидаги уринишларига ўхшаб булар ҳам чишакка чиқди. Бузгунчиларнинг хуружлари қўллаб-қувватланмади. Конференцияда ҳукм сурган бирлик руҳи шу даражада кучли эдики, бузгунчилик хатти-ҳаракатлари исқаижа орасига тушиб қолди, шифоқлар нари сурилди. Конференция ўз олдига турган олижаноб ва мураккаб вазифани муваффақиятли адо этди.

Гавана анжумани империализмга, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши кураш тарихидан гоят улкан воқеа сифатида жой олди. Бирдамлик ҳаракатида у сифат жиҳатидан янги, илгаригидан яна ҳам юқори поғона бўлди.

Гавана анжуманининг қарорлари қаҳрамон Вьетнам халқига, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган барча жаҳон халқларига куч-мадад бағишлади, уларнинг ҳақини галаба қозонишига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Шунинг учун ҳам, Гавана конференциясининг қарорлари Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкасидаги барча мамлакатларда шод-хуррамлик ва чуқур мамнуният билан кутиб олинди. Ушбу мамлакатлардаги миллий комитетлар конференция ҳужжатларини дарҳол ўз тилларига таржима қилиб, матбуотда бостириб чиқардилар, бу ҳужжатларни жуда кўп марта радио ва телевидение орқали ўқиб эшиттирдилар. Прогрессив инсоният конференциянинг иш якушларини завқ-шавқ билан кутиб олди.

Конференциянинг иш якунлари империализм лагерида бошқача акс садо уйғотди.

Империалистик дунё маддоҳлари кучга тўлиб бораётган бирдамлик ҳаракатини кўрганларида жазавага тушишади, нима қилиб бўлса ҳам унинг йўлини тўсмоқчи бўлишади. Африка ва Осиё мамлакатларининг бирдамлик ҳаракати энди пайдо бўла бошлаган пайтдаёқ улар бу ҳаракатни барбод этмоқчи бўлишган эди. Ҳар икки қитъа халқларининг вакиллари Қоҳирага, ўзларининг Иккинчи конференцияларига йиғилишганида империализм малайлари Бандунг руҳи у ерда дастак топмайди, деб ҳар мақомда башорат қилишган эди.

Лекин уларнинг башоратлари пучга чиқди. Қудратли бирдамлик ҳаракати чанг-тўзонли бўронларни енгиб ўтди, ҳийла ва найрангларни, фитна ва бўҳтонларни четга улоқтириб ташлади.

Империализм малайлари Гавана конференцияси пайтида ҳам турли-туман уйдирма гапларни тарқатиб юришди. Улар совет делегацияси Гавана конференциясида бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашяпти, уларнинг суверенитетига нутур етказяпти, деб тухмат қилишди. Бирдамлик душманлари Совет Иттифоқини ёмошотлик қилиш, унинг тинчликсевар ташқи сиёсатини бадном этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан фойдаланишга уриниб кўришди.

Лекин ёлгоннинг умри қисқа, деган гап бор. Империалистик корчалонлар тўқиб чиқарган уйдирмалар тезда фох бўлди. Бўҳтончилар шарманда бўлишди, БМТ минбаридан ҳам, уч қитъа бирдамлик ҳаракати қатнашчилари томонидан ҳам уларга тегингли жавоб берилди.

Шундай қилиб, уч қитъа халқларининг бирдамлиги қийин синовдан шараф билан ўтди. Империалистларнинг найранг ва бўҳтонлари ҳам, сотқинларнинг ҳийла ва мугамбирликлари ҳам бирдамлик сафларига раҳна сололмади. Халқаро реакция қанчалик кўп қутурса, у уч қитъа бирдамлигига қанчалик кўп хуруж қилса, халқларнинг қудратли бирдамлик ҳаракати шунчалик ўсиб, мустаҳкамланиб, кучга тўлиб бораверади.

Эски дунё жангу жадалсиз ўз мавқеларидап воз кечмайди, албатта. У тиш-тирноги билан қаршилик кўрсатади. Лекин халқлар бирдамлиги енгади, давримизнинг енгилмас революцион кучлари—жаҳон социализми, капиталистик мамлакатлардаги халқаро ишчилар синфи, миллий озодлик ҳаракати голиб чиқади. Эндиликда бу кучлар

инсониятнинг ёрқин келажакги йўлида тобора кўпроқ ягона оқим бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

Ижтимоий тараққиёт қонунияти мана шундай. Давр тақозоси ана шундай. Тарих ҳукми ана шундай.

Гавана конференцияси билан бир пайтда Тошкентда Ҳиндистон бош вазири билан Покистон президентининг учрашуви бўлиб ўтди. Гавана билан Тошкент орасида ўн беш минг километр масофа бор, лекин шунга қарамай ҳар иккови мустақкам дўстлик ва қардошлик алоқалари билан боғланган. 1966 йил, январь кунлари бутун дунёнинг диққат-эътибори шуларда бўлди. Барча қитъаларда шу икки шаҳардан олинган хабарларни сабрсизлик билан кутишар, эшитган заҳоти қизғин муҳокама қилишарди. Эркесвар халқлар Гаванадаги анжуман билан Тошкентдаги учрашув муваффақиятли тугашига ишоншарди. Улар ишонган нарса рўёбга чиқди ҳам.

Гаванада чиқадиган «Гранма» ва «Эльмундо» газеталарида ўша кунлари ҳам уч қитъа халқлари Бирдамлик конференциясига, ҳам Тошкентдаги учрашувга оид ҳужжатлар эълон қилинди. Бу ҳужжатлар, бир томондан, эски дунёни лаънатласа, иккинчи томондан, адолат тантаи қилганини билдирарди. Тошкент декларацияси босилиб чиққан газеталар қўлдан қўлга ўтиб юрди. Гавана конференциясида қатнашган саксон икки мамлакат вакиллари бу декларацияни чуқур мамуният билан кутиб олди. Бинобарин бу — қонуний ҳолатдир. Тошкент декларацияси тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлди. Унда Осиёдаги икки қўшни давлат — Ҳиндистон билан Покистоннинг тинч-тотув яшаш учун замин яратилган эди.

Ҳар икки давлат бошлиқлари Тошкент декларациясида ўз мамлакатлари ўртасида нормал ва тинчлик муносабатларини қайта тиклашга, ўз халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстона алоқаларни ўрнатишга кўмаклашишга азму қарор қилганликларини тантанали равишда эълон қилдилар. Улар куч ишлатмаслик ҳамда баҳсларни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тасдиқладилар. Улар ҳар икки мамлакатнинг ҳарбий кучлари 1965 йил 5 августга қадар эгаллаган мавқеларига қайтарилади, ҳар икки томон ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартларга рия қилиб боради, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида олиб борилади, ҳар икки томон иккала мамлакат ўртасида дўстона алоқаларни ривож-

лантиришга ёрдам берувчи пропагандага амал қилади, деб келишиб олдилар. Ҳиндистон билан Покистон ҳукуматларининг раҳбарлари ҳар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатларни тиклаш, иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни яна бошлаб юбориш ҳақида, ҳарбий асирларни айирбошлаш, иккала мамлакатга тааллуқли масалалар бўйича ҳам энг олий, ҳам бошқа даражалардаги учрашувларни давом эттириш тўғрисида бир битимга келдилар.

Тошкентдаги музокаралар билан Гаванада муҳокама қилинган проблемалар дастлаб қараганда турлича бўлиб туюлиши мумкин. Лекин булар бир-бири билан узвий боғланган. Ўзининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти жиҳатида улар бир-бирига ўхшаш проблемалардир. Тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаб қолиш манфаатлари ушбу проблемаларнинг ҳал этилишига олиб келди.

Совет Иттифоқи ер юзида адолатли ва мустаҳкам тинчлик бўлиши учун, барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар қарор топиши учун ҳамisha курашиб келмоқда. Ўзининг миллий ва социал озодлиги йўлида, ривожланаётган мамлакатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг миллий суверенитети ва озодлигини ташқи экспансионистик кучлар хуружидан ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий ва социал тараққиётига ҳар томонлама мадад берил — булар совет ташқи сиёсатининг улуғ Ленин бизга васият қилиб қолдирган энг муҳим вазифаларидан биридир.

Совет давлати ўз тараққиётининг олтинчи йилдан кўпроқ даври мобайнида ленинча ташқи сиёсат принциплари мустаҳкам содиқ эканини, уруш хавфига қарши, мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва тараққиёти учун курашда бош йўлдан оғинмай бораётганини намоён қилиб келмоқда.

Етмишинчи йилларда халқаро майдонда муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Капиталистик ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда хатарли кескинлик ва «совуқ уруш»дан кескинликни юмшатиш, тинч-тотув яшаш принципларини халқаро мулоқот соҳасига тобора кенгроқ жорий этиш томонга бурилиш юз берди. Ядро уруши хатарини орқага жилдиришга, тинчлик яна ҳам ишончлироқ ва мустаҳкамроқ бўлишига эришилди. БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланш бўйича махсус сессияси тақдим этган янги Стокгольм мурожаатно-

масига етти юз миллиондан ортиқ киши имзо чекканлиги кескинликни яна ҳам юмшатиш ва қуролсизланиш пойга-сига чек қўйиш йўлида планетамиздаги тинчликсевар кучлар олиб бораётган кураш ҳаракати қанчалик кенг қулоч ёзганидан далолат беради.

Халқаро майдонда ижобий силжишлар кучлар нис-батида социализм, демократия ва тинчлик фойдасига юз берган чуқур ўзгаришларни акс эттиради. Шунинг билан бирга бу силжишлар қардош социалистик мамлакатлар билан биргаликда, прогрессив ва тинчликсевар жамоатчи-ликнинг кенг қатламлари мададига суянган ҳолда иш кўраётган КПСС билан Совет давлати динамик ва изчил ташқи сиёсатининг самарасидир. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳаракат ва ташаббуслари халқ-аро миқёсда гоят чуқур акс садо уйғотмоқда, уруш хавфига қарши, тинчлик учун, пишиб етилган халқаро проблемаларни ҳал этиш учун олиб борилаётган кураш ишига янги куч-қувват бағишламоқда.

КПСС XXIV съездида қабул қилинган тинчлик про-граммаси, КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳуку-матининг бу программаи амалга ошириш йўлидаги актив фаолияти кескинликни юмшатиш жараёнининг ривожини ва чуқурлашувини жуда катта аҳамиятга эга бўлди. КПСС XXV съездида қабул қилинган Программа — тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва муста-қиллиги учун курашни давом эттириш Программаси кес-кинликнинг юмшатилишини сақлаб қолиш ва халқаро муносабатларни соғломлаштириш ишига Совет Иттифоқи қўшган жуда катта янги ҳисса бўлди.

Бироқ имперализм ва реакция кучлари ҳали таслим бўлганларича йўқ. Уларнинг нияти кескинликнинг юм-шатилишини барбод қилишдан, «совуқ уруш» муҳитини тиклашдан иборат. Улар ҳар хил тўхмат компаниялари уюштирган ҳолда социалистик ҳамдўстликни заифлаш-тиришга, социалистик тузумнинг пайини қирққишга ҳамон умид боғламоқдалар, ички ишларимизга аралашинишга уришмоқдалар. Табиийки, Совет Иттифоқи, қардош со-циалистик мамлакатлар, у ким бўлишидан қатъий назар, ҳеч кимсанн ўзларининг ички ишларига аралаштириб қў-ёлмайдилар.

НАТО мамлакатларида «совет хавфи» ҳақидаги уйдир-ма гаплар ниқоби остида урушга моддий тайёргарлик кўриш ишлари авж олдирилмоқда, ҳарбий бюджетлар кўпайтирилмоқда, қуролланиш пойгаси авж олдирилмоқ-да. АҚШ ҳукуматининг хатти-ҳаракатлари, айниқса ра-

кета-ядро қуралининг янги турлари — қанотли ракета-лар билан нейтрон бомбаларини яши ишлаб чиқаришга киришни режалар жаҳонни жиддий ташвишга солди. НАТО милитаристик доиралари яна ҳарбий устунликка эришишдан иборат бўлган пуч ва авантюристик концепцияга ёпишиб олдилар. Бундай уринишлар илгари кўп чиннакка чиққан. Ҳозирги шароитда муқаррар барбод бўлиши яна ҳам табиийдир. Социалистик ҳамдўстлик давлатларининг ўсиб бораётган куч-қуввати, ҳам мудофаа, ҳам қасос олишга мўлжалланган энг замонавий қурол-яроғ билан қуролланган қаҳрамон Совет Армиясининг енгилмас қудрати Совет Иттифоқининг, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигини мустаҳкам таъминлаб турибди.

Реакцион кучлар халқаро иқлимни соғломлаштиришга тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатаётган бўлишига қарамай, халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш принциплари асосида янгидан қуриш жараёни давом этмоқда. КПСС, Совет ҳукумати, қардош социализм мамлакатлари шунга қатъий аминдирларки, социалистик давлатлар, барча тинчликсевар кучлар биргаликда янада кўпроқ ғайрат-шижоат кўрсатсалар, империалистик реакция қаршилигини маҳв этиш, кескинлигининг юмшатилишини сақлаб қолиш ҳамда тинчликни, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишини олға қараб жилдириш мумкин бўлади.

СССР янги Конституцияси КПСС, Совет Иттифоқи Улуғ Октябрь эълон қилган тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик идеалларига нечоғли содиқ эканликларини яна бир карра намоиш қилди. Конституцияда Совет давлати ленинча тинчлик сўёсатини изчил амалга ошириб бораётганлиги, у ялпи ва тўла қурулсизланишга эришиш, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, кенг миқёсда халқаро ҳамкорлик қилиш йўлида астойдил курашиб келаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

1967—1979 йиллар

ЯГОНА ОИЛА

Қардош совет халқларининг ягона оиласи!.. Бу сўзларга биз шунчалик кўникиб кетганмизки, уларнинг замирида қанчалар улуғворлик, тираш, айни бир пайтда ниҳоятда аниқ мазмун борлигини ҳаминша ҳам тўлалигича идрок этавермаймиз.

Ҳаммалари барабар ишлаб, бир-бирига барабар кўмаклашадиган, қондош ва жондош, бир-бирига меҳроқибатли, серфайз хонадондагига ўхшаб дўстлик бизнинг бутун ҳаётимизга, бутун амалий фаолиятимизга сиғиб кетган. У баъзан ярқ этиб кўзга ташланмаслиги ҳам мумкин, лекин синов чоғи келса борми, Октябрнинг буюк самараси бўлмиш бу дўстлик ўзининг бутун салобати, бутун латофати билан намоян бўлади.

«Оила кичик, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи эса буюқдир. Совет халқларининг улкан хонадонни олдида ҳар бир совет оиласи мисолли уммондан бир қатрадир. Замин, осмон ва қуёш ана шу қатрада акс этгани каби улуғ советлар хонадонига хос бўлган жамики хислат ва фазилатлар ҳар бир оилада ҳам мужассам топади. Мамлакатимизда яшаб келаётган жамики халқлар кўпмиллатли ягона хонадон фарзандларидир. Бинобарин бутун Совет Иттифоқи — ягона ва аҳил оиладир».

Бу сўзлар халқимизнинг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги ўзбек жангчиларига йўллаган хатидан оллинган. Юракдан отилиб чиққан бу сўзларда халқларимиз орасидаги муқаддас дўстлик туйғуси, уларнинг қон билан йўғрилган абадий қардошлиги ёрқин ифодаланган.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маънавий негизга қурилган. Шунинг учун ҳам у ҳаминша барқарор ва энгилмасдир. Атоқли украин шоври Павло Тичинанинг гўзал ибораси билан айтганда, бу дўстлик бизга ягона оила туйғусидан иборат «жойиб ҳиссиёт бағишлайди. Халқда: «Қуш қалоти билади, одам эса дўстлик билан кучли», деган ҳикматли гап бор. Қуёш нурлари заминга қандай ҳарорат бериб турган бўлса,

дўстлик ҳам ўз тапти билан бизнинг қалбларимизни шунчалик яйраб-яшнатиб келмоқда. Бизнинг куч-қудратимиз, бизнинг бахт-саодатимиз халқлар дўстлигидадир.

Бу ҳақиқатни биз яхши тушунамиз, бинобарин, шунинг учун ҳам, совет халқларининг бирлигини кўз қорачиқимиздай асраб, ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан уни донмо мусгаҳамлаб келмоқдамиз.

Неча-неча аждодлар орзу қанотида кўрган муқаддас дўстлик туйғуси қуёшдай порлоқ, осмон каби беғубор, оғир эдек тирак, тоғ чўққиси сингари юксакдир. Совет халқлари дўстлигининг ижодкорлари улуғ Ленин билан Ленин партиясидир. Улуғ Октябрь ана шу дўстлик гуллаб-яшнаши учун шарт-шароит яратиб берди. Октябрь эълон қилган озодлик ва тенглик, совет халқларининг ёўли ва мақсади бир эканлиги, янги жамият қуриш учун биргалликда олиб борилган кураш совет кишиларини ягона оилага бирлаштирди, уларнинг бузилмас дўстлигини юзага келтирди.

Ўз ягона қардошлик оиласига мансуб бўлганлигимиз мамлакатимиздаги барча халқларга ғоявий қардош эканлигимиз билан бахтиёримиз. Бу катта, қудратли оила грек-анлар уруши алангаларида тобланди, Улуғ Ватан уруши синовларидан шараф билан ўтди ва нечоғли енгилмас эканини рўй-рост намоён этди.

1966 йилда Тошкент бошига тушган даҳшатли кулфат кунларида совет халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами яна бир қарра намоён бўлди. Ўзбекистон пойтахтига ер ости офати хуруж қилиб, шаҳар бошига кулфат тушганида худди ана шу халқлар дўстлиги даҳшатамзилзила оқибатларига бас келолган, совет халқлари иласининг дўстлиги қанчалик олижаноб ва қудратли эканлиги бутун дунёга кўрсатган куч сифатида намоён бўлди.

Бинобарин ушбу мақолада халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг — Тошкентда юз берган табиий офат оқибатларини тугатишга ёрдам берган ана шу дўстликнинг ажойиб самаралари ҳақида сўз боради.

ЗИЛЗИЛА

Табиатда стихияли кучлар кўп учраб туради, булар одамларга озмунча кулфат келтирмайди дейсиз. Зилзила — буларнинг ичида энг даҳшатлиси. Кўпинча у мудҳиш балоларни бошлаб келади, жамиятга жуда катта

варар етказди. Гарчанд зилзила тез-тез халқларнинг оромини бузиб, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб кетса ҳам, унинг сир-асрори шу пайтгача тўла очилмаган. Энг мудҳиши — зилзила қачон, қайси вақтда рўй беришини ҳеч ким олдиндан айтиб беролмайди. Худди шунинг учун ҳам у инсониятнинг энг ёвуз душманларидан бири бўлиб келмоқда. Кўҳна тарих ҳам шундан далолат беради.

Эрамизнинг 63 йилида Италиянинг қадимий Помпея шаҳри аҳолиси кучли зилзиладан даҳшатга келди. Орадан 16 йил ўтгач эса шаҳар бошига бундан ҳам даҳшатлироқ кулфат тушди. Везувий вулқони ҳаракатга келиб, унинг этагига жойлашган Помпея шаҳри қалинлиги 7 — 9 метр келадиган вулқон жисмлари билан кул тагида қолди.

1923 йилда Японияда юз берган ер силкиниси беҳисоб қурбонларга сабаб бўлди. Ўшанда биргипа Токионинг ўзида 140 минг киши ҳалок бўлди. 1556 йилда Хитойда содир бўлган зилзила пайтида бир неча юз минг киши нобуд бўлди. 1755 йилда Лиссабонда, 1906 йилда Сан-Францискода, 1908 йилда Мессинада, 1960 йилда Чилида юз берган ер силкиниси қанчадан-қанча вайронликларга сабаб бўлмади, қанчадан-қанча одамларнинг ёстигини қуритмади, дейсиз!

1911 йилда Бартаун атрофида тоғ ўпирилиб, Панж дарёси ирмоқларига бир неча ўн миллион кубометр тошшағал қулаб тушди. Ногихон пайдо бўлган уч юз метрлик тўғон дарё йўлини тўсиб, катта денгиз ҳосил қилди. У кейинчалик Сарез денгизи деб атала бошлади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда бу денгизда ҳозир 20 миллиард кубометр сув йиғилган. Бу ҳам зилзила оқибатидир.

1948 йилда Ашхободда рўй берган зилзила даҳшатлари ҳаммамизнинг ёдимизда. Туркменистон пойтахтининг бошига ўшанда оғир кулфат тушган эди. Октябрь ойининг тунда кетма-кет юз берган силкинисилар натижасида Копетдоғ этагидаги бу кўркем шаҳар харобага айланди.

Бироқ ашхободликлар кулфат чоғида ёлғиз қолганлари йўқ. Даҳшатли хабар барча совет кишиларини оёққа турғизди. Москвадан Ашхободга қараб самолётлар йўлга чиқди. Ярадорлар ортилган эшелонлар Бокуга, Тошкент ва Самарқандга жўнатиб турилди. Зилзиладан жабр кўрганларни бутун халқ иссиқ бағрига олди, меҳрибонлик кўрсатди. Ашхободда зилзила оқибатларининг тугатили-

ши совет кишилари бир оила фарзанди эканликларини, бу хонадонда қайғу ва изтироб ҳам, хурсандчилик ва қувонч ҳам ҳаминша бирга баҳам кўрилишини, мақсад ва йўл эса битта эканини яққол исботлаб берди.

Ашхободдаги zilзиладан сўнг орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр ичида шаҳар қайта тикланди. Қулфатни эслатувчи белгилар ҳам йўқотилди. Эндиликда Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг ҳамжиҳат куч-ғайратлари туфайли қайта тикланган Ашхободга бориб қолган киши 1948 йилги фожиянинг бутун қўламини тасаввур қилиши жуда қийин.

Zilzilанинг ўзи нима? У ҳамма ерда ҳам бўлаверадими? Қандай пайтларда такрорланиб туради?

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институти директорининг ўринбосари В. И. Уломов бу саволларга шундай жавоб беради: «Ер юзиде йилига бир миллионга яқин ер силкиниши бўлиб туради. Одатда у фақат тоғларда рўй беради. Хўш, Москвада-чи? Ҳа, 1940 йил, ноябрь ойида Москвада тўрт баллик zilзила қайд этилган, лекин у Карпат тоғларида юз берган силкинишнинг садоси эди». Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, zilзила тоғлиқ ва тоғ олди районлари учун характерли хусусиятдир. Тошкент тоғ олди районида жойлашган бўлиб, бу районда унча-мунча ер қимирлашлар тез-тез бўлиб туради. Лекин 7 — 8 баллга етадиганлари онда-сонда юз беради ва буларнинг орасидаги вақт масофаси анча узоқ бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Геология ва геофизика илмий-текшириш институти директори, Ленин мукофоти лауреати академик И. Ҳамробоевнинг бу ҳақдаги фикрлари диққатга сазовордир: «Zilзилаларга оид тарихий материалларни чуқур ўрганишлик, — дейди у, — айрим районларда ер ости силкинишларининг такрорланиб туришида муайян даврийлик бор, деган хулосага олиб келади».

...1966 йилнинг 26 апрель куни. Соат 5-у 23 минут. Тошкент ҳали уйқу оғушида. Кунчиқар гомон эндигина ёришиб келяпти. Атроф-теварақ баҳорги саҳаргез мудроқ ичида. Бахтсиз ҳодиса юз беришига ақл бовар қилмайди — ҳамма нарса оромбахш сукунат қўйнилади. Тўсатдан бир нима гувиллаб, ғалати овоз эшитилди. Кейин у гўмбурлаб, ер қаттиқ ларзага келди, — шаҳардаги жамики уйлар бир силкиниб, турган ерида тебрана бошлади. Дераза ойналари шақиллаб, электр симларидан ўт чақнаб кетди, шаҳар чироқсиз қолди. Кейин ер яна силкиниб

турди-ю, лекин зарба энди унчалик кучли эмас эди. Ана шундагина аниқ маълум бўлдики, ер ости стихияси жунбишга келган. Сейсмик станция хабар қилди: 7 — 8 балл кучга эга бўлган zilзила рўй берди. Эпицентр — Тошкент остида.

Кейин аниқланишича, зарб пастдап юқорига қараб, тик келган экан. Бундай хусусиятга ва бу даражадаги кучга эга бўлган zilзилалар¹ Тошкент атрофида замдан-кам рўй беради, шу хилдагиси эса охириги марта буздан 100 йил олдин бўлган.

Кўклам келган бўлишига қарамай ҳаво совуқ эди. Изгирин этни чимчиларди. Енгил-елини кийимда уйларидап югуриб чиққан одамлар гулхан агрофида псинишарди.

Тоғ ёришгач, бу фалокат келтирган зарарлар аён бўла бошлади. Шаҳар марказидаги уйлариинг деярли ҳаммаси вайрон бўлган. Каблуков, Лугин, Лоҳутий кўчаларидаги кўнгина бинолар харобага айланган. Ленин, Охунбобоев кўчаларидаги, Космонавтлар проспекти билан Братск кўчасидаги кинотеатрлар, магазинлар, касалхоналар, тураржой бинолари қаттиқ шикасланган.

Лекин одамлар ўзларини йўқотишмади. Улар офатни мардона кутиб олишди, дарҳол бир-бирларига ёрдамга келишди. Ярадорларга ўша жойнинг ўзидаёқ ilk ёрдам кўрсатиб, дарҳол касалхоналарга жўнатиб турилди. Санитария хизмати, жамоат тартибинин сақлаш органилари пухта ва жадал ишлаб туришди. Милиция бўлинмаларида тревога эълон қилишга ҳожат бўлмади: ер қимирлаши биланоқ 20 минут ичида ҳамма милиция ходимларининг ўзлари постларига етиб келишди. Фожиа одамларни шоқлаштирди, меҳр-оқибатни кучайтирди. Бошга тушган кулфат чоғида ҳаммалари бир онла фарзандлари экапликларини чуқур ҳис этдилар. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган шиор одамларининг бир-бирига бўлган меҳр-шафқатида яққол кўринди.

Ўша кунин эрталаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси чақирилиб, zilзила оқибатларини тугатиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Ўша пайтда республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб турган М. М. Мусахонов (ҳозир у Тошкент область партия комитетининг би-

¹ Олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда битта кучли zilзиланиннг ўзи Днепро ГЭС 300—350 йил узлуксиз ишлаб турган тақдирда етказиб бериши мумкин бўлган электр қувватига тенг миқдорда энергия ажратар экан (*автор изоҳи*).

ринчи секретари) бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Комиссия дарҳол ишга киришиб кетди. Бошпанасиз қолган кишиларни зудлик билан жойлаштириш, саноат корхоналари ҳамда савдо ишини қайта қуриш, барча даволаш муассасалари авария ҳолатига келганлиги ёки вайрон бўлганлиги сабабли янги касалхоналар ташкил этиш, давлат мулкни ҳамда хусусий мол-мулкни қўриқлаш ва ҳоказолар бўйича шошилинч тадбир-чоралар ишлаб чиқилди. Зилзила оқибатларини тугатиш умумхалқ ишига айланиб кетди.

Республика ва марказий газеталарда эртаси куни шундай хабар босилиб чиқди. «Кеча, 26 апрель куни, маҳаллий вақт билан соат 5 дан 23 минут ўтганда Тошкент шаҳрида 7-8 балл кучга эга бўлган зилзила рўй берди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, Тошкентда анча миқдорда уй-жойлар вайрон бўлди. Шунингдек, бир печа касалхона, мактаб, давлат ва жамоат муассасалари жойлашган бинолар ишдан чиқди. Иккита фабрика жиддий шикастланди.

Тўртта ўлим ҳолати қайд этилди ва жароҳат кўрган 150 га яқин киши госпиталлаштирилди.

Зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан тадбирлар кўрилмақда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети — СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, КПСС Марказий Комитети қурилиш бўлимининг мудир А. Е. Бирюков, СССР Министрлар Совети Моддий-техника таъминоти бўйича Давлат Комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. В. Мартинов, СССР Госстройин ҳузуридаги Граждан қурилиш ва архитектура бўйича Давлат комитетининг раиси М. В. Посохин ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссиясини тузди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Н. Косигин зилзила бўлган жойга, Тошкент шаҳрига учиб кетдилар».

Партия ва ҳукумат раҳбарлари табиий офат оқибатлари билан батафсил танишиб чиқишди. Улар ер қимирлагандан сўнг авария ҳолатига келиб қолган биноларда, вайрон бўлган уй-жойларда, харобага айланган магазин ва касалхоналарда бўлишди, зилзиладан зарар кўрган одамлар билан суҳбатлашди, бошпанасиз қолган кишиларни дарҳол жойлаштириш юзасидан ўша ернинг ўзидаёқ маслаҳатлар беришди.

Кейин яна Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюро мажлиси бўлди. В. И. Уломовнинг Тош-

кент зилзиласи хусусияти ҳақидаги доклади тинглади. М. М. Мусахонов зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлари ҳақида доклад қилди. Геологлар, архитекторлар, қурувчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Ҳукумат Комиссиясининг аъзолари зилзила оқибатларини тезроқ тугатиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапирди.

Марказий Комитетнинг Бюро мажлиси давом этган икки ярим соат мобайнида бино ер ости зарбидан 6 марта силкиниб тушди.

Оқшом чўкди. Марказий Комитет Бюроси ўз ишини эртага давом эттирадиган бўлди. Партия ва ҳукумат раҳбарлари эса туни билан шаҳарни кезиб чиқинди, одамлар билан мулоқотда бўлиб, сўраб-суриштиришди, маслаҳатлашди. Белгиланган зарур чора-тадбирлар қандай амалга ошиб бораётганини кўриш ҳам мумкин эди. Бир кечаю кундузда Тошкент чодирлар тикилган шаҳарга айланиб қолди. Чодирларда энди электр чироқлари порлаб турарди. Водопровод аҳолини сув билан таъминлайпти. Медицина пунктлари, магазинлар, алоқа бўлимлари чодирларда иш бошлаб юборган. Саноат корхоналари ва транспорт узлуксиз ишлаб турибди.

Партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ҳамда Ҳукумат комиссиялари аъзолари зилзила натижасида шаҳарда юзага келган вазиятни чуқур ўрганиб чиқинди. Зилзила хусусияти тўғрисида, унинг оқибатларини тугатиш юзасидан кўрилган ва кўтарилаётган чора-тадбирлар ҳақида геологлар, сейсмологлар ва бошқа мутахассислар билан, партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари билан муфассал суҳбатлар ўтказилди. Ҳукумат комиссияларининг ахборотлари кенг муҳокама қилиб турилди. Эпицентр яқинидаги вайрон бўлган бинолар кўздан кечирилди, талафот ҳажмлари аниқлаб олинди.

Шуларнинг ҳаммаси табиий офат оқибатларини тугатиш ҳамда Тошкентни тиклаш ва янгидан қайта қуриш юзасидан зарур бўлган чора-тадбирларни ҳам атрофлича, ҳам жадал ишлаб чиқишга имкон берди.

Зилзиланинг иккинчи кун, 28 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида КНСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев ҳамда СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Н. Косигин иштирокида республика партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўртоқ

Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. У зилзила оқибатларини тугатиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишларнинг кенг программасини баён қилди, партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари олдида турган вазифаларни белгилаб берди.

Биринчидан, бошпанасиз қолган аҳолини зудлик билан уйларга жойлаштириш, савдо, овқатланиш ва таъминот ишини вазиятга қараб қайта қуриш лозим эди.

Иккинчидан, шаҳар марказини вайрон бўлган бинолардан тозалаш, қайта тиклаш ишларини зудлик билан кенг йўлга қўйиш талаб этиларди.

Учинчидан, Йўлдош шаҳарни қуриш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш керак эди.

Тўртинчидан, барча қардош республикалар зилзила оқибатларини тугатишда ёрдамга тайёр эканликларини билдирганликлари сабабли булардан қайси бири қаерда ва қандай ҳажмда уй-жой ҳамда маданий-маиший хизмат объектлари қуриб бергани маъқулроқ эканини дарҳол ўйлаб чиқиш лозим эди.

Бешинчидан, Тошкентнинг ўзида шундай кучли қурилмиш ташкилоти ва мустаҳкам қурилиш базасини барпо этиш лозим эдики, токи булар йилга бир миллион квадрат метр уй-жойни ҳамда шунга яраша маданий-маиший биноларни қуриб беришга қодир бўлсин.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқининг охирида партия ва ҳукумат Ўзбекистон пойтахтига ҳар томонлама ёрдам беражagini айтди, аynи пайтда у бутун мамлакат тошкентликларга мададга келади, деб ишонч билдирди.

Партия фаивги йигилиши белгиланган иш программасини қизгин маъқуллади ҳамда барча коммунистларга бу программани амалга оширишда қатнашиш вазифасини юклади.

Партия ташкилотлари омма ўртасида кенг ташкилотчилик ва сиёсий ишларни авж олдириб юбордилар. Коммунистлар ҳамма вақт омманинг ичида бўлишди, ҳар қандай фойдали ташаббусни ҳам шулар бошлаб беринди. Бунинг натижалари ҳам яхши бўлди. Шаҳарда темир интизом ўрнатилди, ҳамма жойларда аниқ тартиб жорий этилди, осойишталикка эришилди. Шаҳар аҳолиси ҳамма жойда юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатди.

Вазият печоғли мураккаб эканлигига ва юз берган қийинчиликларга қарамай шаҳарда жамоат тартибини бузиш ҳоллари кескин камайди. Тошкентликлар содир бўлган воқеага чуқур онг билан ёндошиб, ҳар ким нима қи-

лини кераклигини яхши англаб олдилар, қийинчиликларга сабр билан бардош бердилар.

Бутуниттифоқ ва республика ҳукумат комиссиялари шаҳар бошига тушган кулфаг кўламида ҳамда уш қайта тиклаш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматиға материаллар тайёрлаш билан банд бўлди. Шаҳар қурилиши бўйича йирик мутахассислардан, шу жумладан СССР Фанлар академияси, Госплан ва Госстрой ходимларидан жуда кўпларининг таклифлари эшитилди. Ана шу ишлар натижасида қисқа фурсатда энг керакли вазифаларни белгилаб олишга имкон туғилди.

Орадан кўп ўтмай, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш тадбирлари белгиланган қарор қабул қилдилар. Ушбу қарор партиянинг инсон ҳақидаги ленинча гамхўрлигидан, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг куч ва қудратидан яққол далолат беради. Унда Тошкентда барча қардош республикалар иштирокида олиб бориладиган уй-жой қурилишининг беш йиллик плани белгилаб берилган эди.

Қарорда кўрсатилишича, Тошкентда 1966 йилда 791 минг, 1967 йилда 1368 минг, 1968 йилда 762 минг, 1969 йилда 939 минг, 1970 йилда эса 1139 минг квадрат метр уй-жой қурилиши лозим эди.

Бу қанчалик улкан план эканини қўйндаги рақамлардан ҳам билши мумкин. Табиий офатга қадар Тошкентда бир йилда атиги 300 минг квадрат метр уй-жой барпо этиларди. Зилзилага қадар шаҳардаги умумий фойдали майдон ҳажми 7206 минг квадрат метрни ташкил этарди. Мана энди кооператив ва хусусий қурилишларни ҳисоблаганда беш йил ичида 5633 минг квадрат метр уй-жой қуриш керак, яъни бошқача қилиб айтганда, бутунлай янги шаҳар қад кўтариши лозим. Яна шуниси ҳам борки, шаҳарда илгаригига ўхшаб хом ғишдан бир қаватли уйларни эмас, балки кўп қаватли, кўркам, ҳамма қулайликларга эга бўлган, зилзилага юксак даражада чидамли биноларни тиклаш мўлжалланмоқда эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарориди фақатгина тошкентликларнинг орзумидлари эмас, балки барча совет кишиларининг хоҳиширодаси ҳам ифодаланди.

Шаҳар бошига мусибат тушган дастлабки давлардан бошлабоқ Тошкент аҳолисиға бутун мамлакат қардошларча далда бериб турди. Тошкентликлар бепоён Ватани-

мизнинг турли бурчакларида янговчи милليونлаб одамларнинг қалби ўз қалблари билан бир маромда, ҳамоханг тепаётганини сезиб турдилар. Совет Иттифоқининг ҳамма томонида Тошкентга ёрдам беришга тайёрмиз, деган хабарлар ёғилиб турди.

Уша кунлари газеталарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Тошкент аҳолисига мурожаати босилиб чиқди. Шу ҳужжатдан айрим парчаларни келтирамиз.

«Қадрли ўртоқлар!

Тошкент бошига тушган мана шу оғир кунларда сиз чипакам мардлик, нўлатдай матонат, букилмас прода ва ошгли иштингом, қайноқ совет ватанпарварлик туйғуси, қадрдон шаҳарга нисбатан чексиз муҳаббат, мустаҳкам маънавий-сиёсий бирлик, ленинчи Коммунистлар партияси халқда тарбиялаб етиштирган ажойиб маънавий фазилатлар намунасини кўрсатдингиз.

Кучли zilzila кўпларингизнинг уй-жойларингизга шикаст етказди. Шаҳар аҳолисининг бир қисми бошпанасиз қолди. Бир қатор маъмурий, жамоат, ишлаб чиқариш биолари, мактаб ва касалхоналар шикастланди. Бу — аччиқ ҳақиқатдир. Лекин Тошкент оғир синовга бардон берди...»

Мурожаатда яна шундай сўзлар бор:

«Мана шундай оғир кунларда Ўзбекистон пойтахтига бутун мамлакат қудратли мадад бериб турганини биз ҳаммша ёдимизда сақлаймиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев ва Совет ҳукуматиининг бошлиғи Алексей Николаевич Косигин zilzila содир бўлгандан кейинги дастлабки соатлардаёқ Тошкент заминига етиб келишганини биз ҳеч қачон упутмаймиз. Биз буни коммунистларнинг асосий мақсади, жонажон ленинчи партиямизнинг асосий муддаоси совет кишисининг бахт-саодати эканлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далил, деб биламиз! Партия ҳаммша халқ билан, халқ эса ҳаммша партия билан биргадир».

Ушбу ҳужжатни барча тошкентликлар завқ-шавқ билан кутиб олишди. Минг-минглаб тошкентликлар зарар кўрган шаҳарни қайта тиклаш ва қуриш ишида кўмаклашини истагини билдиришди.

Дастлабки zilzиладан кейин орадан тўрт кун ўтгач, Биринчи май кунини шаҳарда одатдагидай меҳнаткашлар намойиши бўлиб ўтди. Юз минглаб турли миллат вакиллари ранг-баранг алвон, шиор ва транспарант кўтарган

ҳолда баланд руҳ билан кўчаларга чиқибди. Улар минбар олдида ўтишар экан, шаҳарни қайта тиклаш учун, табиий офат олдида тиз чўкмаган ҳолда илгаригидан ҳам яхшироқ яшаб, яхшироқ хизмат қилиш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилишга тайёр эъқоликларни яққол сезилиб турарди. Барча одамларда шу руҳ, шу кайфият ҳукмрон эди. Уларни бунчалик жипслаштириб, бунчалик руҳлантириб турган нарса қардошлик ва дўстлик туйғуси эди. Улар бутун мамлакат мададини сезиб туришар, бинобарин бу нарса уларнинг кучига куч бағишларди. Ўша кунни минбардан: «Янги, илгаригидан кўркам Тошкентни бунёд этайлик!», «Янги Тошкент бинокорларига шон-шарафлар бўлсин!», «Яшасин Тошкент матонати!» қабилидаги ўзига хос шиорлар янграб турди. Совет халқларининг куч-қудрати ва қардошларча бирдамлиги зўр синовлар пайтида шу тариқа намоён бўлади.

Даҳшатли фожиага қарамай шаҳарда ҳаёт бир маромда давом этиб турди. Ҳамма ишлар аниқ, белгиланган планга мувофиқ олиб борилди.

Тошкентликларнинг матонати, сабр-тоқати ва мардлиги, фалокат оқибатларига қарши курашдаги продаси ҳамма ерда, ҳар соҳада баралла кўриниб турди. Улардаги куч-гайрат билан завқ-шавқ сираям тугамайдиганга ўхшарди. Бинобарин бунинг сабаби ҳам бор эди. Улар ҳар лаҳза, ҳар дақиқада тубсиз бир чапмадан баҳра олиб туришарди. Бу чапманинг номи эса — партия билан халқнинг бирлиги, барча совет кишилари ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқдир.

ЖАСОРАТ

10 майга ўтар кечаси Тошкент яна қаттиқ силкиниб тушди. Зилзила бутун шаҳар аҳолисини безовта қилди: у 26 апрелдагига ўхшаб кетарди, яна ер тағидан кучли гувиллаган овоз эшитилди.

Шу ўн кун ичида ер бир неча юз марта силкинди. Асаблар роса тарап эди. Лекин кечаю кундуз давом этган ер қимирлашлар барибир одамларнинг продаси олдида ожиз эди. Катта шаҳардаги қайноқ ҳаёт давом этаверди. Сабр-тоқат ва чидам, меҳнат ва кураш, эртанги кунга ишонч ўз самарасини берди. Партия активида қабул қилинган қарор амалга ошириб турилди.

Партия активи ўшанда: «Ҳеч ким бопшанасиз қолмасин!» деган шиорни ўртага ташлаган эди. Бинобарин ик-

ки ҳафта ичида кўнгина ишлар қилинди. 15 миң оила чодирларга кўчиб ўтди. Омон қолган жамоат биволарининг деярли ҳаммасига одам қўйилди. Шу тариқа яна 15 миң оилага бошпана топилди.

Худди шу кунлари Октябрь район аҳолисининг барча тошкентликларга йўллаган мурожаатномаси босилиб чиқди. «Ҳаммада бошпана бўлсин!» деган шиорни ўртага ташилаган бу мурожаатнома одамлар учун катта далда бўлди, уларнинг кучига куч, ишончига ишонч қўшди, зеро у бошига кулфат тушганларга нисбатан чуқур ҳамдардлик, иложи борича уларга ёрдам кўрсатиш руҳи билан йўғрилган эди.

Дастлабки кунларнинг ўзида фақатгина Октябрь районида 14039 уй зилзиладан вайрон бўлди. Лекин район аҳолисининг қуйидаги сўзлари ҳаққоний эди:

«Дунёда ҳеч қандай куч совет кишининг иродасини буколмайди, уни ноумидликка дучор қилолмайди... Йўнажон партиямиз, бутун совет халқимиз ҳамиша ва ҳар жойда биз билан бирга эканини доимо сезиб турамыз. Таъвишли ва оғир синов кунларида улар бизнинг суянган тоғимиз, ёрқин келажак учун қурашда ҳам бизга сафдон, елкадош улар. Бас, шундай экан, беҳаловат дамлардан сўнг яна ёруғ кунлар келиши муқаррардир.

Москвалик ва ленинградлик биродарларимиз, буюк мамлакатимизнинг барча 14 республикасида келган қардошларимиз қалбларимизга ишонч ва дадиллик бағишламоқдалар. Бизнинг кучимиз бирликдандир».

Октябрь район аҳолисининг мурожаатномаси — бу интернационализм ва дўстлик мадҳи, партия билан халқ бирлиги мадҳидир.

Октябрь район меҳнаткашлари олижаноб ишни бошлаб бердилар. Уларнинг ватанпарварлик ташаббуси ҳамма районларда, корхона ва муассасаларда, барча коллективларда муҳокама қилинди. «Ҳаммада бошпана бўлсин!» деган оташин шиорни барча қўллаб-қувватлади.

Бошпанасиз қолган оилалардан лоақал бирортасини янги уй-жойлар битгунга қадар вақтинча ўз бағрига олиб туриш истаги уйи бут бўлган ҳар бир тошкентликнинг муқаддас бурчига айланди. Октябрь район аҳолиси ўз ваъдасининг устидан чиқиб, бошпанасиз қолган 15 миң оилани бағрига олди. Ленин районида 7059, Қуйбўшев районида 13116, Фрунзе районида 6859, Чилонзор районида 6739, зилзиладан айниқса қаттиқ зарар кўрган Киров районида эса 15700 оилага бошпана топиб берилди.

Уйи қулаб, бошпанасиз қолган оилалар шу тарзла жойлаштирилаётган кезлари писанда у ёқда турсин, ҳатто уйингизга одам оласизми, деб таклиф қилишнинг ўзи ортиқчалик қиларди. Тошкентда чиқадиган газеталарнинг саҳифалари уйга таклиф қилиб, адресини берган, кўнгилни кўтарувчи илиқ сўзлар ёзилган хатлар билан лиқ тўла эди.

Қурбон ота Бекмуҳамедов исмли мўйсафид 26 апрелнинг ўзидаёқ эрталабдан бошлаб вайрон бўлган маҳаллаларни бирма-бир айланиб чиқди, унинг ўғиллари эса одамларни уйга кўчириб кела бошлашди. Бир ой ўтар-ўтмас бу ажойиб оила 50 кишига кўпайди, шуларнинг ҳаммаси Қурбон отанинг хонадонидан бошпана топшиди. Кейинчалик эса Бекмуҳамедов катта ҳовли-жойини хотин-қизлар билим юртига бўшатиб берди. 100 нафар қиз унинг уйида ҳам яшаб, ҳам ўқишни давом эттирди.

Район ижроия комитетларининг ҳисобларидаги рақамлар Тошкентда ўйлаб ва юзлаб эмас, балки минглаб Қурбон ота Бекмуҳамедовга ўхшаш олижаноб одамлар бўлганидан далолат беради.

Одамларнинг бошига оғир қулфат тушган ана шу қийин кунларда «Инсон инсонга дўст, ўртоқ ва биродар» деган шiorннинг кучи ва қудрати, у қанчалик қонуний ва ҳаётий экани айниқса яққол намоён бўлди. Ана шу отанин ва самимий сўзлар ленинча партия Программасига ёзиб қўйилган. Совет кишисининг қон-қонига сянгиб кетган туйғу унда аксини топган. Бу — янги дунё қураётган инсоннинг ҳаёт қонуни, унинг маънавий кодексини принциpidир.

Мана, Шоаҳмад Шомаҳмудов билан унинг рафиқаси Баҳри опани олиб қўрайлик. Улуғ Ватан уруши йиллари Советлар мамлакатининг фашистлар вақтинча босиб олган районларидан кўчириб келтирилган барча қардошларимиз учун, уларнинг бола-чақалари учун оғир ва ғуссалли йиллар бўлди. Буни тушунган тошкентлик оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов билан рафиқаси Баҳри опа 14 нафар етим болани асраб олишди. Буларнинг орасида рус, белорус, молдаван, украин, латинш, қозоқ, татар фарзандлари бор эди... Катта оилани бир ўзи боқиб турган темирчи сағир болаларнинг бошини силади, оталик қилди, кўнгилни ўкситмади, ҳаммасини тарбиялаб ўқитди, мамлакатимизнинг муносиб гражданилари қилиб вояга етказди.

Темирчи Ш. Шомаҳмудовнинг олижаноб иши халқ хотирасида абадий қолади. 1979 йилда Ўзбекистон Қом-

партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тошкентлик ишчи Шоаҳмад Шомаҳмудовнинг ватанпарварлик жасоратини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Ҳозир Тошкентда унга ҳайкал ўрнатилмоқда. Бу ҳайкал Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги рамзи бўлиб қолади.

Тошкент бошига катта мусибат тушиб, зилзила оқибатида минг-минглаб оилалар бошпанасиз қолган чоғда яна Шоаҳмад аканинг: «Тошкентликлар, менинг жигарбандларим!» деган овози янграб эшитилди.

«Агар уйингда тўртта хона бўлса, иккитасини бўшатиб бер,— деб хитоб қилди отахон,— учта бўлса биттасини бер, бордию иккитадан ошмаса, барибир ҳамшаҳарингни бағрингга олиш йўлини ўйлаб кўргин-да, райижрокомга дарҳол мурожаат қил!»

Шоаҳмад аканинг ўзи зилзила оқибатида бошпанасиз қолган Зариповлар оиласини бағрига олди. Шоаҳмад аканинги бир пайтда ҳаммаини ҳашарга — янги Тошкент қурилишида иштирок этишга даъват қилди. «Ҳозир Тошкентда яшовчи ҳар бир киши Тошкент бинокори ҳисобланади», деб илгарги донгдор қурувчи бўлган, ҳозир эса пенсияга чиққан Ҳожи Қосимов, Антон Иванович Шишов сингарни тенгдошларига мурожаат қилди у ва буларни шаҳарни қайта тиклаш ҳамда янгидан қуриш ишларида қатнашишга даъват этди.

Шоаҳмад аканинг даъватини ҳамма инobatга олди. Пенсияга чиққан минглаб тажрибали бинокорлар яна ўзларининг иш жойларига қайтиб келдилар. Бошпанасиз қолган одамларни уйларга жойлаштириш масаласи ҳам тезлашиб кетди.

Шу тариқа «Ҳеч ким бошпанасиз қолмасин!» деган катта ва муҳим вазифа қисқа фурсатда муваффақиятли ҳал этилди.

Бироқ ўша кунларда Тошкент олдида кўндаланг турган мураккаб проблемалар фақатгина шундан иборат бўлмади, улар талайгина эди. Даҳшатли табиий офатга дучор бўлган катта шаҳар ҳамон оғир аҳволда эди. Зилзила келтирган зарар гоят катта бўлиб, ўн мингларча бино вайрон бўлган ёки шикастланган эди.

Лекин кўпгина шикастланган уйлар ҳали бутун эди. Агар шу бинолар мутахассислар тузиб чиққан лойиҳалар асосида қисқа фурсат ичида ремонт қилиниб, қайта тикланса, аҳвол анча энгиллашиши мумкин эди.

Ҳукумат комиссияси бу масалани чуқур ўрганиб чиқди, авария ҳолатидаги биноларни қайта тиклаш ва ремонт

қилиш бўйича кенг чора-тадбирларни белгилаб берди. Аммо қурувчиларда куч етишмасди. Улар ёрдамга муҳтож эди. Ана шундай шароитда касб-коридан, қайси корхона ёки муассасада ишлашидан қатъий назар, ҳеч ким авария ҳолатидаги уйлارни тузатиш ва шаҳарни қайта қуриш ишидан четда туролмасди. Ҳамма бинокорлик жомакорини кийинши лозим эди. Шунда бизга ҳашар жудаям асқотди.

Республиканинг кўзга кўринган фан ва маданият арбоблари Шоаҳмад Шомаҳмудовнинг шаҳарни қайта тиклашда ҳашардан фойдаланиш ҳақидаги ажойиб ташаббусини қўллаб-қувватлаб, барча шаҳарликларни зилзила оқибатларини тугатиш учун ҳашарга чиқишга даъват этдилар. Комил Яшин, Обиджон Содиков, Сора Эшонтўраева, Ўрол Тансиқбоев, Юнус Ражабий, Комил Ёрматов, Асқад Мухтор ва Ёрқин Тўрақуловларнинг тошкентликларга қилган мурожаатномасида шундай сатрлар бор эди: «Ҳашарга, азиз ватандошлар! Ҳашарга, қадрдон дўстлар! Кенг ва гавжум кўчалар, сахий офтоб нуридан чарақлаб турган ёруғ деразалар, анвойи гуллар чаманзор қилган сув бўйларини, оромбахш ва соя-салқин хибоблар келажакда шахримизни безаб турсин. Ҳашарга, қадрдон дўстлар!»

Бу мурожаатнома аҳоли ўртасида қизгин муҳокама қилинди. У одамларнинг қалбига бориб етди. Тошкентликлар орасида ўз зиммасига конкрет мажбурият олмаган, яъни Тошкентни бунёд қилишдек муқаддас ишга отланмаган бирорта киши қолмади. Ишчилар ва хизматчилар, олимлар ва санъат арбоблари, студентлар ва пенсионерлар ҳашарга чиқишди.

Қурилишларга ишга чиққан ватанпарвар ҳашарчилар орасида турли касб ва турли ёшдаги одамлар, турли миллат фарзандлари бор эди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур сувоқчи уста Ҳожи Қосимов шуларнинг бири эди.

Пойтахтдаги кўнгина йирик нишоотларини безаган, ўзи ниҳоятда покиза, қўли гул бу одам Навоий номли опера ва балет театри биносига сайқал берган ганчкор ва сувоқчи усталар орасида эди. Театр биноси лойиҳасининг муаллифи академик А. В. Шчусев Ҳожи Қосимовнинг истеъдодига қойил қолиб, унга тасаннолар айтган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мажлислар залида безаклар, Санъат саройи деворидаги ўймакор нақшлар ҳам Ҳожи Қосимов билан шогирдлари санъатининг ажойиб намунасидир. Мана энди темирчи Шоаҳмад Шомаҳ-

мудовга ўхшаб-у ҳам минглаб ва ўн минглаб ҳамшаҳарлари қатори қурилиш жабҳасидан ўрин олди. Ҳамманинг ардоғида юрган кекса пенсионер бинокор қадрдон шаҳрини меҳр қўйиб безашга киришди. Ҳожи ака Қосимовга ўхшаган бинокорлар бизнинг фахримиздир.

Бинокор Ҳожи Қосимов билан темирчи Шоаҳмад Шомахмудовнинг ибратли ташаббуси ёшларни илҳомлантириб юборди.

Тошкент Давлат университети, Политехника, Транспорт, Педагогика институтлари, Халқ хўжалиги институти ҳамда бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг студентлари Ленин комсомоли йўлланмаси билан зилзила оқибатларини тугатиш ишида фаол қатнашдилар.

Ёшларимиз Тошкентда тартибни сақлаш вазифасини ҳам аъло даражада уддаладилар. Дастлабки зилзила бошланган кунлардаёқ икки минг нафар комсомол студентлар шонли солдатларимиз билан биргаликда тунлари шаҳарда соқчилик қилиб, аҳолининг тинч ороми ва уйқусига посбон бўлишди. Оталар изидан борган Ленин комсомоли партия ва халқ олдидаги ўз бурчинини қанчалик чуқур идрок этишви бу соҳада ҳам намоёиш этди.

Тошкентдаги саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотларнинг коллективлари ўша фожияли кунларда ўзларининг ватанпарварлик бурчларига астойдил содиқ эканликларини кўрсатдилар. Улар ҳамма соҳаларда матонат, мардлик ва ённасига меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини намоёиш қилдилар.

«Қизил тоғ» фабрикаси зилзиладан қаттиқ зарар кўрди. «Юлдуз» фирмаси корхоналарида биринчи ер қимирлаши биланоқ цех деворлари ёрилиб кетди. Лекин ушбу корхоналарнинг коллективлари ойма-оё ўз мажбуриятларини бажариб келдилар.

«Ташкенткабель» ва «Ташсельмаш» заводлари зилзиладан қаттиқ шикастланди, вайрон бўлган биноларда ишлаш хатарли эди. Ана шундай бир вазиятда ишчилар авария ҳолатидаги цехларни ташлаб, худди уруш йилларида бўлгани сингари ҳовлида меҳнат қила бошладилар.

Тез ёрдам клиник касалхонасида аҳвол айниқса оғир эди. Деярли ҳамма бинолар авария ҳолатида. Лекин шунга қарамай даволаш хизмати тўхтаб қолмади, шундоқ кўча юзига қурилган чодирларда бу иш тўхтовсиз давом этиб турди.

Шаҳар марказида кўпгина магазинлар вайрон бўлган эди. Лекин кўчаларда, майдонларда савдо давом этиб турди. Товар обороти планлари ошиғи билан бажарила борди.

Зилзила бўлган куннинг ўзидаёқ эрта билан шаҳарда 500 га яқин муваққат савдо нуқтаси ишга тушиб кетди.

Тошкент Шарқдаги йирик саноат марказидир. Шаҳарда йирик саноат корхоналари талайгина. Зилзила оқибатида улар катта зарар кўришган эди. Лекин шунга қарамай шаҳар саноати 1966 йил пиланиши муддатида илгари бажариб, пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот берди.

Тошкентликларнинг шаҳар бошига тушган фожиа кунларидаги метиндай мустаҳкам жинслигидан, уларнинг мардлиги ва жасоратидан далолат берувчи мисолларни минглаб келтириш мумкин. Зилзила пайтида, унинг оқибатларига қарши кураш жараёнида тошкентликлар нимаки қилган бўлса, буларнинг ҳаммаси чинакам умумхалқ жасоратидир.

Жасоратга ҳозир туришлик — совет кишисига хос бўлган фазилатдир. Октябрь революцияси жараёнида, граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида бу фазилат совет кишиларида яққол намоён бўлди. Ватан шон-шарафи ва мустақиллиги учун курашда халқимиз кўрсатган жасорат шавкати оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб, одамларнинг хотирасида печанинг йил сақланиб қолади. Келажак насллар Ленин авлодининг жасорати ва қаҳрамонлиги билан ҳаммиса фахрланиб юришади, ўз оталари ва боболари изидан бориб, янги-янги шонли зафарлар кучишади.

Зилзила чоғида тошкентликларда намоён бўлган аҳиллик ва интизом, меҳнатсеварлик ва фидокорлик — булар партиямиз доно сиёсатининг, у олиб борган катта тарбиявий ишнинг самарасидир. Партиямизнинг оталарча ғамхўрлиги, совет халқлари ўртасидаги порлоқ дўстлик ва қардошлик — тошкентликлар жасоратининг пилҳом манбаи мана шулардир.

Ленин мукофоти лауреати Николай Грибачев зилзила оқибатларини тугатиш учун бошланган умумхалқ курашининг дастлабки кунларини сарҳисоб қилар экан, «Правда» газетасининг 1966 йил 15 май сонида бундай деб ёзган эди:

«Тошкентда май ойи — оғир синовларга, шахсий мусибатларга, жуда катта талафотларга дувоҳ бўлган, айни бир пайтда қаҳрамонлик, юксак даражада онглилик, тинимсиз меҳнат тимсоли, халқлар дўстлиги тантанасининг тимсоли бўлган май ойи шундай кечмоқда».

Умумхалқ қаҳрамонлиги ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтади. Энг оғир мусибат ҳам жамоат куч-қудрати

ти олдида тиз чўкади. Совет кишиларидан иборат ягона оиланинг ақл-идроки ленинча довишмадлик касб этади. Шунинг учун ҳам бундай оила енгилмасдир. Коммунистик қурилиш майдонида эришилаётган галабалар бонси — совет халқлари ягона оиласи метиндай мустаҳкам эканлигидадир.

БОЛАЛАР

Ушбу касалхона Тошкентнинг қоқ марказида, Қашқар маҳалласида жойлашган эди. Уйдагидай шинам палаталар, кўм-кўк дарахтлар соя ташлаб турган кенггина ҳовли, врачларнинг нарвариши ва меҳрибончиликлари сабаб бўлибми, жажжи беморлар уйлариши унчалик соғинишмас, дардлари ҳам ортиқча кўзларига кўринмас эди. Шу бонсдан улар албатта оёққа туриб кетишларига, яна ўйин-кулгини давом эттиришларига қаттиқ ишониншарди.

Касалхонада ҳаёт шу тарзда давом этарди. Ва кутилмаганда 1966 йилнинг 26 апрель кунин, ўша даҳшатли тонготар пайти, бино қаттиқ чайқалиб кетди, деворлар бир томонга қийшайди, ер ўкириб берди. Аммо ер остидан чиққан бу наъра кўрқиб кетган болаларининг чиқириқ йиғисини босиб кетолмас эди.

Ўша кунпёқ эрталаб биз касалхонада бўлдик. Малла соч, кўк кўз бир бола ҳовлидаги каравотида устига сарё суртилган бир бурда вондан базўр тишлаб, чой ичиб ўтирган экан. Унинг жажжи қўлчалари қалтираётганини кўриб жуда эзилиб кетдик. Табиий офат болага қаттиқ таъсир қилганлиги кўриниб турарди. Лекин у омон қолган эди, қутқариб қолинган эди.

Шаҳар бошига кулфат тушган ўша кечаси касалхонада бўлим мудирлари Насиба Абдуллаева билан Амалия Гарибова, медицина ҳамшираларидан Татьяна Ивановна Ишутина билан Дарья Григорьевна Сержантова, Тошкент медицина институтининг студенти Хамидулла Иброҳимов ва бошқалар навбатчилик қилишарди.

Биринчи зарбадаёқ навбатчилар ўтирган хона қулаб тушди. Улар бир амаллаб ташқарига чиқиб олгач, дарҳол болалар ётган палаталарга югуришди. Ўзларини ўйлашмасди улар — энг муҳими, болаларни қутқариш керак. 85 нафар болани ҳовлига олиб чиқишди. Биронта бола жароҳатланмади.

Тез орада касалхона бош врачини Шоабдуазим Асқаров, унинг ўринбосарини Ираида Иваловна Садименко ва бош-

қалар етиб келинди. Ўша кунни улар озмунча матонат кўрсатишмади дейсиз! Кўрқиб кетган кичкинтойларга далда беришди, бирини овутиб, бирини эркалашди. Кўрна-тўшақлар ҳовлига чиқарилиб, дарҳол вақтинча касалхона палатаси қурилди.

Ваҳоланки бу врачларнинг ҳаммасиниям уйда оиласи бор эди. Аммо бизнинг мамлакатимизда одат шундай. Инсон инсонга ҳамниша ёрдамга келади. Бу ерда эса болалар... Болалар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин бизнинг айтадиган гапимиз фақат шуки, болалар — бу ҳаёт дегани, бизнинг келажагимиз дегани. Шунга кўра Тошкентда юз берган фалокат кунлари Ўзбекистон пойтахтининг жажжи граждандари ҳақида қайғуриш биринчи даражали иш бўлиб қолди.

Зилзила қарийб бутун шаҳар бўйлаб ана шу касалхонадагига ўхшаган вайронагарчиликка олиб келди. Кўплаб касалхоналар, мактаблар, болалар яслилари ва боғчаларининг бинолари авария ҳолатига тушиб қолди.

195 умум таълим мактабидан 172 таси ишдан чиқди, 18 мактаб вайрон бўлди, 130 мактаб авария ҳолатида бўлиб, капитал ремонтга муҳтож эди, 42 мактаб жорий ремонтни талаб қиларди. Дарслар давом этарди-ю, аммо кун сайин бирор синфни, бирор мактабни ёлиб қўйишга тўғри келарди. Биз болаларнинг ҳаётини хавф остида қолдира олмас эдик, биз уларнинг тинчлиги-омонлиги ҳақида ўйлардик, ўзимизнинг ташвишларимиз эса кўзимизга кўринмай қолган эди. Бу борада биз ёлғиз эмас эдик.

Барча совет кишилари тошкентликлар бошига тушган мусибатга чуқур ҳамдард бўлдилар. Шаҳарга хат ва телеграммалар ёғилиб кетди. Ҳаммасида ҳам бир хил савол: болалар қалай, уларга нима ёрдам бериш мумкин? Ва ҳар ним баҳолли қудрат нима ёрдам бериш мумкинлигини айтарди.

Москваликлар дарҳол ёрдам қўлини чўзишди. Пойтахтдаги саноат корхоналари, мактаблар, муассасалар коллективлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари тошкентлик болаларни ўз бағриларига олишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Мтишчидаги мебель фабрикаси ишчиларининг умумий йиғилишида сўзга чиққан катта мастер А. Козлов бундай дебди: «Улуғ Ватан урушининг суроли йилларида Ўзбекистон ва унинг пойтахти Тошкент барча халқларга бағрини кенг очиб берди. Ўн мингларча ва юз мингларча руслар, украинлар, белоруслар ўша ўлкада бошпана то-

ининган эди. Бинобарин эндиликда биз Тошкент болалари яхили ҳордиқ чиқариб, кучга тўлиб уйларига қайтишлари учун қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилмоғимиз керак». Шундай бўлди ҳам. Мтишчидаги мебель фабрикасининг ишчилари Тошкентдан 50 нафар болани қабул қилиб олишди, уларнинг ёзги таътили учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитни яратиб беришди.

Тошкентда замин ҳамон ваҳимали қалқиб турган май ойи кунларида Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети номига Ригадан қўйидаги мазмунда телеграмма олинди: «Табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлик билдирамиз, қўллаб-қувватлаймиз, 200 болани ёзги дам олишга пионер лагерларига, 200 болани интернат мактабларга таклиф қиламиз. Биринчи июлдан биринчи сентябргача бўлишади. Латвия комсомоли Марказий Комитети».

Киевдан олинган телеграммада бундай дейилган эди: «Украина ЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига кўра болаларни соғломлаштириш учун Украина ЛКСМ Марказий Комитетининг «Еш гвардия» номли пионер лагерига сизларга 300 йўлланма ажратилди».

ЎзСовпроф билан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети номига Минскдан худди шу мазмунда телеграмма келди: «Корхоналар коллективлари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ўз ҳисобларидан яна қўшимча равишда 600 тошкентлик болани июль, август, сентябрь ойларига 2—3 сменаларга пионер лагерларига таклиф қиладилар».

РСФСРнинг турли область ва ўлкаларидан, Москва ва Ленинграддан, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Молдавия, Латвия, Литва, Эстония ва Арманистондан дўстлик ва қардошлик ҳислари билан тўлиб-тошган минглаб телеграммалар келиб турди.

Май ойида ВЛКСМ XV съезди бўлиб ўтди. Докладда ҳам, делегатларнинг нутқларида ҳам Тошкент zilzilаси оқибатларини тугатишга алоқадор бўлган юрак сўзлари айтилди. Украина комсомоллари zilzilадан зарар кўрган oilаларининг фарзандларини ўз бағирларига олишга тайёр эканликларини билдиришди. «Республика пионер лагерлари олти мингдан зиёд ўзбек болаларини қабул қилишга тайёр турибди»,— деб ахборот беришди улар. Бу ташаббусни бутун мамлакат дарҳол қўллаб-қувватлади. Барча қардош республикаларнинг касаба союз ва комсомол ташкилотлари тошкентлик болаларининг ёзги дам олишининг ташкил этиш ҳақида махсус қарорлар қабул қилишди.

Тошкент аэропортида рейсдан ташқари самолётлар уча бошлади. Уша кунлари аэропортда бўлган киши бу манзарани бир умр эсдан чиқармаса керак. Болалар жуфт-жуфт бўлиб сафга тизилишарди-ю, аммо бир зум ўтмай яна ота-оналарининг ёнига югуриб қолишарди. Айниқса кичкинтойларга одамнинг раҳми келарди. Меҳрибон оналаридан бир қадам нарига жилғилари келмасди. Ана шу бебош йўловчиларни самолётга чиқаришнинг ўзи бўлмасди, албатта.

Самолётлар осмонга кўтарилиб, Москва ва Ленинград томонга, мамлакатимиздаги бошқа кўпгина шаҳарларга қараб йўл оларди. У ерларда қучоқ-қучоқ гул кўтариб, ширин сўзлар айтиб болаларга пешвоз чиққан одамларнинг ҳаяжони чексиз эди. Одатда болаларни кутиб олиш маросими совет халқининг бирлиги ва дўстлигидан далолат берувчи зўр тантаналарга айланиб кетарди. Москва область қасаба союзлари совети болаларга катта гамхўрлик кўрсатди. Домодедово аэропортига қўнган ҳар бир самолётни СССР, Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари ҳамда «Келганингиздан хурсандимиз» деган шпор билан безатилган махсус автобуслар кутиб оларди. Партия, қасаба союз, комсомол органларининг вакиллари, завод ва фабрикаларнинг хизматчилари болалар истиқболига пешвоз чиқиб туришарди.

Ўғил-қизларимизни ҳамма ерда ҳам ана шундай меҳрибонлик билан кутиб олишарди. Ленинграддаги «Красный выборжец» заводининг ишчилари тошкентлик 50 болани оталиққа олиб, бир ойлик мукофот фондини совғасаломга ҳариклашибди. Омекдаги саноат қорхоналарининг ишчилари тошкентлик болаларга пионер формалари кийдириб жўнатишди. Бинобарин Ўзбекистон пойтахтнинг жажжи ўғил-қизлари қаерга боришмаси, ҳамма-ҳамма жойда меҳрибон дўстларининг бағрида бўлишди.

Кунлар кетидан кунлар ўтган сари Тошкентдаги даҳшатли апрель тонготари болалар хотирасидан тобора узоқлаша борди. Ўзбекистон пойтахтидан келган кичкинтойларга энг яхши пионер лагерларини, биринчи навбатда санаторий типидagi лагерларни бўшатиб беришди.

Болалар шарқда Иркутскдан ғарбда Брестгача, шимолда Ленинграддан жанубда Батуми, Қрим ва Одессага қадар чўзилган территория бўйлаб дам олишди. Тошкентлик кичкинтойлар Совет Иттифоқидаги 94 область пионер лагерларида бўлишди, буларнинг ҳар қайсисида ҳам ўзларини уйда юргандек ҳис қилишди.

РСФСРда 11467, Украинада 7229, Қозоғистонда 600, Молдавияда 1433, Латвияда 1345, Озарбайжонда 550, Қирғизистонда 530, Туркменистонда 367, Арманистонда 200. Литвада 100, Эстонияда 90 бола дам олиб қайтди. Ўша ёз кезлари ўн минглаб тошкентлик болалар Ўзбекистоннинг Андижон, Фарғона, Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд областларида ҳордиқ чиқаришди. Тошкентдаги енгил сапоат корхоналари ишчи-хизматчиларининг 1500 фарзанди Иваново, Ярославль, Омск, Рязань областларида, қурувчиларининг 1315 ўғил-қизи Житомир, Пермь, Донецк областларида, машинасозларининг 1337 боласи эса Воронеж, Ульяновск, Ростов, Тула, Волгоград областларида бўлишди.

Москва интернат-мактаблари тошкентлик ўғил-қизлардан 1009 нафарини, Ленинград 829, Чимкент 132, Жамбул 50 нафарини икки ўқув йилига қабул қилиб олишди.

Тошкент болаларини оталиққа олган Ленинград маданият арбобларининг олижаноб ташаббуси бутун мамлакатга ёйилди. Жажжи меҳмонлар учун театрларнинг эшиги очиб қўйилди. Нева соҳилидаги шаҳарнинг етакчи артистлари билан суҳбатлар, донгдор кишилар билан мароқли учрашувлар ташкил этилди. Шундай экан, зеркишга, уйни соғинишга ҳам унчалик вақт қолмасди. Янги оила, янги мушфиқ уй болаларни пессик бағрига олди. Ваҳоланки, бу жуда қийин нарса. Боланинг кўнгли гулдан ҳам нозик, ўта сезгир бўлади. Уни фақат меҳр, фақат самимийлик ишғол қила олиши мумкин. Бинобарин тошкентлик болаларни бутун мамлакат худди шундай меҳр билан бағрига босди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Кичкинтойлар вояга етишди. Лекин 1966 йил бир умр уларнинг хотирасида қолади. Бу ерда гап ер силкинишларию вайрон бўлган бинолар ҳақида бораётгани йўқ. Асло. Уларнинг хотирасида бошқа нарса — ўн минглаб тошкентлик болаларни қайноқ бағрига олган совет халқининг олижаноб мардлиги абадий сақланиб қолади. Бундай нарсалар сира унутилмайди.

ҚАРДОШЛАР

Совет Иттифоқи халқлари — бир оила фарзандлари. Мақсад ва вазифалар умумий экан, коммунистик идеаллар тантанаси учун бирга меҳнат қилиб, бирга кураш олиб бораётганликлари уларни маҳкам янгилаштириб турибди. Уларнинг манфаатлари ҳам, юмуш ва ташвишлари ҳам

бир. Мамлакатимиздаги барча халқлар катта, ягона оиланинг бахт-саодати йўлида, Ватан куч-қудратини ошириш йўлида, ҳар бир совет кишининг фаровонлиги йўлида мисоли туғинган ога-внлардай бир сафда туриб меҳнат қилмоқдалар.

Худди шу сабабдан халқларимизнинг шодлиги ҳам, гам-гуссаси ҳам муштарак, деймиз. Агар бирор халқнинг байрами бўлса, кўнимиллатли бутун оиламиз қўшилиб тантана қилади. Борди-ю, бирор халқ бошига кулфат тушса, ҳамма халқлар қўшилиб изтироб чекишади, ҳамлард бўлишади. Бир халқнинг шодлиги — барча халқларнинг шодлиги, бир халқнинг қайғу-алами — барча халқларнинг қайғу-аламидир. Совет халқлари аҳл оиласининг характерли хусусияти ана шундан иборат.

«Дўст ёмон кунда билинади», деган мақол бор халқда. Қанчалик тирак маъно бор бу мақалда! Бу нечоғли тўғри эканини айниқса тошкентликлар яхши билиб олишди.

Тошкент бошига кулфат тушганида барча иттифоқдош республикалар унга ёрдам қўлини чўзди. Ҳар бир республика офат заҳрини кўрганларнинг мушкулени осон қилишига ошиқди.

Ана шунда биз Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи қанчалик мустаҳкам эканига, у халқлар қардошлиги, бирлиги ва жинслигининг забардаст кўргони эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Барча қардош халқларининг Тошкентга қўлдан келган ёрдамни бериш учун жонбозлик кўрсатини КИСС ленинча миллий сиёсатининг самараларини яққол намоён қилди. Тошкентда биз пролетар интернационализми гояларининг тантанасини ўз кўзимиз билан амалда кўрдик.

Ўаҳон буни ҳали кўрмаган эди. Ишртқич қонуларга асосланган капиталистик жамиятда бундай бўлиши мумкин эмас. У жамиятда бирор шаҳар ёки бирор халқ бошига мусибат тушса, охири вой бўлади.

Бизда эса тамоман бошқача. Тошкентда фалокат кўламлари ҳали охиригача аниқламаган, кетма-кет давом этаётган силкинишлардан сувоқлар кўчиб, уй деворлари қарсиллаб ёрилиб турган бир пайтда тошкентликлар қанчалик кўн меҳрибон ва гамхўр қардошлари борлигини аниқ сезишган эди. Телеграф аппаратларида оқ ленталарнинг кети узилмасди. Боқудан телеграммалар. Еревандан телеграммалар. Ивановодан телеграммалар. Барча иттифоқдош республикаларининг пойтахтларидан олинаётган телеграммалар. Ҳукумат телеграммалари, шахсий телеграммалар. Буларининг барчасида қайғуга ҳамдардлик,

тошкенликлар жасоғачидан ҳайрат изҳор этилади-да, албатта, шу сўзлар қўшилган бўлади: ёрдам беришга тайёр-миз.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ижтимоий ва давлат тузумимиз қанчалик зўр кучга тўлиб, камол топганлиги, Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик — халқларимиз 1917 йил Октябридан бошлаб беш йилликлар ва уруш суронлари оша муқаддас эстафета янглиғ олиб ўтган дўстлик қанчалик мустаҳкам бўлиб қолганлиги мана шу икки огиз сўзда ўз ифодасини тонди. Маълумки, кейинчалик бу сўзлар кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган ишларда мужассамлашди.

Қисқа телеграммалардан сўнг амалий таклифлар ёғилиб кетди. Республикалар қандай ёрдам беришга эътиборини хабар қилишди. Шу тариқа улкан дўстлигимиз моддий ифодасини тонди, конкрет тарзда мужассамлашди. Москва ва Ленинград, барча иттифоқдош республикалар янги Тошкентни қайта тиклаш ва қуришда қай даражада қатнашмоқчи эканларини белгилаб олишди. Қардош республикаларнинг раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари газеталаримизда эълон қилинган мақолаларда у ёки бу республика Тошкент аҳолисига қачон ва нима ёрдам беришини маълум қилишди. Барча ушбу мақолалар замирида қардошлик ҳар қандай бойликдан афзал, бир-бирига ёрдам беришлик совет турмушимиз учун қонда, қонуи бўлиб қолган, агар ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, нинга киришсак, табиий офат асоратлари тезда тугатилади, деган фикр ётарди.

Ленинград шаҳар партия комитетининг секретари Ю. Заварухин «Нева бўйидаги шаҳарнинг саҳий ёрдам қўли» сарлавҳали мақоласида бундай деб ёзган эди: «Ленинград ва Ўзбекистон меҳнаткашлари азалдан анъанавий дўстлик иллари билан боғланган. Социалистик қурилиш йилларида ленинградликлар Тошкент меҳнаткашлари, Ўзбекистон саноати ходимлари, пахтакорлар билан ҳамкорликда халқ хўжалиги учун ишхоятда мураккаб ва муҳим бўлган иқтисодий вазифаларни ҳал этишган. Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида бу анъанавий дўстлик янада мустаҳкамланди». Шундан кейин мақолада қардошларча дўстлик қонуи ленинградликларини бошига кулфат тушган Тошкент аҳолисига ёрдам беришга даъват этмоқда, деб таъкидланади.

Украина ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Андрианов «Украина микрорайонлари» деган мақоласида Украинанинг Тошкентга кўрсатадиган ҳар

томонлама ёрдами ҳақида гапириб берди. «Ўзбек ва украин халқлари ўртасида азалдан қардошларча дўстлик алоқалари мавжуд, — дейилади мақолада. — Ҳар икки республика ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Эндиликда, Ўзбекистон пойтахти табиий офатга дучор бўлгандан кейин эса бу алоқалар кенгайиб кетди».

Дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақида гапирганимизда баъзан бу сўзлар анча баландпарвоз, қандайдир дабдабали бўлиб туюларди. Баъзан бу дўстликнинг кучга тўлиб, айқириб оқувчи қуйи оқимларини пайқамай қолардик. Мушкул пайтларда эса ҳамма нарса анча ёдидиладди. Худди шунга ўхшаб ўша оғир кунларда ҳар бир тошкентлик мамлакатимиздаги барча халқларга хос бўлган қардошлик туйғуларни ифодасини миннатдорчилик тўла қалби ила баралла сезиб турди.

Ўртамиздаги ана шу дўстлик, совет дўстлиги ўзининг бутун гўзаллиги билан кўз ўнгимизда намён бўлганда бир кўрсангиз эди. У бутун борлиги билан тилга кириб, мен ана шундайман, коммунистик идеаллар, чинакам инсонпарварлик, ер юзида биринчи бўлиб ташкил толган Советлар мамлакатининг ижтимоий қонушлари мени шундай қилиб яратди, демоқчи бўлаётгандай туюларди кишига.

Ҳаммаёқни ваёрон қилган дастлабки ер ости силкинишидан кейин орадан бир ой ўтар-ўтмас қардош республикалардан Тошкентга қурилиш поездлари, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, машиналар ортилган эшелонлар кела бошлади. Тошкент атрофидаги станцияларда ҳар кун юзлаб вагонлардан юклар тушириб турилди. Қурувчилар дарҳол енг шимариб ишга киришиб кетдилар. Тошкентликлар шундай оғир пайтда ёрдамга келган қардошларини қалб тўла миннатдорчилик туйғуларини билан таптанали равишда кутиб олдилар.

Тошкентда Бутуниттифоқ ҳашари бошланиб кетди. Ватанимизнинг қудратли қурилиш техникаси рамзи бўлган ўнлаб кранлар шаҳарга файз киритиб юборди.

Совет Армиясининг жангчилари ҳам Тошкентга мадад қўлини чўзишди. 1966 йил 16 май кунин Чирчиқ дарёсин бўйидаги Сергели деган посёлкада митинг бўлиб, йўлдош шаҳарга пойдевор қўйилди. Ҳарбий қурувчилар қисқа фурсат ичида 150 минг квадрат метр уй-жой қуриб бериш мажбуриятини олдилар. Зарҳал ҳарфлар билан битилган. «Авлодларга мурожаат» зангламас нўлатдан қуйилган кўкитир кашсулага абадий жойланди. Унда «1966 йил, 16

май» деган сўзлар бор. Мурожаатда янги шаҳарча пой-деворига бириччи гишти армия қурувчилари қўйганлиги айтилган. Ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан бу шаҳарчани бунёд этишга бел боғлаган Совет Армияси ва Флоти жангчиларига бўлган меҳр-муҳаббатимиз қалбларда бир умр сақланиб қолади, деган сўзлар ҳам бор эди унда.

Кези келганда шунини айтишимиз мумкинки, қурувчи жангчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли Сергели йўлдош шаҳрида ваъда қилинган 150 минг квадрат метр уй-жой ўн ой ичида фойдаланишга топширилди. Эндиликда Сергели — Ўзбекистон пойтахтидаги янги район маркази. Калинин районидаги «Октябрь» ҳамда Оржоникидзе районидаги Ленин номи колхоз территорияларида ҳам зилзиладан зарар кўрганлар учун янги уй-жойлар барпо этилди. Сергелидаги ҳамда ана шу икки шаҳарчадаги уйларга қарийб 30 минг оила кўчиб ўтди.

Тошкентликларга ҳамдардлик билдириб, ёрдам қўлини чўзган ёлғиз иттифоқдош республикалар, шаҳарлар ва турли-туман ташкилотлар эмас эди. Барча совет кишилари Тошкент бошига тушган кулфатдан қаттиқ изтироб чекдилар. Зилзиладан зарар кўрган оғанини ва опа-сингилларига қўлдан келганича ёрдам кўрсатишга, кўнглини кўтариб, далда беришга ошиқдилар. Тошкентга мамлакатимиздаги барча шаҳарлар ва қишлоқлардан ҳар куни узлуксиз равишда хатлар, телеграммалар ёғилиб келарди. Мана, кўплаб олинган ана шундай хатлардан бири. Уни Украина ССР Луцк шаҳрида истиқомат қилувчи Л. Лидицкий ёзиб юборган. Хатда бундай дейилади:

«Бизнинг дўстлигимиз абадий дўстликдир. Мен ушбу сўзларни қайта-қайта, баралла такорлагим келади, зотан худди ана шу дўстлик туфайли биз эски дунё ҳукмдорларини ва бахт-саодатимиз душманларини қириб ташладик. Ана шу дўстлик туфайли биз инсониятнинг эзгу орзумидларини рўёбга чиқармоқдамиз — коммунистик жамият қурмоқдамиз».

Айни бир пайтда тошкентликларга ҳамдардлик билдирилган ҳолда уларга қардошларча ёрдам таклиф қилинади.

Ана шу самимий сўзларда қанчалик теран маъно, қанчалик олижаноб ҳис-туйғу мужассам! Худди шу мазмундаги хатлар Москва ва Ленинграддан, Мурманск ва Хабаровскдан, Ашхобод ва Душанбадан, Киев ва Еревандан, Боку ва Свердловскдан, Олмаота ва Фрунзедан, бошқа юзлаб шаҳар ва қишлоқлардан олинди.

Тошкентга бутун мамлакат жуда катта ёрдам кўрсатди. Аммо совет кишилари ўз ҳисобидан баҳоли қудрат юборган пуллар бу уммонда аралашиб кетгани йўқ, улар ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Бу пуллар «Тошкентга ёрдам фонди» деб аталмиш қарийб ўн миллион сўмлик фондни ташкил этди.

Бекобод, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Самарқанд, Навоий, Фарғона сингари шаҳарларда бўлиб ўтган ишчилар йиғилишларида Тошкентни тезроқ тиклаш мақсадида бир кушлик иш ҳақини пойтахт аҳолиси ҳисобига ўтказиш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилингандан сўнг бу фонд юзага келган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни қизғин маъқуллади ва у ҳамма жойда қўллаб-қувватланажасига қатъий ишонч билдирди. Бинобарин шундай бўлиб чиқди ҳам.

Республиканинг ҳамма жойларидан, Совет Иттифоқининг Калининграддан тортиб то Камчаткагача бўлган барча шаҳар ва қишлоқларидан Ўзбекистон ССР Давлат банки номига почта ва телеграф орқали маблағлар кела бошлади. Заполярье кончиларининг салмоқли улуши. Бир гуруҳ солдатлар «кўплашиб» юборган ўн сўм пул. Миллионер колхоздан уч минг сўм. Ўқувчи қизнинг ўзига йиғиб юрган икки сўм пули...

Давлат банкида очилган 170064 рақамли ҳисоб фақат йиғилган пулларни тўнлаб бергани йўқ (гарчи бу пуллар Тошкент шаҳар советига топширилиб, қурилишларда ишлатилган ва жуда асқотган бўлса ҳам). Бамисоли қабарик линзага ўхшаб, банкда очилган бу ҳисобда Тошкентдан баъзан неча минг километр узоқда яшаса ҳам, унинг мусибатига ҳамдард бўлган совет кишиларининг олижаноб туйғулари акс этган эди.

Мана, яна бир мисол. Рус халқи шон-шухрати ва мардлигининг кўргони бўлмиш Севастополдан Тошкентга бир хат келди. Уни Феодосия Геннадиевна билан қизи Инна Анатольевна Максимовалар юборишибди. Севастополлик икки аёл ўзлари жамғариб юрган пулларига уч хонали йиғма уй сотиб олиб Тошкентга жўнатишибди. Улар ана шу уйни ер билан боғни севадиган оддий бир одамга топширишни илтимос қилишган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Севастополдан келган совға уйни Азимхўжа Исломхўжаев оиласига беришга қарор қилди. Азимхўжа ота ўша кезлари 79 ёшда эди. Унинг ўғли, гвардиячи старшина Тўхта Азимов Ватан урушида Севастополь учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. У ҳукуматнинг учта олий

мукофоти билан тақдирланган эди. Отанинг тўнғич ўгли Обид Азимов Смоленск шаҳри учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган. Унинг кенжа ўгли Зоҳид ҳам Улуғ Ватан уруши фронтларида мардона жанг қилиб, уйига соғ-саломат қайтади-ю, аммо орадан кўп ўтмай оғир касалликка чалиниб, оламдан ўтади. Уч нафар лочинидан ажраб, айрилик азобига чидаёлмаган муштипар она ҳам ҳаётдан кўз юмади. Ислохўжаевлар оиласида олти жон бор эди.

Феодосия Геннадиевна билан Инна Анатольевна Максимовалярининг ўзлари ким эди? Улар сахий қалбга эга бўлган ҳалол меҳнатқашлар, чинакам совет ватанпарварлари эди. Феодосия Геннадиевна уруш йилларида Тошкентда хизмат қилиб, ярадорларни даволаган аёл.

Севастополдан келган бу ғаройиб совга фақатгина Ислохўжаевлар оиласи учунгина эмас, балки бутун Тошкент учун, бутун Ўзбекистон учун ардоқли эди. Ана шу совга совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик қандай куч-қудратга эга эканидан яққол далолат берарди.

Уша машъум тонготар палласида ер ости кучлари жунбишга келиб, атроф-теварақни ларзага солганига атиги бир йил бўлибди, аммо шу қисқа фурсат ичида озмунча ишлар қилинмадими? 1967 йил 26 апрель куни чиққан газеталарда Москва, Ленинград ҳамда барча қардош республикалар қурувчиларининг рапортлари эълон қилинди. Ана шу рапортларда қилинган ишлар ва юбилей йили охиригача амалга оширилиши лозим бўлган режалар тилга олинган эди. Рапортлар барчани мамнун этди. Кичик-кичик ирмоқлар бирлашиб, азим дарё ҳосил қилганидай, қисқа-қисқа рапортлардаги рақамлар улкан қурилиш манзарасидан яққол далолат берарди. Бу қурилиш эса чиндан ҳам улкан, чинакамига Умумиттифоқ қурилиши, чинакамига тенгсиз ва зарбдор қурилиш эди.

Шаҳар кўчаларида ҳозир бирорта чодир қолмаган. Барча корхоналар қайта тикланди. Қарийб 45 минг квартира, 90 минг ўринга эга бўлган 138 мактаб, 23 мингдан кўпроқ ўринга мўлжалланган 180 та болалар боғчаси ва ясли, 13 минг ўринли 97 касалхона ва поликлиника, 234 та маъмурий бино ремонтдан чиқарилди. Энг муҳими, мисли кўрилмаган кўламда қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳарбий қурувчилар тошкентликларга Сергели йўлдон шаҳрини инъом этишди. Москваликлар, ленинградликлар, украинлар, белоруслар, бошқа қардон республикалардан келган бинокорлар Чилонзор қиёфасини тамоман ўзгар-

тиб юборишди. Шуларнинг иштирокида шаҳарнинг марказий қисми ва бошқа даҳалари юксак суръат билан қайта қурила бошлади.

Қурилиш суръати қанчалик юксак бўлганини шундан ҳам билиш мумкинки, 1966 йилнинг ўзидаёқ Тошкентда 800 минг квадрат метр — олдинги йилдагига нисбатан икки ярим ҳисса кўп уй-жой қурилди. Бинобарин шуниси аҳамиятлики, янги уй-жойларнинг ярмини қардош республикалар бинокорлари тиклаб беришди. Ҳар бир кварталда, ҳар бир квартирада биз қардошларимиз таптини, дўстларимиз таптини, ўртоқларимиз таптини, чинакам интернационалистлар таптини сезиб турибмиз. Россия федерациясининг қурувчилари ана шу вақт ичида тошкентликларга 76 минг квадрат метрдан кўпроқ, Украина — 30 минг квадрат метрдан ортиқ, Қозоғистон — қарийб 21 минг квадрат метр, Москва — 56 минг квадрат метрдан кўпроқ, Ленинград — қарийб 27 минг квадрат метр уй-жой тиклаб беришди. Бошқа қардош республикаларнинг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлди.

Шу тариқа ўн мингларча кишиларнинг меҳнати темир-бетонли ойнабанд биноларда мужассам тонди. Бўлажак шаҳар аниқ намоён бўла бошлади. Қурилиш кўлами кун сайин оша борди: юбилей йилида, 1967 йилда (Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланган йилда!) Тошкентда қарийб 1450 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди.

Рақамлар — зерикарли нарса дейишади. Қани, буларнинг маъзини бир чақиб кўрайлик-чи! 1450 минг квадрат метр уй-жой — ҳар кун юзта ҳовли тўйи деган гап! Рақамлар шу тарзда тилга киради, кўйлайди, ҳаммамизни хушнуд этади.

Катта ишнинг тақдир одамларга боғлиқ. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Қардош республикалар Тошкентга энг меҳнатсевар, энг истеъдодли ва синалган қурувчиларини юборишди. Шаҳар қайта тиклангандан сўнг буларнинг кўилари бир умрга Тошкентда қолишди, уй-рўзгорли бўлишди, ҳозир эса асл тошкентликман, деб бемаъл қўкрак кериб юришади. Йўда тўғри ҳам.

Тошкент бошига оғир кулфат тушган кунларда биз битмас-туганмас куч-қудратимиз қардошларча дўстликда, ўзаро ёрдамда эканини яна бир бор чуқур тушуниб олдик. Биз совет коллективизми, манфаат ва тақдирлар бирлиги нималарга қодир эканини яхшилаб англаб олдик. Тошкент тилсолида халқлар дўстлиги ўзининг бутун салобати ва гўзаллиги билан намоён бўлди.

Пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги чиройи ўзгача. Унинг тарихи кўҳна, ўзи эса навқирон. У 1966 йилги zil-зиладан кейин бамисоли янги туғилгандай. Кўрсангиз, ҳавасингиз келади.

Ўзбекларда: «Яхши кўшни — жон озиги» деган азалий гап бор. Бу ҳикмат юз йиллардан бери эъвозда. Заргар халқ даҳосидан сайқал топиб келаётган ушбу инжу доналар яна минг йиллаб товланиб ётиши мумкин. Лекин бизнинг замонамизда кўҳна ҳикматлар ҳам жилло тоянти. Янги-янги бинолар Тошкентнинг феруза осмонига бош қўйган сари қадимий мақоллар ҳам юксакликка «қанот қоқянти». Мана эшитинг:

Иттифоқ табассум қилса — пурафшондир қўйлап
Паъра тортса — янги Тошкент тикланур қайта бошдап.

Совет халқларининг ҳамкорлиги чиндан ҳам гоят қудратли, яратувчан. Бинобарин янги Тошкент ҳам шунинг самарасидир.

Ҳар қачон бўлгани каби улуғ рус халқи умумий ишга энг кўп салмоқли ҳисса қўшди, ўзининг жонажон қардошига — ўзбек халқига биринчилар қатори ёрдам қўлини чўзди. Россия Федерацияси бинокорлари қисқа муддатларда Тошкентда 334,5 минг квадрат метр уй-жой, 5360 ўринли мактаб, 2940 ўринга мўлжалланган мактабгача болалар муассасалари, 16 магазин, 2 та жамоат маркази, 800 кишини қабул қилувчи поликлиника ҳамда бошқа турли объектларни қуриб беришди.

Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Литва, Молдавия, Латвия, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Турманистон, Эстония ҳамда Москва ва Ленинград қурувчилари тўрт йил мобайнида 1 миллион 180 минг квадрат метр тураржой, 13 мактаб биноси, 29 та мактабгача болалар муассасаси, кўшлаб бошқа малавий-майший объектлар қуриб беришди.

Илгари zilзила эпицентра бўлган жойда ҳозир майдон ташкил этилган. Бу ерда «Мардлик» деб номланган улуғвор монумент қурилди ҳамда музей очилди. Музей экспозицияси орасида қардош халқлар жасоратидан далолат берувчи ёрқин ҳужжатлар жой олган. Мана, саргайиб кетган календарь — унда 1966 йил 26 апрель варағи. Шаҳар электр соатларининг миқли соат 5-у 23 минутда

қотиб қолган. ...Бу лойсувоқ Тошкент вайрон бўлган вақт. Айни бир пайтда у — тош, бетон ва ойнага бурканган Совет Ўзбекистони пойтахти янгидан таваллуд топган вақт ҳам!

1966 йил 28 апрель кунини Ўзбекистон партия активининг йилги йиғилишида Леонид Ильич Брежнев айтган куйидаги салобатли ва умидбахш сўзлар ҳамон кечагидек хотирамизда жаранглаб турибди: «Буни тубдан ҳал этиш масаласига келсак, бу борада бош йўналиш белгилаб олинди, у ҳаммамизнинг умумий ишимиз бўлиб қолади, зотан у Совет Иттифоқи қудратига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик кучига — ҳар қандай қийинчиликларни ва офатларни енгиб чиқадиغان кучга асосланган.

Сизларга маълумки, мамлакатнинг қатор иттифоқдош республикалари ва областлари ҳозирдаёқ Тошкентга ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Сизларга ёрдамга отланган совет кишиларининг ушбу ҳаракатлари ташкилий жиҳатдан уюштирилади. Бинобарин биз аминмизки, Москва, Ленинград, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, барча қўшниларингиз, барча республикалар ўз зиммаларига мажбурият олиб, сизлар учун ёлғиз уй-жойларгина эмас, балки бутун-бутун кварталлар қуриб берадилар».

Партиямиз Марказий Қомитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, улуғ Ленин ишининг муносиб давомчиси Леонид Ильич Брежневнинг ана шу сўзлари мана энди тўла амалга ошди! Шарқдаги бу қадимий шаҳарда қурилиш фани ва техникасининг сўнгги ютуқларига асосланган энг обод, энг замонавий тураржой кварталлари — «Москва», «Ленинград», «Киев», «Минск» кварталлари, Совет Иттифоқидаги жуда кўп шаҳарларнинг номи битилган совға уй-жойлар мустақкам қад кўтарди.

Ўша йилларга онд қайси бир ҳужжатга мурожаат этманг, шаҳар кўчалари ва майдонларида у аниқ из қолдирганини кўрасиз. Шаҳар аҳолисининг бугунги ҳаётида, иши, фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларида тарих билан келажак ҳамиша ҳамоҳангдир.

Қардош иттифоқдош республикалардан келган ёрбировдарларимизнинг қўли енгиб келиб, бугунги Тошкент жадал суръатда ҳам энга (ҳозирги пайтда у 25 минг гектар майдонни эгаллаб турибди, ҳар жиҳатдан қулай ва шинам уй-жойлар эса қарийб ўн миллион квадрат метрни ташкил қилади), ҳам бўйига (15—17 қаватли янги

бинолар қад кўтаряпти) ўсиб бормоқда. Учинчи беш йилликда шаҳарда капитал солма ҳажми йигирма процентга кўпайди, яна тўрт миллион квадрат метр уй-жой (маданий-маиший ва савдо объектлари билан) қуриб битказилди.

1978 йилда Тошкент метрополитени ишга туширилди. Барча ютуқларимиз, барча ғалабаларимизнинг гарови бўлган улуг дўстлигимиз шарафига унинг илк станцияларидан бирига «Халқлар дўстлиги» деб ном берилди.

1967—1979 йиллар

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ВА СССРДА ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ ТАНТАНАСИ

Бундан олтмиш йил муқаддам бизнинг мамлакатимизда XX асрнинг энг муҳим воқеаси — бутун инсоният тараққиёт жараёнини тубдан ўзгартириб юборган, жаҳонда биринчи музаффар социалистик революция содир бўлди.

«Унутилмас Октябрь кунлари бутун планетамизни ларзага келтирди, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг 1977 йил 2 ноябрда Кремлдаги Съездлар саройида бўлиб ўтган таптанали қўшма мажлисида қилган докладыда. — Янги тарихий давр — дунёни революцион жиҳатдан қайта ўзгартириш даври, социализм билан коммунизмга ўтиш даври бошланди. Бугунги кунда юз миллионлаб одамлар олға бораётган ва бутун инсоният бориши лозим бўлган йўл шу тариқа бошланди».

Улуғ Октябрь янги, коммунистик жамиятни қуришга даъват этилган ишчилар синфининг оламшумул халоскорлик бурчини тўла-тўқис намоён этди. Пролетариат олдига турган интернационал бурч — халқларнинг қардошларча бирлиги ва тенглигини, уларнинг ижодий ҳамкорлигини қарор топтириш — шу тарихий бурчининг энг муҳим жиҳатларидандир. «Фақат пролетарларгина миллий маҳдудликни йўқотишга қодирдир, — деб ёзган Ф. Энгельс бундан юз ўттиз йил муқаддам, — фақат уйғонаётган пролетариатгина турли миллатлар ўртасида қардошлик алоқаларини ўрнатиши мумкин».¹ Октябрь революциясининг тажрибаси ва совет жамиятининг қарор топиши бу сўзлар қанчалик тўғри эканидан яққол далолат беради. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» деб номланган қарориди таъкидлаб ўтилганидек, айти шу «интернационализм байроғи остида Октябрь галабасига эришил-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-том, 590-бет.

ди, жаҳонда биринчи социалистик давлат мавқелари мустаҳкамланди, жаҳон социализм системаси юзага келди, социалистик давлатлар ҳамдўстлиги мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда, халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати кенгайиб ва жипслашиб бормоқда».

Совет Иттифоқи — юздан ортиқ миллат ва элат қардошларча ҳамкорлик негизда, мустаҳкам жипслашган ҳолда инсонларнинг янги тарихий бирлигини — совет халқини юзага келтирган мамлакатдир. Совет халқининг ҳаёти барқарор пролетар интернационализми принциплари изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан яққол далолат беради.

Ушбу принциплар галаба қозонганлиги халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эга. Бу галаба ижтимоий тараққиётда капиталистик мамлакатлар меҳнатқашларининг озодлик ҳаракатига, бутун дунё халқларининг тақдирига зўр самарали таъсир кўрсатаётган қудратли омилдир. Табиийки, КПСС ленинча миллий сиёсати билан, пролетар интернационализмини мамлакатимиздаги халқлар дунёқарашига айлантириш билан боғлиқ бўлган тарихий тажриба инсониятнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳақида астойдил қайғураётган барча кишилар эътиборини алоҳида тортиб келмоқда. Совет кишилари ва чет эллик дўстларимиз ушбу тажрибанинг улуғвор моҳиятини тобора чуқурроқ англаган ҳолда тинчлик учун, ижтимоий тараққиёт учун, социализм ва коммунизм учун курашда бу тажрибадан яна ҳам кўпроқ фойдаланишга, унинг зафарларига зафарлар қўшишга астойдил интиломоқдалар.

1

Моҳият-эътибори билан чуқур кўламда ишчилар синфига хос бўлган интернационализм Маркс, Энгельс, Ленин асарларида назарий ифодасини топди. Илмий идеология ва сиёсатда мантиқан теран аке эттирилган пролетар интернационализми илмий коммунизм назарияси ва практикасининг туб моҳиятини ташкил этади. Пролетариат сафлари ўсиб, уюшқоқлиги кучайган, халқаро алоқалари кенгайиб, синфий онги оша борган сари унинг интернационал бирдамликка бўлган интилиши ҳам тобора орта боради. Ишчилар синфи ҳамда унинг марксна-ленинча партиялари интернационализмга чексиз садоқати билан характерланади. Интернационализм принципларига инс-

батаи қуруқ расмий муносабатда бўлишлик, бу принципларни фақат оғиздагина тан олишлик улар учун мутлақо бегонадир. Бу парса турли реформистик партияларга хос бўлиб келди ва шундай бўлиб келмоқда. «Амалда интернационализм,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— битта ва фақат биттагинадир; ўз мамлакатида революцион харақатнинг, революцион курашнинг ривожлангани устида фидокорона ишлаш, истисносиз барча мамлакатларда худди шундай йўлни ва фақат биргина шундай курашни (пропаганда билан, хайрихоҳлик билан, моддий жиҳатдан) қўллашдан иборатдир».¹ Бундан шу хулоса келиб чиқадики, маркча-ленинча назария нуқтан назаридан қараганда интернационализм халқлар ҳаётида миллийлик билан интернационализм исбатини тўғри тушунишликни, революцион ҳарақатда миллий ва интернационал манфаатлар диалектик бирликда бўлишликни тақозо этади. Интернационализм миллийликка маҳлиё бўлишликни ёки миллий парсаларни интернационал парсаларга қарама-қарши қўйишликни билдирмайди, у ижтимоий муносабатлардаги ана шу икки жиҳатни уйғунлаштириб олиб боришни тақозо этади.

Пролетарча ўртоқликнинг революцион моҳияти дастлаб турли мамлакатлар ишчиларининг умумий душманга қарши, умумий иш учун,— социализм ва коммунизм учун биргаликда олиб борадиган курашида намоён бўлади. Прогрессив кучлар ўртасида халқаро бирдамликнинг бундан бошқа турли-туман, ниҳоятда муҳим шакллари ва кўринишлари билан таққослаганда пролетар интернационалиزمни ўзининг ана шу асосий хусусияти билан ажралиб туради. Интернационализм ишчилар синфи ҳамда коммунистик партиялар қўлидаги ишончли қуролидир, у ҳозирги замон революцион жараёнидаги учта асосий оқимни: жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчи ҳарақати ҳамда мазлум халқларнинг миллий ва социал озодлик учун олиб бораётган курашини мустаҳкам равишда жипслаштириб келмоқда.

Пролетар интернационалиزمнинг қарор топтириши — бу дунёни революцион тарзда қайта ўзгартиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ўз-ўзидан равшанки, маркча-ленинча партиялар учун бу вазифа фақатгина амалий ишда эмас, балки назария соҳасида ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 31-т., 192-бет.

Кейинги йилларда умуман бутун марксча-ленинча таълимот снгарн пролетар интернационализми назарияси ҳам партиямиз XXIV ва XXV съездлари қарорларида, КПСС Марказий Комитети пленумлари қарорларида, СССР янги Конституциясида, атоқли марксчи-ленинчи ўртоқ Л. И. Брежневнинг назарий ва сиёсий фаолиятида янада бойштилди.

Янги тарихий бирлик — совет халқининг шаклланиши ва ривожланишига онд тадқиқотлар; совет ватанпарварлигига, пролетар интернационализмига ва айниқса ривожланган социалистик жамият шароитида улар ўртасидаги диалектик муносабатларга доир Ленин айтган фикр-ғояларни ишлаб чиқишлик; ҳозирги босқичдаги совет турмуш тарзида интернационализм хислатларининг шаклланиши омиллари ва шартларини ўрганиш; коммунизм қурувчиси, ўз социалистик дийерининг ватанпарвари, изчил интернационалист бўлган янги инсонни шакллантириш бобидаги партия фаолияти натижаларини умумлаштириш; халқаро революцион-озодлик ҳаракатига, жаҳон социализми мавқеларини мустаҳкамлашга онд идеология, сиёсат ва тажриба соҳасидаги проблемаларни таҳлил этиб бериш йўлида муҳим силжишлар рўй берди.

Партиямиз, унинг Марказий Комитети, шахсан Л. И. Брежнев пролетар интернационализми назарияси ва тажрибасини бойитиш йўлида, шовинизм ва ирқчилик идеологиясининг барча кўринишларига қарши курашни кучайтириш йўлида олиб бораётган назарий фаолиятлари фақат шулар билан чекланмайди, албатта.

КПСС интернационализм проблемаларига ёндошар экан, ҳаёт тақозосига кўра интернационализм уч йўл билан ривожланаётганлигини: коммунизм учун олиб борилаётган умумий кураш жараёнида социалистик ишлаб чиқариш, барча ижтимоий муносабатлар такомиллашиб, СССР халқлари ўртасидаги дўстлик тобора равнақ топаётганлигини; социалистик давлатларнинг бирлик ва жинслиғи муттасил мустаҳкамланиб бораётганлигини; тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашда ҳозирги замон барча революцион кучлари ўртасидаги бирдамлик кучайиб бораётганлигини мутлақо эътиборга олади. Пролетар интернационализми халқаро миқёсда тантана қилиши учун олиб борилаётган ягона кураш жараёнининг ана шу уч қирраси ўзаро чамбарчас боғланган. Айни бир пайтда уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос конкрет мазмунга, специфик вазифаларига ва буларни ҳал этишда эса ўзига хос усулларга эга.

Бизнинг партиямиз пролетар интернационалиزم принципларини ижодий бойитган ҳолда миллий масала бўйича марксча-ленинча таълимотга оғишмай амал қилмоқда, халқаро коммунистик ҳаракатнинг тарихий тажрибасига ҳамда ўзининг кўпмиллатли социалистик давлатни барпо этишдаги бой тажрибасига суянган ҳолда иш кўриб келмоқда.

2

Совет халқининг зафарлари ҳақида сўз кетганида ҳаминша биз Октябрь революциясига — Советлар мамлакатининг тарихий солномасини бошлаб берган улуғ сарҳадга ҳаёлан мурожаат этамиз.

Мамлакатимиз халқлари ўртасидаги социалистик муносабатлар ҳам Октябрь революциясидан бошланади. Улуғ Октябрь ана шу янги тарихий жараёни бошлаб берибгина қолмади, у пролетар интернационалиزمи йўлида чинакам мактаб ҳам бўлди. Революция эксплуатацияга дучор бўлган ва эзилган халқларни ёшасига озод қилиш, ҳар қандай ижтимоий ва миллий зулмни тугатиш байроғи остида қулоч ёйди. 1917 йил ноябрида эълон қилинган машҳур «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»: «Ишчи ва деҳқонларнинг Октябрь революцияси ялпи қулликдан қутулиш байроғи остида бошланди», деган оташин сўзлар билан бошланган эди.

Россия пролетариати ўзини қуллик исканжасидан халос қила бориб, мамлакатимиз халқларининг асоратдан қутулишида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Октябрь революцияси ишчилар синфи ва Ленин партияси раҳбарлигида жипслашган барча миллат меҳнаткашларининг жанговар бирлигини юзага келтирди.

Улуғ Октябрь фақатгина Россия халқлари учун эмас, балки чет эллардаги миллионлаб пролетарлар ва меҳнаткашлар учун ҳам интернационализм мактаби вазифасини ўтади. У пролетариатнинг интернационал бирдамлик ҳаракатини мисли кўрилмаган даражада кучайтириб юборди. «Совет Россиясидан қўлингни торт!» — деган шиор остида бутун дунё ишчилари ёш социалистик республикани империалистик йиртқишлардан ҳимоя қилишга оландилар. Хорижий мамлакатлардаги ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ўн мингларча вакиллари революция иши учун курашчилар сафида мардонавор жанг қилдилар. Демократия ва тараққиётнинг изчил тарафдор-

лари ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг жанговар намуналари жаҳон капиталига қарши революцион кураш жабҳаларида шу тарзда юзага келди ва тобланди. Биринчи социалистик давлатни ҳимоя қилиш, барча социал ва миллий озодлик кучларини жиғслаштириш интернационалистларнинг бош вазифаси бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь пролетар интернационалиزمи тарихида янги давр очди. Пролетар интернационалиزمи жабҳаси улкан миқёсларда кенгайиб кетди, унинг назария ва тажрибаси кучайди, янги мазмун билан бойинди, янги-янги шакллар касб этди.

Россия ишчилари синфи Ленин партияси раҳбарлигида революцияда ғалаба қозониб, ҳукмрон синф бўлиб қолганлигидан иборат тарихий омил бу соҳада ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Совет ҳокимияти тимсолида пролетар интернационалиزمи учун давлат миқёсидаги таянч вужудга келди. Пролетар интернационалиزمи принциплари мамлакат доирасида ва халқаро миқёсда давлат сиёсати принципларига айланди. Партиянинг ленинча миллий сиёсати оғинмай амалга оширилганлиги туфайли мамлакатимиздаги барча халқларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги таъминланди, уларнинг «мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни аниқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга»¹ асосланган бирлашувига имкон яратди.

Ленин партиянинг миллий сиёсати асосларини ишлаб чиқар экан, Октябрь арафасидаёқ бундай деб ёзган эди:

«Буржуазиянинг зулмидан қутулаётган меҳнаткашлар оммаси бор кучлари билан йирик ва илғор социалистик миллатлар билан иттифоқ тузишга ва уларга қўшилшга интилажақлар...»² Бу улуғ башорат рўёбга чиқди. Собиқ Россия империясидаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг бирга бўлиш ҳақидаги орзу-интилишлари голиб келди. 1922 йил декабрь ойида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи барпо этилди. Республикаларнинг ихтиёрий равишда ягона давлатга бирлашуви ҳам ҳар бир халқ манфаатларига, ҳам СССРда яшовчи барча меҳнаткашларнинг умумий революцион мақсадларига тўла мос тушарди. Бу бирлашув жамиятни социалистик асосларда жадал қайта қуриш, халқ хўжалигини юксалтириш ва Советлар мамлакатининг мудофаа қудратини оширишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 40-том. 50-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 30-том. 43-бет.

Давлат ва сиёсий жиҳатдан бирлашув жараёни билан бир вақтнинг ўзида халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳам социалистик жиҳатдан интернационаллаша борди. Шундай қилиб, Октябрь революцияси ғалабаси туфайли совет халқи одамларининг янги тарихий бирлиги сифатида шакллана бошлади.

Пролетар интернационалиизмининг халқаро негизи ҳам кенгайди. Совет кишиларининг бошқа мамлакатлар меҳнаткашлари билан интернационал алоқаларини чуқурлаштириш ва янада кенгайтириш учун янги шарт-шароит, янги имкониятлар юзага келди.

Мустамлака Шарқидаги мазлум халқлар Октябрь революцияси таъсири остида уйғонганлиги муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу нарса уларнинг озодлик ҳаракатидаги ролинини гоёт кучайтириб юборди, коммунистлар олдига миллий масала бўйича марксча-ленинча стратегия билан тактикани янада чуқурроқ ишлаб чиқиш вазифасини кўндалаинг қилиб қўйди. «Биз,— деб таъкидлаган эди Ленин,— ҳақиқатан ҳозир барча мамлакатлар пролетарларининг вакиллари бўлибгина эмас, эзилган халқларнинг вакиллари бўлиб ҳам майдонга чиқмоқдамиз... Коммунистик Интернационал — Шарқ халқлари учун «Бутун дунё пролетарлари ва эзилган халқлар, бирлашингиз!» деган шioriни эълон қилди».¹ Миллий озодлик кучлари революцион жараёнга фаоллик билан қўшилган, социализм, халқаро пролетариат ҳамда мустамлакачиликка қарши кураш ҳаракатида бирлик юзага кела бошлаган янги тарихий шароитда бу даъватда халқаро бирдамлик гоёси аниқ ифодасини топди. Уч революция оловларида тобланган, Октябрь ғалабаларини сақлаб қолиш учун курашда, граждандар ва Улуг Ватан урушларида Ватанимизнинг асл фарзандлари тўккан қон билан мустаҳкамланган, социализм қуриш йўлида биргаликда олиб борилган курашларда чиқиққан Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи энг муҳим омиллардан бирига айланди, социалистик давлатимизнинг куч-қудрати манбан, коммунизм ғалабасининг тобора яқинлаштираётган буюк куч бўлиб қолди.

3

СССРда социализм қурилиши тарихи пролетар интернационалиизми ҳақидаги марксча-ленинча таълимот қан-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42-том, 83-бет.

җалик ҳаққоний ва ҳаётний экашлигидан ёрқин далолат беради. Социалистик қурилиш мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг умумий куч-гайратлари эвазига амалга оша борди. Коммунистик партия Октябрь революцияси ғалаба қозонган дастлабки кунлардан бошлабоқ миллий масала бўйича ленинча программ талабларни рўёбга чиқаришга киришдики, улар барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган эди. Айни бир пайтда юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлишликнинг ўзи ҳали етарли эмаслиги партияга аён эди. Социалистик йўлдан борган ҳолда халқлар биргаликда ва уйғун равишда социал-иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётга эришган тақдирдагина ўртада ишончсизликка бутуилай барҳам берадиган чинакам қардошлик муҳити юзага келиши мумкин эди.

Ленинча социализм қуриш планда мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни амалга ошириш ҳамда миллий масалани одилона ҳал этиш асосий йўналишлар сифатида белгилаб берилган. Илгари қолюқ бўлган чекка миллий ўлкаларни иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий жиҳатдан жадал ривожлантиришга, уларнинг капиталистик босқични четлаб, социализмга ўтишига эришни йўлидаги партия сиёсати алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Улуғ рус халқи ҳамда мамлакатимиздаги бошқа халқлар кўрсатган жуда катта, ҳар томонлама ва бегараз ёрдам туфайлигина бу ўлкалар капиталистик босқични четлаб, социализмга ўтиб олдилар.

Маълумки, чор Россияси даврида халқи жаҳолат ва қолюқликка маҳкум этилган республикаларга Лениннинг таклифи билан фабрика ва заводлар топирилди, мамлакатнинг бошқа жойларидан ўша ўлкаларга инженер-техник ходимлар, малакали мутахассислар, энг яхши ишчи кадрлари юбориб турилди.

Қаҳрамонона социалистик индустрлаштириш йиллари ўрта Осиё республикалари қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Бу республикаларда катта-катта замонавий шахарлар — муҳим саноат ва маданият объектлари барпо этилди, йирик-йирик маталлургия, тоғ саноати, оғир саноат корхоналари қад кўтарди, темир рудаси, рангли ва подир металллар, нефть ва газ, химия материаллари ва кўмир конлари очилди.

Индустрлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш учун мустаҳкам негиз яратилди. Россиянинг марказий районларидан фарқли

Ўлароқ, Ўрта Осиёда коллективлаштириш жараёни жуда кўн ўзига хос томонларга эга бўлиб, гоят мураккаб вазиятда кечди. Ўша пайтларда ҳам мавжуд бўлган феодал ва ҳатто патриархал-уруғчилик мuposабатларининг қолдиқлари социализмга ўтиш йўлида жиддий ғов бўлди. Ёшасига коллективлаштиришга ўтиш учун аввало бунга шарт-шаронт яратиб, кўприк вазифасини ўтайдиган тадбирларни амалга ошириш лозим эди. Хусусан, партия дастлаб ер-сув ислоҳотини амалга оширдикки, бу нарса енифий кучларнинг янги ижтимоий тузум фойдасига ҳал бўлган қайта тақсимотида жуда муҳим роль ўйнади.

Маданий революция қолоқлиқни тугатиш борасида қудратли омил бўлди. Партия маданий революциянинг асл моҳияти одамларнинг маънавий ҳаётини тубдан ўзгартиришдан, барча маданият бойликларини халқ мулкига айлантиришдан иборат, деб билди. Меҳнаткашлар билим чашмаларидан, мамлакат ҳамда жаҳон фани, адабиёт ва санъати хазиналаридан баҳраманд этилганлиги, ижтимоий онгда илмий коммунизм ғоялари қарор топганлиги Советлар мамлакатидаги барча халқларнинг маънавий ва ахлоқий равнақи учун чексиз имкониятлар яратиб берди.

Ўрта Осиёда маданий қурилиш бошланганида аҳолининг асосий кўпчилиги саводсиз эди. Гарчи бизнинг халқларимиз орасида ўтмишда Абу Али ибн Сино, Беруний, Форобий, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Алшшер Навоий, Улуғбек, Махтумқулл, Муқимий ва Фурқат сингарл кўплаб ажойиб олимлар, мутафаккир ва шоирлар етишиб чиққан бўлса-да, илм-фан ва маданият чўққиларидан кенг халқ оmmasи бебаҳра эди. Маданий қурилишни авж олдириш, маориф савиясини, кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш йўлида озмунча куч-ғайрат сарфланмадим! Мамлакатимизнинг энг йирик марказларида жойлашган олий ўқув юртларида миллий республикалар, миллий область ва миллий округлардан келган жуда кўплаб кишилар таълим олишди. Республикаларнинг ўзида ҳам ўнлаб университет ва институтлар ташкил этилди. Партия продаси билан социалистик маданий революция энг узоқ ва энг чекка ўлкаларни ҳам қамраб олди.

Маданий революция жараёнида рус тили миллатлараро алоқа воситаси сифатида улкан аҳамиятга эга бўлди. Рус тилининг ўқитилиши ва кенг тарқатилиши натижасида миллионлаб меҳнаткашлар жаҳон фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлдилар. Ана шу бебаҳо хазина негизда шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт

ва санъат шаклланди. Бу адабиёт ва санъат ўтмишдаги прогрессив анъаналарга суялган ҳолда СССРдаги қардош халқлар маданиятини ўзлаштириб, уни бойига борди, социалистик реализм позицияларидан туриб совет турмуш тарзини акс эттирди. Адабиёт ва санъатга хос бўлган интернационал моҳият, ижодий тажрибалар билан ўзаро алмашувлар Ўрта Осиё республикаларида бадиий ижодда янги форма ва турларнинг шаклланишига самарали таъсир кўрсатди. Бу республикаларда бир талай истеъдодли ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, архитекторлар, кино ва театр ходимлари етишиб чиқди. Ўрта Осиё республикалари маданият арбоблари партиянинг доимий эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган ҳолда кўнгина ажойиб, халқ учун зарур асарлар яратдилар. Юксак гоёвийлик ва партиявийлик руҳи билан суғорилган бу асарларда коммунистик бунёдкорлик пафоси ёрқин акс эттирилади, совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати тараннум этилади.

Ўрта Осиёда амалга оширилган маданий революция тажрибаси олижаноб пролетар интернационалиزمи принциплари совет халқларининг маънавий ҳаётига амалда қандай сингиб борганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Партиянинг доно сиёсати туфайли жамиятнинг янги социал таркиби қадам-бақадам шакллана борди. Бир вақтлари қолақ бўлган Туркистон ишчилар синфи Совет ҳокимияти йилларида жуда катта кучга айланди, барча меҳнаткашларни бузилмас иттифоқ теварагига жипслаштирди, мустахлак — феодак ўтмишдан қолган эскилик сарқитларидан қутулиш, энг илғор, марксча-ленинча идеология билан қуролланиш, янги совет турмушини яратиш бобида уларга яқиндан ёрдам берди.

Фашизм очган уруш натижасида халқимиз бошига тушган ниҳоясиз оғир кулфатлар, чексиз қайғу-алам ва қийинчиликлар амалий пролетар интернационалиزمи учун, мамлакатимиз халқларининг мустахлак дўстлиги, уларнинг юксак маънавий-сиёсий фазилатлари учун жиддий синов бўлди. Бу — давлат тузумимиз учун ҳам синов эди, бинобарин совет кишилари бу синовдан шараф билан ўтдилар. Уруш жаҳон империализмининг: социалистик давлат барбод бўлади, миллий адоватлар яна бош кўтарди, деган пуч хаёлларини чинпақка чиқарди. Улуғ рус халқи, Совет Иттифоқида яшовчи барча миллатлар ва элатлар партиямиз теварагига, унинг Марказий Комитети теварагига янада кучлироқ жипслашдилар, Ватани мар-

дона ҳимоя қилган ҳолда мустаҳкам бирликларини намойиш этдилар.

Ўзбек халқининг фарзандлари ҳам барча совет халқлари, барча қардош республикалар вакиллари билан бир сафда туриб, немис-фашист босқинчиларига қарши мардонавор курашдилар.

Бутун совет халқи қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари фашизм устидан тезроқ ғалаба қозониш йўлида фронт ичкарасида ҳам шижоат кўрсатдилар. Уруш йилларида республика юзлаб йирик саноат корхоналарини, фан ва маданият муассасаларини ўз территориясига жойлаштирди, мамлакатнинг фронтга яқин районларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан ортиқ кишини, шу жумладан юз минглаб болаларни бағрига олди. Ўзбекистон фронтга қурол-аслаҳа, ўқ-дорн, озиқ-овқат, кийим-кечак ва нойафзал етказиб турди, фашист босқинчиларидан озод қилинган районларга тракторлар, автомашина ва комбайнлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари юборди. Ўзбек халқининг чинакам интернационалиزم, унинг халқлар ўртасидаги муқаддас дўстликка бўлган садоқати мана шу ишларида ўзининг яққол ифодасини топди.

Урушлар пачида узоқ ва энг оғир кечган бу урушда совет халқи инсоният тарихида мисли кўрилмаган жасорат намойиш қилди. «У ўз озодлиги ва мустақиллигини сақлабгина қолмай, Европа ва жаҳон цивилизациясини ёввойи фашистлар чангалидан қутқариб қолиш ишига ҳам ҳал этувчи ҳисса қўшди», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» чиқарган қарориди.

Ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг буюк интернационал жасорати мамлакатимиз халқларини улук марксизм-ленинизм идеаллари йўлида фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирди, меҳнаткашлар қалбида дўстлик ва қардошлиқ, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационалиزم туйғуларини алангалатиб юборди. Бу туйғулар алангасига ҳеч қандай бўронлар бас келолмайди, унинг қудратбахш ёлқини кўпмиллатли Советлар мамлакати халқларининг коммунизм сари йўлида машғал бўлиб порлайверади.

4

Мамлакатимизда ривожланган социализм жамияти қурилганлиги совет халқи фидокорона бунёдкорлик меҳнатининг бош самарасидир. Бу жамият эса ишлаб чиқаришда сифат жиҳатидан мутлақо янги даража ва кўлам-

ларга эришилганлиги, илмий-техника революцияси ютуқлари социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан пайвандлашиб кетганлиги, эконимкани юксалтиришнинг интенсив усулларига яна ҳам кўпроқ мурожаат қилинаётганлиги билан характерланади. Бу эса коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиб, социалистик ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, бу муносабатларнинг секин-аста коммунистик муносабатларга ўсиб ўтиши билан боғлиқ бўлган вазифаларни бевосита ҳал этишга имкон бермоқда. Меҳнаткашларнинг мустаҳкам социал ва гоивий-сиёсий жинслиги, уларнинг социалистик Ватанга, олижаноб коммунистик идеалларга ишбатаи чексиз садоқати — булар етук социализм учун хос бўлган нарсалардир. Мамлакатимизда етук социализм қурилганлиги меҳнаткашлар ўртасидаги интернационал ҳамкорлик традицияларининг янада чуқурлашини ва бойишига олиб келди. «Бу жамият — етук социалистик ижтимоий муносабатлар жамияти бўлиб, унда барча синфлар ва социал табақаларнинг ўзаро яқинлашуви, барча миллатлар ва элатларнинг юридик ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди», дейилади СССР янги Конституциясида.

Мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар, барча республикалар, ўлка ва областлар шу даражада чинакам қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам намуналарини кўрсатишдики, биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Днепрогэс ва Турксиб темир йўли, Катта Фарғона канали ва Комсомольск — Амур, Қозоғистон ва Мирзачўлда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, Тошкентнинг қайта тикланиши, Байкал — Амур магистрали ҳамда КамАЗ қурилиши — буларнинг барчаси совет социалистик интернационализмининг ҳақиқий ва улугвор самараларидир.

Совет халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кўлами гоит кенг. Советлар мамлакати меҳнаткашлари хўжалик қурилиши соҳасида ўз куч-гайратларини жинслантирмоқдалар. Бир республикадан бошқа республикаларга ёки аксинча бошқа республикалардан бир республикага етказиб берилаётган маҳсулотлар миқдори йилдан йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз халқлари ўртасидаги интернационал ҳамкорликнинг турфа қирралари ҳақида гапирганда совет кишилари кўпмиллатли саноат корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, турли муассасаларда ёнмаёқ туриб меҳнат қилаётганликлари қанчалик муҳим аҳа-

миятга эга эканини таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳонажон Ватан бахт-саодати йўлидаги худди ана шу кундалик меҳнат фаолиятида, ялли социалистик мусобақа жараёнида одамлар ўртасида янгича муносабатлар, совет кишисининг янгича психологияси шаклланиб бормоқда.

Бизнинг мамлакатимизда миллий ва интернационал манфаатлар ўртасида узилш йўқ, бу манфаатлар бир-бирига мос тушади, бир-бири билан қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам совет кишиларининг интернационалиزمи ҳаётбахш совет ватанпарварлиги билан — уларнинг қонқонига сингиб кетган ана шу туйғу билан чамбарчас боғланган.

Ватанпарварлик миллий ифтихор ҳиссини қамраб олади. Ҳозирги пайтда ватанпарварлик туйғуси янада камол топди ва янги мазмун билан бойиди. «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил этилганига ярим аср тўлган ҳозирги бир пайтда биз бу тушунча янада кенгроқ маъно касб этганлиги ҳақида, бутун халқимизнинг катта ватанпарварлик туйғуси ҳақида — совет кишисининг умуммиллий ифтихори ҳақида тўла асос билан сўз юритишимиз мумкин»¹.

Леонид Ильич Брежневнинг бу сўзларида коммунистик қурилш йўлида олиб борган курашимиз ва эришган ғалабаларимизнинг энг муҳим самараларидан бири умумлаштириб берилди. Ленинча миллий сиёсат, совет турмуш тарзи қўлга киритган чинакам буюк ғалаба бунда ўз мужассамини топди.

Социалистик тузум ғалаба қозонганлиги натижасида одамларнинг бутун ҳаёт тарзи, турмуши ҳамда дунёқараш тубдан ўзгариб кетди. Билим доираси кенг, олий идеаллар билан, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, коллективчилик, ўртоқлик ва қардошликдек олижаноб ҳис-туйғулар билан йўғрилган, ижтимоий бурчига содиқ бўлган янги инсон камол топди. Марксча-ленинча дунёқараш, коммунизм қурувчиси маънавий кодексининг юксак принциплари одамларимиз маънавий ҳаётининг асосини ташкил этмоқда, янги дунё учун курашда улар учун гоёвий қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

Лекин шунинг унутмаслик керакки, бизда ҳалигача буржуа идеологиясининг кўринишлари учраб туради, бинобарин буларга қарши актив курашмоқ зарур. Ҳамиятимиз ичида социализмга қарши бўлган лоақал бирор-та куч топилса, душманларимиз беҳад қувонган бўларди.

¹ Д. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, 99-бет.

Ана шундай куч йўқлигини кўрганда кейин ёлгончи буржуа пропагандасига диссидент деб аталмиш бир ҳовуч манфурлар, яна аниқроғи, антисоветчилар, империализм малайлари ёхуд жосуслари, табиийки, қўл келиб қолади. Бундай шахсларнинг хатти-ҳаракати совет халқининг қаттиқ қаҳрига учрайди, кенг жамоатчилик уларга нисбатан қонунда кўзда тутилган энг қатъий чоралар кўришни талаб қилиб чиқади. Бизнинг революцион бурчимиз — Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиш олдидаги, совет ватанпарварлиги олдидаги бурчимиз ҳам ана шундай иборатдир.

Совет жамияти кенг меҳнаткашлар оmmasининг онглилиги ва жишслиги туфайли, партия ва халқнинг мустаҳкам бирлиги туфайли, СССРдаги барча халқларнинг тобора кучайиб бораётган дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами туфайли қудратли жамиятдир. Барча миллатлар ва элатлар ўртасидаги бузилмас дўстлик билан қардошлик — социализмнинг бебаҳо бойлиги, Коммунистик партия амалга ошириб келаётган социал ва миллий сиёсатнинг энг муҳим зафарларидан биридир. Бироқ бундан бизнинг мамлакатимизда эндиликда миллий тафовутлар қолмади ёки миллатлар бир-бирига қўшилиб кетди, деган гап келиб чиқмайди. Совет Иттифоқида яшовчи миллатлар ва элатлар ўз хусусиятларига, миллий характер белгиларига, ўз тилига, ўзининг энг яхши анъаналарига эга. Улар ўзларининг миллий маданиятларини янада «эксалтириш борасида ҳамма имкониятларга эга. Мамлакатимизда яшовчи миллатлар ва элатларнинг эркин ва мустақил ривожланишига оид ажралмас ҳуқуқи СССР янги Конституциясида ифодасини топган. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май (1977 йил) Пленумида «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Конституциясининг лойиҳаси ҳақида» қилган докладада бундай деган эди: «Умуман олганда лойиҳада миллий давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳал этилиши кўпмиллатли Иттифоқнинг умумий манфаатлари билан уни ташкил этувчи республикаларнинг ҳар бирига оид манфаатлар чинакам демократик асосда уйғунлашувини таъминлайди, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг ҳар томонлама равиш топгани ҳамда ўзаро муносила яқинлашиб боришини таъминлайди»¹.

Ўзбекистон индустриясининг бугунги қиёфаси энер-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 383-бет.

гетика, химия, нефть, кўмир, газ, кон-руда, металлургия, олтин қазиш, электротехника, самолётсозлик, электрон саноатлар, кўп тармоқли машинасозлик билан белгиланади. Умуман республикада саноат ишлаб чиқаришининг кўздан ортиқ тармоғи бўлиб, буларнинг тарқибда бир ярим мингта корхона мавжуд.

Совет Шарқи республикаларининг ҳозирги қишлоқ хўжалиги бу кўп тармоқли ва юксак даражада механизациялашган ишлаб чиқариш бўлиб, аввало у мамлакатнинг пахта базасидир. Ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари пахта етиштиришни муттасил кўнайтиришни, Ватанимизга тобора кўпроқ миқдорда «оқ олтин» етказиб беришни ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб биладилар. Бинобарин бу бурчни улар шараф билан адо этиб келмоқдалар.

Ўзбекистон бу олижаноб ишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Пахта етиштиришда бундан бир неча йил бурун беш миллион тонналик марра эгалланган бўлса, ўтган йили—ўзинчи беш йилликнинг учинчи йилида республика гоаят катта қийинчиликларга қарамай мамлакатга 5 миллион 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб берди. Бошқа кўп-таб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди.

Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё республикаларида аҳолининг юз фоиз саводли бўлишига эришилди, қолаверса, ҳар қайси республика аҳолисининг ярмини олий ва ўрта (тўла ва тўлиқсиз) маълумот эгалари ташкил этади. Биргина бизнинг республикамизда ҳозир 20-йиллар охирида бутун Совет Иттифоқи халқ хўжалигидагига қараганда анча кўп олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар меҳнат қилмоқда. Ўрта Осиёдаги барча иттифоқдош республикаларда Фанлар академиялари ташкил этилган. Бу академияларда самарали меҳнат қилаётган минглаб олимлар совет ва жаҳон фани ривожига, илмий-техника тараққиётига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев 1972 йил, октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «СССРда социалистик ўзгаришлар тажрибаси ва унинг халқро аҳамияти» халқро конференцияси қатнашчиларига йўллаган табрикномасида бундай деган эди: «Кўпмиллатли, ягона Совет социалистик давлатини барпо этишдаги тажрибамиз бутун дунёда эътироф қозонди, у социал ва миллий озодлик йўлида курашаётган барча кинишларга мадад бўлмоқда, уларнинг кучига куч бағишламоқда. Эркин халқларнинг давлат иттифоқини барпо этишдан иборат ленинча принциплар—барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги,

миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, уларнинг ихтиёрий тарзда бирлашуви ва жишешлашуви ва назарда тутувчи бу принциплар тарихий тараққиёт жараёнида тўла синовдан ўтди, улар халқларнинг империализмга қарши озодлик кураши кенг авж олишига самарали таъсир кўрсатмоқда».

Сийёсий мустақилликка эришган собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларидаги халқ оммаси ҳаёт тақозо этувчи мураккаб социал муаммоларни ҳал қилишга уринаётган ҳозирги бир пайтда бу тажрибани ўрганишга рағбат ниҳоятда ошиб кетди. Ривожланаётган ёш давлатларининг прогрессив кучлари шунга амн бўлмоқдаларки, тараққиётнинг бирдан-бир тўғри йўли — бу социалистик ривожланиш йўлидир.

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатлар адолатли хоҳиш-продаларини рўёбга чиқариш, империалистик эксплуатациядан батамом халос бўлиш, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эриниш йўлидаги курашда ривожланаётган мамлакатларга ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқдалар.

Бошқа республикалар қатори Совет Ўзбекистони ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг озодликка эришиб, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ёш мамлакатларига ҳар жиҳатдан кўмаклашиб келмоқда. Халқ хўжалигининг минг-минглаб мутахассислари жаҳоннинг 48 мамлакатида саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини қуриш, юқори малакали миллий ишчи кадрлар тайёрлашда қатнашмоқдалар. Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 63 мамлакатдан келган икки мингга яқин студент таълим олмақда. Осиё ва Африкадаги қатор давлатларнинг мутахассислари республикамизнинг кўпгина олий ўқув юртларида ҳамда илмий-текшириш институтларида малака оширмоқдалар, аспирантурада ўқимоқдалар.

В. И. Ленин бизнинг мамлакатимиз, шу жумладан Совет Шарқи республикалари Осиё ва Африка мамлакатларида Октябрь революцияси гояларининг тарқалишида маёқ бўлиб хизмат этади, деб башорат қилган, «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» номли хатида эса шу ўлка халқлари билан тўғри муносабат боғлаш «ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир»¹, деб таъкидлаган эди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 349-бет.

Тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб, социализмга ўтиб олган ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз ва бошқа совет халқларининг катта ва ибратли тажрибаси марксчи-ленинчиларга ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий тараққиётнинг йўллари ва шакллари ҳақида муҳим назарий хулосалар чиқариш имконини бермоқда.

5

Ҳозирги даврда жаҳон революцион жараёнининг чуқурлашуви дунё миқёсида кучлар нисбати ўзгарганлиги билан характерланади. Реал социализмнинг куч-қудрати империализм ва реакцияга қарши, янги мустамакачилик ва ирқчиликка қарши курашда ишчилар синфи, попролетар меҳнатқашлар оммаси, эзилган миллатларнинг имкониятларини ошириб юборди. Октябрь революцияси таъсирида юзага келган коммунистик партияларнинг маъқеи ниҳоятда мустаҳкам бўлиб қолди, давримиздаги барча революцион кучларнинг ҳаракат бирдамлиги кўламини кенг қулоч ёйди.

Демократик ва антиимпериалистик кучлар ўртасидаги кўп қиррали ўзаро муносабатлар системасининг асосий маъзини ташкил этувчи омил — пролетар интернационализи идеологияси билан сиёсатининг ҳаракат доираси янги тарихий шароитда ғоят кенгайиб кетди.

Қардош социалистик давлатлар ҳамдўстлиги пролетар интернационализи тараққиётида Октябрь революциясидан кейин қўлга киритилган энг муҳим галаба, сифат жиҳатидан мутлақо янги босқич ҳисобланади. Коммунистик партияларнинг мустаҳкам жанговар иттифоқи, уларнинг дунёқарашлари ва мақсадларидаги бирлик, марксизм-ленинизм ҳамда интернационал бирдамлик принципларига асосланган ҳар томонлама ҳамкорлик, тенг ҳуқуқчилик ва суверенитетни ҳурмат қилишлик, ўртоқларча ўзаро ёрдам — булар социализм мамлакатларини жишлантириб келаётган энг муҳим омиллардир.

Бу мамлакатлар халқлари ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзаро иқтисодий ёрдам доирасида амалга оширилаётган ҳар томонлама ва кенг миқёсдаги иқтисодий, илмий-техника ҳамда маданий ҳамкорлик, хўжалик соҳасидаги кооперация ва интеграция, тинчлик учун кураш йўлида биргаликда кўрилаётган йирик-йирик чора-тадбирлар шу дўстликнинг мустаҳкамланишига ёрдам бермоқда. Қолаверса, ҳаётнинг ўзи социалистик давлатлардан ташкил топган аҳил ва тенг ҳуқуқли бу катта

онла ичидаги интернационал ҳамкорликнинг янги-янги формаларини келтириб чиқармоқда. Хусусан, ягона мақсад ила руҳланган миллионлаб янги дунё ижодкорлари ўртасида бошланган халқаро социалистик мусобақа бу ҳамкорликда сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичдир. Бу ташаббуснинг аҳамияти катта, унинг келажаги порлоқ.

Социалистик давлатларнинг суверенитети равнақ топиб, мустақамланиб бориши билан бирга айни пайтда уларнинг сиёсати, экономикаси ва социал ҳаётидаги муштарақ жиҳатлар тобора кучайиб бораётганлиги яққол сезилмоқда, тараққиёт даражалари бир-бирига тенглашиб бормоқда. Социализм мамлакатлари изчил суратда ўзаро яқинлашиб бораётганлигидан иборат бўлган бу жараён бир қонуният сифатида аниқ намоён бўлмоқда. Ишчилар синфига хос бўлган интернационализм, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардош партияларининг мувофиқлаштирилган сиёсати ушбу жараён негизини ташкил этади.

Ленин «Коммунистик интернационалнинг II конгрессига тезислар» асарида социалистик революция ва пролетариат диктатураси лоақал бир неча илғор мамлакатда галаба қозонса, улар бутун жаҳон сиёсатига ҳал этувчи таъсир ўтказишга қодирдир, деб таъкидлаган эди. Социализм дунёси капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфига, меҳнаткашлар оmmasига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, революцион онларининг ўсишига ёрдам бермоқда, уларни реакция ва империализмга қарши, янги мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши фаол курашга чорламоқда.

Пролетар интернационализмни жаҳон антифашистик ва антиимпериалистик бирдамлик ҳаракатида ажратиб бўлмайди. Чинакам революцион ва интернационалистик позицияларда турган халқаро ишчилар синфи ҳар қандай реакцияга қарши, тинчлик учун, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашда асосий, ҳал қилувчи кучдир.

Октябрь ғояларининг таъсири остида, марксча-ленинча назария кенг тарқалганлиги натижасида ишчилар бирдамлигидаги стихиялилик аллақачон бартараф этилди. Бу — ишчилар ҳаракатининг дастлабки босқичларига хос нарса эди. Социализм эришган галабалар ҳамда коммунистик партияларнинг ғайрат-шижоати туфайли интернационализм ҳозирги пайтда онгли ва уюшқоқ антиимпериалистик курашда қудратли омилга айланди. У замонанинг

қудратли революцион кучи бўлиб қолди, унинг принциплари жуда кенг халқ оммаларига етиб борди. Марксист-ленинчилар келажакда у тўла тантана қилишининг муҳим гарови ҳам худди шунда, деб билдилар.

КПСС ва бошқа қардон партиялар фаолияти пролетар интернационализмнинг жозибадор кучини оширишга, унинг принциплари бутун жаҳон революцион жараёнига самарали таъсир кўрсатишга ёрдам бермоқда. Партия-мизнинг капиталистик ҳамда ривожланаётган мамлакатлардаги сўл социалистик ва революцион-демократик партиялар ҳамда танкилотлар билан алоқалари тобора мустақамлашиб бораётганлиги ҳам шундан яққол далолат бериб турибди. КПСС ва мазкур партиялар чинакамига тенг ҳуқуқлилиги асосида революцион кураш, халқ оммасини уюштириш ҳамда сиёсий ўқитиш, социал ўзгаришларни амалга ошириш тажрибалари билан ўртоқлашиб келмоқдалар. Шунингдек, улар халқаро миқёсда мувофиқлаштирилган тарзда катта-катта чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги давр тарихий тажрибаси шу нарсадан кўплаб далолат бермоқдаки, нопролетар табақаларнинг илгор вакиллари, ижтимоий келиб чиқишлари қандай эканлигидан қатъий назар, интернационализм баёроғи остида жинсланимоқдалар, сўзда эмас, амалда улуг революционерлар армияси сафларини тўлдирмоқдалар. Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан пролетар эмасу, лекин ўзи прогрессив демократик эътиқод эгаси бўлган одамлар томонидан интернационализм гояларининг ҳолисани қабул этилиши пролетариат ёки пролетариат партиялари синфий мустақиллигининг бирор даражада камситилишига ёхуд бирор бир марксист-ленинчи қонун-қондавинг қайта кўриб чиқилишига олиб келмайди, албатта. Бу ерда меҳнаткаш аҳолининг, зиёлиларнинг бир талай оммаси ишчилар синфи етакчилигидаги антиимпериалистик позицияларга ўтиб турганлиги натижасида ҳозирги шароитда интернационализмнинг ижтимоий асослари кенгайиб бораётганлиги ҳақида гап кетяпти.

Афтидан, пролетар интернационализмнинг собиқ ва ҳозирги танқидчиларига ёқмаётган нарса шу бўлса кераки, худди ана шу ишчилар синфи «буржуа жамиятдаги синфлардан бири сифатида роль ўйнамасдан, балки гегемонлик, яъни раҳбарлик, етакчилик, йўлбошчилик ролини ўйнайди,— деб ёзган эди Ленин.— ...Ҳаракатда юзага келадиган сиёсий гоялар умумхалқ характерига эга бўлади, яъни бутун мамлакатдаги сиёсий ҳаётнинг асосий,

энг туб шароитларига бориб тақалади»¹. Бунинг маъноси шундаки, пролетар интернационализи идеологияси ва сиёсати давримиздаги барча революцион кучлар бирдамлигининг негизини ташкил этади.

Бизнинг партиямиз ҳар бир марксни-ленинчининг муқаддас бурчи революцион фаолиятнинг ҳаёт синобидан ўтган энг муҳим принципи сифатида пролетар интернационализи қимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан иборатдир, деб ҳаминша ҳисоблаб келди ва шундай деб ҳисоблайди. «Жаҳон революцион ҳаракатининг бутун тараққиёти шундан далолат берадики, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» чиқарган қарориди, — марксизм-ленинизмнинг пролетар интернационализи муштарак принципларига риоя қилишлик, — бу ҳар бир Коммунистик партия мавқеларини мустаҳкамлашда, унинг обрў-эътибори ва таъсирини ошириш, ўз мамлакати ишчилар синфи олдидаги вазифасини ҳамда интернационал бурчинини муваффақиятли бажаришида гоаят муҳим омилдир».

Пролетар интернационализи — бу аввало ниҳоятда аниқ, равшан ва принципиал синфий позициядир. Бу — революцион пролетариат билан унинг марксни-ленинчи партиялари идеологияси ва сиёсатидир. Ушбу партияларга ижтимоий тараққиёт қонуниятларини илмий тарзда чуқур тушуниш фазилати хос бўлиб, улар жаҳон тарихий жараёнининг илмий назарияси билан қуроллангандир.

Интернационал бирдамлик янги-янги шаклларда бўлиб ва ривожланиб бораётган, унинг тадбиқ соҳалари янада кенгайётган экан, бундан пролетар интернационализи эскириб қолди, энди унинг принципларини ҳар қалай қайтадан кўриб чиқиш ёки тубдан ўзгартириш керак, деган гап асло келиб чиқмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездидаги докладыда пролетар интернационализи принциплари ҳозирги шароитда мустаҳкам барқарор эканлигини таъкидлаб, бундай деган эди: «Ҳозирги вақтда пролетар интернационализи муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни нётар эдик. Бу — марксизм-ленинизмнинг асосий принципларидан биридир. Афсуски, баъзи кишилар уни шундай бир тарзда талқин эта бошлайдиларки, натижада интернационализмдан амалда деярли ҳеч нарса қолмайди. Шундай арбоблар ҳам топиладикки, улар интернационализмдан

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 21-том, 364-бет.

воз кечишни ҳатто ошкора таклиф қиладилар. Уларнинг фикрига кўра Маркс билан Ленин асослаб берган ва ҳимоя қилган интернационализм гўё эскириб қолган эмиш. Бизнинг нуқтан назаримизда эса пролетар интернационализмдан воз кечиш компартиялар ва умуман ишчилар ҳаракатини қудратли ва синалган қуролдан маҳрум этиш бўлар эди. Бу синфий душманга яхши хизмат қилиш бўлур эдики, бу душман, кези келганда айтиб қўйиш керак, халқаро миқёсда ўз антикоммунистик ҳаракатларини фаол суратда мувофиқлаштириб туради. Биз, совет коммунистлари, пролетар интернационализмининг ҳимоя қилишни ҳар бир марксни-ленинчининг муқаддас бурчи, деб ҳисоблаймиз»¹.

Ушбу принциплар ўринга ғализ ва мужмал гапларни қалаштириб, бу принципларни ислоҳ қилишга ёки улардан бутунлай воз кечишга уринаётган, Лениннинг таъбири билан айтганда, интернационалистик ижод боғида кўнгилхушлик қилиб, ишчилар синфининг революционлигига истар-истамас шубҳа туғдиришни яхши кўрадиган шахсларга нисбатан марксни-ленинчиларнинг жавоби аниқ ва равшандир. Ревизионистик даъволарнинг кўзбўямачилик моҳияти мутлақо аниқ кўриниб турибди, зотан дунёни социалистик тарзда қайта қуриш учун курашда ишчилар синфи демократияни, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, меҳнаткашларнинг ижтимоий тараққиёти ва туб манфаатларини изчил ҳимоя қилиб келмоқда. Интернационализм учун ижтимоий негиз тобора кенгайиб бораётганлигидан иборат жараён бу интернационализмининг тор миллий қолипга солиб қўйишлик ёки эса пайдо бўлаётган муаммоларини тор манфаатлар доирасида тушунишлик деган гап эмас, балки, аксинча, у империализмга ва реакцияга қарши курашаётган илгор муборизларни жаҳон революцион жараёнини ҳаминча бир бутун ҳолда назарда тутувчи марксни-ленинча синфий онглилик даражасига кўтаришни тақозо этади.

Шу нуқтан назардан қараганда революцион кучларнинг ва аввало коммунистик партияларнинг стратегияси билан тактикасида миллийлик ҳамда интернационалиكنи тўғри қўшиб олиб боришлик ҳозирги шароитда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Мураккаб ва зиддиятли вазият вужудга келаётган ҳозирги даврда бу нарса айниқса муҳимдир. Бир томондан, халқаро кескинликни юмшатиш сари бурилиш бошланди, халқаро муносабатларнинг бутун системасини

¹Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 5-том, 543—544-бетлар.

Қайта қуриш учун, планетанинг сиёсий иқлимни соғломлаштириш учун кураш авж олмоқда. Иккинчи томондан, қуролланиш пойгаси давом этмоқда. Баъзи жойларда фашизм яна бош кўтармоқда. Капитализмнинг ижтимоий антагонизмлари кескин тус олмоқда. Ана шундай шароитда интернационал бирдамлик принципларидан заррача чекиншига йўл қўйилса, бу нарса меҳнаткашларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари йўлидаги курашига зарар етказиши муқаррардир.

Ҳозирги замон империалистик буржуазияси янгича муҳитга мослашган ҳолда ўзининг контрреволюцион сиёсатини бошқача қилиб қуришга уринмоқда. Халқаро ишларда империалистик давлатлар ўз хатти-ҳаракатларини маълум даражада мувофиқлаштиришга уринаётганликлари сезилиб турибди. Чили, Ангола ва бошқа мамлакатлардаги демократик режимларга қарши қаратилган қўпоровчилик ҳаракатлари шундан далолат беради. Реакцион кучлар ҳозир бутун дунё бўйлаб авж олдирган антикоммунистик ва антисовет васваса ҳам шунини кўрсатиб турибди. Кейинги вақтларда юз берган воқеалар империализм даврида «интернационал кўламда бирлашган капитал билан интернационал ишчилар ҳаракати ўртасидаги антагонизм биринчи ўринга»¹ қўйилиши ҳақида Ленин айтган фикр қанчалик тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ана шу антагонизм чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда тинчлик учун, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётган кучларнинг ягона фронтини империализм стратегиясига қарши таъсирли ва самарали ҳаракат қилиши мумкин.

Халқаро кескинлиkning юмшатилиши империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашда қўшимча имкониятлар яратиб бераётган бир шароитда революцион кучларнинг жипслашуви айниқса муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ҳақидаги Ленин концепцияси барча халқларга қонли урушлар гирдобидан — эксплуататорлик тузуми уларни дучор қилиб келган шу қонли гирдобдан қутулишининг, янги жаҳон урушини олдини олишининг ягона тўғри йўли шу эканлигини кўрсатиб турибди.

Кўп йиллик машаққатли меҳнатлар эвазига қўлга киритилган жараён — кескинлиkning юмшатилиши жараёни улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган омилдир. Лекин сиёсий олишув диалектикаси шундан иборатки, революцион

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 25-том, 303-бет.

омма энг катта зафарларга эришган айни бир пайтда душман кучлар уларнинг социализм сари йўлида тўғаноқ бўлишга жон-жаҳди билан уринади. Қатор империалистик давлатларнинг реакцион доиралари худди шу кейинги наитларда кескинликни юмшатишга қарши кампания бошлаб юборганлиги бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда мухолифларимизнинг нима сабабдан тинч-тотув яшаш, кескинликнинг юмшатилиши эксплуатацияга қарши курашга халақит беради, бу билан оммани чалғитиб қўяди, деб зўр бериб меҳнаткашларни аврашга уринаётганликлари ҳам батамом тушунарлидир. Бундай даъволар қанчалик ёлғон эканлиги ўз-ўзидан равшан. Тарихий воқеликнинг ўзи шундан далолат берадики, халқаро миқёсда кескинликнинг юмшатилиши революцион жараёни секинлаштириш у ёқда турсин, балки аксинча, унинг кенг қулоч ёйишига ёрдам беради.

Айни шу кескинликнинг юмшатилиши шароитида халқаро ишчилар синфи ҳамда миллий озошлик кучлари олиб бораётган курашнинг турли жабҳаларида янгидан-янги улкан ғалабалар қўлга киритилди. Вьетнам, Лаос, Кампучия, Ангола, Эфиопия, Мозамбик, Афғонистон ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қатор бошқа мамлакатлар халқларининг тарихий ғалабалари шундан яққол далолат беради. Муболағасиз айтиш мумкинки, фақат ҳалокатли қуролланиш пойғасини чеклаш, ҳарбий бюджетларни тинч бунёдкорлик мақсадларига буриб юбориш, ҳарбий базаларни тугатиш, коллектив хавфсизлик регионларини юзага келтириш, яъни тинч-тотув яшаш принциплари асосида тинчликни мустаҳкамлаш йўллари орқалигина мустамлакачилик қарамадан қутулган мамлакатларнинг асосий кўпчилиги олдидан кўндаланг бўлиб турган энг долзарб социал-иқтисодий муаммоларни тезроқ ҳал этишга имкон туғилади.

Коммунистлар барча революцион кучлар жипслигини мустаҳкамлаш йўлида тинмай курашиб келмоқдалар, бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, жаҳон империализмни асосан уларни бўлиб ташлашга, бирини иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйишга умид боғламоқда. Антикоммунистик ва антисовет хуружлардан қутилган мақсад социализм мамлакатлари ўртасига раҳна солиш, ишчилар синфини бўлиб ташлаш, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигига путур етказиш, жаҳон революцион жараёнидаги асосий оқимларни бир-биридан яккалаб қўйишдан иборатдир.

Европадаги коммунистик ва ишчи партияларининг

Берлин конференцияси синфий душман умидларини чиппакка чиқарди. Конференцияда қабул қилинган ҳужжатда таъкидланган ва ҳамма конференция қатнашчилари томонидан яқдиллик билан маъқуланган асосий қоидалардан бирида айтилишича, коммунистик ва ишчи партиялари «ҳар бир партиянинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверен мустақиллигига қатъий риоя қилган, ички ишларга аралашмаган, прогрессив ижтимоий ўзгаришлар учун ва социализм учун курашда турлича йўллар танлаш эркинлигини ҳурмат қилган ҳолда Маркс, Энгельс ва Лениннинг улуг гоялари асосида ўзларининг ўртоқларча, ихтиёрий интернационалистик ҳамкорликлари ва бирдамликларини ривожлантираверадилар».

Бунинг эса маъноси шуки, ҳар бир партиянинг ўз мамлакатида социализм учун олиб бораётган кураши ва ўз ишчилар синфи билан халқни олдидаги масъулияти озодлик учун, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун, чиппакам демократия учун курашда барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, барча прогрессив ҳаракатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро бирдамликни мустаҳкамлашни билан чамбарчас боғланган. Бундай позиция интернационализмнинг қандайдир «инқирози» ҳақидаги уйдирма гапларни чиппакка чиқаради, у ҳозирги шароитда ижодий тарзда ривожланаётганидан далолат беради.

Имперализм идеологлари коммунистлар халқнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига гўё салбий қарашини, улар гўё «миллий ингилизм» позициясида турганликларини «исботлаш» мақсадида турли-туман даъволарни рўқач қилиб кўрсатадилар. Хўш, нима учун айни ҳозирги шароитда буржуа пропагандаси Африка ва Осиё мамлакатларидаги миллатчилик идеологиясига бунчалик қаттиқ ёпишиб олди? Бунинг сабаби шундаки, ушбу идеологиянинг асосий мақсади жаҳон социализми билан миллий озодлик кучларини бўлиб ташлашдан, буларнинг ўртасида ишончсизлик ва адоват муҳитини юзага келтиришдан иборатдир.

Бироқ буржуа миллатчилигининг тагига сув кетди — ривожланаётган мамлакатларда ҳозирнинг ўзидаёқ халқларнинг мустақиллик учун олиб бораётган кураши ижтимоий озодлик йўлидаги кураш тусини ола бошлади, бу муқаррар жараён давом этмоқда, интернационализм гоялари ушбу мамлакатларда тобора кенгроқ ёйилмоқда. Гарчи интернационализм байроғи остига тўпланаётган янги-янги кучларнинг кўплари ҳали, таъбир жоиз бўлса, ярим йўлда кетаётган бўлса-да, уларнинг сафлари тобора кеш-

гайиб бормоқда. Марксни-ленинчилар империалистнинг буржуазиянинг шовинистик миллатчилигини собиқ мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг миллий ватанпарварлик ғоялари ҳамда интилиш-мақсадларидан ҳамisha қатъий фарқлаб келдилар ва бундан кейин ҳам фарқлайдилар.

Ички, миллий жабҳаларда олиб борилаётган кураш истиқболли жаҳондаги революцион ҳаракат жараёни билан тобора кўпроқ қўшилиб кетмоқда. Унинг замирини ташкил этувчи нарса,— бу ижтимоий ҳаёт интернационаллашиб, халқаро омилларнинг аҳамияти ошиб бораётганлигидир. Янги аҳамиятга эга бўлган проблемалар: тинчлик учун кураш, халқларнинг озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, бошқа мамлакатларда империализмга қарши кураш олиб бораётган кучлар билан бирдамлик, реакциянинг стратегик режалари ҳамда тактик найрангларига қарши биргалликда ҳаракат қилиш проблемаларининг ҳар бир партия сиёсатида тутган салмоғи тобора ортиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида» чиқарган қароридан бундай деб алоҳида таъкидланади: «Ишчилар синфи, барча мамлакатлар коммунистлари умумий мақсадлар учун курашда бирдамлик кўрсатаётганликлари, улар миллий озодлик ва ижтимоий тараққиёт йўлида курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаётганликлари, тенг ҳуқуқли, мустақил қардош партиялар ихтиёрий равишда ўзаро ҳамкорлик қилаётганлиги, улар ўз сиёсатларида меҳнаткашларнинг миллий ва интернационал манфаатларини узвий қўшиб олиб бораётганликлари — амалдаги пролетар интернационалиزمни ана шундан иборат. Пролетар интернационалиزمни коммунистик ва ишчи ҳаракатининг қудратли, синалган қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Россия ишчилар синфи, Россия халқлари доҳий Владимир Ильич Ленин бошчилиқ қилган Коммунистик партия раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширдилар. Янги жамият қуришда совет халқи эришган жамики ғалабалар, халқаро коммунистик ва миллий-озодлик ҳаракатида қўлга киритилган ютуқлар, пролетар интернационалиزمни принциплари таптана қилганлиги — буларнинг ҳаммаси мангу барҳаёт Лениннинг номи билан чамбарчас боғланган. Ленинга хос бўлган ватанпарварлик, унинг ўз Ватанига, ўз халқига (шу халқ озодлиги ва бахт-саодати йўлида у умр бўйи курашиб

келди) бўлган чексиз меҳр-муҳаббати пролетар интернационалиزمи туйғуси билан йўғрилган эди. Ленининг ватанпарварлиги — пролетар илмий дунёқарашни асосида янгидан шаклланган ватанпарварлик бўлиб, интернационализмнинг юксак, энг олижаноб намунаси эди! Халқаро ишчилар синфига, барча меҳнаткашлар ва эзилган дунёга ҳеч ким Ленин сингари кўп наф келтирмаган. Унинг жамки фикр-уйлари ва ишлари шулар манфаатига қаратилган эди, у ҳамиша шуларнинг ташвиши билан яшарди. Ленин байроғи, унинг гоёлари, унинг ҳаёти бутун дунё меҳнаткашларининг иши учун курашга отланган чинакам муборизларнинг илҳом манбаидир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг жанговар штаби — ленинчи Марказий Комитет бу байроқни балад кўтариб келмоқда.

Мамлакатимизда миллионлаб меҳнаткашлар оммасининг меҳнат ва сиёсий активлиги гоёт ошиб кетди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари келажакка зўр ишонч билан қарамоқдалар. Улар КПСС ленинчи ички ва ташқи сиёсатини ҳам идроклари, ҳам қалблари билан тўла маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган ҳолда Коммунистик партия теварағига, унинг Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети теварағига янада мустаҳкамроқ жинслашмоқдалар. Барча галабаларимизнинг гарови ҳам мана шу қудратли жипслиқдадир.

Бизнинг мамлакатимиз партия тарихий режаларини, улуғ марксизм-ленинизм принципларини амалга ошира борган ҳолда коммунизмнинг тўла таптанаси сари коммунистлар билан олға интилмоқда. КПСС XXVI съездини у бутун куч-қудрати гуллаб-яшнаган, хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларида, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун кураш ишида янги-янги муваффақиятларга эришаётган бир вазиятда кутиб олмоқда. Йиллар кетидан йиллар ўтган, тарих олға қараб борган сари XX асрнинг энг муҳим воқеаси бўлган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг чинакам оламшумул аҳамияти бутун дунё вигоҳида тобора равшанроқ намоён бўлмоқда. Октябрь революцияси курашчиларини улуғ ишқибобий қаҳрамонликларга илҳомлантирган омиллар — Маркс ва Энгельснинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган жанговар даъвати, Ленин гоёлари ҳамиша барҳайт ва музаффардир.

1979 йил

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ — КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

Ленин партияси раҳбарлигида совет халқи эришган ғалабаларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Биз йил сайин, бир беш йилликдан иккинчи беш йилликка ўтган сари тобора кўпроқ шитоб билан, тобора кўпроқ куч-қудратга тўлган ҳолда коммунизм сари олға бормоқдамиз. Етук социалистик жамиятнинг моддий кучлари билан маънавий бойликлари тобора тўлароқ намоён бўлмоқда.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақият билан амалга ошираётган совет халқи чиндан ҳам битмас-туганмас, қудратли ижодий кучга эга. Бизнинг давлатимиз жамки бунёдкорлик вазифаларини бажаришга қодир давлат. Коммунистик қурилишда янги-янги марраларга дадил эришмоқлик учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Бизнинг мамлакатимиз ҳеч қачон ҳозирдагидек қудратли иқтисодий ва илмий-техник имкониятларга эга бўлмаган.

Социалистик индустрия мисли кўрилмаган чўққига эришди. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида қувонарли ютуқлар қўлга киритилди. Ишлаб чиқариш, уй-жой — коммунал ва маданий-маиший қурилишнинг кенг программаси амалга оширилди, фах ва маданият янада равнақ топди. Совет кишиларининг турмуши яна ҳам фаровон бўлиб қолди.

Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги сиёсий обрўси ва таъсир-эътибори янада кучайди. Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг ғайрат-шижоати туфайли тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда янгидан-янги қатъта ютуқларга эришилди. Буларнинг ҳаммасида КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюро, тинчлик учун кураш байроқдори ўртоқ Л. И. Брежневнинг хизматлари буюндир, булар партия XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан тинчлик Программаси изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижасидир.

Ватанимиз куч-қудрати тобора ошиб бораётганлиги совет кишиларига илҳом бағишламоқда, совет давлатида-

ги синфлар ва социал табақалар, мпллатлар ва элатларнинг маънавий-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамламоқда. «Биз кенг жабҳа бўйлаб олға қараб бормоқдамиз,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленумида.— Бизнинг мамлакатимиз шундоққина кўз ўнгимизда ўзгариб бормоқда. Қўлга киритилган ғалабаларимиз кўлами буюқдир»¹.

Аммо улкан коммунистик қурилиш истиқболлари яна ҳам улуғвордир. Бу истиқболлар партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги пленумлари қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларида аниқ белгилаб берилди, ҳар томонлама ва чуқур таърифланди.

Барча совет кинилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партиямизнинг ички ва ташқи сиёсат бобидаги чинакам ленинча йўлни қизгин маъқуллаб, жон-дилдан қўллаб-қувватламоқдалар, КПСС XXV съезди қарорларини шараф билан бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Республика меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч ярим йили мобайнида яшгидан-яшги юксак марраларга эришдилар. Саноат ишлаб чиқариши бўйича уч йиллик план муддатидан олдин бажарилди. Шу давр ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 20 процентга кўнайди, пландан ташқари эса 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Транспорт ва алоқа коллективлари беш йилликнинг уч йили топшириқларини муваффақият билан адо этдилар. Республика халқ хўжалигининг барча асосий тармоқлари план топшириқларига нисбатан илдамроқ ривожланмоқда.

Қурилиш соҳаси кенг қулоч ёйди. Республикада асосий фондлар қарийб бир ярим баравар кўпайди, 14 миллиард сўмдан кўпроқ капитал солмалар ўзлаштирилди. 60 дан ортиқ йирик саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Барча молиявий манбалар ҳисобига 16 миллион квадрат метр уй-жой, жуда кўп миқдорда мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб битказилди.

Республика партия ташкилоти қишлоқ хўжалигини юксалтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкам-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 7-том, 541-бет.

лашга алоҳида аҳамият берганлиги туфайли экономика-
нинг бу соҳасини ривожлантиришда муҳим натижаларга
эришилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг таъбири билан айт-
ганда, олтин қўлли азамат пахтакорларимиз айниқса зўр
муваффақиятларга эришдилар. Кейинги уч йил мобайни-
да улар давлатга 16 миллион 512 минг тонна пахта етка-
зиб бердилар. Республикада дон, айниқса шоли ва макка-
жўхори, мева-сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут, тухум,
пилла етиштириш анча кўпайди. Деҳқончилик ва чорва-
чиликнинг ҳамма соҳалари бўйича тайёрлов планлари
ошприб бажарилди.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида
халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият янада
ривожланди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ош-
ди, маданий даражаси яна ҳам кўтарилди.

КПСС Марказий Комитети ҳамда Совет ҳукумати Со-
вет Ўзбекистони равнақи ҳақида доимий ғамхўрлик кўр-
сатиб келаётганлиги, улуғ рус халқи, мамлакатимиздаги
барча халқлар қардошларча, беғараз ёрдам бериб турган-
лиги натижасидагина республика ишчилар коллективла-
ри, деҳқонлар, ижодий зиёлилар, барча меҳнаткашлар-
нинг фидокорона меҳнатида ана шундай саямоқли ютуқ-
ларга эришилди.

Республикамиз қўлга киритган зафарлар беқиёсдир.
Лекин бизда ечилиши лозим бўлган муаммолар, фойда-
ланилмай келаётган имкониятлар ҳам оз эмас. Халқ хў-
жалигининг барча соҳаларида ҳам ўсин суръати баланд,
деб бўлмайди, барча меҳнат коллективлари ҳам бир меъ-
ёрда, уюшқоқлик билан ишляпти, деёлмаймиз. Кўп та-
лаб қилинадиган молларни ишлаб чиқариш суръатини
ошириш, уларнинг хилини кўпайтириш ва сифатини ях-
шилаш борасида ҳали кўп ишлар қилиш лозим. Биз план
ва мажбуриятларда кўзда тутилган режаларни шараф
билан бажармоқлик учун янги-янги қувватларни тезроқ
қуриб, тезроқ ишга туширишимиз, хомашё ва материал-
лардан, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежамкорлик
билан фойдаланишимиз зарур. Хуллас, Ленин таъбири
билан айтганда, «яна ҳам олға бориб, янада кўпроқ на-
тижаларга эришиш» учун барча резерв ва имкониятлар-
ни ишга солиш талаб этилади.

Тобора мураккаблашиб бораётган хўжалик ва мада-
ний қурилиш вазифалари республика партия ташкилот-
ларининг ташкилотчилик фаолиятини кучайтиришни,
меҳнаткашларнинг иш ва сиёсий фаоллигини оширишни,
социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришни тақозо

этади. Булар эса, ўз навбатида, бутун идеология ишнини янада такомиллаштиришни, унинг таъсирчанлигини оширишни талаб қилади.

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

К. Маркс жамиятни коммунистик асосда қайта қуриш йўллариини ишлаб чиқар экан, «тарихий ҳаракат қанчалик аҳамиятлироқ бўлса, демак, шу ишга киришган омма кўлами ҳам ортиб боради»¹, деб гоят муҳим ижтимоий қонуниятни таърифлаб берган эди.

Партиямиз ва Совет давлатининг улуг доҳийси Владимир Ильич Ленин Маркс таълимотини яна ҳам ривожлантирган ҳолда ушбу қонуниятнинг бошқа бир жиҳатини очиб берди: «...биз амалга оширмақчи бўлган ўзгаришлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмақ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмақ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмақ керак»².

Совет кишисининг маънавий бойлигини тинмай ўстира бориш, идеология, тарбия иши, унинг шакллари ва усуллариини такомиллаштириш масалалари ҳамisha КПСС диққат марказида бўлиб келди. Ҳар бир совет кишисида юксак ғоявийлик, маданиятчилик, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишлик, ҳаётда фаоллик, маънавий покизалик ва жисмоний етуклик фазилатларини шакллантириш вазифаларини партия илмий асосда амалга ошириб келмоқда, айни бир пайтда партия фаолиятининг бу соҳасида изчиллик ҳамда давомийлик бўлишига эришилмоқда.

КПСС коммунистик тарбияни коммунизм учун курашнинг гоят муҳим соҳаси деб билган ҳолда иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиёт жараёни, етук социализм имкониятларидан тўла фойдалана билиш, Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсат йўлини амалга ошира бориш, унинг халқаро мавқеларини мустаҳкамлаш вазифалари идеологик, сиёсий-тарбиявий иш соҳасида эришилладиган муваффақиятлар билан тобора кўпроқ боғланиб кетаётганлигини изчил равишда назарда тутиб келмоқда.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар. 2-том, 90-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42-том, 165-бет.

КПСС XXIV ва XXV съездларининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев асарлари марксизм-ленинизм назариясига, етук социализм шароитида идеология ишининг проблемалари ва вазифаларини ишлаб чиқишга қўшилган катта ҳисса бўлди. Меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ бўлган долзарб проблемалар буларда чуқур ва ҳар томонлама ёритиб берилди. Партия XXV съезди ғоявий-сиёсий иш самарадорлигини янада ошириш лозимлигини таъкидлаб, бу мақсадга эришиш йўллари, шакл ва усуллари нимадан иборат эканини кўрсатиб берди.

Съездап кейинги давр ичида КПСС Марказий Комитети ўзининг қатор қарорларида партия, унинг ташкилотлари, идеология муассасалари тўплаган идеологик иш тажрибасини умумлаштириб, бутун тарбиявий ишни олиб боришликнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Кейинги йилларда идеология ишига оид масалалар бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциялари: меҳнат интизомини тарбиялаш ҳақида; коммунистик тарбияда ишлаб чиқариш коллективларининг роли; қишлоқларда турмуш маданиятини ошириш ҳамда тарбия воситаларини такомиллаштириш; ёшларни тарбиялаш хусусида; меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш масалалари бўйича; КПСС XXV съезди қарорлари асосида коммунистик тарбияга оид вазифаларни комплекс ҳал этиш билан боғлиқ бўлган проблемаларга бағишланган конференциялар ва шу каби бошқа тадбирлар тўпланган тажрибани умумлаштириш ва кенг жорий этишга, кадрлар малакасини оширишга ёрдам берди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги, СССР Қурулди Кучларининг 60 йиллиги кенг ишонланганлиги, СССР янги Конституцияси ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалар конституциялари умумхалқ муҳокамасидан ўтиб, қабул этилганлиги, ўпинчи чақириқ СССР Олий Советига ўтказилган сайловлар ҳамма соҳаларда халқ оmmasининг меҳнат ва сиёсий фаоллигини ошириб юборишда ғоят муҳим омил бўлди.

Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тиклапни» ва «Қўриқ» номли хотиралари халқнинг ғоявий-сиёсий, умуман бутун маънавий дунёсини фаоллаштиришда айнақса зўр аҳамиятга эга бўлди. Чинакам сиёсий допиншмадлик намунаси, партиявий раҳбарлик, ленинча иш услуби қомуси бўлган ушбу китобларда фикр-мулоҳазалар учун жуда катта имкониятлар мавжуд бўлибгина қолмай, айни бир пайтда бутун партиявий, давлат, ғоявий ва

ташкilotчилик ишларини такомиллаштиришга даъват этувчи зўр омиллар ҳам мавжуддир.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида» чиқарган қарори меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни ҳар томонлама такомиллаштириш ҳақида партия ленинча ғамхўрлик кўрсатиб келаётганлигининг ёрқин далилидир. Катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган, партия XXV съезди қарорлари мантиқан давом эттирилган ва ижодий тарзда ривожлантириб берилган ушбу ҳужжатда кишиларда коммунистик онглиликни шакллантириш бобидаги КПСС фаолияти бир бутун тарзда, изчил равишда таҳлил этиб берилган. Бу қарорда идеология ишининг объектив ва субъектив омиллари, унинг барча жиҳатлари ва қисмлари, асосий мақсад ҳамда вазифалари, моҳияти, метод ва усуллари қамраб олинган. Қарорда етук социализм жамияти имкониятларига яна ҳам кўпроқ мос келадиган сиёсий тарбия даражасига қай тарзда эришишнинг барча чоратadbирлари белгилаб берилган.

Бугунги кунда партия ташкilotлари идеология ишини кучайтириш ҳамда унинг таъсирчанлигини ошириш учун барча имкониятларга эга. Биз чуқур илмий, изчил революцион назария билан қуролланганмиз. КПСС XXIV ва XXV съезд матерпаллари, КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунистик қурилиш, ташқи сиёсат, партиянинг ташкilotчилик ва сиёсий фаолиятига оид гоят муҳим масалаларни қамраб олувчи асарлари — булар дадил ижодий фикр чақнаб турган, улкан назарий ва ташкilotчилик кучига эга бўлган ҳужжатлардир. Улар партиянинг гоёвий хазинасини кўпгина муҳим қонда ва хулосалар билан бойитиб берди, идеология ишининг назарий ва методологик негизини мустаҳкамлади. Улар коммунистларга истиқбол уфқларини очиб бермоқда, коммунистик қурилишда ҳозир ва келажакда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб олишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон партия ташкilotлари ана шу имкониятлардан кенг кўламда фойдаланган ҳолда идеология ишининг даражасини анча оширишга, унинг барча шакл ва усуллари яна ҳам самарадор бўлишига эришдилар. Бизнинг республикамизда К. Маркс, Ф. Энгельс асарлари, В. И. Лениннинг тўла асарлар тўплами, ўртоқ Л. И. Брежневнинг етти томдан иборат асарлари ҳамда замонанинг актуал проблемаларига бағишланган асарлар тўпламлари

Ўзбек, рус ва бошқа тилларда кўп нусхада нашр қилинди. Шунингдек Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган юбилей тантаналари материаллари, марксча-ленинча назариянинг барча соҳалари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республика партия ташкилотларининг идеология аслаҳахонасида ҳам одамларнинг онги ва қалбига гоёвий таъсир ўтказиш борасида матбуот, телевидение, радио, кино, маданий-оқартув муассасалари, адабиёт ва санъат сингари кўплаб қудратли воситалар мавжуддир. Бизларнинг ихтиёримизда кенг тармоқли идеология муассасалари ва ташкилотларигина эмас, балки юксак малакали идеология fronti ходимларининг кўп сонли армияси ҳам бор. Ҳозирги совет воқелигидаги шарт-шароитнинг ўзи, ривожланган социалистик жамиятдаги кўпқиррали ҳаётнинг ўзи идеология ишви янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш учун чексиз имкониятлар, гоёқ қулай вазият яратиб бермоқда.

Бизнинг партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети коммунистик қурилишга доир барча вазифаларни: коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик муносабатларни шакллантириш ва янги инсонни тарбиялаш вазифаларини донолик билан, изчил равишда, бир-бири билан узвий боғланган ҳолда ҳал этиб келмоқда. Айни бир пайтда партия коммунизм моддий-техника базасини яратиш, ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш коммунизм таптанаси учун биринчи даражали аҳамиятга эга, деб ҳисобламоқда.

«Ленин башорат қилиб айтганидек, экономика — бу партия ва Совет давлати учун бош сиёсат бўлиб, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — совет жамиятининг коммунизм сари олға ҳаракати ҳамда социалистик давлатимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеларини мустаҳкамлашда ани шу сиёсатда эришилаётган ютуқлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир»¹. Шунга кўра совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида партия асосий диққат-эътиборни социалистик экономикани интенсивлаштиришга, унинг самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратмоқда.

Коммунистик жамиятнинг моддий ва маънавий бойликлари халқ меҳнати ва ақл-заковати билан яратилади. Улуғ Ленин таълим бериб айтган эдики, «Меҳнаткаш-

¹ «КПСС XXIV съезди материаллари», Москва, Политиздат, 1974, 31-бет.

ларнинг кўпчилиги... мустақил тарихий ижод қилган тақдирдагина», одамлар «етарли даражада онглилик, ғоявийлик, фидойилик, сабот ва матонат кўрсата олсаларгина»¹ социалистик ўзгартишларга эришиш мумкин.

Бутун социалистик уклад ва совет турмуш тарзимиз, ижтимоий муносабатлар характери, социалистик жамиятда амалга ошириладиган ишларнинг бутун жараёни ана шу фазилатларни тарбиялашга имкон беради. Лекин эътиқодли ва фаол коммунизм қурувчисини шакллантириш учун объектив омилларнинг бир ўзи кифоя қилмайди. Бу борада субъектив омил — партия, унинг барча ташкилотлари мунтазам суратда, бир мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борадиган иш фаол таъсир кўрсатиши лозим.

Халқаро вазият ҳам ғоявий-тарбиявий ишни кучайтиришни тақозо қилмоқда. Биз алоҳида бир оламда эмас, балки икки ижтимоий система бирга яшаб келаётган шароитда ҳаёт кечирмоқдамиз. Бизнинг жамиятимиз ташқаридан келаётган душман тазйиқидан холи эмас. Қарама-қарши ижтимоий тузумга эга бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари эътироф этилганлиги ҳамда «совуқ уруш»дан халқаро кескинликни юмшатишга ўтилганлиги социализм билан капитализм ўртасидаги синфий кураш барҳам топди, деган маънони билдирмайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг яқинда АҚШда чоғ этилган «Тинчлик, кескинликни юмшатиш ва совет — америка муносабатлари тўғрисида» номли китобига ёзган сўзбошисида таъкидлаганидек, АҚШ билан СССР ўртасида кимнинг дунёқараши тўғрироқ, кимнинг турмуш тарзи афзалроқ, деган ғоявий баҳс бўлиши муқаррардир. Бу борада икки система ўртасида мусобақа бўлиши муқаррардир».

Ҳа, икки система ўртасидаги бу курашда ғоявий олишув ғоят муҳим жабҳа ҳисобланади. Бир-бирига зид социал системаларга бўлинган дунёда бу нарсанинг бўлиши табиий ва муқаррардир. Ғоялар жанги, икки идеология — коммунистик ва буржуа идеологиялари ўртасида муросасиз кураш бўлишлиги объектив қонуниятдир. Капитализмдан социализмга ўтишдан иборат тарихий жараёнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳам шунда, у Владимир Ильич Лениннинг: «...масала фақат: буржуа идеологиясими ёки социалистик идеологиями, — деган тарздагина қўйилиши мумкин. Бунда ўрта йўл йўқ...»² деган

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, 193-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 6-том, 45-бет.

сўзлари қанчалик тўғри ва ҳаққоний эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Янги ҳаёт қуришда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари эришган муваффақиятлар, уларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги реалистик йўли, империализм ва янги мустамлакачиликка қарши, ижтимоий ва миллий озодлик учун халқлар олиб бораётган революцион кураш халқаро миқёсдаги кучлар нисбатини тобора кўпроқ социализм фойдасига ўзгартириб келмоқда. Бутун дунёда марксизм-ленинизмнинг таъсир доираси кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда, аynи пайтда эса империалистик идеологиянинг таъсир кучи тобора пасаймоқда. Бу — бир-бири билан диалектик тарзда боғлиқ бўлган жараёнлар.

СССР ва социализм мамлакатларининг куч-қудрати қанчалик ошиб, уларнинг ички ва халқаро мавқелари қанчалик кўпроқ мустаҳкамланиб бораётган бўлса, империализм ва антикоммунизм олиб бораётган ғоявий-сиёсий кураш усуллари шунчалик устозроқ бўлиб бормоқда. Эндиликда СССР ва социалистик мамлакатлар билан «совуқ уруш» позицияларида туриб муомала қилиб бўлмаслигини тушуниб қолган антикоммунизм маддоҳлари зўр бериб «совет ҳарбий хавфи» ҳақидаги уйдирмаларга ўхшаган, Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари гўё камситиб келинаётганлиги қабиллидаги ёлгон-яшиқ ва тухмат гапларни тарқатмоқдалар.

Ғарб мамлакатларидаги ҳозирги замон социологияси социал революцияни илмий-техника революцияси билан алмаштиришга, гўё илмий-техника тараққиёти бутун ҳозирги замон тарихининг бош омили ва ўзагини ташкил этмоқда, шу тариқа ижтимоий жараёнларнинг социал-синфий моҳияти ўз-ўзидан йўқолиб бормоқда, дегап ғояни тарғиб қилишга уриниб келмоқда. Ана шу асосда «модернизациялаш назарияси»нинг турли-туман пухсалари пайдо бўлмоқда.

Аynи бир пайтда империализм идеологлари ҳозирги замон илмий-техника революцияси вазибаларини аҳолининг асосий кўпчилиги манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этишлик биринчи навбатда социал-иқтисодий ўзгартишлар, ижтимоий тузумда умуман жамият тараққиёти ҳамда фан ва техника ютуқларини ана шу тараққиётга хизмат қилдириш эҳтнёларига жавоб берадиган социалистик формаларни қарор топтириш билан боғлиқ эканлиги ҳақида лом-мвм демайдилар.

Социализм дунёсига қарши идеология курашида турли тоифадаги миллатчилар, ирқчилар, сионист ва шовинистлар фаол қатнашиб келмоқда. Буларнинг мақсади эса халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг муҳим принципларига — пролетар интернационалиزمи принципларига пу-тур етказиш, уни бадном қилишдан иборатдир.

Идеология кураши кучайиб бораётганлиги, ғоявий можаролар тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб, кескин синфий-сиёсий тус олиб кетаётганлиги ҳозирги даврнинг характерли хусусиятидир. Капитализмнинг умумий ин-қироз жараёни кучаймоқда, пролетариатнинг синф ҳолда-ги уюшқоқлиги янги босқичга кўтарилди, антиимпериалистик кураш fronti кенгайди, мустамлакачилик асора-тидан қутулган мамлакатлар сиёсий саҳида тобора кўпроқ роль ўйнамоқда.

Жаҳон социализм системаси тарихий тараққийнинг ҳал қилувчи омилига айланди. Социализмни ҳарбий куч воситаси билан енгиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди, империалистларнинг социалистик системани иқтисодий белла-шув йўли билан маҳв этиш ҳақидаги орзу-умидлари ҳам чиппакка чикди. Шунинг учун ҳам ҳозир империализм асосан идеология соҳасидаги курашдан умидвор бўл-моқда.

Империализм идеологлари, антикоммунизм тарғибот-чилари тўқиб чиқарган сон-саноқсиз «назария» ва «кон-цепция»лардан қутилган мақсад капитализмнинг инсон-парварликка зид бўлган моҳиятини ниқоблаб, уни оппоқ қилиб кўрсатишдан, илмий коммунизм идеалларини амал-га ошмайдиган идеаллар сифатида талқин қилишдан, инсониятнинг эртанги кунини коммунизм эмас, балки ка-питализмдир, деган назарияни оммалаштиришдан ибо-ратдир. Радиостанция ва нашриётларнинг кенг тармоғи-га эга бўлган қўпоровчилик марказлари ҳамда муассаса-ларидан иборат бутун бир система ушбу уйдирмаларни тарқатувчи қуролдир.

Буржуа пропагандаси Ўрта Осиё республикаларига ҳам зўр бериб хуруж қилмоқда. «Озодлик», «Озод Евро-па», «Америка овози», «Садойи олмон» сингари радио-станциялар ана шу республикаларга мўлжалланган эшиттиришларида бугунги воқелигимизни бузиб кўрсат-ган ҳолда ҳар кунини уйдирма ва тухмат гаплардан иборат мағзава тўкмоқда.

Идеология урушининг империалистик ташкилотчилари ва уларнинг малайлари учун жамиятимизда ижтимоий таянч йўқ, албатта. Социалистик воқеликни, реал социа-

лизмнинг ажойиб ютуқларини бузиб кўрсатишга асосланган пропагандистик лўттивозликлардан бирор иш чиқмаслиги муқаррардир. Лекин уларнинг зарарли таъсирига етарли эътибор бермаслик хато бўлур эди. Шунини унутмаслик керакки, эскилик сарқитлари яшовчан бўлади. Бизнинг жамиятимизда ғоявий жиҳатдан гўр, сиёсатни тушунмайдиган, ахлоқий томондан беқарор одамлар ҳалигача топилади. Империализмнинг идеологик кўпоровчилик фаолияти баъзан худди ана шундай одамларни домига плинтиради.

Ана шундай шароитда партия ташкилотлари, идеология fronti ходимлари, барча кадрларимизнинг бурчи империализм ва унинг малайлари қилаётган идеологик хуружларга ўз вақтида, қатъий ва самарали зарба беришдан, буржуа пропагандистлари ҳамда уларнинг ревизионист ҳайбаракаллачилари тўқиб чиқараётган сохта конценциялар билан илвоғарлик уйдирмаларини фонн эта боришдан, социалистик жамият ҳақидаги, совет турмуш тарзи, мамлакатимизда коммунизм қурилиши тўғрисидаги бор ҳақиқатни одамлар дилига жо қилишдан иборатдир. Бинобарин бу иш ишонарли, лўида ва ёрқин тарзда олиб борилиши лозим.

Шундай қилиб, коммунистик қурилиш вазифалари, ҳаётимизда, жамиятимизда юзага келган шарт-шароитлар ҳамда халқаро вазият идеология ишини ҳар томонлама такомиллаштиришни, унинг савияси ва таъсирчанлигини яна ҳам оширишни тақозо этмоқда. Партиянинг бу соҳадаги фаолияти кенг қамровли ва кўн қирралидир. Революцион назарияни ижодий тарзда ривожлаштира бориш, коммунистлар билан барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш, халқ маорифига, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига, адабиёт ва санъатга, маданий-еқартув ишларига раҳбарлик қилиш шулар жумласидандир.

Айни бир пайтда шунини унутмаслик керакки, идеология иши қайси бир йўналишда олиб борилмасин, бу соҳада қандай форма ва методлардан фойдаланилмасин, бу иш ҳаминша синфий моҳиятга эга бўлиши, у юксак партиявийлик, принципиаллик, буржуа ва ревизионистик идеологияга ишбатан мурасасизлик руҳи билан суғорилган бўлиши шарт. Идеология иши ўзининг чуқур илмийлиги, ҳаққонийлиги, ҳамма учун тушунарлилиги билан ажралиб туриши, у турмуш билан, коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съезидига Ҳисобот докладида бутун коммунистик тарбия ишининг қўйилишига, «яъни меҳнаткашлар, турли гуруҳларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ҳуқуқ тарбиясида мустаҳкам бирликни таъминлаш»¹ масаласига комплекс ёндашиш лозим, деган фикрни илгари сурди ва уни ҳар томонлама асослаб берди. Тарбия масаласига комплекс ёндашишлик идеология ишининг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса ривожланган социалистик жамият таъиноти, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ҳал этилаётган вазифалар моҳиятига тўла мос бўлиб тушади,— у ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш, социалистик турмуш тарзининг форма ва принципларини қарор топтириш юзасидан олиб борилаётган фаолият учун идеологик асос бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида» чиқарган қарорида тарбия ишини, пропаганда ишини турмуш билан, одамларнинг революцион бунёдкорлик фаолияти билан боғлаб олиб бориш зарурлиги ҳақидаги партиянинг фундаментал талаби ҳар томонлама асослаб берилган. Бизнинг партиямиз кенг халқ оmmasининг ленинча назарияни онгли тарзда чуқур ўрганиш жараёнини меҳнаткашларни актив ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолияти шароитида тарбиялаш вазифалари билан қўшиб олиб бормоқда. КПСС Марказий Комитети қарорида твлга олинган ҳамда меҳнаткашларни актив меҳнат ва ижтимоий фаолият қучоғига жалб этишга, уларда ўз меҳнатиинг ижтимоий аҳамиятини чуқур тушуниш ҳиссини тарбиялашга, бошқарув органлари фаолиятида ошкораликни кучайтиришга, ахборот бериб туришни кенгайтиришга, танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлардан кўзда тутилган мақсад ҳам ана шундан иборат.

Пропагандада илмийлик ва конкретликка эришишлик, уни турмуш билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларнинг бажарилиши билан боғлаб олиб боришлик, у ҳужум-

¹ «КПСС XXV съезди материаллари». Москва, Политиздат, 1976 йил, 74-бет.

кор ўлиплиги — булар пропагандалнинг мазмун моҳиятига нисбатан қўйилаётган энг муҳим талаблардир.

Партия XXV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорларда кўрсатиб ўтилганидек, кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик илмий дунёқарашни шакллантириш, уларни марксизм-ленинизм ғоялари руҳида тарбиялаш бутун идеология ишининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу вазифа мамлакатимизда муваффақият билан амалга ошириб келинмоқда. Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг ижтимоий онги ниҳоятда ошиб кетди, коммунистик идеология жамиятимизда мутлақо ҳукмрон мавқени эгаллади. Совет халқи партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада мустаҳкамроқ жинсланди, у ғоявий жиҳатдан янада етук бўлиб қолди. Совет халқи партия сиёсатини чуқур тушунган ҳолда уни фаол қўллаб-қувватламоқда ва амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон партия ташкилотлари Ленин ижодий меросига ҳамда КПСС тўплаган ғоят бой амалий тажрибага суянган ҳолда кенг меҳнаткашлар оммасида илмий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг сиёсий онглилигини ошириш юзасидан катта ва ҳар томонлама идеология ишини олиб бормоқдалар. Коммунистик идеологияни пропаганда қилиш иши ўз моҳият-эътибори билан янада теран ва бойроқ, шакллари жиҳатдан яна ҳам хилма-хилроқ бўлиб қолди, оммага нисбатан таъсир доираси кенгайди. Партия ташкилотлари илгари қўлга киритилган тажрибанинг энг яхши жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда ғоявий-сиёсий ишда турмуш тақозоси билан, омма ижодкорлиги натижасида юзага келган форма ва усулларни ривожлантириб ҳамда такомиллаштириб бормоқдалар, меҳнаткашларнинг барча табақаларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишнини кучайтирмоқдалар, бу мақсадда конкрет-социологик тадқиқотлар бераётган маълумотлардан, марксча-ленинча философия, педагогика, психология соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлардан кенг кўламда фойдаланмоқдалар.

Республикада сиёсий маориф ва оммавий пропагандалнинг изчил системаси юзага келди. Ҳозирги пайтда 800 мингдан кўпроқ киши, шу жумладан қарийб 500 минг коммунист партия ўқув системасида, моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган 1 миллион 200 мишг киши эса иқтисодий билимнинг оммавий шахобчаларида шуғулланмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, ҳозир мавжуд бўлган партия ўқув системаси йилларида республикада тингловчилар со-

ни умуман 2,2 ҳисса, партиясиз тингловчилар сони эса тўрт ҳисса кўпайди. Бу борада сон жиҳатидан ўсин билан бирга муҳим сифат ўзгаршлари ҳам рўй берди. Партия ўқувининг ўрта ва олий босқичларидаги тингловчилар сони кўпайиб, қўйи босқичларда анча камайди.

КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда партия Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқуви вазифалари тўғрисида» чиқарган, сиёсий ва иқтисодий ўқиш мазмунини янада бойитишга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган қарори сиёсий ўқишни яхшилашда республика партия ташкилотлари учун жуда катта мадад бўлди.

Тошкент, Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд область, Жиззах, Каттақўрғон, Навоий, Гулистон, Фарғона шаҳар, Қамаша, Косонсой, Саросиё, Шовот район партия ташкилотлари коммунистлар ва кенг меҳнаткашлар оммасининг марксна-ленинча ўқишини ташкил этиш борасида катта тажриба тўпладилар. Тошкент, Ангрек, Гулистон, Каттақўрғон шаҳар партия комитетлари, Беруний, Қўрғонтепа, Қамаша район партия комитетлари пропаганда кадрларни жамоатчилик аттестациясидан ўтказмоқдалар. Бу тадбир уларнинг масъулиятини оширишга, гоёвий-тарбиявий ишни ташкил этишда ташаббускорликни кучайтиришга имкон бермоқда.

Пропагандаистлар сафи сифат жиҳатдан яхшиланди — 83 минг кишининг 81 проценти олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эга. Улар ишнинг кўзини биллиб, қайноқ эҳтирос билан партия гоёларини оммага етказмоқдалар, ҳақли равишда чуқур ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлмоқдалар. Кўнлаб пропагандаистлар машғулот жараёнида тингловчиларга амалий топшириқлар бериб, реферат ёздириш, социал-иқтисодий таҳлил қилдириш, семинар ва суҳбатлар, назарий ҳамда илмий-амалий конференциялар ўтказиш сингари актив формалардан фойдаланмоқдалар.

Ҳар ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, пропагандаист кадрларни таилаш ва уларни ўқитиш борасида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Партия ташкилотлари томонидан бундай муҳим ишни бу соҳада на назарий ва методик малакага, на лаёқатга эга бўлган ўртоқларга топшириб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам учраб туради.

Пропагандаистларни қўнт билан таилашга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий ва иқтисодий мактаблар, семинарларнинг раҳбарлари гоёт пухта тайёргарлик кўрган коммунистлардан, обрўли ишлаб чиқариш раҳбарларидан, халқ хўжалиги мутахассисларидан иборат бўлиши

дозим. Пропагандистларнинг донмий семинарлари иинини яхшилаш, уларнинг иш тажрибаси билан мунтазам алмашиб тушишни йўлга кўйиш, уларга самарали ёрдам кўрсатиб бориш, пропагандаистларнинг профессионал маҳоратини ошира бориш тўғрисида ҳамisha гамхўрлик қилиш, уларнинг олижаноб меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириб туриш талаб этилади.

Ғоявий-тарбиявий иш воситалари ичнда лекция пропагандаси муҳим ўрин эгаллайди. Республикамизда ана шу олижаноб жабҳада партия комитетларининг 6 миңдан кўроқ штатли ва штатсиз лекторлари, 130 миңдақ ортиқ «Билим» жамияти аъзолари, комсомол комитетлари, касаба союз ташкилотларининг лекторлари фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Корхоналарда, колхоз ва совхозларда, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида икки миңга яқин лекторий ташкил этилган. Партия ташкилотларининг пропаганда группалари мунтазам тарзда жойларга юбориланти, «Лектор кунлари» ўтказиб турилибди.

Марксча-ленинча назарияши ҳамда КПССнинг ушбу назария ривожига кўниб келаётган иждодий ҳиссасини, партия ички ва ташқи сиёсати масалаларини, КПСС XXV съезди ҳужжатларини, ўртоқ Л. И. Брежнев ҳамда партиянинг бошқа раҳбарлари асарларида ишлаб чиқилган актуал илмий коммунизм проблемаларини чуқур ва ҳар томонлама тушунтириб бериш — лекция пропагандасининг бош мазмуни бугунги кунда мана шундан иборатдир.

Меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ва маданий жиҳатдан тарбиялашда халқ университетларининг аҳамияти жуда катта. Республикамизда иқтимоий-сиёсий, табиёт-илмий, илмий-техника ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича икки миңдан ортиқ университет ишлаб турибди. Ана шу университетлар факультетларида 250 миң тиңловчи шуғулламоқда. Кейинги беш йил ичнда республикада халқ университетлари сони қарийб бир ярим барабар кўпайди. Буларнинг талай қисми жамоатчилик асосларида ишловчи чинакам махсус ўқув юртларига айланди.

Партия ташкилотларининг кундалик вазифаси меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат. Бу соҳада барча республикалар меҳнаткашларининг революцион, жанговарлик ва меҳнат анъаналаридан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализи тантанаси» мавзуида Тошкентда бўлиб ўтган илмий-назарий конфе-

рениция интернационал тарбияви яна такомиллаштиришига самарали таъсир кўрсатди.

Меҳнаткашларда ҳассос интернационалистларга, ўз Ватанининг эътиқодли ватанпарварларига хос бўлган оин ва туйғуни шакллантириш — ғоявий-тарбиявий иш олдида турган муҳим вазифадир. Ана шу вазифани амалга ошириш жараёнида КПСС ленинча миллий спёсативининг аҳамияти ҳамда унинг оламшумул-тарихий зафарларини, мамлакатимиздаги барча халқлар ягона интернационал оилага бирлашиш натижасида қанчалик буюк афзалликларга эга бўлганликларини чуқур очиб бериш лозим. Совет халқларининг тенглиги, қардошлиги ва дўстлиги коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида улар тараққиётида тобора кўнроқ ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда. Шунга кўра меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ишида шу пайтгача яхши натижа бериб келаётган интернационал дўстлик клубларидан, газеталар ўртасида ўзаро саҳифаларни, радио ва телевидениелар ўртасида эса эшиттириш ва кўрсатувларни айирбошлаш, «халқлар дўстлиги кечалари» ва «ҳафталиклари», ўзаро «декадалар», «қардош маданиятлар кунлари»ни ўтказиб туриш тажрибасидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш, бу соҳада шуларга ўхшаган самарали иш усулларини қидириб топиш лозим.

Миллатлараро алоқа воситаси бўлган рус тилини ўрганиш мамлакатимизда яшовчи миллатлар ва элатларнинг ўзаро яқинлашувида ниҳоятда муҳим омил, совет кишиларини интернационал руҳда тарбиялашда қудратли қурол ҳисобланади. Республикаимизда яшовчи барча меҳнаткашларнинг рус тилида сўзлашувига эришиш ғоят муҳим вазифа бўлиб, бу вазифа Ўзбекистондаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, мактаблар, барча партия ташкилотларининг диққат марказида турибди.

«Рус тили — СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тили» мавзуида 1979 йил, май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Бугуниттифоқ илмий-назарий конференция катта умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ушбу умумпартиявий проблемани ҳал этишга қўшилган қимматли коллектив ҳисса бўлди. Конференция иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасидаги қондаларга амал қилиб, рус тилини ўрганиш ва ўқитиш ишини янада такомиллаштиришга, рус тилини билишликнинг тарбиявий аҳамиятини оширишга даъват этилган конкрет чора-тадбирларни кўриб чиқдилар ҳамда илмий-амалий тавсиялар бердилар.

Лекпи ҳар ҳолда идеология ишининг энг асосий йўналишларидан бири — бу меҳнат тарбиясидир. В. И. Ленин онгли меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятдан узилган ҳолда коммунистик тарбия бўлиши мумкин эмас, деб кўп марта таъкидлаган эди.

Партия XXV съездида, КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумларида, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида» чиқарган қарорида одамлар билан аниқ мақсадли кўзлаб, кун сайин ишлаш, юксак меҳнат интизомини, ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашув хислатларини шакллантиришда, бутун ишлаб чиқариш жараёнини аниқ ташкил этишда, меҳнат ва технология интизомини бузувчиларга қарши қатъий кураш олиб боришда барча сиёсий-тарбиявий воситалардан фойдаланиш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Тобора кенг қўлоч ёяётган социалистик мусобақа сиёсий ва меҳнат тарбиясини кўшиб олиб боришга имкон яратади. Ҳозир биргина бизнинг республикамизда уч ярим миллион киши бу мусобақада қатнашмоқда.

Социалистик мусобақанинг тарбиявий аҳамияти меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. Ҳозир бу ҳаракатда республиканинг 2 миллиондан зиёд меҳнаткашлари иштирок этмоқдалар. Коммунистик меҳнат коллективи деган фахрли номга сазовор бўлган 343 корхона, 10784 цех, 34730 бригада қўлга киритган ютуқлар меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати юксак даражада социал-иқтисодий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигидан далолат бермоқда. 724 минг киши коммунистик меҳнат зарбдори деган ном олди. Ўз-ўзидан равшанки, сон — миқдор кетидан қуввишлик, «кўпроқ жалб қилиш»га интилишлик айниқса бу ишда сираям ярамайди. В. И. Ленин бизни бунчалик юксак маънодаги тушунчага эҳтиёткорона муносабатда бўлишга даъват этганида шунинг назарда тутган эди. Бу юксак номларга сазовор бўлган корхоналар ва алоҳида шахслар меҳнатда энг юксак натижаларга эришиш, профессионал маҳоратни, маданий-техник савияни ошира бориш ва коммунистик ахлоқ нормаларига риоя қилишда чинакам ибрат бўлишлари лозим — партия ташкилотлари буни ҳаминша эсда тутиншлари керак.

Аммо шунинг айтиш керакки, айрим партия комитетлари социалистик мусобақанинг тарбиявий аҳамиятини ошириш масалаларига ҳанузгача етарли даражада чуқур эътибор бермаётирлар, бу мусобақа натижаларига баҳо

беришда коллектив аъзоларининг онглилиги ва активлиги қанчалик ўсганлигига қараб эмас, балки ўтказилган тадбирлар сонига қараб ёндошмоқдалар.

Омманинг жонли ижоди самараси бўлган социалистик мусобақа илгорларни актив равишда қўллаб-қувватлаб ва рағбатлаштириб туришнинггина эмас, балки лозим бўлган даражада ҳалол тер тўкиб ишламаётган шахсларни аниқлаб боришни ҳам тақозо этади. Бу ишда эса ошкоралик бўлиши керак, токи бутун куч-ғайратини сарфлаб ишлаётганлар киму, жонини койитмай, шунчаки қўл учида ишлаётганлар кимлар эканини ҳамма билсин.

Шуни айтиш керакки, мусобақа партиянинг иқтисодий сиёсати соҳасидаги бош проблемалар билан қанчалик мустаҳкам боғланган бўлса, унинг тарбия омили сифатидаги аҳамияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Шунга кўра партия ташкилотлари мусобақа қатнашчиларининг асосий куч-ғайратини аввало ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга қаратмоқлари лозим.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик плаванинг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарорини — босиб ўтган йўлимизнинг, зафарларимиз ва режаларимизнинг бутун улугворлиги яққол очиб берилган бу муҳим сиёсий ҳужжатни чуқур мароқ ва зўр завқ-шавқ билан кутиб олдилар. Бу шонли санани улар меҳнатда янги-янги ютуқлар билан қарши олдилар, социалистик ва коммунистик жамият қурувчилари авлодлари тўплаган қаҳрамонлик ишлари тажрибаси ҳамда анъаналарини бойитдилар.

Меҳнат жараёнида олиб бориладиган тарбиявий иш коммунистик ахлоқни қарор топтириш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир, зотан, В. И. Ленин таъкидлаб айтганидек, «коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир. Коммунистик руҳда тарбия бериш, ўқитиш ва билим ўргатишнинг асоси ҳам мана шундан иборат»¹.

Ана шу кўрсатмага амал қилиб, партия коммунизмга ўтиш жараёнида маънавий омилларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни тобора ошиб боришини ҳамisha ёдда тутди. Коммунистик ахлоқ янги-янги принциплар, янгича мазмун билан бойинмоқда. Маълумки бу ахлоқнинг моҳияти коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида ифодасини топган. Айни бир пайтда у, табиийки, турмушда амал қилиб келминаётган энг оддий талабларни: ташқи мада-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 350-бет.

ниятлилик, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва уни ҳимоя эта билиш, бир-бирига ўзаро ёрдам, ота-онага ҳам-хўрлик, катталарга ва аёлларга иззат-ҳурмат кўрсатини каби талабларни ҳам ўз ичига олади. Одамларни ана шу талаблар руҳида тарбиялаш — уларни ахлоқий жиҳатдан шакллантиришнинг муҳим шартидир. Агар бирор кимса турмушда мана шу энг оддий талабларга ҳам риоя қилмас экан, уни яна социалистик ижтимоий ҳаёт тақозо этаётган руҳда: меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, социалистик мулкни асраш ва кўпайтириш ҳақида қайғуриш, коллективизм руҳида, яъни кенг маънодаги граждандлик руҳида тарбиялаш мушкул нарса.

Партиянинг мухтазам равишда, аниқ мақсад билан олиб бораётган тарбиявий иши натижасида юксак коммунистик ахлоқ совет жамияти ҳаётига, одамлар ўртасидаги муносабатларга тобора кўпроқ сингиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Бизнинг жамиятимизда ахлоқ нормалари ва ижтимоий бойликларнинг энг илғор, энг инсонпарвар системаси юзага келди. Милليونлаб кишиларнинг социал психологиясида ғоят чуқур ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизда ижодий меҳнат ва одамларга ишонч борасида ажойиб муҳит қарор топди»¹.

Республика партия ташкилотлари юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахсни шакллантириш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар, коммунистик ахлоққа зид иш тутувчи одамларга қарши курашмоқдалар, совет кишилари меҳнат ва турмушда кўрсатаётган олий граждандлик туйғуларидан ибрат олишга даъват қилмоқдалар. Бинобарин, бу иш ажойиб самара бермоқда. Юксак даражада ғоявийлик, Ватанга, партиёга садоқат, социалистик интернационализм, халқлар дўстлигига садоқат, янги жамият қурувчисига хос бўлган юксак маънавий фазилатлар — буларнинг ҳаммаси барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари учун хос бўлган хислатлардир.

Ўғирлик, қилинмаган ишларни қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, меҳнат интизомини бузиш, ичкиликбозлик, безорилик ҳолларига ҳамон дуч келинаётганлигига ҳозирги вазиятда мутлақо чидаб бўлмайди. Орамизда ҳалигача шундай одамлар ҳам борки, улар жамият талаб қилаётган ахлоқ-одоб нормаларини яхши тушунадилару, лекин турмушда буларга ҳаминша ҳам риоя қилавермайдилар, улар-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 5-том, 49-бет.

ви рўёбга чиқариш учун курашмайдилар, социалистик турмуш нормаларини бузиш ҳолларига нисбатан муроачилик қиладилар. Оғизда бошқа-ю, амалда бошқа иш тутишлик ахлоқ тарбиясига катта зарар етказади.

Идеология ишидаги асосий йўналишлардан бири — бу жамият манфаатларига зид бўлган барча хатти-ҳаракатларга қарши, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш йўлида олиб бориладиган курашдир. Бу — шундай бер вазифани, экономикани янада ривожлантириш ҳам, ижтимоий муносабатлар такомилли ҳам, кишиларда онглиликни тарбиялаш иши ҳам бевосита ушбу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ. Шунини аниқ тушуниб олиш керакки, социалистик демократиянинг ривожлантирилиши бошбошдоқликка ёки тартиб-интизомни бузиш ҳолларига кенг йўл очиб бериш керак, деган маънони билдирмайди, ундан кутилган мақсад, аксинча, одамларда активлик, онглилик ва масъулият ҳиссини оширишдан иборатдир. Бизнинг демократиямиз принциплари ҳар бир ходимдан ўз бурчини аниқ ва равшан билишликни, ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга ўз зиммасидаги мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун масъулият ҳис этишликни талаб қилади.

В. И. Ленин меҳнаткашлар оmmasига берилган демократизмни меҳнатда ва турмушда темир интизом ўрнатилши билан «қўшиб олиб бориш» ҳамда «мустаҳкам формаларга келтириш» керак, деб таълим берган эди. Социалистик жамиятда амалда бўлган қонун-қондаларга сўзсиз ва айни пайтда онгли тарзда риоя қилишлик социалистик демократизмни янада ривожлантиришнинг фоят муҳим шартидир.

Матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттирилишида, лекция ва докладда, суҳбатларда шунини таъкидлаш лозимки, интизом, уюшқоқлик, масъулият билан боғлиқ бўлган масалалар «тартиб-қонда бандалари» ўйлаб чиқарган нарса эмас, балки объектив тарзда юзага келган талаб бўлиб, буларсиз жамиятимиз муваффақиятли ривожлана олмайди.

Раҳбар кадрларнинг маънавий қиёфасига айниқса юксак талаблар қўйилади. Уларда партиявийлик чуқур билимдонлик билан, интизомлилик масъулиятни сезиш ҳисси билан, ташаббускорлик ишга ижодий ёндашиш иштиёқи билан узвий боғланган бўлиши керак. Раҳбарлар ҳар бир соҳада бошқарув билан тарбиянинг социал-сиёсий жиҳатларини инобатга олиб туришлари, одамларга, уларнинг эҳтиёж ва талабларига нисбатан сезгир бўлишлари, меҳнатда ва турмушда бошқаларга ўрнак кўрсатиш-

лари лозим. Шахсий ибрат, сўз билан ишда узвий бирликка эришиш—булар раҳбарлик ва мураббийлик қилаётган одамнинг қўлидаги энг кучли, энг таъсирчан омилдир.

Коммунистик партия сиёсатининг энг олий мақсади халқ турмуш даражасини тинмай ошириб боришда, социалистик ҳаёт тарзини янада такомиллаштиришдан иборат. Бироқ айни пайтда шунини унутмаслик керакки, моддий неъматлар шахснинг ҳар томонлама равнақ топишига, унинг маънавий камолотига хизмат қилиши лозим. Ўзининг моҳият-эътибори ва мақсадларига кўра социализм истеъмолчилик руҳи ҳукмрон бўлган буржуа жамиятидан нўсха кўчиролмайди ва кўчирини мумкин ҳам эмас. Мана шунга кўра меҳнаткашларнинг моддий имкониятлари ошган сари уларнинг маънавий даражаси ҳам кўтарила боришига эришиллик — ғоявий-тарбиявий иш олдида турган ғоят муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Одамларни юлғичликка, ҳаётга фақат истеъмол кўзи билан қарашликка нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш лозим, акс ҳолда мешчанлик психологияси, майда буржуа психологияси уруғлаб кетиши мумкин. Бу борада пропагандачилар, агитаторлар, барча идеология ходимлари учун кенг фаолият уфқлари мавжуд.

Партия XXV съезидан ва айниқса КПСС Марказий Комитети оғзаки сиёсий агитация ҳақида қабул қилган машҳур қарордан кейин ўтган давр ичида республикада кўнгина дастлабки партия ташкилотларининг агитация-оммавий иши анча яхшиланди. Республикада агитатор ва сиёсий ахборотчиларнинг қарийб 270 минг кишилик армияси шилаб турибди. Ягона сиёсий кунлар, ахборот-пропаганда гуруҳларининг меҳнат коллективларига бориб туриши, савол-жавоб кечалари, оғзаки журналлар, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, меҳнат шўҳрати байрамлари ва бошқа-бошқа чора-тадбирлар катта тарбиявий ҳамда сафарбарлик аҳамиятига эга бўлмоқда.

Шу билан бирга оммавий-сиёсий ишда ҳалигача камчилик ва нуқсонлар учраб туради. Барча партия ташкилотлари ҳам агитколлективлар фаолиятини ошириш, меҳнаткашлар билан алоҳида иш олиб бориш вазифасини қониқарли даражада ҳал этаётирлар, деб бўлмайди, сиёсий ахборотчилардан иборат гуруҳлар фаолияти ҳамма жойларда ҳам талабга тўла жавоб беради, деб айтолмаймиз, айрим раҳбар ходимлар маҳаллий муаммо ва вазифалардан аҳолини мунтазам хабардор қилиб туриш нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яхши тушунавер-

майдилар, меҳнат коллективлари ҳузурида тез-тез сўзга чиқиб турмайдилар.

КПСС Марказий Комитети аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ва аввало меҳнат коллективлари билан алоқада бўлмаган аҳоли табақалари ҳамда ётоқхоналарда турадиган ёшлар ўртасида бир меъёрда ва мунтазам равишда оммавий-сиёсий иш олиб бориш зарурлигини таъкидлаб келмоқда. Шу мақсадда маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар, мактаблар, қизил бурчаклардан, муассасалардаги мажлислар залларидан яхшироқ фойдаланиш, ёзги агитация майдончалари тармоғини кенгайтириш лозим. Микрорайонлардаги жамоатчилик кенгашлари ҳузурида меҳнаткашларнинг турли саволларига жавоб берадиган активист консультантлардан иборат гуруҳлар ташкил қилиш, «Билим» жамияти аъзоларини, педагоглар, юристлар, врачлар, маданият ходимлари ҳамда бошқа мутахассисларни бу ишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Республика партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, оммани хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этишда кўрғазмали агитация воситаларидан фойдаланиш соҳасида, КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилишда маълум даражада тажриба тўпладилар. Кўнгини партия ташкилотларида кўрғазмали агитация кенгашлари самарали ишлаб келмоқда, тематик жиҳатдан перспектив планлаштириш тажрибаси жорий этилган, кўрғазмали агитация оператив, конкрет, бадий жиҳатдан жозибали бўлишига катта эътибор берилмоқда.

Лекин айрим ўртоқлар кўрғазмали воситалар дидеиз безатилишига, улар ҳаддан зиёд қалаштириб ташланишига чидаб келмоқдалар, кўрғазмали воситалар оммабон, гоёвий ва бадий савияси юксак бўлиши ҳақида қайғурмайдилар. Қатор жойларда эскирган шиор ва плакатлар ойлаб, баъзан эса йиллаб осилиб ётади. Партия ташкилотлари кўрғазмали агитацияни яхшилаш ишини янада жонлантиришлари, бунга оид масалаларни тез-тез муҳокама қилиб туришлари, кўрғазмали агитациянинг гоёвий-сиёсий ишда тугган аҳамиятини ошира боришлари лозим.

Меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилишда идеологик таъсир ўтказишнинг қудратли қуроллари — матбуот, телевидение, радио алоҳида роль ўйнайди. Ўзбекистонда 269 номда газета, шу жумладан 15 республика, 26 область, 10 шаҳар, 145 район, 73 кўп

тиражли газеталар чиқариб турилибди. Республикамизда 81 журнал ва журнал тишидаги нашр чоп этилмоқда. Республикада нашр этилаётган газета ва журналларнинг бир йўла тиражи 14 миллион нусхадан ошиб кетди. Бизнинг нашриётларимизда 1976—1978 йиллар мобайнида 104 миллион нусха китоб ва брошюра чоп этилди. Бир кеча-кундузда олиб бориладиган телевизион кўрсатувлар миқдори анча кўнайти. Эндиликда радио кирмаган хонадон йўқ.

Оммавий ахборот воситаларимиз марксизм-ленинизмни, мамлакатимиз ва республикамиз коммунистик қурилиш соҳасида эришган ютуқларини пропаганда қилиш, меҳнаткашларни совет халқининг революцион, жанговарлик ва меҳнат анъаналари руҳида, юксак ижтимоий онглилик ва ижодий активлик руҳида тарбиялаш борасида ўз фаолиятларини анчагина кучайтирдилар. Улар жамиятимиз ҳаётини ҳар томонлама ёритмоқдалар ва бу ишни, Ленин таълим бериб айтганидек, конкрет мисоллар ҳамда далиллар воситасида, ишлаб чиқарини коллективларининг ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёритган, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги новаторларининг илгор таърибасини пропаганда қилган ҳолда олиб бормоқдалар. Буларнинг ҳаммаси социалистик мусобақани янада авж олдиринишга, ўзинчи беш йиллик топишириқларини муваффақиятли бажаринишга имкон яратмоқда, кенг меҳнаткашлар оммасида коммунистик дунёқарашни шакллантириш ишида ёрдам бермоқда. Матбуот, телевидение ва радио фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш ва уларни ишга солинишда кўмаклашмоқда, камчиликларнинг тугатилишига эришмоқда, ана шу камчиликлар учун айбдор бўлган шахсларни фош этмоқда. Республика партия комитетлари барча журналистлар фаолияти матбуотга ҳос ижодий руҳ билан суғорилган бўлиши, республикамиз ва бутун мамлакатимиз амалга ошираётган вазифаларни улар яхши билиб, чуқур тушуниб олишлари, ўзларини ҳаминча конкрет тадбирларнинг бевосита қатнашчилари деб ҳис этишлари, матбуот саҳифаларидаги чиқишларининг самарадорлиги учун курашишлари йўлида кўн куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда область партия комитетлари ўтказиб келаётган матбуот конференциялари журналистларнинг партия комитетлари билан мустаҳкам алоқасини кучайтиришга ёрдам бермоқда. Ушбу матбуот конференцияларида партия, совет, хўжалик раҳбарлари журналистлар олдида сўзга чиқиб,

хўжадигининг у ёки бу тармоқдаги ваиятимоий ҳаёт соҳасидаги аҳволни муфассал таҳлил қилиб берадилар, матбуот алоҳида эътибор бериши лозим бўлган энг актуал муаммолардан сўз юритадилар, журналистларнинг саволларига жавоб берадилар.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, матбуотдаги, телевидение ва радиодаги чиқишларнинг таъсир кучини ошириш, матбуотга партия томонидан самаралроқ раҳбарлик қилиш мақсадида Ўзбекистон КИИ Марказий Комитетида республика кенгаши тузилди. Ушбу кенгаш составида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг амалий иш натижалари бўйича конкрет социологик тадқиқот ўтказувчи группалар, шунингдек, газета, журнал, китоб нашриётлари, телевидение ва радио фаолиятини ўрганувчи шарҳловчилар бор.

Журналистлар фаолиятига етарлича баҳо берган ҳолда шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, газета ва журналларимиз ишида ҳали муҳим камчиликлар ҳам мавжуд. Айрим матбуот органлари саҳифаларида баъзан гоёсиз, савияси паст материаллар кўриниб қолади. Айрим телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар мазмуни жиҳатидан саёз, гоёвий ва бадийи савияси паст бўлади, шунга кўра улар томошабинлар билан тингловчиларга етарли даражада гоёвий ҳамда эмоционал таъсир кўрсатолмайди.

Партия журналистлар меҳнатини гоёят юксак қадрлайди. Бинобарин бунга иш билан жавоб беришлик қанчалик муҳим нарса! Намиятининг моддий ва маънавий бойликларини яратаётган, актив коммунизм қурувчиси бўлган инсон ҳаммаша журналистларнинг диққат марказида туриши керак. Совет кишисининг ахлоқий ва сиёсий қарашлари, унинг дунёқарашини қай тарзда шаклланмоқда, у қандай меҳнат қилмоқда, жамоат орасида ва турмушда ўзини қандай тутмоқда, умумий ишимизга қандай ҳисса қўшмоқда, — бир лаҳзаям эътибордан четга чиқариб бўлмайдиган мавзулар мана шулардан иборат. Бу мавзулар газета, журнал, китоб саҳифаларида, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда доимо кенг ёритиб турилиши керак. Журналистлар пропаганданинги янги-янги йўллари ва биринчи навбатда унинг сифатини ҳамда таъсирчанлигини ошириш йўллариини излаб топишга даъват этилган.

Бу соҳада нашриётлар ҳам муҳим роль ўйнаши лозим. Кейинги пайтларда уларининг фаолияти анчагина яхши бўлиб қолди, моддий-техника базалари мустаҳкамланди.

«Прогресс» нашриётининг республикамизда ташкил этилган бўлими хорижий Шарқ халқларининг этти тилида китоблар нашр этмоқда. Бу билан ташқи сиёсат соҳасидаги пропаганда ишмизни кучайтириш учун кенг имкониятлар юзага келмоқда. Нашриётлар олдида турган энг муҳим вазифа ишни кун сайин яхшилаб боришдан, чиқарилаётган босма маҳсулотларнинг гоаявий-пазарий ҳамда полиграфик ижроси учун масъулият ҳиссини оширишдан иборат.

Эълон қилинаётган материалларнинг сифати ҳақида кўпроқ жон куйдириш керак. Умумий қимматга эга бўлмаган, қанчадан-қанча меҳнат, қоғоз ва халқ маблағи исроф бўладиган хом-хатала, зерикарли мақолалар, эшиттиришлар, китоблар найдо бўлмаслиги учун йўлни маҳкам беркииб қўйиш лозим.

Матбуот, телевидение ва радио воқеа ва ҳодисаларни шунчаки қайд қилиб борадиган даргоҳ эмас. Уларнинг барча чиқишлари мақсад сари йўналтирилган, оператив, мазмунан чуқур, мавзу ва жанр эътибори билан хилма-хил, тил жиҳатидан жозибадор, шаклан эса қизиқарли бўлиши керак. Бу чиқишлар одамларга ўғит бериши ва тарбиялаши, уларни меҳнатда жасорат кўрсатишга, коммунизмнинг ёрқин идеаллари тантанаси учун фидокорона кураш олиб боришга руҳлантириши лозим.

Идеология ишида маданий-оқартув муассасаларининг аҳамияти катта. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг бу соҳасида кўп ишлар қилинди. Бироқ партиянинг юксак талаблари нуқтаи назаридан қараганда кечагина мақбул бўлган нарсалар бугун бизни қаноатлантирмай қўйиши мумкин. КПСС Марказий Комитети «Бадий ҳаваскорлик ижодиётини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида» чиқарган қароридан клублар, маданият саройлари ва маданият уйлари, бадий ҳаваскорлик коллективлари ишнинг мазмунини яхшилаш, уларнинг меҳнат коллективлари фаолияти билан боғланишини мустаҳкамлаш ҳамда гоаявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқ тарбиясида, одамларнинг онгидаги эскилик сарқитларини тугатишда ҳаваскорлик санъатидан кенг фойдаланиш зарур эканига партия комитетларининг эътиборини жалб этди.

Ҳаёт янгича расм-русумлар ва маросимларни тарғиб қилиш ҳамда турмушга жорий этиш юзасидан аниқ мақсадли иш олиб боришни тақозо этмоқда. Бу борада халқнинг прогрессив урф-офатлари ва расм-русумларидан ўз манфаатларимизни кўзлаб фойдаланиш, уларга янги, социалистик мазмун бағишлашимиз лозим.

ЁШЛАРНИНГ АКТИВ ҒОЯВИЙ, ҲАЁТНИЙ ПОЗИЦИЯСИ УЧУН

Ёшлар — бизнинг орзу-умидимиз, бизнинг келажакимиздир. В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек: «Коммунистик жамият яратиш соҳасидаги чинакам вазифа худди шу ёшлар устига тушади»¹. КПСС Ленин васиятларига амал қилган ҳолда ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Партия ўсиб келаётган авлодни қувноқ, меҳнатсевар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, йигит ва қизларнинг сиёсий онглилиги, умумгаълим ва техник тайёргарлик даражасини ошириш, уларни фаол ижодкорлик меҳнат кўникмаларига ўргатиш борасида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ёшлар тарбиясининг аҳамияти ҳақида гапирар экан: «Бу — катта умумпартиявий, умумдавлат аҳамиятга эга бўлган иш. Моҳият-этиборига кўра бу — жамиятимизнинг келажакдаги тараққиёти билан боғлиқ бўлган масаладир»², деди.

Ўзбекистонда ёши 30 гача бўлган йигит-қизлар аҳолининг 65 процентдан кўпрогини ташкил этади. Бу ҳол ёшлар билан тарбиявий иш олиб боришда партия ташкилоти зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ўсиб келаётган авлод билан иш олиб бориш соҳасида турли форма ва усуллардан фойдаланилмоқда. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш иши анчагина кучайди, йигит-қизларни партия билан халқнинг революцион, жанговарлик ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш тажрибаси кенг оммалашди.

Бинобарин бу ишлар яхши натижа бермоқда. Бугун биз шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, бутун мамлакатда бўлгани каби республикамизда ҳам коммунизм учун курашчиларнинг ажойиб авлоди камол топмоқда. Йигит ва қизларнинг асосий кўпчилиги маълумотли, маданиятли, ғоявий жиҳатдан эътиқодли баланд, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, ҳаёт ҳодисаларини тўғри тушунадиган кишилардир.

Ёшларимиз завод ва фабрикаларда, шахта ва конларда, қўриқ ерлар ва янги қурилишларда, колхоз ва совхоз далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар партия чақириқларига лаббай деб жавоб бермоқдалар, илҳомбахш меҳнатларига энг кўп зарурат туғилган жойларга отланмоқдалар, ўзларидан катта авлод вакиллари билан ёнма-ён меҳнат қилиб, бутун қалб қўрларини, бутун ғай-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 41-том, 333-бет.

² Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 215—216-бетлар.

рат ва шижоатларини умум ишига бағишламоқдалар.

Йигит ва қизларни меҳнатга эҳтиром, Ватанга муҳаббат руҳида, янгича, коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашга КПСС ҳаминша гоят катта эътибор бериб келди ва эътибор бериб келмоқда. Бу — катта давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Бинобарин республика партия ташкилоти бу масалага доимо эътибор бериб келмоқда. Биз ёшларнинг маркесча-ленинча назарияни, илмий-техника билимларини тераптик ва эҳтирос билан эгаллаб олиши, ёш авлод ижтимоий-сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик меҳнатида кенгроқ ва фаолроқ қатнашини ҳамда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига салмоқли ҳисса қўшиши учун астойдил курашиб келмоқдамиз.

Бу вазифани ҳал этишда халқ маорифи системаси муҳим роль ўйнайди. У ҳар бир кишининг мактабгача ёшда бўлган пайтидан бошлаб ғоявий ва маънавий жиҳатдан тарбия топган, етук инсон сифатида мустақил ҳаётга қадам қўйгунига қадар бутун ёшлик даврини қамраб олишга, унинг коммунистик тарбиясида изчиллик ва давомийлик бўлишига даъват этилган. Худди шунга кўра мактабгача муассасалар, мактаблар, олий ўқув юрлари ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш соҳасида ягона система тармоқлари, таянч нуқталар ҳисобланади.

Мактабгача болалар муассасалари оила билан ҳамкорлик қилган ҳолда кичкинтойларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашга даъват этилган. Бу муассасалар болаларда энг оддий меҳнат кўникмаларини ҳосил қиладди, уларни меҳнатни қадрлашга ўргатади, мактабда ўқиш учун тайёрлайди. Ҳозирги пайтда болаларга мактабгача муассасаларда тарбия бериш республика аҳолисининг турмушига чуқур сингиб кетди. Республикада ҳозир 5900 та болалар боғчаси ва ясли мавжуд бўлиб, буларда 700 мингдан зиёд ёки 1965 йилдагига нисбатан 2,6 ҳисса кўп бола тарбияланамоқда. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоғи айниқса тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар ичида кенгайиб кетди. Кейинги уч йил мобайнида 341 минг ўришли ясли-боғча қурилди. Беш йиллик охирига қадар яна 100 мингдан кўпроқ ўринга мўлжалланган болалар боғчалари ва яслилар қуриб битказилади.

Республика партия, совет, касаба союз ташкилотлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари мактабгача муассасалар тармоғини кенгайтиришга, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ишига ҳаминша катта эътибор бериб келмоқдалар. Улар, боғча ва яслилар болаларни ҳар

томонлама, муносиб равишда камол топтириш, катталарга ҳурмат, социалистик Ватанга, ўз ўлкасига муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида ўз олдига турган вазифасини муваффақиятли бажаришлари учун курашиб келмоқда.

Ёшларни гоёвий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда умумтаълим мактаблари алоҳида ўрин тутди. Мактаб билим берибгина қолмай, уларни меҳнат қилишга ўргатади, юксак ахлоқий фазилатлари тарбиялайди, эътиқодларини шакллантиради. Республикада умумтаълим мактаблари тармоғи юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда 9458 та умумтаълим мактаби бўлиб, буларда 3 миллион 875 минг бола ўқимоқда. Кейинги пайтларда кўпгина мактабларда ўқув-тарбия ишининг савияси анча юксалди. Прогрессив ҳисобланган кабинет системасига ўтиш жараёни муваффақиятли давом этмоқда, илгор таълим методлари кенг жорий этилмоқда. Мактаб ўқувчилари фан асосларидан тобора чуқурроқ билимга эга бўлмоқдалар.

Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларида Ленин дарслари, сиёсий ахборат дарслари ўтказиш, оталаримизнинг жапговарлик ва меҳнат шон-шухрати жойлари бўйлаб походларга чиқиш, интернационал дўстлик кечалари, донгдор одамлар билан учрашувлар ўтказиш каби форма ва методлар қўлланиб келинмоқда. Тарих ва жамиятшуносликни ўқитиш сифати яхшиланди, жисмоний тарбия ва спорт, бадий ҳаваскорлик кенг қулоч ёйди.

Бизда бу соҳада жиддий ютуқлар билан бирга муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Қатор мактаблардаги педагогика коллективлари, партия ва комсомол ташкилотлари ўз фаолиятларида ўқувчилар оғида коммунистик дунёқараш ва юксак ахлоқий фазилатларни актив шакллантиришга, уларни меҳнатсеварлик, ишчи касбларига чуқур ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳамон етарли эътибор бермаётирлар.

Бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири — бу илмий-техника революциясининг социал оқибатларини, унинг ижтимоий онг муҳитига, меҳнат кишининг феъл-атворига кўрсатиши мумкин бўлган таъсир доирасини ўрганш ва буларни олдиндан кўра билишдан иборатдир. Турмуш тажрибаси шундан далолат берадики, фан ва техника гуркираб ривожланаётган ҳозирги даврда ҳам инсон меҳнати барча бойликларнинг бош омили бўлиб қолаверади. Лекин бу меҳнат энди сифат жиҳатидан бутунлай бошқа, илгаригиларидан анча мураккаб

меҳнатдир. Ишчи малакасининг моҳияти ҳам ўзгариб бормоқда: меҳнат аҳли маълумотли, чуқур билимга эга бўлишлиги ушнинг малакасида муҳим, ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотлари, жамоатчиликдан ўрта мактабларда таълим ва меҳнат тарбияси, йигит-қизларнинг касб танлаши масалаларини ҳал этишга алоҳида масъулият билан ёндошишларини тақозо этади. Мактабни битириб чиқаётган ёшлар сони жадал кўпайиб бораётганлиги республика партия, совет ташкилотлари, министрликлар ва идоралар, меҳнат коллективлари, комсомол ташкилотлари олдига бу ёшларни ишга жойлаш, уларни самарали меҳнатга жалб этишдан иборат гоят муҳим вазифани кўндаланг қилиб қўймоқда.

Ҳар бир йигит ва қизга ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашишдан, қаерда у жамиятга энг кўп фойда келтириши мумкинлигини айтиб беришдан ҳам олижаноброқ иш бўлиши мумкинми ахир! Бунинг учун конкрет касбларни кенгроқ тарғиб қилиш, мактабни битириб чиқаётган ҳар бир ёшни ўзининг қобилиятига, жисмоний имкониятларига мос келадиган, халқ хўжалиги эҳтиёжларига жавоб берадиган касб-корни онгли тарзда танлай оладиган қилиб тарбиялаш лозим бўлади.

Кейинги пайтларда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, корхоналар, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳунар-техника билим юртлари ролини оширишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Ҳозир республикада 409 та ҳунар-техника билим юрти бўлиб, буларда 184 минг йигит-қиз таълим олмоқда. Кейинги уч йилнинг ўзида республикамизда янгидан 136 билим юрти ташкил қилинди, билим юртларида таълим олаётган ёшлар сони 67 минг кишига кўпайди.

Республика партия ташкилоти ҳунар-техника билим юртлари, айниқса ўрта маълумот берадиган ҳунар-техника билим юртлари тармоғини кенгайтириш, бу билим юртларида олиб борилаётган таълим, ишлаб чиқариш ва тарбия ишларини яхшилаш тўғрисида бундан кейин ҳам ғамхўрлик кўрсатавериш лозим, деб билади. Буни биз умумпартия, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган иш, деб ҳисоблаймиз.

Ёшларда ҳунар-техника билим юртларига кириб ўқишга, ишчи касбларини эгаллашга бўлган майлни рағбатлантириш ва кучайтиришда тарбиявий ишнинг барча формаларидан фойдаланиш лозим. Партия ташкилотлари ёшларнинг касб танлаши бўйича мактаб ва оилада

олиб-бориладиган ишни тубдан яхшилаш, ишчи меҳнати қанчалик катта аҳамиятга эга эканини кенгроқ тарғиб қилиш, бу мақсадда оммага идеологик таъсир ўтказишнинг жамики бой воситаларидан кенг фойдаланиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари коммунистик тарбиянинг гоят катта ҳамда гоят масъулиятли соҳасидир. Ҳозирги пайтда республикада 43 олий ўқув юрти, 207 техникум ва билим юрти ишлаб турибди. Фақат кейинги йилларнинг ўзида 5 та олий ҳамда 47 та ўрта махсус ўқув юрти очилди. Илмий-техника революцияси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда олий ўқув юртларида кўпгина янги ихтисослар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Амалий математика, иқтисодий кибернетика, автоматлаштирилган бошқарув системалари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Республикамиздаги ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқув-тарбия жараёни тинмай такомиллашиб бормоқда, ўзлаштириш даражаси кўтарилмоқда, кафедралар, тармоқ ва проблема лабораториялари, студентлар конструкторлик бюрolari ҳамда илмий жамиятларнинг фаолиятида илмий-ижодий активлик кўрсатаётган студентлар сони ошиб бормоқда. 1978 йилда диплом лойиҳаларини ёқлаб, давлат имтиҳонларини топширган студентларнинг 50 процентдан кўпроги олий ўқув юртлари ва техникумларни яхши ҳамда аъло баҳолар билан битирди. Кўпгина диплом ишлари халқ хўжалигига жорий қилиш учун тавсия этилди.

Гоёвий жиҳатдан чиқиққан, юксак малакали мутахассислар етиштиришда олий ўқув юртлари, техникум ва билим юртлари катта тажриба тўпладилар. Олий ва махсус ўрта билим юртларини битириб чиққан ёшларнинг ассий кўпчилиги меҳнаткаш, ажойиб инсонлардир, улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўқувчилар билан студентларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ишида ўқитувчилар, профессор-педагоглар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бизда ана шу олижаноб иш соҳасида 274 мингдан кўпроқ киши меҳнат қилиб келмоқда. Улар ўз олдиларидаги юксак бурчни шараф билан, ҳалол бажармоқдалар. Ўқитувчига энг фахрли, энг масъулиятли иш — ўсиб келаётган авлодга таълим бериш ва тарбиялаш вазифаси топшириб қўйилган. Янги жамиятнинг маънавий тажрибаси тўплаган энг яхши фазилатларни у ёшларга, ҳар бир йигит ва қизга сингдира бориши, айни бир пайтда яшашга, ўқишга, меҳнат қи-

лийга ҳалақит берадиган барча иллатлардан қутулишларига астойдил ёрдам бериши лозим. Ўқитувчи ёшларга ибрат кўрсата оладиган, коммунизм қурувчисининг энг яхши маънавий хислатларини ўзида мужассамлаштирган, ниҳоятда қалби пок, ниҳоятда беғубор одам бўлиши керак.

Ўқитувчи ва студент ёшларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини доимо яхшилаб бориш, мактаблар, билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртларидаги ҳаётнинг ўзи, улардаги бутун таълим-тарбия жараёни ҳар бир ўқувчи билан студентда материалистик дунёқарашни, коммунистик эътиқодни шакллантиришга, уларни меҳнатсевар қилиб тарбиялашга ёрдам бериши лозим, шунга эришмоқ керак. Токи ўқув юртларимиздаги ёшлар меҳнат кўникмасига эга бўлган, билимдон, юксак даражада ғоявий, маданиятли, коммунизм учун фаол курашадиган одамлар бўлиб етишсин.

Республика партия ташкилотлари ишчи ва қишлоқ ёшларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида, уларнинг малакасини ошириш ва маънавий камол топтириш, юксак унум билан меҳнат қилишлари, ўқиш ва дам олишлари учун шарт-шароит яратиб бериш ҳақида, мураббийлик ҳаракатини авж олдириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлган комсомол ёшларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясини ташкил этишда алоҳида ўрин тутаяди. Ўз сафларига 2,2 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган республика комсомол ташкилоти комсомол аъзолари ҳамда комсомол аъзоси бўлмаган ёшлар ўртасида катта иш олиб бормоқда. Йигит ва қизларнинг кўнгилга ажойиб, ватанпарварлик ташаббуслари шу комсомол ташкилотининг номи билан боғлиқ.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ВЛКСМ XVIII съездида сўзлаган ёрқин нутқидаги йўл-йўриқлар бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистондаги барча комсомол ташкилотлари учун ҳам келгуси ишларнинг жанговар программасидир. Бинобарин бизнинг комсомол бу йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқариб келмоқда.

Ҳозирги пайтда комсомол ташкилотлари олиб бораётган тарбиявий иш аввало бош вазифани — ўн икки беш йиллик топшириқларини бажаришда ёшларнинг ғоят фаол иштирокини таъминлаш, ҳар бир комсомол аъзоси, ҳар бир йигит ва қизда ўз меҳнати ҳамда ўқиши учун шахсан жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, уларда ҳам ғоя-

вий жиҳатдан баркамол, ҳам актив ҳаётӣ позицияни янада кучайтириш вазифасини бажаришга қаратилмоқда.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТДА ЮКСАК ПАРТИЯВИЙЛИК УЧУН

Коммунизм қурилиши жараёнида адабиёт ва санъатнинг тарбиявий аҳамияти тўхтовсиз ошиб боради. Адабиёт билан санъат инсон онгининг гоят нозик соҳаларига даҳлдор бўлиб, одамларнинг қалби ва онгига, ҳис-туйғулари ва фикр-ўйларига таъсир ўтказади, янги инсон дунёқарашини, унинг маънавий ҳамда эстетик идеалларини шакллантиришга фаол кўмаклашади, жамиятнинг маънавий хазинасини бойитади, ҳаётни идрок этишдагина эмас, балки уни қайта қуришда ҳам қудратли восита, буржуа идеологиясига қарши курашда ўткир қурол бўлиб хизмат қилади. Бизнинг адабиёт билан санъатимиз қаҳрамон совет халқи билан қондош ва жондошдир.

Партия адабиёт билан санъатни юксак қадрлайди, буларнинг ҳар иккисини ривожлантириш, гоёвий мазмунини яхшилаш ва бадний савиясини ошириш йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Партия адабиёт билан санъатнинг партиявийлиги ва халқчиллиги ҳақидаги ленинча принципларга амал қилган ҳолда маънавий бойлик ижодкорларининг куч-ғайратини умумхалқ коммунистик қурилиш ишида фаол қатнашишга, ёрқин, гоёвий жиҳатдан юксак, чинакам бадний асарлар яратишга йўналтирмоқда. Партия истеъдодли ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, театр ва кино ходимларини меҳр билан тарбиялаб келмоқда, уларнинг ижодидаги коммунистик эътиқодни кучайтирмоқда, ижодий изланишларига диққат билан эътибор бермоқда, лаёқатли ва истеъдодли ижодкорлар ўзига хос индивидуалликларини тўла намоён эта билишлари, социалистик реализмга асосланган бой ва хилма-хил шакл ҳамда услублар яратишлари учун курашмоқда.

Адабиёт ва санъат масалаларидаги партия сиёсатининг моҳияти ана шундай. Бу — бадний ижодга партия раҳбарлигининг бош йўлидир, бинобарин партия бу йўлни оғишмай амалга ошириб келмоқда.

Партия XXV съезди адабиёт ва санъат масалалари бўйича аниқ йўл-йўриқларни кўрсатиб берди. КПСС Марказий Комитети кейинги йилларда қабул қилган қатор қарорларда бу йўл-йўриқлар конкретлаштириб берилди. «Адабий-бадний танқид тўғрисида», «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида», «Халқ бадний ҳунармандчилиги тўғрисида», «Ижодкор

ёшлар билан ишлаш тўғрисида» партия Марказий Комитети чиқарган қарорлар ҳамда «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарор айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Буларнинг ҳаммаси жамиятимиз маънавий бойлигини ошириш, совет бадний маданиятини янада равнақ топтириш, бу маданиятнинг одамларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги ролини ошириш тўғрисида партия, унинг Марказий Комитети оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келаётганлигидан яққол нишонadır. Партиянинг диққат-эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган совет адабиёти ва санъати арбоблари коммунистик бунёдкорлик нафоси ёрқин акс эттирилган, одамларнинг қаҳрамонона меҳнати қўйланиб, ҳаёт ҳақиқати рўй-рост очиб берилган талайгина ишчи, халққа зарур асарлар яратдилар.

Ўзбекистон ижодкор зиёлилари совет маданияти хазинасига — мазмун жиҳатидан ранг-баранг, руҳи ва моҳиятига кўра интернационалистик маданият хазинасига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ёзувчиларимиз, рассомлар, композиторлар, кино ва театр арбоблари, архитектор ва ҳайкалтарошларимиз яратган кўпгина асарлар халққа кенг манзур бўлди. Янги ижодий кучлар — кекса авлодга мансуб ажойиб ижодкорларнинг муносиб давомчилари бўлган истеъдодли ёшлар адабиёт ва санъатга кириб келишини муҳим воқеа деб ҳисоблаш керак.

Кейинги йилларда яратилган энг яхши асарлар замонамизга дахлдорлиги, ҳаётни чуқур акс эттирганиги, воқелигимизни чинакам бадний тасвирлаганлиги билан ажралиб туради. Бу асарларнинг бош қаҳрамонлари илғор ишчилар, колхозчилар, яхлит меҳнат коллективларидир. Булар ёрқин бадний образларда акс эттирилган бўлиб, барча меҳнаткашлар учун ибрат вазифасини ўтайди. Шуниси ҳам қувонарлики, ижодий ходимлар давримизини яна ҳам чуқурроқ ва кенгроқ ёритишга имкон берадиган мураккаб жанрларга ҳамда йирик формаларга тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолдилар.

Афсуски, айрим авторлар баъзан майда-чуйда мавзулар атрофида ўралашиб, ўз истеъдодларини совурадилар, қаҳрамонларини тор маънавий манфаатлар ва аҳамиятсиз воқеа-ҳодисалар гирдобига солиб қўйдилар. Натижада хом-хатала, юзаки, композицион жиҳатдан тарқоқ, бадний гўр асарлар пайдо бўлаётир. Бундай асарларда жўшқин ҳаётимизнинг қайноқ нафаси сезилиб турмайди, совет кишисига хос бўлган кўп қиррали, бой маънавий дунё тўлалигича очиб берилмайди.

Давримизнинг катта проблемаларини кўғариб чиқувчи, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши новаторларининг серқирра меҳнатини ҳамда уларни илғор бўлишга, ватанпарварлик ташаббусини бошлаб беришга ундаган маънавий омилларни очиб берувчи арзигулик спектакллар театрларда, айниқса область театрларида камдан-кам сахна юзини кўрмоқда. Ҳозирги ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар мавзуи кинематографияда, тасвирий санъатда ҳалигача етарли тарзда аке эттирилмаётир, бу мавзуда йирик формалардаги музика асарлари ва айниқса оммавий қўшиқлар кам яратилмоқда.

Ваҳоланки, бизнинг ҳаётимизда, бизнинг социалистик воқелигимизда совет кишинининг иродаси билан амалга оширилаётган буюк мўъжизалар беҳисоб. Саноат корхоналари ва қурилишларда, колхоз ва совхоз далаларида, Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Шеробод чўлларида, Қорақалпоғистон шолиторларида ва Марказий Фарғонада минг-минглаб ватанпарварлар яшамоқдалар, фидокоропа меҳнат қилмоқдалар. Ишлари ҳам мўъжизавор: гоят мураккаб машина ва асбоб-ускуналар, олтин ва газ, мўлкўл пахта ва шоли ҳосили, ўтлаб юрган сурув қўйлар, янги-янги саноат гигантлари, инсон ижоди бўлган денгиз ва каналлар, чекинган чўллар, жамоли ўзгарган табиат — буларнинг ҳаммаси шу одамлар меҳнатининг самарасидир.

Афсонавий баҳодирларга ўхшаб булар мўъжизали ишлар қилмоқдалар, уларнинг бу жасорати ҳар қанча мадҳ қилишга арзигуликдир, улар бадий асарларга лойиқ бўлган чинакам қаҳрамонлардир.

Ажойиб воқелигимизга бағишланган, янги ҳаёт қуриш, мамлакат ҳамда республикамиз экономикаси ва маданиятини юксалтириш борасидаги партия билан халқнинг буюк жасоратини аке эттирадиган кўплаб тўлақонли таъсирчан асарлар яратиш — адабиёт ва санъат арбобларининг шон-шараф ишидир. Совет кишини образи — ватанпарвар ва бунёдкор инсон, коммунизм қурувчиси образи ана шундай асарлар марказида туриши лозим. Олдинги сафларда бораётган, ҳаётни фаол тарзда ўзгартираётган кишилар, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, «мамлакатнинг гули, мамлакат куч-қуввати ва истиқболининг эгаси»¹ бўлган кишилар ҳаминша социалистик реализм санъатининг бош қаҳрамонлари бўлмоғи керак.

Адабий-бадий танқидчиликка ҳам жиддийроқ талаблар қўйиш керак бўлади. КПСС Марказий Комитетининг

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 12-том, 112-бет.

машҳур қароридан кейин танқидчиликнинг бадий ижодга таъсири анча кучайди. Бироқ адабиётшунос ва санъатшуносларимиз адабиёт ва санъат тараққийига, ғоявий-бадий даражасининг кўтарилишига ҳануз бутун куч ва имкониятлари даражасида таъсир кўрсатмаётирлар. Замонавий мавзуга бағишланган кўпгина асарлар, айниқса ёш авторларнинг асарлари баъзан танқидчилар эътиборидан четда қолмоқда.

Адабий-бадий танқидчилик ижод жараёнига чуқуროқ кириб боришга, бу жараёнга самаралироқ таъсир қилишга, кенг оммага санъатни тўғри тушунишда, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кино ва театр арбобларига муносиб бадий асарлар яратишда ёрдам беришга даъват этилган. Танқидчилик адабиёт ва санъат масалаларида партия йўлини фаол амалга ошириши, одоб-ахлоқ, бадий бойлик ижодкорларига ҳурмат-эъзоз доирасидан чиқмаган ҳолда кўпроқ принципиаллик кўрсатиши лозим.

Ижодий союзлар ва ташкилотлар фаолиятини янада активлаштириш керак. Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, кинематографчилар, архитекторлар союзлари, театр жамияти, уларнинг партия ташкилотлари ижодий ходимларни тарбиялаш, уларнинг ғоявий-назарий савияси билан профессионал маҳоратини ошириш масалаларига янада кўпроқ эътибор беришлари, ижодий ходимлар ўз асарлари учун партия ва халқ олдида юксак даражада жавобгар эканликларини доимо сезиб туришларига эришишлари лозим. Ижодий ходимларнинг ўзаро ҳамда ишлаб чиқариш коллективлари билан ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаб бориш керак.

Адабиёт ва санъат ходимларининг ижодий активлигини бундан кейин ҳам ошира бориш, ижодкор зиёлилар республикамиз ва мамлакатимиз меҳнаткашлари қандай яшаб, қандай ишларни амалга ошираётганликларига бевосита алоқадор эканликларини, бу ишларнинг муваффақиятидан ҳам шахсан манфаатдор, ҳам шахсан жавобгар эканликларини ҳамisha ҳис этиб туришларига эришиш лозим.

Бинобарин бу соҳада партия ташкилотлари кўп ишлар қилиши мумкин ва қилиши лозим. Партия ташкилотлари идеология ишининг барча воситаларини ишга солишлари, партия ва халқ учун айниқса қимматли ғоявий кучга эга бўлган асарларни биринчи навбатда қўллаб-қувватлашлари ҳамда пропаганда қилишлари керак. Партия ташкилотлари совет кишинининг дунёқарашини, сиёсий ва маданий савиясини шакллантиришда адабиёт

билан санъатнинг рационал ҳамда эмоционал жучидан тўла фойдаланишлари даркор.

НАЗАРИЯ БИЛАН ТАЖРИБАНИНГ БОҒЛАНИШИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

КПСС ўзининг гоёвий-тарбиявий фаолиятида ҳамisha Ленин назарий меросига, Ленин илмий методологиясига, марксизм-ленинизмнинг бутун бебаҳо хазинасига суяниб иш кўриб келди ва иш кўриб келмоқда. КПСС шунга амал қиладики, назариянинг ривож, ижтимоий фанларимизнинг юксалиши ҳамда бу соҳаларда эришилган ютуқларнинг турмушга татбиқ этилиши ривожланган социализм жамиятида ҳам моддий ишлаб чиқариш учун, ҳам маънавий ҳаёт тараққиёти учун жуда катта аҳамият касб этади.

В. И. Ленин партиянинг идеология соҳасидаги фаолияти асосларини ишлаб чиқар экан, бундай деб таъкидлаган эди: «Революцион назариясиз революцион ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмас»¹. Яна у бундай дейди... «...илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи ролини бажара олади»².

Доҳийнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб келаётган партиямиз, унинг Марказий Комитети революцион фани янада ривожлантириш, ижтимоий ҳаётдаги асосий тенденциялар ва ҳодисаларни ижодий-назарий жиҳатдан умумлаштира бориш йўлида барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Мамлакатимизда социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини илмий жиҳатдан умумлаштириш, жаҳон революцион жараёнга, ҳозирги даврдаги халқаро муносабатларга оид проблемаларни ўрганиш юзасидан анчагина ишлар қилинди.

Партиянинг ижодий тафаккури реал социализмнинг туб проблемаларини ҳал этишига — коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўллариини конкретлаштириб бериш вазифасига, планлаштириш ва бошқаришдаги замонавий усулларини, экономика самарадорлигини ошириш, моддий ва маънавий рағбатни такомиллаштириш воситаларини ишлаб чиқиш вазифасига қаратилган. Ҳозирги босқичдаги партия аграр сиёсатининг бош йўналишларини ҳамда бу сиёсатни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

КПССнинг раҳбарлик роли ҳақидаги таълимотни янада ривожлантириш, жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 6-том, 27-бет.

² Уша ерда, 29-бет.

турли соҳаларини ўрганиш борасида талай ишлар қилинди. Совет давлати тарихида ривожланган социалистик жамият босқичи бўлган ҳозирги тараққиёт босқичи чуқур тадқиқ этиб берилди. Жамиятимиз социал структурасида рўй берган ўзгаришлар билан, ишчилар синфининг етакчилиги ролини, унинг деҳқонлар ва зиёлилар билан иттифоқини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича таҳлил этилди.

Партиянинг назарий фаолияти — катта ғоявий бойликдир. У — шундай мустаҳкам бир пойдеворки, республика партия ташкилотлари шу пойдеворга суянган ҳолда оммави ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш самарадорлигини оширмоқдалар, пропаганда ва агитация ишига, идеология ишига раҳбарликни кучайтирмоқдалар. У — республикамизда ижтимоий ғоялар билан шуғулланувчи олимларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолияти учун негиздир.

Шуни айтиш керакки, олимларимиз кейинги пайтларда ўз ишларини анча фаоллаштирдилар. Улар Ўзбекистонда революцион ҳаракатнинг пайдо бўлиши ва бу ҳаракатнинг ривожланиш қонуниятлари, Россия пролетариати, ленинчи Коммунистлар партиясининг ўзбек халқи тақдиридаги тарихий роли, ўзбек халқининг феодализмдан социализмга ўтиш жараёнидаги объектив шарғ-шароит билан боғлиқ бўлган масалаларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқмоқдалар. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётини тадқиқ қилиш, ленинча илмий сиёсатни ҳамда унинг самараларини пропаганда қилиш, меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ишига олимларимиз тобора кўпроқ ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шунинг билан бирга ижтимоий ғоялар соҳасидаги қатор тадқиқотлар ўзининг назарий савияси, актуаллиги жиҳатидан ҳозирги талабларга ҳали тўла жавоб бермайди. Илмий асарларнинг маълум қисмида шарҳғўйлик, юзакчилик, баёнчилик ва схематизм касалликлари учраб туради. Бу асарларда янги жараёнларни чуқур таҳлил этган ҳолда уларни умумлаштириб бериш етишмайди. Айрим илмий асарларда ижтимоий ҳодисаларга баҳо беришда социал-синфий принциплардан, партиявий ёндашиш принципларидан чекинмиш ҳоллари содир бўлди.

Республика партия ташкилоти нашр этилаётган ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг илмий ва ғоявий савиясини ошириш, олимларни, барча илмий ходимларни юксак ғоявийлик руҳида, топширилган иш учун масъулият сезиш руҳида тарбиялаш ишини яхшилаш йўлида

қатъий чора-тадбирлар кўрмоқда. Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимларнинг асосий диққат-эътибори совет даврини, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичини ўрганиш, партия ички ва ташқи сиёсати соҳасида эришилган ютуқларни кенг очиб бериш масалаларига жалб этилмоқда.

Тарбиявий фаолиятнинг илмий негизини кенгайтириш масаласи ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ масала бўлиб турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни ҳисобга олган ҳолда «Республикада меҳнатқашларни коммунистик руҳда тарбиялаш проблемаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарордан мақсад — партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш, меҳнат коллективларида оммавий ахборот воситалари, оғзаки пропаганда ва агитация, маданий-оқартув муассасалари йўли билан меҳнатқашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масалалари билан шуғулланувчи барча жамиятшуносларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат. Олимлар амалий иш олиб бораётган ходимлар билан ҳамкорликда идеология фаолиятига оид проблемаларни тадқиқ қилган ҳолда бу соҳада амалга оширилган ишларни ҳар томонлама умумлаштириб беришлари, ғоявий-сиёсий тарбиянинг янги-янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқишлари, буларни турмушга жорий этиш юзасидан тавсиялар беришлари лозим.

Табиий ва техник фанлар арбоблари олдида катта вазифалар турибди. Партия совет илм-фани тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берар экан, бутун кучгайратни энг муҳим проблемаларни ҳал этишга қаратиш, илм-фаннинг коммунистик қурилиш билан боғланишини янада мустаҳкамлаш, илм-фан ютуқларини жадаллик билан халқ хўжалигига жорий этиш зарурлигини таъкидламоқда.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг доимий ғамхўрлиги туфайли, ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлиги туфайли республикада жуда катта илмий-техник имкониятлар юзага келди. Ҳозир республикамизда 174 илмий муассаса, 6 илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бор. 32 мингдан зиёд илмий-педагогик ходим, шу жумладан қарийб 900 фан доктори ва 12 минг нафар фан кандидати самарали меҳнат қилишмоқда.

Кейинги йиллар мобайнида республика олимлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қатор иш-

ларни бажардилар. Юксак даражада самарадор техника намуналари яратилди, прогрессив технологик жараёнлар ва агротехник усуллар ишлаб чиқилди, ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳаларини механизациялаш ва автоматлаштиришга оид проблемалар янгича ҳал этилди. 1979 йил бошига келиб республикада 118 та тармоқ автоматлаштирилган бошқариш системаси (АБС), юздан кўпроқ ҳисоблаш маркази фаолиятда эди. Республика халқ хўжалигини бошқаришнинг ягона автоматлаштирилган системасини яратишда, кейинроқ эса бу системани ахборот тўшлаш ва қайта ишлаш бўйича умумдавлат системасига улашда улар катта аҳамиятга эга. Математика, кибернетика, ядро физикаси, химия, биология, геология, медицина ҳамда илм-фаннинг бошқа соҳаларида олимларимиз кўлга киритган ютуқлар довуғи фақатгина Ўзбекистоннинг эмас, балки мамлакатимиз сарҳадларини ҳам ошиб ўтди.

Бироқ тадқиқотлар техника тараққиётига қай даражада таъсир кўрсатаётганига қараб олимларнинг фаолиятига баҳо бериладиган бўлса, шуни айтиш керакки, бу фаолиятдаги самарадорлик ҳали кўнгилдагидай эмас. Илмий тадқиқотларда яна ҳам самаралироқ натижаларга эришиш ва бу натижаларни халқ хўжалигига жорий этиш борасида яратиб берилган имкониятлар тўла ишга солинаётгани йўқ.

Бу вазибаларни ҳал этишда илмий-текшириш муассасалари ҳамда олий ўқув юр்தларининг партия ташкилотлари муҳим роль ўйнаши керак. Улар пахтачиликни янада юксалтириш, янги ерларни ўзлаштириш, янги ерлардаги мелiorация ва прирyация ишлари, табиий бойликлардан ҳамда қуёш энергиясидан фойдаланиш сингари регионал аҳамиятга эга бўлган актуал муаммоларни ҳал этиб бериш масаласига олимлар эътиборини кўпроқ жалб этмоқлари лозим. Бу муаммоларни ҳал этиш учун илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юр்தлари, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ва корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш талаб этилади. Бу ишларнинг аҳамияти яна шунинг учун ҳам ортиб бормоқдаки, КПСС XXV съезди қарорларига биноан мамлакатимизда, жумладан республикамизда Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш билан боғлиқ бўлган катта тайёргарлик ишлари олиб бориламоқда. Бу масаланинг муваффақиятли ҳал этилиши жуда катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, фақатгина Ўзбекистонда эмас, балки, Ўрта Осиёдаги барча республика-

ларда ва Қозоғистонда ишлаб чиқариш кучларини, биринчи навбатда пахтачиликни ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини янада ривожлантиришга имкон беради.

Илмий-текшириш муассасалари, кафедра ва лабораторияларда иш самарадорлигини ҳар томонлама ошира бориш, ҳар бир илмий коллективда ижодий вазият, самарали мунозаралар ҳамда ўзаро талабчанлик муҳити бўлишига эришиш, табиий, техник ва ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш — партия ташкилотлари, олий ўқув юр்தларининг раҳбарлари, республика Фанлар академияси олдида турган вазифа аввало ана шундан иборатдир.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИГА РАҲБАРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК, ИДЕОЛОГИЯ ИШИДАГИ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС XXIV ва XXV съездлари идеология ишига партия раҳбарлигини ҳар томонлама кучайтириш, тарбиявий ҳамда ташкилотчилик фаолиятларини узвий равишда бирга қўшиб олиб боришга эришиш лозимлигини таъкидлади. Республика партия комитетлари ушбу съездлар қарорларини бажара бориб, пропаганда ва агитация ишининг моҳияти билан чуқурроқ қизиқадиган, оммага гоёвий-сиёсий таъсир ўтказишнинг барча воситалари, шакл ва усулларида самаралироқ фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Улар идеология соҳасининг кадрлари билан мунтазам равишда иш олиб бормоқдалар, шу кунги ва келажакдаги вазифаларни сўзлаб бермоқдалар, тарбиявий ишда тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириб, кенг миқёсда оммалаштирмоқдалар.

Идеология иши билан боғлиқ бўлган масалалар эндиликда область, шаҳар, район партия комитетлари масъулларида, партия активи йиғилишларида ва бошланғич партия ташкилотларида, кенгашларда, семинарларда, илмий-амалий конференцияларда тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Гоёвий-сиёсий ишни олдиндан уланлаштириш тажриба тусига кирди.

Бироқ идеология ишига партия раҳбарлигида, меҳнаткашларни гоёвий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масаласида ҳали ҳам камчиликлар оз эмас. Тарбиявий масалага бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар кўпинча меҳнаткашларнинг эҳтиёжларидан, кундалик ташвишлари-ю, турмушдаги интилишларидан ажралиб қолмоқда. Шу боисдан

ҳам бу тадбирлар одамларнинг онги ва қалбига таъсир қилмайди.

Республика партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган ғоявий-сиёсий ишни чинакам илмий, ижодий асосда қуриш, унинг таъсирчанлигини ошириш учун астойдил курашмоқда. Партия ташкилотлари одамларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш масаласига илмий жиҳатдан ёндошишга катта эътибор бермоқда, тўпланган тажрибага суяниб иш кўрган ҳолда бу тажрибани ҳар томонлама оммалаштирмоқда.

Идеология иши — бутун партиянинг, унинг барча кадрлари, барча коммунистларнинг ишидир. Идеология ишининг қўйилиши, унинг кўлами ва мазмуни учун барча партия комитетлари жавобгардир. Лекин бу иш қай аҳволда эканига биринчи навбатда шу соҳа учун масъулиятли одамлар жавоб беради. Булар — идеология ходимларидир.

Республика партия ташкилоти оммани ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ишини омилкорлик билан уюштира билувчи, малакали, пухта ҳозирлик кўрган ходимларнинг катта отрядига эга. Биргина Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, область, шаҳар, район партия комитетларида, йирик партия ташкилотларида қарийб 1200 нафар штатли идеология ходими ишлаб турибди.

Идеология ходимларининг мунтазам ўқувини ташкил этиш, уларнинг билимини ошириш ҳамда кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, совет турмуш тарзини пропаганда қилиш соҳасида тўпланган тажрибалар билан қуроқлаштириш — идеология ишини кучайтириш, унинг шакл ва усулларини такомиллаштириш йўлидаги энг муҳим воситалардан биридир. Бизнинг республикамизда олий партия мактаби, партия ва совет ходимлари малакасини ошириш бўйича республикалараро ва областлараро ташкил этилган курслар, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимида область партия комитетлари идеология кадрларининг ўқуви, марксизм-ленинизм университетлари, назарий конференциялар ва семинар машғулотлари шу мақсадга хизмат қилмоқда. Кўпгина олий ўқув юртларида ёш лекторлар мактаби ташкил этилган. Тошкентда лекторлик маҳорати университети муваффақиятли ишлаб турибди. Бир қатор шаҳар ва районларда раҳбар ходимлардан иборат ахборот-пропаганда группалари ташкил этилган. Бу раҳбар ходимлар лекторлар ва сиёсий докладчилар ҳузурида мунтазам сўзга чиқиб туришади.

Ғоявий-сиёсий тарбияга бўлган янгича талаблар, идеология ишига комплекс тарзда ёндошиш зарурати бундай масъулиятли вазифа ишониб топширилган кадрлар малакасини ҳар томонлама ошира боришни тақозо этади. Идеология ходимлари, уларнинг савияси ва ижобий ғазилатлари қандай бўлишидан қатъий назар, жамиятимизда рўй бераётган улкан социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳамisha ўқиб-ўрганиб, олдинги билимларини бойитиб, илгор тажрибаларни ўзлаштириб борган тақдирдагина ўз вазифасини муваффақиятли адо этиши мумкин. Улар ҳар соҳада ташаббус ва принципиаллик кўрсатишлари лозим.

Идеология кадрлари ва муассасалари фаолиятига баҳо беришда, ғоявий-тарбиявий ишнинг аҳволи ва таъсирчанлигини аниқлашда кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳнат ва сиёсий активлиги қаъчалик юксак эканлигидан, меҳнат коллективларидаги сиёсий-маънавий муҳит қандай эканлигидан, ишлаб чиқариш планлари ҳамда социалистик мажбуриятлар қай тарзда бажарилаётганлигидан келиб чиқиш керак.

Ана шу муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажаришда барча кадрларимиз, бутун партия, совет, хўжалик активи фаол қатнашмоқда. Бизнинг республикамизда 599 нафар область, шаҳар ва район секретари бўлиб, булардан 99,2 проценти олий маълумотга эга. Партия комитетларидаги идеология ходимларининг умумтаълим ва сиёсий даражаси гоят юқори. Уларнинг деярли ҳаммаси олий маълумотли. 450 мингдан ортиқ штатсиз пропагандаист, агитатор, сиёсий докладчи ва идеология соҳасининг бўлак ходимлари оммаи партия гояларидан баҳраманд қилиб келмоқдалар.

Бу — катта куч. Бизда илгари ҳеч қачон бу даражада бақувват партия ва идеология ходимлари бунчалик кўп бўлмаган, шунга кўра биз бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишни илмий асосларда олиб бормоқдамиз, бу ишни янги, янада юқорироқ поғонага, коммунистик қурилишининг ҳозирги босқичи талаблари даражасига кўтармоқдамиз.

КПСС улугъ Ленин васиятларига амал қилиб, ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни кенг жалб этиш, уларни жамоат ташкилотлари фаолиятида актив қатнаштириш зарурлигини таъкидлаб келмоқда. Бу вазифани ҳал этмоқлик учун одамларга кенг ахборот бериб туришни йўлдан қўйиш керак бўлади. Биринчи навбатда бу — бутун партия, совет, хўжалик активининг ишидир. Агитация ва пропаганда ишларида, меҳнаткашларни тарбия-

лаш соҳасида барча раҳбар ходимлар шахсан қатнашсин, деган талабнинг маъноси ҳам шунда.

Республика партия ташкилотлари барча раҳбар ходимлар агитация-пропаганда ишларида мухтазам иштирок этишини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини меҳнаткашларга тушунтира бориб, уларни фидокорона меҳнатга сафарбар этишни таъминлаш йўлида курашиб келмоқда. Бундан мақсад шуки, раҳбарлар ўз коллективларидаги сиёсий-маънавий муҳит учун, ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши учун тўла жавобгарлик ҳиссини сезадиган, хўжалик фаолиятига оид масалаларга одамларни тарбиялаш нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлишлар.

Давлат органлари, халқ депутатлари Советлари, касабасоюз, комсомол, кўплаб жамоат ташкилотлари партия ташкилотлари раҳбарлигида идеология соҳасида фаолият кўрсатмоқдалар. Биз одамларни тарбиялаш ишида — уларнинг роли ва активлигини бутун чоралар билан ошириш учун курашмоқдамиз.

Ўзбекистон партия ташкилоти меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ленинча сарфатини тинмай эгаллаб борган, КПСС XXV съезди тарихий қарорларига амал қилган ҳолда идеология ва ташкилотчилик ишини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, уни чинакамига жанговар, мақсад сари йўналтирилган фаол ишга айлантириш ва шу асосда меҳнаткашларнинг сиёсий ҳамда меҳнат активлигини янада кучайтириш, партия режаларининг амалга оширилишини таъминлашга эришишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

1979 йил

ДУСТЛИК, БИРОДАРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТИЛИ

...Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернишевский тил — улур ва қудратли тил... Шунинг учун ҳам биз ҳамар бир кишининг улур рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдормиз, албатта.

В. И. Ленин

I

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА БИР-БИРИНИ ЎЗАРО БОЙИТИШ АСОСИДА

Кўп халқларнинг ижодий даҳоси асрлар давомида эркинлик ва ақл-заковат ҳоким бўлган салтанатлар ҳақида афсоналар яратган. Башариятнинг фозил ва оқил кишилари халқларнинг бир аҳил оилага айланишсини, бир ёқадан бош чиқариб, бутун куч-гайратлари билан Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат жамиятини вужудга келтирувчи нурафшон замонни орзу қилган эдилар.

Мана ўша замон келди. Буюк Октябрь социалистик революциясининг галабаси туфайли азиз дпёримизда энг эзгу орзулар ушалди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар инсоният революциянинг 60 йиллигини улур айём сифатида, революцион кураш ва коммунистик бунёдкорлик байрами сифатида тантапали вазиютада нишонладилар.

Совет халқи Улур Октябрь байроғи остида, Ленин партияси раҳбарлигида жаҳон тарихидаги энг адолатли, энг инсонпарвар жамият — коммунистик жамият қуришнинг улугвор программасини зўр муваффақият билан рўёбга чиқармоқда.

КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари совет кишиларининг куч-гайрати ва сиёсий активлигини мислсиз жўш урдириб юборди. Ҳамма жойда ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёзмақда.

Кейинги қирқ йил мобайнида совет жамиятида содир бўлган чуқур ўзгаришларни ўзида акс эттирувчи янги СССР Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида муҳим босқич бўлди. Янги Конституция давримизнинг, ривожланган социализм даврининг чинакам ленинча манифестидир. СССР янги Конституциясининг, совет халқлари бузилмас дўстлиги ва биродарлиги Конституциясининг, бунёд бўлаётган коммунизм Конституциясининг қабул этилиши фақат бизнинг мамлакатимизнинг

миз учунгина тарихий воқеа бўлиб қолмасдан, балки улкан халқаро аҳамиятга молик воқеа ҳам бўлиб қолади.

Кейинги вақтларда мамлакатимизда гоёвий ҳаёт қизғин тус олди. Совет кишиларининг маънавий дунёси бойиди, янги мазмун касб этди. СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва биродарлиги, уларнинг партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагидаги бирлиги ва якдиллиги йил сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Партия программасидаги: коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши мамлакатимиздаги барча миллатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, деган қонда ҳақиқатга айланди.

Совет давлати 15 мустақил иттифоқдош республикани бирлаштириб турибди: уларнинг таркибида 20 автоном республика, 8 автоном область, 10 миллий округ бор. Ана шу республикалар, областлар ва округларда яшаб турган миллатлар ва элатлар ягона социалистик оила — совет халқини вужудга келтирди. Улар буюк, муштарак мақсад йўлида — коммунизм қуриш йўлида қўлни қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар, бир-бирларига қардошларча меҳрибонлик кўрсатмоқдалар, ҳар соҳада мададкор бўлмоқдалар, бир-бирларига сидқидилдан ёрдам бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ленин партиясининг XXIV съездида шундай деган эди: «Бизнинг мамлакатимизда социалистик қурилиш йилларида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди. Биргаликда қилинган меҳнатда, социализм учун курашда, социализмни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда синфлар ва социал гуруҳлар, миллатлар ва элатлар ўртасида янги, гармоник муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Бизнинг кишиларимиз марксна-ленинча идеологиянинг муштараклиги, коммунистик жамият қуришдаги юксак мақсадларнинг муштараклиги билан жипслашган. Кўнмиллатли совет халқи ана шу монолит жипслигини ўз меҳнати билан, Коммунистик партия сиёсатини яқдил маъқуллаши билан намоён қилмоқда»¹.

Самимий, қардошларча дўстлик, бегараз ўзаро ёрдам, орзу-интилишлар бирлиги — мамлакатимизда абадий қондош-жондош бўлиб, бир иттифоққа бирлашиб кетган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзаро алоқа ва ҳамкорлигидаги ўзига хос хусусиятдир. Бу — фақат бизнинг социалистик жамиятимизга хос фазилатдир. КПСС Мар-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. 3-том, 313-бет.

қазий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарориди бу нарса яққол кўрсатиб берилди. «Жаҳон тарихида,— дейилади қарорда,— ўйлаб миллат ва элатларнинг ўзаро муносабатларида, қардошларча иттифоқимизда доимо намоен бўлаётганидек манфаатлар ва мақсадлар, истақ ва интилишларнинг шу қадар бузилмас бирлиги, шу қадар маънавий яқдиллик, шонч ва ўзаро ғамхўрлик ҳали ҳеч қачон кўрилмаган эди».

Доҳиймиз В. И. Ленин, у тузган партия халқлар дўстлиги ва қардошлигини қарор топтириш йўлидаги курашда озмунча куч-ғайрат сарфламадилар. Бу интилишлар беҳуда кетмади. Партияимизнинг ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилиши оқибатида эришилган самаралар ва бундан буёнги ривожланишнинг норлоқ истиқболлари ҳозир яққол кўриниб турибди. Ана шу ютуқ ва истиқболлар тўғрисида, халқ бахт-саодати тўғрисида сидқидилдан айтилган сўзлар XXV съезд минбаридан баралла янгради. Бу сўзлар ҳаммага тушунарли тилда — улуғ рус тилида, Ленин тилида айтилди.

Ҳар бир совет кишиси улуғ советлар оиласига мансуб экалиги билан, рус халқи шу оиладаги барча халқларнинг оғаси эканлиги билан фахрланади. Социалистик миллатлар оиласида оға бўлиш — катта шараф ва масъулиятдир. Рус халқи сон жиҳатидан мамлакатимиздаги энг катта халқ эканлиги учунгина бу шарафга муяссар бўлган эмас. Қардош халқлар ҳамдўстлигидаги етакчи миллат бўлган рус халқининг роли авваламбор шу билан белгиланадики, у чор самодержавиесига ва буржуа-поменичиклар тузумига қарши курашда, жамият тараққиёти учун, башариятнинг бахт-саодати учун курашда энг кўп оғирлиқни ўз зиммасига олди. Рус халқи муштарак мақсадларимиз йўлида кўн қон тўқди, кўн қурбонлар берди. Мамлакатимиздаги барча халқларнинг, биринчи навбатда рус халқининг куч-ғайрати, унинг мардлиги ва жасорати туфайли Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигига тажовуз қилган босқинчилар, тор-мор этилди. Рус халқи меҳнатсеварлик ва қаҳрамонлик бобида, катта-кичик барча қардош халқларга бегараз ёрдам кўрсатиш бобида ҳамшиша намуна бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Рус халқи ўзининг буюк маданиятини яратди, у баҳорги ёмғирдан кейин чиқадиган камалақ янглиг сержидо, ўқ-ёйлек тўғри, она алласидек янгроқ ва бой, дилрабо, қудратли рус тилини яратди.

Советлар юртидаги ҳамма миллат фарзандлари рус халқини сидқидилдан севадилар, унинг ҳурматини жойига қўядилар, унинг истеъдоди, ақл-заковати, меҳнатсеварлиги, ленинча инсонпарварлиги ва интернационализмга офарин айтадилар, сабот ва матонатда, курашда довиюрак бўлишни ундан ўрганадилар, унинг маданияти ва илғор анъаналарини баҳам қўрадилар, рус тилини зўр мароқ билан ўрганадилар.

СССРдаги барча социалистик миллатлар ва элатларнинг тилларини ҳар томонлама ривожлантириш — мамлакатимизда миллий масалани муваффақиятли ҳал этишнинг муҳим натижаларидан бири эканлиги ҳаммага маълум. Совет даврида илгари ўз алифбесига эга бўлмаган қирқдан ортиқ халқ илмий асосланган алифбега эга бўлди ва эндиликда ўз адабий тилларига эгадир. Партия программасида уқтириб айтилгандек, КПСС бундан буён ҳам СССР халқларининг тиллари бемалол ривожланишини таъминлайди, ҳар бир совет гражданига истаган тилда гапириш, ўз болаларини тарбиялаш ва ўқитиш учун тўла эркинлик бериш йўлини давом эттиради. Халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ишонч қарор топган бир вазиятда миллий тиллар тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини ўзаро бойитиш асосида ривож топмоқда,

Шу билан бирга, тарих тақозоси туфайли шундай бўлдики, рус тили СССРдаги барча халқларнинг миллатлараро муомала ва ҳамкорлик қилувчи муштарак тилига айланди. Бунинг совет халқлари иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тараққиётининг қонуниятлари тақозо этди. Қудратли хўжалик организмига айланган социалистик экономикамизнинг Умумиттифоқ характери, социалистик миллатларнинг моддий ва маънавий бойликларини тараққий эттириш, кадрлар алмашиши борасида жадал давом этаётган жараёнлар турли маданиятларнинг ўзаро яқинланиб, бир-бирини бойитиб бориши ва бунинг оқибати сифатида бутун совет жамяти турмуш тарзининг интернационаллашуви — юқорида айтилган шароитни вужудга келтирди. Рус тили совет халқлари ўзаро алоқаси ва яқинлигининг қудратли қуроли, Ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд бўлиш воситаси бўлиб қолди.

УЛУҒ, ҚУДРАТЛИ ВА ҒУЗАЛ ТИЛ

Тил — инсонга ато этилган энг ажойиб неъматларнинг бири, унинг меҳнат ва ижод фаолиятидаги энг кучли қуролидир. Тил — халқнинг тарихидир. Тил — тараққиёт ва

маданият йўлидир. У инсонлар мuposабати ва тафаккурининг энг муҳим воситасидир.

Инсон гўдаклик чоғидан то умрининг охиригача тил билан чамбарчас боғлангандир. Тил инсонга коинотнинг жуда мураккаб ва бениҳоя хилма-хил сирларини ўрганишга, ўтмиш асрларнинг ютуқларидан баҳраманд бўлишга, ўз фикрларини келажак авлодларга етказишга, табиат, ижтимоий тараққиёт ва тафаккур қонунларини идрок этишга, фан, техника, санъатни олға силжитишга ёрдам беради.

Образли қилиб айтганда, тил — бамисоли бир шаҳардирки, уни бунёд этиш учун ер юзида яшаган ҳар бир одам биттадан тош қўйгандир. Миллий тилларнинг ҳар бири ўз тарихига эга бўлиб, тараққиётнинг кўпгина босқичларидан ўтган, ҳозирги шаклга киргунча кўпгина ўзгаришларга дуч келган. Ҳар бир миллий тилнинг ўзинга хос муайян фазилатлари бор.

Шу билан бирга В. И. Ленин муайян тарихий шароитлар тақозоси билан инсоният тараққиётида алоҳида роль ўйнайдиган, жаҳон тиллари деб аталмиш тиллар ҳам мавжудлигини уқтириб ўтган эди. Рус тили ҳам шундай тиллар сирасига киради.

Рус тили инсониятнинг ўз бахт-саодати йўлида олиб борган тарихий кураш тажрибаси умумлаштирилган ва келажак йўли ёритиб берилган тилдир. Рус тилида илмий ва бадний тафаккурнинг бебаҳо дурдоналари яратилгандир, у коинотни забт этувчилар ва янги турмуш кашшофларининг тилидир.

К. Маркс билан Ф. Энгельс ўз асарларидан бирида тилни «фикрнинг бевосита ифодачиси», деб таърифладилар. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, XX асрда рус тили илғор, революцион фикрнинг бевосита ифодачиси, революцион ҳаракатнинг илҳомбахш кучига айланди.

Рус сўзи — тинчлик, дўстлик ва порлоқ орзулар сўзидир. У халқлар, миллатлар, элатларнинг тақдири ва эзгу умидларини ўзида мужассамлаштирди, бир халқни иккинчи халқларнинг маънавий хазинасидан баҳраманд этди, уларнинг ғоявий-бирлигини кучайтирди, маданиятини бойитди, бир-бирига яқинлаштирди, тараққиёт ва раванг йўлидан олға боринга ёрдам берди.

Рус тили — умумбашарий маданият хазинасидаги улуг дурдоналарнинг мажмуасидир. Бу тил ўзининг лексик ва фразеологик қурилиши, луғат таркиби, фонетик ва грамматик тузиллиги, ёзма ва оғзаки нутқ шакллари

хилма-хиллиги, услублари ва маъно қирралари жиҳатидан беҳад бой тилдир.

Тарих тараққиёти давомида рус тилининг луғат таркиби бошқа тиллар ҳисобига тўлиб борди. Аммо бу нарса рус тилини заифлаштирмади, балки бойитди, кучайтирди, чунки рус тили ўзининг грамматик тузилишини ва асосий луғат фондиди сақлаб қолган ҳолда, тобора ривожланиб, такомиллашиб борди.

Айни вақтда, рус тили бошқа кўпгина миллий тилларни бойитиш ва ривожлантиришга катта таъсир ўтказиб келди ва ҳозир ҳам ўтказмоқда, уларнинг луғат фондиди тўлдириб, лексик имкониятларини кенгайтирмоқда.

Рус тили революцион тафаккурни, илғор ижтимоий фан ва демократик маданиятни ривожлантиришда, халқларни маънавий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиришда буюк роль ўйнайди. Илмий коммунизм асосчилари рус тилига катта эътибор билан қарадилар, унга юксак баҳо бердилар. Уларнинг рус тилини ўрганишга катта эътибор берганликлари бунинг яққол далилидир.

К. Маркс 1871 йилнинг январида З. Мейерга ёзган хатида бундай деган эди: «1870 йил бошидан бери рус тилини ўрганишга киришганимни сизга хабар қилдимми, йўқми, билмадим, ҳозир мен бу тилда равонгина ўқияман. Бунинг сабаби шундаки, менга Петербургдан Флеровскийнинг «Россияда ишчилар синфининг (хусусан, деҳқонларнинг) аҳволи» деган гоят мароқли китобини юборишди. Бундан ташқари, мен Чернишевскийнинг иқтисодга оид (қойилмақом) асарлари билан танишиш истагида эдим... Бу ижобий натижалар менинг ёшимдаги кишининг классик герман ва роман тилларидан катта фарқ қиладиган тилни ўрганишга сарфлайдиган кучгайратига арзийди»¹.

Маркс хонасидаги китоб жавонларида юздап ортиқ русча китоб мавжуд бўлганлиги маълум. Айниқса, Добролюбов, Чернишевский, Герцен, Салтиков-Шчедрин, Гоголь, Пушкин, Лермонтов, Флеровский асарлари жавондан Маркснинг иш столига тез-тез ўтиб турар, улардан Маркс доимо фойдаланар эди.

К. Маркснинг содиқ сафдоши Ф. Энгельс бундай деб ёзган эди: «Рус тили ўрганса арзийдиган энг кучли ва энг бой жонли тиллардан бири бўлганлиги учун ҳам, шунингдек, унинг ёрдамида ўрганиладиган адабиёт учун ҳам уни ўрганувчи кишилар эндиликда унча кам эмас...»²

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 33, стр. 147.

² К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 18, стр. 526.

Йигирмадан ортиқ тилни билган Энгельс рус тилини дунёдаги энг кучли ва бой жонли тиллар жумласига қўшди. Замондошларининг хотираларига кўра, Энгельс Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романидан парчаларни ёд билар ва уларни равон рус тилида китобга қарамай қироат билан ўқирди.

В. И. Ленин рус тилининг улуглиги, қудрати, бойлиги ва жуда катта аҳамиятини неча марталаб ўқтириб ўтган. У бундай деб ёзганди: «Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернышевский тили улуг ва қудратли тилдир...»¹

Рус тилининг энг ўткир билимдонларидан бири бўлган В. И. Ленин ўзининг бу соҳадаги билимини умр бўйи такомиллаштириб борди. Н. К. Крупскаянинг айтишича, Владимир Ильич турли лугатлар устида соатлаб ўтирар, улар орасида В. И. Далнинг «Жонли великорус тилининг изоҳли лугати»ни алоҳида қадрлар эди. Ленин асарларининг тили — рус тилининг гоят бой маънавий ва ифодавий имкониятларидан кенг фойдаланиш ва уни ривожлантиришнинг классик намунаси дур. Ильич рус сўзини ишчилар синфи ва унинг партиясининг сиёсий кураш вазифаларига хизмат қилдирди.

Жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштира олган рус тилида турли социалиқтисодий ва илмий-техникавий ҳодисалар ва жараёнлар ўзининг бениҳоя аниқ ва лўнда лексик ифодасини топган.

Рус тили — инсон фаолиятининг ҳамма соҳалари учун, энг мураккаб илмий тушунчаларни ва инсон қалбининг энг нозик туйғуларини ифодалаш учун баб-баравар лаёқатли, чуқур ва бой маданий анъаналарга эга бўлган тилдур.

Ажойиб физик ва тилшунос, файласуф ва шоир, тарихчи ва математик, рус фанининг отахонларидан бири бўлган, халқ орасидан етишиб чиққан Михаил Васильевич Ломоносов рус тилини шундай таърифлаганки, орадан икки юз йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, биз унга ҳануз қойил қоламиз. «Рус тили, — деган эди у, — табиий бойлиги, гўзаллиги ва кучи жиҳатидан Европадаги бирон-та тилдан қолишмайди».

Ломоносов машҳур «Россия грамматикаси» асарида бундай деб ёзган эди: «Рим императори Карл Бешинчи испан тилида худо билан, француз тилида дўстлар билан, немис тилида душманлар билан, итальян тилида аёллар

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 24-том, 331-бет.

билан гаплаганга маъқул, дерди. Аммо у Россия тилини янши билганида эди, ўзининг бу гапига Россия тилида уларнинг ҳаммаси билан гаплаганга бўлаверади, деб қўшимча қилган бўларди, албатта. Чунки Россия тилида иснан тилининг салобати, француз тилининг жозибаси, немис тилининг қатъияти, итальян тилининг назокати ва бунинг устига грек ва лотин тилларининг бойлиги ва дундалиги жамулжам этилганлигини пайқаган бўлур эди».

Рус тилининг битмас-туганмас бойлиги тўғрисидаги Ломоносовнинг бу фикрини Ватанимиз ва жаҳон маданиятининг ундан кейин ўтган ҳамма тараққийпарвар арбоблари қўллаб-қувватлашди.

Александр Сергеевич Пушкин рус тилини гўзал ва оҳангдор, сермазmun ва майин, ибораларга бениҳоя бой тил, деб атаган эди. У рус тилини ўз халқи даҳоси ва маданият бойлигининг инъикоси деб билди.

А. С. Пушкин рус тилини юқори баҳолабгина қолмай, уни тақомиллаштиришга буюк ҳисса қўшди, ҳозирги замон рус тилининг асосларини яратди. Она тилининг уйғурилиги ва гўзаллигини ҳаммадан кўра нозикроқ ҳис этган В. Г. Белинскийнинг таъбирича, Пушкин рус тилида мўъжиза яратди.

Бадний проза тилини халқчил қилишга, уни жонли тилга яқинлаштиришга кўп ҳисса қўшган Н. В. Гоголь рус тилини ғоят аниқ ва образли таърифлади. У бундай дейди: «Тилимизнинг бебаҳолигига ҳайратланасан киши: ҳар бир оҳанг бамисоли тухфадир, сўзлар дурдек йирик, дона-дона». Гоголь «Ўлик жонлар»да бундай деб ёзди: «...Тоғиб айтилган рус сўздан ўткирроқ, ўктамроқ, юракдан отилиб чиққандек таъсирчан ва жўшқин сўз йўқдир...»

Рус тилининг ҳассос билмидони ва нозик устаси бўлган Иван Сергеевич Тургеневнинг қўйидаги машҳур сўзларини рус тили шайнига айтилган улуғ мадҳия деса бўлади: «О улуғ, қудратли, ҳаққоний ва эркин рус тили! Ватаним тақдир борасида шубҳа ва гумонларга борган кунларимда, оғир хаёлларга чўмган чоғларимда менинг мададкорим ва суянган тоғим бир ўзингсан!.. Улуғ халққа шундай тил инъом этилмаслигига ишониб бўлмайди!» И. Тургенев рус тилини, «салафларимиз бизга қолдирган бу хазина, бу бисотни» ардоқлашга, «бу қудратли қурол»ни эъзозлашга сидқидилдан даъват этди, «моҳир қўлларда у мўъжизалар яратишга қодир!» деб хитоб қилди.

Улуғ пролетар ёзувчиси, социалистик реализм адабиётининг асосчиси Алексей Максимович Горький рус ти-

лини маданиятнинг бебаҳо бойлиги ва безазир қурбли деб билди. «Рус тилининг бойлиги битмас-туганмасдир ва ҳамон ақл бовар қилмайдиган тезлик билан бойиб бормоқда», деди у.

Рус тили — умумбашарий тил маданиятнинг энг улуғ ютуғидир. У Европа, Осиё ва Америка қитъаларининг кўпгина мамлакатларида чинакам эътироф этилган, халқаро миқёсда кенг тарқалган, ҳозирги замоннинг жаҳондаги энг катта тилларидан биридир.

Француз адабиётининг классиги Проспер Мериме «Николай Гоголь» деган мақоласида бундай деб ёзган эди: «Рус тили... Европадаги ҳамма тилларнинг энг бойи бўлиб, ғоят нозик маъноларни ифодалаш учун махсус яратилгандек туюлади. Юксак даражада лўнда ва равшан бўлган бу тил битта сўз билан бир дунё фикрни ифодалашга қодир, бошқа тилда эса шу фикрни бир қанча жумлалар билан ифодалашга тўғри келади... У — Европа тиллари орасида энг гўзалдир...»

Рус тилининг улуғлиги ва қудратлилиги нимада?

Рус тили — улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз В. И. Лениннинг тилидир, у ўз асарларини рус тилида ёзган, унинг ҳар бир асари эса фикрлар уммони, кураш ва мардлик мактаби, битмас-туганмас қаҳрамонлик ва галабалар манбаидир.

Рус тили дунёда биринчи социалистик революция тилидирки, биз буни ифтихор билан эътироф этамиз. Мамлакатимиздаги барча халқлар шу революция байроғи остида Россия пролетариати теварагига бирлашиб, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашга отландилар, бу курашда рус тили революцион кучларни бирлаштирувчи қудратли алоқа воситаси бўлди. Социализм қурилиши йилларида ҳам, Улуғ Ватан уруши пайтида ҳам, ундан кейинги даврда ҳам бу тил ўша улуғ вазифани ўтади.

Рус тили — чинакам маориф ва маданият тилидир. Ломоносов ва Пушкинни, Чернышевский ва Толстойни, Тургенев ва Герценни, Горький ва Маяковскийни рус тилисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, рус тилини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон бадий адабиёти ва санъати хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган кўпгина подир асарлар рус тилида яратилган.

Рус тили — умуминсоний тил маданиятнинг энг буюк ютуғидир. Жаҳон фани ва маданиятнинг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштира олган рус тилида бадий сўз соҳасидаги тил нормалари ўз ифодасини топибгина

қолмай, шу билан бирга социал-иқтисодий, ижтимоий-сий ва техникавий характердаги турли-туман тушунчалар, махсус табиий -илмий ва маънавий терминология ўзининг энг тўлиқ ифодасини топгандир.

Рус тили бадий тасвир имкониятлари бениҳоя чексиз, ғоят ўткир, сержило тилдир. Унда қудратли куч ва латофат, мазмундорлик ва аниқлик, пишиқлик ва мусиқийлик, жонлилик ва образлилик, ўткирлик ва оҳангдорлик, ихчамлик ва мулойимлик, жозибадорлик ва ширадорлик, назокат ва соддалик, лўндалик ва тушунарлилик, сўзнинг фусункор гўзаллиги ва равонлик, халқчиллик узвий равишда боғланиб, уйғунлашиб кетган. Рус тилининг ажойиб хусусиятлари кундалик ҳаётимизда учраб турадиган энг оддий ва энг мураккаб илмий тушунчаларни ғоят позик ва теран маъно, ранг-баранг оҳанглар, чуқур туйғулар ва шопрона илҳом, инсоний муносабатларнинг хилма-хил жиҳатларини бутун тўлаллиги билан ифодалаш, далил-исботларни чуқур мантиқ асосига қуриш, нутқни ёрқин, ифодали, ҳар қандай одамни ҳам ишонтира оладиган, тушунарли, керагида таъсирчан ва латиф, қатъий ва жиддий, жўшқин ва ўткир, журъатли ва жонли қилиш, унга илқилик ва самимият бахш этиш, инсон қалбига йўл топиш, дўстга қаноат ва илҳом, душманга шафқатсиз бўлиш имконини беради...

Россиядаги ҳамма миллий чекка ўлка халқларининг ўз озодлиги, мустақиллиги ва социал тараққиёти учун маҳаллий эксплуататорларга ва чоризмга қарши олиб борган курашида рус тилининг роли бебаҳо бўлди.

Россияда кенг авж олган революцион ҳаракат Туркистонга ҳам катта таъсир этди ва мазлум, қолоқ, диний хурофотларга занжирбанд бўлган халқларни уйқудан уйғотди. Аста-секин Туркистон халқларининг кўзи очилиб, ўз озодлиги учун курашга отлана бошладилар. Ҳамма жойда жабр-зулм ва адолатсизликка қарши, эксплуатация ва қашшоқликка қарши қўзғолонлар кўтарила бошлади. Уша пайтдаёқ озодлик, илм-маърифат тўғрисидаги дидия сўзлар янгради, тараққиёт ғоялари рус тили воситасида ифода қилинди.

Уша йилларда Урта Осиёнинг кўпгина тараққийнавар арбоблари Россияга бориб, атоқли рус олимлари, ёзувчилари, революционерлар ва илғор ишчилар билан учрашдилар. Бу учрашувлар уларнинг революцион онгининг ўсишига ёрдам берди, Россияда ва бутун дунёда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлишга, ҳаёт ҳақиқатини тушуниб олишга кўмаклашди. Рус халқининг

қардошлиқ ҳис-туйғулари самимий эканлигига уларнинг ишончлари орта борди, рус тилига меҳр-муҳаббат қўйиб, уни чуқур ўрганш зарурлигини англай бошладилар.

Ўрта Осиёнинг атоқли олимлари, мутафаккирлари ва ёзувчилари рус тилини билганликлари туфайлигига рус халқи маданиятининг бойликларидан, унинг революцион ғоялари ва анъаналаридан баҳраманд бўлиб, сўнгра ўз ўлкаларининг меҳнаткашлари орасида шу ғоя ва анъаналарни жонқуярлик билан тарғиб қилишга киришдилар. Улар, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарамай, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi ўлка халқлари учун объектив прогрессив аҳамиятга эга эканлигини тушундилар. Бу ўлканинг хўжалиги Россия экономикаси доирасига тобора кўпроқ тортила бошлади, бу эса Ўрта Осиё саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тезроқ ривожланишига кўмаклашди. Ҳаддан ташқари кўп вайронгарчилик келтирган феодал урушлари ва ўзаро можаролар тўхтади, қуллик тугатилди. Ўрта Осиё аҳолисининг ўлкага кўчиб келган рус ишчилари, илғор зиёлилари ва деҳқонлари билан хўжалик ҳамда маданий жиҳатдан яқинлашув жараёни бошланди. Миллий ишчилар синфи кадрлари ўсиб чиқди. Илғор рус маданияти ва ижтимоий фикрининг Ўрта Осиёга кириб келиши кучайди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг бошларида рус маданиятига ва рус тилига муносабат масаласи бу ерда биринчи ўринга чиқди, сиёсий тус олди. Ган шундаки, ўша даврда Россияда ва бутун дунёда давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларда муҳим, баъзан жуда катта ўзгаришлар содир бўлди, синфий зиддиятлар кескинлашди, тараққийпарвар ва жоҳил кучлар ўртасидаги кураш кучайди. Империалистик давлатлар, шу жумладан Россия ҳам янги ерларни босиб олишга, дунёни қайта тақсимлашга интилдilar. Айрим давлатлар ичида ҳам, шунингдек, жаҳон майдонида ҳам бир қанча халқларнинг шу кунги ҳаётинигина эмас, келажакли ҳам белгилаб берадиган воқеалар етилиб кела бошлаган эди. Ўрта Осиёнинг ва Россия Шарқдаги бошқа чекка ўлкаларининг халқлари шундай халқлар жумласига кирар эди. Ўша пайтда ким билан бирга бўлиш, қайси мамлакатга суяниш керак, деган жуда муҳим савол юзага чиқди.

Феодал-клерикал реакция маддоҳлари қолоқ, феодал-патриархал Туркия ва Эронга кўз тикдилар, инглиз ва бошқа ёвуз мустамлакачилар шу мамлакатларга ҳомийлик қилиб турар эдилар. Реакцион идеологлар жамиятни

орқага судрамоқчи бўлдилар, меҳнаткаш халқни шафқатсиз феодал зулм исканжасида ушлаб қолишга уриндилар, шу бопдан ҳам Россияга қарши, рус халқига, унинг тили ва маданиятига жон-жаҳдлари билан қарши чиқдилар.

Уша замоннинг илгор арбоблари мутлақо қарама-қарши йўл тутдилар. Улар орасида Грузияда И. Чавчавадзе, Озарбайжонда М. Ф. Охундов, Арманистонда М. Налбандян, Қозоғистонда А. Қўнонбоев, Ўзбекистонда Фурқат, Муқимий, Сатторхон, Туркменистонда Қамина, Муллонафас, Қирғизистонда Т. Сотилғонов, Украинада Т. Шевченко, Белоруссияда Я. Лучина, Молдавияда К. Негруца, Латвияда Я. Райнис. Литвада Ю. Жемайте, Эстонияда Ф. Крейцвальд, Татаристонда А. Тўқай сингари атоқли маърифатпарвар ёзувчилар, олимлар, демократлар ва ватанпарварлар бор эди.

Бу ажойиб кишилар объектив равишда вужудга келган шарт-шароитлар ва халқларнинг талабини тўғри тушуниб, Россия билан, рус халқи билан бирга бўлиш ҳаётий зарур деб ҳисобладилар. Улар бунга ўз халқларининг ажнабий ваҳшийлар асоратидан ҳимоя қилишнинг мустаҳкам гарови деб, тараққиётнинг энг муҳим шarti деб билдилар. Мамлакатнинг илгор арбоблари рус маданияти ва рус тилини пропаганда қилишда, халқларни ана шу маънавий хазиналардан баҳраманд этишда жуда катта роль ўйнадилар.

Улуғ ўзбек олими, демократ шоир Зокиржон Фурқат илгор рус маданиятининг оташин жарчиси, рус тилининг тарғиботчиси бўлиб майдонга чиқди. У ўз халқини руслар билан дўст бўлишга чақирди, фақат рус халқи ва у билан дўстликкина ўзбек халқини озодлик, социал тараққиёт ва маърифатга олиб боради, деб таъкидлади.

Шу билан бирга Фурқат рус тилини биллиш гоёт фойдали эканлигини тушунди, рус тили ва ундаги энг қимматбаҳо асарларни зўр ғайрат билан ўрганди. У рус тили ва рус маданиятининг оташин тарғиботчиси бўлди.

Феодал-клерикал реакция вакиллари билан буржуаз миллатчиларига қарши Фурқат бундай деб ёзди: «Россия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни тақлиф қилса, муроди ёмон эмасдур. Балки, мамлакат обод бўлиб, фуқаро ва раиялар осойишта бўлмоқларини хоҳлайдур. Азбаски, Россия халқи ҳамма вақт бизни давлатманд ва хурсанд бўлмоғимизга кўшиш қилади».

Дарҳақиқат, башоратли сўзлар!

Бошқа бир ўзбек демократ шоири Муқимий улуғ рус тилини ўрганиш кераклигини, жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари шу тилда ёзилганлигини, бу тилни билмай туриб ҳақиқий инсон бўлиш ва ўз халқига фойда келтириш мумкин эмаслигини доимо таъкидлади.

Таниқли ўзбек маърифатчиси Сатторхон рус тилини гоят севар ва юксак қадрлар эди. У рус тилини билмай туриб дунёвий фанларни ўрганиб бўлмаслигини, чунки кўндан-кўн буюк кашфиётлар шу тил асосида яралганини уқтирар, бу фикрни ҳаётнинг ўзидан олинган муайян мисоллар билан исботлар эди.

1885 йилда Сатторхон бундай деб ёзди: «Хўжакент ва Чирчиқ дарёларига кўприк қурилгач, аҳоли катта сувдан кечиб ўтиш хатаридан халос бўлди. Бунга ўхшаш фойдали ишлар кўп... Шу сабабли биз дунёвий фанларни рус халқидан ўрганмоғимиз ва шу фанлардан амалий равишда фойдаланмоққа интилмоғимиз зарур, рус тилини билмоқ эса шу фанларни ўрганишининг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади, бу тилни билмай туриб илмий билимларга эришиб бўлмайди». Сатторхон маҳаллий аҳоли орасида рус тилини қунт билан тарғиб қилди, одамларга билим ва маърифатга меҳр қўйиш тўғрисида сингдирди, ўз халқини нодонлик ва жаҳолатдан, қолоқлик ва маданиятсизликдан халос қилиш учун тинимсиз кураш олиб борди. У рус тилини билиш пикала халқни ўзаро яқинлаштиришга ва уларнинг дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ўз ватандошларини ишонтирди. «Биз рус тилини билсак, рус халқи билан гаплашсак, бир-биримизни яқиндан билган, кўп манфаат кўрган бўлур өдик,— деб ёзди Сатторхон.— Бир-биримизни билмасак, бизда рус халқи тўғрисида ва рус халқида бизнинг тўғримизда, худо билсин, қандай тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Бир-биримизни билиш ўзаро фойдали бўлур ва хайрли таъсир ўтказур эди».

Бошқа бир атоқли маърифатчи Исҳоқхон рус тили ва рус маданиятини жўшқин тарғиб қилди. Ўз замонасининг ўқимшли, ялғор кишиси бўлган Исҳоқхон рус маданияти таъсирида вужудга келган ҳамма янгилликларни бажонидил қабул қилди, ўз халқини рус тилини ўрганишга чақирди.

1912 йилда Исҳоқхон бундай деб ёзди: «Рус тили — биз, туркистонликлар учун энг биринчи заруратдир.. Бу тилни билмоқ одамларнинг эҳтиёжлари учун зарур эканлиги ўз-ўзидан равшан».

Татар демократ шоири Абдулла Тўқай рус халқи билан дўстликнинг чуқур эътиқодли тарафдори бўлган эди. У татарларнинг Туркияга кўчишини тарғиб қилганларга қарши чиқиб, бундай деб ёзган эди:

Шунда ундик, шунда ўндик, шунда топгаймиз завол,
Бизни тақдир рус ерига боғламышдир бемалол.

Гениал қозоқ оқини Абай ўз халқига қараб бундай деди: «Иллатлардан халос бўлиш ва эзгуликка эришиш учун рус тили ва рус маданиятини билиш даркор. Руслар дунёни кўриб турибди. Агар сен уларнинг тилини билсанг, сен ҳам дунёни ўз кўзинг билан кўрадиган бўласан».

Бундай ҳаққоний, ишонарли ташвиқот серунум заминга тушиб, яхши самаралар берди. Маърифатчиларнинг ғояларига қўшилувчи кишилар халқ оммаси орасида тобора кўпаяверди. Ўрта Осиё халқларининг рус тилини ўрганишга, рус халқи билан яқинлашишга, у билан қардошларча дўст бўлишга интилиши 1905—1907 йиллар революциясидан кейин анча кучайди. Бу пайтда Россиядан Туркистонга кўпгина таниқли революционерлар сургун қилинди. Реакция даврида меҳнаткашларга нисбатан зулм мислсиз кучайди, улар аёвсиз эксплуатация, зўравонлик ва террорга дучор қилинди. Халқ оч, ночор кун кечирарди. Ана шуларнинг ҳаммаси халқ оммасининг сабр косасини тўлдириб юборди, уларда золимларга нафрат ва ғазаб туйғусини кучайтирди. Оқибатда меҳнаткашлар сургундаги рус революционерлари раҳбарлигида, уларнинг қардошларча ёрдамида курашга отландилар. Шаҳар ва қишлоқларда, темир йўл устахоналарида ва заводларда ғалаёнлар кўтарилди, чоризмга ва маҳаллий золимларга қарши исёнлар бошланди.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Ҳамза Ҳакимзода айни шу даврда сиёсат майдонига чиқди. У оташин ва талпарвар ва интернационалист эди. Фурқат ва Муқимий, Сатторхон, Исҳоқхон ва Абай сингари Ҳамза ҳам ўз халқини рус халқи билан қон-қардош бўлишга, рус тилини ўрганишга, рус маданияти бойликларини эгаллашга жон-жаҳди билан даъват этди. У рус тилини ўрганишга тиш-тирноғи билан қарши бўлган реакционерлар ва буржуа миллатчиларини аёвсиз фош қилди.

1914 йилда Ҳамза муаллимларга махсус мактуб билан мурожаат қилди. Мактубда бундай дейилган эди:

«Олий зотларнинг гиж-гижлашига учган нодон, жоҳил ота-оналар қўл кўтариб айюҳаннос солмоқдалар ва: «Қўй! Русчани ўрганма! Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам барака топмайсан!» — деб вайсамоқдалар. Шундай қилиб, улар бизнинг рус тилини, Россия урф-одатлари ва маданиятини ўрганишимизга халақит бермоқчи бўладилар, ҳолбуки биз эллик йил бўлмаса ҳам, қирқ йилдан бери Россия халқлари билан ватандош бўлиб қолганмиз...» Бу гаплардан кейин Ҳамза бундай деб даъват қилади: «Сиз ҳам ўз ўглингизни русча мактабга берингиз! Дорил-фунунда тарбия ва таълим олиш — биз учун савдо-сотиқнинг энг зарур воситаларидан биридир. Ҳар қандай бойлик ва тараққиётга илм-фан ва маърифат орқали эришилади. Кўряписизларми, ўзга қабилаларга мансуб халқлар ўзларининг норасида ўғил ва қизларини илм олиш учун Европадан Америкага, Осиёдан Европага тўрт-беш йилга юбормоқдалар. Сизлар ўз фарзандларингизни лоақал рўпараңгиздаги рус-тузем мактабига беринглар! Шояд, бу ерда олинган тарбия келгуси қийинчиликлардан халос этса».

Ҳамза ўзбек адабиётида биринчи бўлиб революционер ишчи образини яратди, ўз ижодида интернационализм гояларини тарапнум этди.

Кекса авлод маърифатчиларининг гоялари таъсирида Совет Шарқида атоқли интернационалист ёзувчиларнинг бутун бир авлоди вояга етди. Улар орасида Гафур Ғулом ва Ҳамид Олимжон, Ойбек ва Мирзо Турсунзода, Берди Қербобоев ва Собит Муқоновлар бор. Улар — Фурқат ва Муқимий, Абай, Ҳамза ва Айнийнинг муносиб шоғирдари ва ўз устозлари ишининг изчил давомчилари бўлдилар. Улар халқлар дўстлигининг, авваламбор, оғамиз — улуғ рус халқи билан дўстликнинг ҳақиқий байроқдорлари, рус маданияти ва рус тилининг оташин тарғиботчилари бўлдилар, миллий маданиятлар ва тилларни бир-бирига яқинлаштириш учун муттасил жонбозлик қилдилар. Улар ўз бадий истеъдодларининг бутун кучини шу ишга сарфладилар, совет даврида туғилган қулай шароитлардан фойдаландилар.

Октябрь революциясига қадар ва революция галабасидан кейинги дастлабки йилларда бошқа Шарқ халқларининг тиллари каби ўзбек адабий тили ҳам араб ва форс тилларининг кучли таъсири остида бўлганлиги маълум. Ёзув-чизув ишлари халқнинг ўқиб-ўрганиши қийин бўлган араб алифбесига олиб бориларди. Ўтмишда бу алифбени соддалаштириш, уни ўрганишни осонлаштиришга

қаратилган уринишлар бўлди. XIX асрнинг 70-йилларидаёқ Мирза Фатали Охундов лотин ва рус графикаси асосида тузилган янги алифбе жорий этишни таклиф қилди. Бироқ, Охундов тил соҳасида таклиф этган ислохотга руҳонийлар қатъий қаршилик қилдилар ва у рўёбга чиқмай қолди. Ҳамма Совет Шарқи республикаларида эски алифбе 1928 – 1929 йилларгача сақланиб қолди.

Миллий тилларни янада ривожлантириш манфаатлари, янги турмуш шароитларининг ўзи шу даврга келиб халқ маърифатини жадаллантириш йўлини очадиган янги алифбега ўтиш талабини қатъий қўндаланг қўйди. 1928 йилда Ўзбекистонда лотинча алифбе жорий қилинди, ammo бу алифбега ўтиш вақтида жонли халқ тилининг ҳам, адабий тилнинг ҳам хусусиятлари ҳисобга олинмади. Бу эса янги қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Бу даврда доно лотинча миллий сиёсат пзчиллик билан амалга оширилганлиги оқибатида СССРдаги барча халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётида қувончли ўзгаришлар рўй берди. Иттифоқдош республикалар ҳар тарафлама юксалиш йўлидан комил ишонч билан олға бордилар. Уларнинг ўзаро алоқаси, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлари кенгайди. Миллий маданиятларнинг, шу жумладан, тилларнинг ҳам ўзаро яқинлашув ва бир-бирини бойитиш жараёни кучайди. Шу асосда халқларнинг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланди. Уларнинг рус тилини ўрганишга интилиши кучайди, энди бу тил СССР халқларининг миллатлараро муносабат ва ҳамкорлик воситаси бўлиб қолган эди.

Ҳаёт тил соҳасида янги ислохот қилиш заруратини ўртага қўйди. Миллий тилларни ривожлантиришнинг жамиятда содир бўлаётган объектив жараёнларни тезлаштира оладиган йўлни топиш керак бўлиб қолди. Шу сабабли атоқли тилшунос олимларимиз, ёзувчиларимиз бу соҳада ижодий изланишлар билан шуғулландилар. Қўнт билан қилинган меҳнат якунида улар ўзбек ёзувини лотинча алифбедан рус графикасига асосланган янги ўзбекча алифбега ўтказиш энг мақбул йўл, деган хулосага келдилар. 1940 йил май ойида Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси бу масалани атрофлича кўриб чиқди.

Рус графикасига асосланган янги ўзбекча алифбени ишлаб чиқишга бошчилик қилган таниқли ўзбек олими, академик Т. Н. Қориниёзов сессияда доклад қилиб, бундай деди: «Улуғ рус халқининг тили, бинобарин, унинг алифбеси социалистик маданиятимизнинг ажойиб қуролидир... Рус тили СССРнинг барча халқлари учун, шу жум-

ладан, ўзбек халқи учун ҳам буюк аҳамиятга эгадир. СССРдаги барча миллатларнинг маданияти рус халқининг илғор социалистик маданияти билан чамбарчас боғланган».

Сессияда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси, машҳур олим, публицист ва интернационалист шоир Ҳамид Олимжон оташин нутқ сўзлади. «Биз,— деди у,— ўзбек халқи социалистик маданиятининг янги улғувор муваффақиятларга эришишини жадаллаштиришни истаймиз. Лотинча алифбедан рус графикасига асосланган янги ўзбекча алифбега ўтиш ана шу истагимизни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган энг муҳим омпилларнинг бири бўлиши шубҳасиз».

Сессия «Ўзбек ёзувини лотинча алифбедан рус графикасига асосланган янги алифбега ўтказиш тўғрисида»ги қонунни яқдлик билан қабул қилди. Бу қонунни республиканинг барча меҳнаткашлари зўр қувонч билан кутиб олиб, бажонидил маъқулладилар. Уша пайтдан бери ўтган йиллар мобайнида республикамиз экономпка, фан ва маданият тараққиётида юксак чўққиларга кўтарилди. Бизнинг ўзбек тилимиз ҳам тақомиллашиб, янада ривож топди. Бунга биз кўп жиҳатдан улғур рус тили туфайли эришдик.

РУС ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ РОЛИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — Улғур Октябрь социалистик революциясининг Ватани, Советлар Ватанидир. У — барча меҳнаткашларнинг азиз юртидир. Ана шу Ватан, Совет давлатимиз, ленинчи партиямиз барча халқларнинг порлоқ, бахтиёр, эркин ҳаётини таъминлаб бердилар, уларни битта аҳил оилага бирлаштирдилар, совет халқларининг бузилмас иттифоқини вужудга келтирдилар. Совет Иттифоқи халқлар бирлиги ва дўстлигининг илгари тарихда мисли кўрилмаган муносабатлари рамзидир.

В. И. Ленин миллатларни бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг дўстлиги, қардошлиги ва бирлиги тўғрисида ҳаммадан кўра кўпроқ ўйлаган, ёзган ва тинимсиз ғамхўрлик қилган эди. У халқларни битта қардошлик иттифоқига бирлаштириш ва яқинлаштириш назариясини ишлаб чиқди. Ленин халқларни бир-бирига яқинлаштиришга «...барча миллат ишчи ва меҳнаткашлар оммасининг эркин, биродарларча иттифоқини тузиш йўли би-

лангина эришилади»¹, деб башорат қилган эди. Барча миллат меҳнаткашларининг ана шундай биродарларча иттифоқи бизнинг мамлакатимизда вужудга келтирилди. Бу иттифоқ кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда, у граждандлар уруши йилларида, халқ хўжалигини қайта тиклаш даврида, социалистик қурилиш давомида замон синовидан шараф билан ўтди. Бу иттифоқнинг кучи Улуғ Ватан уруши йилларида, Ватанимиз, бутун жаҳон маданиятининг тақдирини ҳал этилган пайтда айниқса яққол намойиш бўлди.

Қардош халқларнинг бузилмас иттифоқи туфайли мамлакатимизда ўз кўламини ва теранлигини жиҳатидан мислсиз социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлдики, бу ўзгаришлар жаҳонни қойил қолдирмоқда.

СССР халқларининг қардошларча иттифоқини мустаҳкамлашда КПСС XXV съезди янги саҳифа очди. У мамлакатимизни социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантиришнинг, совет кишилари моддий фаровонлигини, уларнинг умумий таълим савиясини янада оширишнинг, илм-фаннинг ҳамма соҳаларида илмий тадқиқотларни такомиллаштиришнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди.

Фан, маданият ва техниканинг ўсиши билан бирга, рус тили ҳам ривожланиб борди.

«Миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик тез ўсаётганлиги,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида қилган докладда,— Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларнинг ўзаро муомала тили бўлиб қолган рус тилининг аҳамиятини оширишга олиб бормоқда»².

В. И. Лениннинг яқин дўсти ва сафдоши Надежда Константиновна Крупская бундай деб ёзган эди: «Она тилидан ташқари, битта умумий тилни, рус тилини билиш СССРнинг барча халқларини бир-бирига янада кўпроқ яқинлаштиради». Дарҳақиқат, ҳамма эътироф этган жаҳон тилларидан бири бўлмиш рус тили Совет Иттифоқининг барча халқларини бир-бирига яқинлаштирди, улар учун коммунизмнинг порлоқ ғояларини рўёбга чиқариш йўлидаги курашнинг таъсирчан воситаси, кўпмиллатли совет жамиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг муҳим шартини бўлиб қолди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 31-том, 190-бет.

² Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, 66-бет.

Улуғ Октябрьнинг ғалабаси, социализм қурилганлиги натижасида мамлакатимизнинг барча халқлари социалистик ижтимоий муносабатлар, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг бирлиги, марксизм-ленинизм идеологияси, меҳнаткашларнинг интернационал манфаатлари ва коммунистик идеаллари асосида вужудга келган ягона қардошлиқ оиласига бирлашдилар.

Совет халқи ўзининг метиндек жипслашганлигини ўз меҳнати билан, Коммунистик партиянинг сиёсатини сидқидилдан маъқуллаши билан намоён қилмоқда. Партиямиз халқнинг ажралмас бирлиги ва онглилиги билан кучлидир. Партия куч-қудратимиз манбаи бўлган Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас гоявий, маънавий-сиёсий бирлиги, уларнинг қардошларча дўстлиги тинимсиз мустаҳкамланиб бориши учун ҳамма тadbирларни кўрмоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, совет халқининг вужудга келишида, унинг бирлиги мустаҳкамланишида одамлар, социал гуруҳлар ва синфлар, халқлар ва миллатлар маънавий алоқасининг қудратли ва таъсирчан омили бўлган рус тили жуда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Миллатлараро алоқа воситаси бўлиб қолган рус тили моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам, совет халқининг сиёсий, маданий турмушини ҳам қамраб олгандир. У тажрибани ўзаро баҳам кўришга, ҳар бир миллат ва элатнинг СССРдаги барча халқлар маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишига, фан ва техниканинг ҳозирги замон чўққиларини эгаллашига ёрдам бермоқда.

Улуғ рус олими Иван Петрович Павлов сўзни, тилни ҳар бир одамнинг, халқнинг ва жамаки инсониятнинг бутун фаолиятидаги олий интегратор, бирлаштирувчи, йиғувчи ва бошқарувчи нарсадир, дегани бежиз эмас.

Мамлакатимизда социалистик интернационализмнинг денипча принциплари асосида амалга оширилаётган маданий қурилиш СССРдаги миллатлар ва элатларни ўзаро яқинлаштиришда, уларнинг тўла яқдиллигига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Коммунистик қурилиш кенг қулоч ёзганлиги, марксизм-ленинизм идеологиясининг янги-янги ғалабалари СССР халқларининг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданиятини бойитмоқда.

Бизда бир миллат маданиятининг ютуқлари барча миллат ва элатларнинг мулки бўлиб қолмоқда. Бу эса

Совет Иттифоқи халқларининг маданиятларини ўзаро яқинлаштиришга, уларнинг интернационал асосини мустаҳкамлашга олиб боради. Ҳар бир миллатнинг маданият хазинасини интернационал руҳдаги асарлар билан бойитиш барча совет кишилари учун муштарак бўлган интернационал маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

СССР халқларининг мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданиятларини ривожлантиришда рус тили бебаҳо роль ўйнамоқда. Бизнинг кўпмиллатли давлатимизда рус бўлмаган халқларининг рус тилини ўрганишга интилиши, уни билиши барча граждaнларининг энг зарур аҳтисежи бўлиб қолди.

Сўнги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, мамлакатимизнинг жами аҳолиси 1970 йил бошида деярли 242 миллион кишига етди, шулардан 129 миллиондан кўпроғи руслар бўлса, аҳоли рўйхати вақтида 141,8 миллион киши рус тилини ўз она тилим деб атади. Бунинг маъноси шуки, руслардан ташқари бошқа миллатларга мансуб яна 13 миллион киши рус тилини ўз она тили деб ҳисобламоқда. Рус тилини ўзлари яхши биладиган иккинчи тил деб атаган СССР халқларининг рус бўлмаган салкам 42 миллион бошқа миллат кишисини ҳам бунга қўшмоқ керак. Шундай қилиб, мамлакатимизда рус тилини яхши биладиган жами салкам 184 миллион киши бор. Улар СССРдаги умумий аҳолининг 76 процентига тўғри келади. Кейинги беш йиллик даврида бу кўрсаткич янада кўпроқ ўсганлиги шубҳасиз.

Республикалар, областлар, шаҳарлар, районлар аҳолисининг кўпмиллатли состави ўсиб бораётганлиги — миллатлар ўзаро яқинлашаётганлигининг характерли белгисидир. Бу жойлардаги аҳоли табиий равишда анча кўпайиши билан бир қаторда мамлакатнинг бошқа республикаларидан кўчиб келган аҳоли ҳам кўпаймоқда.

Россия Федерациясида руслардан ташқари бошқа миллатларга мансуб 22 миллиондан кўпроқ киши яшамоқда, айни вақтда, 21 миллиондан кўпроқ руслар РСФСРдан ташқарида истиқомат қилмоқдалар. Украинада украинлардан ташқари бошқа миллатларининг салкам 12 миллион вакили, Украина ССР ташқариснда эса 5,5 миллион украин яшамоқда. Беларуссияда бошқа миллатларга мансуб 2 миллионга яқин киши бўлса, айни вақтда салкам 2 миллион белорус Беларуссия ташқариснда яшаб турибди. Ўзбекистондаги 12 миллион аҳолининг 4

миллиондан кўпроғи бошқа миллат кишиларидир, 1,5 миллионга яқин ўзбек эса Ўзбекистон ССР ташқарисида яшамокда. Барча совет республикаларида ҳам шундай вазият мавжуд¹.

Меҳнат коллективларининг таркиби ҳам кўнмиллатли. Ҳар бир саноат корхонасида, ҳар бир қурилишда, ҳар бир колхоз, совхоз, совет муассасасида, илмий тадқиқот институтида, ўқув юртида турли миллат ва элат кишиларини учратиш мумкин, уларнинг ҳаммаси аҳил бир оила фарзандларидай яшаб, муштарак мақсадга эришиш йўлида ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар.

Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб туришига мойиллиги СССР халқларининг ўзаро алоқасини кенгайтиришга, уларни бир-бири билан яқинлаштиришга самарали таъсир қилади. Бу — ишлаб чиқарувчи кучларнинг гуркираб ўсиши ва уларни жойлаштиришнинг яхшилланиши, халқ хўжалигининг комплекс ривожланиши ва ихтисосланиши, халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлиги кенгайиши билан боғлиқ бўлган қонуний жараёндир. Бизнинг мамлакатимизда турли миллатларга мансуб минглаб кишилар ҳар йили йирик объектлар қурилаётган ва янги ерлар ўзлаштирилаётган районларга, янги шаҳарларга ихтиёрий равишда кўчиб бормоқдалар, янги корхоналарга, колхозларга, турли касб эгаларини кўплаб талаб қиладиган илмий ва бошқа муассасаларга оширилиши мамлакатнинг айниқса шарқий районларига яна кўп кишиларнинг кўчирилишини талаб қилади.

Аҳолининг бундай жой алмаштириб туришга мойиллиги катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳодиса ҳар бир республика ва умуман мамлакат ишлаб чиқариш кучлари ривожини тезлаштириш имконини беради: одамларнинг интернационал бирлашувига, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, уларнинг қардошларча иттифоқини кучайтиришга хизмат қилади; барча миллат вакилларининг рус тилини ўрганишга интилишини кучайтиради ва бунинг учун қулай шароитлар яратади. Янги жойларга келаётган барча миллат ва элатларга мансуб кишилар ягона коллектив бўлиб бирлашмоқдалар. Биргаликдаги меҳнат жараёнида улар бир-бирлари билан донмо мулоқотда бўлиб, алоқа қилиб турадилар ва қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири учун рус тили

¹ Бу маълумотлар 1972 йилгача бўлган аҳволга доирдир.

энг қулай алоқа воситаси бўлиб хизмат қилади, чунки бу тил барча совет халқлари билладиган ва тушунадиган тилдир.

Масалан, 1966 йилги зилзиладан кейин Тошкентни қайта тиклаш соҳасидаги Бутуниттифоқ ҳашарида бу нарса яққол кўринди. Уша пайтда зилзила оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон пойтахтига барча совет халқларининг ўғил ва қизлари, ҳамма қардош республикаларнинг вакиллари келишди. Уша кунларда бу ердаги қурувчилар орасида бўлган киши турли тиллар сўзларини эшитиши мумкин эди, аммо рус сўзлари кўпроқ эшитиларди. Турли миллат ва элат вакиллари кўпроқ рус тилида гаплашишди, ўз фикрларини русча изҳор этишди, ҳамма ишлари шу тилда муҳокама қилишди.

Ўзбекистон вакиллари Ноқоратупроқ зонани ривожлантиришда Россия Федерациясининг бир қанча областларига қардошлик ёрдами бераётган ҳозирги пайтда ҳам шу ҳол юз бермоқда.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатнинг барча халқлари Ленин партияси раҳбарлигида экономика ва маданият соҳасида мислсиз баланд чўққиларга кўтарилдилар. Маданият, фан ва техниканинг ўсиши билан бирга рус тили ҳам ривожланди. У беқиёс бой ва қудратли тил бўлиб қолди, унинг луғат таркиби анча бойиди, таъсир кучи доираси кенгайди. Бизнинг мамлакатимизда жаҳон маданиятининг жаминки қимматбаҳо асарлари аввало рус тилига таржима қилинади. Бинобарин, ҳозир фан-техника ва маданиятнинг замонавий ютуқларини эгалламоқчи бўлган киши албатта рус тилига мурожаат қилиши зарур.

Ўзбекистонда рус тилини ўрганишда қувончли ўзгаришлар рўй берди, ҳозир республиканинг миллий состави тобора хилма-хил бўлиб бормоқда.

1926 йилда республика маҳаллий аҳолисининг жуда оз қисмигина рус тилини билар эди, кейинчалик шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам рус тилини билмайдиган кишилар йил сайин камайиб борди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРдаги рус бўлмаган аҳолининг кўпчилиги, шу жумладан, ўзбеклар ҳам рус тилини ўзлари яхши билладиган иккинчи тил деб атамоқдалар.

Рус тилини билувчилар бу қадар кўпайиб бораётганлиги туб социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларнинг, одамлар саводхонлиги ва умумий маданияти бешиқоя ўсганлигининг, ленинча миллий сиёсат изчил-

лик билан амалга оширилганлигининг, халқлар дўстлиги ва қардошлиги ғоялари тантанасининг қовуний натижасидир.

Қадимий Ўзбекистон диёрига хаёлан назар ташласан, партиянинг продаси билан Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошларча ёрдамидан илҳомланган республика меҳнаткашларининг куч-ғайратлари туфайли, диёримиз экономика ва маданиятини ривожлантиришда эришган муваффақиятлар жаҳон аҳлини қойил қолдирмоқда, у социализмнинг Шарқдаги ёрқин машъалига айланди. Революциядан аввал Туркистон чор Россиясининг саноат жиҳатидан қолоқ бир чекка ўлкаси эди. Ҳозирги Ўзбекистон — энг янги техника воситалари билан қуролланган қудратли индустрия республикаси. Ҳозир Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг 100 дан ортиқ тармоғи бор. Революциядан олдинги Туркистоннинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг патриархал усули ҳукмронлик қилар эди, ночор кун кечираётган деҳқонлар оғир қўл меҳнатига асосланган эдилар. Ҳозирги Ўзбекистон — кўп тармоқли, юксак даражада механизациялашган, йирик қишлоқ хўжалиги республикаси. Ўзбекистон ССР — мамлакатнинг асосий пахта базаси, шунингдек, деҳқончилик ва чорвачиликнинг муҳим маҳсулотларини кўплаб етказиб бераётган ўлкадир.

Маданий революция натижасида ҳайратангиз ўзгаришлар рўй берди. Агар Октябрь ғалабасидан аввал Ўзбекистондаги саводли кишилар жами аҳолининг атиги икки процентига тўғри келган бўлса, эндиликда Ўзбекистон — ёппасига саводхонлар республикаси. Илгари бизнинг ўлкамизда замонавий илмлар ўқитиладиган биронта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган эди. Ҳозир Ўзбекистон ССРдаги 42 та олий ўқув юртида 250 мингга яқин студент таълим олмоқда. Республикадаги 187 та ўрта махсус ўқув юртида 180 мингдан кўпроқ ўқувчи, 7.300 та умумий таълим мактабида эса 3,5 миллион бола ўқимоқда.

Совет Ўзбекистонида Фанлар академияси ва бошқа кўп илмий муассасалар ишлаб турибди. Бизда 30 мингдан кўпроқ илмий-педагог ходимлар бўлиб, улар орасида 100 академик ва академиянинг мухбир аъзоси, 745 фан доктори ва 10,5 минг фан кандидати бор. Олий ва ўрта махсус маълумотли 570 минг киши Ўзбекистон халқ хўжалигида ишламоқда. Бу — бутун чор Россиясидаги шу хилдаги мутахассислардан уч баравар кўпдир.

Ўзбекистонда матбуот, радио, телевидение барқ уриб ўсди. Ўзбекистон адабиёт ва санъати гуллаб-яшнади, янги социалистик мазмун касб этди. Республикада кўплаб истеъдодли ёзувчилар, рассомлар, архитекторлар, композиторлар, кино ва театр арбоблари етишиб чиқди.

Совет ҳокимияти йилларида одамларнинг бутун турмуш тарзи ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам совет ватанпарварлиги, социалистик интернационализм, коллективчилик, ўртоқлик ва қардошлик каби олижаноб туйғулар ва юксак идеаллар соҳиб бўлган инсон ўсиб етишди. Бизда барча миллат кишилари тенг ҳуқуқлидир. Уларнинг ўзаро муносабатларида: «Инсон инсонга дўст, ўртоқ ва биродар» деган принцип мустаҳкам қарор топди.

Бу — Улуғ Октябрь етиштирган баракали меванинг яққол далили эмасми, ахир! Бу — совет тузумининг беқиёс афзалликлари ва ҳаётбахш кучининг ёрқин тимсоли эмасми, ахир! Худди шу туфайли барча миллат кишилари илғор рус маданиятидан, рус тилидан баҳраманд бўлиш, бу бойликларни эгаллаш имкониятини қўлга киритди.

Ўзбекистондаги барча умумий таълим мактабларида, техникум ва олий ўқув юртларида рус тили ўзбек тили билан бир қаторда ўрганилмоқда. У асосий ўқув фанларининг биридир. Бу фанни ўзлаштириш йил сайин яхшиланиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССРда мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги қонунининг амалга оширилиши рус тилини ўрганишни ташкил этишни яхшилашда катта роль ўйнади. Кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада халқ маорифини ривожлантириш тўғрисида, жумладан, мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилаш ҳақида бир қанча жуда муҳим қарорлар қабул қилишди. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, халқ маорифи органлари бу йўлда катта тадбирларни амалга оширмоқдалар.

1962 йил, май ойида СССРда левинча миллий сифатининг таптанасига бағишлаб Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ олий ўқув юртларини илмий конференцияда рус тилини ўрганишни ташкил қилиш масалалари катта ўрин олди. Конференция ишида барча совет республикаларининг вакиллари қатнашдилар. Улар рус тилининг интернационал тарбия воситаси сифатидаги ро-

дини, социалистик миллатларни бир-бирига яқинлаштириш, уларнинг бирлигини мустаҳкамлаш, миллий маданиятларни ривожлантириш ва ўзаро бойитиш воситаси сифатидаги бебаҳо аҳамиятини астойдил таъкидладилар. Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети га йўлланган мактубда бундай деб ёздилар: «Бизнинг конференциямиз барча республикаларда миллий тил билан бир қаторда рус тилини — Улуғ Ленин тилини, оғамиз — рус халқининг тилини, СССРдаги барча халқлар учун миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик воситаси бўлиб қолган тилни ихтиёрий ўрганишдан иборат ғоят зўр кучга эга бўлган жараёни кўрсатди. Биз миллий мактабларда, аҳолининг турли-туман табақалари орасида рус тилини ўрганишни ташкил қилишни янада яхшилаш маданий қурилишни давом эттиришга ва мамлакатларимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз».

Шу конференциянинг ўн йиллиги кунларида Тошкентда яна шу мавзуга бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси чақирилди. Конференция шунда ҳамма иттифоқдош республикаларнинг намоёндалари — олий ўқув юртлари рус тили кафедраларининг ўқитувчилари ва мудирлари, Фанлар академияси тил ва адабиёт институтларининг илмий ходимлари, Москва, Ленинград, Киев ва мамлакатдаги бошқа илмий марказларнинг таниқли тилшунослари тўпланишди. Конференция рус тилини ўрганишни ташкил қилиш тажрибасини муҳокама этди, шу соҳадаги вазифаларни белгилади. Рус тили дарсликлари ва методик қўлланмаларини яхшилаш, олий ўқув юртларида рус тили ўқитувчилари тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида зарур тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистоннинг илмий жамоатчилиги барча қардош республикаларнинг олимлари билан ҳамкорликда бу конференцияга пухта тайёргарлик кўрди, конференция юқори савияда ўтди: меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашни янада яхшилаш вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилишига кўмаклашди.

1972 йил, март ойида Тошкентда ўтказилган республика конференцияси умумий таълим мактабларида рус тилини ўқитишни янада яхшилаш тадбирларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати рус тилини ўрганиш практикасини такомиллаштириш йўлида бошқа муҳим тадбирларни ҳам амалга ошироқдалар.

Биз ҳар бир мактабни яхши дарсликлар, методик ва кўرғазмалли қўлланмалар билан тўла-тўқис таъминлаш учун ҳамма ишни қиялмиз, бу эса рус тилини кенг ом-малаштиришга, уни ўқитиш ва ўргатишни яхшилашга имкон бермоқда, бу нарса миллий тилларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Кўпчилик совет кишиларининг рус тилини билиши халқларнинг маънавий бойлиги бўлмиш миллий тилларнинг ўзига хослигини йўқотади, деган маънони асло билдирмайди. Аксинча, бу ҳол миллий маданиятлар, миллий тилларни янада тез ривожлантириш ва ўзаро бойитиш учун, барча миллатларга мансуб кишиларни маънавий жиҳатдан ўстириш учун истиқболлар очиб беради. Зеро, совет маданияти СССРдаги барча халқлар яратган энг яхши дурдоналарнинг синтезидир. Табиийки, шундай шароитда рус маданиятининг ютуқлари, шу жумладан, рус тилининг бойлиги ҳам мамлакатдаги бошқа халқлар маънавий дунёсига зид келиши у ёқда турсин, аксинча, улар турмушининг таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқида барча халқларнинг тиллари узлуксиз ривожланмоқда. Бу тиллар бой, жозибадор, ўзига хос бўлиб қолмоқда.

Рус тили миллий тилларнинг ривожига ҳар тарафлама ва баракали таъсир ўтказиб келди ва ўтказмоқда. Айни вақтда унинг ўзи ҳам миллий тиллардан айрим сўзларни қабул қилиб олмоқда, бошқа миллатларнинг ифода воситаларини ўзига сингдириб олмоқда. Шу тариқа ўзининг сўз бойлигини оширмоқда. Бу — ўзаро диалектик таъсир замиридаги моҳият-эътибори билан гоаят прогрессив бўлган объектив қонуний жараённинг икки жиҳатидир.

Рус тили — «ўз иборалари ва воситалари жиҳатидан ихчам ва қудратли... бошқа тилларга муносабати жиҳатидан бағри кенг, ҳамжиҳатликка мойил тилдир...» — деб ёзган эди ўз вақтида А. С. Пушкин. Рус тилининг ўзига хос бўлган бу хусусиятлари кўпмиллатли Совет давлати шароитида янада ривож топди, янги фазилатлар касб этди.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек тили анча бойиди, унинг сўз бойлиги бирмунча кўпайди. Бунга мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида, саноатда, қишлоқ хўжалигида ва қурилишда рўй берган янги ҳолатлар, халқ хўжалиги барча тармоқларининг ривож, буюк илмий кашфиётлар ту-

файли эришилди. Жамият сиёсий ташкилотининг янги формалари, социалистик идеология, социалистик меҳнат ва кишиларнинг ижтимоий-маиший муносабатлари — буларнинг ҳаммаси ҳар бир миллий тилда янги сўзлар ва терминларнинг кўплаб пайдо бўлишига ёрдам берди. Марксизм-ленинизм дунёқарашининг асосий тушунчалари билан, химия, физика, математика, биология, геология, медицина, техника, қишлоқ хўжалиги, гуманитар ва бошқа фанлар соҳасидаги замонавий ютуқлар билан боғлиқ бўлган терминлар кенг жамоатчиликка сингиб кетди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти биринчи марта ўзбек тилининг изоҳли луғатини ишлаб чиқди. Бу салмоқли икки томли асар салкам 250 босма листдан иборат бўлиб, унда тахминан 60 минг сўзнинг талқини берилади, бу сўзларнинг кўплари янаги ўзбек тилида йўқ эди. Луғатга киритилган бир қанча янги терминлар рус тилидан олинган. Бу сўзлар интернационал лексика фондидининг асосини ташкил қилади. Шунинг ўзидек миллий тилларни бойитишида рус тили нақадар катта роль ўйнаётганлигидан, барча миллатларга мансуб совет кишиларининг бу тилни билишлари нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон партия ташкилоти бундан буён ҳам она тили билан бирга рус тилини ўрганишга катта эътибор беради. Биз рус тилини ўрганишда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини такомиллаштиришни, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабни битириб чиққан ҳар бир киши бу тилни бемалол биладиган бўлишини энг муҳим вазифаларнинг бири деб ҳисоблаймиз. Ҳамма жойда катта ёшдаги аҳоли орасида рус тилини ўрганишни ташкил қилиш, бунинг учун тўғарақларда ўқитиш формасидан ва мустақил ўрганиш методидан фойдаланиш чоралари ҳам кўриломқда.

Кейинги вақтларда рус тилига доир программалар, дарсликлар, методик ва кўرғазмали қуроқлар, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар анча яхшилади, уларни қайта нашр этиш йўлга қўйилди, шунингдек, янги, янада мукамал луғатлар яратилди. Бунда умумий таълим мактаблари ва олий ўқув юр்தларининг, шунингдек, рус тилини тўғарақларда ва яққа тартибда ўрганувчи катта ёшдаги кишиларнинг ҳам эҳтиёжлари ҳисобга олинмоқда. Рус тилини ўрганувчиларга ёрдам тариқасида оммавий адабиёт ва пластинкалар чиқариш йўлга қўйилди. Рус тилини ўрганувчиларга аталган ва бу соҳада

ги ижобий тажрибани ёритадиган материалларни матбуотда, радио ва телевидение орқали мунтазам равишда эълон қилиб бориш лозимдир.

Тиллар ўртасидаги алоқа жараёни соқнал икки тилликка олиб бормоқда. Бу ҳодиса Совет Иттифоқи халқларининг тил фаолиятида бениҳоя кенг ривож топди. Рус тили билан миллий тилларнинг ўзаро алоқаси мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг қундалик ҳамкорлигида айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Кейинги ўн йиллар давомида жадал ривожланган ва келгусида ҳам сўзсиз кенгайиб бориши кўриниб турган бу жараёни чуқур идрок этиш лозим. Бу жараён совет кишилари ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятининг ҳамма соҳаларига кириб бормоқда, илмий ва бадний ижодкорлик соҳасини қамраб олмақда. Шундай бўлиши ҳам қонуний бир ҳолдир.

Маълумки, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи — завод, қурилиш, колхоз ёки совхоз коллективи — ҳозирги шароитимизда албатта интернационал коллектив бўлиб қолмоқда. Бу коллективларда бир неча, баъзан эса кўпгина турли миллатларнинг вакиллари ўз меҳнатлари билан бир-бирларига ҳамкорлик қилиб, куч-гайратларини ҳаёт талабига мувофиқлаштириб, аҳиллик билан ишламоқдалар.

Илмий тадқиқотлар соҳасида ҳам худди шу жараён кўзга ташланмоқда. Ҳозир мамлакатимизда она тиллари ҳар хил бўлган кишилар бир илмий муаммо устида биргаликда иш олиб бормаётган институт, лаборатория, кафедрани топиш қийин. Биз бошқарув соҳасида ҳам шундай ҳолни кўрамыз.

Шу тариқа икки тилни ишлатишга табиий эҳтиёж туғилмоқда, ҳар бир киши ўз она тили билан бирга иккинчи она тили — миллатлараро кенг алоқа тили бўлмиш рус тилини ўрганишга ўзида қонуний бир ички эҳтиёж сезмоқда. Бу жараён бадний ижод соҳасида, айниқса унинг тил билан чамбарчас боғлиқ бўлган адабиёт соҳасида ҳам ўз аксини топаётганлиги диққатга сазовордир.

Қайси хонадонга қадам босманг, она тилидаги китоблар ёнида албатта рус тилидаги китоблар ҳам турганини кўрасиз, ҳамма жойда учрайдиган бу факт ҳам миллий маданиятларимизнинг икки тил асосида камол топаётганлигидан яққол далолат беради.

Миллий республикаларда, область ва ўлкаларда ишлаб турган нашриётларнинг ҳаммаси маҳаллий, она ти-

итдаги китоблар билан бирга, ҳудди шу китоб ва бронюраларни рус тилида, кўп нусхада нашр қилаётганини ҳам айтмасдан бўлмайди. Бу китобларнинг таъсир доираси шу тариқа кенгаймоқда. Шу тариқа улар Умумиттифоқ ва халқаро майдонга рус тили орқали чиқмоқда.

Икки тиллилик ёйилиб бораётганлиги муносабати билан кўпинча унинг социал оқибатлари тўғрисидаги масала келиб чиқмоқда. Бу ўринда мафкуравий душманларимизнинг миллатлараро муомала тили она тилни қисиб чиқармоқда, деган даъволарини амалиётга суяниб рўй-рост ва қатъиян фош қилиб, уларнинг бутунлай тутуриқсиз гаплар эканлигини кўрсатиб бермоқ керак. Бизнинг ижтимоий тузумимиз, коммунистик қурилиш тажрибаси тилларнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги бундай даъволарни тамомла чиппақка чиқаради. Икки тиллилик, душманлар айтганидек, бу тиллардан биттасининг ўз-ўзидан емирилиб, йўқолиб кетишига олиб бормайди.

Кўпмиллатли социалистик давлатда икки тиллилик миллатларни, миллий маданиятларни бир-бирига яқинлаштиришга, умумий ва ягона жараёнда қатнашаётган тиллардан ҳар бирининг бойиб боришига, ўзаро таъсир ўтказишига, бир-бирини тўлдиришига, лексик занасларнинг кўпайишига ёрдам беради.

Ҳозирги замон рус тилида вужудга келган иборалар, тушунчалар, даражалар мамлакатимиздаги бошқа ҳамма халқларнинг тилларига, шунингдек, дунёдаги бошқа кўпгина халқларнинг тилларига ҳам таркибий равишда кириб, кўшилиб кетмоқда. Ҳозир ер юзидаги одамларнинг қайси бири, айтайлик, «спутник», «большевик», «союз» деган рус сўзларини, «пятiletка» деган русча иборани, «ленинизм» деган фалсафий категорияни ва бошқа юзлаб рус сўзларини билмайди дейсиз? Бу сўзларни таржима қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, булар ҳаммага тушунарли.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги даври СССРдаги миллий муносабатлар ривожиди янги босқични бошламоқда. Коммунизмнинг яхлит моддий-техника базасини вужудга келтириш совет халқларини бир-бирлари билан янада мустақамроқ бирлаштиришга олиб боради. Ҳар бир республиканинг коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ҳиссаси кўпаймоқда. Спнфлар ўртасидаги тафовутларнинг йўқола бориши ва коммунистик ижтимоий муносабатларнинг тараққиёти миллатларнинг социал жиҳат-

дап бир хиллигини кучайтиради, маданият, ахлоқ, турмушнинг муштарак коммунистик белгиларини ривожлантиришга ҳисса қўшади, миллатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликни янада мустаҳкамлашга олиб боради.

Бизнинг мамлакатимизда ўз руҳи ва интернационал мазмуни жиҳатидан ягона совет социалистик маданияти вужудга келиб, равнақ топди. Бу маданият ҳамма халқлар яратган маънавий бойликларнинг узвий бирикмасидан иборат. Миллий тўсиқлар нималигини билмайдиган ва жамики меҳнат аҳлига баб-баравар хизмат қиладиган муштарак, интернационал белгилар — янги, коммунистик маданият негизлари тобора яққол намоён бўлмоқда.

Миллатлараро алоқа ва ҳамкорликнинг тез ўсиши рус тилининг аҳамиятини янада оширмоқда. Совет жамияти тараққиётидаги бу объектив-тарихий жараёни СССР халқлари маданий турмушини сохталаштирувчилар бундай кўрсатмоқдалар. Улар рус тилининг кенг ва бемалол тарқалишини, уни миллатлараро алоқа воситаси сифатида ўрганишни рус тили ва маданиятини зўрлаб қабул қилдириш тарзида кўрсатмоқчи бўладилар. Бу — ҳақиқатни гирт сохталаштиришдир.

Ўз вақтида Ленин рус тилини зўрлаб қабул қилдиришга кескин қарши чиққан эди. 1914 йилдаёқ у мажбурий давлат тили гоёсини буржуа миллатчилик ва ўтакетган реакцион гоё деб атаган ва қуйидагиларни ёзган эди: «Рус тили улуг ва қудратли тил, дейдилар бизга либераллар. Ажабо, сизлар Россиянинг ҳар қандай чекка ўлкасида яшовчи ҳар бир кишининг бу улуг ва қудратли тилини билишини хоҳламайсизларми? Ажабо, сизлар рус тилининг бегоналар адабиётини бойитишини, уларга улуг маданий бойликлардан ва ҳоказолардан фойдаланиш учун имкон беришини кўрмайсизларми?»

Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри, жаноб либераллар, деб жавоб берамиз биз уларга. Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернышевский тили — улуг ва қудратли тил эканини сизлардан кўра яхшироқ биламиз. Қайси миллатга мансублигига қарамай, Россиядаги барча миллатларнинг маълум синфлари ўртасида мумкин қадар мустаҳкам алоқа ва қардошларча бирлик ўрнатилишини сизлардан кўра кўпроқ хоҳлаймиз. Шунинг учун ҳам биз, Россиядаги ҳар бир кишининг улуг рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдоримиз, албатта»¹.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 24-том, 330—331-бет.

Шу асарнинг ўзида В. И. Ленин мажбуран тил ўргатишга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлайди. «Умуман, ижтимоий ҳаётнинг бутун жараёни барча миллатларни бир-бири билан яқин алоқа боғлашга олиб боради...» «Ўзининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эҳтиёжи бўлган кишилар бу тилни... ўрганиб оладилар»¹, деб уқтиради.

Шу билан бирга Владимир Ильич миллий тилларни ривожлантириш, бу тиларнинг давлат аҳамиятини эътироф қилиш, бу принципларни қонуни йўли билан мустақкамлаб қўйиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилди.

В. И. Ленин 1922 йил декабрида оғир бетоб бўлишига қарамай, бу масалага қайта-қайта эътибор бериб: «Иттифоқимизга кирадиган ғайримиллий республикаларда миллий тилнинг ишлатилиши ҳусусида жуда қатъий қоида жорий этиш ва бу қондан айниқса синчиқлаб текшириш лозим»², бунда миллий тилларнинг ривожига ҳеч қандай баҳона билан тўсқинлик қилинмаслиги керак, деб уқтирди.

В. И. Лениннинг бу сўзларида миллий тилларни ҳам, шунингдек, Совет Иттифоқи халқларининг миллатлараро алоқа ва бирлик тилни ҳам ривожлантириш соҳасида партиямизнинг сиёсати диалектик бирлигининг бутун бир программаси ифодалаб берилган. Коммунистик партия бу программани қарийб 60 йилдан кўпроқ вақт мобайнида изчиллик билан муттасил амалга ошириб келмоқда.

В. И. Ленин белгилаб берган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи жуда равшан ва яққол тасдиқлади. Миллатларнинг ривожини, уларнинг социализм қурилишида актив ижодий қатнашиши ҳамма халқларни ўз манфаатларидан келиб чиқиб, улуғ рус тилини ихтиёрий равишда бажонидил ўрганишга, бутун қалби ва ақли билан унга ихлос қўйишга ундади.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Партиямиз мамлакатни коммунизм йўлидан янада ривожлантириш масалаларини ҳал этар экан, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларини ҳаётбахш ватанпарварлик ва пролетар интернационалиزم руҳида доимо,

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 24-том, 331-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 45-том, 361-бет.

муптазам равишда зўр эътибор билан тарбиялашга катта аҳамият бермоқда.

Одамларнинг бирликка интилиши — жаҳон тарихидаги илгор тенденциядир. Буржуа жамиятининг кийиси зиддиятлар, миллий ва синфий антагонизмлар кескин тус олган жуда мураккаб шароитда яшаб турибди. Шунга қарамай, интернационализм давримизнинг улугвор ҳақиқати бўлиб қолди. Ҳар тарафлама яққол кўришиб турган ҳозирги ҳаётнинг объектив ва ўзгармас жараёнида одамларни мақсадларнинг муштараклиги, тақдирлар ва вазифаларнинг бирлиги, янги жамият қуриш йўлидаги маффаатлар ва идеологиянинг муштараклиги бирлаштиради.

Атоқли француз коммунист ёзувчиси, типчлик учун оташин курашчи Анри Барбюснинг қуйидаги сўзлари ҳар қачонгидан ҳам актуал янграмоқда: «Имкони бўлган ҳамма нарсани ҳеч истисносиз тинмай кенгайтириш, интернационаллаштириш лозим. Тўсиқларни бузиб ташлаш керак, одамлар ёруғ дунёни, ажойиб уфқларни кўрсинлар. Инсондан инсониятгача бўлган йўлни сабр-тоқат билан, қаҳрамонона тозалаш керак».

Бизнинг мамлакатимизда интернационализм миллион-миллион совет кишиларининг чуқур эътиқодига ва ахлоқ нормасига айланганлиги партиямизнинг жуда катта ғалабасидир.

Партиямизнинг миллий муносабатлар соҳасидаги ҳужжатларида интернационализм принципларини пэчилик билан ўтказиш, социализмнинг энг муҳим ғалабаларидан бири бўлган халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ҳар қандай миллатчилик ва шовинизм кўринишларига ҳамда сарқитларига қарши, миллий маҳдудлик ва мумтозлик тенденцияларига қарши, коммунистик қурилишга ҳалақит берадиган урф-одатларга қарши муросасиз кураш олиб бориш вазифалари ўртага қўйилган.

Партия меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятида ўз программасининг ана шу қондаларига муттасил амал қилиб келмоқда.

Миллий муносабатларнинг янада ривожланиши, социалистик миллатларнинг аста-секин бир-бири билан яқинлашуви халқ хўжалигининг ягона системаси асосида, шунингдек, жамиятнинг бутун мамлакат учун ягона бўлган бир хил тидаги социал маданияти асосида рўй беради.

Буржуа жамиятидаги миллатлардан фарқли ўлароқ социалистик миллатлар ичида синфий антагонизмлар, муросасиз зиддиятлар йўқ. Коммунистик қурилиш жа-

раёнида ҳар бир республикада ва бутун мамлакатда жамиятининг тобора кўпроқ бир хил бўлиб бораётган социал таркиби ташкил тоимоқда.

Бизнинг мамлакатимизда халқларнинг миллий ва интернационал манфаатлари орасида зиддиятлар йўқ. Уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келиб, бир бутун бўлиб қўшилиб кетмоқда. Интернационал ва миллий манфаатларнинг диалектик бирлиги—бу бутун социалистик жамият ҳаётининг ўзига хос хусусиятидир. Шу сабабдан совет кишиларининг интернационалиزمи ҳаётбахш совет ватанпарварлиги билан узвий равишда боғлангандир.

Ҳар бир халқнинг ўз азиз дёрига, ўз тилига муҳаббат туйғулари узоқ тарих давомида шаклланади. Бу туйғулар социалистик ватанпарварлик туфайли бутун мамлакат тақдирига боғлиқ юксак масъулият тушунчаси билан бир бўлиб қўшилиб кетади. Меҳнаткашларнинг ўзлари эса бу мамлакатнинг хўжайини бўлиб қолдилар.

Совет ватанпарварлиги миллий ифтихор туйғусини марксизм-ленинизм позициясида туриб идрок этишни тақозо қилади. Бизнинг давримизда у янада ривожланиб, янги мазмун касб этди. «Эндиликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганидан кейин орадан ярим аср ўтгач, биз анча кенг тушунча тўғрисида, бутун халқимизнинг зўр ватанпарварлик ҳисси тўғрисида — совет кишинининг умуммиллий ифтихори тўғрисида гапиришига тўла равишда ҳақлимиз»¹.

Леонид Ильич Брежневнинг бу сўзлари коммунистик қурилиш йўлидаги курашимиз ва ютуқларимизнинг энг муҳим жиҳатларидан бирини назарий жиҳатдан умумлаштиргандир. Бу эса совет турмуш тарзининг, ленинча миллий сиёсатининг буюк ғалабасидан далолат беради.

Совет халқлари ҳаётида содир бўлган жуда зўр ўзгаришлар туфайли мамлакатимизда илгари исбли кўрилмаган янги, социалистик миллий муносабатлар шаклланиб, тинимсиз ривожланмоқда, шу билан бирга янги-янги муаммолар ва вазифалар юзага чиқмоқда. Партия бу масалаларни доимо диққат марказида тутадн, уларни бутун мамлакатнинг ва алоҳида ҳар бир республиканинг манфаатларини назарда тутган ҳолда, коммунистик қурилиш манфаатларини назарда тутган ҳолда ўз вақтида ҳал этади.

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. 4-том, 110-бет.

СССРда миллий масала ҳал этилганлигига асосланиб, эъдиликда социалистик миллатлар ва миллий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари, интернационал тарбия масалалари ўз аҳамиятини йўқотадди, деб бўлмайди. Миллатларни бир-бири билан янада яқинлаштириш жараёни, бир томондан, меҳнаткашларнинг овгани социалистик интернационализм руҳида янада каттароқ муваффақият билан шакллантириш учун имкон яратиб берса, иккинчи томондан, меҳнаткашларнинг интернационал тарбияси соҳасидаги ишларни янада кенг миқёсда олиб боришни талаб қилади.

Бизнинг партиямиз бу йўлда қатъият ва изчиллик билан кенг кўламда катта иш олиб бормоқда, оммага идеологик таъсир ўтказишнинг хилма-хил йўллари, форма ва воситаларидан — оғзаки пропаганда, агитация, матбуот, телевидение, радио, адабиёт ва санъатдан ҳар тарафлама фойдаланмоқда.

Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашда рус тили ва уни билмиш бениҳоя муҳим роль ўйнайди.

Рус тили — янги инсонни тарбиялашнинг таъсирчан воситасидир. Рус тилини ўрганиш — айни вақтда чуқур, ғоявий-сиёсий таълим олиш деган маънони ҳам билдиради. Рус тилини билган киши замон воқеаларини катта сезгирлик билан илғаб, фан ва тарихда юз бераётган жамийи ўзгаришларни аниқ фаҳмлаб оладиган, бутун инсоният учун муҳим бўлган жараёнларнинг йўналишини тушунадиган бўлади.

Рус тилини билиш ҳар томонлама баркамол илмпарвар ва врач, педагог ва агроном, саноат ва қишлоқ хўжалиги, фан, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳасидаги барча мутахассисларни тайёрлашнинг таркибий қисмидир.

Рус тилини билган киши янги тарихий ҳақиқатларнинг кучини, ғояларнинг буюк курашини, ҳозирги дунёда ўз роли ва ўрнини чуқур англаб олади.

Бир-бирини билиш ва тушуниш ҳаётини заруратдир. Маданият ва санъатнинг ҳақиқий дурдоналари халқларнинг умумий мулки бўлиб қолиши керак. Ҳозир рус тили маданий ҳамкорликни кенгайтиришга, хилма-хил алоқалар ва контактлар ўрнатилган, янгиликларнинг тез тарқалишига, тажриба алмашишига, турли касб эгаларининг ҳамжиҳатлигига кўмаклашадиган воситалар жумласига кирилади.

Совет кишиларининг интернационал хазинадан баҳраманд бўлиши, экономика, фан ва маданиятнинг ҳозир-

ги замон тараққиёти даражасида бўлишга интилиши рус тилига қилинган таржималар кўприги орқали рўёбга чиқмоқда.

Бутун дунё прогрессив маданият арбоблари Совет Иттифоқида ҳозирги замоннинг иккита ақтуал масаласи — адабиётни, шу жумладан, бадиий адабиётни таржима қилиш масаласи ҳамда ягона алоқа воситаси бўлмиши умумий тил масаласи муваффақиятли ҳал этилганлигини яқдиллик билан эътироф қилмоқдалар.

Маълумки, бадиий адабиёт ҳар бир халқнинг маънавий дунёси, ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари билан, унинг маданиятидаги жамки яхши, илғор хусусиятлар билан танишини имкониятини беради. Бизнинг мамлакатимизда миллий тиллардан рус тилига ва рус тилидан миллий тилларга бадиий таржима қилиш иши кенг йўлга қўйилганлиги туфайли қардош адабиётлар ва санъат асарлари СССРдаги ҳамма халқларнинг мулки бўлиб қолмоқда.

Масала, Ўзбекистонда қардош адабиётлар ва чет эл авторларининг деярли ҳамма салмоқли асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Ўз навбатида ўзбек ёзувчиларининг асарлари СССР ва жаҳон халқларининг кўпгина тилларига таржима этилиб, чоп қилинган. СССРда нашр этилаётган китобларнинг 70 процентга яқини таржима асарларидир. Дунёдаги кўндан-кўн назм дарёлари рус тили океанига бемалол қўйилган ҳолда ўзининг илк гўзаллигини сақлаб қолган. Бошқа тилларда ижод қилувчи ёзувчиларнинг рус тилига таржима қилинган асарлари иккинчи бор умр кўрмоқда.

Русшунос мутахассисларнинг иккинчи халқаро конгрессида сўзга чиққан халқаро коммунистик ва иничилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков бундай деган эди: «Агар яқин келажакка назар ташласак, Болгариянинг ҳар бир кишиси маънавий жиҳатдан баркамол бўлиш учун ўз она тилидан ташқари улуг рус халқининг тилини ҳам ўрганиб, ундаи фойдаланаётганининг гувоҳи бўламиз. Бошқа катта ва кичик халқларнинг тилларида яратилган ва яратилаётган ҳамма қимматбаҳо асарлар ўзга тилларга қараганда рус тилига кўпроқ таржима қилинган ва тўхтовсиз таржима қилинмоқда».

Ҳозир жаҳон майдонига чиқиш ва қардошларга етиб бориш имконияти тил маданиятининг мезони бўлиб хизмат қилади. Жаҳоншумул аҳамият касб этиб, ер юзининг

эпг етакчи адабиётларидан бири бўлиб қолган классик рус адабиёти ҳам бу жараёнда бебаҳо роль ўйнади.

Бундай адабиёт яхши сайқал топган, бой, ширали адабий тил негизидагина барпо этилиши мумкин эди. XIX асрдаёқ рус тили ана шундай тил бўлиб қолган эди. Пушкин, Гоголь, Толстой, Достоевский, Тургенев, Чехов, Горький асарларидан ташкил топган рус классик адабиёти узоқ вақт мобайнида чет элларда рус тилининг ёйилишига ёрдам берганлиги бежиз эмас.

Бундан 40 йил муқаддам ажойиб рус ёзувчиси Алексей Толстой ўз мақолаларидан бирида: «Рус тили жаҳон тили бўлиб қолиши лозим. Бир вақт келиб (эҳтимолки, яқин орада) ер куррасининг ҳамма меридианларида рус тилини ўргана бошлайдилар», деб ёзган эди.

Мана, ўша давр келди. Қудратли рус тили халқаро миқёсда чинакам эътироф этилди.

Совет давримизининг улуғ шоири Владимир Маяковский қарийб ярим аср муқаддам «Ёшларимизга» деган шеърда бундай деб ёзган эди:

Ўсирини ўртоқлар,

Москвага боқинг,

Руслар лаҳжасига тутингиз қулоқ!

Мен агар

қариган занжи бўлсам ҳам,

Ҳатто ўшанда ҳам эринмай, бардам,

Ўрганиб олардим русларнинг тилини,

Сўзлагани учун

шу тилда

Ленин!

Бу илҳомбахш сатрларда рус тилига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ифода этилган, унинг бутун дунё халқлари учун бўлган буюк аҳамияти таъкидланган. Бу сатрлар бутун жаҳонга тарқалди, миллион-миллион кишиларнинг дилига жо бўлиб, уларнинг қалбида оташни акс садо берди.

Совет делегацияси составида Бирмага, унинг пойтахти — Рангунга борганимизни эслаймак, биз тўқимачилик фабрикасини бориб кўргандик. Суҳбат чоғида ёш ишчилардан бири биз билан соф рус тилида гаплашганидан ҳайратда қолиб, хурсанд бўлдик. Самимий суҳбат ва Совет Иттифоқи ҳаёти тўғрисидаги савол-жавоблардан кейин у бизни уйига таклиф қилди. Унинг хотини ҳам шу фабрикада ин йигирувчи бўлиб ишлар экан, у ҳали иш-

дан қайтмагани учун, мезбон бизга дастурхон ёза олма-
ганига узр сўради-да, бундай деди:

— Менинг ҳозир дастурхонга қўядиган нарсам йўқ бўлса ҳам, мен Рангундаги энг бой одамман.

Биз ҳайрат ичида унга қараб:

— Хўш, сизнинг бойлигингиз нима?— деб сўра-
дик.

У жавоб бериш ўрнига полдан шифтгача тропик кў-
катлар билан қопланган девор ёнига борди. Деворни се-
кин айлантиргач, мезбон:

— Мана, менинг бойлигим!— деб хигоб қилди.

Қулф уриб ўсаётган тропик кўкатлар билан қоплан-
ган деворнинг орқа томонидаги китоб тоқчаларида рус
классик ва совет адабиёти асарлари териб қўйилганлиги-
ни кўрдик. Бу ерда Пушкин, Толстой, Тургенев, Чехов,
Горький, Фадеев, Шолохов, Федин, Есенин асарлари бор
эди...

— Мен ана шундай бебаҳо хазинанинг эгасман, —
деди мезбон ифтихор билан.

У ўз бойлигидан, биз билан русча гаплаша олишидан
фахрланарди, бизнинг қалбларимиз эса Советлар Ватани
учун, ҳаммамизга жонажон ва севиқли бўлиб қолган улуғ
рус тили учун ифтихор туйғуларига тўлиб-тошди.

Яна бир унутилмас воқеа. 1957 йили совет делегация-
си Индонезияга борган маҳалда Медан шаҳрида кўшни
кўрган бир денгизчини учратдик. У голланд ва япон им-
перналистларига қарши жангларда қатнашган экан. Ўр-
тамизда самимий суҳбат бошланиб кетди. Аввал-бошда
ҳамсуҳбатимиз рус совет қўшиқларини куйлай бошлади.
У Улуғ Ватан уруши давридаги «Землянка», «Огонёк»
қўшиқларини айниқса завқ билан ижро этди. Сўнгра
одатда жўр бўлиб айтиладиган, оғир уруш йилларида
ҳаммамиз учун гимнга айланиб кетган қўшиқни айта
бошлади:

Вставай, страна огромная,
Вставай на смертный бой
С фашистской силой темною...

Кўшни кўрган бу жангчи шу қўшиқни айтар экан,
ўзига ўзи дирижёрлик қилиб турарди, биз бўлсак уни
катта завқ-шавқ билан тинглардик.

Биз олис Суматрада яшайдиган шу одамдан рус ти-
лини қандай қилиб ўрганганини сўрадик. Унинг жаво-
би бундай бўлди:

— Совет Иттифоқи инсолияти фашизм вабосидап халос қилди, шу боисдан ҳам энди ҳамма рус халқини севиши, унинг тилини ўрганиши керак. Мен рус тилини лугат ёрдамида ўрганишман ва Москва радиоси орқали бериладиган русча кўшиқларни ҳар куни тинглаб турибман.

Ҳозир совет халқи коммунизм йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда. У бунёдкорлик меҳнати билан янги-янги зафарларни қўлга киритмоқда. Мамлакатимизнинг буюк илмий кашфиётлари, унинг техника тараққиёти соҳасидаги ютуқлари бутун жаҳонга машҳур. Совет халқининг муваффақиятлари жаҳон миқёсида яқдиллик билан эътироф қилинди. Бу муваффақиятлар чет элларда Совет Иттифоқи билан мустақкам иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик қилиш эҳтиёжини уйғотмоқда. Бу эса халқларнинг рус тилини ўрганишга бўлган интилишига интилиш қўшмоқда.

Рус тили дунёдаги 800 дан ортиқ олий ўқув юртида ба минглаб мактабларда ўқитилмоқда. Социалистик бўлмаган 76 мамлакатда рус тилини ўрганиш тўғраклари ва курслари ишлаб турибди. Ҳозирги вақтда рус тилини 500 миллиондан кўпроқ киши баҳоли қудрат билади. Ҳамма қитъаларда, ер юзининг олис бурчақларида ҳозир русча сўзни эшитиш мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда рус ва Умумиттифоқ бадий адабиётининг энг яхши асарларини ўз тилларига таржима қилаётган ажнабий таржимонларнинг келгашлари мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Бу таржимонлар СССРга келиб, ўзларининг таржимонлик маҳоратларини такомиллаштириши билан бирга рус тили соҳасидаги билимларини ҳам оширмоқдалар.

Рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг халқаро уюшмаси бир қанча йиллардан бери ишлаб келмоқда. Бу уюшма ажнабийлар учун рус тилини ўргатишнинг энг янги методларини яратиш мақсадини ўз олдига қўйган.

П. Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университети, мамлакатимиздаги кўнгина олий ўқув юртлари минглаб чет эл студентларига кўп соҳалар бўйича махсус билим бериш билан бирга ўз талабаларига рус тилини ҳам ўргатмоқда. Бу тилини ўрганиш махсус профессионал билим олиш билан бирга уларнинг илмий-техникавий ва маданий жиҳатдан ўсиши учун катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР ВА ГАМХЪРЛИК

Еш авлодга таълим ва тарбия беришда рус тили ва адабиёти муаллимлари катта роль ўйнайдилар. Бизнинг республикамизда 29 мингга яқин киши шу олижаноб ишни бажармоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати ўқитувчи кадрлар тайёрлашга мухтаам равишда гамхўрлик қилмоқда. Бу ишда Россия Федерацияси ва Украинанинг олий ўқув юртлари бизга катта ёрдам бермоқда. Кейинги йилларда улар Ўзбекистон учун 4 мингдан кўпроқ рус тили ва адабиёти ўқитувчиси тайёрладилар. Ҳозирги вақтда РСФСР ва Украина ССРдаги рус тили ва адабиёти муаллимлари тайёрлайдиган педагогика институтларида республикамизнинг 7 мингдан зиёд йигит ва қизи ўқимоқда.

1963 йилда Тошкентда Рус тили ва адабиёти педагогика институти ташкил этилди. Бу билим даргоҳи Ўзбекистондаги ва Ўрта Осиёнинг барча республикаларидаги миллий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрламоқда. Институт шу давр ичида 5500 га яқин рус тили ўқитувчиси, шу жумладан, маҳаллий миллат фарзандлари орасидан 3700 ўқитувчи тайёрлади. Шу билан бирга бон институт ҳисобланган бу билим даргоҳи миллий мактабларда рус тилини ўқитишнинг энг муҳим проблемалари юзасидан, Ўрта Осиё ва бошқа қардош республикалар педагогика олий ўқув юртларининг рус тили ва адабиёти муаллимлари малакасини ошириш юзасидан катта илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Партиямиз, Совет ҳукуратимиз улут Ленин васиятларига амал қилиб, ўқитувчиларга доимо меҳрибонлик кўрсатмоқдалар. Мамлакатимизда ўқитувчи ўтмишда ҳеч қачон бўлмаган иззат-эътиборни тоиди.

«Бизнинг мамлакатимизда мактаб муаллими — халқ энг эъозлаб ҳурмат қиладиган касбларининг биридир,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев ўқитувчиларнинг Бутуниттифоқ съездида сўзлаган нутқида.— Образли қилиб айтганда, ўқитувчи замонларни бир-бирига боғлайди, у авлодлар замиридаги бир ҳалқадир. У ҳозирги замон эстафетасини келажакка элтиб беради, дейиш мумкин. Бу эса унинг меҳнатини ана шундай мароқли, ҳақиқатан ижодий меҳнатга айлантиради»¹.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ҳаминша биринчи ўринда туради ва шундай бўлиб қолади. Бу жараёнининг

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. 2-том, 256-бет.

асосий мазмуни ва йўналишини ўқитувчи амалий равишда юзага чиқаради. Унинг илҳомбахш меҳнати, ижодий ташаббуси ва жонқуярлиги билангина ўқувчиларимизга билим беришни кўнгилдагидек даражага кўтариш мумкин.

Педагогикадаги энг оқилона ҳикматлардан бирида: «Ўқувчининг миёнаси бўш идишдек тўлдириш эмас, балки машъалдек ёндириш керак», дейилади. Ёшларни тарбиялаш ишига садоқат ва фидокорлик билан ёндашган кишигина бу машъални ёқиши мумкин.

Бизнинг замонамизда одамларнинг саводхонликлари уларнинг ўз касбларига оид билимлари орқали эмас, балки ана шу билимларини дунёқарашларига омихта қилиб юборганликлари билан белгиланади. Бундай уйғунликка оилада, мактабгача тарбия муассасаларида ва асосан мактабда замин яратилади. Бизнинг рус тилини ўқитиш соҳасида тутган йўлимиз, жаминки ишимиз ана шунга асосланмоғи лозим.

Педагогиканинг асосий қондаларидан бирида таълим билан тарбия бир-бири билан чамбарчас боғланган, дейилади. Ҳар қандай фан юзасидан мактабда ўтилган дарс ёки олий мактабда ўқилган лекция тарбиявий аҳамиятга эга бўлмаса фойда келтирмайди.

Миллий мактабларда рус тили ва адабиётини ўқитишни тарбия билан боғлаб, бирга қўшиб олиб боришнинг аҳамияти жуда катта эканлиги шак-шубҳасиздир. Рус тилини ўрганиш айрим ҳолларда рус адабиётини, рус тарихини ўрганиш деган маънони ҳам билдиришини унутмаслик керак. Русча китоб устида ишлаш ҳамма халқларга қувонч бахш этади, уларни рус маданиятининг маънавий бойликларидан баҳраманд қилади.

Ҳар бир халқ маданиятининг умумбашарий аҳамияти мазкур халқнинг инсоният прогрессив тараққиётида қанчалик роль ўйнаганига бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқувчилар рус тилини, рус адабиётини, рус маданиятини ўрганиш жараёнида эгаллаган билимларининг ҳаммаси совет жамиятининг бирлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин ва лозим.

Бу вазифа ўқитувчи зиммасига алоҳида мажбурият юклайди, унинг масъулиятини беқийс оширади. Маркс ўзининг «Фейербах тўғрисида тезислар» деган машҳур асарида «тарбиячининг ўзи тарбия кўрган бўлиши лозим», деб ёзган эди. Ҳозирги конкрет ҳолатда бу гапнинг маъноси шуки, мактабдаги ёки олий ўқув юртидаги рус тили ва адабиёти муаллими коммунистик қурилиш

идеаллари ва мақсадларини чуқур англаган, ғоявий жиҳатдан ниҳоятда чиқиққан одам бўлиши лозим, бу эса унинг педагогик фаолиятида ўз аксини ва ифодасини топиши керак.

Коммунистик тарбиянинг энг таниқли назариячи ва амалиётчиларидан бўлган Михаил Иванович Калинин: «Ўқитиш ва илм беришдан кўра тарбиялаш анча қийинроқ», деб ўқитрган эди.

Биз айрим атоқли жамоат арбоблари, олимлар дунёқарашининг шаклланиши ва ўз ҳаёт йўлини танлаб олишида бирон муаллим ё тарбиячининг маънавий қиёфаси, инсонпарварлиги ва муомаласи нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини ўша арбобларнинг хотираларидан яхши биламиз.

Шундай қилиб, ўқувчилар рус тили ва адабиётини ўрганишга муҳаббат ва ҳурмат туйғуси билан қарайдиган бўлишлари учун объектив омилларнинггина эмас, шу билан бирга субъектив омилли, яъни тарбиячининг таъсириши ҳам ҳисобга олиши керак.

Бўлажак педагог билан яқка тартибда, сабот билан иш олиб бориш, унинг дунёқарашини шакллантириши ҳаммамизнинг — мактаблар, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, партия ва совет органлари ходимларининг муштарак вазифамиздир.

Мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўрганиш ва ўқитишни янада такомиллаштириш катта сиёсий, умумдавлат, интернационал аҳамиятга эгадир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун барча иттифоқдош республикаларнинг мутахассислари янада яқинлашиб, қўлли қўлга бериб ишламоқлари зарур.

Улуғ социалистик Ватанамиз халқлари маънавий бирлигини янада мустаҳкамлашнинг қудратли воситаси ва энг илғор ҳозирги замон ғояларининг ифодачиси бўлиши рус тилини ўқитишда барча кучларни ишга солиш ҳеч шубҳасиз бундан ҳам катта муваффақиятларга эришиш имконини беради.

«Мамлакат мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида рус тилини ўргатиш ва ўқитиш тажрибаси» деган мавзуда 1975 йил, октябрь ойида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси ана шундай ижодий ҳамкорликнинг яққол мисоли бўлди.

Конференцияни СССР Фанлар академияси, СССР Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари,

Ўзбекистон ССР Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари ташкил этдилар.

Конференция ишида иттифоқдош ва автоном республикалар олимлари, рус тили ва адабиёти муаллимлари, халқ маорифи, олий ва ўрта махсус таълим ходимлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон область партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг маданият масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлар, матбуот, телевидение, радио ва нашриёт ходимлари қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари ялпи мажлисда «Рус тили — Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро алоқа ва ҳамкорлик тили», «Миллий мактабда рус тилини ўқитишнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш вазифалари тўғрисида», «Миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчилари кадрларини тайёрлашнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Миллий мактабда рус тилини ўргатиш ва ўқитишнинг актуал масалалари», «Миллий мактабда рус тилини ўқитиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишининг асосий проблемалари» деган мавзулардаги докладларни тингладилар.

Конференция қатнашчилари бошлангич, ўрта ва олий мактабда рус тилини ўқитиш масалаларига доир, тил маданиятининг умумий проблемаларига оид докладларни, шунингдек, илмий ва амалий ахборотларни ҳам батафсил муҳокама қилдилар. Миллий мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида рус тилини ўқитишни йўлга қўйишнинг ташкилий-педагогик масалалари секциясида иттифоқдош ва автоном республикалар Маориф (халқ маорифи), Олий ва ўрта махсус таълим министрликларининг вакиллари ахборот беришди.

Конференция ишлаб чиққан ва тасдиқлаган тавсияномаларда мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юрларида рус тилини ўргатишни янада яхшилашга доир, ўқув программалари, илмий қўлланмалар, методика адабиётини такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси қатнашчиларининг яқдил фикрига кўра, бу конференция иттифоқдош ва автоном республикалар маданий ҳаётида қатта воқеа бўлди, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини, партиямиз лепинча миллий сийosatининг тантанасини яққол намоён қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бутун-

иттифоқ илмий-амалий конференциясининг яқуцлари юзасидан махсус батафсил қарор қабул қилди, бу қарорнинг бажарилиши республикада рус тили ва адабиётини ўрганиш ва ўқитишни янада юқори поғонага кўтариш имконини беради.

Бу қарорда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига рус тилини ўргатиш ва ўқитишни яхшилаш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни тарбиялашда рус тилининг родини тушунтириш ҳамда республиканинг ўқувчи ёшлар ва бутун аҳолиси томонидан рус тилини ўрганишга бўлган қизиқишни қондириш мақсадида матбуот, телевидение, радиодан, оммавий-сиёсий ва маданий-маърифий ишлардан кенг фойдаланиш, бу ишда халқ маорифи органларига ва ўқув юртларининг педагогик коллективларига бундан бўён ҳам ёрдам бериб бериш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети халқ маорифининг ҳамма бўғинларида рус тилини ўргатиш ва ўқитиш тадбирларини белгилаб, жумладан, болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳларида рус тили машғулотларини ташкил этиш, рус тилини чуқурроқ ўргатадиган мактаб-интернатлар ва умумий таълим мактаблари тармоғини кенгайтириш; ҳамма жойда рус тили кабинетлари ташкил қилиш ва уларни кўرғазмали қуроллар, таълимнинг техникавий воситалари, қўлланмалар ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш; рус тили муаллимларини ва мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячиларини педагогика олий ўқув юртларида ва университетларда ўз ихтисоси бўйича ўқитишни ва уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини оширишни зарур деб топди. Рус тили муаллимларига жуда муҳтож бўлган областлардан педагогика олий ўқув юртлари ва университетларнинг рус тили ва адабиёти факультетларига студентлар қабул қилишни кўпайтиришга қарор қилинди.

Партия, совет ташкилотлари халқ маорифи органлари билан биргалликда кенг меҳнаткашлар оммасига рус тилини ўргатишни янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни яхшилашга алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди. Ҳамма жойда рус тили ва адабиётини ўрганиш халқ университетлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Республикада университетларнинг ва қисқа муддатли курсларнинг тингловчилари учун махсус ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. Айви вақтда, болалар боғчаларидан тортиб олий ўқув юртларигача барча таълим-тарбия муассасаларини сифатли

дарсликлар ва методик адабиёт билан тўла-тўқис таъминлаш зарурлигига эътибор берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси якунлари юзасидан чиқарган қарори бўлган, шаҳар ва район партия комитетларида, бошланғич партия ва комсомол ташилотларида, Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим министрликларида, ўз қарамоғида ўқув юртлари ва мактабгача тарбия муассасалари бўлган бошқа министрликлар ва идораларда муфассал муҳофама қилинди. Ҳамма жойда мазкур қарорни муваффақиятли бажариш, оғамиз ва дўстимиз — улуғ рус халқининг тилини — рус тилини пронаганда қилиш, чуқур ўрганш, уни ўқитишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган жамик ишларни янада такомиллаштириш юзасидан батафсил тадбирлар ишлаб чиқилди.

Миллий республикаларда рус тилининг тобора кенг тарқалаётганлиги, ҳамма жойдаги мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитилаётганлиги, кенг меҳнаткашлар оммаси уни ўрганаётганлиги — ленинча доно миллий сўёсат тантанасининг буюк тимсоли ва яққол далилидир, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, коммунизм юксак идеалларини турмушга татбиқ этиш учун курашда мамлакатимиз халқларини бирлаштирадиган буюк маънавий кучдир.

1977 йил

II

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ МУЛКИ

Жаҳон тарихи лавҳаларига озмунча буюк жасоратлар битилмаган. Бироқ уларнинг ҳеч бири ўз кўлами ва оммавийлиги билан совет халқининг бунёдкорлик ишларига тенг келолмайди. Мамлакатимиз ёш. Унинг ёши бир неча ўн йилликлар билан ўлчанади. Аммо халқимизнинг урушларда ва меҳнат соҳасида кўрсатган жасоратлари марксизм-ленинизмнинг ғолибона қудратидан далилат беради, Октябрь революциясида чиниққан, коммунизм қуриш йўлида тобланган ва вояга етган совет кишиларининг маънавий фазилати ва ахлоқий софлиги, уларнинг руҳий баркамоллигини кўрсатади.

Ер юзида энг гўзал жамият қураётган совет кишиси Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тиклавиш»,

«Кўриқ» помли ажойиб асарларида бош қаҳрамон қилиб олинганлиги қонуний бир ҳолдир. Воқеаларнинг моҳиятига ўткир назар билан кириб борар экан, ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг бу чинакам ҳаққоний, ҳаяжонли ва ибратли китобларида СССРнинг бепоён кенгликларидаги барча совет кишиларининг иш ва ҳаракатлари замирида ётган чуқур интернационаллик характеришни қайд қилиб кўрсатади.

«Социализм,— дейилади «Кўриқ» китобида,— аллақачон шу нарсага исботлаб берган: миллий республиканинг ҳар бири нечоғли интенсив камол топса, интернационаллашиш жараёни шу қадар яққол намойён бўлади»¹. Леонид Ильич Қозоғистонни ёрқин мисол қилиб, кўриқчи халқлар дўстлигининг жонига тани сифатида, ижобий омил сифатида характерловчи таъсирчан бир образдан фойдаланади, шу омил таъсирида республика «юз тилли планета»га айланганини кўрсатади.

Бу ажойиб образ катта умумлаштирувчи мазмунга эга, чунки барча халқларимизнинг қардошларча дўстлиги ва бир-бирига ёрдами коммунистик қурилишнинг объектив қонунияти бўлиб қолди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Кўриқ» номли эсдаликлари улуғ Ленин партияси раҳнамолиги остида, буюк рус халқи бошчилигида мамлакатимиздаги ҳамма миллат ва элатларнинг жапговарлик ва меҳнат жасоратларини тараннум этувчи теран, шиорли ва бамаъни асардир, рус тилининг беқиёс имкониятларини фойдаловчи намунадир.

Бутун совет кишилари билан ҳамнафас бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари Леонид Ильич Брежневга бу ажойиб китоблари учун, тинчликни барқарор қилиш борасида ҳормай-толмай кураш олиб бораётгани учун Ленин мукофоти берилганлигини зўр қувонч ва чуқур мамнуният билан кутиб олдилар.

Социалистик идеология мамлакатнинг барча меҳнаткашлар оммасини умумхалқ манфаатларини юксак даражада тушуниш руҳида тарбиялади. Иттифоқдош республикаларимиз йилдан-йилга кўпмиллатли бўлиб бораётганлигини миллатларнинг бир-бирига тобора яқинлашиб, бир тан бир жон бўлиб кетганлигининг муҳим аломати деб қарамоқ керак.

Бу нарса республикалараро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг тинимсиз кенгайиши ва кучайи-

¹ Л. И. Брежнев. Кичик ер. Тикланиш. Кўриқ. Т., 1978, 202-бет.

ни билан боғлиқдир. Хилма-хил миллатларнинг ўн минглаб вакиллари ихтиёрий равишда йирик қурилиш районларига, турли касб эгаларига муҳтож бўлган янги ерларни ўзлаштириш учун кўчиб бораётганлиги ҳозирги даврнинг ўзига хос аломатидир. Масалан, Мирзачўлни йирик нахтачилик базасига, тез юксалувчи кўп тармоқли экономика марказига айлантириш учун сал кам юз миллат вакили ҳормай-толмай меҳнат қилди. Бу миллатларнинг вакиллари ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишида ва ўзаро дошмий муносабатларида рус сўзи олижаноб интернационаллик бурчини ўтади, уларни бири-бирига яқинлаштирди, жинслаштирди, уларга ёрдам берди.

Совет кишилари яхши-ёмон кунларида ҳаммиса биргадирлар. 1966 йили Тошкент zilzilасидан кейин ҳам шундай бўлди, zilzila оқибатларини тугатиш ва шаҳарни янада гўзалроқ қилиб қайта тиклаш учун ҳамма совет халқларининг ўғил-қизлари Ўзбекистон пойтахтига етиб келдилар. Ўша унутилмас кунлари қурувчилар ранг-баранг тилларда гаплашардилар, аммо ҳаммадан кўпроқ рус сўзлари эшитиларди. Турли миллат ва элат вакиллари бир-бирлари билан суҳбатлашганда ва ўз ишларини муҳокама қилганда рус тилида гаплашардилар, Бутун Совет Иттифоқи республикалари мустасносиз қардошларча ёрдам бергани туфайли Тошкент янгитдан қад кўтарди ва қудратли, кўпмиллатли Ватанимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди.

Беш йилликнинг йирик қурилишларида рус тили ўиларча миллат вакиллариининг бирлашиш ва яқин ҳамкорлик тили бўлиб хизмат қилмоқда. Россия Федерациясининг Ноқоратупроқ зонасини ривожлантириш учун ёрдамга юборилган, БАМ ва КамАЗ қурилишларида қатнашаётган Ўзбекистон вакиллари ана шу дўстлик ва қардошлик, ҳамкорлик ва фикрдошлик тилида гаплашардилар.

Совет Иттифоқида бир юз ўттиздан ортиқ тил мавжуд, мамлакатимиздаги бу тилларнинг барчаси тинмай ўсмоқда, борган сари сержило, бой, ўзига хос ва ранг-баранг бўлиб бормоқда. Бу тилларнинг тенглиги, миллий имтиёзларнинг йўқлиги қонуи томонидан қайд қилинган.

СССР Конституциясининг 36-моддасига мурожаат қиламиз. У ерда бундай дейилган: «Турли ирқ ва миллатларга мансуб СССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама камол тоштириш ва яқинлаштириш сиёсати билан, граждандарнинг совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш билан, она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланишга имкон берилиши билан таъминланади».

Рус тили — жаҳонда энг бой тилларнинг бири ва мамлакатимиздаги бошқа тиллар ичида энг кенг тарқалган тилдир. СССР халқлари ихтиёрий равишда уни ўзaro алоқа тили қилиб танлаб олганлар. Муболага қилмасдан айтиш мумкинки, одамларнинг янги, илгари тарихда кўрилмаган яхлит бирлиги — совет халқининг юзага келишида, унинг бирлигини мустаҳкамлашда рус тили буюк роль ўйнади ва ўйнайди. Бугунги кунда у юздан ортиқ миллат ва элатлардан ташкил топган аша шу чинакам интернационал бирлигининг она тилидир, бутун совет кишиларининг маънавий алоқасида қудратли ва фаол омилдир. Миллатларaro алоқаро ва ҳамкорликнинг тез ўсиб бораётганлиги, ўртоқ Л. И. Брежневнинг таърифлашича, рус тилининг ролини янада оширади.

Рус тили — бу улуг Лениннинг тили, юксак маданият, бой демократик ва революцион анъаналарга эга бўлган азамат халқнинг тили. Бу янги жамият қурувчиларнинг тили. Янги жамият қуришни эса инсониятнинг энг доно кишилари асрлар бўйи орзу қилиб келганлар. Рус тили бу ҳозирги замон фани, техникаси ва маданиятининг тилидир.

Рус сўзи — бизнинг буюк кўпмиллатли давлатимизни бутун олам кишилари билан боғловчи ҳалқадир. Рус сўзи — бу тинчлик садосидир, тенгликка, қардошликка ва халқлар дўстлигига, социал тараққиёт ва тинчлик йўлида кучларни бирлаштиришга қизғин чақирғидир.

Коммунизм қурилишининг манфаатлари, ҳар қайси миллатнинг ҳаётий эҳтиёжлари турли миллатдаги барча совет кишиларининг рус тилини яхши билишени тақозо қилади. Рус тили миллий республикалар, ўлка ва областларда рус бўлмаган аҳоли борган сари рус тилини она тилидай эгаллашга интилаётган бир вазиятда кенг тарқалмоқда.

Тошкентда 1979 йил май ойида бўлиб ўтган «Рус тили — СССР халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик тили» мавзудаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясига рус тили соҳасининг мутахассисларигина эмас, шунингдек, кенг жамоатчилик вакилларининг ҳам қизиқиши

билдиргайлиги бежиз эмасдир. Конференцияда рус тилини ўқитиш ва ўрганиш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди, бу муҳим соҳада тўпланган тажрибалар умумлаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев конференция қатнашчиларига табрик хати йўллади. Рус тилини ўқитиш ва ўрганишни янада такомиллаштиришга чинакам ленинча муносабат руҳи билан тўлибтошган бу хатда Л. И. Брежнев мана бундай деб ёзди: «Она тили билан бирга барча совет кишиларининг муштарак тарихий мулкки деб ихтиёрый равишда қабул этилган рус тилини яхши билиш совет халқининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий бирлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

...Лениннинг мамлакатимизнинг ҳар бир граждани «улуғ рус тилини ўрганш имконига эга» бўлажаги тўғрисидаги орзуси муваффақият билан амалга оширилмоқда. Сизларнинг конференцияларингиз ҳам шу олижаноб вазифани ҳал этишга кўмаклашади»¹.

Конференция бутун совет халқларининг бирлиги, дўстлиги ва ҳамкорлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин мисол, уларнинг ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бундай конференциянинг ўтказилиши — КПСС Марказий Комитетининг рус тилини ўқитиш ва ўрганишни ҳаминша такомиллаштириб бориш масалаларига астойдил эътибор бераётганлигини очиқ-равшан тасдиқлайди. Бу нарсa коммунистик қуришни миқёсларининг юксалишидан, социал-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий вазифалар, меҳнат ва ахлоқ тарбияси, совет турмуш тарзини таъвиқот қилишни яхшилаш муаммоларидан келиб чиққандир.

Бутуниттифоқ конференцияси КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати совет маорифи системаси олдига қўйган катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал қилишда салмоқли ҳисса қўшиди, рус тилини ўқитиш ва ўрганиш ишини янада яхшилаш борасида янги туртки бўлди, назарий даражани ошириш имконини туғдирди ва кўтарилган масалаларга аниқ амалий йўналиш берди.

Инсоният тарихи меҳнат, тил ва оғ тарихан бир-биридан узилмаган ҳолда камол топиб борганши кўрсатади. Фридрих Энгельснинг сўзларига кўра, авваламбор меҳнат, сўнгра меҳнат билан бирга аниқ айтилган сўз инсон миясининг шаклланиши, ўсиши, шунингдек, сезги

¹ «Правда», 1979, 23 май.

органларининг тараққий этишини таъминлаган рағбат-лантирувчи кучлардан бўлди. Инсон ва инсон жамияти учун меҳнат, тил ва онг доимий аҳамиятга эгадир.

Тил — моддий, техникавий ва маданий бойликлар яратишнинг зарур шартидир, худди шунингдек, моддий ва маънавий бойликлар яратиш жараёнининг ўзи ҳам, яъни меҳнат ҳам тилни ўстириш учун асосдир. Тил билими хазиналарини эгаллашгина инсоннинг ижтимоий мавжудлигини таъминлайди. Зотан, тил алоқа воситаси вази-фасини ўтаганлиги, ифода даражасининг қудрати билан инсонни жамиятга қўшади ва унинг аъзосига айлантиради.

Тил — кишиларнинг кўп қиррали алоқа воситаси, ил-мий-назарий ва бадний фикрлаш қуроли, билимларни эгаллаш йўлидир. Инсон фақат тил орқалигина табиат сирларини эгаллайди, фанни, техникани, маданиятни ол-га силжитади.

Тил авлодларни бир-бири билан боғловчи ҳалқадир, «замонлар алоқачиси»дир, умум тажрибалар хазинасидир. У замон фани, техникаси, маданиятининг ҳозирги аҳво-лини акс эттирибгина қолмасдан, уларнинг аввалги ҳола-тини ҳам қайд қилиб, қўлга киритган бойлигини бўлажак авлодларга етказади.

Ҳар қандай халқнинг тарихи, унинг моддий ва маъна-вий ҳаёти тил билан чамбарчас боғлангандир ва тилда на-моён бўлади. Бу ҳақда машҳур рус педагоги Константин Дмитриевич Ушинский жуда ажойиб бир гапни айтган: «Тилда халқ ва унинг ватани бутун борлиги билан намоён бўлади; тилда халқ руҳининг ижодий қудрати фикрга, манзарага ва ватан осмонининг садосига, унинг ҳавосига, жисмоний ҳодисаларига, иқлимга, даласига, тоғлари ва водийларига, ўрмонлари ва дарёларига, бўронлари ва жа-лаларига айланади... Аммо халқ тилининг ёрқин, типик теракликларида фақат она юртининг табиатигина акс этиб қолмасдан, халқнинг бутун маънавий ҳаёти ҳам акс этади».

Ҳозир дунёда икки ярим мингдан ортиқ тиллар мав-жуд, уларнинг ҳар бири халқ тарихи, унинг табиати, иш-лаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари-нинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз фазилати ва бойлигига, гўзаллик ва тароватига эга, халқ ҳаётининг ўзига хос қирраларини жонлантириб кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, Владимир Ильич Ленин кўр-сатганидек, ҳамма халқларнинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти эҳтиёжлари халқаро алоқа тилла-

ри — жаҳон тиллари сифатида энг ривожланган ва энг кўп тарқалган тилларнинг олдинга ажралиб чиқиш заруриятини тугдиради. Шундай тиллар жумласига рус тили ҳам киради. Рус тили жаҳоннинг энг бой тилларидан бири бўлиб, у ўз стилистик ифода воситаларини фақат камолга етказибгина қолмасдан, шу билан бирга лексик ва синтактик-қурилиш қоидаларининг равон системасини ҳам тугал ишлаб чиқди. Бу эса инсон тафаккурининг энг мураккаб фалсафий ва табиий-илмий категорияларини ифодалаш имконини таъминлади.

Илмий коммунизмнинг асосчилари рус тилига ниҳоятда юксак баҳо бердилар. Рус тилидаги асарларни кузатиб бориш имконига эга бўлиш учун Карл Маркс эллик икки ёшида рус тилини ўргана бошлади ва тезда, тахминан бир ярим йил ичида уни шунчалик ўрганиб олдики, Герцен, Пушкин, Добролюбов, Чернышевский, Гоголь, Салтиков-Штедрин асарларини асл нусхаларидан ўқий бошлади.

Рус тилининг фазилатларини Фридрих Энгельс ҳам қайд қилган. У қадимги дунё ва ўз замонасининг энг ривожланган бир неча Европа тилларини мукамал билгани ва машҳур тилчи бўлгани учун ҳам унинг рус тили ҳақидаги фикри ниҳоятда қадрлидир, шу боисдан ҳам унинг рус тилига илмий жиҳатдан объектив баҳо беришга тўла ҳаққи бор эди. Ф. Энгельс рус тилини жонли тиллар орасида энг кучли ва энг бой тиллардан бири деб ҳисоблар эди. «Рус тили нақадар чиройли!»¹ — деб хитоб қилган эди у. Ф. Энгельс рус тилида стилистик имкониятларнинг ҳайратланарли даражада ранг-баранглигини, унинг қудратини кўрдик, бу нарса дунё фани, техникаси ва маданияти ютуқларига қўшилиш учун кенг имконият очар эди.

Владимир Ильич Ленин рус тилининг бойлиги, қудрати ва гўзаллигини қайта-қайта таъкидлаган эди. У рус тилидан завқланибгина қолмасдан, социалистик революция сари бораётган Россиянинг иқтисодий, сийсий ва маданий тараққиётига онд жуда чуқур билимга асосланиб, халқлар учун рус тилининг бугунги кундаги ва келажакдаги прогрессив аҳамиятини аниқ кўрсатиб берган эди.

Ленин асарларининг тили — рус тили тарихида жуда муҳим ҳодиса, илмий ва публицистик нутқнинг классик намунасидирки, бу ҳам тасодифий эмас. Унда табиат ва жамият ҳақидаги марксча-ленинча илмнинг буюк ютуқ-

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 36, с. 106.

лари, фалсафа, экономика, ҳуқуқ ва давлат, халқаро ишчилар ҳаракати, пролетар революцияси ва социалистик идеология соҳаларидаги тараққиётнинг натижалари акс этган.

Рус тилининг бойлиги ва битмас-туганмас ифода имкониятларини ўтмишдаги рус ёзувчилари ва жамоат арбоблари ҳам қайта-қайта айтиб ўтишган.

Михаил Васильевич Ломоносов бундай деб ёзган эди: «Ўн тилларнинг ҳукмдори бўлмиш Россия тили фақат ўзи ҳукмронлик қилаётган жойларининг кенглиги билангина эмас, балки бир бутунлиги ва хусусий мақомию таъминоти билан ҳам барча Европа тиллари олдида буюқдир. Бу мавжуд дунёда ва одамлар муомаласида бўладиган наздик фалсафий мулоҳаза ва муҳокамалар, кўп ранг-баранг хусусият ва товланишлар бизнинг тилимизда лаёқатли ҳамда серифода сўзларга эгадир».

А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Н. А. Некрасов, И. С. Тургенев, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов сингари рус адабиёти классикларида ҳам рус тилининг бойлиги ва фазилатлари тўғрисида шаклан ниҳоятда гўзал, мазмунан ниҳоятда ўткир ва аниқ фикрларни учратамиз.

Иван Сергеевич Тургеневнинг улуғ, қудратли рус тили тўғрисидаги «қанотли» ибораси эл орасида кенг тарқалган. У рус тилини ҳаётнинг қувончи, бошга мусибат тушганда таянч, умидсизликка солмайдиган суянчиқ деб баҳолади. Ёзувчининг бошқа бир гани ҳам бугунги кунга ҳамоҳангдир. «Тилимизни, бизнинг ажойиб рус тилимизни авайлаб асранг,— деб ёзган эди И. С. Тургенев,— бу хазинадир, аждоқларимиздан бизга қолган мулкдир. Бу қудратли қуролни эҳтиёткорлик билан ишлатинг, моҳир қўлларда у мўъжизалар яратишга қодир! Ҳатто «фалсафий мавҳумликлар» ва «шопрона туйғулар»ни ёқтирмайдиган ишбилармонларга, тилни нари борганда фикрни ифода қилувчи оддий бир дастак деб тушунувчиларга ҳам, ақалли механика қонуқларини ҳурмат қилинг, ҳар бир нарсадан имкони борича фойдаланиб қолинг, деб айтаман».

Александр Иванович Герцен рус тили — «янгроқ, бой тил, герман метафизикасининг энг мавҳум ғояларини ва француз сўз ўйинларининг назик товланишларини ҳам ифодалай оладиган қудратли ва пухта тилдир», деб таъкидлаган эди.

Алексей Максимович Горький рус тилини бебаҳо бойлик, фан, техника ва маданиятнинг энг мукамал қурол деб биларди. У «рус тили бениҳоя бой ва ҳайратла-

нарли даражада жадаллик билан бойиб бормоқда» деб айтган эди.

Рус тилининг моҳир билимдони Константин Георгиевич Паустовский бу тил тўғрисида образли, ихчам ва жуда ўткир бир гап айтган: «Энг бой, ўткир, қудратли ва чинакам сеҳрли рус тили бизнинг ихтиёримиздадир».

Чор ҳукумати рус тилини рус бўлмаган халқларни миллий жиҳатдан эзини қуролига айлантирмоқчи бўлганига қарамай, рус тили ҳамisha тарихан тараққийпарварлик вазифасини бажарди, турли миллат ва элат меҳнаткашларига социалистик маданиятнинг илгор ғояларини, билимлар нурини берди. Рус тилининг бу юксак тарихий бурчини халқларнинг ўзлари ва уларнинг илгор сиёсий ва жамоат арбоблари, олимлар ва ёзувчилари тап олдилар.

Улар рус тилида ўз халқлари, маданиятлари ва тиллари маънавий тараққиётининг буюк маибанини кўрдилар. Буни рус бўлмаган халқлар маданиятларининг барча машҳур намояндалари муттасил таъкидлаб келганлар. Фақ ва адабиёт ўз қобигига ўраллиб ривожланган тақдирда ҳеч қачон чинакам камолотга эришолмаслигини улар яхши тушунардилар. Рус адабиётининг донишмандлик ва гўзаллик борасида қўлга киритган ютуқлари, эстетик ва маънавий қудратини идрок этиш натижасида, улуғ рус халқининг руҳий оламини билишга интилиш катта заруратга айланди. Бу хазинага олиб борадиган асосий йўллардан бири рус тили эди ва шундай бўлиб қолади ҳам.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси туфайли янги жамият бунёд бўлиши натижасида мамлакатимизнинг ҳамма халқлари ягона қардошлик оиласига бирлашдилар. Эндilikда бизнинг кўнимиллатли давлатимизда, рус бўлмаган халқларнинг рус тилини эгаллашга интилиши тўхтовсиз ўсиб бормоқда, рус тилини билиш ҳамма граждaнларнинг энг зарур эҳтиёжи бўлиб қолди.

Улуғ Октябрь ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларини тубдан қайта бунёд қилиб, СССР халқлари тилларига улкан ўзгаришлар киритди. Бу нарса партиянинг миллий муносабатлар, халқлар, тиллар, маданиятлар тенглиги принципларини ривожлантиришга онд ленинча назарияни изчил амалга ошириши туфайли юз берди ва шундай бўлиб қолади.

В. И. Ленин катта-кичик халқлар ва бу халқлар маданияти ва тилларининг тақдирига беҳад ғамхўрлик кўрсатар эди, ҳамisha кичик миллатларнинг маданиятлари ва тилларини камситишга қарши чиқар эди, ҳамма миллатларнинг ҳар тарафлама ривожланишини, уларнинг бир-бир-

лариши бойптиб боришиши қўллаб-қувватлар эди. Владимир Ильич Ленин халқлар, тиллар ва маданиятлар тенелиги сиёсатини қатъий равишда ёқлар эди.

Ҳақиқий интернационалист-марксни сифатида В. И. Ленин рус бўлмаган халқларга рус тилини зўрлик билан қабул қилдирмоқчи бўлганлар билан шафқатсиз кураш олиб борди. «Биз улуғ, қудратли рус тилини, — деб ёзган эди Владимир Ильич, — ҳеч бир кишининг *калгак остида* ўрганиши учун ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз»¹. В. И. Ленин, Россиянинг социал тараққиёт йўлида ривожланиши мамлакатимиздаги рус бўлмаган халқларни рус тилини ихтиёрий ва муқаррар равишда кенг ўзлаштиришига олиб келади, деб қатъиян ишонар эди.

В. И. Ленин Совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейин рус тилининг бутун бойлиги меҳнаткаш омманинг мулки бўлиб қолишига ғамхўрлик қилди. 1920 йилнинг январидан, оч ва яланғоч Россия граждандар уруши жабҳаларида огир жанглар олиб бораётган бир пайтда, Владимир Ильич ҳозирги замон рус тили дугатини яратиш масаласини чуқур ва асосли равишда кўриб чиқиш учун вақт топди.

Ёш совет республикасининг мамлакатда маданий революцияни амалга ошириш борасида белгилаган тадбирлари инсоният тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса, чинкам унутилмас воқеа бўлиб қолди, СССР миллатлари ва элатларининг она тилида ўтказилган саводсизликни тугатиш жараёни — ўша тадбирларнинг муҳим бир қисми эди. Бу нарса кенг меҳнаткашлар оммасини актив сиёсий, ишлаб чиқариш ва маданий ҳаётга қўпиш учун буюк бир ижтимоий туртки бўлди. Мамлакатдаги қирқдан ортиқ ўз ёзувига эга бўлмаган элатларнинг алифбеси ишлаб чиқилди.

Миллий тиллар қолоқлик билан курашишининг энг таъсирли қуроли, маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларни социалистик қурилиш вазифаларини ҳал қилишга сафарбар этиш воситаси бўлиб қолди.

Қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, ишлаб чиқаришнинг моддий ва маънавий бойликларини баҳам кўриш мамлакатимиз халқлари ҳаётининг доимий ва ўзгармас қонуни бўлиб келган. Бундай ўзаро ёрдам ва ҳамкорликнинг ривож топиши объектив равишда моддий ишлаб чиқариш ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида миллатлараро ҳар тарафлама алоқани кучайтириш вазии-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 24-том, 331-бет.

җаси — бир тилдан җойдалапип масаласипи ўртага қўйди. Шундай тил қилиб ихтиёрий равишда рус тили танланди.

Рус тилининг миллатлараро алоқа воситаси сифатида олдинга чиқиши — янги жамият қурилишининг объектив заруриятидир, чунки социализм мамлакатдаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг бирдамлик ҳаракатлари, аҳил меҳнати билан бунёд бўлади. Бу нарса ҳамма миллатлар ва элатларнинг ҳақиқий тенглигини, уларнинг тенг ҳуқуқлиги ва бир-бирини бойитиб боришларини, миллий тилларнинг эркин ривожланишини, ўзаро ишонч, ҳар тарафлама ҳамкорлик ва халқларнинг ихтиёрий равишда бир-бирига яқинлашишини таъминловчи социалистик жамиятдагина амалга ошиши мумкин эди. Бизда шундай муносабатлар мавжуд бўлгани учун ҳам, миллатлар ва элатлар миллатлараро алоқа тили сифатида ўзлари учун энг қулай бир тилни танлаб олдилар. Бинобарин, миллатлараро алоқа тили — социализм моҳиятидан, миллатлар ва элатлар орасидаги тубдан янги муносабатлар моҳиятидан келиб чиққан ҳодисадир.

Социализмнинг энг буюк афзалликларидан бири халқ хўжалигини тиклаш ва юксалтиришда, социализм ва коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлашда халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳар тарафлама ҳамкорлигидан иборатдир.

Иқтисодий алоқалар, деб уқтиради марксизм-ленинизм, жамиятдаги ҳамма алоқаларнинг негизидир. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, В. И. Ленин рус тили мамлакатимиз халқларининг миллатлараро алоқа воситасига айланиши қонуний бир ҳол эканини ҳар тарафлама асослаб берди. У шундай деб ёзган эди: «...иқтисодий оборот эҳтиёжлари бир давлатда яшовчи миллатларни (токи улар бирга яшашни хоҳлар эканлар) қўнчиликни ташкил қилувчи халқнинг тилини ўрганишга ҳамма вақт мажбур этади», бу эҳтиёжлар «бирор мамлакатнинг тилини, яъни савдо муносабатларининг манфаатларига кўра қўнчиликнинг биллиши *җойдали* бўлган тилни... *белгилаб берадилар*. Турли миллат аҳолиси бу қонидани қанчалик ихтиёрий равишда қабул қилса, у шунчалик мустаҳкам бўлади, демократизм қанчалик изчил бўлса ва шу туфайли капитализм қанчалик тез тараққий қилса, бу қонда шунчалик тезроқ ва кенгроқ амалга оширилади»¹.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 23-том, 474, 475—476-бетлар.

В. И. Ленин миллатлараро алоқа тилининг ажралиб чиқиши ва кенг тарқалишини шарт қилиб қўювчи тўртта асосий омилни қайд қилиб кўрсатади: иқтисодий оборот эҳтиёжлари, кўпчилик тили, мазкур тилнинг миллатлараро алоқа тили сифатида ихтиёрий равишда қабул қилиниши ва изчил демократизм.

В. И. Ленин аввало жамият тараққиётида, жумладан тилни камолга етказишида иқтисодий омилларнинг ҳал қилувчилик ролига катта аҳамият бериб, бу принципиал қондага қаттиқ амал қилади. Социализм шароитида ҳамма республикалар, миллатлар ва элатлар экономикаси юксак суръатлар билан ривожланади. Бу нарса Коммунистик партия томонидан ҳамма миллат ва элатларнинг бир-бирига ёрдами ва ҳамкорлигини ташкил қилиш орқали таъминланади. Шу асосда унумдорлик мислсиз кучаяди, иқтисодий алоқалар тезлашади, моддий ва маънавий бойликларни айирбошлаш ривож топади.

Ҳамма бирдек фойдаланадиган миллатлараро тил бўлмаса бу ишларни амалга ошириш мумкин эмас. Саноатни яратиш ва юксалтириш миллатлар ва элатларнинг кўп миңлаб вакиллари бир бутун ишлаб чиқариш коллективларига тўплаш йўли билан амалга оширилди. Бу жараёнлар қишлоқда ҳам коллективлаштиришда, қишлоқ ҳаётининг аввалги тартибларига қарши қатъий кураш ва шаҳар билан қишлоқ орасида мустаҳкам алоқалар ўрнатишида намоён бўлди.

Миллатлараро тил бўлмаса турли тилларда гапирувчи ўнлаб ва ўнларча миллатлар ва элатлар ичра иқтисодий масалаларни ҳал қилишида ҳар тарафлама чуқур бирлиكنи таъминлайдиган бир-бирини тушуниш даражасига етишиб бўлмас эди. Миллатлараро алоқа тили аввало экономикани юксалтириш, социализм ва коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш юзасидан республикалар, миллатлар ва элатларнинг бирга ишлаш тўғрисида келишиб олиш воситасидир.

Социализм миллатлар ва элатларнинг ҳукмронларга ва тобеларга бўлинишини илдизи билан қуритади, халқлар орасида тенглик ва ўзаро ҳурмат муносабатларини ўрнатади. Ана шундай шароитда, деб таъкидлаб кўрсатган эди В. И. Ленин, улар энг кенг тарқалган тилни қулай ва фойдали тил сифатида ихтиёрий равишда танлаб оладилар.

Миллатлараро алоқа тили миллий тилларни чеклаб ҳўймайди. Аксинча, ҳамма миллий тилларнинг камолот бобида янги чўққиларни эгаллашига ёрдамлашади. Айни

чоқда рус тили СССРдаги барча миллатлар ва элатларнинг тараққиётини тезлатиш ҳамда янада гуллайтиб-яшнатининг қудратли воситасидир. Шундай қилиб, миллатлар ва элатлар томонидан миллатлараро алоқа тилини қабул қилиб олишларининг ихтиёрлиги уйдирма гап эмас, балки ҳаётий ва реал заруриятдирки, бу нарса уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётти манфаатлариши бутунлай ва тўла-тўқис қондира олади.

Бу ихтиёрлик бутун совет тузуми, унинг чинакам демократизми, ленинча миллий сиёсатнинг амалда изчил қўлланиши орқали таъминланади. Социализм шароитида миллатлараро муомала тили сифатида рус тили кенг тарқалади, айниқса социализмнинг етилган босқичида ниҳоятда тез суръатлар билан қўлланади, чунки бир вақтнинг ўзида СССР халқлари миллий тилларини такомиллаштириш ҳам амалга ошади.

Ҳеч қандай ижтимоий тузум, ҳеч қачон миллий тилларнинг юксалиши учун СССРда яратилгандай шароитни яратиб беролмаган эди. Совет ҳокимияти даврида биринчи марта элликка яқин тил ўз ёзувига эга бўлди, миллий тилларнинг луғат фонди бойиди, адабиёт нормалари ишлаб чиқилди, мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг тилларида бадиий асарлар ёзилади, ранг-баранг адабиёт нашр этилади.

Ленинча миллий сиёсат ҳар бир халқнинг, мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг манфаатлари ва ҳаётий эҳтиёжларини ҳисобга олган ва ҳисобга олади. Бу манфаатлар ва эҳтиёжлар эса миллий тилларнинг эркин ривожланишида ҳам, миллатлараро муомала тили сифатида рус тилининг хизмат қилиб турганида ҳам кўринади. Социализм қурилши ва мустақкамланиши жараёнида барча миллий тиллар ривожланди. Бир вақтнинг ўзида барча миллатлар, элатлар ва этник гуруҳлар ичида рус тили ҳамма тан олган миллатлараро алоқа воситаси сифатида ёйилди.

Янги жаҳмиёт қуришнинг ҳамма босқичларида рус тили халқларимизнинг қардошлик ва ҳамкорлик тили бўлди. У миллий интеллигенция ва ишчилар синфини тайёрлашда катта роль ўйнади, фан асосларини, илмий-техника тараққиётти ютуқларини эгаллаш воситаси бўлди.

Рус тили билимларнинг ҳақиқий кони, ижодий марксизм-ленинизм ғояларининг актив соҳибидир, маънавий бойликлар хазинасидир, умуминсоний тараққиётга қовушишинг амалий натижа берадиган воситасидир. Рус ти-

лида олимлар, жамоат арбоблари, зиёлилар авлодларининг фидокорона меҳнати билан жаҳон маданиятининг чинакам нодир асарлари яратилган, буюк сўз санъаткорлари, мутафаккирлар, олимларнинг асарлари рус тилига таржима қилинган.

Коммунизм, инсоният ўзининг бир печаси асрлик тарихи давомида моддий ва маънавий тараққиётда эришган ютуғига таянади. Шунинг учун коммунизм қурлишини, илмий-техник прогресси ва рус тилини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Совет даври рус тилига катта ўзгаришлар киритди — унинг идеологик хислатларини оширди, лексика ва фразеологиясини янги элементлар билан бойитди. Ҳозирги замон рус тили — грамматик ва илмий жиҳатдан энг пухта ишланган тиллардан бири. Бизнинг давримизда рус тили интернационал лексикани бойитишида, фан ва маданият соҳасидаги тушунча ва терминларни бутун ер юзига тарқатишда муҳим манба бўлиб қолди.

В. И. Ленин аллақачонлар «Совет» деган рус сўзи бутун халқлар орасида ниҳоятда кенг тарқалганлигини ва оммавий бўлиб кетганлигини таъкидлаб: «Совет» деган сўз бутун дунёда ишчилар учун, барча меҳнаткашлар учун жуда тушунарли сўзгина бўлиб қолмай, балки машҳур сўз, қадрдон сўз бўлиб қолди»¹, — деган эди.

Эндиликда интернационал тушунчалар қаторидан ленинизм, большевизм, колхоз, совхоз, комсомол, Октябрь, пятилетка ва бошқа кўндан-кўп рус сўзлари мустаҳкам ўрин олди. Ҳозирги рус тили — космик техника, ядро физикаси ва ҳозирги замон химияси тилидир. Деярли ҳамма миллатлар ва элатларнинг тилларида русча ёки рус тили орқали ўтган спутник ва лунник, бионика, радар ва лазер сингари сўз ва терминлар қўлланади. Социалистик миллатларнинг тилларида новатор, рационализатор, механизатор ва бошқа кўп интернационал тушунчалар мустаҳкам қарор топди.

Рус тили лексикасининг фавқулудда бойлиги, грамматикасининг ишланганлиги, стилистик имкониятларининг ниҳоятда беадолиги, чексиз илмий терминологияси — буларнинг бари ҳам ундай миллатлараро тил сифатида фойдаланишга қулайлик яратди, кўпмиллатли мамлакатимизнинг ҳамма халқлари ўз фикр ва туйғуларидаги бутун ранг-барангликни ифодалашлари учун енгиллик туғдирди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 38-том, 279 бет.

СССРда ТИЛЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бугунги кунда ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ёшларнинг ҳаммаси партия сиёсатини амалга оширишда оқли жангчи, коммунизмнинг актив қурувчилари бўлишларига эришиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Шунинг учун ҳам КПСС ғоявий-тарбиявий ва бутун идеология ишининг кучайтирилишига катта аҳамият беради.

Идеологик иш — бу коммунизм учун курашнинг муҳим жабҳасидир, партия ташкилотларининг омма орасидаги ташкилотчилик ишларининг таркибий қисмидир. Кейинги пайтларда КПСС Марказий Комитети идеологик масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди. Уларда ғоявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш ва уларнинг таъсир кучини оширишнинг конкрет йўллари ва воситалари аниқ кўрсатиб берилган.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорида идеологик ишнинг ниҳоятда муҳим аҳамияти қаттиқ таъкидланган. Бу асос бўлувчи партиявий ҳужжатда етилган социализм шароитида идеологик, сиёсий-тарбиявий ишнинг асосий йўналишлари, шакл ва усуллари очиб берилган, совет кишиларининг коммунистик онглилиги ва ижодий активлиги даражасини кўтариш, буржуа идеологияси ва ахлоқига нисбатан муросасизликни тарбиялаш соҳасида унинг таъсир кучини янада ошириш вазифалари аниқ кўрсатиб қўйилган.

Ленин партиясининг оммани коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича олиб бораётган кўп қиррали фаолиятида рус тилини ўрганиш ва ўқитиш масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Етилган социализм шароитида рус тилининг роли янада ошиб, янги сифат даври бошланади. Бу нарсa миллий муносабатларнинг янада ривожланиши, миллатлараро алоқанинг жадаллаштирилиши, илмий-техника революцияси таъсирининг кенгайтирилиши, барча миллатларимиз ва элатларимизнинг маънавий эҳтиёжи ошини билан боғлиқдир.

Эндилликда бундан аввалги даврда бўлганидек, мамлакатимиздаги миллий муносабатларда икки тенденция ҳукмронлик қилади. Бир томондан ҳар қайси социалистик миллатнинг қизғин ва ҳар тарафлама ривожланиши юз беради, иккинчи томондан интернационализм байроғи остида мамлакатимиздаги бутун ижтимоий ҳаётнинг социа-

листик интернационаллашуви натижасида миллатларнинг янада кўпроқ яқинлашиш жараёни боради.

Миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви — бу бир бутун объектив жараённинг бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқарувчи икки томонидир. Буларнинг бири иккинчисини ривожлантиришни тақозо этади. Совет миллатларининг ривожланиши ва гуллаб-яшнани уларнинг ўзаро алоқасини кучайтириш учун, ҳамкорлик доирасини кенгайтириш учун ва демак, уларни яқинлаштириш учун шароитлар яратади. Миллатлар қанчалик яқинлашса, бир-бирини бойитиш жараёни шунчалик тўлақонли, уларнинг ҳар бирининг ривожланиши ва ҳар тарафлама гуллаб-яшнаши шунчалик тез юз беради.

Бу иккала тенденция диалектик бирликни ташкил қилади ва бири бири билан табиий ҳолда қовушиб кетади. Яқинлашиш гуллаб-яшнаш орқали, гуллаб-яшнаш яқинланиш орқали — социалистик миллатларнинг тараққиёти моҳияти ана шундан иборат. Бу бир-бирига боғлиқ прогрессив тенденцияларнинг ҳаракати жамият ҳаётининг ҳамма доираларида, шу жумладан тиллараро муносабатларнинг тараққиётида ҳам кўринади.

Социализм ва коммунизм қурилиши шароитларида бу муносабатларнинг тараққиёти икки бир-бирига боғлиқ ўзига хос тенденцияга эга: барча миллий тилларнинг гуллаб-яшнани ва айни чоқда барча миллатлар, элатлар ва этник группалар орасида ҳамма эътироф қилган миллатлараро алоқа воситаси сифатида рус тилининг ёйилишидир.

Етилган социализм шароитида миллий муносабатларнинг тараққий этишида миллатларнинг яқинлашуви асосий тенденция бўлиб қолади. КПССнинг XXV съезди қарорларида совет халқларининг қардошларча ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, уларнинг интернационал умумийлиги ва бирлигини оғинмай ривожлантириш миллий муносабатлар тараққиётидаги бош йўналмиш эканлиги ва бу нарса мустаҳкам асосга — жамиятимизнинг ҳамма доираларида халқларнинг амалий тенглигини тасдиқловчи ягона халқ хўжалиги комплексига суяниши уқтириб ўтилган.

Ҳама республикаларнинг экономикаси ягона СССР халқ хўжалиги плани асосида ривожланади. Бу план мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг куч-ғайратиши бирлаштиради. Улар ҳамкорликда бирлашиб меҳнат қилсаларгина коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш мумкин бўлади. Рус тили иқтисодий, илмий-

техник ва иқтисодий-сиёсий ахборот алмашишида халқларимиз учун муҳим қурол, уларнинг ўзаро алоқасида асосий восита бўлиб юзага чиқади.

Республикалар ўртасида ҳамма халқларимиз меҳнатини янада тўлароқ қўшилишига олиб келувчи ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг самарали системаси вужудга келди. Бугунги кунда Ўзбекистон тайёрлаб берадиган маҳсулот мамлакатининг ҳамма районларида маълум. Ўз навбатида барча қардош иттифоқдош республикалар Ўзбекистон ССР меҳнаткашларига ўз пилҳомбахш меҳнатларининг самараларини бахшида қилмоқдалар. Шунинг ҳам эътиборга олини керакки, Совет давлатининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга ҳамма қардош республикаларнинг қўшаётган ҳиссалари тинимсиз ўсиб бормоқда.

Ривожланган социализм шароитларида халқларимиз орасида иқтисодий ҳамкорлик Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти асосида биргаликдаги, аҳил, умуммеҳнат формасига кириб бормоқда. Йирик халқ хўжалиги объектлари қурилиши совет кишиларининг биргаликдаги меҳнатлари натижасидир. Қўриқ ерларининг тарихий ўзлаштирилишида ҳамма республикалар иштирок этди. Шунда ҳамма миллат ва элат вакилларининг миллатлараро муомала тили, мутлақо табиийки, рус тили бўлди. Бутун мамлакат Тольяттида автомобиль гигантини қурди. Бу ерда ҳам рус тили ҳамма миллат ва элат вакилларининг кучгайратларини бирлаштирувчи муомала тили бўлди. Ҳозир рус тили БАМ ва КамАЗ, бутун йирик қурилишларимизнинг тилидир. Шундай экан, биз тўла асос билан рус тили — мамлакат олдида турган социал-иқтисодий масалаларни муваффақият билан ҳал қилишни таъминлай оладиган муҳим моддий кучдир, деб айта оламиз.

Социалистик миллатлар учун иқтисодий омиллар билан бир қаторда халқнинг социал-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамлаш ҳам муҳимдир. Халқларнинг миллатлараро ҳамкорлик тили бўлмиш рус тили бу бирлиكنи ифодалайди ва мустаҳкамлайди. Республикалар, областлар, шаҳарлар ва районлар аҳолисининг тобора кўпмиллатли бўлиб бориши етилган социализм шароитларида миллий муносабатлар тараққиётини кўрсатувчи характерли белгилардан биридир. Бу нарса шунга олиб келадики, ҳар бир республикада маҳаллий миллат аҳолиси сезиларли даражада табиий оғиб бориши билан бир қаторда бошқа миллат вакилларининг миқдори ҳам ўсади. Масалан, Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб

турити. Бизда ҳамма меҳнат коллективлари кўнимиллатидир, барча миллат ва элат вакилларининг муомаласидаги, биргаликда ишлашдаги энг муҳим восита — рус тилидир.

Ҳозирги замон илмий-техника революцияси шароитларида фан асослари, фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш воситаси сифатида рус тилининг роли анча ошмоқда.

Илмий ва техник фаолиятда рус тили айниқса самарали натижа беради. У янги ғоялар ва методлар, фан ва техника соҳасидаги янги буюк кашфиётларни ифода қилишнинг бевосита муҳим формаси бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги замон фани, илмий-техника, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар терминларнинг ҳаммаси амалда рус тилида ҳужжатлаштирилади. Рус тили ана шундай жаҳон тиллари жумласига киради. Жаҳонда чиқаётган бутун илмий-техникавий адабиётларнинг учдан биридан кўпроги рус тилида эълон қилинади.

Илмий-техника революциясининг таъсири остида турли фан ва техника тармоқларининг ажралиши кучайиб, янги соҳалар ва йўналишлар пайдо бўлмоқда, бу эса автоном республикаю миллий округлар уёқда турсин, баъзи иттифоқдош республикаларнинг тилларида ҳам ўз аксини топмаган. Халқларимиз рус тилини ўрганишга эътиборни кучайтириш зарурлигига ўз тажрибаларидан ишонмоқдалар; чунки бу нарса рус ва бошқа халқларнинг рус тилидаги адабиётда умумлаштирилган ютуқларини тезроқ ўрганишга ва амалиётда қўлланишга кўмаклашади.

Социалистик қурилиш, СССР халқларининг дўстлиги ва ўзаро ишончи, миллатлараро рус тилининг халқаро тил сифатида тасдиқланиши туфайли инсониятнинг фан ва техника соҳасидаги барча билимлари рус тилида жамланади. Рус тили фан асослари, илмий-техник тараққиёт ютуқларини эгаллашнинг энг самарали воситасидир. Эндкида тарбиялан, ўқитини ва муомала тилни танлаш ихтиёри бугунлай эркин бўлган бир пайтда фан асосларини фақат рус тили ёрдамида эгаллаш мумкин.

Одамларнинг янги, интернационал бирлиги — совет халқининг туғилиши мамлакатимиздаги миллий муносабатлар тараққиётининг буюк натижаси бўлди.

«Тарихан янги социал ва интернационал бирлик — совет халқининг вужудга келганлиги — мамлакатимизда ривожланган социализмнинг муҳим белгиси бўлиб, совет жамятининг бир хиллиги ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди, бу бирлик КПСС миллий сиёсатининг тапта-

наси бўлиб қолди. Бу эса бизда совет кишиларининг феъл-атвори, характери, дунёқарашидаги хусусиятларнинг социал ва миллий тафовутларига боғлиқ бўлмаган умумий манфаатлар аста-секин устун бўлаётганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради»¹.

Совет халқларининг Ватани битта, у ҳам бўлса Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи, мақсади битта, у ҳам бўлса коммунизм қурилишидир, идеологияси битта, у ҳам бўлса марксизм-ленинизмдир, доҳийси ва йўлбошчиси битта, у ҳам бўлса улуғ Ленин партиясидир. Совет халқларини умумий сиёсий негиз — Халқ депутатлари совети ва бир бутун иқтисодий негиз — хўжаликнинг социалистик системаси бирлаштириб туради. Совет кишисининг умуммиллий гурури, ҳар бир шахсининг, миллатидан қатъий назар, совет халқига мансублик туйғуси — улардаги ягона ижтимоий онгни ташкил қилади. Совет Иттифоқида барча миллатлар ва элатлар учун социалистик ҳаёт тарзи ягонадир.

Янги тарихий бирликнинг асосий муомала воситаси рус тилидир. У барча миллатлар ва элатлар алоқасининг, улар ўртасида яқинлашувни жадаллаштиришнинг муҳим омилдир.

Янги тарихий бирлик — 260 миллиондан ортиқ совет халқи — кўп миллатли ва кўп тиллидир. Коммунистик идеаллар ва манфаатларнинг бирлиги туфайли бир-бирига чамбарчас боғланган совет кишилари 132 тилда гапирувчи турли миллатлар ва элатларга мансубдирлар. Мамлакатимизни эгаллаб турган миллат ва элат тиллари орасида шундайлари ҳам борки, бу тилда бор-йўғи бир неча юз киши гапирди, холос.

Ривожланган социализм даврида илмий-техник тараққиёт ва социал муносабатларнинг камол топиши тилларaro алоқалар масаласини қулайроқ ҳал қилиш заруратини келтириб чиқаради. Мамлакатни ривожлаштиришнинг тезлатилган суръатлари кўп жиҳатдан ҳар бир халқнинг фойдали тажрибаси ҳамма бошқа халқларга қанчалик тез ва оператив тарзда етказилишига боғлиқ. Бу тарздаги тил алоқалари иккитиллиликдан ҳар тарафлама фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

1970 йил аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда 241,7 миллион кишидан 141,8 миллион нафарини рус тилини она тили сифатида кўрсатди. Ундан ташқари, 42 миллион

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Путилар ва мақолалар. Т., 1978, 6-том, 705-бет.

Кийинчи рус тилини эркин гаплашадиган иккинчи тил деб атади. Бинобарин, мамлакатимизда рус тилида бемалол гаплашадиган деярли 184 миллион киши рўйхатга олинди. Бу СССР аҳолиси умумий миқдорининг 76 фоизини ташкил қилади.

1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг дастлабки маълумоти рус тилини она тили ёки иккинчи тил деб ҳисобловчи рус бўлмаган миллат кишиларининг миқдори анча кўсқа муддат ичида жадал ўсганлигини кўрсатди. Бу рус бўлмаган халқларнинг рус тилини эгаллашга интилуви, бу тилни билиш кўпмиллатли Совет давлатимиздаги барча граждандарнинг зарурий эҳтиёжи бўлиб қолганлиги тўғрисидаги ҳақиқатни қайтадан қатъий тасдиқлайди.

Коммунизмнинг моддий-техника базаси яратилгани, илмий-техника революциясининг чуқурлашгани ва меҳнат қурбонларини воситалари, фан, техника, маданият тушунчаларини системалари бойигани сайин ҳар бир миллат ва элатнинг ишлаб чиқариш тажрибасида, илмий ва маданий ҳаётида янги терминларнинг тўпланиши юз беради. Янги сўз ва бирикмаларнинг ҳар бири аввало миллатлар аро асос — рус тили воситачилигида ўз аксини топади.

Моддий ва руҳий маданиятнинг ҳамма соҳаларида учрайдиган барча сўзлар, тушунчаларни билдирувчи терминлар рус тилида мавжуддир. У СССР халқлари ўртасида фақат илмий-техника ва маданий ҳамкорликлар бўйича асосий тил бўлибгина қолмасдан, шунингдек, уларнинг илмий-техник ва маънавий ҳаётини жаҳон фани ва маданияти ютуқлари билан бойитиш жараёнида ҳам асосий воситачидир. Шунинг учун ҳозирги шароитларда барча кишиларнинг аввало рус тилидан фойдаланиб ўз билимларини чуқурлаштиришга интилишлари мутлақо табиий бир ҳолдир. Рус тилидан бемалол фойдалана билиш уларни мукамал муомала ва социал тараққиёт қуроли билан қуроллантиради.

Қўштиллилиқ фақат моддий доирадагина эмас, маънавий бунёдкорлик соҳасида ҳам кенг ёйилади. Етилган социализм шароитларида миллий маданиятларнинг яқинлашуви ва инсели кўрилмаган даражада гуллаб-яшнаши, инсоният ҳозирги маънавий тараққиётининг энг юксак нувоаси — ягона совет социалистик маданиятининг тез суръатлар билан ривожланиши содир бўлмоқда. Ҳамма иттифоқдош республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг вакиллари рус тилининг воситачилиги орқали бутун совет ва жаҳон маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконига эгадирлар.

Буқун Совет Иттифоқининг ҳар бир аъзоси турли халқларнинг маданият хазинасига қўшаётган ҳамма бойликларини тезроқ қўлга киритишга қатъий заруриятни ҳис қилмоқда. Миллий маданиятлар бошқаларга аралашмай, бир-биридан узилган ҳолда ҳаёт кечиролмайдиган бўлиб қолгандир.

Булар ташқари шуниси ҳам борки, уларни ривожлантириш ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир асосидагина бўлиши мумкин. Рус тили эса ўзаро таъсир қуролидир, у совет маданиятини маҳкам жинслаштиради. Буқун халқларга катта дунёга олиб борувчи мустаҳкам кўприклар зарур, катта дунёнинг маданияти ҳаминша ҳар қайси айрим халқнинг маданиятидан бойроқ, кенгроқ, ранг-барангроқ бўлади. К. Маркснинг, ҳар қандай миллат бошқа миллатдан ўргана олади ва ўрганиши лозим, деган сўзларини ёдда тутайлик.

Бошқа миллатлардан ўрганиш ва айни чоқда ўз миллатининг маданий ютуқларини умумхалқ мулки қилиш — маданиятларнинг ўзаро таъсир ва бир-бирини бойитиш прогрессив жараёни ана шундай мантиқ асосига қурилгандир. Бу парса гўзаллик ҳақидаги бизнинг тасаввурларимиз доирасини кенгайтиради, ер юзининг турли бурчакларида яратилган маданий бойликларнинг бутун ҳайратланарли ранг-баранглигини кашф этиб беради.

Бир-бирини билиш ва тушуниш ҳаётини заруратдир. Маданият ва санъатнинг чинакам бойликлари халқларнинг умумий мулки бўлиб қолиши керак. Рус тили буқун иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кенгайтиришга, хилма-хил алоқа ва контактлар ўрнатишга, ахборот ёйишга, тажриба алмашишга, ҳамма касб эгаларининг бир-бирларини тушунишларини таъминлашга ҳолис ҳисса қўшувчи воситалар жумласига киради. Рус тили орқали инсон янги ҳақиқатларнинг тарихий қудратини тўла-тўқис эгаллаши ва бугунги дунёда ўз роли ва ўрнини фаҳмлаб олиши мумкин.

Маълумки, бадий адабиёт ҳар бир халқнинг маънавий дунёси, турмуши, одатлари, анъаналари, маданиятида бор-бўлган энг яхши, илғор хусусиятлари билан танишини кўпроқ имкон беради. Бизнинг мамлакатимизда миллий тиллардан рус тилига ва рус тилидан миллий тилларга бадий таржима масалалари жуда кенг йўлга қўйилганлиги туфайли қардош адабиётларнинг асарлари Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг мулки бўлиб қолмақда.

Хозир мамлакатимиз халқларининг ёзувчилари чуқур миллий сўз санъаткорлари бўлиб қолганлари ҳолда интернационал аҳамиятга эга бўлган асарлар яратмоқдалар. Уларининг кўпчилиги ўз она тилларида ҳам, рус тилида ҳам ижод қила оладилар.

СССР халқлари ёзувчиларининг ижоди — эндиликда Умумиттифок адабий жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, бутун совет адабиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбек совет адабиётининг мисли кўрилмаган ютуқлари, унинг қаршисида очилган кенг истиқболлар шунинг учун ҳам мумкин бўлдики, у кўнмилатли бутун совет адабиётидан заррача ҳам ажралмаган ҳолда ривожланди ва ривожланаётир. Ўзбек адабиётининг асарлари барча қардош республикаларда ҳаммага маълум, улар жаҳон миқёсига ҳам чиқмоқда. Энг яхши сўз санъаткорларимизнинг проза ва поэзияси, драматургия ва публицистикаси совет адабиётини янада бойитди.

Ўз навбатида қардош адабиётларнинг деярли барча муҳим асарлари ўзбек тилига таржима қилинди ва Ўзбекистонда нашр этилди.

«Хозир Туркмањистон ёки Молдавиядаги ўн минглаб ва юз минглаб кишилар,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— Пушкин ва Шевченко, Горький ва Маяковский, Шолохов ва Твардовский, Федин ва Стельмах асарларини ўз қадрдон ёзувчиларининг асарлари каби ўқийдилар, билдилар ва севадилар. Шота Руставелиннинг қадимий ва абадий навқирон эпоси, Виллис Лацис, Абай Қўнонбоев, Чингиз Айтматовнинг ажойиб асарлари. Янка Купала, Самад Вурғун, Расул Гамзатов, Эдуардас Межелайтис, Мустай Қарим ва бошқа кўндан-кўн шоирларининг яхши шеърлари рус ёки украин маданий бисотининг ажралмас мулки бўлиб қолган»¹.

Кўнмилатли бутун совет маданиятининг интернационаллик мазмунини, социалистик даражасини кўтараётган СССР халқлари маданиятларининг бир-бирига ижобий таъсири рус тили туфайли юз бермоқда.

Юксалган социализм шароитларида бутун миллий маданиятларнинг, Ф. Энгельс таъбири билан айтганда, миллат чегарасидан умуминсонийликка чиқиши тобора зарурий аҳтиёж бўлиб беради ва бу нарса кўнмилатли ягона совет маданиятининг тараққиётидаги ютуқларида далолат беради.

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлида. 4-том, 65—66-бетлар.

Бу тараққиёт миллий маданиятларнинг бир-бири билан алоқаси ва бир-бирига ёрдами асосида амалга оширилади. Совет маданиятининг умумий оқимида шундай ўзаро алоқа ва ўзаро ёрдам қуроли бўлиб рус тили майдонга чиқади. Ҳозирги кунда рус тили фақат бир халқнинг тили эмас. Бу — рус халқининг ва кўпмиллатли бутун совет мамлакатимиз халқларининг маданиятини ёювчи ва асрончи бир воситадир. Бу — ҳозирги замон башариятининг катта маданий бойликлари оламига қарата очилган бир деразадир.

Кейинги пайтларда чет мамлакатлар билан илмий, илмий-техник ва маданий алоқаларнинг ниҳоятда кенгайтирилганлиги муносабати билан СССР халқларининг рус тилини яхши эгаллаш зарурати ва бунга эҳтиёжи янада ўсиб боради. Рус тили — БМТ беш расмий тилининг биридир. Жуда кўп халқаро конгрессларда, конференция ва симпозиумларда ҳам рус тили янграйди. Бугун уни ҳамма қитъаларда, ер шарининг энг узоқ бурчакларида ҳам эшитиш мумкин.

Совет халқининг ютуқларини жаҳон миқёсида ҳамма эътироф қилмоқда. Бу ютуқлар чет мамлакатларда Совет Иттифоқи билан яқиндан иқтисодий, илмий-техник, маданий ҳамкорлик қилиш эҳтиёжини, мамлакатимиз тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш истагини келтириб чиқарди. Бу эса халқларнинг рус тилини ўрганиш истагини янада кўпроқ кучайтириб юборди.

«Кўпмиллионли ва кўпмиллатли совет халқининг муомала воситаси бўлиши рус тили жаҳон халқлари орасида тобора кўпроқ ёйилиб бормоқда,— деб кўрсатди ўртоқ Л. И. Брежнев Варшавада бўлиб ўтган рус тили ва адабиётни муаллимлари III Халқаро конгрессининг иштирокчиларига йўллаган табрикномасида.— Рус тили мамлакатимизнинг жаҳон маданияти хазинасига ҳисса қўшишига ёрдам бермоқда, шу билан бирга совет кишилари билан бошқа мамлакатларнинг халқлари жаҳон маданиятининг маънавий бойликларидан баҳраманд бўлишларига йўл очиб бермоқда»¹.

Кўп миллатларнинг муомала тили бўлиши рус тили билан миллий тилларнинг ўзаро нисбати — бу совет халқининг юзага чиқарилган интернационал ва миллий диалектик бирлигидир.

Ҳаётнинг ҳар томонлама интернационаллашуви тил соҳасида ўзига хос сифат ўзгариши ясаydi: СССР миллат-

¹ Л. И. Брежнев. Левин йўлидан. 6-том, 93-бет.

лари ва элатлари орасида миллатлараро рус тилининг кенг тарқалишини кучайтиради ва тезлаштиради.

Интернационаллашув — қонуний жараёндир ва унинг миқёслари тўхтовсиз ўсиб боради. В. И. Ленин, социализм халқларнинг бутун хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаёти-ни бошдан-оёқ интернационаллаштириши керак бўлади, деб таъкидлаб кўрсатган эди. Юксалган социализм қури-лиши муносабати билан ва илмий-техника революцияси-нинг таъсири остида бу интернационаллаштириш тобора чуқурлашиб бормоқда. Коммунистик қурилиш жараёнида миллий тилларнинг гуллаб-яшнаши ва бойиб бориши рўй бермоқда, бу жараён рус тилининг анчагина ижобий таъ-сири остида содир бўлмоқда.

Рус тилининг баайни шундай таъсири остида тил бир-лиги вужудга кела бошлайди, хусусан тил стандартлари, бирлиги, ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳалари — фан, техника, маданиятда юз берган ўзгаришларни ақс этти-рувчи ва қўш тилларнинг луғатларига кирувчи терминлар бирлиги ишлаб чиқилади.

Рус тили ўз бойлигини ҳамма СССР халқлари билан бирга баҳам кўради: Совет Иттифоқидаги бошқа миллий тилларни, янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабат-ларни, социалистик идеология ва турмушни ақс эттирувчи сўз ва иборалар билан бойитади; СССР халқлари тиллари умумий луғат фондиди яратишнинг асосий манбаи бўла-ди. Айни чоқда рус тили бошқа тилларнинг лексик эле-ментларини актив равишда ўз составига қабул қилади ва киритади. Бу лексиканинг талайгина қисми воситачи рус тилининг ёрдами билан ўз навбатида умумий луғавий фонднинг мулки бўлиб қолади.

Социалистик тузум ва илмий-техника революцияси-нинг ютуқлари туфайли ҳозирги замон рус тили янада бойиди ва янада камол топди. У бутун совет халқларининг турмуши ва кундалик муомаласи, ижтимоий-сиёсий, ил-мий-техник, маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида янада яхшироқ, янада тўлароқ хизмат кўрсатмоқда.

Рус тилига қўшилиш рус бўлмаган миллат вакиллари-нинг социал тараққиёти, билим доирасининг кенгайиши, профессионал тайёргарлигини юксалтиришнинг самара-дор воситасидир. Рус тили миллатлараро муомала воси-таси бўлибгина қолмай, янги умуммиллий, умумсовет ма-даний анъаналар, одатлар, ахлоқ нормаларига қўшничи во-ситаси бўлиб ҳам жайдонга чиқади.

Барча совет кешиларининг рус тилини билиши, икки-тиллик миллий тилларнинг қадрини ерга урмайди.

Миллий тиллар қардошларча дўстлик ва ўзаро ишонч шароитларида тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини бойитиш асосида ривожланади. Рус тили ва у орқали бошқа халқларнинг тиллари билан яқинлашув асосида барча миллатлар ва халқлар тилларининг тараққиёти учун ҳозиргача ислоҳ қўрилмаган кенг имкониятлар очилади. Бир-бирига яқинлашиш ва бир-бирини бойитиш асосида миллий тилларнинг ҳам, миллатлараро рус тилининг ҳам ривожланиш имкониятлари кенгайди.

Миллий тиллар ва миллатлараро муомала тилининг бир-бири билан турли диалектик алоқаларининг моҳияти шундан иборатдир.

Совет социалистик воқелиги социализм душманларининг иккитизлилиги, рус тилининг кенг ёйилиши миллий тилларнинг «миллийлигини йўқотиш», уларни руслаштириш маъносини билдиради, деган сафсаталарини бутунлай инкор этади. Совет халқининг бирлиги зинҳор-базинҳор миллатлар ва элатларнинг аллақандай миллатларусти қурилмасида эриб кетиш маъносини билдирмайди. Буржуа пропагандасининг бизнинг давлатимиз гўё халқларни зўрлик билан «ягона миллатга» бириктиришига уринмоқда, деб қайта-қайта жар солиши тамом асоссиздир.

Империализм идеологлари иложсиз ғазаб билан партияимизнинг миллий сиёсати гўё миллий маданиятлар ва тилларни ассимиляция қилишга қаратилганлигини исботлашга ҳаракат қиладилар. Турли ва ҳар хил «советшунослар» атайин мамлакатимиз халқлари ўзаро муносабатининг ҳақиқий аҳволини, аввало уларнинг рус халқига чинакам қардошлик муносабатини бузиб кўрсатадилар. Миллатларнинг бир-бирига яқинлашув жараёнини узиш мақсадида улар совет халқларини «руслаштириш» тўғрисида гап сотадилар.

Империалистик пропаганданинг ҳамма ҳийла-найрангларига жавобан совет кишилари: «Бехуда чиранилар!» деб айтадилар.

СССРда реал социализм амалиёти бизда миллий тилларнинг эркин ривожланиши юз бериб турганини, рус тилидан фойдаланишлар эса, бу тилларни фақат бойитишнинг бутун дунёга кўрсатди ва ҳар бир халқ кишини ишонтирди.

СССР халқлари тиллари ва миллий маданиятларининг ривожланишини Леонид Ильич Брежнев эркин ва жуда аниқ характерлаб берган: «Совет Иттифоқи халқларининг ҳар бири яратган ажойиб ўзига ҳоҳ адабиёт; расмийлик,

«музыка асарлари кўпдан бери ҳаммамизнинг умумий мулкимиз бўлиб қолган... Ана шуларнинг ҳаммаси ва санаб тугатиш қийин бўлган яна бошқа кўп нарсалар совет кишиларининг битмас-туганмас ягона умумий миллий бойлигидир. Буларнинг ҳаммаси билан ҳар бир совет киши-си, кўнимиллатли улуғ Ватанимизнинг барча ўғил ва қизлари, «ундаги барча эллар» ҳақли равишда фахрланадилар»¹.

Ленинча миллий сиёсат тилга оид миллий проблемаларни ҳал қилишда ҳар қандай зўравонлик усулларини инкор этади. Ленинча миллий сиёсат принципларига суянувчи янги СССР Конституциясида, барча миллатдаги совет граждaнларининг тенг ҳуқуқлилиги, чунончи, она тилидан ва СССР халқларининг бошқа тилларидан фойдаланиш имконияти, мактабда она тилида ўқиш имконияти билан таъминланиши айtilган.

Ҳамма халқлар учун ягона бўлган тил яратиш истаги — телбаларча жасур истаклардан биридирки, бу истак ҳаминша инсон иродаси билан оламини уюштириш ишига ва инсон истеъдодининг беҳад ривожланишига хизмат қилган, хизмат қилмоқда ва хизмат қилгусидир, деган ажойиб сўзлар Максим Горькийга тегишлидир.

Халқлар дўстлигининг улуғ жарчиси айтган бу пурҳикмат сўзларни мамлакатимиз халқлари ўз ишлари, ўз ижодиёти билан ҳаётда рўёбга чиқардилар. Ихтиёрий равишда миллатлараро муомала тили қилиб тапланган рус тили янги жамият қурилишини ташкил қилиш ишига, шахсининг ҳар тарафлама камол топишига, тишчлик ишига, социал тараққиётга хизмат қилади.

Рус тилини билиш фақат халқ хўжалиги тармоқлари мутахассисларни умумий ва махсус тайёрлашнинг таркибий қисми бўлибгина қолмасдан, аҳолининг кенг табақаларини интернационал тарбиялашнинг муҳим шarti ҳамдир.

Юксалган социализм шароитларида кўпмиллатли совет халқида ягона ижтимоий онгининг янги сифатлари, совет кишилари психологияси учун умумий хусусиятлар пайдо бўлади ва ривожлапади, бу — совет кишисининг умуммиллий ифтихоридир.

Умуммиллий ифтихор — жамиятимизнинг миллий масалани социализмга хос равишда муваффақиятли ҳал қилишининг натижасидир. Бу — ягона совет халқининг шаклланган интернационаллик онги, буғун миллатлар ўр-

¹ Л. И. Брежнев. Левин йўлидан. 4-том. 111-бет.

тасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг рухий-эмоционал йўналишидир.

Ҳар бир совет киши ўзини бирор миллат вакили деб ҳисоблайди, унга миллий ифтихор ҳисси ҳам хос бўлиб, бу ифтихор бошқа миллатларнинг миллий хусусиятлари, анъаналари ва маданиятига ҳурмати ҳам ўз ичига қамраб олади. Аммо барча миллат ва элат меҳнаткашларини характерловчи энг асосий нарса шундан иборатки, улар ўзларини бир бутун ягона совет халқи вакиллари деб ҳисоблайдилар. Бу — ҳар бир кишининг, миллатидан қатъий назар; майдонга чиққан янги тарихий бирлик — совет халқига мансублик тўғриси, ўз халқи, ўз буюк Ватани муваффақиятларидан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ютуқларидан гурурланиш, бутун дунёда революцион қайта қурилишларга дахлдорлик тўғриси.

ИНСОН ШАХСИЯТИНИ КАМОЛОТГА ЕТКАЗИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИ

Социалистик жамиятнинг бош мақсади шахснинг ҳар томонлама тараққиёти учун барча имкониятларни яратиб беришидир. Бу эса авваламбор ҳозирги замон фани, техникаси ва маданиятининг ҳамма ютуқларини эгаллашни тақозо этади. Бу вазифани ҳал этишда рус тили жуда катта роль ўйнайди. Рус тилининг ёрдамида мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар бошқа миллатларнинг илмий ва маданий ютуқларидан, шунингдек, рус ва жаҳон фани ва маданиятининг бебаҳо хазиналаридан баҳраманд бўладилар. Ленин партиясининг, умумхалқ социалистик давлатининг, коммунизмнинг актив қурувчиси бўлмиш совет халқининг кундалик фаолиятида рус тили инсон шахсияти тараққиётининг муҳим воситасига айлангандир.

Рус тилининг миллатлараро муомала тили сифатидаги, СССР халқларининг дўстлик ва ҳамжиҳатлик тили сифатидаги, шахснинг ҳар томонлама тараққиётини таъмин этувчи, улғайиб келаётган авлодни тарбияловчи, совет ватанпарварлиги ва халқларимизнинг бузилмас дўстлигини таъминловчи омили сифатидаги аҳамияти тобора ўсиб бормоқдаги, бу нарса уни ўрганиш борасидаги барча ишларни тубдан яхшилашни талаб этмоқда. Афсуски, ҳамма жойда ҳам уни ўрганишга етарли аҳамият берилмаётгани йўқ. Рус тилини эгаллаш ҳамма касб ва ҳамма ёшдаги кишилар учун нақадар муҳим эканлигини тушунтириш ишлари ҳам бугунги талабларга доим жавоб бераётгани йўқ.

Социализм галабаларини ҳимоя қилиш манфаатлари,

ҳарбий ишларнинг бугунги тараққиёт даражаси шонли Қуролли кучларимиз сафига қадам қўяётган ёшлар олдига алоҳида талаблар қўймоқда. Фақат рус тилини чуқур эгаллаган ёшларгина мураккаб ҳарбий техникани эгаллай оладилар, жанговар ва сиёсий тайёргарликнинг аълочилари бўла оладилар.

Ўзбекистон партия ташкилоти рус тилини ўрганиш ва ўқитиш масалаларига жуда катта аҳамият бермоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети мактабгача тарбия муассасаларида, мактаблар, техникум ва олий ўқув юртларида рус тилини ўқитишни яхшилашга қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилдилар. Халқ маорифи органлари бу қарорларни, шунингдек, ота-оналар истагини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг рус тилини чуқур эгаллашини таъминлаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдалар. Чунончи, миллий мактабларда рус тили биринчи синфдан ўқитилмоқда, синфдан синфга ўтишда рус тилидан имтиҳон олиноқда, миллий мактабларда рус тилини ўқитишда орттирилган ижобий тажриба ва амалиёт талабларини тўлароқ ҳисобга олувчи янги программа қабул қилинди.

Бизнинг республикамизда рус тили мактабгача тарбия муассасаларида, умумтаълим мактабларида, билим юртлари, техникум ва олий ўқув юртларида она тили билан биргаликда ўтилади. У асосий ўқиш предметларидан бири ҳисобланади. Ҳамма областларда рус тили ва адабиётини чуқурроқ ўргатувчи мактаб-интернатлар, дарслар рус ва она тилларида олиб борилувчи аралаш мактаблар совет кишиларига хос хислатларнинг ва миллатлараро тил бўлмиш рус тилининг кенгроқ ёйилишига ҳисса қўшади. Бизнинг мактабларимиз интернационализм ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг чинакам манбага айланмоқда.

Миллий мактабларда рус тилини ўрганишнинг туб мақсади — муомала воситаси, илм, ҳис-туйғу ва фикр алмашиш қуроли бўлмиш рус тилини иккинчи она тили даражасида эгаллашдан иборатдир. Шу муносабат билан ўқув программалари рус тилини ўқитишнинг амалий томонларига, ёзма ва оғзаки нутқни сифатлироқ эгаллашга қаратилгандир. Рус тили ва адабиётини ўқитишнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, рус тили кабинетларини жиҳозлаш ва уларни ўқув-техника воситалари билан таъминлаш борасида ҳам анчагина ишлар қилинди. Рус тилини ўрганишда муvтазам дарс ўтиш формалари билан

Бир қаторда оммавий информация каналлари бўлмиш радио, матбуот ва телевидение, шунингдек, ёшлар ва катталарнинг ўз илмларини такомиллаштириб боришлари, курслар ва тўғарақлардаги дарс сифатининг оширилиши ҳам катта роль ўйнайди. Амалиётчи-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг ҳамжиҳатлиги билан оригинал дарсликлар, қўлланмалар, луғатлар яратиб борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Ўқитувчи кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бугун Ўзбекистон ўқув юртларида ўттиз мингдан ортиқроқ мутахассислар рус тилидан дарс бермоқдалар. Ўн тўртта педагогика олий ўқув юртларида, учта ушверситет, шунингдек, махсус ўрта билим юртларида рус тили ва адабиёти ўқитувчилари тайёрланмоқда. Мана ўн олти йилдирки, миллий мактаблар учун юқори малакали ўқитувчилар етказиб берувчи рус тили ва адабиёти институти муваффақият билан ишлаб турибди. Бундан ташқари, ўзбек мактабларини битирган юзларча қиз-йигитлар Россия Федерацияси ва Украинанинг ўттизта педагогика институтларида рус тили ўқитувчиси касбини эгалламоқдалар.

Партия ташкилотининг доимий ғамхўрлиги туфайли республикамизда рус тилида бемалол гапирувчи маҳаллий аҳоли миқдори тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда рус тилидан дарс беришдек мўътабар вазифани ўтовчи ҳар бир киши муваффақиятли ва самарали ишлаши учун катта имкониятларга эга. Маркеча-ленинча ижтимоий-сиёсий адабиётнинг бутун бойлиги — уларнинг ихтиёридадир.

Бизнинг республикамизда В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг қирқ беш томи ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан», «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» каби асарлари ўзбек тилига таржима қилинган ва нашр этилгандир.

Энг нодир илмий-техник ва бадиий адабиёт рус тили ўқитувчиларининг ихтиёридадир.

ЎССнинг XXV съезди қарорлари, моҳият эътиборига кўра жуда муҳим бўлган бошқа ҳужжатлар, коммунистик қурилиш манфаатлари рус тилини ўрганш ва ўқитишни янада такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб, олий ўқув юртлари, курслар ва тўғарақларгача рус тилини ўқитишнинг янги усул ва методларини кенг кўламда қўлламоқ лозим. Ҳамма ёш ва ҳамма категорияга мансуб аҳолининг икки тилини билиши устида олиб борилаётган социоло-

гия, педагогика, психология ва тилшунослик проблемаларига оид илмий тадқиқотларни авж олдирмоқ, ўқитишнинг техник усуллари мохирона татбиқ қилмоқ алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тез суръатлар билан ривожланаётган фан-техника тараққиёти рус тилини ўқитишни такомиллаштириш борасида янги вазифаларни илгари сурмоқда. Фан-техника революциясининг таъсирида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муносабат ўзгариб бормоқда. Шундай ишчилар кўпайиб бормоқдаки, уларнинг иш фаолиятларида жисмоний ва ақлий меҳнатнинг вазифалари чамбарчас бирлашиб кетгандир. Меҳнаткашларнинг маданий тайёргарлиги ва профессионал даражаси тобора ўсмоқда.

Кўн йиллар давомида ўрта мактабда рус тилини ўқитишда асосий кўرғазма материал сифатида бадний адабий намуналари асос қилиб олинарди. Бугунги кунда, профессионал-техник маълумотларнинг роли ўсганлиги ва ўрта мактабларда умумий ва махсус тайёргарликнинг ўзаро таъсири натижасида, дарсликларни ҳам, ўқитувчининг тилини ҳам муайян касбга хос бўлган махсус терминлар билан тўлдириш эҳтиёжи туғилмоқда. Бугун ўрта профессионал-техник ўқув юртининг ўқитувчиси, шу ўқув юртида ўргатилаётган ишлаб чиқариш касбларидан хабардор бўлмоғи лозим.

Билимнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган фан-техника революцияси рус тили ўқитувчисининг ўз иш жараёнида фан-техника соҳасидаги ҳамма ютуқлар ва намунали қўлланмалардан фойдаланишини тақозо этмоқда. Асосий эътибор ўқитувчи кадрларнинг ғоявий-сиёсий, илмий-методик тайёргарлиги ва малакаларини тобора ошириб боришга қаратилмоғи керак.

Рус тилини тарғибот қилишда оммавий информация воситаларининг ролини доим ошириб бормоқ лозим. Бу воситалар кўнмаклатли меҳнат коллективларида, айниқса янги қурилышларда, янги территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ташкил қилинаётган районларда, саноат ва қишлоқ хўжалигида, янги ишчи отрядлари тузилаётган жойларда рус тилининг кишиларни бирлаштирувчилик ролини батафсил ва чуқур ёритиб бермоғи керак. Рус тилини ўрганиш ва ўқитишни тобора такомиллаштириб боришнинг катта сиёсий, умумдавлат ва интернационал аҳамияти бор. Бу ҳар томонлама лингвистик, педагогик, сиёсий ва мафкуравий муаммодир. Бу муаммони муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳамisha қардош республикалар мутахассисларининг доимий ва тобора мустаҳкамлавиб

борувчи ижодий ҳамкорлиги зарур. Кучларнинг бу тарзда бирлашуви СССР халқлари ва миллатлараро муомала тили бўлмиш рус тилини ўқитишда янада катта муваффақиятларга эришиш имконини беради.

Бизнинг кўпмиллатли буюк Ватанимиз қудратли одимлар билан илгарилаб бормоқда. Бизнинг эртамиз — нузли ва гўзалдир; мақсадларимиз — аниқ ва олижанобдир, коммунизм томон ташлаётган қадамимиз — енгилмасдир. Битта мақсад ва битта идеал атрофида бирлашган Советлар юртининг ҳамма миллат ва ҳамма халқлари Ленин партияси раҳбарлигида мисли кўрилмаган социал-иқтисодий ва маданий қурилиш билан банддирлар. Бу қурилишни айалга оширишда бизнинг умумий бойлигимиз бўлган; ҳамма совет халқларини яқинлаштириш ва бирлаштиришда қудратли восита бўлган рус тилининг роли бениҳоя каттадир.

Жаҳондаги энг қудратли тиллардан бири бўлган рус тилининг буюк тарихий келажаги бор. У фан, техника ва маданиятнинг истиқболи сари йўл очади. Шунинг учун ҳам бу йўлдан бораман деган ҳар бир киши рус тилини ўзига таянч, дўст ва устоз деб билади.

1979 йил

СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МИЛЛИЙ ОНГ

1

Совет халқи тарихга, тараққийпарвар инсоният онгига улуг революцион ва ижодкор куч бўлиб, янги жамият бунёдкори бўлиб кирди. Шу билан бирга у бутун дунёнинг кўз ўнгига янги, социалистик турмуш тарзи ва социалистик маданият соҳиби сифатида намоён бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладыда олтинчи йил мобайнида мамлакатимиз босиб ўтган шонли йўлнинг энг муҳим яқунлари қаторида совет турмуш тарзини ҳам тилга олди. «Чинакам коллективизм ва ўртоқлик, мамлакатдаги барча миллатлар ва халқларнинг кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган жипслиги, дўстлиги, бизни кучли, бардам қилаётган маънавий соғломлик, — деб таъкидлади Леонид Ильич, — буларнинг ҳаммаси турмуш тарзимизнинг ёрқин қирраларидир, воқелигимизнинг жон-танига сингиб кетган социализмнинг буюк ғалабаларидир»¹.

Миллий заминда социалистик турмуш тарзининг конкрет қарор топиш жараёнини, социалистик турмуш тарзи билан миллий онгнинг диалектик ўзаро алоқасини, бу ўзаро алоқага ҳозирги халқаро жараёнларнинг таъсирини илмий идрок қилиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик.

Совет халқининг таърифи учун социализм ва социалистик идеология ғалабаси таъсирида вужудга келган принципиал янги ижтимоий ҳодиса — совет кишилари социал-руҳий хусусиятларининг муштараклиги, социалистик миллий онг билан пролетар интернационализмнинг узвий бирлигидан туғилган ягона совет характери гоят салмоқли аҳамиятга эгадир. Социалистик ижтимоий муносабатларнинг етуклиги, социалистик турмуш тарзи асосий хусусиятларининг қарор топиши социалистик давлат ишида ҳам, халқаро майдонда ҳам социалистик миллатларнинг тобора мустаҳкам ҳамкорлиги учун реал им-

¹ Л. И. Брежнев. Левин йўлидан, 5-том, 619-бет.

коният яратади. Мана шундай шароитда миллатчилик ва миллий маҳдудликнинг андаккина кўринишларига ҳам айниқса тоқат қилиб бўлмайди ва бу кўринишлар хатарли бўлади. Шу сабабли Коммунистик партия социалистик инжимоий борлиқ билан миллий онгнинг диалектикаси моҳиятини чуқур англаб етиш, тарихий тажрибани таҳлил этиш асосидагина социалистик турмуш тарзини ва миллий онгни ривожлантириш жараёнларига илмий раҳбарлик қилиши мумкин.

Яна бир вазиятни эътиборга олмасдан бўлмайди: ёндиликда бутун дунёда умуман социалистик турмуш тарзига ва хусусан уни конкрет миллий заминда шакллантириш проблемасига қизиқиш кучаймоқда. Капитал мамлакатларида халқ оmmasига фаровонлик ва роҳат-фароғат ваъда қилган назарияларнинг шармандаси чиққан бир шароитда, ахлоқий идеаллар барбод бўлаётган, мавжуд жамиятнинг маънавий негизларига ишончсизлик кучайиб бораётган, шу жамиятнинг истиқболсизлиги тобора равшанроқ тушуниб олинаётган бир шароитда бундай қизиқиш табиийдир.

Буржуа идеологлари халқларнинг реал социализмга хайрихоҳлиги ўсишига қаршилик қилишга интилиб, социалистик турмуш тарзи миллий онг билан принципиал жиҳатдан бир-бирига қовуша олмайди, чунки социалистик турмуш тарзи миллатлар ўртасидаги фарқни гўё тугатади, миллий идеалларнинг (буржуа идеологлари қандайдир ҳаддан ташқари мавҳум бир нарса деб талқин этаётган идеаллар) рўёбга чиқишига халақит беради, миллатларнинг маънавий имкониятлари (шунингдек, шахснинг маънавий имкониятлари ҳам) намоён бўлиши учун шароит яратмайди, деган уйдирма фикрларни тарғиб қилмоқдалар. Америкалик тарихчи А. Лоунинг социалистик мамлакатларда «ўзига хос миллий маданият хазиналари социализм ва интернационализм денгизига фарқ қилиб юборилган», деган эски, аммо жуда галати фикри ҳар кўйга солиб такрорланмоқда.

Мана шундай шароитда капитал мамлакатларида гўё эксплуататорлар билан эксплуатация қилинувчилар ипоқликда яшай оладиган «миллий социализм» деган турли-туман назариялар оммалаштирилмоқда. «Ўнг» ва «сўл» ревизионистлар ҳам социализмнинг турли-туман «моделлари»ни таклиф этиб, уларнинг зарурлигини кўпинча миллий ўзига хослик билан боғлиқ қилиб кўрсатмоқдалар. Шу муносабат билан ҳозирги замон буржуа адабиётида 20-йилларнинг буржуа миллат-

чиси Султон Ғалиевнинг тарих томонидан аллақачон чиқарилган назарияси қалқон қилиб кўтарилаётганлиги диққатга сазовордир. Шу назарияга кўра, «немисча марксизмнинг русча нусхаси» (ленинизм назарда тугилади) Россиянинг «мусулмон халқлари» учун мақбул эмас эмиш, чунки у, гўё, шу халқларнинг миллий хусусиятларини эътиборга олмас эмиш ва уларнинг миллий анъаналарига, уларнинг руҳий дунёсига мувофиқ келмас эмиш. Шу гаплар асосида марксизмни ислом динига мослаштириш, у билан «қўшиш» керак, деган хулоса чиқарилади, чунки ислом дини гўё «миллий хусусият»нинг моҳиятини ташкил қилар эмиш, у жамини миллий хусусиятларнинг тимсоли бўлиб, мусулмонлар бутун социал-сиёсий, маданий турмушининг «асоси» эмиш. Бу ўринда биз социализм билан диннинг ўзаро муносабатлари ҳамма жиҳатларини таҳлил этиб ўтирмаймиз — сал кейинроқ бу масалага батафсилроқ тўхталамиз, — бироқ, «миллий коммунизм» деб аталган нарсанинг бир нусхаси бўлган мазкур «назария»ни фош қилиб ташлаш муҳим деб ҳисоблаймиз, буржуа пропагандаси бу «назария»ни Совет Шарқи халқлари зиёлилари идеалларининг ифодаси деб тасвирлашга уринаётганлиги учун ҳам шундай қилиш зарур.

Айтилган гапларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, социалистик турмуш тарзини миллий оғриқовчи билан диалектик ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантиришнинг реал тажрибаси алоҳида қимматга эгадир.

2

Социалистик турмуш тарзининг вужудга келиши Улур Октябрьнинг галабасидан бошланди. Янги иқтисодий ва сиёсий системанинг қарор топиши аслида янги цивилизация вужудга келганлигини билдирди ва Совет Иттифоқи халқлари янги социал-руҳий хусусиятлари, уларнинг янги миллий оғриқовчи шаклланиши учун шарт-шароит яратди.

Социалистик турмуш тарзи — ишбатан янги тушунча. Бизнинг давримизда халқаро коммунистик ҳаракатнинг назарий тафаккури шу тушунчани таҳлил этишга тебора кўпроқ интилоқда, бунда илмий коммунизм асосчилари К. Маркс билан Ф. Энгельснинг фикрларига таянмоқда. Одамлар ўзларига зарур тирикчилик воситаларини қай усулда ишлаб чиқараётганликлари, — деб, ёзишган эди улар, — шахс моддий тирикчилигининг қайта яралитиши эмас; «тагин ҳам кўпроқ даражада бу — мазкур индивид-

лар фаолиятининг муайян усули, улар ҳаёт фаолияти-нинг, улар муайян турмуш тарзининг муайян туридир. Индивидларнинг ҳаёт фаолияти қандай бўлса, уларнинг ўзлари ҳам шундай бўладилар»¹.

Социалистик турмуш тарзи — социалистик турмуш, социалистик ижтимоий муносабатлар энг муҳим белгиларининг жамидир, одамлар, социал группалар, умуман жамият моддий ва маънавий ҳаёт фаолияти формаларининг — ижтимоий турмуш ҳамма соҳаларидаги мана шу ҳаёт фаолияти конкрет шарт-шароитлари билан чамбарчас боғланган формаларининг жамидир. Бинобарин, социалистик турмуш тарзи социалистик ишлаб чиқариш усули билан, ижтимоий-сиёсий тузумнинг хусусиятлари, социалистик жамиятнинг идеологияси, маданияти билан белгиланади. Социалистик турмуш тарзи социалистик миллатлар шаклланишининг омили сифатида намоён бўлади ҳамда айни вақтда тарихий фаолият субъекти, социал турмуш формаларининг ижодкори бўлмиш социалистик миллатлар турмуш тарзига, унинг эволюциясига актив таъсир қилади.

Социалистик турмуш тарзи қарор топишининг ўз тарихи бор. Социалистик турмуш тарзи вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида ўз ижтимоий, миллий асосларига эга бўлган эски турмуш тарзини бартараф этади. Бу ерда яна қуйидагиларни қайд қилиб ўтиш принципиал жиҳатдан муҳимки, социалистик революция натижасида эски иқтисодий базиснинг энг асосий белгилари бирмунча тезроқ ёки секинроқ ўзгара боради, ўтмишдаги турмуш негизидан шаклланган миллий онг эса анча суст ўзгаради, бу ҳол янги социалистик турмуш тарзи қарор топиш жараёнининг ўзига катта таъсир ўтказади.

Миллий онг — ўзининг муайян социал-этник бирликка мансублигини англаш, шу бирликнинг яшаш ва ривожланиш моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларига ўз муносабатини тушуниб олиш демакдир. Миллий психология каби миллий онг ҳам абадул-абад белгилаб қўйилган ва қотиб қолган бир нарса эмас, у халқнинг тарихий ривожига жараёнида ўзгариб боради. Социализм шароитида социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий турмуш соҳасидаги туб ўзгаришлар қонуниятли равишда миллий онгда сифат силжишлари содир бўлишига олиб боради.

Социалистик миллий онг буржуа миллий онгидан туб-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар. М., 3-том, 19-бет.

дан фарқ қилади. У бир мамлакатнинг социалистик миллатлар манфаатларинингина эмас, шу билан бирга барча социалистик миллатларнинг, шунингдек капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда социал ва миллий озодлик учун кураш олиб бораётган барча миллатлар илгор революцион табақаларининг интернационалистик манфаатларини ҳам ифодалайди.

Илгари орқада қолган ва капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтишга муваффақ бўлган Совет Шарқи халқларининг социалистик онги қандай шаклланиб ривожланганлиги бунга ёрқин мисол бўлади.

Ўрта Осиё республикалари шароитида социалистик турмуш тарзи шаклланганлиги Лениннинг бир хил вазифаларни ҳал этишга ёндашишидаги принципларнинг интернационал бирлиги «хилма-хилликни йўқотишни эмас, баяки коммунизмнинг асосий принципларини шундай бир йўсинда қўлланишни талаб этадики, бу қўлланиш жузъий масалаларда бу принципларни тўғри ўзгартира олсин, уларни миллий ва миллий-давлат айирмаларига тўғри татбиқ қила ва қўллана олсин»¹, деган кўрсатмасини тўла-тўқис тасдиқлайди. Лениннинг бу қондаси социалистик турмуш тарзини таҳлил этишда, унинг тегишли-миллатлар социал-иқтисодий ривожидagi конкрет шароитларда қарор топиш қонуниятларини аниқлашда коммунистлар учун катта методологик қимматга эгадир.

«Барча миллатлар социализмга борадилар, бу — турган гап, — деб ёзди В. И. Ленин, — лекин ҳаммаси бир хилда бормади, ҳар бир миллат демократиянинг бирор формасига, пролетариат диктатурасининг бирор шаклига, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини социалистик асосда ўзгартишни бирор суръатига ўз хусусиятини киритади»².

Ўзбек халқи социализмга ўтишининг ўзига хослиги унинг турмуш шароитидаги хусусиятлар билан белгиланар эди. Революциядан олдинги Ўзбекистон патриархал-феодал ва яримфеодал муносабатлари ҳукм сурган, ҳозирги замон тушунчасидаги саноат деярли бўлмаган, аҳоли қарийб саводсизликда қолган, одамларнинг ҳаёти ва турмуши, уларнинг муносабатлари шариат қонунлари ва қуръон ақидалари билан тартибга солинган ўлка эди.

В. И. Ленин миллий чекка ўлкаларнинг коммунистларини рус коммунистларининг сиёсати ва тактикасида

¹ В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 41-том, 86-бет.

² В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 30-том, 147-бет.

кўр-кўрона механик тарзда нусха кўчирманглар, деб нўзча марталаб огоҳлантирган эди. У революцион ўзгартишлар учун ҳали зарур шароит етилмаган жойларда социалистик ўзгартишларни дарҳол амалга ошириш йўлидаги уринишларни кескин қоралаган, ўта революцион ҳаракатларга қарши чиққан эди. Коммунистик партия мамлакатимиздаги барча миллатларга нисбатан бениҳоя зўр эътибор ва ҳурмат кўрсатди. У В. И. Лениннинг сиёсатда социализмга ўтишнинг умумий қонуниятларини маҳатлий хусусиятлар билан, интернационал хусусиятларни миллий хусусиятлар билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига муттасил амал қилиб иш тутди.

Шунга мувофиқ социалистик қурилишнинг дастлабки йилларида айрим республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам совет ҳуқуқи нормалари билан бир қаторда шариат нормалари ҳам, совет судлари билан бир қаторда қози ва бийларнинг судлари ҳам, совет ўқув юртлари билан бир қаторда мусулмон мактаблари ва мадрасалари ҳам амал қилди: аҳоли эски муассасаларнинг дарҳол тугатилишига тайёр эмас эди. Меҳнаткешларнинг оңглиги ўсганидан кейин уларнинг ўзлари халқ совет судларини афзал кўриб, қози ва бийларнинг судларига мурожаат қилмай қўйдилар. Шариат ҳуқуқи системаси, диний мусулмон мактаблари, мадрасалари ҳам шундай бўлди.

Ҳўш, Ўзбекистонда социализм қурилиши хусусиятларидан социалистик турмуш тарзининг «миллий моделлари»га зарурат бор, деган хулоса келиб чиқадими?— деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга воқеликнинг ўзи, ижтимоий практиканинг ўзи салбий жавоб қайтаради, чунки социалистик турмуш тарзининг «миллий моделлари» тўғрисидаги мулоҳазаларда одатда ҳодисанинг миллий жиҳати таъкидланиб, унинг интернационал негизи, унинг синфий моҳияти, социалистик турмуш тарзини шакллантиришда ишчилар синфи ўйнайдиган етакчилик рўли факти иккинчи ўринга суриб қўйилади ёки хаспўшлаб юборилади.

КПСС ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга оширар экан, ўзининг бутун йўлида энг муҳим мақсадлардан бирини — социализм ва коммунизм қуриш учун курашда барча миллат ва элатларнинг ишчиларини, сўнгра эса барча меҳнаткешларини ҳам интернационал негизда жипслаштирини ва бирлаштиришни доимо диққат марказида тутди.

Ишчилар синфи билан буржуазиянинг миллий сиёса-

ти ўртасида нақадар катта тафовут борлигини турмуш равшан кўрсатди. Ишчилар синфининг миллий сиёсати барча мамлакатлар меҳнаткашларини интернационал руҳда жиёшлаштиришга хизмат қилса, буржуазиянинг миллий сиёсати уларни бир-биридан ажратишга, яккалашга, улар ўртасига низо ва адоват солишга хизмат қилади. Бу ўринда принципиал, туб тафовут бор. Буржуа ва майда буржуа миллатчилари — ҳатто ўзларини демократия, инсонпарварлик тарафдорлари қилиб кўрсатганлари ҳам, — одатда капитализм, эксплуататор синфлар вужудга келтирган миллий ва миллий-мустамлака масаласини ҳақиқатан ҳам ҳал этиш вазифасини қўйган эмаслар ва қўя олмас ҳам эдилар. Маълум миллатнинг миллатчилиги муайян шароитларда, масалан, миллий ва социалистик озодлик учун кураш босқичида тарихан прогрессив роль ўйнаши мумкин, албатта. Бироқ, социалистик революцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида бу миллатчилик янги жамият барно этиш ва социалистик турмуш тарзини шакллантириш йўлидаги энг катта тўсиқлардан бири бўлиб қолади. Миллатчилик социалистик турмуш тарзининг интернационал негизлари билан зид келиб қолади, у социалистик миллатларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга бевосита тўсиқчилик қилади, ҳолбуки бундай ҳамкорлик бўлмаса, янги социалистик турмушнинг қарор топтириб бўлмайди.

СССРдаги социалистик қурилишнинг тарихий тажрибаси халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги, халқлар социал турмуши моддий ва маънавий ҳаёти барча соҳаларидаги революцион ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ва энг асосий шарт-шароитларидан бири эканини яққол кўрсатди. Ўзбекистон айни мамлакатимиздаги барча халқлар ва аввало улуг рус халқи билан ўзаро ёрдамлашиш ва ҳамкорлик қилиш туфайлигина аввалги қолоқликдан тарихан жуда қисқа муддатда ҳозирги замон социал тараққиёти чўққиларига кўтарилиб чиқа олди.

Ўзбекистон ССРда юздан ортиқ миллат ва элат намоёндалари яшаб турибди. Биздаги ҳамма меҳнат коллективлари кўпмиллатлидир. Республика партия ташкилоти ҳам кўпмиллатли, у қарийб 90 миллат вакилларидан ташкил топган.

СССРда яшаб турган, ягона қардошлик оиласига жиёшлашган барча халқларнинг дўстлиги, ўзаро ҳамкорлиги — уларга куч-қувват бахш этаётган, уларнинг ажойиб бугунги ва эртанги зафарларини таъминлаб турган ҳаётбахш чашмадир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, буржуа идеологлари ва ревизионистлари гўё социалистик турмуш тарзи билан миллий онг — бир-бирига қовушмайдиган, бир-бирини мстисно қиладиган тушунчалар деб, гўё социализм ўз моҳиятига кўра миллий асосга душман деб, гўё у миллатларнинг территориял бутунлигини инкор қилади, уларнинг маданий ўсишига йўл бермайди, миллий ҳис-туйғуларни камситади, миллий психологияга тазйиқ қилади, деб кўрсатишга уриниб келмоқдалар. Шу уринишларда миллий масалани ҳал этишдаги капитализмнинг ўзига хос бўлган мурасасиз зиддиятлар мавжудлигини социализмга ҳам хос қилиб талқин этиш равшан сезилиб туради. Ҳолбуки, айтиш керакки, капитализм миллий адоватни, халқларнинг бир-бирига ишончсизлигини қасддан авж олдиради, миллий онгни уйғотиш ўрнига уни эзиб ташлайди. Капитализм халқларнинг турмуш тарзини, шу жумладан, уларнинг миллий онгини мажруҳ этади ва сохталаштиради. Миллий мумтозлик ва маҳдудлик туйғуларини, ирқий устуңлик туйғуларини сингдириш, этноцентризм — мана шуларнинг ҳаммаси капитализмнинг ижтимоий тузум сифатидаги муқаррар оқибатларидир.

Халқнинг имтиёзли қисми манфаатларини эмас, балки бутун халқнинг чпнакам туб манфаатларини ақс эттирувчи ҳақиқий миллий онг социализм шаронтидагина вужудга келади. Бундан ташқари, ривожланган социализм шаронтида халқларнинг миллий онги янада мустаҳкамлавиши, чуқурлавиши ва бойиб бориши жараёни давом этади. «Халқ оmmasи синфий ва миллий онглилигининг тўхтовсиз ўсиши — ҳозирги даврдаги ижтимоий тараққиётнинг характерли белгисидир»¹. КПСС совет социалистик миллатларининг ўз онгини янада ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Мисол учун ўзбек социалистик миллати тарихини олиб кўрайлик. Революциядан аввалги ўтмишда ўзбек халқининг онги «ўз» ва «бегона» эксплуататорларга қарши курашда, чет эллик истилочиларга қарши жангда шаклланди, бу истилочиларнинг боқинлари одамларнинг ҳалок бўлишига, неча-неча авлодлар меҳнати ва заковати билан вужудга келган кўндан-кўп моддий ва маънавий бойликларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб борар эди. Собиқ Россия империясининг барча халқлари каби озодлик кураши тажрибасини

¹ КПСС Программаси. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1970, 50-бет.

орттирган ўзбек халқи ҳам Улуг Октябрь социалистик революциясидан кейин Коммунистик партия раҳбарлигида рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг ёрдами билан социализм қурди ва эндиликда муваффақиятли равишда коммунизм қурмоқда. Қаҳрамонона ўтмишнинг шон-шухрати социалистик ўзбек миллатининг онгида ҳозирги ишларининг улуғлиги билан бирга қўшилмоқда, бу эса уни ҳозирги ҳаракатлар ва зафарларга илҳомлантирувчи омилларининг биридир. Ўзбек социалистик миллати ўз миллий маданиятининг энг яхши хислатларини сақлаб қолди, ўзининг чинакам халқчил, илғор, гуманистик миллий анъаналарини меҳр билан ривожлантирмоқда, айни вақтда бошқа халқлар, аввало қардош социалистик мамлакатларининг халқлари моддий ва маънавий маданияти ютуқларини қўнайтирмоқда. Мамлакатимиздаги бошқа халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам янги интернационалистик маданияти мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданият бўлиб, унинг социалистик онгини янада такомиллаштиришнинг қудратли воситасидир.

Ривожланган социализм турли миллат меҳнатчиларини коммунизм бинокорларининг аҳил оиласига тобора кўпроқ ва мустақамроқ бирлаштириб турибди, коммунизм бинокорлари жонажон дийрга, социалистик тузумга меҳр-муҳаббатини интернационализм туйғуси билан, СССРдаги ва жаҳон социалистик системаси мамлакатларидаги ҳамма халқларга нисбатан чуқур ҳурмат билан бирга қўшини тимсолидирлар.

Совет давлатчилиги социалистик миллатлар онгини ривожлантиришнинг муҳим омилдир. Умумиттифоқ совет давлатчилиги каби миллий республикаларнинг совет давлатчилиги ҳам ўз синфий табиатига кўра, социал моҳиятига кўра интернационалдир. Улар ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар манфаатлари ҳамда мақсадларини ифодалайди ва қаттиқ туриб ҳимоя қилади, уларни интернационалистик, синфий принциплар асосида жишлантиради. Социалистик давлатчиликнинг интернационалистик характери совет миллий давлат тузилишининг ленинча принципларида ўз ифодасини топди. Миллатлар ўз тақдирини ўзлари эркин ва мустақил равишда белгилаши, уларнинг ягона иттифоқи, кўпмиллатли давлатга ихтиёрли равишда бирлашиши, миллий тенг ҳуқуқлилиқ, бир жойда яшовчи миллат ва элатлар ўз миллий давлатчилигини барпо этиши, демократик централизм шу принциплар жумласига киради. Бу принципларнинг турмушга татбиқ этилиши халқларни бир-биридан айиришга эмас,

балки уларнинг интернационалиетин негизда ҳақиқатан ҳам мустаҳкам бирлашишига олиб боради. СССРдаги социалистик миллатлар бир-биридан ажралшдан эмас, балки ўзининг коммунизм сари бундан буёнги тараққиётининг туб масалаларини ҳал қилиш учун бирлашишдан астойдил манфаатдордирлар. Барча онг учун ҳал этиб бўлмайдиган эҳдиёт каби кўринган нарса (гўё бирлашишнинг мустақилликка алоқаси йўқ, деган фикр) социалистик онгда чинакам миллий тенг ҳуқуқликка эришишнинг мутлақо табиий асоси деб тушунилади.

Мамлакатдаги барча социал гуруҳлар томонидан қабул этилган экономика, сиёсий турмуш, социалистик идеология соҳасидаги жинслик кўнмишлатли совет халқи ягона ижтимоий онгининг, совет кишилари психологияси учун умумий бўлган совет кишисининг умуммиллий ифтихори белгилари пайдо бўлишига ва ривожланишига олиб келди.

«Совет кишисининг умуммиллий иттифоқи — бу жуда катта, миқёси кенг, ўз мазмуни жиҳатидан гоят бой ҳис-туйғудир. Бу ҳис-туйғу мамлакатимизни ташкил этган халқлардан ҳар бирининг табиий миллий ҳис-туйғуларидан чуқурроқ ва кенгроқдир. Бу ҳис-туйғу миллион-миллион совет кишиларининг меҳнати, шижоати, ижодкор даҳоси яратган энг-яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олган»¹.

Социалистик интернационализм совет кишиларининг онгида мустаҳкам қарор тонди, уларнинг индивидуал онги, психологияси ва ахлоқининг асоси бўлиб қолди. Қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, улардан ҳар бирининг вужудга келган янги тарихий birlik — совет халқига мансублик туйғуси, ўз халқининг, социалистик Ватаннинг муваффақиятлари билан, ~~социалистик~~ ҳамдўстлик мамлакатларининг муваффақиятлари билан фахрланиш, бутун дунёдаги революцион-ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси уларга хос энг асосий фазилатлардир. Коммунистик партия меҳнаткашларни ватанпарварлик бурчини юксак даражада англаш руҳида тарбияламоқда, уларнинг ижодий активлиги ва ташаббускорлигини ривожлантирмоқда. Бундай тарбиянинг самарадорлиги мамлакатимиздаги ҳар бир социалистик миллатнинг ишлаб чиқариш ва маданият соҳасида юксак натижаларга, коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришишда конкрет ва фаол иштирок этишида яққол намойён бўлмоқда.

¹ Л. И. Брежнев. Левия йўлидан. 4-том, 110—111-бетлар.

Шундай қилиб, социалистик миллатнинг онги буржуа миллатнинг онгидан принципиал фарқ қилади.

СССРдаги социалистик миллатларнинг миллий онги — экономика, сиёсат ва маданиятдаги туб социалистик ўзгаришлар жараёнида юзага келган миллий онгнинг янги тинидир. Унинг объектив асоси — ишлаб чиқариш воситаларининг иқтимоий мулклиги бўлиб, бу ҳол бир миллатнинг иккинчи миллатни эскилутация қилишига социалистик миллатлар ўртасида антагонистик зиддиятлар чиқиш эҳтимолига йўл қўймайди. Шу сабабли социалистик миллатнинг миллий онгида унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий интилишлари ифодаланади, деб айтганимизда, бу интилишлар СССРдаги бошқа социалистик миллатларнинг интилишлари билан мос тушишни назарда тутамиз.

Синфийлик, конкрет социал мазмун билан тўлиқлик — социалистик миллат миллий онгининг энг муҳим сифат характеристикасидир. КИСС В. И. Ленин ишлаб чиққан миллий муносабат назариясини амалга оширишда изчиллик билан ўтказиб келаётган синфийлик, синфий ёндашнинг принципи тарихийлик принципи билан узвий равишда бирга қўшилади. Партия ўзининг назарий ва амалий фаолиятида миллат турмушининг конкрет вазиятларини ҳам, шунингдек унинг миллий характериغا хос белгилар, хусусиятларни ҳам эътиборга олади, чунки шуларнинг ҳаммасини эътиборга олмай туриб халқ маънавий турмушининг социалистик миллат онги шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ хилма-хил ва мураккаб ҳодисалари ҳамда жараёнларини тўғри тушуниб бўлмайди.

Башарти, социалистик миллий онг маълум бир қаранлар системасида ўз ифодасини топаркан, бу онг, бизнинг фикримизча, муайян миллатга мансубликни англашдангина иборат бўлмайди, балки, аввало ва асосан маданият, психология, турмуш, миллий характернинг белгилари ҳамда хусусиятлари бутун хилма-хиллиги, бойлигини ўзида мужассамлаштирган миллий турмушдаги чуқур сифат ўзгаришларини тушуниш ва идрок қилишдан, яъни социалистик ва коммунистик қурилиш жараёнида миллат турмушида вужудга келиб ривожланган жамияти янгиликларини тушуниш ва идрок қилишдан иборат бўлади. Миллий ва интернационал белгиларнинг бирлигини ўзида акс эттирувчи социалистик миллатнинг миллий онги ўзининг ялк социал асосига, яъни социалистик турмуш тарзига мувофиқ келади.

Социалистик миллий онгнинг шаклланиш жараёни мураккаб ва зиддиятлидир. Объектив ва субъектив омил-

таринг йигиндиси, жамиятдаги иқтисодий ва социал-сий вазият билан белгиланувчи умумий шарт-шароитлар, инсон турмушининг конкрет шароитлари ва унинг шахсий хислатлари, дунёқараш, дид-фаросати, гўзаллик туйғуси ва шу қабилар миллий онгининг ривожланишига таъсир қилади. Реал аҳвол шундан иборатки, халқлар бир-бирларидан ажралиб яшашига мажбур бўлган характерли тарихий ўтмиш, эскирган анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар одамларнинг кундалик онгида акс этади. Худди мана шу соҳада миллий чекланган қарашлар ва қўлоқ урф-одатлар намоён бўлиши мумкин; бунини киши ҳатто сезмай ҳам қолар. Лекин шунга қарамай муайян шароитларда, барибир юзага чиққини эҳтимолдан узоқ эмас. Башарти, «бир системага тушган қарашлар» даражасида социалистик миллий онгининг энг муҳим белгиси бўлиши синфийликни барқарор қилиш маълум бир маънода ёсоироқ кўча ҳам, лекин «социал психология» даражасида бу вазифа анча мураккабдир: бу ерда социалистик миллий онг қуруқ ерда эмас, балки таркиби топган анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар билан мураккаб алоқадорликда пайдо бўлажаги жуда ҳам равшан кузатилади.

Мамлакатимиз меҳнаткашларининг доимо ватапаварлик ва интернационалистик руҳда чиниқтириш муҳим роль ўйнайдиган, бу иш аввало уларни коммунистик қурилишнинг улугвор вазифаларининг рўёбга чиқаришда бевосита қатнаштириш жараёнида амалга оширилади. Социалистик воқелик, совет турмуш тарзининг интернационалистик табиати, социалистик миллатлар моддий ва маънавий турмушининг интернационаллашуви, совет халқининг гоъвий-сий бирлиги совет кишилари интернационалистик онгини янада чуқурлаштиришнинг объектив асосидир.

Партиямиз интернационалистик онгини шакллантириш соҳасида катта иш олиб бормоқда, коммунистик онг формаларининг доимо такомиллаштириб, жумладан, ўтказилаётган тадбирларнинг ҳиссий таъсирини тагин ҳам кучайтиришга интилоқда.

Миллий онгининг ривожланишига ҳозир халқаро турмушда содир бўлаётган жараёнлар кўн жиҳатдан таъсир қилади. Жаҳон социализм системаси вужудга келганлиги ва мустаҳкамланиб бораётганлиги, ривожланган капиталистик давлатлардаги ишчилар синфи курашининг кучайиши, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши, Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстликдаги бениқа мам-

лакатларнинг тинчликсевар ташқи сиёсати қатъият ва изчиллик билан амалга оширилиши натижасида халқаро кескинлик юмшатирилганлиги — мана шу ҳолатларнинг ҳаммаси айрим мамлакатлар ва халқларнинггина эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг ҳам тақдирига тааллуқлидир. Бу ҳолатлар умуман ижтимоий онгининг ва хусусан социалистик миллатлар онгининг ривожланишига таъсир ўтказмай қола олмайди.

Башарти, социалистик Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибасига мурожаат қилинадиган бўлса, унинг (Совет Шарқидаги бошқа республикаларнинг ҳам) халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик майдонига кенг миқёсда ва ҳар томонлама чиқиб олганлиги, бир томондан, ўзбек халқи тарихида ривожланган социалистик жамият босқичи учун характерли бўлган сифат жиҳатидан янги ва муҳим саҳифа бўлса, иккинчи томондан, ўзбек миллати миллий онгининг интернационаллашув жараёни интенсив ривожланиб бораётганидан, миллатнинг билим доираси кенгайганидан, миллий онгда ғоят муҳим янги белгилар пайдо бўлганидан ёрқин далолат беради.

Революциядан аввал мустамлака бўлган Ўзбекистонга ҳос территориял бекиклик, ташқи дунёдан ажралиб қолганлик, ўзбек халқининг миллий онги тор доирада чекланганлиги батамом тугатилди. СССРдаги барча халқларнинг тенглиги, қардошларча ҳамдўстлиги ва ўзаро ёрдамчи ҳамда экономика, маданият, фаннинг чинакам равнақ топишини таъминлайдиган социализм шароитлари туфайлигина Ўзбекистон чет эллар билан сиёсий, хўжалик ва маданий алоқаларни ривожлантириш имкониятини олди. Бу алоқалар ленинчи партияimiz раҳбарлигидаги республика меҳнаткашлари социалистик ва коммунистик қурилишда, ўзбек миллатининг социалистик турмуш тарзини шакллантириш ва ривожлантиришда нақадар катта муваффақиятларга эришганлари сайин тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораверди.

Шу жиҳатдан олганда социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигидаги интеграция жараёнлари жуда муҳим аҳамият касб этади. СССР иттифоқ давлат эканлиги ва унинг составига кирувчи ҳар бир иттифоқдош республика ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қўлидан келганча ҳисса қўшаётганлиги принципиал жиҳатдан муҳимдир. Ўзбекистон ССР ўзининг экспорт қилаётган маҳсулотни ҳажми жиҳатидан Совет Иттифоқида учинчи ўринни олиб турибди. Пахта ва қорақўл тери, кабель ва экскаватор, пахта териш ва тўқимачилик машиналари,

трактор, прицеплари ва трансформаторлар — 190. турдан кўпроқ саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти Ўзбекистондан қардош социалистик ва ривожланаётган мамлакатларга юборилмоқда. Бу фақат ўзбек социалистик миллатининг онгига таъсир қилибгина қолмайди, албатта, унинг ҳар бир вакили ўз меҳнатининг интернационал моҳиятини тобора яхшироқ ҳис этмоқда. Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлиларининг меҳнатдаги муваффақиятлари республиканинг ва СССР Иттифоқининггина эмас, шу билан бирга умуман социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳам иқтисодий қудратини оширмоқда — бу фикр меҳнаткашларнинг онгига тобора мустаҳкам ўрнашиб, ундан миллий чеklangиш ва ажралиб қолиш сарқитларини қувиб чиқармоқда.

Нисбатан яқиндагина мустамлака ва ярим мустамлака қарамлигидан халос бўлиб, эндиликда ўз иқтисодий қолоқлигини тугатиш учун жуда катта куч-гайрат сарфлаётган ривожланувчи мамлакатларга Совет Ўзбекистони бошқа қардош республикалар билан биргаликда хилма-хил ёрдам бермоқда. Бу ўринда гап Ўзбекистон саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган ва далаларида етиштирилган маҳсулот етказиб берилаётганлиги тўғрисидагина бораётгани йўқ, — кадрлар билан берилаётган ёрдам, шунингдек республикамиздан борган ишчи ва инженер-техник ходимларнинг Сурия, Ҳиндистон, Афғонистон, Анголадаги саноат объектлари қурилишида, шунингдек юқори малакали миллий ишчи кадрлар тайёрлашда бевосита иштирок этаётганликлари, эҳтимолки, бундан ҳам каттароқ аҳамиятга эгадир. Бу омилнинг республика меҳнаткашлари миллий онгига таъсири икки хил: биринчидан, хорижий Шарқ халқларининг миллий-демократик революцияларига, уларнинг эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашига бевосита ёрдам интернационал бирдамликни мустаҳкамлайди, иккинчидан эса, бошқа мамлакатларга бораётган ўзбеклар СССРдаги истисносиз барча миллатларга иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёт учун кенг имкониятларни таъминлаб бераётган социалистик тузумнинг туб афзалликларига яна бир қарра қатъий ишонч пайдо қилади.

Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан маданий алоқалари миллий онгни ривожлантириш ва бойитишга катта таъсир қилади. Ўзбек адабиёти ва санъатининг жаҳон майдонига чиққанлиги ҳамма эътироф қилган фактдир, бу ҳол социалистик турмуш тарзи замини ва шароитида миллий маданият юксак парвоз қилаётганидан ҳаққоний

фахрланиш туйғусини уйғотади, албатта. Иккинчи томондан, ўзбеклар жаҳон адабиёти ва санъати энг яхши ютуқларини тобора мунтазам равишда ўзлаштириб бориши халқимиз маданияти уфқларини кенгайтиради.

Социалистик давлатларнинг ҳозирги ҳамдўстлиги мустақил мамлакатлар ҳамжамиятидан иборат бўлиб, иқтисодий базиснинг бир хил тури, туб манфаатларнинг бирлиги, идеологиянинг муштараклиги уларнинг ҳаммасига хосдир. Мана шу объектив асосда граждaнларнинг реал социализм дунёсига мансублик туйғуси, ўзини шу ҳамдўстликнинг бир зарраси деб ҳис этувчи инсоннинг фахрланиш туйғуси мустаҳкамлана беради. Бу ўрнида гап социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги жуда кўпчилик кишилар онгининг таркибий қисми бўлиб қолган социалистик интернационализм тўғрисида бораётганлиги мутлақо равшан. Бу ҳам миллий онг чегараларини мислсиз миқёсда кенгайтиради.

Айтилган бу гаплардан турли миллат кишилари ўз миллатига мансублик туйғусидан маҳрум бўладилар, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Аксинча, социалистик миллатнинг ҳар бир кишиси ўз халқининг қаҳрамонона ўтмиши билан, унинг озошлик қураши билан, унинг атоқли кишилари, унинг тили ва маданияти билан ҳақли равишда фахрланади. Социалистик турмуш тарзи шароитларида миллий онг янги мазмун билан ҳам бойиб, граждaнларнинг социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар экономикаси ва маданиятини ёппасига юксалтиришга, шу ҳамдўстликнинг сиёсий турмушини ривожлантиришга, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга «ўз» миллатининг имкони борича кўпроқ ҳисса қўшишга онгли равишда интилишини акс эттиради. Кимки ўз миллатининг, ўз давлатининг энг кўп ва ҳар томонлама равишда топишини хоҳласа, аввало умуман социалистик ҳамдўстликнинг энг кўп ва ҳар томонлама равишда топишини таъминлашга интилиши лозим, деган фикр социалистик мамлакатнинг граждaн учун тобора равшанлашиб бораверади.

Мана шуларнинг ҳаммаси капиталистик турмуш тарзига нисбатан жуда катта устуликларга эга бўлган социалистик турмуш тарзи келгусида миллатлар ва халқларнинг социалистик онги ўсиб, коммунистик онгга айланиши учун имконият очади.

1978 йил

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

Мамлакатимизда кишиларнинг янги бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги социалистик ва коммунистик қурилиш йилларида амалга оширилган теран социал-иқтисодий ўзгартишларнинг энг муҳим, чинакам тарихий яқуйларидан бири бўлди. Жаҳон тарихида ҳали мисли кўрилмаган мана шу социал ва интернационал бирликнинг шаклланиши КПСС революцион — ўзгартувчилик фаолиятининг чинакам зафаридир, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ажойиб натижасидир.

В. И. Ленин ишлаб чиққан миллий масалага доир чуқур илмий программа бу сиёсатга асос қилиб олинган. В. И. Ленин марксизмни ижодий ривожлантириб, Октябрдан аввалги даврдаёқ пролетар интернационалиزمни принципларини аниқ таърифлаб, асослаб берди, миллий масалани ҳал этишнинг тўғри йўлини кўрсатди. Бу масалани ҳал этишни, халқларни ўзаро яқинлаштириш имкониятини, уларнинг ҳақиқий тенглигини қарор топтиришни ва миллий адоватни тугатишни эксплуататорлик тузумини йўқотиш ва социализм галабаси билан чамбарчас боғлиқ деб билди.

Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси СССРнинг янги Конституциясида ўзининг яққол ифодасини топди. Асосий Қонун яшамокда ва ишламоқда, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча тенг ҳуқуқлилик муносабатларига, уларнинг ихтиёрий ва улуг интернационал иттифоқини чинакам равишда топтириш йўлига нур сочиб турибди.

КПСС миллий сиёсатининг В. И. Ленин ишлаб чиққан асосий принциплари партиянинг РСДРПнинг II съезди қабул қилган биринчи Программасида чуқур акс эттирилди. Унда мамлакатда чекка ўлкалардаги мазлум халқларнинг миллий озодлик курашини Россия пролетариатининг социалистик ҳаракати билан яқинлаштириш ва қўшиб юбориш орқали революцион жараённинг вазифалари ва натижаларини аниқлаб олиш учун империа-

лизм шароитидаги миллатлар ва миллий муносабатлар тўғрисидаги масалаларни марксча таҳлил қилишнинг катта аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

1913 йилда В. И. Ленин бундай деб уқтирди: «Эски дунёга, миллий зулм, миллий низолар ёки миллий айримлик дунёсига ишчилар ҳамма миллат меҳнаткашларининг бирлашган дунёсини қарши қўядиларки, бу дунёда биронта ҳам имтиёзга, кишининг кишини заррача бўлса-да эзишига ўрин бўлмайди»¹. Улуғ Октябрь социалистик революцияси интернационализм байроғи остида қилинган ер қуррасидаги биринчи революция бўлди. Бу революция барча мазлум, қурашаётган халқларга ўзларининг келгусидаги ғалабасини кўриш имконини берди.

Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин Ленин партиянинг миллий масалага доир сиёсатини ишлаб чиқишни давом эттирди. Бу сиёсат аҳолисининг состави кўпмиллатли бўлган Россия шароитида капитализмдан социализмга ўтиш даврининг хусусиятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши лозим. «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»да, «Россия ва Шарқдаги барча меҳнаткаш мусулмонларга» мурожаатномасида ва Совет ҳокимияти вужудга келган дастлабки ҳафталарда эълон қилинган бошқа ҳужжатларда мана шундай миллий сиёсатнинг асослари баён этиб берилди.

В. И. Лениннинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилган партиянинг иккинчи Программасида ҳам миллий масала назарияси муносиб ўрин олди. Программа социализм қуриш йўлида биргаликда қурашиш учун турли миллат меҳнаткашларини ўзаро яқинлаштириш сиёсатини диққат марказига қўйди. Унда миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, партия билан пролетариатнинг илгари эзилган халқларнинг меҳнаткаш оммасига алоҳида ҳушмуомалалик ва эътибор билан қараши зарурлиги уқтириб ўтилди.

К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ғояларини ижодий ривожлантириш натижасида В. И. Ленин миллий масалага оид мукамал таълимотни яратди, Коммунистик партия миллий сиёсатининг илмий принципларини ишлаб чиқди. Бу принциплар миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва тўла тенг ҳуқуқлилиги; демократия ва социализм учун қурашда турли миллат ишчилари, барча меҳнаткашларини жияслаштириш; социалистик ривож-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 169-бет.

ланиш йўлига кирган халқларнинг мустаҳкам, ихтиёрий сиёсий, ҳарбий ва хўжалик иттифоқи; қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳар томонлама ҳамкорлик асосида миллатларнинг экономикаси ва маданиятини биргаликдаги куч-гайратлар билан ривожлантириш орқали уларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлаш; социалистик миллатларнинг раънақ топиши ва ўзаро яқинлашишини ўз ичига оларди.

Лекин васиятларига садоқатли КПСС бу принципларни изчиллик билан турмушга татбиқ этиб келди ва татбиқ этмоқда. Исоҳият жамияти тарихидаги энг нозик ва ҳаяжонли масалалардан бири бўлган миллий масала мамлакатимиздаги социалистик қурилиш жараёнида муваффақиятли ҳал этилди.

Коммунистик партия раҳбарлигида юздан ортиқ миллат ва элат ягона иттифоққа ихтиёрий равишда бирлашди. Ўз тақдирини эркин равишда ўзи белгилаган ва ўз миллий хусусиятларига мувофиқ келадиган Совет давлатини яратган барча халқларнинг чинакам ҳуқуқий, сиёсий тенглиги қарор топди.

Халқларнинг ўтмишдан мерос бўлиб қолган амалдаги тенгсизлиги муваффақиятли бартараф этилди, уларнинг иқтисодий, социал ва маънавий турмуши даражаларини бараварлаштириб олиш ва ҳар тарафлама ривожлантириш таъминланди.

Барча совет республикаларида қудратли замонавий саноат, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги барпо этилди, халқ маорифи ва илм-фанни ривожлантиришда юқори ногонага кўтарилди. Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият ҳар тарафлама гуллаб-яшнади. Совет кишиларининг онига марксизм-ленинизм идеологияси, социалистик интернационализм мустаҳкам сингиб кетди.

Мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик совет халқлари социал ҳаётининг, моддий ва маънавий турмушининг ҳамма соҳаларидаги революцион ўзгаришларнинг энг асосий шарт-шароитларидан бири бўлди. Ўзбек халқи ҳам мамлакатимиздаги барча халқлар билан мустаҳкам бирликда, юздан ортиқ миллат ва элатнинг тенг ҳуқуқли оиласида ўзининг ҳақиқий бахтини топди, тарихан жуда қисқа муддатда феодализмдан ҳозирги замон социал тараққиёти чўққилари сари баҳодирона сакраш қилди. Совет ҳокимияти йилларида республикаимиз Коммунистик партиянинг иродаси, СССРдаги ҳамма халқларнинг қардошларча ёрдами билан экономика ва маданиятини ривож-

лаштиришда дувёни ҳайратга соладяган улугвор муваффақиятларга эришди.

Янги турмуш қуришда, саноатни бунёд этишда, ишчилар синфи миллий кадрларини, инженерлар ва техникларни, фан, маданият ва санъат арбобларини тайёрлашда берган бебаҳо ёрдамлари учун улуг рус халқига, мамлакатнинг бошқа қардош халқларига чуқур миннатдорчилик ва таъшақкур туйғулари Ўзбекистон меҳнаткашларининг дилида ва хотирасида абадий сақланиб қолади. Урал ва Запорожье пўлат қуювчилари биринчи ўзбек металлурглари тайёрладилар, Қузбасс ва Донбасс шахтёрлари Ангрени кўмир ҳавзасида ўзбек ишчилар билан биргаликда дастлабки кўмир қатламларини кавлаб чиқардилар, Москва, Харьков ва бошқа шаҳарларнинг темирйўлчилари ўзбек темирйўлчиларига паровоз бошқаришни ўргатдилар, ўзбек аёллари мураккаб тўқув станокларини ишлатишни ивановлик тўқувчилардан ўрганиб келдилар.

Бу бир мисол бўлса ҳам, аммо у халқлар дўстлиги, пролетар интернационалиزمни ленинча гоёларининг улуг ҳаётбахш кучидан яққол далолат беради. Совет халқлари оиласидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам — уларнинг қудрати, уларнинг ажойиб ҳозирги ва эртанги зафарлари баҳра олиб турган бамисолли оби ҳаёт чашмасидир.

«Биз ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказиш туфайли, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қилган докладыда, — социализм қуриб, аини вақтда, — тарихда биринчи бўлиб миллий масалани муваффақиятли ҳал этдик. Совет халқларининг дўстлиги бузиламасдир, коммунистик қурилиш жараёнида улар бир-бири билан муттасил яқинлашиб бормоқдалар, улар ўзларининг маънавий ҳаётларини ўзаро бойитмоқдалар»¹.

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИНИНГ ЕТАКЧИ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Ҳамма совет халқларининг биргаликдаги меҳнати билан барпо этилган ривожланган социалистик жамият миллий муносабатлар ривожиди янги босқични билдиради. Ривожланган социализм — юксак гоёвийлик, уюшқоқлик

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 584—585-бетлар.

ва маънавий маданият жамиятидир, ҳозирги замоннинг энг жинслашган жамиятидир, эндиликда уни инсоният тараққиётининг олий ютуғи деса бўлади. Ривожланган социализмнинг афзалликлари ҳар томонлама намоён бўлганлиги билан, фан-техника революцияси ютуқлари янги ижтимоий муносабатлар билан тобора кенг кўламда бирлашиб бораётганлиги билан характерланадиган жамиятдир. Жамиятнинг иқтисодий, социал-сиёсий, маънавий соҳалардаги ривожланиши комплекслиги ва уйғунлиги — унинг ўзига хос белгисидир. Етук социалистик жамият юксак даражада ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, қудратли илғор индустрияга, коллективчилик принципларига асосланган йирик, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига таянади, унинг жуда катта малакали кадрлар армияси бор. Ривожланган социализм жамияти ўз граждандарининг онглилиги ва сиёсий яқдиллиги билан кучлидир. Унинг ютуқлари СССР-нинг янги Конституциясида қонун тарзида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ривожланган социализмнинг хусусиятлари миллий муносабатларнинг ривожда янги сифат вужудга келишига шароит яратади. Бу хусусиятлар етуклик, кенг миқёсlilik ва жўшқинликнинг янада юксак даражаси билан, кўн томонлик ва уйғунлик билан характерланади. Социалистик миллатларнинг гуркираб ҳар томонлама ривожланиши ва айни вақтда уларнинг пролетар интернационализм байроғи остида тобора кўпроқ яқинлашишидан иборат диалектик жиҳатдан ўзаро боғланган, бир йўналишдан борадиган икки тенденция социализм ва коммунизм қурилиши шароитларида миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши учун хосдир. Социалистик миллат ва элатларнинг ўзаро яқинлашуви ва ҳамкорлиги — улар ривожланиши ва равнақ топишининг энг муҳим омилдир. Социалистик миллатларнинг ривожини ва равнақини эса ўз навбатида уларнинг ўзаро алоқасини кучайтиради. Равнақ топиш орқали яқинлашиш, яқинлашиш орқали равнақ топиш — социалистик миллатлар ривожланиши жараёнининг моҳиятидир.

Ривожланган социализм шароитида миллатларнинг ўзаро яқинлашиши етакчи, йўл кўрсатувчи тенденцияга айланади. Халқларнинг социал турмушидаги ва маънавий маданиятидаги жаминки миллийликнинг интернационал асоси муттасил кучайиб боради. Партия XXV съезди қарорларида таъкидланганидек, совет халқлари қардошларча ҳамкорлигининг янада чуқурлашиши, етук социа-

лизм шароитида миллий муносабатлар ривожининг етакчи йўналиши сифатида улардаги интернационал муштараклик ва бирликнинг мутасил ўсиб бориши мустаҳкам пойдеворга — яхлит халқ хўжалиги комплексига, халқларнинг жамиятимиз ҳамма соҳаларида қарор топган ҳақиқий тенглигига, ижтимоий турмушнинг интернационаллашувидан иборат объектив жараёнга таянади.

Ривожланган социализм шароитида миллий муносабатлар ривожидagi сиёсий омилнинг — партия изчиллик билан ўтказиб келаётган ва илмий асосланган миллий сиёсатнинг роли ортади.

Қардошларча ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, моддий бойликларни ўзаро баҳам кўриши ҳаминша халқларимиз турмушининг ўзгармас қонуни бўлиб келди. Ривожланган социализм шароитида бу ҳамкорликда янги сифат вужудга келади. Социалистик қурилиш йилларида республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аввало иқтисодий ва маданий ривожланишининг бирмунча юқори поғонасига эришган халқларнинг ҳали ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўлмаган халқларга бегараз ёрдам бериши билан характерланар эди.

Социалистик ва коммунистик қурилиш йилларида совет халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифат жиҳатидан янги мазмун касб этиб, ранг-баранг ўзаро ёрдам тусини олди. Шу асосда барча совет республикалари ҳозир иқтисодий тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарилишди, уларнинг ҳаммалари замонавий индустрияга, техника билан қуроллантирилган қишлоқ хўжалигига, юксак даражада ривожланган маданиятга эга бўлиб қолдилар. Эндиликда ҳар бир миллат ўзаро айирбошлаш ва ўзаро ҳамкорликда ҳар томонлама ва самарали қатнашни имкониятига эгадир, бу ҳамкорлик мамлакатдаги барча миллат ва элатлар турмушининг ҳамма соҳасини ўз ичига оладиган кенг қамровли ва кенг миқёсдаги ҳамкорлик бўлиб қолди.

Аmmo энг муҳими бу жараённинг миқдор жиҳатида эмас, балки сифат жиҳатидадир, сифат жиҳати эса етук социализм шароитида миллат ва элатлар ҳамкорлигини характерлайдиган хусусиятдир. Бу ҳамкорлик аввало иттифоқдош республикалар иқтисодий тараққиётининг характери билан белгиланади. Ҳар бир республиканинг экономикаси мамлакатнинг таркиб топган, ягона, ўзаро боғланган, уйғун равишда ривожланиб бораётган халқ хўжалик комплексига таркибий қисм бўлиб кириши маълум.

Айни вақтда мамлакатнинг яхлит иқтисодий турму-

ши — айрим иттифоқдош, автоном республикалар, автоном областлар хўжалик имкониятлари ва резервларининг шунчаки мажмуаси эмас. Бу — аввало ҳамма таркибий қисмлари ўртасида чамбарчас бирлик, ўзаро алоқа ва ўзаро боғланиш мавжуд бўлган яхлит хўжалик организми-дир. «Совет Иттифоқининг экономикаси,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев,— айрим республикалар ва областлар экономикасининг йиғиндисидан иборат эмас. У барча миллатлар ва элатларнинг муштарак иқтисодий мақсадлари ҳамда манфаатлари асосида кўндан бери таркиб тошган ягона хўжалик организмидир»¹.

КНСС мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини жўйлаштириш ва ривожлантириш жараёнида социалистик ва коммунистик қурилишнинг объектив қонуниятларини билишга ва улардан фойдаланишга асосланиб, ҳар бир республиканинг манфаатларини умуман бутун мамлакатнинг манфаатлари билан узвий равишда бирга қўшиб олиб бормоқда. Ҳар бир республикада аввало меҳнат самарадорлигининг юксак даражаси таъминланадиган энг қулай иқтисодий, табиий ва социал шарт-шароитлардан фойдаланадиган ишлаб чиқариш тармоқлари биринчи галда ривожлантирилмоқда.

Совет Ўзбекистонининг ривожланиши Умумиттифоқ экономикаси манфаатлари билан айрим иттифоқдош республикалар экономикаси манфаатларини бирга қўшишнинг яққол мисолидир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда замонавий саноат ишлаб чиқаришининг юздан ортиқ тармоғи бор, энг янги техника ва асбоб-ускуна билан таъминланган 1500 тадан кўпроқ йирик саноат корхонаси ишлаб турибди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожини ҳозир бошқа иттифоқдош республикалар билан мустаҳкам алоқасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон ССРга мамлакатнинг ҳамма томонларидан асбоб-ускуналар ва станоклар, машиналар ва қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулоти, кенг истеъмол моллари ортилган эшелонлар келиб турибди. Ўзбекистон мамлакатдаги қардош республикалар, областлар ва ўлкалардан ўз халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини: Россия Федерацияси ва Қозғистондан доп, Сибирдан ёғоч, Қарағанда ва Қузбасдан кўмир, Москва, Ленинграддан, Украина шаҳарларидан, Уралдан саноат учун станоклар ва металл ҳамда бошқа кўп нарсаларни олмақда.

Ўз навбатида Ўзбекистон қардош республикаларга ўз

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. 4-том, 63-бет.

сапоати ва қишлоқ хўжалигининг жуда хилма-хил маҳсулотларини, шу жумладан, асосий бойлигимиз — пахта-ни юбориб турибди. Бизнинг қордек ошпоқ пахтамыз Москванинг «Трехгорка»сида, Ивановонинг «Красная Талка»сида, Ленинграднинг С. М. Киров номи комбинатида, Калинин ва Львов корхоналарида ранг-баранг газламага айланмоқда.

«Ўзбекхиммаш» заводида тайёрланган машина-ускуналар РСФСР, Украина, Белоруссия, Молдавия, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон корхоналарида ўриятилган. «Ташсельмаш» заводидаги пахта терши машиналари Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон пахтазорларида жуда яхши ишлаб турибди.

Шу тариқа барча халқларимизнинг меҳнатини тобора тўла-тўқис интеграциялашга олиб борадиган самарали иқтисослашув ва кооперациялашув системаси вужудга келди. Ривожланган социализм шароитида улар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик Умумиттифоқ меҳнат тақсимо-ти асосида бирлашган, қўшма, биргаликдаги меҳнат формасини касб этди. Бу — миллий муносабатларнинг янада ривожланганидан далолат берадиган ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан анча юқори поғонасидир.

Республикалардан ҳар бири умумий маҳсулот етиштиришга имкони борича кўпроқ ҳисса қўшмоқда. Чунки, Москва ва Урал металлурглари ҳамда машинасозлари меҳнатининг натижаларида уларга «зангори ёқилги» юбориб турган ўзбек газчиларининг меҳнати ҳам ўзининг моддий яфодасини топган. Айни вақтда «оқ олтин»нинг ҳар тоннасида Урал ва Украина металлурглари, Москва, Ленинград ва Белоруссия машинасозларининг меҳнати муҳасамлашган.

Эндиликда республиканинг ҳар бир замонавий корхонаси мамлакатнинг ҳамма жойларидаги ўнлаб ва юзлаб корхоналар билан боғланган. Масалан, Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводига юздаи ортиқ турли корхоналар деталь ва бошқа материалларни юбормоқда, «Ташкенткабель» заводидаги маркаси қўйилган маҳсулот эса Совет Иттифоқининг 10 мингта адресига жўнатилмоқда. Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариши бирлашмаси қардош республикаларнинг юзлаб корхоналари билан мустаҳкам кооперацияда ишламоқда.

Шундай қилиб, ҳар бир республиканинг халқ хўжалиги ривожлангани мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг бирлашган меҳнати билан тобора кўпроқ қўшилиб бормоқда.

Катта-катта индустриал объектлар қурилганлиги улар биргаликда қилган меҳнатнинг яқинидир. Тольятти ва Набережний Челнидаги азим автомобиль корхоналарини бутун мамлакат қурди. Байкал-Амур темир йўли қурилишида ҳамма республикалар иштирок этишмоқда. Масалан, ўзбек меъморлари ва қурувчилари Каунда, Сюлопак, Ленризо деб аталган янги шинам посёлкаларни ва шу магистрал трассадаги бошқа кўнгина объектларни қуриб бермоқдалар.

Фан-техника соҳасида, илгор ишлаб чиқариш, техника ва технология тажрибасини ўртоқлашишда, бир-бирларига кадрлар юборишда куч-гайратларни бирлаштириш, бутун мамлакат миқёсида социалистик мусобақани авж олдириш етук социализм шароитида мамлакатдаги барча миллат ва элатлар ҳамкорлигининг янги босқичини характерлайдиган муҳим формалардир. Чунончи, пригация-мелиорация ишлари соҳасида катта тажрибага эга бўлган Ўзбекистон мелiorаторлари мамлакатнинг Ноқоратупроқ ўлкаси районларини ўзлаштиришда фаол қатнашмоқдалар. 1979 йил бошларигача улар 17 гектар ернинг захини қочирдилар ва сугордилар, кўндан-кўн пригация иншоотлари қурдилар. Иваново областида ўзбек қурувчилари ва мелiorаторлари бинокорлик индустриясининг катта-катта базаларини барпо этмоқдалар, ҳозир областда етиштирилаётган сабзавотнинг қарийб ярмисини етиштирувчи ва ҳар йили 10 минг тоннадан кўпроқ сут берувчи «Ўзбекистон» совхозини қурмоқдалар. Уша ернинг ўзида сабзавот ва сут етиштирадиган «Дружба» совхози барпо этилади. Новгород областида «Ташкентский» сут-сабзавот совхози ва «Дружба» совхози қурилмоқда.

Ривожланган социализм шароитида миллий муносабатларнинг ривожига фан-техника революцияси жуда катта ва ҳар томонлама таъсир ўтказди. Фан-техника революцияси барча миллат ва элатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий турмуши соҳасида интернационаллашув жараёнини интенсивлашнинг муҳим омили бўлиб майдонга чиқди. У объектив жиҳатдан интеграциялаштирувчилик хизматини ўтайди, барча миллат ва элатлар учун замонавий техника асосида ишлайдиган йирик ишлаб чиқаришнинг яхлит техника-иқтисодий заминини вужудга келтиради. Барча республикаларнинг экономикасини йирик машина ишлаб чиқариши, комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга ўтказиш туфайли социалистик миллатларнинг иқтисодий бирлиги янада кўпроқ кучаяди.

Мамлакат экономикасининг мислсиз ўсганлиги, барча

миллат ва элатлар ҳал этаётган ҳамда уларнинг куч-гайратлари бирлаштирилишини талаб қиладиган вазифаларнинг сифат жиҳатидан янги характери уларнинг меҳнатини интеграциялашни кучайтиришга кўмаклашмоқда. Масалан, энергетика, хом ашё ва сув ресурсларини қайта тақсимлаш кўпгина республикаларни қамраб олмақда. Бу шу пайтгача исбли кўрилмаган вазифадир. Чунинчи, ҳозир Шимолдаги ва Сибирдаги дарёлар сувининг бир қисмини Волга ҳавзасига, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига буриб юбориш юзасидан илмий ва лойиҳа ишлари олиб борилмоқда, бу нарса мазкур районлар экономикасини ривожлантиришнинг янги омили бўлади.

Республика ва республикалараро халқ хўжалиги ҳамда территориал-ишлаб чиқариш комплекслари системаси халқларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалари даражасини оширишга кўмаклашмоқда. Шу системани барпо этиш ниҳоясига етказилишни ҳар хил миқёсдаги, жумладан, майда ва ўрта корхоналардан умуман мамлакат ва алоҳида ҳар бир республика халқ хўжалигида етакчи роль ўйнайдиган ишлаб чиқариш комплексларига ўтилишини билдиради.

Табиий ресурсларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш барча республикаларнинг куч-гайратларини бирлаштиришни талаб қиладиган муҳим социал ва иқтисодий проблемадир.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта миқёсдаги вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил, июль Пленуми партия аграр сиёсатини ривожлантириб ва мустаҳкамлаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлашга, қишлоқларнинг социал қиёфасини янада ўзгартиришга, қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш маданиятини оширишга қаратилган тадбирларнинг бутун бир системасини ишлаб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги доклади назарий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир. Унда мамлакат халқ хўжалигини ва бутун аграр-саноат комплексини келгусида ривожлантиришнинг принципиал асослари таърифлаб берилди. Доклад ленинча аграр назарияни ривожланган социализм шароитида ривожлантиришга янги катта ҳисса бўлиб қўшилади, ўн биринчи беш йиллик планни ишлаб чиқиш учун принципиал аҳамиятга молик йўл-йўриқлар беради, партия, совет ва хўжалик ташкилотлари учун конкрет ҳаракат қўлланмаси бўлиб

хизмат қилади, совет халқини коммунистик қурилиш соҳасида партия ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бундан буёнги курашнинг равшан программаси билан қуроллантиради.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети Пленуми белгилаб берган Программаси мамлакатимиз ҳар томонлама иқтисодий тараққиётининг ажралмас таркибий қисмидир. Бу программани бажариш учун Советлар мамлакатининг барча миллат ва элатлари биргаликда зўр куч-ғайрат сарфлашлари керак бўлади.

Мамлакат барча республикалар ва районлари экономикасини планли равишда янада юксалтириш иттифоқдош республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимотиши доимо такомиллаштиришга, уларнинг меҳнатдаги куч-ғайратларини бирлаштиришга ва келишиб олишга, ҳар бир иттифоқдош республиканинг манфаатларини бутун мамлакат манфаатлари билан уйғунлаштиришга қўмаклашади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида қилган ҳисобот докладыда бундай деб таъкидлади: «Ҳамма беш йиллик планлар каби ўнинчи беш йиллик план ҳам улўғ социалистик Ватанимизни ташкил этувчи ҳамма республикалар миллатлар ва элатларини ривожлантириш программаси бўлади. Совет жамиятининг иқтисодий ва социал тараққиёти — Россия Федерацияси, Украина ва Қозғористоп, Белоруссия ва Молдавиянинг, Ўрта Осиё, Болтиқ бўйи, Закавказье республикаларининг тараққиёти демақдир. Бутун мамлакат миқёсида таркиб топган яхлит хўжалик организи — халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий негизидир»¹.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини оқилона, илмий асосда жойлаштириш негизида иттифоқдош республикалар экономикасини интензив ва бир текис ривожлантиришнинг тобора мураккаб иқтисодий ва социал вазифаларини муштазам равишда ўртага қўйиб, муваффақиятли ҳал этмоқда. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг интернационал принциплари ўнинчи беш йилликнинг конкрет планларида мужассам ифодалаб берилган ва узоқ муддатли истиқболда янада кўпроқ ривожлантирилади. Социалистик миллатларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги ҳозир ҳар бир республиканинг моддий ва меҳ-

¹ Л. И. Брежнев. Лешин йўлидан, 5-том, 563—564-бетлар.

пат ресурсларидан бутун давлатнинг манфаатларини кўзлаб самарали ва оқилона фойдаланиш йўлидан бормоқда.

1966 йилги Тошкент zilzilасининг оқибатлари тугатилганлиги СССР халқлари ҳамкорлигининг сифат жиҳатидан янги босқичи яққол кўринишидир. Совет Иттифоқидаги мустасносиз барча республикаларнинг қардошларча ёрдами билан Тошкент уч ярим йил ичида қайтадан барпо этилди ва мамлакатимизнинг энг кўркем шаҳарларидан бирига айланди. Ўзбекистон меҳнаткашлари кўимиллатли Ватанимиз барча халқларининг шу қардошларча беғараз ёрдами ва бирдамлигини ҳеч қачон унутмайдилар. Уй-жой массивлари, мактаблар, олий ўқув юртлари, маъмурий муассасалар, сапоат корхоналари Коммунистик партия интернационализм руҳида тарбиялаган совет кишилари бирлигининг ёдгорлиги бўлиб асрлар бўйи қад кўтариб тураверади.

Тошкент — халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг рамзидир. У шодиёна кунларда ҳам, ногаҳон рўй берувчи кулфат қаршисида ҳам шундай бўлиб келди. Бу шаҳарнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасорати халқ хотирасидан абадий ўчмайди. Ўшанда у кўчириб келтирилган минг-минглаб кишиларни, юзлаб корхоналарни, илмий тадқиқот институтлари, маданият муассасаларини меҳрибонлик билан бағрига олди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов билан унинг хотини Баҳри опаинг жасорати ҳеч қачон унут бўлмайди, улар машаққатли уруш даврида ота-онасидан маҳрум бўлган 14 болани тарбияга олдилар. Улар орасида руслар, чувашлар, украинлар, яҳудийлар, молдаванлар ва татарлар бор эди.

Совет кишилари ҳаммша ҳамнафасдилар. Бойлигимиз, дўстлигимиз ва ўзаро ҳамкорлигимиз тишимсиз гуллаб-яшнаётганлигининг боиси ҳам мана шу.

Ҳозир Мирзачўл, Жиззах, Қарши, Сурхон-Шеробод даштлари, Қорақалноғистоннинг бепоён бўшлиқларини барча халқларимиз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ўзлаштирмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қарадор бўлиб қолаётганлари йўқ. Улар энг муҳим халқ хўжалик вазибаларини ҳал этишда бошқа республикаларга ёрдам бермоқдалар. 1970 йилда Доғистон ва Қирғизистоннинг баъзи районлари zilзиладан азиат чеккаларидида ўзбек бинокорлари биринчилар қатори уларга қардошларча ёрдам қўлини узатдилар. Доғистон пойтахтида улар 600 та квартира, жамоат маркази, мактабгача

тарбия муассасалари ва бошқа объектлар қуриб беришди. Қирғизистонда ўзбек бинокорлари 1000 ўринли мактабни спорт ва ёрдамчи иншоотлари билан тўла комплекс тарзида қуриб бердилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари Тбилисда сув тошқини содир бўлган пайтда қардош грузин халқига ҳам катта ёрдам бердилар. У ерда миллий меъморчилик услубини назарда тутиб қурилган кўркем уй-жой бинолари совет кишилари қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёрқин тимсолидир.

Бундай фактлар оз эмас. Улар барча совет кишиларининг Ватани ҳам, тақдирин ҳам, манфаатлари ҳам муштарак эканидан яққол далолат беради. Мақсад ва вазифаларининг бирлигини сезиш ҳар бир совет кишиси маънавий қиёфасининг ажралмас белгиси бўлиб қолди.

Ривожланган социализм шароитида мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларнинг ҳамкорлигидаги сифат жиқатидан янги босқич социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликда улар иштирокчиларнинг янги формалари пайдо бўлганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Иттифоқ давлат составига кировчи ҳар бир республика социалистик қамдўстликнинг иқтисодий қудратини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшади. Ҳар бир республикамиз мамлакатимизнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги системасида бамисоли икки поғонада: миллий ва умуман бутун мамлакат миқёсида, яъни кўпмиллатли Совет давлати составида мустақил равишда иштирок этмоқда.

Ҳозир Ўзбекистондан қардош социалистик мамлакатларга 190 хилдан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан кабель, экскаваторлар, пахта териш ва тўқимачилик машиналари, трактор прицеплари ва трансформаторлар, пахта ва қорақўл тери юборилмоқда.

Мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг ўзаро ёрдам, кенгайиб бораётган ҳамкорлиги уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини бараварлаштириб олиш жараёнининг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан олганда ривожланган социализм шароитида миллий муносабатлар янада ривожланаётганидан дарак берувчи янги сифат пайдо бўлмоқда. Бараварлаштириб олиш вазифаси социалистик қурилишнинг аввалги босқичларида асосан ҳал этилганлиги маълум. Шу давр ичида республикаларнинг ривожланиш даражалари бир-бирига анчагина яқинлашди. Ҳозир уларнинг

ҳар бирида саноатнинг салмоғи катта, замолавий инфраструктура вужудга келтирилган.

Ўтган босқичларда бараварлаштириб олиш принцили заруратга қараб нотекис ривожланишни, чунончи, илгари орқада қолган районларни тузукроқ ривожланган регионларнинг ҳар томонлама ёрдамида бирмунча жадал ва максимал равишда юксак суръатлар билан тараққий қилдиришни таъминлашни билдирган бўлса, ҳозирги шароитда бараварлаштириб олиш бирон-бир районни ривожлантириш ҳисобига эмас, балки мамлакатнинг барча республикалари ва районларини тез, ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда умумхалқ манфаатларига мувофиқ келган тақдирда улардан баъзиларини бирмунча юқори-роқ суръатлар билан ўстириш негизда содир бўлади. Республикаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси асосан бараварлаштириб олинганлиги туфайли эндиликда иқтисодий масалаларни айни умумдавлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳал этиш имкониятлари чуқурлашди ва кенгайди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллатлар ва элатларнинг яқинлашуви кўп жиҳатдан ҳақиқий тенгсизликни тугатиш зарурати билан белгиланар эди, шунинг оқибатида бу нарса кўпинча бирмунча ривожланган миллатларнинг илгари орқада қолган халқларга бир томонлама ёрдами тусини олар эди. Социалистик миллатларнинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етганлиги бундай яқинлашув янги босқичга, турмушнинг ҳамма соҳаларида миллатларнинг ўзаро ёрдами, ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиши, ўзаро бойитиши босқичига кирганини билдирди.

Ҳозирги вақтда бир қанча республикалар саноатни ривожлантиришнинг ўртача Иттифоқ суръатларига нисбатан илдамроқ ривожланмоқда. Бироқ, илгари ўтмишда орқада қолган республикалар ривожининг илдам суръатлари аввало ва асосан ривожланиш даражаларини бараварлаштириб олиш тарзида тушунилган бўлса, энди гап бутун халқ хўжалик комплексини пропорционал ва уйғун равишда ривожлантириш ҳамда умумдавлат аҳамиятига эга бўлган саноат тармоқларини эпг қулай шароитлар мавжуд бўлган районларда биринчи галда ривожлантириш тўғрисида бормоқда. Шундай қилиб, зарур шароитларга эга бўлган у ёки бу республикани жадал ривожлантириш республиканинг ўзини ривожлантириш учунгина эмас, шу билан бирга умуман мамлакат экономикасини юксалтириш учун ҳам муҳим аҳамият

касб этади. Умуман жамиятнинг ва алоҳида ҳар бир миллат ҳамда элатнинг бир типдаги социал структурасини вужудга келтириш ривожланган социализм шароитидаги миллий муносабатларнинг муҳим белгисидир. Мамлакатда, барча республикаларда кўп сонли ишчилар синфи ўсиб етишди, уларнинг анчагина қисмини туб жой миллатининг меҳнаткашлари ташкил этади. Улардан ҳар бирида деҳқонлар синфи колхозларнинг меҳнатчиларидан пборат бўлиб, ишчилар синфининг кўнгина муҳим хусусиятлари уларга ҳам хосдир, уларнинг меҳнати эса ўз характерига кўра индустриал меҳнатга яқинлашиб бормоқда. Барча республикаларда ўсиб вояга етган кўп сонли зиёлиларнинг мақсадлари ҳам, фикр-зикри ҳам халқнинг мақсадлари ва фикри-зикри билан бирдир. Бунинг маъноси шуки, мамлакатимиздаги барча миллатлар социал структурасига кўра бир типда бўлиб, ўзининг социал-сиёсий муддаолари жиҳатидан яқдидир.

Коммунизм сари олға силжилган сайин миллатлар ва элатларнинг социал бир хиллиги муттасил кучаяверади. Чунончи, ҳозир ўзбек миллатининг социал состави моҳияти жиҳатидан, мамлакатдаги бошқа миллат ва элатларнинг составидан фарқ қилмайди. Агар 1926 йилда иш билан банд бўлган ўзбек аҳолиси орасида ўзбек ишчилари 4,6 процентни ташкил қилган бўлса, 1978 йилда 40 процентдан ошиб кетди. Ҳозирги кунларимизда миллий зиёлиларнинг сафлари тез ўсиб бормоқда. Фан-техника тараққиётининг имкониятлари ва эҳтиёжлари—фан, техника, маданиятнинг гуркираб ривожланиши шуни тақозо этмоқда. 1941 йилдан 1977 йилгача ўтган даврнинг ўзида Ўзбекистонда олий ва ўрта маълумотли мутахассислар 17 баравар, олий маълумотли мутахассислар эса 23 баравар кўнайтиди. Фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнаткашларнинг профессионал ва умумий маданиятини, уларнинг моддий фаровонлигини ва маълумотини ошириш социалистик миллатлар ва элатларнинг социал структурасини кўпроқ бараварлаштириб қўймоқда.

Етуқ социализм шароитида республикалар, областлар, шаҳарлар, районлар аҳолисининг кўймиллатлилиги ошиб бораётганлиги миллий муносабатлар ривожининг характерли белгисидир. Бу ҳол ҳар бир республикада туб жой аҳолининг анчагина табиий ўсини билан айни бир вақтда бошқа миллатларга мансуб аҳолининг ҳам кўнайтишига олиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат намоёндалари яшаб турибди.

Биздаги барча меҳнат коллективлари кўнмилатли бўлиб, уларнинг ҳамма аъзолари бир аҳл оиладек яшамоқдалар, муштарак мақсадга эришни йўлида ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Республика партия ташкилотини ҳам кўнмилатлидир — у қарийб 90 халқнинг намоёндаларидан иборат. Кўнмилатлиликнинг ошиб бориши тенденцияси миллатлар ва элатларнинг тенглиги ҳамда тенг ҳуқуқлилиги социал структура соҳасида ҳам қарор тошганидан далолат беради.

Етук социализм шароитида демократик централизм принциплари асосида иттифоқ давлати билан республикаларнинг миллий давлати узвий бирликда ҳар томонлама такомиллашиб бораётганлиги миллий муносабатлар ривожининг муҳим омилдир. Умумиттифоқ совет давлати каби миллий республикаларнинг совет давлати ҳам ўз спифий табиатига, социал моҳиятига кўра интернационалдир. Улар ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳамда мақсадларини ифодалайди ва қаттиқ туриб ҳимоя қилади, ишчилар синфини, барча меҳнаткашларни интернационалистик, спифий принциплар асосида бирлаштиради ва жинслаштиради. Совет давлатининг ривожл мамлакатимиздаги барча халқларнинг манфаатлари тобора тўла-тўқис мужассамлашуви ва намоён бўлишини, интернационал ва миллий манфаатларнинг узвий қўшилишини, бунда интернационал манфаатлар етакчилик ролини ўйнашини билдиради.

Етук социализм шароитида социалистик миллатларнинг равнақ топиши, яқинлашини ва бир-бирини ўзаро бойитиши, моддий маданият соҳасининггина эмас, шу билан бирга маънавий маданият соҳасини ҳам ўз ичига оладиган кенг қамровли жараёндир, бу жараённинг қарор тоиниши учун беҳисоб имкониятлар яратиб қўйилган. Совет ҳокимияти йилларида СССРнинг ҳамма халқлари маданий-маънавий жиҳатдан юксак тараққиётга эришдилар. Мамлакатимиздаги ҳар бир миллатнинг ўз атоқли олимлари, ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, кино ва театр арбоблари, меъморлари бор, уларнинг ижодиёти Ватан ва жаҳон фани, техникаси, санъатини бойитмоқда. Социалистик миллатлар ҳам қардош халқларнинг ютуқларини ихлос билан ўзлаштириб, уларни ўз миллий шароитларига мувофиқлаштириб олмақдалар.

СССРдаги ҳар бир халқнинг маданияти ўзининг миллий шаклларига кўра хилма-хилдир. Аммо ўз ривожининг боши йўналиши жиҳатидан, мазмуни жиҳатидан бу маданият социалистик, ўз руҳи ва характери жиҳатидан

эса интернационал маданиятдир. Миллий хусусият билан интернационал хусусиятнинг диалектик тарзда ўзаро боғланиши барча совет халқлари маданиятининг характери белгисидир, ammo уларда интернационал жиҳат етакчи роль ўйнайди.

Маънавий маданиятдаги интернационал умумийлик совет кишиларининг бирлигини мустаҳкамлайди, миллий маданиятлар ривожининг янада кенг имкониятларини очиб беради, бу маданиятлар бир-биридан яққаланган, ажралган тарзда ривожланмайди. Яқинлашув ва ўзаро бойитув — ягона коммунистик маданиятни шакллантиришнинг ҳам, миллий маданиятларни янада ривожлантиришнинг ҳам объектив тенденцияларидир.

Бундан — халқларнинг маданиятлари ўзининг миллий шаклларида, миллий ўзига хослигидан маҳрум бўлади, деган маъно асло келиб чиқмайди. Аксинча, улар социалистик мазмун билан бойиб, миллий шакллар орқали ўз халқларининг ўзига хослигини тўла-тўқис намойиш этиш имкониятини олади. Миллий ўзига хослик йўқ бўлиб кетмайди, аксинча умумсовет, умумхалқ хусусиятларининг ифода формаси тарзда ривожлана беради, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги эса интернационал маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Зотан, совет маданияти — барча социалистик миллатлар яратаётган маънавий бойликларнинг жамулжамси, узвий бирикмасидир.

Коммунистик партия дўстлик ва қардошларча ўзаро ёрдам асосида мамлакатимиз халқларининг маданиятларини янада равнақ топтиришга катта аҳамият бермоқда, шу маданиятларнинг яқинлашуви ва бир-бирини ўзаро бойитувидан иборат объектив тенденцияни ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда ва йўлга солиб бормоқда. КПСС XXV съезди қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозир маданий қурилиш соҳасида мамлакат миллатлари ва элатлари ўртасида маънавий бойликларни баҳам кўришни янада яхшилаш ва ривожлантириш, миллий маданиятларни яқинлаштириш ва ўзаро бойитишни кучайтириш, шу жараёни жадаллаштиришга кўмаклашувчи янги формалар ва методларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш вазифаси ўртага қўйилмоқда.

Шу вазифани ҳал этишда партия республикаларда ўтказилаётган қардош адабиётлар ва санъатларнинг ҳафталиклари ҳамда ўн кунликларидан, кино ва музыка фестивалларидан, СССР халқларининг дўстлиги кунларидан, бадний виставкалардан, ижодий коллективларнинг

гастроль сафарларидан, қардош халқлар драматурглағи ва композиторларининг асарларини маҳаллий театрларда сахналаштиришдан кенг ва самарали фойдаланмоқда. Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар раҳбар ходимлари ҳамда маданият арбобларининг матбуотда, радио ва телевидениеда қатнашишлари, адабий асарларни таржима қилиши, кинофильмларни дубляж қилиши, илмий муассасалар, олий ўқув юрлари, мактаблар ўртасида тажриба алмашиш кенг йўлга қўйилмоқда. Кейинги вақтларда Ўзбекистон адабиёт ва санъат намояндалари Белоруссия, Эстония, Тожикистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Озарбайжонда бўлдилар. Бизнинг республикамизда эса Эстония, Белоруссия, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон адабиёт ва санъат ўнқунликлари ўтказилди.

Республикалар маданиятининг ўнқунликлари, фестиваллари, лекинча фан кунлари мамлакатда турмушимизнинг бутун тузуми, унинг интернационал моҳияти, КПССнинг доно миллий сиёсати туфайли юзага келган яхши анъана бўлиб қолди. Иттифоқдош республикалар маданият, санъат, илм-фан арбобларининг учрашувлари, уларнинг халқ олдидagi ҳисоботлари маданият хазиналарини самарали ўзлаштиришга ёрдам берадиган улуғ кўприк вазифасини ўтамоқда, совет кишиларини социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационалиزمи руҳида тарбиялашдек юксак мақсадга хизмат қилмоқда.

Миллий маданиятлар бир-бирларини ўзаро бойинтаётганлиги миллий ижодиётда истеъдод билан яратилган жамики ҳаётбахш, мароқли асарларнинг қардош халқлар маънавий маданияти учун муштарак интернационал нур бўлиб қолишига ёрдам бермоқда. Маданиятларнинг мана шу бир-бирини ўзаро бойитишида ҳозирги замон ва келажак инсонни камол топтирадиган чинакам инсонпарвар, халқчил, маънавий жиҳатдан соғлом маданиятни барпо этувчи социализмнинг тарихий новаторлиги ўз ифодасини топмоқда.

Ҳаёт бизга маданиятларнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсирларидан, уларнинг ҳар бир халқ ва умуман бутун жамият ижтимоий-сиёсий бирлиги негизда ғоявий-ижодий яқинлашувни ҳаётбахш жараёнларидан кўпдан-кўп гувоҳликлар бермоқда. Бу — социалистик тараққиёт табиатига эга бўлган миллий маданиятлар ўзаро муносабатининг янги типидир. Ижтимоий-маданий тараққиётнинг жамулжам коллектив тажрибаси яна шуниси билан қимматлики, у, совет миллатлари ўртасида сифат жиҳат-

дап янги муносабатларни бошлаб беради. Бундай-ўзаро муносабат жаҳон маданияти тарихида ҳали учраган эмас.

Антикоммунизм идеологлари маънавий маданиятнинг интернационаллашув жараёни гўё асрий миллий хусусиятларнинг тугашига олиб боради, деб исботлашга зўр бериб уринмоқдалар. Уларнинг уйдирмаларини турмушнинг ўзи чиқармакка чиқармоқда.

Мамлакатимиздаги миллий муносабатларнинг ривожланиш тажрибаси ривожланган социализм шароитида интернационал хусусиятлар миллий шаклларда ҳам намойён бўлишини ва намойён бўлиши мумкинлигини яққол исботлади. Социализм миллий ўзига хосликни асло тугатмайди, миллий маданиятларнинг яқинлашуви ва бир-бирини ўзаро бойитиши уларнинг равнақ топишига зид бўлмайди, балки аксинча уларнинг ҳар тарафлама камол топишини таъминлайди. Айни социализм халқларга чинакам ижтимоий озодлик ва миллий тикланиш шароитини вужудга келтиради, жаҳон маданияти чўққилари сари йўллар очади. Айни социализм миллий фазилатларни юксакликка кўтаради, ўз чинакам миллий бойликларига бошқа халқларни ҳам шерик қилади. Айни социализм миллийлик билан интернационалликнинг бирлигини барқарор қилади, интернационализм байроғи остида жинсланган халқларнинг тўлақонли ва интенсив маданий турмуши учун шароит вужудга келтиради.

СОВЕТ ХАЛҚИ — ИНТЕРНАЦИОНАЛ ВА МИЛЛИЙ ЖАРАЁНЛАР РИВОЖИНИНГ СIFАТ ЖИХАТИДАН ЯНГИ ПОГОНАСИ

Одамларнинг янги, ижтимоий-интернационал бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги, юқорида қайд этиб ўтилганидек, мамлакатимиздаги миллий муносабатлар ривожининг буюк якуни бўлди. Бу бирликнинг шаклланиши ниҳоясига етганлиги ривожланган социалистик жамият энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хусусиятларининг биридир.

«Тарихан янги социал ва интернационал бирлик — совет халқининг вужудга келганлиги — мамлакатимизда ривожланган социализмнинг муҳим белгиси бўлиб, совет жамиятининг бир хиллиги ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди, бу бирлик КПСС миллий сиёсатининг тантиқаси бўлиб қолди. Бу эса бизда совет кишиларининг феъл-атвори, характери, дунёқарашидаги хусусиятларнинг социал ва миллий тафовутларига боғлиқ бўлмаган

умумий манфаатлар аста-секин устун бўлаётганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради»¹.

Янги тарихий бирлик — социалистик миллатлар ва элатларнинг манфаатлари ва мақсадлари бирлиги, идеологияси бирлиги негизда вужудга келди; совет кишиларини ижтимоий-синфий тузилишининг бир хилда эканлиги, умумий территория, мазмулан яхлит социалистик маданият бирлаштириб турибди. Бошқа сўзлар билан айтганда, совет халқи мамлакатимизда яшаб турган миллат ва элатларнинг шунчаки миқдорий бирлиги эмас. Бу — сифат жиҳатидан янги социал ва интернационал бирликдир. Бу бирлик миллатлар тўла бирлигининг намунаси бўлиши янги, интернационал бирликларни шакллантиришга асосланади.

Совет халқи вужудга келганлиги, халқлар ва миллатларнинг қардошларча бирлиги янги сифат поғонасида мустақамланганлиги «миллий манфаатлар» тушунчасининг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритди. Ҳозир СССРдаги ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатлари умуман бутун мамлакат манфаатларини янада тўлиқроқ ва узвийроқ тарзда ўз ичига олади. Бу эса совет кишиларининг миллий ва интернационал вазифаларни мажмуасидаги ҳал қилувчи ва энг асосий ҳолатдир.

Ривожланган социализм шароитида ишлаб чиқарувчи кучларнинг интеграциялашуви, миллатлараро, республикалараро хўжалик алоқаларининг кенгайиши ва чуқурлашиши асосида мамлакатдаги барча миллатларнинг иқтисодий манфаатлари жуда яқиндан боғланиб бораверади, улар ягона умумхалқ манфаатлари билан ҳақиқатан ҳам бирлашиб кетади. Ҳозирги шароитда ҳар бир миллат ва элатнинг иқтисодий, социал ва маънавий турмушининг барча томонлари уларнинг асосий нарса, ягона совет халқи опласига мансубликлари билан изоҳланади. Совет кишиларининг бирлиги иқтисодий, социал ва маънавий турмуш соҳасида тобора кенгроқ ва чуқурроқ намоён бўлмоқда.

Етук социализм шароитида кўпмиллатли совет халқининг ягона ижтимоий онгидаги янги сифат, совет кишиларининг психологияси учун муштарак белгиси — совет кишисининг умуммиллий ифтихори тўла-тўқис ривожланиб бормоқда.

Ҳар бир совет кишиси ўзини у ёки бу миллатнинг вакили деб ҳисоблайди, бошқа халқларнинг миллий хусу-

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 705-бет.

сиятларига, анъаналарига ва маданиятига ҳурмат билан қарашни ўз ичига олувчи миллий ифтихор унинг ўзига хос хусусиятидир. Аммо барча миллат ва элатларнинг меҳнаткашлари ўзларни бир бутун совет халқининг вакиллари деб ҳисоблаётганликлари уларни характерлайдиган энг асосий белгидир. Бу, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар ҳар бир кишининг вужудга келган янги тарихий бирлик — совет халқига мансублик туйғуси, ўз халқининг, ўз улуг Ватанининг муваффақиятлари билан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ютуқлари билан фахрланиш туйғуси, бутун дунёдаги революцион ўзгаришларга дахлдорлик туйғусидир.

Ривожланган социализм турли миллат меҳнатчиларини жонажон диёрга меҳр-муҳаббатни интернационализм туйғуси билан, СССРдаги барча халқларга ва жаҳон социалистик системаси мамлакатларига чуқур ҳурмат билан кўшиб олиб борадиган коммунизм бинокорлари ягона оиласига янада кўпроқ ва мустаҳкамроқ бирлаштирмоқда. Бироқ, бу турли миллатларга мансуб кишилар ўз миллатига мансублик туйғусидан маҳрум бўлишларини зинҳор билдирмайди. Чунки ривожланган социализм шароитида миллий онг янги мазмун билан бойиб, одамларнинг кўимиллатли совет халқи экономикаси ва маданиятини умуман юксалтиришга ўз миллатининг имкони борича кўпроқ ҳисса қўшишига онгли равишда иштирокини ифодалайди. Қайси миллатга мансуб бўлмасин, бизнинг меҳнаткашларимиз шуни яхши биладиларки, кимки ўз миллатининг имкони борича кўпроқ ва ҳар тарафлама раванқ топишини истаса, аввало, умуман совет халқининг имкони борича кўпроқ ва ҳар тарафлама раванқ топишини таъминлашга иштироки зарур.

Мана шуларнинг ҳаммаси ривожланган социализм миллатлар ва халқларининг социалистик онги ўсиб, социал жиҳатдан тўла равишда бир хил жамяятга — коммунистик жамяятга хос онга айланиши мумкинлиги истиқболлини очиб бераётганини яққол кўрсатади.

Интернационал бирлик турмушининг ҳамма соҳаларига тобора кўпроқ сингиб бормоқда ҳамда совет кишиларининг умуммиллий, умумий социал белгиларини шакллантирмоқда. Ҳозир иқтисодий, маънавий турмуш соҳасида, ахлоқий нормаларда, психологияда, турмушда, бутун совет халқининг яшаш тарзида умумий белгилар кўп. Совет жамяятининг турли синфлари ва социал группаларига мансуб кишилар иқтисодий, сиёсий ва маънавий турмуш соҳасида умумий муҳим белгиларга эга бўлиб, айни вақт-

да мамлакатнинг айрим миллатлари ва элатларига мансубдирлар. Совет жамиятидаги умумийлик ва ўзига хослик, миллийлик ва интернационалик яхлит бир нарсанинг таркибий қисмларидир. Шу сабабли иқтисодий, социал ва маънавий турмуш соҳаларидаги умумсовет, интернационал белгиларни писанд қилмаслик миллий хусусиятларни бўрттириб кўрсатишга ва шу тариқа миллий маҳдудлик ва чекланганликни кучайтиришга олиб боради.

Буржуа пропагандаси кўнимиллатли совет халқининг вужудга келиш моҳиятини зўр бериб сохталаштириб кўрсатмоқда. У совет кишилари тарихий бирлигининг сифат жиҳатидан янги формаси қарор топганлигини рус бўлмаган миллатларни зўрлик билан руслаштириш йўли деб тасвирлашга уринмоқда, бизнинг мамлакатимизда гўё «миллатларни тугатиш» сиёсати ўтказилмоқда, деб ҳар оҳангда қичқирмоқда. Бу беҳуда уринишлардир.

Совет кишиларининг янги тарихий бирлиги миллий ўзига хос белгиларни инкор қилмайди, балки бу белгиларни ривожлантириш учун тағин ҳам кенг имкониятлар яратади. Совет Иттифоқида миллий манфаатлар, мамлакатдаги айрим халқлар иқтисодий, социал ва маънавий турмушининг ўзига хос хусусиятлари интернационал вазифаларнинг ҳал этилиши, барча миллат ва элатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган туб мақсадларнинг амалга оширилиши негизда шисиз кенг миқёсда ривож топмоқда.

Шундай қилиб, совет халқи жамиятдаги интернационал ва миллий жараёнларни ривожлантиришдаги сифат жиҳатдан янги поғонадир. Унинг пайдо бўлиши билан интернационал жараёнларнинг кучайиши бу нисбатдаги етакчи тенденция бўлиб қолди, бу эса ўз навбатида миллатлар ҳар тарафлама равнақ топиши ва муттасил яқинлашишидан иборат бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларнинг мазмуни ва формаларини ўзгартирмай қола олмади. Ривожланган социализм шароитида социалистик миллий муносабатлар учун миллий ва интернационал бирлик манфаатларининг бирга қўшилиши, бир миллат манфаатларининг янги тарихий бирлик — совет халқи манфаатлари билан бирга қўшилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар қандай синфлар ва синфий тафовутларни тугатиш жараёнида социалистик миллатлар социал жиҳатдан тобора бир хил, маънавий, ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан эса ягона бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг яқинлашуви натижасида уларнинг

социал қиёфасида янги ижтимоий уклад туфайли юзга келган муштарак социал ва интернационал белгилар биринчи ўринга чиқиб қолмоқда.

Бу нарса барча миллат ва элатлар учун ягона социалистик турмуш тарзининг камолотга эришишида ўз ифодасини топмоқда. Социалистик турмуш тарзи — социалистик турмушнинг, социалистик ижтимоий муносабатларнинг энг муҳим белгилари мажмуасидир, совет кишилари моддий ва маънавий ҳаёт фаолияти формаларининг мажмуасидир.

Социалистик турмуш тарзи миллий муносабатларни ривожлантириш омили тарзида намоен бўлмоқда ва айни вақтда социалистик миллатлар тарихий фаолият субъекти, социал-турмуш формаларининг ижодкорлари бўлиб, турмуш тарзига, унинг эволюциясига актив таъсир қилади. Совет турмуш тарзи шароитида ҳар бир халқнинг чинакам миллий бойликлари ардоқлаб сақланади ва уларга меҳрибонлик билан қаралади. Шу билан бирга ривожланган социализм шароитида интернационал фазилатлар тобора катта аҳамият касб этади, мамлакатимизнинг ҳар бир граждани янги бирлик бўлмиш совет халқига ўз мансублигини тобора кучлироқ англаб олади.

Социалистик воқелик, совет турмуш тарзининг интернационал табиати, социалистик миллатлар моддий ва маънавий турмушнинг интернационаллашуви, совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлиги совет кишилари интернационал онгини янада чуқурлаштиришнинг, умумсовет феъл-атвор нормаларини, анъаналари ва урф-одатларини шакллантиришнинг объектив асосидир.

Интернационал анъаналар ва урф-одатлар мамлакатимиздаги барча миллат ва элат намояндаларининг ҳаёти ва турмушига шу қадар сингиб кетдики, энди улар маънавий ва социал турмушнинг узвий таркибий қисми деб ҳисобланмоқда. Интернационал байрамлар ва анъаналар, 1 Май, Улуғ Октябрь йиллиги, «Ўроқ ва Болға», ҳосил ва баҳор байрамлари, инчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар сафига қабул қилини ва шу каби кўпинча маросимлар барча миллат ва элатлар учун умумий бўлиб қолди.

Совет халқининг вужудга келишида, унинг бирлигини мустаҳкамлашда одамлар, синфлар ва социал группалар, халқлар ва миллатлар маънавий алоқасининг қудратли ва таъсирчан омили бўлиб қолган рус тили жуда муҳим роль ўйнаб келди ва ўйнамоқда. Рус тили — СССР халқлари миллатлараро муомала ва бирлашув тили, миллатлар ўзаро яқинлашувининг самарали тезлатгичи бўлиб қолди.

Мамлакатимиздаги ҳамма миллат ва элатлар миллатлараро муомала ва ҳамкорлик воситаси бўлмиш рус тилининг родини мамлакатимиз социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш эҳтиёжлари, экономикаимизнинг Умумиттифоқ характери, ўзаро кадрлар юборишнинг интенсив давом этаётган жараёнлари, маданиятларнинг ўзаро яқинлашиши ва бир-бирини бойитиши, совет жамияти турмуши бутун укладининг интернационаллашиб бориши белгилаб бермоқда. Рус тили халқларимизни ўзаро боғлабгина қолмай, шу билан бирга уларни маънавий жиҳатдан яқинлаштираётган кўприқдир, маънавий бойликларни ўзлаштириш ва халқларининг маданиятларини ўзаро бойитиш воситасидир. Айни шу тил муомала соҳасидаги муштаракликни, жумладан, тил стандартларини, интернационал терминология яратиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу соҳадаги янгилıklar кўпгина тиллар луғатининг умумий қисмига кириб, ижтимоий турмушнинг энг муҳим соҳалари, фан, техника, маданиятда содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттиради.

Рус тили — иборалар моделларини универсаллаштириш, тил стандартларини ишлаб чиқиш жараёнини реаллаштиришнинг энг самарали қуролидир, ҳозирги замон кишисининг замонавий турмуш динамикаси, фан-техника революциясининг суръатлари келтириб чиқараётган жараёнини интенсивлаш ва энг мақбул ҳолга келтиришга кўмак бермоқда. Рус тили ҳозирги дунё социал, маданий турмушида содир бўлаётган энг муҳим жараёнларни гоят тўла-тўқис ифодалайди. Асосий илмий, техникавий, социал-иқтисодий, сиёсий адабиёт шу тилда яратилмоқда ёки шу тилга таржима қилинмоқда, бу тил жаҳон цивилизацияси хазинасини бойитмоқда ва ундан баҳраманд бўлишга йўл очмоқда. Бу эса ҳамма халқларимиз ва миллатларимиз намоёндаларини ҳозирги замон фан-техника билимларига, маданият ютуқларига орина қилишнинг энг муҳим воситаси бўлган рус тилининг родини белгилаб беради.

Рус тилининг миллий республикалар меҳнаткашларини маданий жиҳатдан бойитишнинг самарали воситаси сифатидаги аҳамияти унинг маданият тарқатиш механизми, оммавий ахборот манбаи бўлишидангина иборат эмас; унинг аҳамияти ишлаб чиқаришдаги ва унинг ташқарисидаги, оиладаги муҳит снгари каналлар орқали ҳам рўёбга чиқади. Миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тили инсоннинг социал алоқаларини кенгайтиришнинг муҳим қуроли бўлиб турбди, кўнимиллатли ишлаб чиқа-

рийн коллективларида ва ишлаб чиқариш соҳасидан тапқарида бошқа миллатлар ва социал қатламлар вакиллари билан алоқани анча енгиллаштиради, маданият, социал ахборот манбаларини кўпайтиради.

Рус тилини билиш умумий ва социал тайёргарликни оширишнинг, билим доирасини кенгайтиришнинг, рус бўлмаган миллатлар вакиллари умумий ва социал билимдонлигини оширишнинг, билим доирасини, интеллектуал ва умуман социал ривожланишни кенгайтиришнинг самарали воситасидир. Миллий муносабатлар соҳасидаги интеграция жараёнини кучайтиришда рус тилининг роли унинг миллатлараро алоқа воситаси эканлигидангина иборат бўлиб қолмасдан, шу билан бирга у айли вақтда янги умуммиллий, умумсовет маданий анъаналарига, урф-одатларига, феъл-атвор нормаларига жалб этишнинг таъсирчан воситаси ҳамдир.

Бу асло миллий маданиятлар ва тиллар «ўз миллий қиёфасидан маҳрум бўлиши»ни билдирмайди, албатта, аксинча, бу жараён ўз характери жиҳатидан объектив ҳодиса бўлиб, халқларимиз социал-маданий турмушининг ҳамма соҳаларидаги умуммиллий, умумсовет диапазонини ривожлантиришга, кенгайтиришга ҳам кўмаклашади. Рус тилини билиш СССРдаги барча граждaнларининг энг зарур эҳтиёжи бўлиб қолди.

Барча совет кишиларининг икки тиллилиги, рус тилини билиши миллий тилларнинг қадр-қимматини пасайтирмайди. Мамлакатимизда тиллар бир-бири билан ҳеч қачон рақобат қилган эмас ва қилмайди ҳам. Қардошларча дўстлик ва ўзаро ишонч шароитида миллий тиллар тенг ҳуқуқлилиқ ва бир-бирини ўзаро бойитиш асосида ривожланади. Рус тили ва у орқали бошқа халқларнинг тиллари билан яқинлашиш негизда барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш учун мислсиз кенг имкониятлар очилади. Ўзаро яқинлашиш ва бир-бирини бойитиш асосида миллий тилларни, шунингдек миллатлараро рус тилини ривожлантириш имкониятлари кенгайди. Миллий тилларнинг ва миллатлараро алоқа тилининг хилма-хил диалектик боғланиши моҳияти мана шундан иборат.

Ўзбекистон партия ташкилоти улуғ рус тилини ўрганиш ва эгаллаш масалаларига доимо эътибор бериб келмоқда. Ҳозир республика ўқув юртларида 30 мингга яқин мутахассис рус тилидан дарс бермоқда. 14 та педагогика институтида, учта университетда, шунингдек махсус ўрта ўқув юртларида бўлажак рус тили ва адабиёти ўқитув-

челари таълим олмақдалар. Россия Федерацияси ва Украина олий ўқув юртлари ҳам республикамиз учун шундай кадрлар тайёрлаб бермоқда.

Шундай қилиб, совет социалистик миллатлари турмушининг ҳамма соҳасида — экономика, сиёсат, маданиятда интернационализм принциплари қарор топти. Интернационализм барча миллатларга мансуб миллион-миллион кишилар идеологиясининг ажралмас қисми бўлиб қолди, уларнинг чуқур эътиқодига ва ахлоқ нормасига айланди. Бу — иктымол ошқандаги чинакам революцион тўнтариндир. Партиямиз ленинча миллий сиёсатдан ҳар қандай чекинишларга ҳаминча мurosасиз қараб келганлиги, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, миллий масаладаги ҳамма ва ҳар қандай оғмачиликларга қарши кескин курашганлиги туфайли шундай қилишга муваффақ бўлинди.

Партиянинг миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилганлиги ва совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларидаги социалистик ўзгаришлар натижасида миллий масалада ўтмишдан қолган сарқит мамлакатимизда тўла-тўқис ва узил-кесил тугатилди.

Шу билан бирга миллий муносабатлар етук социализм жамиятида ҳам объектив реалликдир. Бу муносабатлар доимо ривожланиб бормоқда, тобора янги-янги масалалар ва вазифаларни ўртага қўймоқда. Партиямиз ҳам бу масала ва вазифаларни бутун мамлакатнинг ҳамда алоҳида ҳар бир республиканинг манфаатларини, коммунистик турмуш манфаатларини кўзлаб ўз вақтида ҳал этмоқда. У интернационал ошги шакллантириш, одамлар ошдаги ўтмиш сарқитларига қарши кураш соҳасида катта иш олиб бормоқда.

Ўнг ва сўл ревизионистлар ва оппортунистлар, ўнг социалистлар, троцкийчилар миллатчилик хурофотларини зўр бериб кучайтираётганликларини — уларнинг ҳаммалари биргалашиб миллатлар ва миллий муносабатлар тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг моҳиятини обрўсизлантиришга, советлар мамлакатида бу таълимот рўёбга чиқарилганини сохталаштиришга уринаётганликларини ҳам доимо эсда тутмоқ керак. Советларга қарши пропаганда СССР халқларининг бирлигини, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини бузишга, совет халқининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари билан қардошларча иттифоқини заифлаштиришга, умуман, жаҳон социалистик позицияларига путур етказишга, шунингдек, миллий масалани ҳал этишдаги

совет таърибасининг таъсирини бўнаштиришга уринмоқда.

Партия ўз ишида мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олмақда. У совет кишиларини халқлар дўстлиги ва қардошлиги руҳида, социалистик интернационализм ленинча принципларига садоқат руҳида гинимсиз тарбияламоқда, миллатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши ва ўзаро тобора кўпроқ яқинлашиши учун қулай шароит яратмоқда.

Коммунизм қурилиши давомида СССР миллатлари ва элатларининг яқинлашув жараёни тобора интенсив ривожланмоқда. Бу — объектив жараёндир. Аммо у ўз-ўзидан, стихияли тарзда давом этавермайди. Коммунистик партия бу жараённи йўлга солиб, унга раҳбарлик қилиб турибди, бунда иттифоқ давлатимизнинг умумий манфаатларини ҳам, шунингдек уни ташкил этувчи республикаларнинг манфаатларини, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятларини ҳам синчиклаб эътиборга олмақда. У социалистик миллатларнинг равнақ топишини ва уларнинг аста-секин яқинлашишини назарда тутувчи ленинча йўлни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Партия миллатларнинг яқинлашуви зўр бериб жадаллаштиришга қаршидир. Зотан бунга ҳеч қандай эҳтиёж ҳам йўқ, чунки совет жамиятининг бутун турмуши, коммунистик қурилишнинг бориши шу жараённи тақозо этаверади.

Кўимиллатли совет халқи ўз ҳаётининг еттинчи ўн йиллигига қудратли ижодий кучлари барқ уриб яшнаган ҳолда қадам қўйди. У партиянинг тарихий режаларини бажариш учун илҳом билан меҳнат қилмоқда, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Меҳнаткаш халқ, бунёдкор халқ, янги дунё — дўстлик, қардошлик, озодлик ва бахт-саодат дунёсининг кашшофи бўлган совет халқи ер юзидаги барча кишиларнинг кўз ўнгида янги, социалистик турмуш тарзи ва интернационал онг соҳиб тарзида намоён бўлиб турибди.

Совет халқи хўжалик ва маданий турмушдаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ҳамма зафарларини ҳақли равишда ўз авангарди — Коммунистик партия билан боғлиқ деб билмоқда. Партиянинг гоят юксак, инсонпарварлик мақсади уни халқ билан қондош-жондош қилиб турибди, барча совет кишилари билан узилмас, пишиқ ришталар орқали боғламоқда. Совет халқининг энг яхши фазилатлари — унинг жанговар рево-

люцион руҳи, ижодий куч-ғайрати, заковати ва комитшончи Ленин партиясида мужассамлашган.

Бинобарин, мамлакатимиз олға томон ҳаракат қилган сайин, совет халқи тобора мураккаб ва кенг миқёсли вазифаларни ҳал этган сайин, партиянинг коммунистик қурилишдаги раҳбарлик роли шу қадар кўпроқ ортиб бормоқда: Ишчилар синфи, бутун халқ позицияларида маҳкам турган, илмий назария — марксизм-ленинизм билан қуролланган партиягина жамиятга тўғри раҳбарлик қилиши ҳамда улуг Совет мамлакатидagi барча миллат ва элатларнинг манфаатларини муттасил рўёбга чиқаринини таъминлашга қодир эканини тарих тажрибаси кўрсатиб турибди.

«Бизда,— дейди ўртоқ Л. И. Брежнев,— барча синфлар ва социал группаларнинг, ҳамма миллат ва элатларнинг, жамиятимиздаги барча авлодларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини бу қадар тўла ва пзчиллик билан ҳисобга олишга, уйғунлаштириш ва координация қилишга Коммунистик партиядан кўра қобилроқ бошқа сиёсий куч йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Партия бутун ижтимоий системанинг ташкилотчи ядроси сифатида, бутун совет халқининг коллектив ақл-идроки сифатида иш кўрмоқда»¹.

1978 йил

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 651-бет.

СУВ ҚЎШИҒИ

Сув... У ҳаво ва қуёш каби ердаги барча тириклик, гўзаллик манбаидир. Сувнинг битмас-туганмас қудратини, унинг беқиёс фазилатини айниқса ер куррасининг қурғоқ зонасида яшовчи Ўрта Осиё халқлари яхши билдилар. Бизнинг элда сувсиз ҳаёт ҳам, мўл-кўлчилик ҳам, бахт ҳам бўлмайди деб, жуда тўғри айтадилар.

Агар биз кўҳна тарихнинг Ўрта Осиё ҳақида баён этилган саҳифаларига назар солсак, сув учун олиб борилган курашнинг ҳаяжонли манзараси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу мардонавор ва фожиали курашлар асрлар қаърига чуқур илдиз отганини кўрамиз. Обиҳаёт ҳақида халқ яратган қўшиқлар, афсоналар ва мақоллар авлоддан авлодга ўтиб келган, неча-неча тақдирларни, миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сув ҳал қилган. «Сув — деҳқоннинг қони, ер — унинг жони», «Сувсиз ҳаёт йўқ», «Сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тамом бўлади» — қўшиқларда шундай тараннум этилган, афсоналарда шундай тасвирланган, мақолларда шундай ифодасини топган.

Ҳар бир томчи сув олтип билан баробар бўлган — у ҳаминша танқис бўлиб келган. Аммо шундай пайтлар ҳам бўлганки, аҳоли зич яшайдиган водийларга тоғдан сел келиб, ҳамма нарсани барбод қилган, одамларга беқиёс кулфатлар келтирган. Инсон табиатнинг бундай телба қилиқлари олдида ночор қолган.

Ўрта Осиё халқларининг тарихи — бу сув иншоотларини бунёд этиш, уни ташқи душманлардан ҳимоя қилиш каби тинимсиз, машаққатли, аммо шу билан бирга ҳаминша мароқли, илҳомбахш меҳнатдан иборат эди. Асрлар давомида халқ ўзининг бутун ақли ва заковатини табиатнинг сўқир кучларини ўрганиш ва уларни жиловлаб олишга сафарбар этарди: қадим замонларда ирригациянинг юксак ҳамда мураккаб санъати ана шу тарзда пайдо бўлди, анҳор ва ариқлар ёрдамида дашту чўлларни сугоришни одамлар ана шу тариқа ўрганиб олдилар, аста-секин бўз ерларни ҳосилдор экинзорларга айлантира

бошладилар. Аммо сув ҳали халқни ки эмас эди. Сувга бой, феодаллар эгалик қилиб олган эдилар.

Асрлар мобайнида одамлар сув, демакким ер ҳам ўз ихтиёрларида бўладиган бахтли замонларни орзу қилиб келганлар. Бу орзу-армонлар отадан ўғилга, ўғилдан неварарага, неварадан чеварага мерос қолган.

Аммо Ўзбекистонда мелиорация ишларининг ҳақиқий ривожига фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошлашган. Бутун мамлакатимиз бўйлаб кўк-ламга ҳаётбахш момагулдирак сингари наъра таратган Октябрь сув ва ерни золимлар қўлидан олиб ҳақиқий эгаси — халққа топширди. Ерни, ўрмонларни, конларни миллийлаштириш ҳақидаги тарихий декрет Совет ҳокимияти қабул қилган ilk давлат актларидан эди. Бу декрет ирригация-мелиоратив ишларни кенг кўламда олиб бориш учун беқиёс имкониятлар яратиб берди. Бу ишлар Шарқ халқларининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида печоғли аҳамиятга эга эканини илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс, уларнинг издоши ва ишларининг давомчиси улуғ Ленин жуда яхши тушунар эдилар. Улар ўз асарларида Шарқ деҳқончилиги сунъий каналлар ва сув ишоотлари ёрдамида суғоришга асосланган дир деб, қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Ифтихор тараққиётни шарт-шароитини ҳамда халқ оммасининг ҳаётий даражасини юксалтиришни улар худди шу нарсада кўрдилар.

Улуғ Ленин совет ирригация ва мелиорация ишларининг бошида турди. У Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб ўрта Осиё суғориладиган деҳқончилигининг асоси бўлган сув масаласини ҳал қилиш ва кенг йўлга қўйиш учун тинимсиз ғамхўрлик қилди. Владимир Ильич мелиорация ишларига хўжалик нуқтаи назаридангина қараб қолмай, шу билан бирга унга фавқулодда ижтимоий-сиёсий аҳамият берар эди. У суғориш ишлари ҳаммадан ҳам Совет Шарқи учун жуда зарур деб ҳисоблар, «бу ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди»¹, деб доҳиёна башорат қилган эди.

Доҳий Ленинининг васиятларини амалга ошира бориб Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдамига таянган ҳолда сув хўжалиги қурилиш ишларини кенг миқёсда амалга

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 43-том, 225-бет.

оширдилар, чўл ерларни серҳосил далаларга айлантириш учун мардонавор курашга отландилар. Ўрта Осиё республикалари учун нондай зарур масала — мелиорация қурилишларига илмий ёндашиш илк беш йилликлар давридаёқ ҳамда урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига табиат кучларини сезиларли даражада жиловлаш, деҳқон ҳаётини тубдан ўзгартириш ва яхшилаш имконини берди, ривожланган социализм шароитида мелиорация ишлари билан барабар уни ҳаётга татбиқ қилиш имкониятлари ҳам беқиёс даражада ўсди. КНСС МК май (1966) Пленуми мамлакатимизда ерлар мелиорациясини ривожлантиришда кескин бурилиш яседи. Пленум мелиорация масаласини махсус кўриб чиқди, унга улкан сиёсий аҳамият бағишлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда қилган докладда партия ва халқ олдига кўлами жиҳатидан гоят улуғвор ҳамда узоқ вақтларга мўлжалланган мелиорация программасини қўйди. «Ерларни мелиорация қилиш ҳам, бизнингча, эндиликда энг муҳим ишдир, — деб таъкидлаганди Л. И. Брежнев. — Бу ишнинг бир сидра ўтиб кетадиган компания эмаслигини, бу иш — қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ муддатга мўлжалланган программа эканлигини, жуда катта куч-ғайрат ва бир талай капитал маблағ ҳамда моддий-техника воситалари сарфлашни талаб қилувчи программа эканлигини равшан тушуниб олишимиз ҳамда буни бутун партияга, бутун халққа қатъий қилиб айтишимиз керак. Бу программа илм-фан ва тажриба маълумотларига, эндиликда совет экономикаси ихтиёрида бўлган реал имкониятларга таянади»¹.

Бугунги кунда ерларни мелиорациялаш — КНСС аграр сиёсатининг муҳим звеноси, таркибий қисмидир.

Партия мелиорация программасини кенг суратда амалга ошираркан, Ленин васиятларига содиқ эканлигини тинимсиз намойиш этаверади, ўзининг бутун фаолияти ягона мақсадга — инсонга ғамхўрлик, унинг фаровонлигини ошириш, халқ бахт-саодатини таъминлашга қаратилганлигини тўхтовсиз тасдиқлайверади.

Ушбу рисолада Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончиликнинг ўсиши, заҳматкаш деҳқоннинг сув учун олиб борган кураши, партия азму қарори билан ерларнинг мелиорация ва ирригациясининг кенг программаси ўлкани ўзгартириб юборгани, Совет ҳокимиятининг дастлабки кушлариданоқ давлатимиз алоҳида аҳамият бериб келган

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 1-том, 457-бет.

вазифа, яъни Ватанимиз пахта базасини яратипдек ҳолатда муҳим иқтисодий вазифани муваффақиятли ҳал этишга олиб келгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳа, партия томошидан қўйилган вазифа — Ватанимиз пахта базасини яратиш — муваффақиятли ҳал этилди. Учинчи беш йиллик дастлабки уч йилнинг ўзидаёқ мамлакатда 25 миллион 535 минг тонна «оқ олтин» олинди, шундан 16 миллион 512 минг тоннаси Ўзбекистонда — Совет Иттифоқининг асосий пахта базасида етштирилди.

Мана шундай натижаларга эришишдаги энг муҳим омиллардан бири — мелiorация ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидир. Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўлларида, Амударёнинг қуёи сўмидаги қўриқ ерларда юз берган ва юз бераётган ажойиб ўзгаришлар шулардан далолат беради.

Амалга оширилган ишлар қанчалар улугвор бўлмасин, биз эришилган марраларни қилаётган ишчимизнинг боиланиши деб биламиз, биз шу мустаҳкам пойдевордан туриб, биёбонларга янада қудратлироқ ҳужум қиламиз, ҳосилдорликнинг ушбу бебаҳо хазиналари ҳозирча биз учун очилмай турган бўлса, лекин улар албатта очилажак, вотаи, уларнинг калити ўз қўлимиздадир.

«Қишлоқ хўжалигимизнинг келажаги мелiorация ишларини кенг кўламда ривожлантиришга боғлиқ»¹. КПСС Марказий Комитетининг Бон секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзларини биз мазкур рисоламизга элиграф қилиб олишимиз истар эдик.

АСРНИЙ ОРЗУ

Қуёш тинида қақраб, қовжираб, сувсизликдан ҳалсираб ётган ерлар асрлар мобайнида «сув, сув» деб илтижо этарди. Одамлар ҳам сув деб, илтижо қилардилар, сувни тириклик манбаи деб билар, сув бўлса муҳтожлик ва кулфатлардан халос бўламиз, деб ўйлардилар. Одам сув орзуси билан яшар, сувни армон қилиб, кўкка қўлларини чўзганча худодан жуда бўлмаганда фарзандлари, набиралари учун обиҳаёт тилаб дунёдан ўтиб кетаверган.

Шарқда Фарҳодчалик кенг тарқалган эркак исми йўқ. Ривоятларга қараганда, афсонавий Фарҳод тоғни тешиб сувга йўл очган. Бундан илҳомланган буюк Павоний ўзининг авлоддан авлодга ўтиб келаётган ўлмас дostonини яратган. Бу дostonни халқ доимо севиб ўқийди. Пазари-

¹Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 3-том, 97-бет.

мизда қаҳрамон образида улкан тарихий ҳақиқат мужас-самлашган. Фарҳоднинг тешаси шунчалар оғирки, уни ўн икки азамат йигит базўр ердан узади. Бу ажойиб жасоратни у фақат ҳусни ойдай тўлган гўзал Ширин қиз учун қилгани йўқ. Ҳамма замонларда ҳам аҳил ва қудратли оддий одамлар, сувчилар, мироблар бўлган, уларнинг бир-галикда, елкама-елка туриб кўрсатган жасоратлари Фарҳодникидан асло кам эмас. Улар сув келсин деб, далалар ҳосил берсин деб, ҳаёт чашмаси қуриб қолмасин деб, ҳеч бир аслаҳа-анжомсиз, ёлғиз ақл-заковат кучи билан тоғларни талқон қилиб, анҳорлар қазиб, мўъжизакор тўғонлар бунёд этдилар.

Мингларча йиллар сув учун олиб борилган курашлар, ирригация иншоотлари қуришнинг авлоддан-авлодга ўтиб келган тажрибалари суғоришнинг ажойиб анъаналарини яратгандир. Халқ усталари ҳеч бир механизм, ҳеч бир асбоб-ускуна ишлатмасдан, гидравлика қонун-қондаларини қалбан фаҳмлаб, фақатгина малака ва иқтидорга таянган ҳолда ирригация системалари, гидротехник иншоотлари барпо этдилар.

Бебаҳо сув учун одамлар анҳорлар қазигашлар, тош, шох-шабба, қорабувраддан тўғонлар барпо этганлар, коризлар кавлаганлар. Одамлар ўз заковатлари билан далаларга сув чиқаришнинг энг содда йўлини топганлар, чигир яратганлар.

Қадим замонлардан Зарафшон ва Фарғона водийсида, Хоразм ҳамда Амударё қўйи оқимидаги ерларда суғориш ишлари қўлланиб келади. Бу районлар азалдан ирригациянинг моҳир усталари билан машҳур.

Эрампдан аввалги 140—127 йилларда Хитойдан Фарғонага сафар қилган хитой элчиси Чжан Цзянь императорга берган ахборотида Яксарт (Сирдарё) водийсида яшовчи аҳоли суғориладиган деҳқончиликда омилкор эканлиги ҳақида ёзган эди.

Тарихий ҳужжатлар ўлкамизда энг қадимий суғориладиган деҳқончилик райони бўлмиш Хоразмдаги ирригация иншоотларининг анча балаид савияда қурилгани ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда эрампдан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида дарёнинг ўнг қирғоғидаги Хоразм ерларини сув билан таъминлаган Гавҳор анҳорини Амударёдан қазиб келишган.

Қадимги юнон ҳамда араб тарихчи ва географ олимларининг берган маълумотларига қараганда милoddан аввалги III ва II асрлардаёқ Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида йирик суғориш иншоотлари мавжуд бўлган. Улар-

дан баъзилари, масалан, Заҳ, Искандар, Бўзсув, Салор ариқлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Араблар VII асрда Ўрта Осиёга босиб келганларида ҳаммадан ҳам Мурғоб суғориш системасидан қаттиқ ҳайратга тушганлар. Кейинчалик, юз йилдан сўнг араблар Баграда азим анҳор қазиб, уни Мурғоб деб аташган. Ҳеч шубҳа йўқки, ўша анҳор қазувчилар орасида бизнинг диёримиздан олиб кетилган халқ усталарининг шогирдлари ва авлодлари албатта бўлган. Ўрта аср олими Гардизийнинг айтишига қараганда араб истилочилари VII асрда Ўрта Осиёдан сувсиз Арабистонга «сув билимдонларини» олиб кетишган. Шундан сўнг улар Макка атрофида суғориш системаларини бунёд этганлар.

Машҳур шарқшунос олим В. В. Бартольд XVI—XVII асрларда Фарғона водийсида суғориш ишларининг катта ютуқлари ҳақида гап юритар экан, шундай дейди: «Тарихда биринчи марта Қорадарё ҳамда Нориндан анҳорлар қазиб ўтказилди. Ваҳоланки илгари ва ҳатто Сомонийлар замонасида ҳам, бу ерлар Сирдарёнинг шимолий ва жанубий irmoқларидан қазиб келинган анҳорлар воситасида суғорилар эди. Каналлар ўзлари суғорадиган майдонлар ҳажмига кўра Туркистон тарихида муҳим ўринни эгаллаганди».

Ҳа, Ўрта Осиё ерларининг ирригация ва мелиорация ишлари асосида ҳамisha халқнинг машаққатли ва тобе меҳнати, шу билан бирга истеъдод барқ уриб турган ижодий меҳнати ётади. Аммо сув иншоотлари қурилишларига бутун кучи, ақл-заковатини бахш этган одамлар ўзларининг бир парча қақроқ ерларига сув келтиролмай фарёд кўтариб, худога нола қилар эдилар. Сув эса, хонлар ва амирлар, беклар ва ҳокимларнинг ерларига айқириб оқиб ётар, бойлардан уқубатли шартлар эвазига ижара олинган қорандаларнинг ерларига эса жилдирабгина оқиб келарди. Шарият ва тариқатни дастуриламал қилиб олган хону беклар сувга яккаю ягона хўжайин бўлиб олган эдилар. Қишлоқ жамоалари ўртасидаги сув тақсимотини улар буткул ўз ихтиёрларига олган эдилар. Бошқа ҳеч илож қолмай очликдан ўлмаслик учун бойнинг сувидали олишга уринган деҳқон хонавайрон бўларди.

Ўзбек шоири Миртемирнинг «Қўзи» номли шеърий ҳикояси бор. Уни чуқур ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Қўзи деган камбағал бир одам яшарди. Кунни кун демай, тунни тун демай минг ишласа ҳам, сира қосаси оқармайди. Унинг бирдан-бир орзуси — бир парча бўш ер

точиб, пешона терию қони билан сугориб, ишлов бериб
ҳосил ояш.

Тер оқизар узун йил,
Бўлади баттар муҳтож,
Тошга тегар, синар дил
Юрак қони тўлар бож...
... Тордир олам саҳнаси
Ер қаттиқ, осмон йироқ...
Хаста кабутарсимон
Дилда жафо раҳнаси.
Сўнган умиднинг осмон,
Гўё мудҳиш даҳмаси...
... Кетмон қаттиқ тушганда
Дашти тутар садоси.
Қуни ҳеч бўлмас канда.
Ер очмоқ муддаоси,
Чарчаганда чўзилиб —
Йиғлар якка куйнга...

Қўзи ҳаммасига бардош берди. Мана, орзу қилган ариқ
ҳам қазилди. Мана энди обиҳаёт, табаррук сув билан пар-
ча ерига оқиб киради. Афсус, буни кўриш жафокаш Қў-
зига nasib қилмади. Қўроқ бойнинг арзанда ўғли калла-
кесар шериклари билан бир парча ташландиқ ерга сув
очмоқчи бўлган шўрлик батракни ўласи қилиб калтак-
ладилар.

Бошга солди катта дов,
Бой боласи шу замон,
Миниб ғазаб отига,
Юрди жазо лашкари.
Боқмас Қўзи додига
Калтак тушар бош сари.
Бой шунақа сув ичар,
Сувга қўшиб қон ичар.

Бу воқеага анча бўлди. Халқ «Ўфонқус» деб ном қўй-
ган ўша ердан ўтар экан, ҳар бир кишининг эсига зул-
матли кунлар тушади, бугунги кунимиз янада ёрқинроқ
бўлиб кўринади.

Илгарилари ўлкамиздаги барча ирригация ва мелио-
рация ишлари мажбурий меҳнат воситасида амалга оши-
рилларди. Деҳқонларни ишга зўрлаб ҳайдаб олиб келишар
ва шафқатсиз равишда эзиб ишлатишарди. Мисол учун

1819 йили Фарғонадаги Янги ариқ қай тариқа қазилганини эслаш кифоя. Ариқнинг Норин дарёсидан ажралиб чиқадиган ери тайин бўлгач, хон амри билан ҳар бир хонадон ўн беш кунга об-овқатию кетмони билан бир кишини ишга чиқаради. Ариқ қазилшдан бош торганлар аёвсиз жазоланади. XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон хони Худоёрхон даврига оид ҳужжатлардан бирида шундай дейилган: «Уч йил аввал, хон Ҳиндкўл ёнида Сирдан ариқ чиқараётган чоғда ўттизтача одам амри олийга қулоқ солмай ишга келмадилар. Шунинг учун уларни бўйинларигача ерга кўмилди, то ўлгуларича шу аҳволда қолдирилди».

Аmmo ҳаётга бўлган муҳаббат сўнмасдир. Халқ ўз диёрига, у қанчалик мазлум ва ташнаком бўлмасин, битмас-туганмас муҳаббат қўйган. У ўзининг келажаги порлоқ, мусаффо, бахтли бўлишига зўр умид боғлаган, ишонган.

Ҳақиқатан ҳам, халқ донолиги чексиз, истеъдодининг хазинаси тубсиздир. Ўзбекистонда прригация ишларининг замирида ҳам халқнинг мунаввар ақл-идроки ҳамда сермашаққат меҳнати ётибди.

ТОНГ ОЛДИДАН

«Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди». Мпрзачўл ҳақида айтилган бу нақл том маъноси билан Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина районларига ҳам тегишли. Ер юзидаги жамики тирик жонга ҳаёт бағишлаб турадиган қуёш бу ерлардаги ҳамма нарсани, қисқа баҳор ёмғирларидан бош уриб чиққан ҳамма ўт-ўланни аёвсиз куйдирар, қовжиратар эди. Сув борган жойда, прригация ва мелiorация нишоотлари қад кўтарган жойлардагина ердан ҳосил олинар эди.

Карл Маркс ўзининг «Ҳиндистонда Британия ҳукмдорлиги» деган машҳур асарида шундай деб ёзган эди: «Иқлим шароитлари ва ер устининг ўзига хос тузилиши, айниқса бепоён саҳроларнинг мавжудлиги... Шарқ деҳқончилигида каналлар ва прригация нишоотлари ёрдамида сунъий суғориш системасини асос қилиб қўйди»¹. Бу сўзлар бизнинг кунларимизда ҳам ўз маъносини тўлиқ сақлаб келаётир.

Қатрада офтоб акс этганидек, Ўрта Осиё прригацияси тарихида ўлканнинг гуллаб-яшнаган ва инқирозга юз тутган даврларини яққол кўриш мумкин. Феодал урушлар

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 9-том, 132-бет.

ва талон-торожлар пайтида минг-минглаб одамларнинг йиллар мобайнида қилган меҳнати билан бунёд топган мураккаб суғориш иншоотлари вайрон бўлиб кетарди.

Чингизхон ўрдалари Ўрта Осиё ерларини мисоли қора қуюндай сунуриб ўтди. Улар жуда кўп сув йўлларини, еерҳосил далаларини, боғ ва узумзорларни ер билан яксон қилдилар. Бир вақтлар гуллаб-яшнаб турган воҳа саҳрога айланди, қумларининг шиддатли кўчкларига бардош беролмай, шаҳарлар барбод бўлди.

Аммо абадий енгилмас, ортга қайтмас ҳаёт олға қараб бораверди. Абадийан хароб бўлиб кўрнган ерлар бағрига ариқ-ариқ сувлар кела бошлади. «Печа ўилаб чақирим ерларга обихаёт олиб келаётган қудратли оқимларни кўриб, жуда оз техника билимига эга бўлган ҳолда жазирама Туркистон қуёли остида қаттиқ меҳнати билан бутун ўлкани суғориш тармоқларига чулғаб юборган халққа беихтиёр дилдан тасаннолар ўқийсан». 1913 йилда таниқли рус олими В. И. Масальский ўзининг «Туркистон ўлкаси» монографиясида ана шундай деб ёзган эди.

Ўрта Осиёнинг Россияга кўшиб олиниши ўлка халқларининг тарихида бурилиш нуқтаси бўлди, уларни чет эл босқинчиларига қул бўлиб қолиш хавфидан қутқарди, феодал муносабатлардаги бир қанча сарқитлардан халос бўлишга, буюк рус халқининг инқилобий курашига, унинг анча юксак иқтисоди, фани ва маданиятига қўшилишига ёрдам берди.

Аҳолининг синфий структурасида ҳам ўзгаришлар содир бўлди, ишчилар синфи пайдо бўла бошлади. Руслар ва маҳаллий аҳоли ўртасида дўстлик мустаҳкамланди. Барча меҳнаткашларнинг чор истибодди ва эзувчилардан халос бўлиш учун олиб борган курашидаги манфаатларнинг бирлиги тушунчаси ўсди.

Ушса пайтда рус лойиҳачилари, олим ва мутахассислари ирригациянинг инженерлик асосида такомиллаштирилишига катта аҳамият берганлари ҳолда мавжуд ирригация системаларининг техник аҳволини синчиклаб ўрганиш билан шугулландилар, кенг кўламда қидирув ишлари олиб бордилар, инженерлик иншоотлари ва қаналлар лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Кўпинча олим ва мутахассислар подшо амалдорлари ва маҳаллий бойлар ҳеч қандай ёрдам бермагани ҳолда жонларини аямай меҳнат қилар эдилар.

Худди ўтмишдаги халқ усталари каби рус мутахассислари ҳам фидокорона жасорат билан меҳнат қилар эдилар. Сирдарё суви билан Мирзачўлни суғориш лойиҳасини

ишлаб чиқиш мақсадида Мирзачўл бўйлаб уюштирилган экспедицияга раҳбарлик қилувчи штабс-капитан Ульянов «Туркестанские ведомости» газетасида, жумладан, шундай деб ёзган эди: «Бу парса устидаги изланишлар уч йилдан бери давом этиб келаётир, исбий кўтарилишларни аниқлаш учун ер сатҳининг умумий текислигини топиш бўйича олиб борилган иш бажариб бўлинди, Сирдарёнинг Мирзачўл платосига оқиб чиқадиган жойи, иккинчи йилдирки, нўль деб аниқланди, бу йил эса суғориш каналининг бундан ҳам қулайроқ йўлини қидириб топиш, унинг профили ва трассировкасини тузиб чиқиш учун бир гуруҳ олимлар сафарбар этилади... Соф техник қийинчиликлар ҳақида сўзламаганда ҳам, бу ишларнинг барини Мирзачўлдай жойда май ойида Реомюр бўйича 36° даражали иссиқда ишлаш кераклигини қанчалик маъносиз кўринмасин, унутиб бўлмайди; боз устига сув танқислигидан от билан чўл ичкарисига узоқ кириш қийин, баъзи жойларда эса сув мутлақо йўқ, демакки, барча қидирув ишларини уловсиз олиб боришга тўғри келади».

Бу ҳақда Ульянов ҳарбий губернатор бошчилигидаги махсус комиссияга сўзлаб берган эди. Мирзачўлни уйқудан уйғотиб, бу ерларда мўл пахта ҳосили олиш режаси комиссияга маълум бўлган эди, бироқ бу ерда битта нозик «лекин»и бор эди... Гап шундаки, чор ҳукумати Мирзачўлга сув чиқариш ишларига зарур маблағ ажратмаган эди.

«Туркестанские ведомости» газетасининг бошқа бир хабарига кўра, маъмур комиссия йиғилишида воқеалар кейин қуйидагича тус олади.

Молия министрлигининг вакили берган саволга жавобан Ульянов шундай деган:

— Гап шундаки, янги канал мутлақо янгича услубда барпо этилади. Қурилишда давлат капитали кредит ҳисобида қатнашади, уни генерал-губернатор ички резервлардан ажратади, бундан ташқари таъбир жоиз бўлса, маҳаллий ишчилар тимсолидаги капитал ҳам иштирок этади, уларни қурилиш учун уездлар ва Тошкент шаҳри етказиб беради.

— Улар текинга ишлайдиларми? Пул берилмайдими? — комиссия аъзолари ҳайрон бўлиб сўрадилар.

— Ҳудда ҳам ундоқ эмас, — деб жавоб берди Ульянов. — Гап шундаки, бу ерда маҳаллий аҳолининг ўз ағъаналари борлигини унутмайлик. Бу ағъаналарнинг қисқача мазмун шундай. Ўрта Осиё халқларининг сув учун олиб борган асрий курашлари тарихи йиғининг ўз махсус

қонуыларини яратган. Улар бир-бирларига беғараз, беминат ўзаро ёрдам беришга одатланганлар. Қаердаки сув ҳақида сўз очилса, маҳаллий халқ ёрдам учун ҳамиша шай турган. Бунинг устига ган кичкина ариқ қазиш ҳақида эмас, Мирзачўлни қайта тирилтириш устида кетаётир!

Ҳа, маҳаллий халқ бундай савобли иш учун барча куч-қувватни сарф этишга тайёр эди. Бироқ канал қуриш иши уч йилгача базўр судралиб келди-ю, кейин бирийўла тўхтатиб қўйилди.

Қурилишга ажратилган арзимаган маблағлар ҳам беҳаёларча талон-тороғ этилди, ишчи кучлари етишмади. Аммо Мирзачўлни суғориш ғояси халқнинг юрагига маҳкам жо бўлиб қолганди. Чўлни суғоришга шуиҷалик кўп куч сарфлаган илк қидирувчиларнинг орзулари ерда қолмади. Тўғри, уларнинг орзуси фақатгина бизнинг даврга келиб ушалди, холос. Бу ҳақда кейинроқ сўзлаймиз.

Қўшиқларда, ривоятларда, афсоналарда таъриф кўнлаб келтириладиган Амударёнинг сувидан рационал фойдаланиш мақсадида озмунча ишлар олиб борилмади дейсизми. Замонавий ўзбек адабиётининг классиги Ғафур Ғулом ўзининг шеърларидан бирида шундай дейди:

Кўҳна Хоразмнинг гулбоғларидан
Келин юриши-ла кулиб боқароқ,
Босган йўлларини чаманга буркаб,
Туркман воҳасига қондай оқароқ.

Қорақум чўлларин камардай чулғаб,
Ўз ёрин қўйнига шошган куёвдай,
Ва ҳаёт қозонин қайнатиш учун
Қуёшдан узилган қутлуғ оловдай.

Туркман тулпорининг ҳамма қилиғин
Ўзига кўчириб, саркашу танҳо,
Неъмат дастурхонин шароби каби
Хазарга оқарди бу улуг дарё.

Бутун қуввати-ла, латофати-ла
Шу улуг қитъага берса ҳам безак,
Хону хоқонларнинг бўстонларида
Рақсга тушувчи заппи канизак...

Азим дарё сувидан фойдаланиш борасидаги Ўрта Осиё халқларининг орзуларини тараққийпарвар рус олимлари

тўғри тушунар ва ардоқлар эдилар. Цизерлинг, Глуховский, Ризенкамф, Ермолаев, Коинин, Моргуненков ва бошқа таниқли олимлар юқорида зикр этилган масала бўйича кўп йиллик ва атрофлича қидирув ишлари олиб бордилар. Амударё сувидан фойдаланишнинг фундаментал, илмий жиҳатдан асосланган лойиҳалари оламга келди. Гарчи чор Россияси шаронтида бу иланларни амалга ошириш мумкин бўлмаган эса-да, улар Ўрта Осиёда ирригация ишларини ривожлантиришнинг улкан проблемаларини ҳал этишда муҳим назарий омил бўлиб хизмат қилдилар. Амалда ирригация қурилишлари ғоят суёт олиб борилди. Чор истибдоди янги сув ишоотлари қуриш, эскиларини техник жиҳатдан яхшилашга зарур маблаг ажратмади. Туркистонда чоризм ҳукмдорлик қилган давр мобайнида бор-йўғи бир нечтагина инженерлик ишооти қурилди, оддийгина суғориш системалари яратилди, бор-йўғи 87 минг гектар ер суғориладиган экинзорларга айлантирилди.

Улкан нахтачилик бўйича ихтисослаштириш билан боғлиқ бўлган суғориш деҳқончилигини ривожлантиришда оз бўлса ҳам олға силжиш рўй берган бўлса-да, икки тарафлама зулмдан азоб чекиб келаётган халқнинг ҳаёти ҳеч бир ўзгаришсиз қолаверди.

Туркистоннинг Россияга қўшиб олганидан кейин ҳам чоризм сувдан фойдаланиш борасидаги ўз сиёсатини ўзгартирмади. 1886 йилда тасдиқланган «Туркистонда ирригация ишлари бўйича муваққат қондалар»да «энг муҳим катта ариқлар, анҳорлар ва дарёларда оқадиган сувлар аҳолига берилади», лекин бунда одатга амал қилинади, дейилган, ер ва сув барибир бойларники бўлиб қолаверган эди.

Ушундай даврдаги ўзбек халқ қўшиқларидан бирида шундай куйланади:

Омборлар тўла дон,
Оч-наҳорим болам.
Ариқлар тўла сув,
Ташнаи зорим болам.

Ўрта Осиёнинг қашшоқлик ва ҳақсизликдан эти устихонига тақалган меҳнаткаш халқлари бир неча бор қўзғолон кўтардилар. Лекин яхши ташкил этилмаганлиги, инқилобий кураш тажрибаси бўлмаганлиги, аниқ мақсад сари йўналтирилмаганлиги сабабли бу қўзғолошлар ҳеч қандай самара бермадилар.

Тун ҳар қанча зимистон бўлмасин, тонг отиши муқаррардир. Ғазаб алаиғаси тобора авж олаверди. Бойларга қарши бош кўтарган ва таъқиблардан қочиб бепосён Ўрта Осиё кент ва қишлоқларида паноҳ топган рус қўзғолончи деҳқонларнинг ҳикояларини маҳаллий деҳқонлар бутун вужудлари билан тинглар эдилар. Бу ерда қисқа муддат ичида ўнлаб рус посёлкалари барпо топиб, уларнинг аҳолиси маҳаллий эл билан аҳил-шиноқ яшар эди. Зулмат қатъридан қуёш нурлари барқ уриб чиқа бошлади. Рус инқилобий пролетариатининг вакиллари Ўрта Осиё меҳнаткашларига марксизм-ленинизм гояларини олиб келдилар. Бу гоялар оддий халқ онги ва қалбига тобора чуқур ўрнана борди. Ўрта Осиё меҳнаткашлари ва рус ишчи синфи биргаликда феодал-помешчик зулмига барҳам бериш учун, чоризмга, рус капитализмга ва маҳаллий эксплуататорларга қарши кураш бошладилар.

Халқнинг миллий онги билан барабарига синфий онги ҳам уйғона бошлади. Ўлкампз Октябрь тонгини кутиб олинн учун дадил одимлар ташламоқда эди.

ЛЕНИН ДАҲОСИ БИЛАН

Ўлка меҳнаткаш халқи ўз асрий орзу-истаклари Октябрь революцияси туфайли ушалишнини, фақат мана шу инқилоб туфайлигина келажакка энг яхши умидлар билан боқа олишнини яхши биларди. 1917 йил, ноябрь ойининг ўрталаридаёқ, ҳали Россия узра «Аврора» замбаракларининг тарихий садолари гулдираб турган бир пайтда, Тошкентда йирилган Шўролар ўлка съезди Туркистон Совет ҳукуматини сайлади, бутун ўлка меҳнаткашларини Шўролар ҳокимияти атрофида бирлашишга даъват этувчи Туркистон жумҳуриятининг Халқ Комиссарлари Советини ташкил этди.

Улуғ Ленин асос солган, Россия халқларини зафарга бошлаб келган Коммунистик партия бутун ҳокимиятни меҳнаткашлар қўлига тоширди ва эксплуататорлар давлатини тугатиб, хусусий мулкчиликка барҳам бериб, ўлка иқтисоди ва қишлоқ хўжалигининг жадал равишда ривожланиши учун принципиал жиҳатдан янги база яратиб берди.

Тарихда биринчи бор деҳқонлар тақдирини ҳал қилдиш масаласи реал заминга қўйилди. Ҳамма ган шунда эдики, қишлоқни социалистик асосда қайта тиклашнинг энг тўғри йўлларини топиш лозим эди. Бу йўллар ленинча кооператив иланда белгилаб берилганди. Улар ишчилар

қамда деҳқонлар иттифоқини тобора мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, миллион-миллион майда деҳқонлар хўжаликларини йирик ишлаб чиқариш кооперативларига бирлаштириш, қишлоқ хўжалиги учун ҳозирги замон индустриал базасини асос қилиб олиш, маданий революцияни амалга ошириш, деҳқонлар оммасининг руҳий ва маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришдан иборат эди.

«Равшанки,— деб айтган эди В. И. Ленин,— синфларни батамом йўқ қилмоқ учун эксплуататорларни, помещик ва капиталистларни ағдариб ташлашдан ташқари, *уларнинг* мулкларини бекор қилишдан ташқари ишлаб чиқариш воситаларининг *ҳар қандай* хусусий мулкчилигини ҳам бекор қилмоқ керак, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни ва шунингдек жисмоний меҳнат кишилари билан ақлий меҳнат кишилари ўртасидаги тафовутни ҳам йўқотмоқ керак»¹.

Партия бу масалаларни кўтариб, уларни ҳаётга татбиқ қилиш учун миллионлаб меҳнаткаш деҳқонларни оёққа турғизди. Мамлакатимизнинг кейинги бутун ҳаёти, қишлоқни қайтадан яратишдаги, шунингдек, социализм ва коммунизм қуришнинг барча участкаларида қўлга киритилган ҳамма улкан ютуқлар Лениннинг улуғ кооператив плани нақадар доҳиёна ва теран эканлигини тўлатуқис намоён қилди.

Сугориш деҳқончилиги анъана бўлиб келган Ўрта Осиё шароитларида қишлоқ хўжалигининг юксалишига ирригация ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қиладди. В. И. Ленин Шарқ экономикасини ривожлантиришда ирригация ишларининг улкан аҳамиятини таъкидлар экан, партиянинг диққат-эътиборини янги социал муносабатларда, ўлкан тубдан ўзгартиришда, социализм қуришда ирригация ишларининг ролига жалб этди. Шунинг учун ҳам ерларни сугориш масалалари ҳамisha Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг диққат марказида бўлган ва бўлиб келаётир.

Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг шонли тарихида 1918 йил 17 майда Ленин имзо чеккан РСФСР Совнаркомининг «Туркистондаги сугориш ишларига ва бу ишларни ташкил этиш учун 50 миллион сўм ажратиш ҳақида»ги декрети абадий ўрин олди. Ленин декрети Ўрта Осиё совет республикаларида ирригация иншоотлари қурилиши ва ерларни сугориш ишлари кенг кўламда ва мунтазам равишда олиб борилишига асос солди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 17-бет.

Бу декретда Мирзачўл, Далварзин ва Учқўргон чўлларида 556 минг десятина ерни суғориш, шунингдек, 20 минг десятина майдондаги мавжуд ирригация системаларини яхшилаш мўлжалланган эди.

Шу тариқа бутунлай янги социал иқтисодий ва техник асосда ирригация ишларининг шптоб билан ривожланиши учун замин яратилган эди. Партия суғориш ишларини, чўлу биёбонларни серҳосил далаларга айлантириш масалаларини ленинча донолик билан ҳал қилмоқда эди. Декретга биноан Туркистонда забардаст мутахассисларни бирлаштирган, ирригация ишлари бўйича махсус бошқарма ташкил этилмоқда эди. Бу гоят қудратли имкониятларга эга бўлган ташкилот эди. Мирзачўлни, Зарафшон дарёси воҳаларидаги ерларни суғориш, Сирдарёнинг юқори томонида сув омборлари, Хилково станциясида цемент заводи барпо қилиш, Фарғона области ерларини суғориш ишлари бўйича барча бошқармалар шу ташкилот ихтиёрига ўтказилган эди.

Гражданлар урушига, очарчиликка, вайронагарчиликка ва бошқа гоят зўр машаққатларга қарамай, декрет эълон қилиниши билан Россиядан Туркистонга қараб дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, дори-дармонлар ортилган эшелонлар йўлга чиқди.

Мелиорация ишлари бўйича масалалар ГОЭЛРО плани ва ўша пайтдаги жуда кўп энг муҳим ҳужжатларда ўзифодасини топди. Ленин топшириғига биноан Ўрта Осиё шароитлари билан яхши таниш бўлган бир гуруҳ олимлар Туркистонда суғориш ишларини йўлга қўйиш ва электрлаштириш планини тайёрладилар.

Бундан шу нарса кўриниб турибдики, Туркистонга нафақат хомашё базаси деб, балки тўқимачилик, химия, машинасозлик, оғир ва енгил саноатнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун жуда кенг имкониятларга эга бўлган ўлка деб ҳам қаралар эди.

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон ерларининг ирригация ва мелиорация ишлари ривожига улкан ҳисса қўшган қардош рус халқи вакиллари: Ф. П. Моргунов, Г. К. Ризенкамф, В. Ф. Булаевский, Н. В. Макридин, В. С. Малигин, С. Т. Алтунин, А. Н. Аскоченский, В. В. Пославский, Е. А. Замарин, В. Д. Журич, Н. А. Янишевский, С. М. Курбатов, В. Ф. Рейх, Б. Д. Коржавин, И. Д. Лебедев, Б. А. Михельсон ва бошқа кўпгина олимларнинг номларини чуқур ҳурмат билан тилга оладилар.

Халқ Комиссарлари Советининг Ленин имзо чеккан Туркистон ва Озарбайжон Совет Социалистик Республи-

каларида пахтачиликни қайтадан тиклаш (ноябрь, 1920), Туркистон Давлат университети ташкил этиш, унинг таркибида гидромелиорация факультети очилди (1920) ҳақидаги машҳур декретлари ўлкада ирригация ишларини тобора авж олдиришга, мавжуд ирригация ишоотларини тартибга келтиришга, хўжалик парокандалиги йилларида қаровсиз қолган ерларда сугориш ишларини қайта тиклашга, сув хўжалиги мутахассислари тайёрлашни бошлаб юборишга имконият туғдирди.

Интервенция ва граждандар уруши йиллари очарчилик ҳамда вайронгарчиликка дучор бўлган мамлакатимизнинг марказий ва бошқа барча районлари йирик капитал жамғармаларга, ўқиминиши ҳамда малакали мутахассисларга муҳтож эди. «Совет ҳокимияти, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев 1973 йилда Тошкентдаги Санъат саройида Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида, — миллий чекка ўлкалар деб аталган районларни тезроқ тараққий эттириш йўлини тутди. Шу билан бу ишга рус халқи жуда катта ҳисса қўшди. Нимаки топса шунинг ҳаммасини ўзининг Ўрта Осиёдаги қардошлари билан бегараз баҳам кўрди»¹.

Меҳнаткаш деҳқонларга моддий ёрдам кўрсатилди, ер ва сувдан фойдаланишда, уруғлик, дон, ўғит, асбоб-ускуна сотиб олишда имтиёзлар берилди. Пахтакорлар қатъий давлат нархлари бўйича озиқ-овқат ҳамда саноат моллари билан таъминлаб турилди.

1922 — 1926 йиллар мобайнидаёқ ўлкада ирригация системаларини тиклаш ва тобора ривожлантириш ишлари учун 83,4 миллион сўм маблағ ажратилди. Чундан ҳам, алпона ишлар бошланиб кетди: сув хўжалиги ташкилотларини принципиал янги асосда тузиш, феодалбой унсурларнинг сув тақсимлашдаги ўзбошимчаларча эгаллигига чек қўйиб, обиҳаётдан оқилона фойдаланиш учун янги тартиблар ишлаб чиқиш, биринчи жаҳон уруши ва граждандар уруши йиллари мобайнида вайрон бўлган сугориш системаларини тиклаш борасида режалар тузиш, лойиҳа-қидирув ва илмий-текшириш ишларини ташкил этиш, маҳаллий миллат вакилларида сув хўжалиги эҳтиёжи учун кадрлар тайёрлаш ва ҳоказо.

Давлат томонидан кўрсатилган кенг қўламдаги иқтисодий ёрдам туфайли йирик сугориш системаларида ҳажм жиҳатдан салмоқли миқдордаги тузатиш ҳамда тиклаш

¹ Л. И. Брежнев. Лекин йўлдан, 4-том, 315-бет.

ишларини амалга оширишга, шунингдек, Зарафшон, Фарғона водийлари, Мурғоб дарёси, Мирзачўл, Қорақалпоғистонда қатор янги ирригация объектларини барпо этишга имкониятлар яратилди.

Натижада Ўрта Осиё республикалари пахтачиликни тиклаш, уни ривожлантириш билан чекланиб қолмай, ўтмишда қолақ бўлган халқларни социалистик қурилишга, янги ҳаётга олиб кириш сизгари гоят муҳим социал муаммони ҳал этдилар.

Сув хўжалигида бу, аввало мелиорация ширкатлари тувишда ўз ифодасини топди, бу ширкатлар ўлка қишлоқ хўжалигида тубдан ўзгариш қилишга асос бўлди, улар коллективлаштиришнинг биринчи қалдирғочлари эдилар.

Ўзбек халқининг «Бирлашган тоғни талқон қилади» деган мақоли бор. Шу маънода мелиорация кооперацияларига бирлаштиш қатор гоят муҳим масалаларни ҳал қилишга ёрдам берди.

Биринчидан, давлат ёрдамига таянган мелиорация кооперацияси майда гидронивоотлар ва хўжалик тармоқларини қайтадан йўлга қўйишга кўмаклашди;

иккинчидан, мелиорация кооперацияси деҳқонларни сўғориш системаларини бошқаришга жалб қилиб, сувдан фойдаланувчи гуруҳларнинг синфий табақаси, экин майдонининг ҳажми, экин навига қараб одилона сув тақсимлаш учун курашишда омманинг ташаббускорлигини кучайтиришга ёрдам берди;

учинчидан, мелиорация кооперацияси қишлоқ бойларининг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш ҳисобига деҳқонларнинг энг камбағал табақаларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириб турди. Бу эса, ўз навбатида, жойларда сув хўжалигини бошқариш ишларида қуроқ, бой унсурларнинг таъсирини йўқотиш учун замин яратди;

ва ниҳоят, *тўртинчидан*, мелиорация-кооперация қишлоқларда миробларни сайлашнинг халқчил асосларини мустаҳкамлашга, уларнинг меҳнатини натурал маҳсулотлар билан эмас, пул билан тақдирлаш, яъни ирригация солиғи ҳисобига маош тайинлашга, миробларга ҳукумат хизматчилари каби қарашга имконият тугдирди. Бу эса, гоят катта спёсий ва иқтисодий маъно касб этди.

Шу тариқа мелиорация кооперацияси коллектив меҳнат тажрибасини қўллаб, халқни принципал янги, ижтимоий адолатли негизда жамоат меҳнатига бошлаб, унда дўстлик, ягона мақсадга интилиш каби ҳис-туйғуларни тарбиялади.

Давлат мелиорация ширкатларини техника билан таъминлаб, уларда ишлаш учун энг яхши мутахассисларни юборарди. Аслини олганда бу ширкатлар миллий кадрларни тарбиялаш, бутун сув хўжалигини янги, прогрессив техника асосида қайтадан тиклаш мактаби бўлиб хизмат қилди.

1924 йилнинг ўзидаёқ ўша даврдаги оғир вазиятга қарамай, ишонч билан айтиш мумкин: марказда ва жойларда улкан социалистик ўзгаришлар учун замин тайёрлаш бўйича партия, совет, хўжалик органлари томонидан олиб борилган катта тайёргарлик ишлари ўзининг дастлабки кўзга кўринарли самараларини берди. Пахта экин майдонларининг кенгайиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Умуман олганда, Ўрта Осиёда экин майдонлари беш баробар кенгайди, унинг ҳажми 1922 йили 69 минг гектар бўлса, 1924 йили 360 минг гектарни ташкил этди.

Шу давр мобайнида ўлкамизда экономикани янада жадал суръатда ривожлантириш, ер-сув ислоҳотини ниҳоясига етказиш, суғориладиган хўжаликларнинг асосий, муайян муаммоларини янада тезкорлик билан ҳал этиш учун тоят улкан сиёсий аҳамиятга молик воқеа содир бўлди.

Ҳап 1924 — 1925 йилларда Ўрта Осиёда рўй берган миллий давлат чегараланиши, унинг территориясида қатор мустақил совет социалистик республикалари ташкил этилиши ҳақида бормоқда.

Бундан кейинги бутун ҳаёт партия ленинча миллий сиёсатини амалга оширишининг яққол намунаси бўлган бу тарихий тадбирнинг нақадар тўғрилигини исботлади. Миллий чегараланиш Ўрта Осиёдаги барча халқларнинг хоҳиш-иродасини ифода этди. У чинакам улкан муваффақиятларга асос солди, бу билан Ўрта Осиё халқлари ҳақли равишда фахрланмоқдалар.

Шу ўринда Ўрта Осиё шарт-шароитида ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли ниҳоятда мураккаб аҳволда ўтган ер-сув ислоҳоти хусусида бирмунча муфассалроқ тўхташни лозим топдик.

Россиянинг марказий районларидан фарқли ўлароқ Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти қарор топган дастлабки йилларда йирик ер эгаларининг ер-мулки ҳалигача мусодара қилинмаган эди. Биринчи босқичда (1921—1922 йиллар) барча деҳқонларнинг сув ва ерга бўлган ҳақ-ҳуқуқлари тенглаштирилган эди. Асосий масала—ердан фойдаланишда аҳолининг маълум бир қисми эга бўлган имтиёзларни йўқотишдан иборат эди. Қадимда чор ҳужу-

мати томонидан камбағал туб аҳолидан тортиб олинган ва рус қулоқ, капиталист ва амалдорлари—ишламай тишлайдиганлар — ихтиёрида бўлган ерларни собиқ эгаларига қайтарилиб берилди. Ислохотнинг иккинчи босқичида (1925—1929 йиллари) эса, барча ижтимоий гуруҳларнинг томорқадан ташқари ортиқча ерлари умумий равишда мусодара қилинди.

Бу тадбирлар ғоят катта сиёсий аҳамиятга молик эди. Улар рус ҳамда маҳаллий аҳолининг ўзаро ишонч ва дўстлик ришталарини маҳкамлашга, янги ҳаёт қуриш йўлида олиб борилган курашда уларнинг фаолиятини, ташаббускорлигини оширишга имкон берди, аҳолининг меҳнаткаш табақаларини эксплуататорларга иқтисодий қарамликдан ва уларнинг ғоявий таъсирларидан халос этишида муҳим роль ўйнади.

Яна шунинг ҳам айтиш керакки, биринчи ер-сув ислохоти маҳаллий феодал ва қулоқ хўжаликларининг асосий қисмига тегмади; улар ерлардан илгари қандай фойдаланган бўлсалар, шундайлигича қолди. Бой-феодалларнинг ерларини ёпиасига давлат ихтиёрига олишдан бурун меҳнаткаш деҳқонларни эксплуататор синфлар ва руҳонийларнинг маънавий таъсиридан озод қилиш зарур эди.

Ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг иттифоқини мустаҳкамлаш борасидаги муваффақиятлар 1925 йилдан бошлаб бир қатор областларда хўжаликларнинг паст-баландлигини, аҳолининг сиёсий фаоллигини ва эксплуататорлар синфининг таъсир даражасини эътиборга олган ҳолда мунтазам равишда ер-сув ислохотини ўтказишга имконият яратиб берди. Қишлоқ хўжалигида товар-пул муносабатлари чуқур плдиз отган, давлатнинг планли бошқариш вазифасига хийла кучли таъсир ўтказиши мумкин бўлган сугориладиган ерлари бор районларда ер-сув ислохоти биринчи навбатда ўтказилди. Хўжаликнинг феодал-патриархал уклади сарқитлари ҳали кучли бўлган районларда ер-сув ислохоти бирмунча кечроқ ўтказилди. Ислохот 1929 йилда ниҳоясига етказилди.

Патриархал-феодал муносабатлар ҳали ҳам чуқур плдиз ёйган миллий қишлоқлардаги бу революцион-демократик ва социалистик ўзгаришлар партия ва Совет ҳокимияти томонидан қилинган улкан сиёсий ҳамда ташкилий ишлар эвазига амалга ошди.

Улар қишлоқ меҳнаткашлари оммасининг синфий ва сиёсий оғи ўсиши натижасида юзага келди. «Ер — ишлаганилки» деган шioriни амалга оширишда қишлоқ

меҳнаткашларининг оммавий ташкилотлари — «Кўшти» иттифоқлари катта роль ўйнади.

Собиқ батрак, камбағал, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ер, ишчиларга мол-ҳол ва қишлоқ хўжалик асбоб-уекуналари ажратилиши ана шундай улкан спёсий аҳамиятга эга тadbир эдики, у қишлоқ ҳаётини ўзгартириб юборган, феодализм сарқитларига барҳам берган, меҳнаткаш деҳқонларни бой, савдогар, дин ва хон гумашталари том зулмидан озод этган том маънодаги инқилоб бўлди.

Ер-сув ислоҳоти қишлоқнинг капиталистик ва зараркунанда унсурларига қақшатқич зарба берди, қишлоқ меҳнаткашлари оммасини бирлаштирди, уларни давлат қурилишига, Совет мамлакатини идора этиш каби ишларга тортди.

Ер-сув ислоҳоти даврида асосий эътибор ва кўплаб пул ҳамда моддий маблағлар сув хўжалиги иншоотлари қурилишига қаратилди. Бу даврда ислоҳотнинг биринчи даражали вазифаларини ҳал қилиш билан бирга суғориш системаларини тuzатиш, инженерлик тишидаги сув тўсиқлари ҳамда дарёларда тўғонлар қуриш юзасидан жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Ер-сув ислоҳотининг якунловчи поғонасида сув хўжалиги қурилишида камбағал хўжаликлар ўртасида тақсимлаб бериш учун суғориладиган ерларнинг қўшимча фонднн яратиш масаласига асосий эътибор берилди.

Республикада ер-сув ислоҳоти ниҳоясига етказилганидан сўнг давлат ёрдамида ҳамда аҳолининг оммавий равишида иштироки билан каналларнинг жуда кенг тармоқлари бунёд этилди. Қуёш куйдириб сўхта қилиб ташлаган ерларга сув келди.

Партия ва ҳукумат томонидан қабул қилинган тadbирлар натижасида республика 1928 йил арафасида суғориладиган ва пахта экиладиган ерлар майдонини анчагина кенгайтириб, пахта ҳосилини инқилобдан олдинги даврга нисбатан кўнрoқ етиштиришга муяссар бўлди. Мана шу мустаҳкам заминдан туриб кишилар янги чўққилар сари интилдилар. Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш ҳаракати бошланди.

Ирригация қурилишларининг суръати йилдан-йилга ўсиб бораверди. Ингирманчи йилларнинг охирларида Далварзин даштларида 44 минг гектар бўз ерни суғорадиган янги сув системаси қурила бошлади. Зарафшон дарёсида Биринчи Май номидаги тўғон, Тажик дарёсида Қарибент тўғони каби йирик гидротехник иншоотларга илк пойдевор қўйилди.

Партия ирригация ишларини илмий асосда олиб боришни йўлга қўйди. кадрлар тайёрлашга катта эътибор берди. 1923 йил, март ойида бўлиб ўтган Туркистон Компартияси VII ўлка съездида қабул қилинган қарорларга биноан турли шаҳарларда гидротехник сув хўжалиги ўқув юрталари, илмий-текшириш муассасалари очилди.

«Олим бўлсанг — олам сеникки», дейди халқимиз. Кадрлар тайёрлаш, жумладан сув ишоотлари қуришининг тарихий тажрибаларидан боғабар маҳаллий миллатлар вакилларида кадрлар етиштириш халқ тажрибасини илмий асослар билан бойитиш имконини берди, мелиорация ҳамда ирригация қурилишларини янги, баланд босқичга кўтарди, олға бошлаб борди.

Ленин кооператив планининг муваффақиятли амалга оширилиши бутун қишлоқ хўжалиги, жумладан, ирригациянинг истиқбол учун ҳал қилувчи омил бўлди.

Тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлмиш коллективлаштириш қишлоқ ҳаётига тобора мустаҳкамроқ кириб келарди. Қишлоқ ва овулларни социалистик қайта ўзгартириш жараёни нақадар мураккаб ва оғир шароитда ўтгани, партиямиз қандай тўсиқларни бартараф этгани, бий-қулоқ унсурларнинг ёвузларча хатти-ҳаракат қилганлари тарихдан маълум. Аммо чуқур сув лойқаланмайди, ҳақ сўз темирни ҳам тешиб ўтади. Майда хўжаликлар бўлиб яшаганда муҳтожликдан қутулиб бўлмаслиги, фақат кооперация туфайлигина муваффақиятларга эришиш мумкинлиги ҳақидаги Лениннинг фикрлари деҳқонларнинг ақлу зеҳнига тобора маҳкамроқ жо бўлмоқда эди. Миллион-миллион майда яқка деҳқон хўжаликлари қолхозга кириб, янги ҳаёт қурилишини бошлаб юбордилар. Қишлоқ хўжалиги социалистик йўлдан шиддат билан олға бормоқда эди.

Коллективлаштириш жараёнида деҳқонларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини уйғунлаштириб юборишга имкон берадиган қишлоқ хўжалик артели — хўжаликни жамоатчилик асосида бошқаришнинг энг қулай йўли топилган эди. Ишчилар синфи ва қашшоқ деҳқонларнинг қишлоқдаги ўртаҳол деҳқонлар билан бир ёқадан бош чиқариб қилган саъй-ҳаракати, олиб борган қаттиқ курашлари натижасида эксплуататорларнинг қаршилиги синдирилди. Ялпи коллективлаштириш асосида эксплуататор синфининг энг сўнги кўп сонли вакиллари бўлмиш қулоқлар батамом тугатилди. Социалистик мулкчилик қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлиб қолганди. Одамни одам эксплуатация қилишини келтириб

чиқарувчи барча ижтимоий сабаблар узил-кесил барта-
раф этилганди.

Коллективлаштириш Октябрь инқилоби қўлга кирит-
ган галабаларни мустаҳкамлади, қишлоқни янги, социал-
листик йўлга олиб чиқди, ишчилар билан деҳқонлар син-
фи иттифоқини яна ҳам мустаҳкамлади.

СССРда коллективлаштириш тажрибаси тарих сино-
видан аъло даражада ўтди ва эндиликда бу тажрибалар
кўпгина социалистик мамлакатлар томонидан муайян
шарт-шароитлар ва хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда
ижодий фойдаланилмоқда.

Бир вақтнинг ўзиде йирик давлат ихтисослаштирил-
ган суғориш хўжаликлари — Ўрта Осиёда социалистик
қишлоқ хўжалиги ячеёкаси бўлмиш совхозлар ҳам юзага
кела бошлади. 1929—1940 йилларда тузилган Ленин но-
мидаги совхоз, «Боёвут», «Малик», Ўзбекистон ССР Беш
йиллиги номи, «Далварзин — I», «Савай» совхозлари
эришган ютуқларни бутун мамлакат билди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, колхоз ва
совхозларни ривожлантириш, йирик механизациялашган
ишлаб чиқаришни ташкил этиш суғориладиган ерларнинг
мелиоратив аҳволини тобора яхшилаб боришни, дала
майдонларни кенгайтиришни ва шу муносабат билан
суғориш шаҳобчаларини қайта тиклашни талаб қилар
эди. Бу ишлар барча Ўрта Осиё республикаларида кенг
қулоч ёйди, асрлар оша юзага келган суғориш майдонла-
рининг ташкил этилиши ҳодисаси социалистик ўзгариш-
лар ичида энг муҳимларидан бири бўлиб қолди.

Бу даврда меҳнаткашларнинг бутун куч-ғайратлари
энг муҳим давлат вазифасини ҳал этишга — пахта ҳосил-
лини кўтаришга, пахтаиш капиталистик мамлакатлардан
олиб келишдан қутулишга, мамлакатнинг пахта муста-
қиллигига эришишга қаратилган эди.

«Пахта мустақиллиги учун!» Бу жанговар чақириқ
газета саҳифаларидан тушмас эди, радиопрограммаларда
тинмай янграб эди, энг биринчи вазифа, пахта экадиган
республикалар меҳнаткашларининг интернационал ҳамда
ватанпарварлик бурчи бўлиб қолган эди.

«Фойдаланилмай ётган ерлар ҳисобига суғориладиган
майдонларнинг кўпайтирилишини таъминловчи сув хў-
жалиги объектига барча диққат-эътибор ва воситалар-
ни қаратиш партия белгилаган программанинг бажарили-
шига кифолат берувчи асосий шартдир.

Ваҳш, Чирчиқ, Оҳангарон, Чу водийсида янги йирик
ирригация системалари қуриш, Хоразм, Қашқадарё ва

бошқа жойлардаги эски ирригация системаларини тузатиш ҳақидаги масалаларни энг қисқа муддат ичида ҳал қилиш кўзда тутилган эди. Ҳар бир республика бўйича сув хўжалиги қурилиши планлари ишлаб чиқилганди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг улкан ёрдами билан Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон ССР пахта етиштириш бўйича олдиларига қўйилган вазифанинг уддасидан чиқдилар ва бу билан мамлакатимизнинг пахта мустақиллигини тўла таъминлаб бердилар.

1929 йилда Ватанимиз тўқимачилик саноатига 262 минг тонна пахта етказиб берган бўлса, биринчи беш йиллик охирига бориб 395 минг тонна ёки пахта толаси умумий истеъмолнинг 97 процентдан кўпрогини олган.

1978 йилда пахта экадиган республикалар Ватанга 8 миллион 480 минг тонна пахта (бундан 2,7 миллион тонна тола ишлаб чиқилади) етиштирган маррадан туриб қаралганда олдинги 395 минг тонна гоаят оз туюлиши мумкин. Бироқ ўшанда бу ғалабамизнинг янги марраси эди, бугунги юксак чўққилар сари шиддатли парвоз шу маррадан бошланган эди.

Давлат биринчи беш йилликда Ўрта Осиё республикаларидаги ирригация қурилишларига ўша давр миқёси бўйича улкан маблағ: 315 миллион сўм ёки чор ҳукумати мустахлака Туркистонга 50 йил давомида ажратганидан қарийб беш барабар кўп маблағ ажратганди.

Биринчи беш йиллик сув хўжалиги қурилишлари харитасида Учқўрғон, Далварзин ва Мирзачўл чўллари ерларини ўзлаштириш бўйича олиб борилган ишлар, Вахш ва Чирчиқ-Қорасув суғориш системаларини яратиш, Чуводийси ерларини суғориш ва бошқа тадбирлар ёрқин юлдузлар билан белгилаб қўйилган.

Бизнинг сув хўжалиги қурилишларимиз планларини чет эллик мутахассислар афсонавий хаёлпарастлик деб ҳисобладилар. 1930 йилда Вахш суғориш системаси қурилиши плани билан танишиб чиққан америкалик мутахассис Л. Гордоннинг сўзларини эслаб ўтиш мароқлидир: «Сизлар жуда ҳам хаёлпараст экансизлар, орзуларингиз чексиз! Мен йирик «Империал Валлей» ва «Хиндистон» сингари ирригация системаларида ишлаганман. АҚШ фирмалари менни соғлом зеҳинли удадурон америка амалиётчиси сифатида қадрлайдилар. Мен Калифорния олтин қидирувчиларини кўрганман, мен Эдисон бўлишини орзу қилган примус ихтирочиларини кўрганман, мен замонамизнинг энг мароқли романчиси Герберт Уэллс би-

лан суҳбатлашганман. Дўстлар, уларнинг планлари дади ва маҳоватли эди, аммо сиз Вахшда амалга оширмоқчи бўлаётган нарсалар ҳаммасидан кўра зиёдадир. Мен қатъий айтаманки, инсоният бундай шароитда бундай ишларни ҳали кўрмаган. Кечирасизлару назаримда, бу ишларни амалга ошириб бўлмайди».

Бироқ америка мутахассиси учун амалга ошириш мумкин эмасдай бўлиб кўринган ишлар социализм ва коммунизм қуришдек ягона мақсад теварагида жипслашган совет кишилари томонидан муваффақият билан адо этилди.

Мамлакатимиз ўсиб, кучга тўлиб, тобора қудратли бўла борди. Кенг қулоч ёйиб бораётган индустриализация янги йприк саноат корхоналари қурилишини бошлаб юборишга ва шу билан бирга саноатнинг янги тармоқларини яратишга имкон берди. Автомобиль саноати ана шундай юзага келди, ер қазини техникасини ишлаб чиқувчи корхоналар пайдо бўлди. Бу мелiorация ва сув хўжалиги ишларининг сифати ва суръатларига дарҳол сезиларли ўзгаришлар киритди. Бу ишларнинг бари аста-секин саноат ва механизация асосига қўйилди. Чўл ва саҳролар сари бошланган ҳужум тобора қудратли, тобора тартибли ва пичил тус ола бошлади.

Масалан, Далварзин канали қурилишида экскаваторлар ёрдамида бир миллион кубометр ер ишлари бажарилди. Булар Ўрта Осиёда сув хўжалигини механизациялаш бўйича ташланган дастлабки одимлар эди.

Айни замонда биринчи беш йиллик сув хўжалигини ташкил этишни илмий асосга ўтказди. Ер-сув ресурсларидан рационал фойдаланишнинг амалий асосдаги планларини ишлаб чиқишга қаратилган қидирув ва лойиҳавий ишлар жуда кенг қўламда олиб борилди. Шу билан бирга яна ҳам мукамалроқ техника қўллаш, гўза ҳамда бошқа маданий экинларни суғоришнинг янги усулларини татиқ этиш бўйича илмий-ишлаб чиқариш тажрибалари ҳам кенг қулоч ёйди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикаларида биринчи беш йилликда ирригациянинг ривожланиши қишлоқ хўжалигида рўй бераётган социалистик ўзгаришлар руҳига тўла жавоб берарди, бу ўзгаришлар майда, патриархал, уруғчилик сарқитларини тугатиб, йприк социалистик коллектив хўжаликларни дунёга келтирди.

Булар барчаси янги социалистик жамият кишисини тарбиялашда, уни коллективчилик руҳида, ~~меҳнатга~~ янги-ча муносабат руҳида тарбиялашда катта роль ўйнади:

Ийрик сув хўжалиги қурилишларини амалга ошириш, қишлоқдаги ижтимоий ўзгаришлар маҳаллий инженер-техник хизматчи кадрларни кенг миқёсда тайёрлаш учун база яратди. Россия Федерацияси ва Совет Иттифоқининг бошқа қардош республикаларидан келган юқори малакали мутахассис кадрлар ва ишчилар бу ишга жалб этилдилар. Натпжада меҳнаткаш халқ ичидан чиққан янги мутахассислар юксак малакага эга бўлдилар. Улар оммага ҳаётнинг янги укладыни ва илгор социалистик маданиятини олиб кирдилар.

Сув хўжалиги қурилишининг ҳажм ва миқёслари ўсиши билан республикалараро кооперация ва ўзаро ёрдам ҳам ўсди, қардош республикалар ўртасида иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. Булар барчаси совет жамиятининг мустаҳкамланиши учун, мамлакатимиз халқлари ўртасида интернационал дўстлик алоқаларининг ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий замин яратиб берди.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Сув ва ерга эга бўлиб, озод меҳнат нашидасини сурган, жонажон партия илҳомлантирган халқ сув, пахта, мўл-кўлчилик учун янги зафарларга отланди.

1939 йилда Ўзбекистонда халқ қурилишлари даври бошланди. Ерларни суғориш чиндан ҳам умумхалқ ишига айлапти.

Катта Фарғона каналининг барпо этилиши ўша даврнинг энг ёрқин воқеаларидан бўлди. Тилларда дoston бўлган бу афсонавий қурилишда бир юз олти миш миш киши қатнашди. Участка ва бригадаларни партия райкоми раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари бошқардилар. Ҳоят қисқа муддат — 45 кун ичида 344 километрли сув артерияси ишга туширилди. Катта Фарғона канали қурилишида улкан ҳажмдаги ер ишлари бажарилди — 18 миллион кубометр тупроқ қазиб олинди, юзлаб катта ва кичик ишпоотлар бунёд этилди. Канал Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистонда янги ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш ишининг яхшиланишига имкониятлар яратди.

Ўша даврда бундай суғориш каналининг барпо этилиши кўлам жиҳатидан улкан, ишви социалистик йўналишда ташкил этишининг мисли кўрилмаган намунаси бўлди. Катта Фарғона канали қурувчиларининг донги бутун мамлакатга ёйилди.

Канал қурилиши билан боғлиқ воқеалар вақт ўтган сайин кўз ўнгимизда тобора улуғворроқ кўринади. Уша упутилмас кунлар хотираси бугун ҳам халқ қалбида, у яратган қўшиқ ва дostonларда яшайди.

Уша давр газета саҳифаларини чуқур ҳаяжон билан варақлаймиз. Ҳар бир номерда худди фронтдан олинган хабарларга ўхшаш бир сменада қилинган ишлар, қурилиш бригадаларининг жасорати ҳақида ҳаяжонли ҳикоя, қурилишда биринчи кундан бошлаб, то охириги кунгача ҳукм сурган мислсиз меҳнат нафоси ҳақида ахборотлар босилган.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва бошқа газеталарда босилган мақола ва хабарлар, очерк ва репортажлар ўша кунлар манзараларини хотирамизда қайтадан жонлантиради.

«...Ҳамма нарса шай, қурувчилар жангга отланган қўшин каби сигнал кутмоқда.

Мана, қишлоқларда қарнайлар чалиниб, куй ва қўшиқлар садоси узоқ-узоқларга таралмоқда. Байрам шу тарзда бошланади. Канал қазилишга чиқиб ҳам ўзининг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган кўламини ва ҳажми билан чинакам байрамга айланиб кетди.

Шу кунлари халқ ғайратининг тўлқини роса авжга чиқди. Фарғона водийси йўлларини гўё одам сели олгандек эди. Канал қазилиши белгиланган томон турнақатор бўлиб одам, арава, автомашина, поезд қарвонлари оқиб келаверди».

«Правда Востока» газетасидан олинган бу парча ўша кунлар манзарасини яхши гавдалантиради. Газета яна шундай деб ёзади: «Уч кеча-кундуз Фарғона йўллари қайнаб тошди. 160 минг киши канал трассасига чиқди. Такрорланмас, ҳаяжонли дамлар... Одамлар оқими олдида 42 терма ва 50 дан ошиқ колхоз миллий оркестрлари борар эдилар.

«...Колхозчилар билан бирга трассага минг-минг инженер-техник ходимлар, врачлар, санъаткорлар чиқдилар».

Қурилиш кунлари зафарли ишларга тўла кунлар бўлди. Зарбдор, фидокорона ва тапти ишлар. Жасорат кўрсатиш ҳар бир киши учун сув-ҳаводек зарур эди.

Биринчи куннинг ўзидаёқ каналнинг йигирманчи участкасида Тошлоқ район «Донбасс» колхозини стахановчилари нормани 200 процентдан ошириб меҳнат қилдилар. 12 участкада эса Олтинқўл райони «Ҳақиқат» колхозининг 40 азамати норма бўйича 125 кубометр тупроқ ўршига 225 кубометр тупроқ қазиб олди.

Қурилиш қаҳрамонлар яратди. Ҳн минглаб колхозчи сув келса симириб, тош келса кемириб, қийинчиликларни енгиб, тиззадан сув кечиб ишлаб, метивдай қаттиқ ерни талқон қилар эди. Одамлар иш унумдорлиги ҳақидаги ҳар қандай тасаввурлардан ортиқроқ иш қилиб, мўъжизалар яратар эдилар. Социалистик мусобақа кенг қанот ёйди. У қимматли ташаббуслар, ватанпарварлик починилари билан бойинб борди. Масала, нормасини бир кунда ишиг процент қилиб бажарувчи мингчи-стахановчилар ҳаракати кенг кўламда қулоч ёйди.

Қурилиш одамларини ҳам меҳнат, ҳам иқтимоий, маданий, сиёсий жиҳатдан тарбияловчи чинакам мактаб бўлди. Бу қурилиш озод меҳнатга эришган халқнинг катта ирригация яратиш йўлида абадий ҳиллираб турувчи байроғига айланди.

Фарғоналиклар ҳамда улар билан сафбаста туриб канал қазинида юксак олижаноблик кўрсатиб ишлаганларнинг намунаси республика қишлоқ меҳнаткашларини ирригация қурилишида янги зафарларга чорлаб, совет пахтачилигини янги чўққиларга кўтариш учун курашга илҳомлантириб юборди.

Каналларни халқ ҳашари йўли билан барио этини ҳақида янги ва янги хабарлар бирин-кетин пайдо бўлаверди. Мана, шулардан бири: «Бухоро областининг Косон, Қарши, Бешкент районлари колхозчилари Катта Фарғона канали қурувчилари тажрибасини қўллаб, 14 километрлик янги канал қазинди. Бу канал минг-минг гектар янги ерларни сугорди».

Ирригация ишоотларини жадал суръатлар билан қуриш соҳасида бошланган колхозчилар ҳаракати Ўрта Осиёнинг ўн ва юз минглаб деҳқонларини социалистик бунёдкорлик ишига жалб этишининг бир шакли бўлиб, колхоз тузумининг тантанасини намойиш қилар эди.

Бундай ҳаракат фақат социализм тузуми шарт-шароитида юзага келиб, шу қадар кенг миқёсда ёйилиши, қўллаб-қувватланиши мумкин эди. 1940 йил 30 декабрда чиққан «Правда» газетаси бош мақоласида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган эди: «Катта Фарғона канали социалистик қурилиш тарихига, давлатимиз тарихига унинг энг гўзал саҳифаларидан бири бўлиб, халқ ижодининг бебаҳо дурдонаси бўлиб кирди. Фарғона колхозчиларининг ташаббуси бутун мамлакатда кенг акс садо берди, шу каби талай халқ қурилишлари бошланишига тўртки бўлди. Фарғона каналининг аҳамияти шундаки, у янги улкан ишларга ҳаминша шай бўлган халқнинг баҳодирона

кучи ифодаси бўлиб, бу халқ янги улкан ишлар учун, озов, оғли нэтимой меҳнат шакллари учун пишиб-етилганлигини кўрсатади».

Катта Фарғона каналининг қурилишига минг-минглаб турли касб эгалари дахлдор эдилар. Уларнинг барчасини бирма-бир санаб ўтиришнинг сира имкони йўқ. Аммо шундай бир одам борки, унинг номи урушдан илгариёқ халқ ўртасида дoston бўлиб кетган, янги ҳаёт қурилишининг рамзи бўлиб қолганди. Бу Усмон Юсуповдир.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси МК нинг биринчи секретари лавозимида ишлаган Усмон Юсупов КФК қурилишининг фақат ташаббускори бўлибгина қолмай, балки ҳақиқий илҳомчиси ҳам эди. Бу ерда унинг ўтқир ташкилотчилик таланти ва оммага мураббийлик қила олиши яққол намоён бўлди. У барча ишларда ўзининг қатъий изчиллиги, зўр билимдонлиги, одамшавандалиги ва меҳрибонлиги, катта-кичикка бирдек ҳурмат билан қараши, ғайрат-шижоати, камчиликларга нисбатан муросасизлиги билан ажралиб турарди. Бундай катта ва муҳим иш мутахассисларсиз битмаслигини у яхши тушунарди. Усмон Юсупов сабот ва қатъият билан ўз атрофига меллорация қурилишининг энг яхши мутахассисларини йиғади. У ташвиш, хурсандчиликларини ҳам қурилиш бошлиғи Тешабой Мирзаев, профессорлар А. Н. Аскоченский, В. В. Пославский, Н. А. Янишевский, инженерлар С. М. Курбатов, Б. Д. Коржавин, К. Н. Синявский, И. Ф. Федодеев, И. Д. Лебедев, А. А. Саркисов, гидротехниклар Мирзабой Кабирбоев ҳамда Одил Саидхонов, қурилиш зарбдорлари Бузрукхўжа Усмонхўжаев, Раҳмонберди Омонов ва бошқа жуда кўп кишилар билан баҳам кўрарди.

Усмон Юсупов одамларни бирлаштиришга, улар билан маслаҳатлашишга, гамхўрлик кўрсатишга нақадар уста эди. У барча канал қурувчилар ўртасида ҳақли суратда ҳурмат-эътибор, обрў қозонганди. Одамлар уни яхши кўришар, уни қуёш қорайтириб юборган, шамолларда тобланган ҳорғин чехрасидан дарров таниб олишарди. Усмон Юсупов ҳамиша қурувчилар орасида бўларди. Дарҳақиқат бугун КФКга унинг номи берилганлиги бежиз эмас:

«Ер тўқ бўлса — эл тўқ». Бу мақол кишилар орасида Октябрдан сўнг, ернинг азалий бойликлари чиндан ҳам халқ мулкига айлангандан кейин тарқалган. Янги ҳаёт наъшасидан баҳраманд эл она-ер бойликларини кўпайтириш йўлида жонини аямасди.

1939 йилда умумҳашар йўли билан 46 йирик ирригация иншоотлари барпо этилди, 454 километр каналлар қазилди, 600 километр сугориш системаси таъмир этилди, 20 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди.

1940 йилда Ўзбекистон харитасида талай янги каналлар пайдо бўлди: булар — Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона, Тошкент, Катта Зарафшон, Бозироғон, Тошқоққа каналларидир. Қорақалпоғистон АССРининг 26 минг нафар колхозчиси 40 кун ичида Амударёдан канал қазиб келиб, чинакам меҳнат қахрамонлигини намойиш этди. Унинг суви 55 минг гектар янги ерларни сугоришга имконият туғдирди. Каналга В. И. Ленин номи берилди. Улкан Каттақўрғон ва Косонсой сув сбборлари сувга лиммо-лим тўлди. Ўйлаб бошқа гидротехник иншоотлар бунёд этилди.

Бу зарбдор қурилишлар, сув учун умумхалқ ҳаракатининг аҳамияти амалий хўжалик мақсадлари доирасидан чиқиб анча кенг миқёс касб этган эди. Булар меҳнатга бўлган янги, коммунистик муносабат, коллективизмнинг қудратли кучи ифодаси эди. Совет ҳокимияти даврида сув, ер, пахта халққа чинакам бахт келтиргани, пахта хирмонини узлуксиз равишда юксалтириш йўлидан бораётган Ўзбекистон гуллаб-яшнаётган индустриал-колхоз социалистик республикасига айлангани одамларга қанот бағишлаб, янгидан-янги зафарлар сари ялҳомлаштириб юборди.

Сув учун бўлган курашда юзага келган халқ ҳаракати хўжалик қурилишининг бошқа жабҳаларини ҳам қамраб олди. Халқ ўз ташаббуси билан йўллар ўтказди, қишлоқ ва посёлкаларни ободонлаштирди, яйловларни сув билан таъминлаш мақсадида чўлларда жуда кўп кудуқ қазиди.

1939-1940 йиллар мобайнида Ўзбекистонда фақатгина йирик ирригация қурилишлар объектларида, ҳеч бир механизмлар ёрдамисиз 62 миллион кубометр тупроқ ва 200 минг кубометрга яқин бетон ҳамда темирбетон ишлари бажарилганининг ўзиёқ халқ оммасининг кўрсатган меҳнат жасорати нақадар улкан эканлигини далилат бериб турибди.

Ирригация қурилишларида қўлга киритилган улкан ютуқлар янги ерлар ўзлаштиришга, сугориладиган майдонлар ҳажмининг кўпайишига олиб келди. Ҳосилдорлик тинмай ўсди, республикада асосий экин навн бўлмиш яхтанинг ялли ҳосили йилдан-йилга юксалаверди.

1913 йилга нисбатан сугориладиган ерлар майдони деярли бир миллион гектарга кўпайди, ғўза экин майдони

ни эса 547 минг гектардан 1 миллион 224 минг гектарга етказилди. Шу давр мобайнида ҳосилдорлик гектарига 11,9 дан 15 центнерга, пахтанинг ялпи ҳосилдорлиги эса 652 минг тоннадан 1 миллион 894 минг тоннага ўсди.

Коллектив меҳнат туфайли бахтини тошган халқнинг турмуши кундан-кунга мазмундор, порлоқ, фаровон бўлаверди.

Эндиликда шоирлар бир қултум сув учун бой томонидан ўлдирилган Қўзи батрак ҳақида эмас, халқ бахти ҳақида қўшиқлар ёзмоқдалар.

Олдинда эса янги, янада ёрқинроқ уфқлар кўзга ташлана бошлади. 1939 йил 22 декабрда ВКП (б) МК ҳамда СССР Совнаркоми «Ўзбекистонда пахтачиликни янада юксалтириш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилдилар. Қарор республикамизда олти йил ичида 430 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштириш масаласини олға сурди. Бу қарорга биноан жуда кўп ишлар амалга оширилиши керак эди. Қарорда белгиланган вазифалар кўпларга ҳаёлий бўлиб кўриниши мумкин эди. Аммо Катта Фарғона канали қурилиши ирригация бўйича ишларнинг ҳажми ва муддатлари борасида ҳар қандай реал ва нореал тасаввурларни буткул ўзгартириб юборди. Режаларимизнинг улуглиги одамларни жасоратлар сари ундарди, шунинг учун ҳам партия ва ҳукумат томонидан белгиланган ҳар бир масала реал ва амалга оширилиши муҳаққақ эди.

Аммо кўп ишларни амалга оширишни кечиктиришга тўғри келди. Совет халқи оғир синовлар арафасида турарди. Ватанимиз ҳаётига уруш ёпирилиб кирди.

ЖАНГДАН ЖАНГГА

Бутун мамлакат ўзининг у чеккасида бу чеккасигача тарихда мисли кўрилмаган урушга — Гитлер фашизмига қарши жангга отланди. Партиянинг «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун» шиори ҳар бир совет кишининг ҳаёти ва фаолияти мазмунига айланди.

Барча совет республикалари каби Ўзбекистон ҳам худди фронтдагидек ҳаёт кечирар, кеча-кундуз демай меҳнат қиларди. Жонажон Совет Ватанимизга кўксини қалқон қилароқ роталар, полклар оловли сарҳадлар сари саф тартиб йўл олдилар. Туну кун эвакуация қилинганлар, завод ва фабрикаларнинг асбоб-ускуналари поездлардан бўшатилиб олинарди. Кўчиб келганлар зудлик билан маҳаллий аҳоли хонадонларига жойлаштирилди; ту-

раржой ва иш билан таъминланардилар. Хуллас, улар ўзларини ўз уйидагидек ҳис қилардилар. Техника, санъат асбоб-ускуналари эса темир йўлдан тўғри махсус ажратилган биноларга жойлаштирилар, бир неча кундан сўнг қайтадан тикланган корхоналар қурол-аслаҳа, ўқ-дори чиқара бошларди.

Колхозчиларимиз чин маънода фидокорона меҳнат қилар, фронтни нон, гўшт, сабзавот ва мевалар билан таъминлар, уруш даврида аҳамияти ўн барабар ўсган пахта ҳосилини тобора юқори кўтарар эдилар.

Уруш дағдағаси дарё ва каналларда шарқираб оқаётган сув овозини босиб кетолмади. Гарчи олдиндан мўлжалланган баъзи бир қурилишлардан вақтинча воз кечишга тўғри келса-да, аммо ирригация қурилиши ишлари уруш йиллари ҳам тўхтагани йўқ. Одамлар партия ташкилотларининг чақирқиқларига жавобан ҳамжиҳатлик билан даштларга йўл олар, сув йўллари ўтказар, дарёларда тўғонлар кўтариб, гидроузеллар қураб эдилар. Ирригация аввалгидек халққа хизмат қилиб, галаба учун ишлар эди.

1942 йилда немислар Сталинград остонасида турган чоқда Ўзбекистоннинг 75 минг азамат меҳнаткаши Фарҳод ГЭС қурилишига чиқди. Бу қурилиш электрлаштириш учунгина эмас, балки ирригация учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. Совет кишилари ақл бовар қилмас даражада қисқа муддат ичида мана шу гидротехник иншоотни барпо қилдилар. У эндиликда совет кишиларининг қаҳрамонлиги ва жасорати тимсоли бўлиб асрларча тураверади.

Урушнинг дастлаби йилларида улкан Каттақўрғон сув омборига сув тўла бошлади, Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича ишлар давом эттирилди. 1942 йилда фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина донли экинларга мўлжалланган 242 минг гектар янги ерлар суғорилди.

Пойтахт областида Тошкент каналининг иккинчи навбати қуриб битказилди. Бу тадбир экин-тикин учун 20 минг гектардан ортиқроқ ер ҳозирлаш имконини берди. 15 минг гектар ерни суғорган «Ватан учун» Шимоллий канални қуриш даврида гоят катта ва мураккаб ишлар бажарилди. Мазкур канални Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро областлари колхозчилари, Тошкент шаҳри ишчилари ва талабалари қазидилар. Ишлар портлатиш усулида олиб борилгани туфайли қурилиш анча тез ниҳоясига етказилди.

Қардош Тожикистондан Сурхондарёнинг сув таъқиқ

шимолдй районларига сув чиқариш учун урушдан олдин қазила бошланган Ҳисор канали қурилиши давом эттирилди.

1944 йилга келиб ўндан ортиқ йприк ирригация ишшоотлари фойдаланишга топширилди. Уруш йилларида Ангрён ва Чирчиқ ҳавзаларида суғориш ишларини ривожлантириш кўзда тутилган янги комплекс схема тuzилди.

Бу фактларнинг ҳаммаси чуқур рамзий маънога эга: мамлакат бошидан оғир кунлар кечираётганига қарамай, одамлар узоқни кўзлайдилар, эртанги кунни ўйлайдилар, қаҳрамонона меҳнатлари билан коммунизм бунёд этадилар. Улар совет халқининг қудратли кучи битмас-туган-маслиғига, душман муқаррар тор-мор этилажағига, қўлимиз баланд келиб, голиб бўлажагимизга қанчалар қаттиқ ишонч билан қараганларини яна бир қарра исбот этдилар. Порлоқ келажакка бўлган бундай умид уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, жанг ва меҳнат майдонларида жасорат кўрсатишга илҳомлантирарди.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган бутун инсоният тарихида мислсиз улуғвор ғалабаси фронт ва фронт ортида кўрсатилган тенгсиз мардлик ва жасорат эвазига қўлга киритилди. Шонли Коммунистик партиямиз илҳомлантирган ва бевосита ташкилотчиси бўлган бу ғалаба хўжалик ва маданий қурилишнинг янги уфқларини очиб берди.

Совет кишилари ором нималигини билмасдилар. Душманни тор-мор этиб, урушни тугатиши билан мамлакатимиз уруш йиллари вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга, халқнинг фаровонлигини оширишга, давлатимизнинг гуллаб-яшнашига, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган янги, улуғвор режаларни амалга ошириш учун курашга отланди.

Табийки, ерларни ирригация ва мелiorация қилиш масалалари қайтадан бор бўйи билан кўндаланг қўйилди. Қишлоқ хўжалигининг ривож ва юксалиши, демакки, халқ фаровонлигининг ошиши ҳам шу асосий, ҳал қилувчи масалаларга бевосита боғлиқ эди. Шу боисдан урушнинг сўнгги йилларида ҳам сув хўжалиги қурилиши ишлари тобора қулоч ёзиб, давом эттирилди.

Бу борада энг кўп самара берувчи йприк кўламдаги сув хўжаликлари қурилишларига кўпроқ аҳамият берилди. Дарёлар оқимини тартибга солиш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш учун сув омборлари барно этилди. Пахтачиликни тобора ривожлантириш

мақсадида янги катта зоналарни яратиш учун йирик массивларни ўзлаштириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, йирик инженер гидротехник узеллар қурилди, магистрал каналлар ўзаро бир-бирига туташтирилди, янги сунъий дарёлар ва сув омборлари бунёд этилди. Маҳаллий сув хўжалиги қурилишлари ҳам эътибордан четда қолмади. Фақат 1946-1953 йиллар мобайнида Ўзбекистонда ирригация системаларининг бетон ётқизиш ва реконструкция қилиш сингари «майда қурилишлар»га 350 минг сўмлик маблағ сарф этилди.

Эллигинчи йилларда Ўрта Осиёда қурила бошланган энг йирик объектлар қаторида Қорақум каналини айтиб ўтиш лозим. Бу канал Амударё сувини қардош Туркменистон республикасининг барча камсув системаларига етказиб беришни таъминлади.

Қорақум канали юз минглаб гектар саҳро ерларини суғориб, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришга имконият яратди. Айнан шу канал туфайли қардош Туркменистон республикаси аввал бир миллион тонна пахта етиштиришга муваффақ бўлди, сўнг бу маррадан ҳам анча ошиб кетди. Канал зонасидаги саҳро ерларда инженерлик суғориш системалари яратилди ва яратилмоқда, совхозлар ташкил этилмоқда, электр симлари тортилмоқда. Хуллас, бу канал туркман халқи ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча томонларига чуқур таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда.

Эллигинчи йиллар охири ва олтинчинчи йилларнинг боши ҳақли равишда сув режимини тартибга солувчи йирик ирригация ва гидроэнергетик сув омборлари қурилиши йиллари бўлди.

Сирдарёда Қайроққум, Чу дарёсида Ўртатўқай сув омбори ва ҳаракалдаги худди шундай бошқа кўпгина гидротехник иншоотлар бирич-кетин ишга туша бошлади. Қайроққум сув омбори, масалан, Мирзачўлни сув билан тўла-тўқис таъминламоқда. Чордара сув омбори эса, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги сув хўжалиги аҳволини тубдан ўзгартириб юборди. Жанубий Сурхондарё сув омбори Шеробод даштини ўзлаштиришга имкон берди. Хуллас, ҳаммасини санаб адогига етиш қийин. Бу йилларда сув хўжалиги ва энергетика масалаларини комплекс равишда ҳал қилиш мақсадида Норин дарёсида Тўқтагул, Чирчиқ дарёсида Чорвоқ, Вахш дарёсида Порак каби гоёат улкан гидротехник комплексларни барпо этиш тараддуди авж олдирилди.

Хўжалик ва маданий қурилишда қўлга киритилган ул-

кан ютуқлар, илмий-техника тараққиёти муваффақиятлари мелиорация соҳасида оммавий равишда машинали сугорини услубини жорий этиш имконини берди. Тожикистонда Хожабақирган ва Унжин, Ўзбекистонда Боёвут ва Тўрақўрғон насос станциялари қурилмоқда. 1957 йилда қурилган Хожабақирган насос станцияси мамлакатда биринчи йirik сузувчи станция бўлиб, у сув юзасининг ўн метрга қадар тўлқинланишига бардон бера олади.

1963 йилда Аму-Қорақўл каналида Олот ва Қорақўл насос станциялари яратилди. 1965 йилда Аму-Бухоро каналининг биринчи навбатида бир секундда бири 80 ва иккинчиси 100 кубометр сув чиқариб берувчи Ҳамза ва Қуйимозор насос станциялари ишга туширилди.

1966 йилда бир секундда 110 кубометр сув чиқариб берувчи Шеробод насос станцияси ишга туширилди. Шунингдек, Тожикистон ҳамда Қирғизистоннинг тоғли районларида, Туркменистоннинг Қорақум канали зонасида ҳам насос станциялари қурилди.

Булар барчаси 1950 йилдан то 1965 йилгача Ўрта Осиё республикаларида сугориладиган ерлар майдонини деярли ярим миллион гектарга кўнайтиришга имкон берди. Шу билан бир қаторда барча республикаларда шартли-сугорини ерлари деб аталадиган майдонлар ҳажми анчагина камайди, чунки улар мунтазам равишда сугориладиган бўлди.

Амалга оширилган сув хўжалиги тадбирлари барча қишлоқ хўжалик эканларининг ҳосилдорлиги ошишида дарҳол ўз самарасини кўрсатди. Масалан, пахта ҳосилдорлиги бир гектар ердан 24 центнерга етди, яъни 1913 йилга нисбатан икки баробар ўсди.

Пахтазорлар майдони ҳам кенгайиб, 2 миллион 220 минг гектар ерни ташкил қилди.

Совет ҳокимияти қарор топганидан сўнг ўтган 50 йилдан камроқ вақт мобайнида Ўрта Осиё республикалари пахтакорлари пахта ялпи ҳосилини 8,2 марта кўнайтириб, мисли кўрилмаган нағижаларга эришдилар. 1965 йилда Ўрта Осиё республикалари давлатга 5 миллион 317 миң тонна пахта сотдилар.

Пахтачилик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ётакчи тармоғига айланиб, Ўрта Осиё республикаларининг экономикаси ривожига, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга гоят улкан пажобий таъсир кўрсатмоқда.

Албатта, бундай замонавий сув хўжалиги системаси яратилмаганда эди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини

ушнинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик билан бирга бундай уйғун ва мутаносиб равишда ривожлантиришни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Ўрта Осиёнинг мана шу даврдаги сув хўжалиги ўзининг юксак техник-экономик кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Совет ҳокимияти йилларида жами бир секундда 2500 кубометр сув ўтказувчи 23 йирик канал ҳамда 25 мингга яқин инженерлик гидромашинотлари қурилди ва реконструкция қилинди. Хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги коллектор шаҳобчаларининг узунлиги тўрт баробар ўсди. 700 минг гектарга яқин ерлар йирик турғун станция ва сузувчи насос станциялари билан суғорилиб турилди.

Ўрта Осиё республикалари территориясида жойлашган сув омборларининг умумий ҳажми 11 миллиард кубометрни ташкил этди.

Аммо халқнинг моддий ва маданий даражаси тинмай ўсишини таъминлаш ҳақидаги партия томонидан қўйилган стратегик вазифани ҳал қилиш қишлоқ хўжалигини юксалтирмоқ, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамламоқ каби кўшимча тадбирларнинг амалга оширилишини талаб қиларди. Ҳайдаладиган ерларнинг ҳосилдорлигини кескин равишда юксалтириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг барқарорлигини таъминловчи шароитлар яратиш учун конкрет тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш зарурияти кўйидаланг турди. Сиёсий ва халқ хўжалигининг мана шу ғоят муҳим масаласини ерларни кенг қўлдамда мелiorация қилиш йўли билан ҳал этиш мумкин эди.

КНСС Марказий Комитетининг Бонн секретари ўртоқ Л. Н. Брежнев КНСС Марказий Комитетининг тарихий май (1966 йил) Пленумида, жумладан, шундай деган эди: «Ерларни мелiorация қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг кенг программаси ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш коммунизминг моддий-техника базасини барпо этишнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир»¹.

Ўтилган йўлларга назар ташлар эканмиз, шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, вақт Пленумда қабул қилинган қарорлар нақадар тўғри ва долзарб эканлигини исботлади. Бу қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини жадал

¹ Л. Н. Брежнев. Ленин йўлидан, 1-том, 474-бет.

суръатда юксалтириш, қишлоқда чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар яратишга ёрдам берди.

Май Пленуми қарорларига биноан Ўрта Осиё республикаларида сув хўжалиги қурилишининг кенг, иқтисодий жиҳатдан асосланган программаси ишлаб чиқилди. Унинг асосий йўналиши комплекс равишда янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш, эски ҳайдаладиган ерларни яхшилаш, мелиорация қилинган ҳар бир гектар ер ва ҳар бир кубометр сув самарадорлиги учун кураш олиб боришга қаратилган эди. Буларнинг ҳаммаси республикалар экономикаси ривожини жадаллаштирди, қишлоқ хўжалигида унумдорликни юксалтирди, қишлоқ маданиятини кўтарди.

Табиат инжиқликларининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини анча камайди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг қўллаб-қувватлаши, ғамхўрлиги, кўрсатган ёрдам туфайли бутун мамлакатда, шу жумладан, Ўрта Осиё республикаларида жуда катта ирригация ҳамда мелиорация ишлари бажарилишига эришилди. Саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар ичида Ўрта Осиё республикаларида суғориш ва ерларни комплекс равишда ўзлаштириш ишларига 10,6 миллиард сўм, шу жумладан сув хўжалиги қурилишлари учун 7,4 миллиард сўм сарфланди. Агар 1965 йилда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги томонидан бутун Ўрта Осиёдаги мелиорация тадбирлари ва ерларни ўзлаштиришга ажратилган маблағлар 595 миң сўмни ташкил этса, 1975 йилга бориб 1 миллиард 618 миллион сўмни ташкил этди; яъни ўн йил мобайнида 2,7 баробар ошди.

Жумладан, Ўзбекистон ССР бўйича олинadиган рақамлар ҳам бениҳоя салмоқлидир. Агар 1956-1960 йилларда Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишларига 402 миллион сўм сарфланган бўлса, 1961-1965 йилларда худди шу мақсадлар учун 951 миллион сўм, 1966-1970 йилларда эса 1 миллиард 793 миллион сўм ажратилди.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида бу рақам 4 миллиард 550 миллион сўмга етди, ҳозирги беш йиллик ичида эса у 6 миллиард сўмни ташкил этади.

Саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар мобайнида Ўрта Осиё республикаларида ўнлаб йирик сув хўжалик объектилари барпо этилди, Аму-Бухоро машина канали, Катта Андижон ва Катта Наманган каналлари, 132 метр баландликка секундига 200 кубометргача сув чиқариб бероладиган олти ноёб насос станцияси бўлган Қарши ма-

гистрал канали шулар жумласидандир. Қорақум каналининг учинчи навбати қуриб битказилди ва унинг тўртинчи навбатида қурилиш ишлари бошлаб юборилди, бу канал узунлигини минг километрга етказиш имконини берди. Айлазма Чу, Жанубий Катта Чу ва Юқори Далварзин каналлари, Тахиатош, Чорвоқ, Учқўрғон, Самарқанд гидроузеллари, Каркидон, Пачмакар, Ҳовузхон, Копетдоғ сув омборлари ва бошқа бир қатор объектлар ишга туширилди. Уларнинг аксарияти ўз кўлами, техникавий ишлангани ва халқ хўжалиги аҳамияти жиҳатидан нодир ҳисобланади.

Мирзачўл, Қарши, Сурхон—Шеробод даштлари, Марказий Фарғона ва Қорақалпоғистон АССР, Қорақум канали зонаси—Явон—Обикий водийси, Туямўйини ва Талас массивларида ерлар жадал суръатларда ўзлаштирилди.

Бу қурилишлар аксариятининг аҳамияти, характери, кўлами шу қадар улуғворки, уларнинг баъзилари ҳақида муфассалроқ тўхталиб ўтмоқчи эдик.

Мирзачўл... Жазирама қуёш, қуриб-қовжираган ўтўланлар, баҳайбат туяқоринлар ва шўрхок ерларнинг оқ доғларигина кўзга чалинади. Ўлик ер.

Ҳа, ўлик ер, аммо гоётда бой ер. Уни сугорсанг, чоллар таъбирича, асо ҳам гуллайди.

Одамлар Мирзачўлга сув келадиган, уни қондириб сугорадиган кунларни орзу қилдилар. Улар Сирдарёга худди худо каби сизинар эдилар. Афсоналар тўқиб, авлоддан авлодга етказардилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1956 йилда Мирзачўлда 300 минг гектар қўриқ ерларни сугориш ва хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш, илгаридан сугорилиб келинган ерларда тубдан мелиорация тадбирлари ўтказиш ҳақидаги қароридан сўнг чўлга зўр ҳужум бошланди.

1966 йилда Леонид Ильич Брежнев ва Алексей Николаевич Косигин Мирзачўлга келдилар. Улар ишларнинг аҳволи билан чуқур ва атрофлича танишиб, ерларни жадал суръатларда ўзлаштириш, ялпи пахта ҳосилини кўпайтириш, давлат томонидан Мирзачўлни тубдан ўзгартиришга ажратилган улкан маблағ ва моддий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга қаратилган биринчи галдаги тадбирларни белгилаб чиқишди.

Йиллар ўтди. Мирзачўлни ўзлаштиришга сарфланган маблағлар юз карра ортиғи билан ўзини қоплади. Йигирма йил мобайнида қўриқ ерда 58 совхоз 3,5 миллион тонна пахта, бир миллион тоннага яқин сабзавот ва полиз

маҳсулотлари, кўплаб тонна гўшт ва сут етиштириб берди. Ҳозирги кунда Мирзачўл ғалла ва пилла, қовун-тарвуз, сабзавот мевалари ва узум етиштириб бермоқда.

«Ўзбекистонда Мирзачўлни ўзлаштириш тугалланди». Ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1979 йили 2 мартда Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда айтган бу сўзлари кўриқ ерларни ўзлаштириш ветеранлари қалбини чуқур ҳаяжон ва ифтихор билан тўлдирди, барча республика меҳнаткашлари онгида чуқур ўрнашди. Бу сўзларда — бутун совет халқи жасоратининг улуғворлиги, партиянинг ленинча аграр сўбсатини амалга оширишдаги донолиги ва зийраклиги тўла паноён-дир.

Мирзачўл ерларини ўзлаштиришнинг хусусияти шунда эдики, у комплекс, индустриал методлар асосида амалга оширилди. Қурилиш индустриясининг гоят кучли базаси яратилди, темирйўл ва автомобиль йўллари, электр ўтказиш линиялари қурилди. Ерларни ўзлаштириш билан бараварига юқори даражада механизациялаштирилган, ободонлаштирилган совхозлар, посёлкалар бунёд этилди, тураржой, мактабгача ёшдаги болалар ва маданий-маиший муассасалар, шифохоналар, поликлиникалар, мактаблар, техникумлар ва спорт базалари, саноатнинг қайта ишлаб чиқариш объектлари қурилди. Гидротехник иншоотлари қурилишда йиғма темир-бетон конструкциялар, сувни лоток орқали тарқатувчи тармоқлар кенг қўлланила бошланди.

Ерлардан фойдаланишни кескин равишда яхшиланг, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг эксплуатация учун ажратиладиган маблағлар ҳажмини камайтириш, дренаж ишларини такомиллаштириш мақсадида Мирзачўлнинг 300 минг гектар майдонида ёпиқ горизонтал дренаж системаси қурилди ва улдан муваффақиятли равишда фойдаланилди. Вертикал дренаж усули ҳам кенг равишда қўлланилмоқда.

Мирзачўлда тарихан қисқа муддат ичида, ҳозирги замон илженерлик суғориш системаси асосида ривожланган, социализм шарт-шароитига тўла-тўқис жавоб бера оладиган юқори рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналари бунёд этилди.

Қишлоқнинг ташқи кўриниши, унинг маданий-маиший шарт-шароитлари шаҳардан қолишмайди. Ишчи меҳнатининг характери ва кўлами, унинг моддий ва маънавий дунёси ўзгарди. Пахтакор меҳнатининг унуми бошқа совхозларга қараганда 2,5 баробар баланд. Мирзачўлни

ҳозирги замон суғориш системаларини режалаш ва қуришда, ерларнинг шўрланишига қарши курашда, йирик қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этишда ҳақли равишда илғор тажрибалар лабораторияси деб аташади. Бу ерда малакали механизатор кадрлар тайёрлаш системаси ташкил этилган.

Янги ерларни жадал суръатлар билан ўзлаштириш, улкан иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ясаш натижасида Мирзачўлда 100 дан ортиқ миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган икки янги область ташкил этилди.

Мирзачўлнинг комплекс метод асосида лойиҳалаштириш, қуриш ва ўзлаштириш катта амалий натижалар берди. Бу ишларнинг муаллифлари ва амалга оширишда бевосита иштирок этган кишилар Ленин мукофоти билан тақдирландилар. Эндиликда бу тажриба мамлакатимизнинг барча мелиораторлари учун янги массивларни комплекс метод асосида суғориш ва ўзлаштириш университетига айланди. У бизнинг республикамиздагина эмас, балки Болга бўйи, Қрим, Ноқоратуироқ районларида ҳам қўлланилмоқда. Бугун Мирзачўл вакилларини Оснё, Африка мамлакатларида учратиш мумкин. Улар ўз тажрибаларини саҳийлик билан чет эллик дўстларимизга ўргатмоқдалар.

Кейинги йилларда Мирзачўлда бўлган кишилар обод шаҳарлар, том маънода ҳақиқий агрошаҳарчаларга айланган янги совхоз посёлкаларини кўриб анча вақтгача эслаб юрадилар. Инглиз фермери Хью Ватс ўз таассуротларини шундай баён этади: «Мен дунёнинг кўп мамлакатларига борганман, жуда кўп ривожланган йирик хўжаликларни кўрганмен, аммо ҳеч қасерда, ҳеч қачон Мирзачўлдаги қишлоқ хўжалиги ютуқларига тенг келадиган мўъжизани кўрмаганман».

Янгиердаги Мирзачўлни ўзлаштириш музейида сақланадиган Фахрли меҳмонлар китобидан яна бир неча мисол келтирмоқчиман.

Масалаи, Модока (АҚШ), Гарберехт (ГФР) ва Гуэсаба (Марокаш) деган инженерлар қуйидагиларни ёзиб қолдирганлар: «Биз, 5-МГП (ЮНЕСКО) лойиҳаси бўйича ишчи группа аъзолари, Мирзачўл чўлқуварлари гоят улкан муваффақиятларни қўлга киритганини чуқуф мамнуният билан қайд этамиз. Ҳеч шубҳа йўқки, улар эришган натижалар ер куurrasининг бонқа районларида жойлашган саҳроларни ўзлаштиришда катта аҳамият касб этади».

Гана қишлоқ хўжалиги министри Нкегбе эса шундай деб ёзади: «Мирзачўлни ўзлаштириш программаси Гана делегациясида катта таассурот қолдирди. Бу ерда кўрган-билганимиз ибрат қилишга арзигули намунадир. У ишимизда бизни руҳлантиради. Мирзачўлни ўзлаштириш борасидаги ғоят улкан программа билан танишишга имконият бергани учун Совет Иттифоқидан самимий миннатдормиз».

Австралия қишлоқ хўжалиги министрлиги делегациясининг раҳбари Корниш билдирган фикр ҳам қизиқарли: «Мирзачўлдаги ирригация ва дренаж ишлари ҳавас қилса арзигулик. Улкан ютуқларингиз билан чин юракдан қутлаймиз».

«Агар автомобиль заводи автомобиллар чиқарса, Голдностепстрой — совхозлар қурапти, бу унинг тайёр маҳсулотидир». Бу фикрни ФРГлик меҳмонлар ёзиб қолдиришди. Ҳаққоний гап.

Ва ниҳоят, Мирзачўлни ўзлаштириш ташаббускорларидаш бири, донгдор мутахассис, Ленин мукофотининг лауреати Евгений Иванович Озерскийнинг хотираларидан бир парча келтирмоқчиман: «Кўпинча Мирзачўлни кўрмоқчи бўлган чет эллик меҳмонлар билан бирга юришга тўғри келарди. Уларнинг ҳаммалари ўзларини бир хил тутишади, аввал ишонқирамай қараб туришади. Қани кўрайлик-чи, бу ташвиқотларини, дегандай қилишади. Кейин бирдан ишончсизлик ном-нишонсиз йўқолади. Ўринини ҳурмат ва ҳайрат эгаллайди. Улар худди: «Кўйил!» дейтгандай бўладилар. Бир америкалик икки марта келган эди. Ун беш йил илгари у лойиҳамизни хомхаёл деб атаганди. Ҳозир эса у ўз ҳайратини яширолмас, аввал ишончсизлик билдиргани учун узр сўраб эди».

...1929 йилда Мирзачўлда биринчи ташкил этилган Фрунзе номидаги колхоз жойлашган Боёвут посёлкасини у чеккасида бу чеккасигача кенг асфальт йўл кесиб ўтади. Чиройли уйлар, клуб, касалхона, тўртта мактаб, боғ, болалар боғчалари. Бу ерда одамлар ўзига тўқ, бадавлат яшашади, яхши ҳосил кўтаришади — гектаридан ўттиз центнер ёки бундан ҳам ошириб пахта олишади.

Боёвутликлар қўриқда янгидан қулф урган ҳаётларидан мамнун, фахрланишади, ўтмишини ҳам упутишмайди. Ёш-қари барча қишлоқнинг тарихини беш қўлдек билишади. Тарихи эса шундай. Бу ерда бор-йўғи ўп-ўн бешта ғарибона кулбалар бўлиб, уларда жасур ҳамда олиҳиммат одамлар яшашарди. Улар оч, яланғоч, қўл

учида кун кечирингиса-да, эл-юртларини жонидан ортиқ севишарди. Бу томонларга Чингизхон ўрдалари бостириб келганда, қишлоқ аҳли душман олдида тиз чўкмади. Жанг-жадалларнинг бирида ёвқур йигит мардлик кўрсатиб, душман қароргоҳига ўт қўйиб юборди. Қишлоқ оқсоқоли унинг фавқулодда жасоратини кўриб, жангдан кейин: «Менга бояги ўтши, ўша оловқалб, довиюрак йигитни кўрсатинглар», деб илтимос қилади. Аммо одамлар унинг илтимосини бажо келтиролмайдилар — йигит жангда ҳалок бўлган эди. Одамлар унинг исмини ҳам билмас эдилар, шунинг учун халқ хотирасида ҳаляги йигит «Бояги ўт» деган лақаб олган экан. Шу-шу қишлоқли ҳам «Боя ўт», «Боёвут» деб атар эканлар.

Бу қисса эҳтимол бир афсонадир. Унинг давомини — қайноқ социалистик кунларимиз афсоналарини боёвутликларнинг янги авлоди — механизаторлар, пахтакорлар, чорвадорлар, соҳибкорлар яратмоқдалар. Бу афсоналарни барча мирзачўлликлар, зуваласи қаҳрамонликда йўғрилган, бўз ерларнинг ҳақиқий марди-майдонлари ҳар кун, ҳар соатда яратмоқдалар.

Халқимизда Қарши чўлини Мирзачўлининг туғинган синглиси деб аташади. Бу ерда 14 минг квадрат километрга яқин улкан масофада бир миллион гектарга яқин серунум ерлар мавжуд. Улар қимматбаҳо ингичка тоғали пахта ва бошқа иссиқсевар қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришга жуда мос ва қулайдир.

Қарши чўлини ўзлаштириш учун бўлган ҳаракатлар узоқ ўтмишга илдиз отган. Миллдан аввалги биринчи асрдаёқ Зарафшон дарёсидан Қарши чўлига сув олиб келиш учун улкан Манас канали қазилган. Унинг узунлиги салкам 500 километр келарди. Каналнинг боши Зарафшон дарёсининг қояли қирғоғидан бошланиб, 1200 метр масофагача тоғ қаъридан ўтказилганди. Манас канали ўн беш аср давомида Қарши даштининг бир қисмидаги ерларни суғоришда хизмат қилганлиги аниқланди. Кейин у ўзаро урушлар ва босқинчилар хуружи натижасида қаровсиз қолган. Бу каналнинг ўзани шу кунларимизга қадар сақланган.

Қадим замонларда Сурхондарё водийси ҳамда Қарши чўлининг ягона суғориш системаси бўлган, шу система орқали Амударё сувлари чўлга оқиб келган деган афсоналар юради. Илмий текширишлар бу афсоналарни тасдиқламаган бўлса-да, аммо улар серсув Амударё сувини Қарши чўлига буриб юбориш ҳақидаги халқ эзгу орзусининг ифодаси бўлгани шубҳасиздир.

Октябрь революциясига қадар Қарши чўли Бухоро амирлигининг бир қисми эди. Туркистон Россияга қўшиб олиниши биланоқ рус инженери П. М. Лессар Қарши чўлини Амударё сувлари билан сугориш лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида чўлда дастлабки текширув ишларини олиб боришга ҳаракат қилди. Аммо унинг чизма ва ҳисоб-китоблари Бухоро амирининг буйруғига биноан қўйдириб ташланди.

Шундан кейинги йилларда ҳам қатор рус текширувчилари ва олимлари Қарши чўлини ўрганиш ва сугориш лойиҳасини ишлаб чиқишга уриниб кўришди. Аммо уларнинг барча ҳаракатлари Бухоро амирининг қаршиллиги ва чор ҳукуматининг лоқайдлигига дуч келаверди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Қарши чўлини сугориш проблемасини ҳал этишни анча тезлаштирди. 20-йиллардаёқ инженер Г. Н. Виноградов раҳбарлиги остида Қашқадарё қидирув гуруҳи тузилган эди. У Қашқадарё дарёси ўзанидаги ер-сув ресурсларини ҳамда Амударё ва Зарафшон сувларини Қашқадарёга оқизиш имкониятларини ўрганди. Мана шу қидирув ишлари натижасида 1928 йилда Қашқадарё дарёси ўзанидаги сув ва ердан фойдаланиш схемаси вужудга келди, бу Қарши чўллари кенг суратда ўзлаштиришнинг бириччи илмий асосланган йили эди. Қирқинчи йилларга келиб эса Қарши чўлини сугориш масалаларини анча кенг ёритиб берадиган лойиҳа-қидирув материаллари жамланди.

1946 йил 2 февралда СССР Совнаркомнинг «Амударё сугориш системаси ҳақида» деган қарорига биноан Ўзбекистон КП (б) МК ва Ўзбекистон ССР Совнаркомнинг серсув Амударё сув ресурслари ҳисобига Қашқадарё ва Зарафшон водийларида сугориш ишларини авж олдириш ҳақидаги таклифларини кўриб чиқиш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

Кўп ўтмай Эски Ангар канали қурилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ишбоот қурилишида Қашқадарё ва Самарқанд областларининг минг-минглаб колхозчиларини иштирок этдилар. Канал қурилиши рекорд даражага қисқа вақт ичида, атиги 8 ойдагина поёнига етказилди.

Эски Ангар каналидан кейин Қашқадарё дарёсида Чимқўрғон сув омбори ва бошқа объектлар қурилиши бошлаб юборилди.

Булар барчаси Қарши чўли ерларидаги сув таъминотини анча яхшилади, янги майдонларнинг ўзлаштирилишига имкон берди. Бироқ сугориш ишларини бундан кейин ҳам ривожлантириш учун Амударё сувида фойдаланиш

масаласи аввалгидек кун тартибидан тушмай қолаверди. Олтмишинчи йилларнинг бошига келиб, Совет давлатининг техник ва иқтисодий имкониятлари бу вазифанинг ҳал этилишига чуқурроқ ёндошишни тақозо эта бошлади.

Лойиҳалаш ташкилотлари Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштиришнинг генерал планини ишлаб чиқдилар ва ана шунга асосланиб, кейинчалик СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган биринчи галда 200 минг гектар майдондаги ерни суғориш бўйича комплекс лойиҳалаш вазифасини бажаришга киришдилар. Ишлар дарҳол тез суръатларда бошлаб юборилиши учун «Қаршистрой» махсус қурилиш ташкилоти тузилади. 1967 йилда Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қарши чўлини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

КПСС XXIV ва XXV съездлари қабул қилган қарорлари Қарши чўлига бошланган тарихий ҳужумда, бу ерда ўрта толали ҳамда ингичка толали пахта етиштириб берадиган йирик район ташкил этилишида сифат жиҳатидан янги босқич бўлди. Қарши чўлини ўзлаштириш аҳамияти мисли кўрилмаган даражада юқори кўтарилди. у директива тусини касб этди. Чўл бирданга катта қурилиш майдонига, мелiorатив қурилишнинг илғор тажриба мактабига айлантирилди. Жаҳон бунчалар зўр кўламда олиб борилган ишларнинг тарихини билмайди. Амударё сувини етказиб бериш учун қурилган гидротехник иншоотлар ва насос станциялар ноёблигига ва иш ҳажмига кўра мислсиз эди.

1973 йил, март ойида Қарши магистрал каналининг бош қисмидаги насос станцияларининг дастлабки агрегатлари синови бошлаб юборилди. Бу шоъли воқеа ҳақида «Правда» газетаси ўзининг 1973 йил 9 апрель сонида бутун мамлакатга хабар берди. Насос станцияларини синовдан ўтказиш натижаларини Қарши чўлини ўзлаштирувчиларгина эмас, бу ноёб машиналарни яратган бутун мамлакатдаги ўнлаб завод, конструкторлик ва илмий-қидирув ташкилотларнинг меҳнат аҳли ҳам ҳаяжон билан кутмоқда эдилар. Ниҳоят, 1973 йил, 1 июнда белгиланган муддатдан роса ярим йил аввал кўндан кутилган соат ҳам етиб келди.

Насос станциялари тўла қувват билан ишга тушдилар ва ноёнсиз чўл-биёбошларни серҳосил пахта ўлкасига, гуллаган боғларга ва чиройли, шипам шаҳар ва посёлкаларга айлантириш учун улкан сув оқими Қарши чўли

бағрига отилди. Амударё сувини қарши чўлига оқизишдек оғир, аммо олижаноб курашга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табрик хати ҳамоҳанг жаранглади. Хатда «Қаршистрой»нинг кўп минг кишилик коллективи комплекс ишларнинг поёнига етказилгани ва Қарши магистрал каналидан сувнинг муддатидан илгари оқизилиши муносабати билан бу муҳим галабани қўлга киритишда жонбозлик кўрсатган барча меҳнат аҳли ҳам қизгин табрикланганлар.

Амударё суви келиши билан, худди Мирзачўлда бўлгани сингари, Қарши чўлида ҳам ерларни сугориш ва ўзлаштириш ишлари комплекс равишда амалга оширила бошланди. Бу ерда ишлаб чиқариш юксак даражада интенсификацияланган, қишлоқ хўжалик ишлари энг юқори даражада механизацияланган, барча қулайликларга эга замонавий шинам совхоз посёлкалари қад кўтараётган ва шу асосда шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг меҳнати билан яшаш шароитлари ўртасида тафовутларни йўқотиш вазифалари ҳал этилаётган йирик ихтисослаштирилган совхозлар бунёд топмоқда.

Шу билан бирга Қарши чўлида қўриқ ерларни сугориш ва ўзлаштиришнинг комплекс методи яна ҳам ривожланиб борди. Бу жиҳатдан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1970 йил, 25 июлда чиқарган қарори катта роль ўйнади. Бу қарор Қарши чўлини ўзлаштириш суръатлари ва муддатларида тубдан ўзгариш ясашга олиб келди.

Қарши чўлига Амударё суви олиб келинган ўша шонли кундан бор-йўғи олти йил ўтган бўлишига қарамасдан ўзлаштиришнинг йирик самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Чўлнинг забт этилган майдонларида 42 янги пахтачилик совхози тузилди, 140 минг гектар янги сугориладиган ер қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. 1978 йилда Қарши чўлининг қўриқ совхозлари давлатга 234 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Яқин йилларда бу ерда пахта ҳосили икки барабар кўпаяди.

Қарши чўлида Толлимаржон, Уल्याнов, Муборак номли шаҳарлар қад кўтарди. Чўлни ўзлаштирувчилар учун миллион квадрат метрдан ошиқ тураржой бинолари, ўнлаб мактаб, касалхона, ўқув юртлари тикланди, юзлаб километрли автомобиль йўллари ётқизилди, электр симлари, водопровод тармоқлари ўтказилди, маданий-манший муассасалари ва бошқа иншоотлар бунёдга келтирилди. Илгари хувиллаб ётган ўлка пақ киши кўз ол-

дида ўзгариб кетди — сеҳрли обихаёт чўлга ҳаёт бағишлади, чўлнинг энг чекка-чеккаларигача гул-гул яшнатиб юборди.

Қарши чўлини ўзлаштирувчилар — Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши интирокчиларининг мақсади юсак: улар 1980 йилгача 150 мишг гектар ерни ўзлаштиришга аҳд қилганлар, келажакда эса бу рақам қарийб бир миллион гектарни ташкил этиши керак; бир вақтлар ҳувиллаб ётган чўл Ватанимизнинг ҳосилдор ерларига айланади, Ватан омборлари пахта, дон, сабзавот, поллиз, чорвачилик маҳсулотлари билан тобора кўн миқдорда тўла боради.

Қарши чўлини Мирзачўлнинг укаси деб аталар экан, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун ажойиб келажакка эга бўлган Ўзиззах чўлини ҳам ҳақли равишда шундай деб аташ жоиз бўлур эди.

Ўзиззах областида бой минерал хом ашё запаслари, кенг ҳосилдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитлар мавжуддир. Ўзбекистон КИ Марказий Комитети ва Ўзбекистон СССР Министрлар Совети бу ноёб ерларни ўзлаштириш ва юксалтиришга катта аҳамият бериб, 1974 йил, июль ойида «Ўзиззах областининг ишлаб чиқариш кучларини тобора ривожлантириш» ҳақида махсус қарор қабул қилдилар. Бу ерда машина қурилиши, химия, саноатнинг қазиб чиқариш ва қайта ишлаш соҳалари, қурилиш материаллари саноати жуда тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тобора кучайтира бориш учун жуда катта имкониятлар топилмоқда. Муҳим ишларни олиб бориш учун зарурий капитал жамғармалар ва моддий-техника ресурслари ажратилди. Саноат базалари ва қурилиш ташкилотлари зудлик билан тузилди. Ўзиззах чўлининг қиёфаси ҳозир ҳар қачонгидан ҳам тез ўзгармоқда. Бу ўзгаришлар замирида кўриқ ўзлаштирувчиларнинг улкан меҳнати ётибди. Мирзачўлни ўзлаштиришда нимаки ўз афзаллигини намойиш қилган бўлса, ҳаммаси Ўзиззах чўлини ўзлаштиришда фойдаланилмоқда. Бу аввало ўзлаштиришнинг комплекс усулига тегишлидир. Илгари Мирзачўл билан Ўзиззах чўли ўртасида қатъий чегара бўлмаган эди. Аюп Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл каналининг шундай чегара бўлиб хизмат қилаётганига кўн вақт ўтгани йўқ. Каналнинг ўнг томонида поёнсиз пахта плантациялари ва агрошаҳарлари билан Мирзачўл, чап томонда денгиздай чайқалиб турган лолақизгалдоқлари, шира боғлаб ётган

ўт-ўлапларнию доплари билан Жиззах чўли ясталиб ётибди.

Ўнг томондаги суғориладиган ерлар билан чап томондаги лалмикор гектарларни кўпда тенглаштириб бўлмайди: суғориладиган экинзорларнинг ҳосили беқийс. Шу боисдан ҳам КПСС XXV съездд тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да Жиззах чўлини ўзлаштиришпи тезлаштириш кўзда тутилган. Мамлакат ўзининг асосий пахта базасини кенгайтиришдан гоят манфаатдордир. Лалмикор ерларни — Жиззах чўлида бундай ерлар қарийб икки юз минг гектар — суғориладиган ерларга айланттириш лозим. «Средазгипроводхлопок» институти инженерларининг ҳисоблашларича, янги пахта плантациялари йилда юз минглаб тонна «оқ олтин» беради.

Жиззах чўлини ўзлаштиришнинг бош клавиди Сирдарё сувини тўрт насос станцияси ёрдамида секундига 180 кубометр ҳажмда оқизиш кўзда тутилган. Ҳар бир насос станциясидан кейин ўнгга ва чапга қараб каналлар тармоқланиб кетади. Шу муносабат билан чўлини ўзлаштириш тўрт навбатга ажратилган. Янгиер шаҳри яқинида Жиззах машина канали ишга туширилди. Фарҳод ГЭСининг деривацион канали ва Жанубий Мирзачўл каналининг ўзи ҳам кенгайтириб бўлинди, улардаги илшоотлар қайта жиҳозланди. Биринчи насос станциясининг агрегатлари эксплуатацияга топширилди, биринчи навбат канали сув бера бошлади, ундан 50 минг гектар ер сув ичади. Бу ерда ўнлаб пахтачилик совхози тузилди. Ирригацияда синовдан яхши ўтган суғориш лотоклари ва асбоцемент трубалардан, мелiorацияда ёпиқ трубади дренаждан, вертикал дренаждан фойдаланилмоқда. Ҳар бир трубадан ўн гектар ерни суғоришдек юқори кўрсаткичга эришини кўзда тугилади.

Сирдарё области территориясида Жиззах чўлини ўзлаштириши ишларини Голодностенстрой коллективи, Жиззах области территориясида эса, яқинда ташкил этилган «Джизакстенстрой» бошқармаси коллективи олиб бормоқда. Бу бошқарма тузилишига кўп тажрибага эга голодностенстрой трестлари асос бўлган эди. Илгарилари дастлаб келган чўлқуварлар Жанубий Мирзачўл каналидан шимол ва гарб томонга қараб юрар эдилар. Эндиликда улар йўлларини жанубга томон бурганлар. Жиззах чўли тўқ бошоқли бугдойлари билангина эмас, олий навли пахтаси билан ҳам машҳур бўладиган вақтга кўп қолгани йўқ.

Ирригация қурилишлари билан бир вақтда шипам посёлкалар, мактаблар, шифохоналар, болалар боғчалари ва маданий-маиший муассасалар ҳам қад кўтармоқда. Ерларни комплекс ўзлаштириш, илмий-техника тараққиётини кенг татбиқ этиш, замонавий гидротехник иншоотлар қурилиши Жиззах области иқтисодини жадал суръатда ривожлантиришнинг, қишлоқлар қиёфасида чуқур иқтимоий ўзгаришлар яшашнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Шеробод чўли, Эллиққалъа... Бизнинг улуғвор режаларимизни ҳаётга татбиқ этаётганларнинг меҳнатини таърифу тавсиф қила олишга қодир йилпомачиларни кутиб ётган бундай қурилишларнинг сон-саногини ўқ.

Барча Ўрта Осиё республикаларида ирригация ишлари тобора кенг қулоч ёймоқда. Сизот сувларининг оптимал даражасини яхшилаш ва сақлаб туришга кўпроқ эътибор берилмоқдаки, бу сугориш ерларида мелiorатив ҳолатни тубдан ўзгартириб юборишга имкон беради. Қатор энг йирик магистрал коллекторлар қурилиши тугалланди, дренажлар зичлиги анча оширилди. Ўрта Осиёда фақатгина сўнгги йиллар ичида коллектор дренаж тармоқларининг узунлиги 77 мингдан 124 минг километргача кўнайтирилди.

Мавжуд сугориш системаларини қайта қуриш ва таъмирлаш ҳамда сугориладиган ерларни текислаш ишлари жуда кенг кўламда олиб борилмоқда. Саккизинчи беш йиллик мобайнида Ўрта Осиё республикаларида 1 миллион 100 минг гектар майдонда системалар қайта жиҳозланган бўлса, тўққизинчи беш йиллик давомида бу кўрсаткич 1 миллион 600 минг гектарга етди. Сугориладиган ерларнинг каштал планировкаси майдони мана шу давр мобайнида 500 мингдан 700 минг гектарга ўсди.

Мана шуларнинг ҳаммаси сўнгги ўн йил ичида сугориш системаларининг фойдали коэффициентини 10—12 процентга ошириш имкониятини берди. Ўрта Осиёда сув ресурсларининг танқислиги ортиб бораётган шароитда бу жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир.

Ирригация соҳасидаги ишларимизнинг юксак кўрояткичлари одат тусига кириб қолган, шу билан бир рақамлар бироқ кишини ҳайратга солиши амри маҳол. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг май (1966 йил) Пленумидан кейин бажарилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, барибир ифтихор ва қувончимизни яширолмаймиз. Ўтган йиллар мобайнида сув хўжалигининг асосий

фондлари тахминан икки барабар кўпайтирилди. Социалистик давлатга муносиб тараққиёт!

Бироқ сув қанчалик кўпайса, уни уддалаш ҳам шунчалик мушкуллашади. Шунинг учун ҳам мелиорация системаларини автоматлаштириш ва телемеханизациялаш сўнгги йилларда кенг қўлланила ва ёйшла бошлади. Зарафшон дарёси, Фарғона водийси, Найман суғориш системаси ва бошқа объектлар сув хўжалиги комплексларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари қурилиши бўйича ишлар қилинаётир. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши бир миллион гектар ердаги сувнинг тақсими ва ҳисоб-китобини автоматлаштириш имконини яратди. Бу демак, сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни иқтисод қилиш тўла таъминланажак.

Лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари мамлакатдаги энг йприк Сирдарё ҳавзаси сув ресурсларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини ишлаб чиқиш ва бунёд этиш масалалари устида астойдил шуғулланмоқдалар.

Энергия билан таъминланишдаги кескин ўсиш, мураккаб, аксар ноёб жиҳозларнинг кенг қўлланиши, сув хўжалиги комплексларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системага ўтиши, суғориш системаларини қайта жиҳозлаш бўйича олиб бориладиган ишлар ҳажмининг ортиши сув хўжалиги ташкилотларининг замонавий индустриал базасини планли равишда ривожлантириб бориш масалаларини илгари сурди.

КНСС Марказий Комитети май (1966 й.) Плениумдан кейин мелиорациянинг ишлаб чиқариш базаси тубдан янгиланди, кўплаб янги йприк корхоналар яратилди. Биргина Ўзбекистон ССРда улар маҳсулотининг ҳажми йилга 60 миллион сўмдан 252 миллион сўмгача, темир-бетон буюмлари ва конструкциялари чиқариш бўйича қуввати 373 минг кубометрдан 1 миллион 486 минг кубометргача ўсди.

Сув хўжалиги қурилиши ҳажмининг ўсиши лойиҳа ишларининг ўсиш даражасини кўтариш ва комплекс суратда олиб боришни кучайтириш соҳасида қўшимча тадбирларни амалга оширишни тақозо этарди. Ҳозирги вақтда лойиҳачилар ҳисоблаш қурилмалари, аналог машиналар моделлаш методидан кенг фойдаланмоқдалар. Лойиҳа қарорларини ҳар тарафлама асослаб берувчи илмий вазанишлар ҳажмлари сезиларли даражада оширилди.

Гидротехник кадрларни тайёрлашда туб ўзгаришлар қилинди. Сўнгги йилларда 16,4 минг талабага мўлжал-

ланган касб-ҳунар ва техника билим юртлари қуриб битказилди, сув хўжалиги мутахассислари кадрлари тайёрлаш бўйича қатор янги техникум ва ўқув юртлари очилди. Ҳозир Ўрта Осиё республикаларида сув хўжалиги қурилишида бой амалий тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг йирик отрядлари мавжуддир.

Ўрта Осиё республикалари сув хўжалиги ташкилотларида ишловчиларнинг умумий сони 1965 йилдаги 153 минг кишидан 1979 йилда 382 минг кишига ўсди.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа қардош республикаларнинг гидротехник ва мелiorаторлари ўзларининг интернационал бурчларини бажара бориб, Россия Федерацияси Ноқоратупроқ зонасида мелiorация ерларининг кенг плапларини амалга оширишда, Сурия, Ироқ, Афғонистон, Ангола ва бошқа тараққий қилаётган мамлакатлар ирригация системалари қурилишига техникавий ёрдам кўрсатишда иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети май (1966 й.) Пленуми қарорларининг ҳаётга татбиқ этилиши пахта экадиган республикалар қишлоқ хўжалигини халқ хўжалигининг юксак даражада тараққий қилган секторига айлантириш учун мустаҳкам асос яратишга имкон берди. Ўтган ўн йил ичида суғориладиган ерлар майдони бир миллион гектарга оширилди ва 5,6 миллион гектаргача бориб етди. Шу давр мобайнида пахта хом ашёси ишлаб чиқариш 40 процентга, суғориладиган ерлардаги дон 3 бараварга, сабзаот 2,6 бараварга оширилди.

Нафақат сон ўзгаришларига балки сифат ўзгаришларига ҳам эришилди, бу энг аввало, барча қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсишида ўз аксини топди.

10 йил ичида пахта ҳосилдорлиги 12 процент, макка-жўхори 2,4 баравар, бошқа донли экинлар қарийб 2,6 баравар ва сабзаот ҳосили 1,5 баравар кўтарилди. Суғориладиган ерларда деҳқончиликнинг ялпи ҳосили 6,2 миллиард сўмгача ошди. Колхоз ва совхозларнинг даромади 3 баравар ўсди.

КПСС Марказий Комитети март (1965 й.) ва май (1966 й.) Пленумлари қарорларининг муваффақиятли амалга оширилишини белгилаб берувчи тадбирлар системасида КПССнинг ижтимоий сиёсати, партиянинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, улар моддий фаровонлигини ошириш ҳақидаги доимий гамхўрлиги катта аҳамиятга эга бўлди.

КПСС аграр сиёсатининг амалга оширилиши, фан, техника ва илгор тажриба ютуқларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига татбиқ этилиши, янги ерларни ўзлаштириш бўйича жуда кенг кўламдаги ишларнинг олиб борилиши Совет Ўрта Осиёси, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини кескин кўтариш учун катта йўллар, кенг имкониятлар эшигини очиб юборди.

Халқимизнинг, КПСС доно ленинча миллий сиёсатининг оламшумул-тарихий галабаларидан бири шу бўлдики, шаҳар билан қишлоқнинг ҳаёт даражаси доимий суратда бир-бирига яқинлашиб бормоқда. Коммунистик қурилишда, деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, «қишлоқ меҳнаткашларини фаровонлик даражаси жиҳатидан ҳам, маданий-маиший хизмат кўрсатиш жиҳатидан ҳам, ҳаёт тарзи ва қулайликлари жиҳатидан ҳам шаҳар аҳолисига яқинлаштириш муҳим вазифамиз деб биламиз. Миллион-миллион кишилар қишлоқда яшайдиган бизнинг мамлакатимиз учун бу жуда муҳим ва айни замонда мураккаб вазифадир»¹.

Колхоз ва совхозлар экономикасининг бир зайлда кўтарилиши, хўжалик тармоқларининг тобора уюшуви ва умумлашуви натижасида колхоз-кооператив мулки умумхалқ мулки хусусиятини қасб эта боради ва унга кўпроқ яқинлашади. Қишлоқ хўжалиги меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айланади ва бу қишлоқ меҳнаткашларининг замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан қуролланишида, улар касб-ҳунар малакаларининг ошишида ўз ифодасини топади. Эндиликда йирик ривожланган хўжаликлар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари вақти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва уюштириш, уни саноат асосига ўтказиш вақти етиб келгандир.

«Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини экономикасининг юксак даражада ривожланган секторига айлантиришга қаратилган партия аграр сиёсати муҳим экономик ва социал мақсадларга эриштиш учун хизмат қилади,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ҳақида» деган қарориди.— У янги шарт-шароитларда ленинча кооператив планининг давоми ва ижодий ривожидир».

Партия замонавий аграр йўлининг ҳаётга татбиқ этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муттасил

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 457-бет.

суратда ўсиб боришига, қишлоқ меҳнаткашлари ҳаёти-
нинг яхшиланишига, қишлоқларимиз жамолининг очила
боришига асос бўлди.

АФСОНАЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛанаДИ

КПСС XXV съезди ўпинчи беш йилликда мамла-
катимизнинг экономикаси ва социал тараққиётининг
улуғвор программасини амалга оширишни кўзда тутди.
Съезд қарорларида мамлакат табиий бойликларидан со-
вет халқи фаровонлиги йўлида яна ҳам яхшироқ фойда-
ланиш учун ирригация ва мелиорация, янги ерларни ўз-
лаштириш масалаларига муҳим ўрин ажратди.

Бу ҳақда Л. И. Брежнев ўзининг XXV съездга қил-
ган докладда чуқур самимият билан шундай деган эди:
«Аммо табиатдан ҳар хил фойдаланиш мумкин. Табиат-
ни унумсиз, ҳаётсиз, инсонга зарар етказадиган бўшлиқ-
қа айлантириб қўйиш ҳам мумкин,— инсоният тарихида
бундай мисоллар кўп учрайди. Бироқ, ўртоқлар, табиат-
нинг саховатини ошириш, табиатнинг ҳаётний кучларини
тўлароқ намоён этишга ёрдам бериш мумкин ва лозим.
«Яшнаб турган ўлка» деган ҳаммага маълум оддий ибора
бор. Одамларнинг билими, тажрибаси, уларнинг табиатга
ихлоси, меҳр-муҳаббати чинакам мўъжизалар яратаётган
ерларни шундай деб атайдилар. Бу — бизнинг социалис-
тик йўлимиздир»¹.

Қандай таъсирчан, ҳаяжонли сўзлар! Бу сўзлар биз-
нинг чўлқуварларимизга чўлга ҳужум қилиш ва уни бог-
бўстонга айлантириш ишида илҳом бағишлайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев табиатни ўзгартиришнинг энг
муҳим омилларидан бири деб мелиорацияни тилга олади
ва бу соҳада беш йиллик мобайнида бажариладиган аниқ
вазифаларни белгилаб беради. У, жумладан, таъкидлаган
эдики: «Мамлакатдаги мавжуд 25 миллион гектардан
кўпроқ сугориладиган ва захи кетказилган ерларга беш
йил ичида яна 9 миллион гектар ер қўшиш мўлжаллан-
моқда. ...Мамлакат Европа қисмининг жанубида ва жабу-
би-шарқида, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда янги катта суго-
риш системалари барпо этилади. Бу — жуда катта
ишдир»².

Бутун мамлакатда бўлгандек, Ўзбекистонда ҳам,
барча Ўрта Осиё республикаларида ҳам съезд қарорлари,

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 5-том, 573-бет.

² Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 5-том, 565-бет.

ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан келиб чиққан йўл-йўриқлар ва хулосалар чинданам халқлар томонидан тўла маъқулланди. Бу йўл-йўриқ ва хулосалар миллионлаб кишилар қалбини тўлқинлантириб юборди, уларни чинакам жасорат сари руҳлантирди, янги беш йиллик планни амалга ошириш учун янада актив кураш олиб боришга отлантирди.

КПСС XXV съезди қарорларига амал қилган ҳолда ирригаторлар мана шу беш йилликда улкан марраларни кўзладилар. Ўрта Осиёда 700 минг гектарга яқин янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, 7 миллион гектар яйловга сув бериш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини анча ошириш лозимлигини айтиб ўтиш kifоя.

Бу улкан программада асосий ҳамда босқичма-босқич олиб бориладиган ўзига хос улуғвор қурилишлар борким, бутун диққат-эътибор шуларга қаратилгандир. Бу — Қарши чўлида ингичка толали пахта етиштирадиган йирик район тузиш, Қорақалпоғистонда шолчи экинни кенг кўламда авж олдириш планлари. Қорақум канали қурилиши бўйича ишларни давом эттириш ва шу зонада ерларни ўзлаштириш, Катта Чу каналининг иккинчи павбати, Талас магистрал канали қурилишини тугаллаш кўзда тутилгандир. Норақ ГЭСи ва Туямўйин гидроузели қурилишлари ниҳоятга етказилади. Тожикистонда Роғун ГЭСи ва Қирғизистонда Қурунсой ГЭСини қуриш ишлари бошланади.

Ўнинчи беш йилликда Ўрта Осиё республикаларида сув хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 20 процентга кўпаяди. Мелиорация қурилишлари кенг программаси амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини тобора ривожлантира бориш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва уюштириш, уни сапоат асосига ўтказиш ва деҳқончилик ҳамда чорвачилик рентабеллигини кўтариш учун мустаҳкам замин яратилади.

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йили шуни яққол кўрсатдики, планларимиз қанчалик залворли бўлмасин, улар оғишмай ҳаётга татбиқ этиб келинаётир. Бунга 1978 йилни мисол қилиб келтириш мумкин, оғир иқлим шароитига қарамай, мамлакатимиз пахтакорлари давлатга 8 миллион 480 минг тонна «оқ олтин» топширдилар.

КПСС XXV съезди Ўрта Осиё республикалари ирригациясини ривожлантиришдаги эҳтиёжларга зўр ғамхўрлик ва эътибор билан қараб, план органлари ва фах олди-

га шундай актуал вазифа қўйди: ўнинчи беш йилликда Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга олиб ўтиш проблемаси бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва лойиҳалар тузиш лозим. Бу масалани ижобий ҳал этишининг аҳамияти битмас-туганмасдир.

Ҳозир ҳеч кимга сир эмаски, сугориладиган деҳқончиликни ривожлантириш тобора ортиб бораётган сув таъқислигига барҳам беради. Кейинги беш йилнинг тўрт йили қурғоқчилик бўлди, Ўрта Осиё республикаларида эса, ўзлаштирилмаган ерлар жуда кўп. Агар сув бўлса, ҳарорат ва катта меҳнат ресурслари етарли бўлган бу районларда пахта етиштиришни бирдан ошириш, икки мартадан юқори даражада дон ҳосили олиш, боғ ва узумзорлар барпо қилиш, чексиз яйловларга эга бўлиш аниқ эди.

КПСС XXV съездида Сибирь сувларининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш проблемасининг қўйилиши партиянинг Ўрта Осиё республикаларида ирригацияни ривожлантириш эҳтиёжига катта эътибор билан қарашидангина эмас, балки мана шундай улугвор, айтиш мумкинки, оламшумул лойиҳанинг реал асосга қўйилишига имкон берадиган социалистик тузумнинг улкан имкониятларидан ҳам гувоҳлик бериб турибди.

Жуда қадим замонларда Орол-Каспий пасттекислигида аҳоли зич яшар экан. Дарё ва каналлар бир неча давлатлардан оқиб ўтар экан, шаҳар ва қишлоқлар гавжум бўлар экан, боғлар гуркирар, ерлар ҳосилдор бўлар экан. Орадан неча минг йиллар ўтибди. Қум бу ердаги бутун жонзодни суриб кетибди. Дарёлар қурибди. Эндиликда бу ўлканинг ўтмишидан афсоналар ва онда-сонда учровчи харобаларгина дарак бериб турибди.

Хувиллаб ётган бу ерларга қандай қилиб янгидан жон багишлаш мумкин? Олимлар агар Амударё билан Сирдарёнинг ҳамма сувини экинларни сугоришга ишлатилса, 8 миллион гектар ерни сугориш мумкинчилигини ҳисоблаб чиққанлар. Аммо бунда Орол денгизи сувсиз қолади. Борди-ю, Орол денгизи қуриб қолса, халқ хўжалиги бундан қанчалик зарар топишини ҳатто ҳисоблаб ҳам тагига етиш қийин. Катта майдондаги иқлим шароити кескин ўзгариб кетади. Балиқ хўжалиги тамоман барҳам топади. Шамол шўр қумларини ҳар томонга учуриб кетиб, тунроқ ҳосилдорлигига путур еткази. Пасттекисликлардаги сизот сувларининг асрий мувозанати ишдан чиқади, миллион-миллион гектар яйловлар йўқ бўлиб кетади ва ҳ. к.

Биргина чора бор — Сибирь дарёлари, хусусан, Осиёнинг чўл районларига бевосита ёндош бўлган Обь дарёси-

нинг ортиқча сувини бу ерларга оқизиш. Бунинг устига қачонлардир Обь дарёси бутунлай бошқа томонга оқар экан ва ўз сувларини Орол денгизи ҳавзаларига келтирар экан.

Таклиф этилган лойиҳаларнинг тафсилотига берилиб кетмай, шуни айта оламизки, биринчи ҳолда Обь дарёсида тўғон қурилиши ҳақида, гоёт улкан сув омбори яратилиши ҳақида сўз бораётир, бу сув омборидан улкан каналлар орқали чўл районлар сари обиҳаёт оқа бошлайди. Биз каналнинг маҳобатини таъкидлаш учун «улкан канал» иборасини тилга олдик — ҳар секундда у уч минг кубометргача сув ўтказиши мумкин бўлади. Иккинчи ҳолда — бу лойиҳалар Обь сувини махсус насос қурилмалари ёрдамида ҳайдаш билан боғлиқ.

Энг муҳими: қайси лойиҳа қабул қилинмасин, уни амалга ошириш бемисл фаровонлик келтириши тайин. Бундан ташқари, йилга Осие қитъаси қаърига юбориладиган 60 миллиард кубометр сув ўлка халқ хўжалигидагинагинама инқилоб ясайди. Илгарилари сугорилмайдиган 6,5 миллион гектарлик ўлик майдонга жон киради. Ўрта Осие республикалари ва Қозоғистон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 5—7 маротаба кўнаяди. Шаҳар ва посёлкалар, қудратли электростанциялар бунёд этилади. Янги магистрал сув йўллари пайдо бўлади.

Сибирь сувлари билан Ўрта Осие дарёларининг сув ресурсларини тўлдирish ҳисобига келажакда сугориш ерларини икки барабар кўнайтириш мумкин бўлади, демак, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳам кескии ошади. Ҳозирги пайтда сув етишмаслигидан қийналаётган Орол денгизининг ҳам бағри тўлади.

Булар барчаси совет кишинининг фаровонлиги учунгина қилинади. Зеро, Леонид Ильич Брежнев таъкидлагандек: «...бизнинг ҳамма режаларимиз, партиямизнинг бутун сиёсати совет халқи учун янада яхшироқ ҳаёт барпо этишдан иборат бош мақсадни кўзлайди»¹.

Ирригация қурилишлари мана шу мақсадларга хизмат қилади. Золимлар ҳамда табиатнинг асов кучлари билан тенгсиз курашларда, ўтмишда одамлар қанчалар ожиз, нотавон қолган, ҳалокатга учраган бўлсалар, халқнинг серсув, серҳосил ер ҳақидаги орзу-армонлари ҳам худди шундай рўёбга чиқмай қолаверган. Кишиларнинг қанчадан-қанча насллари ушатолмаган орзуларни қисқа муддатлар ичида амалга оширган совет кишиларининг

¹ Л. И. Брежнев. Левин йўлидан, 6-том, 7-бет.

ифтихори нечоғлик улуг! Янгидан бунёд бўлаётган гўзал-
ликда беқиёс ўлкалари, шаҳар ва қишлоқлари, дала ва
боғларига совет кишиларининг меҳру муҳаббатлари қан-
чалар юксак! Биллурдай товланиб, жимирлаб, тўлиб-
тошиб оққан, бойлик ва ҳосилдорлик манбаи бўлган
каналлар ва дарёларни кўрганда совет кишиларининг
қувончлари қанчалар чексиз! Ўлкани қайта яратган,
бахтли кун берибгина қолмай, келажак наслларнинг ҳам
бахт-иқболини таъминлаб қўйган Ленин партиясидан со-
вет халқи беқиёс миннатдор!

Азиз пахтакорлар, қутлуг замон бу,
Тинч меҳнат, ижодга буюк жавлон бу!
Сиз олий мурувват, олий ниятсиз,
Сиз тоза виждону олий ҳимматсиз!
... Сиз ахир, аллома, қилни қирқ ёрган,
Мавруди келганда тоғни ағдарган!
Меҳнатда товланиб юксалган Инсон,
Ҳар қапдай мушкулни қилажак осон!

Таниқли ўзбек шоирларининг ижодий коллективи
яратган бу шеърини сатрлар совет кишиларининг олижа-
ноб туйғуларининггина эмас, уларнинг интилишларини,
янги-янги ғалабаларга ҳамisha тайёр эканликларини ифо-
да қилиб турибди.

Халқимизнинг фидокорона меҳнатга доимо бел боғлаб
туриши, жонажон мамлакатининг бахт-саодати учун жа-
сорат кўрсатишга ҳамisha шайлиги — партия белгилаб
берган ҳар қандай вазифа — у хоҳ кoinотни забт этиш,
хоҳ дарёларни жиловлаш бўлсин, албатта адо этилажаги-
га энг ишончли кафолатдир.

Халқ даҳоси яратган тўлғин ва ҳаётбахш, қудратли
оқим ҳеч қачон тиниб қолмаганидек, партиямизнинг қи-
зил байроғи — коммунизм байроғи голибона ҳилпираб
турган Ватанмизга ҳам совет кишиларининг дарё каби
чексиз меҳру муҳаббатлари битмас-туганмасдир!

1979 йил

ШАҲАР ДАРАЖАСИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

ҚИШЛОҚҚА — ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, қишлоқ турмуши маданиятини юксалтириш борасидаги гамхўрлик оммага партиявий таъсирчанликни кучайтириш тадбирлари системасида муҳим ўринни эгаллайди. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки, турмуш — инсон ҳаётининг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. Одамларнинг бир-бирига муносабати, улар фаолияти ва кундалик машғулотларининг туб маъноси, ҳаёт тарз-тариқаси, феъл-атвори ва хулқ-одатидаги фазилатлар меҳнатга ва социалистик турмуш қонун-қондаларига, анъаналар ва урф-одатларга инсбатан ўзаро муносабатларининг барча моҳияти мана шу ерда намоён бўлади. Турмушнинг белгиловчи аҳамиятини таъкидлар экан, В. И. Ленин, «маданиятга, ҳаёт ва одатга кирган нарсаларининггина қўлга киритилган ютуқ деб ҳисобламоқ керак...»¹ дея уқтириб ўтган эди.

Қишиларнинг тарбияси, маънавий ҳамда ахлоқий қиёфаларининг шаклланиши кўп жиҳатлардан турмушнинг қанчалар яхши йўлга қўйилганлиги, унинг маданий савияси қанчалар юксаклиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам юксак турмуш маданияти учун кураш — бу аввало ялғи инсон учун, шахснинг ҳар томонлама камолоти, коммунистик жамият қуриш учун курашдир.

I

Социалистик ва коммунистик қурилишнинг барча босқичларида партия қишлоқ турмушини тубдан ўзгартиришга алоҳида аҳамият бериб келди ва бериб келаётир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Ленин, «аҳолининг гоят кўпчилиги бўлган деҳқон аҳолисининг турмушини қуриш масаласи — биз учун энг асосий масаладир»², деб таъкидлаб ўтган эди. Шу билан бирга

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 435-бет.

² Уша ерда, 283-бет.

Илдың партия ва халқ олдида турган энг мураккаб масала ҳам худди шў эқанлигини уқтирган эди.

Янги қишлоқлар бунёд этиш йўлида кўндаланг бўлган улқан қийинчиликлар шундан келиб чиққан эдики, мамдакатга чор тузумидан қолоқлик мерос қолган бўлиб, бундан қутулиш учун кўн вақт ва ҳаддан ташқари кўн қуч сарфлаш керак бўлди. Эксплуататорлик тузуми қишлоқларни иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан турғунликка гирифтор қилди, шаҳар билан қишлоқ ўртасида кескин зиддиятларни келтириб чиқарди. Ўтмишда шаҳар юз йиллар давомида қишлоқларни иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилиб келди, сиёсий жиҳатдан ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут турмушга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. К. Маркс ёганидек, қишлоқ аҳолиси узоқ муддатгача маданият ва турмуш қолоқлигига, минглаб йиллар жаҳолатга, «ваҳшиёна қишлоқ ҳаёти»га маҳкум бўлиб келди. Ўтмишда деҳқонларнинг қисмати маданиятсизликдан, руҳий қашшоқликдан ва саводсизликдан иборат эди.

Қишлоқни шаҳарга узил-кесил бўйсундирган, монополияларнинг деҳқонлар устидан зулмини кучайтирган капитализмда бундай ҳол ўзининг энг юқори нуқтасига етди. Марксизм-ленинизм классиклари қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутларни йўқотиш шарт-шароитларини ялмиий жиҳатдан асослаб бердилар: ижтимоий тузумни тубдан ўзгартириш, капитализмни ағдариб ташлаб, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини тиклаш лозим.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси капиталистик хусусий мулкчиликни йўқ қилди, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш учун объектив қулайликлар яратди. В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия тарихда биринчи марта деҳқонлар тақдири ҳақидаги масалани ҳар тарафлама ҳал этиш учун муайян замин яратиб берди.

Энг муҳими, қишлоқни социалистик асосда қайта тиклашнинг энг тўғри йўлини топиш ва тайин қилиб олишдан иборат эди. Бу йўл қишлоқ хўжалигини кооперациялашнинг доҳиёна ленинча плани билан белгилаб олинган эди. Бу улуғ ўзгаришлар плани ишчилар синфи ва деҳқонлар иттифоқининг тобора мустаҳкамлашиб боришига, миллионлаб майда деҳқон хўжалигининг йирик ишлаб чиқариш кооперацияларига бирлашувига, қишлоқ хўжалиги учун замонвий индустриал база яратилишига ва

йў билан бир вақтда маданий революция — деҳқонлар оммасининг турмушини, руҳий дунёсини ва психологийсини тубдан ўзгартиришга асосланар эди.

Лениннинг кооперация плани қишлоқда партия сиёсати учун асос қилиб қўйилди. Бош социал вазифа қишлоқ билан шаҳар, ишчилар синфи билан деҳқонлар, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқоттишдан, синфсиз коммунистик жамият қуришдан иборат эди.

«Равшанки,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин,— синфларни батамом йўқ қилмоқ учун эксплуататорларни, помещик ва капиталистларни ағдариб ташлашдан ташқари, уларнинг мулкларини бекор қилишдан ташқари ишлаб чиқарини воситаларининг ҳар қандай хусусий мулкчилигини ҳам бекор қилмоқ керак, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни ва шунингдек, жисмоний меҳнат кишилари билан ақлий меҳнат кишилари ўртасидаги тафовутни ҳам йўқотмоқ керак»¹.

Мана шу вазифани адо этиш учун Коммунистик партия миллионлаб деҳқон меҳнаткашларни оёққа тургазди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида янги ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик муносабатлари тикланди. Шаҳар қишлоққа техника, кадрлар, социалистик маданият касб этишда ёрдам бера бошлади. Партия раҳбарлиги остида, ишчи синфининг ҳар тарафлама ёрдами ва қўллаб-қўлтиқлаши туфайли деҳқонлар социализм йўлига қадам қўйдилар.

Нисбатан қисқа муддат ичда колхоз қишлоқлари социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлида улкан одимлар ташлади. Колхоз ва совхозлар экономикасининг кўтарилиши, қишлоқ хўжалиги соҳаларини концентрациялаш ва ихтисослаштириш натижасида деҳқонлар йирик социалистик ишлаб чиқарини системасига ҳамда ижтимоий муносабатлар жабҳасига яна ҳам тўлароқ ва чуқуроқ кириб келдилар. Колхоз-кооперация мулкчилиги умумхалқ мулки тусини олди ва тобора шунга яқинлашиб келмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнати жуда тез суръатлар билан раиғ-бараиғ индустриал меҳнатга айланиб борар экан, бу нарса қишлоқ меҳнаткашларининг замонавий техника билан қуролланишида ва улар профессионал малакасининг тобора ўсиб боришида ўз ифодасини топди.

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 17-бет.

Колхоз ва совхозларда иш ҳақининг доимий оширилиши, унинг шакллариининг ўзгартирилиши, жамоатчилик жамғармаларидаги фойдаланишнинг тобора ўсиб бориши туфайли деҳқонлар ижтимоий бойликка қўшган улушлари ва шунингдек унга эга бўлиш усуллари билан ҳам ишчилар синфига янада яқинлашиб келади.

Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига социалистик эгалликнинг ягоналиги ҳамма кўринишдаги синфий антагонизмнинг барбод этилиши, қишлоқда социалистик кооперация, ягона социалистик идеология шаҳар билан қишлоқни бир-бирига яқинлаштирди. Иқтисодий, сиёсий ва идеологик бирлик асосида ишчи синфи билан колхозчи деҳқонларнинг дўстлиги ва иттифоқи тобора мустаҳкамланиб бормоқда, бу жамиятимизнинг коммунизм йўлидан муваффақиятли равишда олға боришининг гаровидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустриалаштириш, илмий-техника революциясининг ривожланиши қишлоқ ва қишлоқ меҳнатқашларининг ижтимоий қиёфаларида сифат ўзгаришлари рўй беришига олиб келади. Қишлоқ аҳолисининг профессионал структураси ўзгармоқда, янги касблар пайдо бўлмоқда ва кенг тарқалмоқда. Колхоз ва совхозларда кенг иш қобилиятига эга бўлган механизаторлар етакчи кучга айланмоқда — булар тамомла янгича деҳқонлардир, эндиликда уларнинг меҳнати саноат ишчисининг меҳнатидан асло қолшимайди. Одатдаги касбларнинг мазмуни ҳам тубдан ўзгарди, эндиликда улар замонавий техника ҳамда технология, ақлий ва жисмоний меҳнат хусусиятларини ўзида бириктирган меҳнат билан чамбарчас боғлангандир. Ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги кескин тафовутларни бартараф этиш жараёни мана шунда ёрқин намоён бўлмоқда, булар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш билан биргаликда ривожланган социалистик жамият ҳал этаётган жуда муҳим ижтимоий вазифадир.

Илмий-техника тараққиёти, қишлоқ хўжалиги меҳнатиининг саноатдаги меҳнат билан яқинлануви таъсири остида қишлоқ ижтимоий структурасида ишчилар тобора кучлироқ мавқега эга бўла борадилар. Мамлакатда қишлоқ механизаторларининг сони 5 миллионгача ўсди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ҳар беш ишчидан бири механизатордир. Қишлоқ аҳолисининг янги-янги профессионал категориялари ўсиб бормоқда: меллораторлар группаси — 1,5 млн. кишини, қишлоқ қурувчилари — 3 млн. кишини ташкил этади. Янги совхозларининг барно

этилиши, агросанат комплексларининг ривожланиши, санат корхоналарининг қишлоққа яқинлаштирилиши ишчилар сонининг буидаи кейин ҳам кўнайтишига олиб келади. Қишлоқ аҳолиси ичида улар миқдорининг кўнайтиб бориши колхозчи деҳқонларининг психологиясига, уларининг жинслашувига, гоивийлигига, феъл-атвори ва тушунчаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Совет қишлоғининг ижтимоий структурасида сон жихатдан кундан-кун ўсиб бораётган қишлоқ зиёлилари тобора муҳим аҳамият касб этаётир. Қишлоқ зиёлилари фан ва техника ютуқларини ҳаётга, илгор тажрибани қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқаришига татбиқ этишда, турмушини маданиялаштиришда етакчи ўринни эгаллайдилар. Қишлоқ хўжалиги меҳнатиини сертармоқ индустрия меҳнатига айлантириш жараёнининг натижаси ўлароқ қишлоқ меҳнаткашларининг умумтаълим, маданияи даражаси узлуксиз равишда ошиб бораверади. Ҳозир мамлакатимиз қишлоқ аҳолисининг ярмидан кўпроғи ўрта ва олий мактабларни битирганлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ҳисобланади. Агар Улуғ Ватан урушини арафасида қишлоқ аҳолисининг атиги 6 процентигина олий ва ўрта маълумотга эга бўлганлиги ҳисобга олсак, юқоридаги кўрсаткичининг нақадар салмоқли экани яққол кўринади-кўяди.

Илгарини мамлакатининг қолоқ районларида жойлашган қишлоқлар маданияти юксалишидаги ютуқлар, айниқса, ҳайратлидир. Масалан, ўтмишда қишлоқ аҳолиси ёниасига саводсиз бўлган Ўзбекистонда барча қишлоқ меҳнаткашлари юқори савияда ўқиминли ва саводхон бўлиб қолдилар. Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотига биноан, 1959 йилдан 1970 йилгача бўлган даврда республика қишлоқ меҳнаткашларининг олий, ўрта махсус ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганларининг миқдори 1,7 марта кўнайтган. Халқ хўжалигида ишлаб турган қишлоқ аҳолисининг ҳар мингтасига 1939 йилда — 4, 1959 йилда — 87, 1970 йилда эса 144 олий ҳамда ўрта махсус маълумотли киши тўғри келган. Ҳозир бу кўрсаткич яна ҳам ошган.

Индустрилаштириш ва коллективлаштириш, маданияи революция, илмий-техника тараққиёти ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш ва ижтимоий структурадаги шулар билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар — булар барчаси қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзини ва психологиясини тубдан ўзгартириб юборди. Колхоз деҳқон учун, унинг турмушини, онини ва психологиясини шакллантиришда ажойиб коммунизм

мактаби бўлди. Тарихда бириччи марта — юксак даражада маълумот, дунёқараш ва профессионал маданиятга, социалистик психологияга, марксист-ленинча идеологияга асосланган янги ахлоқий хусусиятларга эга бўлган совет деҳқонининг янги тини шаклланди.

Социалистик қуришни йилларида, дарҳақиқат, қишлоқ турмушига принципиал жиҳатдан янги маданият кириб келди ва камол топди. Қишлоқда ишлаб чиқариш кучларининг ўса бориши билан ишлаб чиқариш ва маданият муассасаларининг комплекслари ташкил этилмоқда, замонавий шаҳарларга хос бўлган юксак маданият ва қулайликларни ўзида жам этгувчи ва табиий шароит афзалликларини сақлаб қолгувчи шаҳар типидagi посёлкалар тикламоқда.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф қилар экан, социализм, ўз-ўзидан маълумки, улар орасидаги мавжуд тафовутни бирданига йўқотмайди. Шундай бўлиши муқаррар. Шаҳардаги ишчи синфи ўз меҳнат фаолияти билан социалистик мулкнинг давлат формасига, деҳқонларнинг каттагина қисми эса, кооператив кўлхоз формасига боғланган бўлади. Қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнати техникавий қуролланиши, энергия билан таъминланиши, фан ва илмгор техникаши қўллаши, ташкил этиш даражаси бўйича ҳали шаҳар ишчисининг меҳнатидан фарқ қилади.

Совет ҳокимияти йилларида рўй берган улугвор ижобий ўзгаришларга қарамай, қишлоқ ҳали маданий ўсини, турмуш фаровонлиги, ҳар турли қулайликлар жиҳатидан шаҳардан орқада қолмоқда. Қишлоқ болалар муассасалари, кинотеатр шахобчалари, спорт комплекслари, савдо марказлари маданий-маиший хизматининг турлитуман замонавий турлари билан тўла таъминланган эмас.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги мавжуд тафовутларнинг бартараф этилиши марксизм-ленинизм классиклари томонидан коммунистик жамиятни белгилаб берувчи хусусиятлардан бири ва шарти деб қаралар эди. Келажак коммунистик жамиятда бу тафовутларнинг бартараф этилишини дохиёна башорат қила туриб, Ф. Энгельс ёздики, тафовутларни йўқотиш «шаҳар билан қишлоқнинг қўшилиб кетиши»¹ билан амалга оширилади; коммунистик шаҳарга мусаффо ҳаво, қуёш нури, қишлоқ далаларидагидек кўзни қувонтирувчи яшиллик, қишлоқ-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Соч. т. 20, с. 307—308.

қа эса, барча замонавий техника, маданий-маиший ютуқлар кириб бормоғи лозим.

Бошқача қилиб айтганда, шаҳар билан қишлоқ ўзларида мавжуд бўлган жамики яхши нарсалари билан бир-бирларини бойитмоғи, шу асосда ораларидаги қадимий тафовутни бартараф этмоғи лозим.

Бу ҳам принципиал назарий, ҳам амалий вазифадир. Гап 100 миллиондан ортиқ инсонлар учун ҳаётний муҳим бўлган манфаатларга тааллуқдор масала устида бораётир. Жамиятимиз ижтимоий тараққиётининг КИСС XXV съезди ишлаб чиққан программасида бу масала дастлабки ўринлардан бирини эгаллайди. Партия ривожланган социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш бир вақтнинг ўзида бутун жамиятни қамраб олади деган фикрдан келиб чиқади. Шаҳар билан қишлоқ ҳеч қачон коммунизмга навбат билан кириб бормайди. Бутун жамиятнинг коммунизмга бир вақтда ўтишини таъминлаш учун қишлоқнинг шаҳардан ортда қолишини бартараф этиш лозим.

Партия, деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, коммунистик қурилишда «қишлоқ меҳнаткашларини фаровонлик даражаси жиҳатидан ҳам, маданий-маиший хизмат кўрсатиш жиҳатидан ҳам, ҳаёт тарзи ва қулайликлари жиҳатидан ҳам шаҳар аҳолисига яқинлаштиришни муҳим вазифа деб билади. Милليون-милليون кишилар қишлоқларда яшайдиган бизнинг мамлакатимиз учун бу жуда муҳим ва айни замонда мураккаб вазифадир»¹.

II

Қишлоқ иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришда қўлга киритган барча ютуқларимиз — партиянинг ленинча аграр назарияси ва сиёсатининг таъсирчан, ҳаётбахш кучи самарасидир. Коммунистик қурилишнинг актуал вазифаларини ҳисобга олган ҳолда КИСС аграр сиёсатининг энг муҳим принципларини ижобий тарзда ишлаб чиқади ва амалга оширади. Коммунизм қурилиши ишининг ҳамма даври учун бирдек аҳамиятга эга бўлган бундай принципларнинг энг асосийси — хўжалик ҳисоб-китоби ва меҳнаткашларнинг шахсий моддий манфаатдорлиги.

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 2-том, 457-бет.

В. И. Ленин таъкидлаб ўтган эдики, янги жамиятни «ғайрат-шижоат асосида эмас, балки буюк революция туғдирган ғайрат-шижоат ёрдами билан шахсий манфаат асосида, шахсий манфаатдорлик асосида, хўжалик ҳисоби асосида қуришиз...»¹.

Аграр сиёсатининг ленинча принциплари КИСС Марказий Комитети март (1965 й.) Пленуми қарорларида ижодий жиҳатдан яна ҳам ривожлантирилди, партия замонавий аграр сиёсатининг принципиал асослари ишлаб чиқилди. Ана шу Пленумда Марказий Комитет партия ва барча совет кишиларининг бутун диққат-эътиборини шу кунги қишлоқ проблемаларига жалб этди. Пленум белгилаб берган сиёсий йўл партиянинг XXIII, XXIV ва XXV съездларида янада ривожлантирилди. Партия ленинча аграр сиёсатининг илмий асосланганлиги ва ҳаётий қудрати КИСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми материалларида ҳар томонлама ўз аксини топди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладыда КИССнинг ҳозирги даврда социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тутган сиёсати ва амалий фаолияти чуқур таҳлил этилди, мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ҳом аниёси билан яхшироқ таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини бундан буён ҳам кўтара борини, халқнинг турмуш даражасини тобора оширини йўллари белгилаб олинди.

Партиянинг ҳозирги замон аграр сиёсатида ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий-иқтисодий муносабатлари ривожланишидаги муштарақликнинг ленинча ғояси ўзини кенг ифодасини топди. Партия ишлаб чиқариш — техникавий, иқтисодий ва иқтисодий-сиёсий вазифаларни ўзаро бир-бири билан боғлиқликда ҳал этишнинг қатъий йўлини тутди.

Ривожланган социализм босқичида — партия аграр сиёсатининг шаклланиши, мамлакат ишлаб чиқариш кучлари барча звеноларининг уйғунликда ривожланишига йўналтирилган янги иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, меҳнаткашларнинг ҳаётий ва маънавий даражасини оширини билан боғлиқ бўлган иқтисодий проблемаларни тўлароқ ҳал этиш атоқли марксни-ленинчи, КИСС Марказий Комитети Бон секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг улкан назарий ва амалий фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг қишлоқ хўжалиги ма-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўламини, 44-том, 174-бет.

салалари бўйича энг муҳим принципал қарорларнинг тайёрлаш ташаббускоридир. У қарорларни ижодий тарзда ишлаб чиқишга ва ҳаётга изчил татбиқ қилишга беқисс даражада муҳим ҳисса қўшмоқда.

Белгиланган йўлдан оғинмай борар экан, партия қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, колхоз ва совхозларни техника билан жиҳозлашни яна ҳам кучайтириши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини концентрациялаш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштиришнинг улкан тадбирларини амалга оширди. КНСС Марказий Комитети март (1965 й.) Пленумидан кейин ўтган йиллар мобайнида қишлоқли иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга мўлжалланган маблағ жамғармаси 290 миллиард сўмни ёки Совет ҳокимияти ўрнатилган даврдан бери ўтган муддатга нисбатан 3 марта кўп миқдорни ташкил этди.

Партия ишлаб чиққан тадбирларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқарини иқтисодий шарт-шароитларининг мутаносиблашувига имконият яратди, колхоз ва совхозларнинг иқтисодига, улар хўжалик фаолиятларининг натижаларига ижодий таъсир кўрсатди. Бу ишлаб чиқарини рентабеллиги даражасининг кўтарилишига, бўлинмас фондларни тўлдириши учун каттагина маблағни тежаб қолишга, колхозчиларга яхшироқ иш ҳақи тўлашга имконият яратди. Совхозларнинг иқтисодий сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Иқтисодий кучлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсишини тезлаштиришга мўлжалланган тадбирлар силсиласида унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда техника ютуқларида, хўжаликни юриштиришнинг замонавий методларидан фойдаланмасдан, деҳқончилик ва чорвачиликни интенсификациялашни кучайтирмасдан туриб ишлаб чиқаришни ўстириши ҳақида ўйламаса ҳам бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтган эдики, «қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсифлаштириши, уни техника билан қайта қуроллантириш ҳозирги замон шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатини белгилаб берадиган муҳим омилдир»¹. Бу йўлда катта ишлар амалга оширилди. КНСС Марказий Комитети март (1965 й.) Пленумидан кейин давлат қишлоқ хўжалик муассасалари ва колхозларнинг асосий ишлаб

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 3-том, 74-бет.

чиқариш фопдлари 2,8 марта, бир ишловчи ҳисобига энергия қуввати билан таъминланиш — 2,5 марта кўпайди. Меҳнатнинг энергия қуввати билан таъминланиши бўйича қишлоқ хўжалиги саноатга тобора яқинлашиб бормоқда.

Қишлоқ жойларда янги техника, электроэнергетика, химия, сугориш ишлари, меҳнатнинг саноат усуллари ишлаб чиқаришнинг қудратли воситаларига айланди. Мамлакат далаларида 2,5 миллиондан ортиқ трактор, 700 мингга яқин ғалла ўриш комбайни, 1,5 миллион юк автомобилли, бошқа кўп машиналар ишлаб турибди. Гап фақат миқдор жиҳатидан ўсишдагина эмас. Эндиликда қишлоқ қудратли замонавий техникага эга бўлмоқда. Шундай мисолни айтиб ўтайлик. Ўзбекистонда пахта териш ва кўрак териш, механик подборшик ва бошқа техника воситаларини кенг жорий этиш натижасида давлатга пахта тани йиғиб-териш бериш ва сотиш ишларининг ташкил қилиниши тубдан ўзгариб кетди. Бу меҳнат жараёнидаги узлуксизлик усули диққатга сазовордир: дала — пахта териш машинасининг бункери — принцип тележка — тайёрлов пункти. Хом ашё даладан то сақланиш жойига етиб боргунча ерга тегмайди, ағдар-тўштар қилинмайди, бу эса унинг сифати сақланиб қолишига имкон беради. Техникани қўллаш терим жараёнини тезлаштирибгина қолмай, уни арзонлаштиради ҳам, меҳнат харажатини кескин қисқартиради, терим сифатини яхшилайди. 1978 йилда 3,4 миллион тонна ёки ҳосилнинг 62,4 проценти машиналар билан йиғиб-териш олинди.

КНСС Марказий Комитети март (1965 й.) Пленумидан кейинги ўтган вақт ичида мамлакатимизда ерларни химизация ва мелiorация қилиш кенг қўл оч ёйди. 1978 йилда қишлоқ 1965 йилдаги 27 миллион тонна ўрнига 80 миллион тонна минерал ўғит олди. Ерларни сугориш ва захини қочириб ишлари икки барабар ўсди.

Ўзбекистонда сув хўжалиги қурилишлари жуда кенг миқёсда амалга оширилаётир. Сўнгги ўн йил ичида йирик сув омборлари, сугориш каналлари бунёд этилди, коллектор-дренаж тармоғи кўнайтирилди, 700 минг гектар янги очилган ерлар сугорилди ва ўзлаштирилди, миллиондан ошқроқ гектардаги ерларни сув билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилди, миллион гектар ернинг мелiorатив аҳволи яхшиланди.

Шу муносабат билан Леонид Ильич Брежневнинг тараф ва ёрқин фикрларга тўла «Қўриқ» асаридagi бир ўрини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Бу китоб бугунги кунда бизнинг тажрибаларимиз, режаларимиз-

нинг мезони бўлиб қолган. Ундаги фикр Ўзбекистон кўриқ ерларини ўзлаштириш, умуман, қишлоқни ижтимоий ривожлантириш бўйича биз олиб бораётган ишлар билан олий даражада ҳамоҳангдир. Мана ўша сўзлар:

«Хозирги замон экономикаси, сиёсати, ижтимоий ҳаёти шунчалик мураккабки, уларни қудратли коллектив ақлидрокни билангина бошқариш мумкин. Фақат бир йўналишдаги ёки бир мактаб мутахассисларини, олимларини эшитиб қолмасдан халқ билан маслаҳатлаша билиш лозим,— деб ёзади Леонид Ильич,— ана шундагина ҳар қандай «дабдабозлик»дан, хом-хатала ва бировларнинг иродасига боғлиқ бўлган ўйланмаган қарорлардан ҳоли бўлиш мумкин. Бу нарса, айниқса, бир бутун географик регионнинг ҳар томонлама хўжалик ва социал-иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилиши ҳақида, бу борада узоққа мўлжалланган сиёсат ҳақида, анча узоқни кўра билиш ҳақида гап борганида хатарли бўлиши мумкин»¹.

Энг янги фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда ерларни комплекс ўзгартириш борасида бой тажрибага эгамиз. Бунга Мирзачўл яққол мисол бўла олади. Уни ўзлаштириш ишини Л. И. Брежнев 1979 йил 2 мартда Москва шаҳри Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида совет халқининг энг ажойиб ғалабалари қаторида тилга олиб ўтди. Илгариги бийдай чўл ўрнида бугун гуллаб-яшпаган воҳа бунёд топган. Мирзачўл бугун пахта ва гўшт, ёғ ва сут, мева ва сабзавот бермоқда. Мирзачўл фақат қишлоқ хўжалигинигина хизмат қилаётгани йўқ. Бу ерда қудратли саноат комплекси яратилаётир, электр симлари тортилган панжара столбалар сафи уфқларга туташиб кетган. Қишлоқ хўжалиги оборотига киритиладиган ерлар харажати деҳқончилик тарихида биринчи марта қурилиш ва янги ерларни ўзлаштириш жараёнида қопланаётир.

Сугориладиган деҳқончиликнинг янги йирик райони Қарши чўли бўлиб, бу ерда 130 минг гектар кўриқ сугорилди ва ўзлаштирилди. Янги ерларни ўзлаштириш борасида Жиззах чўли, Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод водийси, Қорақалпоғистон автоном республикаси ва бошқа жойларда талай ишлар қилинди.

Партия ўзининг аграр сиёсатида ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини такомиллаштиришга катта аҳамият бермоқда. Гап энг аввало қишлоқ хўжалиги иш-

¹ Л. И. Брежнев. Кўриқ. «Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1978 й., 31-бет.

лаб чиқаришни хўжаликлараро кооперация ва агро-соц-интеграция базасида ихтисослаштирилиши ва бундан кейинги концентрациялашнинг роли ошиб бораётгани ҳақида кетмоқда. Бунда қишлоқ ҳаётининг келажаги яна ҳам порлоқ бўлади, бу — кооперация ҳақидаги Ленин ғояларини амалга ошириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги кескин тафовутларни бартараф этишда янги босқич демакдир.

Сўнги вақтларда Ўзбекистон партия, совет қишлоқ хўжалиги органлари чорвачиликда, сабзавотчиликда ва бошқа соҳаларда ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта эътибор бермоқдалар. Бу борада Россия Федерацияси, Молдавия ва бошқа қардош республикаларнинг тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини бундан буён ҳам интенсификациялаш ва унинг самарадорлигини ошириш фан тараққиёти билан, илмий-техника ютуқларини амалда қўллаш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқаришга татбиқ этилган йирик тадбирлар орасида совет фаши ва амалиёти томонидан яратилган деҳқончиликда тупроқни ҳимоя қилиш системаси муҳим аҳамиятга эгадир. Селекционерларимиз томонидан буғдой, ғўза, сабзавот, узум, макка-жўхори, шоли ва меваларнинг янги навлари яратилиб, шу экинларнинг ҳосилдорлиги бирмунча оширилди.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ихтисодий омиллар ва моддий-техника воситалари нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бироқ улар ўз-ўзидан кутилган натижаларни бермайди. Ҳар бир ишдаги ютуқни одамлар, кадрлар ҳал этадилар. Уларни тарбиялаш проблемаси партиямизнинг доим диққат марказида турибди. КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумидан сўнг бу соҳада, хусусан, анчагина инлар қилинди.

Республикамиздаги, масалан, колхоз раислари ва совхоз директорларининг 85 проценти олий маълумотга эгадир. Қишлоқ хўжалигида кенг профилдаги юз минг механизатор ишлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1979 йилда 200 минг йигит ва қизларни қишлоқ хўжалиги механизатори касбига ўқитиш бўйича республика комсомол ва ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Мустаҳкам ихтисодий, моддий-техника базасига, деҳқонлар ва чорвадорларнинг тобора ошиб бораётган ижодий фаоллиги ва маҳоратига, улар кенг авж олдирган социалистик мусобақаларга таянган ҳолда мамлакатимиз қол-

хоз ва совхозлари барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиш ва давлатга сотишни анчагина кўпайтирдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришида зўр муваффақиятларга эришдилар. КПСС Марказий Комитети март (1965 й.) Пленумидан буён республика қишлоқ хўжалигининг янги маҳсулоти икки баравар ўсганлигини айтиб ўтиш кифоя. Экономикани, шу жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган давлат харажатлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Шунинг баробарида Ватанимиз республика дала ва фермаларидан йилдан-йилга кўпроқ нахта, дон, сабзавот, мева, узум, винок, қорақўл, чорвачилик маҳсулотлари олмақда. Бунда Ўзбекистон қўриқларининг роли беқийёсдир: масалан, ҳар йили Ўзбекистонда етиштириладиган беш ярим миллион тоннадан зиёд пахтанинг учдан бир қисми қўриқ ерлар зиммасига тушади.

Қишлоқнинг иқтисодий ривожланишида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатиламоқда. Партиямизнинг аграр сиёсатини муваффақиятли амалга ошира бориш туфайли қишлоқ турмушини коммунистик асосда қайта яратини, қишлоқ меҳнаткашларининг маданий даражаси ва онгини ўстириш учун моддий ва маънавий имкониятлар яратиламоқда.

III

Партия меҳнаткашлар фаровонлигини оширишни, улар моддий ва маънавий талабларини қондиришни ўзининг асосий вазифаси деб эълон қилди. Одамларга гам-хўрлик қилиш Ленин партиясининг энг олий қонуни бўлган, бўлиб келаётгани ва шундай бўлиб қолади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтириш борасида партия ва ҳукуратимиз барча чора-тадбирларни кўриб келади. Аммо маълум тарихий сабабларга кўра бу соҳадаги имкониятлар узоқ вақтгача чекланиб қолган эди. Ҳозир эса, коммунистик қурилшнинг узлуғвор режалари муваффақиятли равишда амалга оширилиши туфайли мамлакатимизда халқ ҳаётини тубдан яхшилаш ва унинг турмуш маданиятини ўзгартириш учун қулай имкониятлар яратилди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқ фаровонлиги, маданиятини юксалтириш масалалари бир-

бири билан чамбарчас бoғлиқ ҳамда бирининг тараққиёти-
ни иккинчисиз тасаввур қилиш қийин. Мана шунинг
учун ҳам, партия ўз аграр сиёсатини амалга ошираётган,
қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини юксал-
тириш ва уни умумий ижтимоий-иқтисодий ютуқлар
даражасига етказиш масаласини биринчи ўринларга
қўйди.

1966 йилдан бошлаб колхозчиларга муайян меҳнат
ҳақи тўлаш жорий этилди. Ўтган вақт мобайнида мамла-
кат колхозларида ўртача ойлик иш ҳақи икки баробар
оширилди. Совхоз ишчиларининг маоши 1,8 баробарга
ўсди. Шунинг билан бир қаторда умумий истеъмол фонди-
дан бериладиган тўлов ва имтиёзлар ҳажми анчагина ўс-
ди. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган барча пен-
сиялар энди колхоз аъзоларига ҳам бериладиган бўлди.
Колхозчиларининг социал страхованиеси анча яхшиланди.
Қишлоқ жойларда тураржойлар қурилиши, коммунал
хўжаликлар ва ободончилик учун давлат катта маблағ-
лар ажратди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзининг
1964 йил, июнь ойида бўлиб ўтган XIII пленумида тур-
муш маданиятини юксалтириш, меҳнаткашларни комму-
нистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири
бўлмиш эскилик сарқитларини йўқотиш масалаларини
кўриб чиқди ҳамда республика партия ташкилотлари
учун кўп йилларга мўлжалланган ишларида дастурламал
бўладиган кенг қарор қабул қилди. Бу пленум қарорла-
рига биноан партиянинг барча обком, горком, райком, қўйи
ташкilotларида меҳнаткашлар турмуш маданиятини юк-
салтириш борасида конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.
1965 йилда Марказий Комитет ташаббуси билан пленум
қарорлари қандай бажарилаётгани бўйича республика
областлари ўзаро текшириш ўтказишди. Унинг якунлари
Марказий Комитетда муҳокама қилинди. Бир йил ўтган-
дан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
турмуш маданиятини юксалтириш масаласини қайтадан
кўриб чиқди. Бу мавзу партия комитетлари бюро йиғи-
лишлари, коммунистлар мажлислари, маҳаллий советлар
ижроия комитетларининг сессия ва йиғилишларида мутта-
сил равишда муҳокама этила бошланди. Аҳолининг тур-
муш маданиятини юксалтириш бўйича Республика сове-
ти белгиланган программа қандай бажарилаётганини
доимий равишда контроль қилиб турди. Бу совет тарки-
бига Марказий Комитет Бюро аъзолари ва аъзоликка
кандидатлар, халқ депутатлари советлари, министрлик-

лар ва бошқармалар, касаба союзлар, қомсомол ва бошқа ижтимоий ташкилотлар, матбуот, ижодий союзлар раҳбарлари, революция, уруш ҳамда меҳнат ветеранлари кирган. Худди шундай Советлар партиянинг барча обком, ҳорком ва райкомларида, ийриқ қуйи партия ташкилотларида ташкил этилди. Биз ўз олдимизга қишлоқнинг ижтимоий ривожини *илмий* асосда бошқариш вазифасини қўйганмиз. Бу эса аввало, масалага *комплекс* равишда ёндашишни таъминлаш демакдир. Шунинг учун Советлар ва уларнинг жойлардаги тармоқлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, хутор системасига барҳам бериш, мактаб ёшидаги болалар муассасалари тармоқларини ривожлантириш, йўллар қуриш, янги қишлоқларнинг меъморий қиёфасини яратиш каби масалаларни кўриб чиқади. Қисқаси, янги турмуш, янги одам шаклланишида нимаки у ёки бу тарзда дахлдор, алоқадор бўлса, шу нарса Советлар пазар доирасига киради.

Шу тариқа республикада қишлоқ турмуши маданиятини юксалтириш учун катта сафарбарлик бошланди. Тураржой бинолари, мактаблар ва болалар муассасалари, шифохона ва поликлиникалар, клуб ва маданият уйлари, магазин ва маиший хизмат комбинатлари қурилиши кенг авж олдириб юборилди. Бу кенг кўламдаги ишларни амалга оширишда республика Қишлоқ қурилиши министрлиги ва «Ўзбекистон колхоз қурилиши» давлат кооператив бирлашмасининг ташкил этилиши далда ва кўмак бўлди. Утган йигирма йил мобайнида қишлоқ жойларда 36,5 миллион квадрат метр тураржой фойдаланишга топширилди. Талайгина мактаб, шифохона, савдо-сотик, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, спорт иншоотлари қурилди.

Тарихан шаклланган майда тарқоқ хўжаликлар — хутор системаси қишлоқ турмуш тарзини қайтадан қуриш ва мукамаллаштириш йўлида жиддий тўсиқ бўлиб чиқди. Республика партия ташкилоти бу аҳволни бартараф этиш ҳамда колхозчилар, совхоз ишчилари оилаларини ободонлаштирилган посёлкаларга кўчириш мақсадида белгиланган кенг программани амалга ошираётибди.

1972 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети «Хутор системасига барҳам бериш ва республика колхозларида капитал қурилишни тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида»

қарор қабул қилди. Республикада 28 минг хутор ва майда қишлоқлар ўрнига 3,5 минг йирик замонавий посёлкалар барпо этилади. Ўн мингдан ортиқ хуторлар тугатилди, у ерда истиқомат қилган оилалар йирик, ободонлаштирилган посёлкаларга кўчирилди. Турган гапки, қисқа муддат ичида хутор системасини бартараф этиб бўлмас эди. Аммо йўлга қўйилган иш жараёни қуданқун кенг қулоч ёзиб, авж олаёттир.

Янги посёлкалар юксак маданият ва дид билан қурилмақда. Мисол учун Хоразм область, Богот район Паримонов номидаги колхоз тажрибасига мурожаат қилайлик. Шинам қилиб қурилган қишлоқ марказида етарли тураржой фонди мавжуд. Колхозчилар уйларига газ, сув ўтказилган. Тураржойлар электрлаштирилган, кўчалар ва майдонларга асфальт ётқизилиб, атрофларига дарахтлар экилган. Кенг, ёруғ, шинам жиҳозланган мактаблар, мактаб ёшигача болалар муассасалари, Маданият саройи, шифохона, коммунал хизмат комбинати, савдо маркази, қурилиш иншоотларининг комплекси ва бошқа маданий-маиший объектлар қишлоққа ҳозирги замон шаҳар қиёфасини бериб турибди. Бутуниттифоқ кўрик-конкурси якунлари бўйича бу посёлка СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломи билан тақдирланди.

Сўнги йиллари республикада ҳаммаси бўлиб 27 посёлка ВДНХ дипломлари билан тақдирланди. Улар орасида Самарқанд область, Пахтачи район «Коммунизм» колхозининг Хумор посёлкаси, Тошкент область, Янгийўл район «Ленинизм» колхози посёлкаси, Қашқадарё область, Қарши район «Аврора» совхозининг маркази, Андижон область, Хўжаобод район «Ленинизм» колхози посёлкаси, Сурхондарё область, Шеробод район Муродов номидаги совхозининг маркази ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳар қуни республикада юзлаб оила янги уйларга кўчиб ўтмоқда. Улар ҳеч ҳам афсусланмай эски жойларини ташлаб, янги жойда бамисоли янги ҳаёт бошлаб юбормоқдалар. М. Горькийнинг доно таъбирича, одам боласи табиатан ижодкор бўлади, у қаерда бўлмасин, ўз ҳаётига гўзаллик олиб киришга ҳаракат қилади. Табиийки, янги уйга кўчиб келган одамлар гўзаллик ва қулайликдан иборат янги турмуш яратишади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини қайтадан ўзгартириш масалалари орасида қишлоқларни газлаштириш масаласи муҳим ўрин тутади. Оилавий турмуш эҳ-

тиёжларда газни кенг равишда истеъмол қилиш сайи-тарияти-гигиена шароитларини яхшилашга, уйни иситиш ва овқат тайёрлаш учун кетадиган вақтни қисқартиришга имконият беради. Партия XXIV съезди Директиваларида қишлоқ жойларда газлаштириш даражасини 40—50 процентга кўайтириш белгиланганди. Республикада бу қарор бир йил оддироқ bajarилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ўн икки беш йилликда қишлоқ жойларни газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича янги тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси яшайдиган жойларни ёниасига электрлаштириш ва радиолаштириш ишлари ниҳоясига етди. Йўл қурилиш ишлари, автомобиль транс-порти, алоқа, телекўрсатув тармоқлари ўтказиш жадал суръатларда авж олдириб юборилди.

Аҳолига савдо-сотиқ хизмати кўрсатишда ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Ўтган ўн йил мобайнида қишлоқ жойларда беш мингдан ортиқ йирик магазин қурилди. Товар обороти йилдан йилга кўнаймоқда. Республикада қишлоқда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига тўғри келадиган товар обороти 1968 йил 257 сўмни ташкил этган бўлса, 1978 йилга келиб 432 сўмга етди.

Қишлоқларда яшовчи аҳоли моддий фаровонлигининг ўсиши ва маданияти юксалиши сотувга чиқарилган мол-ларга бўлган эҳтиёжларнинг ўзгаришига, сотиб олиш структурасининг яхшиланшига жиддий таъсир қилди. Узоқ муддат ишлатиладиган молларга, маданий-маиший ва рўзгорлик буюмларига бўлган талаб-эҳтиёжлар кў-найди.

Силсий, илмий ва бадий адабиётга бўлган талабнинг ўсиши муҳим кўрсаткичдир. Ўтган ўн йил мобайнида рес-публика қишлоқларида китоб сотилиши икки баробар ўсди: йилга адабий асарлар 30 миллион нусха сотилди, 300 дан ортиқ махсус китоб магазинлари мунтазам равиш-да ишлаб турибди.

Меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини юксалтириш борасида савдо-сотиқ хизматининг аҳамияти ҳақида гап кетганда халқ эҳтиёжларини қондирадиган моллар ишлаб чиқарилишининг яхшиланishi тўғрисида гапирмай бўл-майди. Бундай молларни кўнроқ ва энг муҳими, сифатли-роқ ишлаб чиқариш лозим. Бу ерда гап фақатгина одам-ларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳақида эмас, балки уларни тарбиялаш устида кетяпти. Ўз Ватанимизда иш-лаб чиқарилган аъло сифатли буюмлар одамларда яхши

найфийят, ватанпарварлик гурури уйғотади. Ҳозир партия комитетлари ва хўжалик ташкилотларининг ҳаракати буюмларнинг сифатини кескин юксалтириш, уларда дилмий-техниканинг сўнгги ютуқлари, ҳозирги замон эстетик талаблари ҳисобга олинишига қаратилган. Бу ишни маълум даражада идеологик фаолиятимизнинг таркибий қисми деб тушуниш лозим.

Жамиятнинг моддий ва ишчи ресурсларини тежабгина қолмай, балки оила турмуш тарзини ўзгартириб, аёллар диққинафас, сермашаққат уй-рўзгор юмушларидан фориё бўлишлари учун кўпроқ имкон тугдирувчи умумий овқатланиш муассасаларининг ривожига алоҳида ва донмий эътибор бериш лозим.

Маълумки, В. И. Ленин аёллар ва эркеклар орасидаги тафовутга барҳам бериш, аёлнинг маданий савиясини юксалтириш учун қулай шароитлар яратиш масалаларига катта аҳамият берарди. «Мана шу майда уй-рўзгорига қарши оммавий кураш (давлат ҳокимиятига эга бўлиб турган пролетариат раҳбарлиги остида) бошланган жойда ва чоқдагина ёки, тўғрироғи уни йирик социалистик хўжалик қилиб *оммавий сурагда қайта қуриш* бошланган жойда ва чоқдагина *хотин-қизларни чинакам озод қилиш*, чинакам коммунизм бошланади»¹.

Бизларда умумий овқатланиш муассасаларининг товар обороти йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Қишлоқ жойларда, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда типовой лойиҳалар бўйича 300—400 ўринли йирик, замонавий талабларга жавоб берувчи овқатланиш комбинатлари қурилмоқда. Қишлоқларда совутиш ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган замонавий ресторани, ошхона, кафелар пайдо бўлмоқда. Тошкент область, Оржоникидзе районининг умумий овқатланиш комбинати ўзида ресторан, неча ўнлаб ошхона ва кафеларни бирлаштиради. Коллектив аҳолига юқори маданиятли хизмат қилишни таъминлаб, кўرғазма-сотувлар, тайёр овқатларни уйга етказиб бериш усулларидан кенг фойдаланмоқда. Районда қишлоқ ошхоналари учун мўлжалланган ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек, мактабларга иссиқ нонушта ва тушликлар тайёрлаб, етказиб берадиган, марказлаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилган.

Қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсishi одамларда янги талаб-эҳтиёжлар

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 27-бет.

пайдо бўлишига олиб келади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар даражасига етказиш, уларнинг талаб-эhtiёжларини тўлароқ қондириш учун ҳамма ишни қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳа тармоқлари — бу турли-туман дидли, хилма-хил кайфиятли одамлар билан бевосита муомала қилиш тармоқларидир, деб кўрсатган эди ўртоқ Л. И. Брежнев.

Республика партия ва совет ташкилотлари қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш мақсадида тегишли тadbир-чоралар кўрмоқдалар. Ҳозирги кунда бу муҳим тармоқ майда, ярим косиблик устахоналари эмас, балки ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган корхона ва ихтисослашган бирлашмалардан иборатдир. Сўнгги ўн йил мобайнида қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш ишларининг ҳажми деярли беш баробар ошди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш турмуш маданиятининг таркибий қисмидир. Республика органлари аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш ишларини яхшилаш, даволаш-профилактика муассасаларининг тармоқларини кенгайтириш масалаларини диққат марказидан қочирганлари йўқ. Сўнгги ўн йил мобайнида қишлоқларда ҳозирги замон даволаш-диагностик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган талай шифохона комплекслари, ихтисослашган диспансерлар, хотин-қизлар ҳамда болалар консультациялари ишга туширилди. Эндликда қишлоқ районларида 12—15 ихтисос бўйича амбулатория — поликлиника ёрдами кўрсатилмоқда. Шунинг билан бир қаторда плмий-текшириш институти, медицина олий ўқув юртлири, республика ва область миқёсидаги ихтисослашган шифо-профилактик муассаса ходимларининг профилактика, консультация ва амалий ёрдам бериш мақсадида қишлоқ районларига муттасил равишда чиқиб туришлари кенг йўлга қўйилаётир.

Бу барча тadbирларга қарамасдан, қишлоқда санитария маданиятини ошириш вазифаси кун тартибидан асло олиб ташланиши мумкин эмас. Социологик излашишлардан шу нарса маълум бўлдики, халқнинг маълум бир қисми ҳали соғлиқ учун зарарли бўлган қадимий анъана ва урф-одатларни тарк этмаган. Шу ўринда қишлоқ интеллигенциясининг аҳамияти, айниқса, каттадир. Улар болаларни мактабда ва уйда тозалик қондаларига роя қилишга ўргатишлари, турмуш гигиенаси ва маданияти халқ университетлари тармоғини кенг қулоч ёйдиришда фаол иштирок этишга даъват қилишлари, матбуот, теле-

видение ва радио орқали санитария тарбиотини яхши-лашлари лозим.

Янги жамият бунёдкори фақат маънавий жиҳатдангина тараққий қилган бўлмай, балки жисмоний жиҳатдан ҳам бақувват бўлиши керак. В. И. Ленин Клара Цеткин билан суҳбатда айтган эдики, совет кишиси қувноқ ва бардам бўлиши, спорт, гимнастика, сузиш, экскурсия, турли-туман жисмоний тарбия билан муттасил шуғулланиши лозим.

Партиямиз меҳнатқилларининг жисмоний тарбия билан шуғулланишларига катта эътибор бериб келаётир. Сўнгги йилларда КИСС Марказий Комитети оммави тарбиялаш ишида жисмоний тарбиядан унумлироқ фойдаланишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди. Республика қишлоқ районларида физкультура ва спорт ишлари ривожланиб бораётир. Колхоз ва совхоз физкультурачилари сафларида ҳозирги пайтда 633 минг киши бўлиб, шулар ичидан 1978 йилининг ўзидаёқ оммавий разрядга эга бўлган 145 минг спортчи, ГТО комплекси бўйича 211 минг киши совриндорлари етишди. Қишлоқ физкультурачилари ташкилотларининг моддий базалари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Улар ичидеги 85 стадион, 65 спорт зали, 29 бассейн, 84 тир, 1,5 мингга яқин футбол майдони, 8,4 минг турли спорт майдончалари бор.

Физкультура-спорт ишларида кўнгина коллективлар талай ютуқларни қўлга киритдилар. Фарғона область, Киров районида жисмоний тарбия ва спорт билан 28 минг киши шуғулланаётир, уларнинг кўплари ГТО нормаларини топишганлар. Улар ичидан 8 мастер ва 6 мастерликка номзод етишиб чиқди, 65 таси эса биринчи разрядчилардир. Районнинг ўз шипроми, 4 стадиони, 14 спорт зали, 3 сузиш бассейни, 250 спорт майдончалари ва футбол майдонлари мавжуд.

Яқинда Ўзбекистон КП МК Наманган область В. И. Ленин номидаги Поп территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг қишлоқда физкультура-оммавий ва спорт ишларини ривожлантириш бўйича тadbирларини маъқуллади. Сўнгги йилларда бирлашма физкультурачилари сафи сезиларли даражада кенгайди ва ҳозирги кунда 3 минг кишини ўз ичига олади. Беш йилликнинг учинчи йилида бу ерда 1300 ГТО кишидорни, оммавий разряддаги минглаб спортчилар, 17 биринчи разрядчи, 2 та спорт мастерига номзод ва битта спорт мастери етишди. Халқаро спорт мастери Ҳасан Заигиев эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Бирлашманинги область ва республика терма

ҳомақдаларига номзодлари бор. Футбол, волейбол, кураш, сизил атлетикани ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришилди.

Бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киргани йўқ. Улар бирлашма партия, қасаба союз ва комсомол ташкилоти, унинг раҳбарлари кўрсатган зўр фаолият самарасидир. Улар қишлоқ меҳнаткашларининг физкультура ва спорт билан мунтазам равишда шугулланиб боришга жалб этиш масалаларининг изчиллик билан ҳал этилиши, буни меҳнаткашларининг коммунистик руҳда тарбиялаш ва қишлоқ турмуш маданиятининг юксалтириш ишининг ажралмас бир қисми, меҳнат унвондорлигини ошириш ва ёшларни Ватан ҳимоясига шай этиш ишининг энг муҳим воситаларидан бири деб қарайдилар.

1978 йилда республика партия активининг йнгилишида қисман қишлоқда физкультура ҳаракатининг ривожлантириш борасидаги масалани махсус муҳокама қилинди. Меҳнаткашларнинг жисмоний тарбиясини яхши йўлга қўйиш, унинг оммавийлиги ва маҳоратини ўстириш, физкультура коллективлари моддий базаларининг мустаҳкамлаш, барча спорт, оммавий ишларни кескин кўтариш бўйича амалий тадбирлар белгилаб олинди.

IV

Партия ва совет халқи социал-педагогик ўзгаришларнинг улутвор программасини амалга ошираётган ҳозирги замон шарт-шароитларида меҳнаткашларнинг коммунистик руҳда тарбияланиши ва фаолигининг оширилиши масалалари улкан аҳамият касб этмоқда. «Ўқамият аъзоларининг оғглилиги қанча юқори бўлса,— деб таъкидланади КПСС Программасида,— уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади ва бинобарин, коммунизм қурилиши вазибалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади»¹.

Кишининг юксак оғглилиги болалик даврдан шаклланади ва умр бўйи давом этади. Оила билан ҳамкорликда мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ахлоқимиз асосларини болалар онгига сингдира борадилар, мактабда

¹ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Тошкент, 1970, «Ўзбекистон» нашриёти, 118-бет.

ўқишлари учун зарурий тайёргарликдап ўтказадилар, оналарнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун қулай шароитлар ва имкониятлар яратиб берадилар.

Доймий мактабгача ёшдаги болалар муассасалари болаларнинг жамоатчилик асосида тарбия топишларида етакчи форма бўлиб қолиши учун республикамизда озмулча ишлар қилинмади. Ҳозир қишлоқларда 3665 болалар боғчаси ва ясли ишлаб турибди, уларга 317,5 минг бола қатнайди. Кўнгина колхозлар бир нечадан мактабгача ёшдаги доимий болалар муассасалари ташкил этдилар. Андижон областида колхозлараро марказлаштирилган болалар боғчалари ва яслиларини ташкил этиш тажриба этилмоқдаки, бу моддий ресурслардан рационал фойдаланиш имконини беради.

Фарғона области хўжаликларида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилиши такомиллаштирилган лойиҳалар бўйича олиб борилмоқда. Жамоатчилик мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашни ривожлантириш бўйича маориф, қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаш — семинари ўтказиш учун хусусан Фарғонанинг танланиши беэтиз эмас эди. Мазкур семинар иштирокчилари областдаги кўнгина колхоз ва совхозларнинг болалар боғчалари шарт-шароитлари ва тарбия ишининг савияси жиҳатидан шаҳардаги энг яхши болалар муассасаларидан қолишмайди деган хулосага келдилар.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, турмушни ўзгартиришда қишлоқ мактабларининг роли гоятда улугдир. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ умумий таълим мактабларининг шароитларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деган машҳур қарори ана шу нарсани назарда тутди. Бу чинакам тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, шаҳар ёшлари билан бир қаторда қишлоқ ёшлари ҳам ўрта маълумотга эга бўлишлари, ҳар томонлама ўсишлари, ҳаётга, ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёргарлик кўришларида барча зарурий шароитларни яратиб беради.

Мактабгача ёшдаги болалар қишлоқ аҳолисининг тенг ярмини ташкил этадиган бизнинг республикамизда бу вазифа гоят актуал ҳисобланади. Республика партия ва совет ташкилотлари қишлоқ мактабларининг ўқув-моддий базасини бундан буён мустаҳкамлаб бориш, уларни малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия жараёни даражасини ошириш бўйича зарурий чораларни

кўрдилар. Республика қишлоқ жойларида 6136 мактаб ишлаб турибди, уларда 2,5 миллион бола ўқимоқда. Сўнгги йиллар мобайнида қишлоқ мактабларига 120 минг ёш педагог сафарбар этилди.

Ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари ҳаёт, меҳнат билан, ўсиб келаётган авлодда ишлаб чиқариш ва маданий-турмуш савияларининг шакллана бориши билан боғлиқликда бўлишига катта эътибор берилаётир. Қишлоқдаги ўқув юртлар системасида касб-ҳунар ва техника билим юртлари кўпроқ жорий этилмоқда, бу замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги-янги талаблари қай даражада тез суръатлар билан ўсиб бораётганининг ифодасидир. Ҳозир бу ерда 85 минг ўқувчини ўз бағрига олган 196 касб-ҳунар ва техника билим юрти ишлаб турибди. Билим юртлари тарбияланувчиларга ишчи касби билан бирга умумий ўрта маълумот ҳам беради.

Умумий ва касб-ҳунар билимига эга бўлган ёшлар қишлоғимиз келажагидир. Шу бопедан ҳам умумий таълим мактаблари ва меҳнат резервлари билим юртлари олдидаги вазифа — ёшларни халққа гайрат билан хизмат қилишга, ижод этишга, юксак ишлаб чиқариш ва турмуш маданиятини ҳаётга олиб киришга тайёрлашдир.

Ҳозирги замон қишлоқ ҳаётида ўқув юртларининг тутган родини баҳолар эканмиз, ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим-тарбия оладиган кечки мактаблар ва сиртқи факультетларни назардан соқит қилиб бўлмайди. Қишлоқ меҳнаткашлари ишни ўқиш билан бирга олиб борар эканлар, ўқиш ва кадрлар тайёрлашнинг шундай турларида уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади. Қолхоз, совхоз ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, халқ маорифи органлари сиртқи ва кечки таълим формалари мўлжалдаги барча кишиларни қамраб олиш устида жон куйдиришлари лозим.

Қишлоқ турмуши маданиятини юксалтириш ва тарбияни кучайтириш вазифаларини ҳал этишда долзарб масалаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш самарали таъсир кучига эга. Афсуски, бу ўринда янги турмушни шакллантириш масалаларини ишлаб чиқишининг на қамров даражаси, на савияси, на комплекс сифати бизни қаноатлантира олади. Ҳозирча қишлоқ аҳолиси турмуш маданияти ва тарбиясини янгилаш жараёнини бошқариш бўйича шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутларни бартараф этиш, қишлоқ аҳолисини кўчириш, қишлоқ меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш бўйича муайян аниқ,

жиддий далилланган таклифлар илгари сурилган влмий ишлар йўқ.

Меҳнаткашларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришда, уларни юксак ғоявий, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда сиёсий ва иқтисодий таълим бериш системасининг аҳамияти каттадир. Ҳозирги пайтда бу система 1300 тингловчини ўз бағрига олган. Яқин икки-уч йил ичида барча колхозчилар ва совхоз ишчилари иқтисодий тайёргарликдан ўтадилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари коммунистик онгининг шаклланишида, турмуш маданиятининг кўтарилишида сиёсий нотиклар, лекторлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчилар партия ташкилотларига катта ёрдам бермоқдалар. Идеология фронтининг икки юз минг кишилик армияси кишиларга большевикларча ҳақиқатни англашмоқда, қишлоқ хўжалиги ходимларининг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш учун жуда кўп ишлар қилмоқда, партия олға сурган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун курашга отлантормоқда.

Қишлоқ партия ташкилотлари ташвиқий-оммавий ишларининг ленинча жумаликлар, тематик кечалар, ташвиқий кишилар билан учрашувлар сингари шаклларидан кенг фойдаланимоқдалар, барча районларда жиҳозланган агитмашиналар олис посёлкалардаги аҳолига, ялловларга отар олиб кетган чорвачиларга хизмат қилмоқда.

Сурхондарё область, Шўрчи район, «Ленинизм» колхозини коллективини олиб бораётган оммавий-сиёсий ишлар тажрибасини диққатга сазовордир. Бу ердаги ҳар бир агитколлектив аъзоси олий ёки ўрта махсус маълумотга эгадир. Улар, асосан, ишлаб чиқариш раҳбарлари, илгорлар, коммунистлар, агрономлар, инженерлар, ўқитувчилардан иборатдир. Агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар мунтазам равишда суҳбатлар ва сиёсий ахборотлар соати ўтказиб, партия сиёсатини, халқ хўжалигини олдида турган вазифаларни тушунтириб берадилар, социалистик мусобақанинг бориши ҳақида сўзлайдилар, илгорлар тажрибасини тарғиб қиладилар.

Езги дала ишлари қизиган ва ҳосил йиғим-терими палласида сиёсий ташвиқот маркази дала шийпонларига кўчирилади. Ўзбекистоннинг пахта экадиган хўжаликларига 11 минг тишовой дала шийпони бўлиб, улар йиғим-терим мавсумида деҳқонларнинг иккинчи уйига айланади. Бу ерда иссиқ овқат ташкил этилади, бригадалар дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар билан

таъминланадилар: Дала шийпонларида радиоприёмник ва телевизорлар овози янграб туради, кутубхоналар, янги газета ва журналлар доимо муҳайёдир. Дала шийпонларига ташвиқий-бадний коллективлар, кўчма кино қурилмалари ва автолавкалар доимий суратда келиб туради.

Республика партия ташкилотлари қишлоқда оғзаки пронагаданинг доклад, лекция, савол ва жавоб кечаси, илмий-ишлаб чиқариш ва иқтисодий конференциялар сингари шакл ва воситаларининг бой маъбадан кенг фойдаланмоқдалар.

Партия ташкилотлари меҳнат коллективларида ташвиқий-оммавий ишларни яхшилаш билан бирга уларни аҳоли яшаб турган жойларда ҳам кучайтириб борадилар. Шу мақсадда республикада сиёсий ахборотчилар тайёрлайдиган институт муваффақиятли фаолият кўрсатаётир. Оммавий-сиёсий ишларда маҳалла комитетлари партия ташкилотларининг энг жонқуяр ёрдамчилари бўлиб қолмоқдалар. Улар сиёсий ишларни, асосан, уй бекалари ва пенсияонерлар орасида олиб бормоқдалар.

Партия ташкилотлари кўرғазмали ташвиқотнинг гоявий-бадний даражаси ва таъсир кучи ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Худди шаҳарда бўлганидек, қишлоқларда ҳам бизлар илакатлар, трансипарантлар, панно ва стендлар кўрик-конкурелари ва кўрғазмалари ўтказмоқдамиз.

Кўрғазмали ташвиқот воситасининг сифати кўп жиҳатдан рассом-бизакчиларининг маҳоратига боғлиқдир. Шу бондан уларнинг бадний билим юртлари ва олий ўқув юртларида махсус тайёргарлик кўриб олишларини, фақат биргина республика миқёсида эмас, балки бутун мамлакаат миқёсида кенг тажриба алмашишларини ташкил этиш муҳимдир.

Халқ университетлари қишлоқнинг маънавий ҳаётига самаралироқ таъсир ўтказётгани маълум. Бизда бундай университетлар мингдан ортиқ. Турмуш маданияти университетлари колхозчи ва совхоз ишчилари орасида яхши эътибор қозонган.

Андижон область, Кўрғонтепа район Энгельс номидаги колхозда турмуш маданияти халқ университети ўз ишини гоёят мазмундор олиб боради. Унинг тингловчилари онлавий муносабатлар маданияти, онлавий маблағни тўғри сарфлаш, болалар тарбиясида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва ваъифалари, гигиена, уй ҳўжалигини олиб бориш каби масалаларни ўрганадилар. Бу ерда назарий ўқиш квартиралари шинам қилиш, маънавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш

кабидарга багишланган амалий машгулотлар билан қўшиб олиб борилади.

Қишлоқ ижтимоий ҳаётида маданий-маориф муассасаларининг аҳамияти ва тутгац ўрни ортиб бормоқда. Республикада 3 мингдан ортиқ қишлоқ клуби ва Маданият саройлари ишлаб турибди. Етти мингдан ортиқ бадий ҳаваскорлик коллективлари тузилган, улардан 101 коллективга халқ коллективи деган унвон берилган.

Қишлоқ клублари ҳар йили ташкил этадиган қўшиқ байрамларини, халқ талантлари кўрикларини, телевизион фестивалларини, халқ қўшиқ ва рақслари республика конкурсларини аҳоли севиб қолган. Бизнинг бадий ҳаваскорлик коллективларимиз ижрочилик маҳоратларининг ўсиши ҳақида уларнинг Москвада, қардош социалистик мамлакатлардаги чиқишлари айтиб турибди. Тошкент областининг «Политотдел» колхози, Сурхондарё областининг Ленин номидаги, Наманган областининг «Октябрь», Фаргона областининг «Москва», Жиззах областининг Ленин номидаги совхоз бадий коллективлари ўзларига кўпданкўп мухлислар орттирган. Қува район Маданият уйи «Анор» халқ ансамбли халқаро фольклор фестивалининг лауреати бўлди.

Ўзбекистоннинг беш мингдан ортиқ қишлоқ кутубхонаси китобни тарғиб этаётир, кишиларнинг билимини кенгайтираётир, маданий дунёқарашларини бойштаётир, ижодга қизиқиш уйғотаётир. Кутубхоналарнинг олижаноб вазифаси, ифтихори нимада бўлиши кераклигини уқтириб, В. И. Ленин ёзган эди: «Ноёб китоблардан кутубхонада қанча борлигини, қандайдир XVI асрдаги нашрларини ва X асрдаги қўлёзмаларнинг қанча нусхаси борлигини халқ кутубхонасининг фахри ва шарафи деб билмасдан, балки китобларнинг *халқ ўртасида қанчалик кўп ўқилишини*, қанча янги ўқувчилар жалб қилинганини, китобга бўлган ҳар қаандай талабнинг қанчалик тез қондирилишини, уйга қанча китоб берилганлигини, китоб ўқишга ва кутубхонадан фойдаланишга болалардан қанчаси тортилганлигини фахр ва шараф деб билиш»¹... лозим.

Қишлоқ маданий-маориф муассасаларининг мазмун ва шакли маҳаллий партия комитетларининг доимий диққат марказларида бўлиши шарт.

Шаҳар кишиси ўзи хоҳлаган спектакль, кинофильм, концерт кабиларини бориб кўриш имкониятига эга бўлгани ҳолда қишлоқ аҳолиси кўнинча бундай имкониятга эга

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23-том, 390—391-бетлар.

эмас. У. Фәхратғина клубдаги томошааргагина бөрһпһ мүмкһн. Худди шу ўринда бир қанча Маданият саройлари, клублар ва кутубхоналар яхши ишламаётганини, баъзи жойларда эса, бутунлай ишламаётганини тан олмай илож йўқ. Маданий-маориф муассасалари тажрибасидан расмийятчилик каби иллатларни битта қўймай йўқотиш, бундай муассасаларнинг оммани коммунистик руҳда тарбиялашдаги аҳамиятини ошириш зарур.

Социалистик экономика ва маданиятнинг ўсиб бөрһни билан меҳнаткашларнинг бўш вақти ҳам узлуксиз ортиб бөрмоқда. К. Маркс башорат қилганидек, бпз коммунизмга яқинлашиб борганимиз сайин иш вақти эмас, хуесан бўш вақт жамият бойлигининг мезони бўлиб қолади¹. Кишиларнинг маънавий даражаси, улар турмушининг маданийлиги кўи ҳолларда мана шу бўш вақтдан қандай фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолади. Республиканинг ҳамма жойларида дам олиш зоналари, парклар бунёд қилинаётир, дам олиш уйлари қурилаётир, санаторийлар, ёшлар ва спорт лагерлари, туристик базалар ва қайиқ станциялари барпо этилаётир. Меҳнаткашларнинг мазмунли дам олишлари, бўш вақтни оқилона ва фойдали ўтказишларини ташкил этиш — партия комитетлари ва маданият муассасаларининг кундалик гамхўрликларидан биттаси мана шундадир.

Юқориди айтилганларнинг ҳаммаси маданий-оқартув кадрлари тайёрлаш сифатини юқори даражага кўтариш вазифаларини кўндаланг қўяди. Ивланишлар шу нарседан далолат берадики, клуб муассасалари ва кутубхона ходимларининг тайёргарлик кўриш даражаси қишлоқ зиёлисининг бошқа категорияларидан анча ортада қолмоқда. Маданий-оқартув ходимлари кадрлари тайёрлайдиган ўкув юрларига бўлган талабни кучайтириш зарурлиги равшан кўзга ташланмоқда. Қишлоқ турмуши маданиятнини кўтаришининг умумпартиявий вазифаларини ҳал этишда ва қишлоқда тарбиявий ишлар даражасини оширишда оммавий ахборот ва тарғибот воситаларимиз иштирокининг миқдори ва сифатига энг юқори талаблар доирасидан туриб қараш тақозо этилади. Матбуот, радио, телевидение қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар ҳақида, ишлаб чиқариш ва турмушда одамлар орасидаги янгича муносабатлар ҳақида жуда кўп материаллар бериб бөрмоқда.

¹ Қараиғ: К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 46, ч. II, стр. 217.

Газеталарда «Турмуш маданияти университети», «Қишлоқда маиший хизмат», «Маданият ва ҳаёт», «Қишлоқларимиз жамоли» деган рубрика ва бўлимлар тез-тез пайдо бўлмоқда. Бундай мавзуларда фақат журналистлар эмас, балки колхоз ва совхоз раҳбарлари, совет ва комсомол ходимлари, оддий қишлоқ меҳнаткашлари чиқиш қилаётганлари фойдалидир. Бироқ матбуот, радио эшиттириш ва телекўрсатув материалларида амалий ишлар таҳлилига, маданий-маиший хизмат ишларининг ижобий тажрибасини тарғиб этишга, партия ташкилотларининг турмуш маданиятини кўтариш, ўтмиш сарқитларини бартараф этиш, барча аҳоли қатламларини коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтириш бўйича олиб бораётган амалий фаолиятларини кенгроқ ва чуқурроқ ёритишга кўпроқ диққатни жалб этиш лозим бўлади.

Телевидениенинг бу соҳада катта имкониятларга эга эканини таъкидлаш керак. Кучли таъсир воситаси бўлган телевидение қишлоқ аҳлида ранг-баранг ҳаётга, маданият ва санъат оламига оғлини қизиқиш уйғотиши, иштилош тугдириши, меҳнат ва турмуш соҳасидаги барча янгиликларга ошно этиши зарур.

Янги, коммунистик ҳаёт барча халқларимиз турмуши ва миллий анъаналарининг энг яхши хусусиятларидан найдо бўлади. Совет турмуш тарзи шароитида интернационаллашув жараёни кенг ривож топмоқда, бунинг замирида эса, ягона оила — совет халқининг келиб чиқиши ётади.

Жамиятимизнинг интернационал табиати, ундаги рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир миллат ва элат турмушида умумсовет фазилатларининг қарор топишига олиб келади.

Қишлоқ аҳолиси таркибининг интернационаллашуви маана шу нарсага шароит яратади. Турли миллатга мансуб кишиларнинг биргаликда меҳнат қилишлари ва яшашлари уларни бир-бирига яқинлаштиради, уларнинг оғида, психологиясида ва турмушида интернационал хусусиятларни шакллантиради. Турмушнинг ҳамма соҳаларида — янги маданият, анъаналар, муомала, оилавий мунасабатлар, яхши қўшничилик, қишлоқлар жамоли, уйларнинг қандай қурилгани, улардаги уй-рўзгор ашёлари, замонавий жиҳозлар билан анъанавий буюмларнинг муносиблиги — ҳамма-ҳаммасида интернационаллик ўз ифодасини топади. У умумсовет маданий-маиший анъаналарининг таркиб топиши ва тарқалишида ҳам ўз ифодасини топади.

Мамлакат республикалари ва районлари барча миллатларининг қишлоқ аҳолиси ҳаёти ва турмушига ҳаётимизда найдо бўлган ва коммунистик турмушнинг шаклланишига имкон яратган янгича расм-русумлар ва одатлар кириб келмоқда. Бунга, қисман, республика барча колхоз ва совхозларида ўтказилаётган комсомол-ёшлар тўйлари мисол бўла олади. Бу одат кишилар ўртасидаги муносабатларда янги ахлоқий нормаларнинг қарор топишига, ўтмиш сарқитлари ва удумларига қарши, хотин-қизларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлишига қарши, маблағларни беҳаёларча исроф қилишига ва бошқа шу каби нарсаларга қарши курашига имкон берадиган энг таъсирчан восита бўлиб қолди.

Республикада маҳалла тўйлари, туғилган чақалоқларни таштавали суратда рўйхатга киритиш маросими, болаларининг туғилган кунини нишонлаш, меҳнат илғорларининг уларининг оилалари иштирокида қутлаш сингари янги урф-одатлар қарор топмоқда. Бизда инкоҳдан ўтувчилар ва янги туғилган чақалоқларни янгича расм-русум билан рўйхатга қайд этиладиган 430 Бахт уйи бунёд этилган. Ҳамма қишлоқ жойларда ижтимоий-сиёсий, инқилобий, меҳнат байрамлари оммавий тарзда нишонланади.

Совет халқлари турмушининг интернационаллашувида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда рус тилини миллатлараро бирлашиш тили сифатида ўрганиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Рус тилининг шарофати билан халқларимиз фан, техника, маданиятнинг энг янги ютуқларига ойна бўлмоқдалар, энг яхши анъаналар, маданий-маиший урф-одатлар ва расм-русумларни ўзлаштириб олмоқдалар.

Ҳаёт талаби. Меҳнаткашларининг қизиқиш ва истак-хоҳишларига тўла мувофиқ ҳолда Ўзбекистоннинг мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида, мактабларида, техникумларда, олий ўқув юртларида, меҳнат коллективларида рус тили ўргатилаётир. Миллий мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаб берадиган Рус тили ва адабиёти институти муваффақиятли суратда ишлаб турибди. Ўзбек мактабларининг неча юзлаб битирувчилари Россия Федерацияси ва Украинаниннг 30 педагогик институтида рус тили ўқитувчи касбини эгаллади.

Рус ва украин студентлари билан бирга ўқиб, улар билан битта ётоқхонада туриб, бўш вақтларини биргаликда ўтказиб, ўзбек йиғит-қизлари рус тилида эркин гаширибгина қолмай, ўз ўртоқларининг турмуши, анъаналари ва урф-одатлари билан яқиндан танишмоқдалар.

Улар қишлоқларимизга дўстларининг тажрибалари, маданий хазиналаридан бойиб келмоқдалар ва қардон халқлар миллий турмушининг энг яхши хусусиятларини олиб кирмоқдалар.

Қишлоқда янги турмушининг қарор топиши бу гоёй қийин жараён, М. И. Калинин тўғри таъкидлаганидек, «бу ишга ўйламай-нетмай киришган ва ҳамма парсаи ўзгартирмоқчи бўлган одам қаттиқ янглишади»¹. Турмуш иқтисод билан, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши билан боғлиқ бўлса-да, у нисбатан мустақиллик хусусиятига эга, турмуш иқтисодга қараганда консервативроқ бўлади, гоҳо иқтисодда рўй бераётган ўзгаришлардан кейинда қолгани ҳам мумкин. Қишлоқ ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришлар билан бир қаторда баъзи эски турмуш уклади сарқитларининг, диний урф-одатлар ва зарарли расм-русумларининг сақланиб қолгани ҳоллари ана шундан далолат беради.

Социалистик қурилиш йиллари давомида меҳнаткнларининг жуда катта кўпчилиги, шу жумладан, қишлоқ аҳолиси ҳам, дин ва черковни тарк этдилар, ҳар хил ақидалар ва хурофотлардан юз ўгирдилар. Бунда бир мақсад сари йўналтирилган атеистик ишларнинг аҳамияти катта бўлди. Биз қишлоқда динга қарши ишларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш учун зўр маънава тизмиз. Республика илмий атеизм уйи ва унинг область филиаллари ишлаб турибди. Қишлоқ районларида ўйлаб атеистик билимлар халқ университетлари ва мактаблари ишламоқда. Область марказларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда лектор-атеистлар курслари очилмоқда.

Совет ҳолимияти даврида қишлоқ аҳолисининг оилавий муносабатларида тўб ўзгаришлар содир бўлди. Эндликда оила бу ерда эркак ва аёлларнинг ягона маънавий маънаватлари асосига, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиши асосига, меҳнатдаги ҳамкорлик ва турмушда ўзаро бир-бирига ёрдам бериш асосига, болаларни тарбиялашда икки тарафлама бирдек масъулиятини бўйинига олиш асосига таянади. Ўтмишда хор-зор ва ҳуқуқсиз бўлган Совет Шарқи хотин-қизлари иктимой эркинлик ва ижодий яратувчилигининг порлоқ йўлига чиқиб олдилар, янги ҳаётнинг фаол қурувчиларига айландилар.

Республика халқ хўжалиги ходимларининг 43 проценти аёллардан иборат. Халқ маорифи коллективларида улар

¹ М. И. Калинин, О коммунистическом воспитании. М., 1965, стр. 64—65.

теги ярим миқдорни, соғлиқни, сақлаш системасида 70 процентдан кўпроғини ташкил этадилар, 12 миң хотин-қиз илмий фаолият билан машғулдир.

Бошқариш соҳасида ҳам хотин-қизлар муносиб ўринни эгалладилар. Жуда кўп хотин-қизлар — партия ва совет ходимлари, колхоз раислари ва совхоз директорларидир, 28 хотин-қиз — СССР Олий Советининг депутаты, 164 таси — Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, 42 миң хотин-қиз маҳаллий Советларга сайлангандир.

Республика партия ташкилотлари қишлоқ хотин-қизларини ишлаб чиқаришга ва ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида доимий гамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар.

Республикада 7360 хотин-қизлар совети ишлаб турибди, улар муассасаларда, колхозларда, совхозларда, ташкилотларда, идораларда ва тураржойларда тузилгандир.

Оилавий муносабатларда катта ўзгаришлар бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бунда ҳамон эскилик сарқитлари сақланиб қолаётганини тан олмай плож йўқ. Уларга қарши қаттиқ, мурасасизларча кураш олиб бормоқ зарур.

Шу нарса ни таъкидлаб ўтиш жоизки, биз кўриб чиқаётган барча масалалар доимо партия ташкилотларининг диққат марказида бўлмоғи керак. Уларни ҳал этишда комилеке тарзда, илмий нуқтаи назардан ёндашишни таъминлаш зарур, узоқни кўра билиш лозим, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки кампания таршқасида юритиш асло мумкин эмас.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг зудлик билан ривожланиш жараёни кучли илмий-техникавий тараққиёт, бошқаришнинг иқтисодий методларини кенг татбиқ этиш, совет кишиларининг билимларини, умумий маданиятини, ишчанлик малакасини ва ижодий фаолигини ошириш, социалистик меҳнат ва турмушни тобора камол топтира бориш асосида содир бўлади. Илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар бирлигига, улардан халқ хўжалигида онгли ва планли равишда фойдаланишга ижтимоий планлаштириш ёрдам беради.

Колхоз ва совхозларнинг ижтимоий ривожланиш планлари ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини аниқландида қудратли қурол бўлиб қолади, турмуш маданиятини оширишга, шахснинг ҳар томонлама камол топишига ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон III МК Наманган область, Поп районидаги В. И. Ленин номидаги территориял ишлаб чиқариш бирлашмасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш планини маъқуллади. Бу планнинг амал-

га оширилиши натижасида бирлашма қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йилдан-йилга ошира борди ва бир неча йилдан бери муттасил у ҚИСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МК нинг кўчма Қизил байрогини олмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш планига мувофиқ бирлашма плмий-техникавий янгиликлар, меҳнатнинг илғор методларини татбиқ этиш бўйича йирик тадбирларни амалга оширди. Мана шу асосда хўжалик коллективининг моддий фаровонлиги, турмуш маданияти ҳам кўтарилди. 535 қулай шaroитга эга уй, 15 умумий таълим мактаби, 21 болалар боғчаси, 2 клуб, 5 медицина идораси, 3 маиший хизмат уйи, 7 кутубхона, 55 типовой дала шийпони қурилди. Бирлашмада барча маданий-маиший қулайликларга эга бўлган йўлдош-агрошаҳарчаси қад кўтармоқда. Бадний ҳаваскорлик тўғарақлари, кутубхоналар, 15 минг ўринли стадион, спорт зал, бошқа спорт иншоотлари, халқ маданият университети, дам олиш уйи, пионер лагери, даволаш муассасаси меҳнаткашларининг хизмати-га тайёр. Бирлашманинг 300 га яқин ходими ўрта махсус ва олий маълумотга эга. 86 киши бирлашма ҳисобига олий ўқув юртларида таълим олаётпр.

Леини номидаги бирлашманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш плани, уни амалда қўллаш республиканинг бошқа жуда кўи колхоз ва совхозлари учун намуна бўлиб хизмат қиладн.

Олдимзда қишлоқда ижтимоий планлаштиришни бундан буён ҳам мукаммалаштириш, ҳар бир колхоз ва совхознинг ижтимоий тараққиёт плани бўйича меҳнат қилишига эришиш вазифалари турибди. Бутун-бутун қишлоқ районларининг ижтимоий тараққиёт плацларини ишлаб чиқишга тезроқ киришмоқ зарур. Бу қишлоқда юксак турмуш маданиятили янги босқичга кўтаради. Шу маънода районда ялписига ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг комплекс тадбирларини ташкил этишга эришган Сирдарё район партия комитети тажрибасини оммалаштирса арзийди.

Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, улар турмушини фаровон қилишда қишлоқ зиёлиси етакчи ролни эгаллайди. Ҳозирги пайтда қишлоқда ўн минглаб мутахассислар — ўқитувчилар ва врачлар, агрономлар ва зоотехниклар, инженерлар ва маданий-оқартув ходимлари меҳнат қилиб, халққа ўзларининг бор билимлари, куч-қувватлари, ғайратларини бахш этмоқдалар. Ҳар бир қишлоқ зиёлиси ўзининг касбий вазифасини

бажариш билан бир вақтда халққа маданият ва билимлар етказиш, кишиларнинг мазмундор маънавий ҳаёт кечирришларининг ташкилотчиси бўлиш, уларда коммунистик ахлоқ, нафосат туйғуси, юксак эстетик дидни тарбиялашда муҳим ва фахрли ишларни ҳам бажаришлари лозим.

Қишлоқ зиёлиси, мутахассисларнинг юксак вазифалари хусусида ўртоқ Л. И. Брежнев жуда яхши гапларни айтган: «Қишлоқ интеллигенцияси, мутахассислар ҳақида алоҳида гапирмоқчиман. Қишлоқдаги интеллигентлар — шунчаки ўқитувчилар, агрономлар, экономистлар, инженерлар эмас. Улар умуман, қишлоқдаги маънавий ҳаёт савиясини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб бермоқдалар»¹.

Белгилапган вазифаларни амалга оширишда шаҳарнинг қишлоққа оталик ёрдами ҳақида алоҳида гапириш лозим бўлади. Ўроқ ва Болға иттифоқи доимо мустаҳкамланиб боради, янги тажрибалар билан бойийди. Ўроқ ва Болға дўстлиги байрамлари яхши анъанага айланиб қолди, бу — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқошлар иттифоқининг тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини ёрқин акс эттиради. Саноат корхоналари ва қурилишлар коллективлари ўзлари оталиққа олган колхоз ва совхозларга ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилишида, аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштиришда муайян тарзда ёрдам кўрсатмоқдалар. Шаҳардаги ижодий ташкилотлар қишлоқ маданият идораларига ёрдам бермоқдалар. Олимлар, ёзувчилар, артистлар, рассомлар, композиторлар мунтазам равишда қишлоқлар билан алоқада бўлиб турадилар. Театрлар колхоз ва совхозлар кунини ўтказиб туришади. Қишлоқ турмушини коммунистик асосда қайта тиклашда шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдамини бундан кейин ҳам ривожлантириб бориш кўзда тутилган.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида» деган қароридан совет кишилари коммунистик онгини шакллантириш зарурлиги алоҳида таъкидланади. Бу кўрсатмани бажара берад экан, республика партия ташкилоти идеология, сиёсий-тарбиявий фаолият сифатини ва самарадорлигини тобора ошира боришни, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди. Партиянинг инсон ҳақида, унинг эҳтиёжи ва талаблари ҳақида қилаётган битмас-туганмас ғамхўрликлари миллионлаб кишиларни янгидай-янги зафарларга чорлайди. Улар партиянинг улугвор режаларини ҳаётга

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 1-том, 446-бет.

татбиқ этиш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб кураш олиб бораверадилар.

«Халқнинг ижодий кучларини тўла-тўқис сафарбар этиш, иқтисодий ўсишнинг янги-янги резервларини қидириб топиб, ишга солиш,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети ноябрь (1978 й.) Пленумида,— ҳозир барча партия ташкилотлари, ҳамма партия аъзолари фаолияти негизларининг негизидир»¹. Партия белгиллаган вазифаларни бажариш — бу қишлоқ экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг янги истиқболларини очмоқ демакдир.

Бепоен Ватанимиз бўйлаб ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа оммавий тус олмоқда. Совет кишилари турмушини тобора ўзгартира бориш, меҳнаткашларнинг онглилиги ва ижтимоий фаоллигини кўтара бориш мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

1979 йил

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 7-том, 594-бет.

РАҲБАРНИНГ КАМТАРЛИГИ

— Шароф Рашидович, «Правда»га келган хатларнинг бирида газетхон шундай савол беради: «Камтарлик — большевикнинг ҳусни» деган ибора узоқ вақтгача оғиздан тушмай келарди. Кейинчалик бу иборани жиндек ҳазил-мутойиба тариқасида айтадиган бўлишди. Эндиликда бўлса, тилимиздан бутунлай чиқиб кетаётганга ўхшаб қолди. Паҳотки, камтарликка бўлган муносабатимиз ўзгариб қолган бўлса?

— Мен бу саволга шундай жавоб берган бўлардим: камтарликни камситиб бўлмайди. Афсуски, шундай ҳоллар бўлиб туради. Кўп-кўп бўлиб туради. Баъзан катта ишга тавсия қилинаётган коммунистга берилган характеристикани ўқиганингда унда ҳамма нарса бор: ғайратли, билимдон, янгиликларга сезгир ва ҳоказо, ва ҳоказо деб таърифланади. Уни ўқиганингдан кейин бир нарса ноаниқ бўлиб қолади: бу одам камтарлиги билан ажралиб турармикин? Кўрдингизми, буни иккинчи даражали нарса деб ҳисоблаб, ёзинмаган. Камтарликка фақат зийнат деб қарасак, унинг маъносини торайтириб қўйган бўламиз. Албатта, камтарлик инсон зийнати, бу ҳақда баҳслашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо «зийнат» тушунчасида унга амал қилиш шарт эмас деган илмоқ ҳам йўқ эмас. Ахир, кўйлак енгига илма тугма ёхуд қулоққа зирак тақиб юрса ҳам бўлади, юрмаса ҳам. Бу нарса кишининг дидига, модага қизиқишига боғлиқ. Камтарликда эса моданинг бўлиши мумкин эмас — бугун озроқ камтарлик қилиш, эртага кўпроқ камтарлик қилиш керак, деган тушунча йўқ.

— Аммо айрим кишиларнинг, — айниқса одамни хафа қиладиган, — баъзи раҳбарларнинг хатти-ҳаракати шундан далолат берадики, улар камтарликни назар-писанд қилмайдилар, уни худди Сиз айтгандай тор маънода тушунадилар. Камтар бўлмасликнинг нимаси хавфли?

— Нимаси билан хавфли деб сўраяпсизми? Бир воқеа мисолида мен буни кўрсатиб бермоқчиман. Яқинда менга

бир хат келди. Бу биринчи хат эмас эди. Уни ёзган киши камтарлик билан: Фаргона обкомининг собиқ ходими Мирзакарим Умаров деб имзо чеккан. Обкомнинг собиқ секретари деб ёзса аниқроқ бўлур эди. Ҳар бир хатида «тўй қилганим учун озор чекдим» деб эслатади, шундан кейин эса у ўзига «партия турмуши нормаларини бузганлиги учун...» деб берилган жазо иборасига норозилик билдиреди.

«Партия иши учун жонимни жабборга берган мен эмасмидим, кабинетимда алламаҳалгача чироқ ёниб турмасмиди?» деган саволларни беради у. Ҳа, ишчан ходим эди у, шунинг учун ҳам уни юқори кўтариб, мукофотлаган эдилар. Областа юз берган суиистеъмоллар унинг беварволиги оқибатида содир бўлганлигини эшйтиш айниқса кўпроқ алам қилади.

— Лекин тўйнинг бунга нима алоқаси бор эди?

— Бевосита алоқаси бор.

Умаров ўзининг студент қизини қандай «дабдаба» билан узатгани ҳақидаги мишмиш хабар ҳамма ерга тарқалди. Ҳақиқатан ҳам «дабдаба» жуда ўрнига қўйилган экан: ҳамма меҳмонларни ўз ҳовлисига сиғдира олмаганлиги учун қўшнинг деворини бузиб, юз квадрат метр саҳнда тахтадан пол тўшашибди, симёғочларга динамиклар ўрнатишибди...

Оилада тўй, албатта, катта ва қувончли ҳодиса. Аммо қадимий қаҳрамоннинг сўзларини ўзгартириб айтганда, деворни бузишнинг нима ҳожати бор эди? Ҳамма ерда сен ҳақингда гапиришлари учун шундай қилдингми? Одамлар: «Буни қаранг, у қизини қанчалар яхши кўради», деб гапиришсин учун шундай қилиш керакмиди? Бу киши чегарадан чиқди-ю, мишмишлар тарқалиб кетди.

«Шундай чегара бормиди, уни ким белгилаган эди?» деб сўрашлари мумкин. Ҳеч ким. Бундай нарсалар белгилаб қўйилмайди. Ушбу воқеада камтарлик ўз сўзини айтиши керак эди. Афсуски, бундай бўлмади, ўзини ушлаб туролмади. Мутлақо шахсий иш жамоатчиликни қизиқтирган кескин масалага айланди. Одамлар сенга қўлини бигиз қилиб: «Квартираларда пол тўшаш учун тахта етмай турганида, ҳовлига пол тўшаяпти», деб кўрсатиб турганида бу ҳол раҳбарга ярашадими?

Ишнинг маантиқий ниҳояси бундай бўлди. Тахминан, шу вақтда Халқ контроли комитети қурувчиларнинг кўзбўямачилигини фош қилиб, шу ҳақдаги ишни М. Умаровга келтириб беришди. Нима бўлди дегн? Материал шу тахлитда унинг столида қолиб кетди. Қурувчилар зўр

гайрат билан тахта супа қилиб беришгани учун М. Умаров принципиаллигини қурбон қилишга мажбур бўлди...

— Мана шундай «чеккиш»ларнинг ҳаммаси нима-лар оқибатида келиб чиқди? Ахир, билмасдан нокамтарлик қилиб қўйибди, деган гапга ҳеч ким ишонмайди-ку.

— Шунинг унутмаслик керакки, камтарлик — соф инсоний фазилат бўлиб, қандай машғулотда ёки хизмат пиллапоясининг қайси жойида бўлишимиздан қатъий назар ҳар биримиз шу фазилатга эгамиз, ёки ундан маҳрум этилганмиз. Ахир, кўчада ўтиб бораётганимизда йўловчининг орқасидан: «Намунча пўрим бўлиб кийинмаса», деб гижинамиз. Улар нега шундай қилишади? «Менга эътибор қилинг!» демоқчи бўлишади. Нокамтарлик негизида қандай қилиб бўлмасин, ўзининг «Мен» деган шахсини таъкидлашга бўлган интилиш мавжуд деб ўйлайман. Мана шундай иштиёқ коммунистни, раҳбарни эгаллаб олса, фалокат юз берди, деяверинг.

Яна бир ҳолатга эътибор қилинг. Совет раҳбари тип таркиб топганига инҳояти бир неча ўн йил бўлди. «Бошлиқ» типига-чи? Бу тип юзага келганига эса минг йилларча бўлди! Мана шу минг йилликларда юзага келган тусунча бизни юк бўлиб босиб туради.

Уша тўй воқеасидан парткомиссия қандай хулоса чиқарди? Бу киши одмилик психологиясига ён бериб қўйди. Дарҳақиқат кимлардир унинг шоҳона тўй қилишини кутгандир. «Қатта амалдор» бўлганингдан кейин сен ўтказётган тўй ўзингга тобе бўлган одамларникидан нега ортиқ бўлмасин? Унда шон-шухратинг қаерда қолади? Одмилик мулоҳазалари шунақа бўлади. Бунга қарши тура билмоқ керак.

Кўриб турибсизки, ҳар ким бунга бардош бера олмайди. Афеуски, коммунистлар орасида ҳам хулқ-атвор чегараси ҳақидаги, чинакам ва сохта обрў тўғрисидаги масалани ҳаммиша ҳам рўй-рост қўя олмаймиз. Кимнингдир юзтубан кетишини бамисоли кутамиз. Ҳолбуки, бунинг олди олинса яхши бўлмасмиди? Ҳозир ҳамма одамлар саводхон, улар ҳамма нарсани билишади, деган андишаларга бормаслигимиз керак эди.

Менга шундай бир воқеани айтиб беришди. Қаттагина бир коллективда виكتورина ўтказишибди. Унда берилган саволлар орасида ўз вақтида қизлари Марксга берган: «Одамларда ҳаммадан кўпроқ сиз қадрлайдиган фазилат нима?» — деган савол ҳам бўлиб, шу саволга: «Маркс нима деб жавоб қайтарган?» — дейилган экан. Маълум

бўлишича, улар буни билишмас экан. Викторинаши ўтказаяётган киши ўзини йўқотмасдан, қани топиб кўринглар-чи, деб сўрабди. Жавоблар чунонам ёғилиб кетибдики, ёзиб олишга улгуришмасмиш. Ниҳоят бир одам нишонга тегибди: «Соддалик», деб жавоб берибди у. Аммо кўпчилик ишонмабди. Ҳолбуки, Марксдек буюк мутафаккир худди шундай жавоб берган эди. Наҳотки шундай одам инсондаги энг қадрли нарсалардан бири сифатида содалликни биринчи ўринга қўйган бўлса. Наҳотки?

Горький ўз очеркида Ленинга берган баҳони эслайлик. Ишчининг тили билан Ленинга: «Ҳақиқат каби сода», деб баҳо беради. Бундай ҳақиқатларни фақат мактабдаги имтиҳон вақтидагина билиш кифоя қилмайди. Унинг маъзини чақа билиш керак.

Ленин — барчамиз учун академиядир. Ҳамма нарсада — идеологияда, сиёсатда, экономикада, иш услубида академиядир. Агар Лениннинг асарлари моҳиятига чинакамга кириб борсак, унда биз коммунист ҳаётининг услубини ҳам кўрамиз.

Масалан, унинг «Милтиқли киши» ҳақидаги нутқи нимадан келиб чиққанлигини эслайлик. Бу нутқ Финляндия темир йўл вагонидан кекса бир аёл билан учрашувдан келиб чиққан. Оддий деҳқон аёли, қўлидаги бир боғ ўтинини неча марталаб тортиб олишганидан юрак олдириб қўйган хокисор кимса бўлсаю, Лениндек одам сиймосида бегона барини эмас, ўз кишисини кўрса? Буларнинг ҳаммаси, кинематограф тили билан айтганда, кадрга кирмай қолган. Аммо истак бўлса, ҳар бир киши бу манзарани кўз олдига келтириши мумкин. Ана шунда у ленинча оддийлик шахсининг жозибалилигидан иборат эканлигини ҳис эта олади.

Биз одамлар билан ишлаймиз. Кабинетларимиз эшикларига «Келувчилар фалон вақтдан фалон вақтгача қабул қилинади» деб ёзиб қўямиз. Баъзан эса фақат биз қабул қилиб қолмай, бизларни ҳам қабул қилишлари ёки қабул қилмасликлари тўғрисида кам ўйлаймиз. Оддийлик, камтарлик — сени ичкари киришинга ижозат берадиган тилсиз иборадир, деб айтган бўлардим. Агар сен ўзингни баланд тутиб, калондимоғлик қилсанг, ким ҳам сенга қалбини очади, ким ҳам сенга ишонч билдиради, маслаҳат сўраб келади? Бундайларга ҳатто хат ҳам ёзмай қўйишади. Раҳбарки, одамлар билан алоқани йўқотиб қўйдими, ўша жойда раҳбарнинг ўзи ҳам йўқ бўлди ҳисоблайверинг. Унинг ўрнига ўзига бино қўйган, аммо кўп нарсадан хабарсиз амалдор ўтирибди деяверинг. Ахир у асосий

манбадан баҳрамапд бўлмагандан кейин шимадан ҳам хабардор бўла оларди.

Мана шу тоифадаги кишилар биз бундан бир неча йил муқаддам республика Компартияси Марказий Комитети пленумида аҳолининг турмуш маданиятини ошириш масалаларини муҳокама қилмоқчи бўлганимизда биздан қулишган эди. Бу масалаларда биз бугунги кунда тубдан бурилиш ясаган экамиз, бунда партия ташкилотларининг, совет ва хўжалик ходимларининг диққат-эътиборини маиший хизмат ишларига қаратганимиз, уларнинг ташаббусига кенг йўл очиб берганимиз кўп жиҳатдан қўл келди, деб айта оламиз.

Яқинда мен Фаргона водийсида бўлдим. Ушанда Қувага берганимизда райком секретари Муса Шербўтаев тўсатдан: «Мебель фабрикамининг бориб кўришни хоҳлайсизми?» — деб таклиф қилиб қолди. Бундай ҳолларда қулоғингга ишонмай қоласан, киши. Ахир Қува фабрикаси ҳақида ҳеч қандай қоғозни кўрмагандим, бу ҳақда ҳеч қандай гап-сўзни эшитмагандим-да. Қандай қилиб фабрика барпо бўлиб қолди?

Секретарь қулимсираб: «Ўзимиз қуриб олдик», деб жавоб қилди. Ҳаёт шундай қилишга шошилтирди. Янги-янги уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари қурилмоқда. Уларни қандай қилиб жиҳозлаш мумкин? План ташкилотларининг қўли Қувага етгунича қараб туриш керакми?

Шербўтаев райкомга колхоз раислигидан келган. Бу ҳаминша қийин давр бўлади. Раислигининг сафдош бўлган кечаги дўстларининг орасида энди сен бошлиқсан. Устига-устак, кунин кеча ўзининг бўйсунган кишиларга ҳам раҳбарлик қиласан. Ана шунда унинг оддийлиги, хушмуомалалиги Шербўтаевга қўл келди. М. Шербўтаев райком бюроси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлагандан кейин навбатдаги бюро мажлисида ишни шимадан бошлади дени? Ўзининг ҳисоботидан бошлади: ўзига топширилган ишни қандай қилиб бажаргани ҳақида ҳисобот берди. Қилинган ишлар ҳақида бировлардан ҳисобот сўрамади, балки ўзининг дастлабки қадамлари ҳақида бошқаларнинг фикр юритишининг ўртоқларига ҳавола қилди. Бошқалардан сўраш ҳуқуқини шу тариқа қўлга киритди.

Янги секретарининг услубини район тез орада ҳис этди. Ўзининг баҳо беринг: икки йил ичида гўшт ва сут етиштириши бир неча баравар кўпайди. Шуларнинг ҳаммасида одамларнинг эҳтиёжи кўздан қочирилгани йўқ. Марҳамат, мебель фабрикаси маҳсулотлари сизга мунтазир.

Шовқин-суронсиз, жаранг-журунгсиз, қарсақларга умид қилмасдан шундай қилинди.

— Аммо камтарлик ҳам ёқмай қолган ҳоллар бўлса керак.

— Афсуски, бундай ҳоллар учраб туради. Аммо бу ҳақиқий камтарлик бўлмай, камтарлик ниқобидаги аллақандай бир нарсадир. Қимдир зиммасига катта вазифани олиб, айтайлик, шу ишни барвақт бажаришга шайланади, катта вазифани ҳал этиш устида жон куйдиради, аллаким бўлса четда туриб олиб: «Биз камтарин бир одаммиз, қаҳрамон бўламиз деб ўзимизни ўтга ташламаймиз, кўкрак кериб лента қирқишга кўзимиз учиб тургани йўқ», деб мингиллашади. Худди шундай, кўкрак кериб лента қирқишмайди. Лента қирқишга интилганлар куч-ғайратини сарфлаши керак бўлади. Булар эса унчалик куч сарфламай, изланишсиз ва таваккалсиз ўз арваларини тортиб, ўртамеъна бўлиб юраверишади.

Бундай деб ўйлаш ҳаётимизнинг бутун тузумига ёт бўлган зарарли фалсафадир. Бундай фалсафа чинакам қаҳрамонларга соя ташлайди, социалистик мусобақа механизмига тушов бўлади. Қаранг, «ўзимизни ўтга ташламаймиз», эмиш. Илғорлар ўзларини ўтга ташлашармиш.

Мени тўғри тушунишларини хоҳлардим. Ҳамма биринчи бўлавермайди. Виждонли ўртаҳолларга ҳам раҳмат айтамыз. Мен кўп нарсага қодир бўлгани ҳолда «ҳақим кетиб қолмасин» принципига амал қилиб, онгли равишда ўртаҳолликни танловчиларни назарда тутяпман. Бундай кишилар Лениннинг: «Олға бориш керак, янада кўпроқ нарсаларга эришиш лозим!» — деб бизга васият қилган пиори учун ўзларининг масъулиятларини ҳис этмайдилар. Бундай кишилар ўз коллективларининг қобилиятини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладилар. Кўпинча шундай бўлган: коллектив бир жойда депсиниб қолади. Уша ерга янги раҳбар келгандан кейин партия комитети мустаҳкамланади. Орадан бир-икки йил ўтиши билан коллективдаги ўша кишиларнинг ўзи бамисоли мўъжиза яратадилар. Йўқ, камтарин вазифачилар фалсафаси бизнинг фалсафамиз эмас.

— Аммо бундай қилиш баъзан шубҳали ташаббусларни қуруқ, лекин қўйинни пуч ёнгоққа тўлдирувчи ваъдабозликка олиб келмайдими? Мақтанчоқлик учун жазо бермайдилар-ку, ахир. Ваъдабозлардан ҳеч ким: «Камтарлигинг қаерда қолди?» — деб сўрамайди-ку.

— Халқларда ўхшаш мақоллар кўп. Ўзбекларда «Дарахт меваси билан, инсон иши билан қадри, деган мақол

бор. Ваъдабозларга қараб тенглашиш бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Аммо бунда қандай баҳо беришимиз муҳимдир. Юксак мажбуриятлар қабул қилиш иштиёқини бутунлай йўқотиб юборишимиз мумкин, ахир. Аини пайтда кишиларга олға ҳаракат қилиш, шу билан бирга унинг ҳаддан ошиб кетмаслигига ёрдам бериш мумкин.

Сурхондарё областимизни олиб кўринг. Ингичка толалари пахта етиштириладиган ўлка бу. Ундаги одамлар гоёт меҳнатқаш. Улар замин қиёфасини тамомла ўзгартиришяпти! Хўжаликка бориб: «Қанча ҳосил кўтаряисизлар», деб сўраганингда: «Қирқ олти центнердан»,— деб жавоб беришади. Аъло натижа! Сўнгра ҳикоя қилиб беришади: «Ҳа, аммо эллик центнердан»,— деб ваъда берган. Қизишиб кетиб, шундай ваъда бериб юборган. Бир пайт шу одам қирқ центнер ҳосил кўтарган. Унда: «Келгуси йили қирқ беш центнердан топширасанми?» деб сўрашади. «Нега энди қирқ беш бўларкан, эллик центнердан берамиз!» — деб жавоб беради. «Шундай деб ёзиб қўйверайликми?», «Ёзиб қўй!» Шундай воқеа ҳам бўлади. Буни мақтанчоқлик деб атамаган бўлур эдим. Кўпроқ абжирлик деб айтиш мумкин. Бунга ҳар турли ёндашиш, дарҳол танобини тортиб қўйиш ёхуд унга ишониш ҳам мумкин. Сурхондарёликлар нима қилишди денг? Ишонишди. Аммо жўжа саналадиган кузгача қараб ўтиришмади. Ғўза ниҳоли кўзга чалиниши билан обкомнинг биринчи секретари Абдуҳолиқ Каримов бир қатор хўжаликларнинг раҳбарларини олиб, уларни ўша ёққа бошлади: «Қаҳрамонимизнинг ҳоли қандай экан?» Пайкалнинг кўриниши қаҳрамонликка хос эмаслиги очиқ кўриниб турарди. Обком секретари ҳамроҳларига мурожаат қилди: «Хўш, нима деб ўйлайсизлар, қанчадан ҳосил олиш мумкин бўларкин?» «Ўттиз беш центнердан кўтарса ҳам катта гап». Баҳслашув бошланади. Буларнинг ҳаммаси бригадирнинг олдида юз беради. Ниҳоят секретарь сўз бошлайди: «У бундан ортиқ ҳосил кўтармоқчи. Балки биз ниманидир ҳисобга олмаётгандирмиз». Раислар яна пайкалларга кўз югуртиришарди. «Дарвоқе, агар у фалон-фалон тадбирларни амалга оширса мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин бўлармиди...» Дала соҳибни ўзини ўнглаб олди. Мана сизга сабоқ бериш деб буни айтадилар. Эҳтиёт бўл, азиз ўртоқ, вақтида ёрдам олдинг. Бундай ташриф бўлмаганида 46 центнерга ҳам етмаган бўларди. Мақтанишдан қандай қилиб даволаш ва аини пайтда кишининг олға қараб боришига интилишини қўллаб-қувватлашда ўз вақтида ёрдам бериш деб шушга айтадилар.

Камтарлиқни туғма эҳсон деб қараш ярамайди. Уни сабот билан, қупт билан парваринлаш лозим.

— Ҳар ким ҳам камтарликдан хурсандми? Шундай бир раҳбар ҳақида бизга мана бундай дейишди: «Ақлли, инчан, дилкаш одам. Агар бир лекинни бўлмаганида ундан яхши бошлиқнинг кераги бўлмасди...» Очиғини айтганда «ичади» деган сўз айтилишини кутган эдик. Тўсатдан хўрсиниб бундай деб қолди: «ЎКудаям камтар. Коллектив учун ҳеч нима ундиролмайди». Кўрянсизми, Шароф Рашидович, камтарин бўлиш фойда бермайди. Шу бонсдан зарар кўради. Ишга ҳам зарари тегади. Унча муносиб бўлмаган кишилар камтарин кишидан ўтиб кетаётган ҳоллар ҳам ҳаётда учраб туради. Чунки бундай кишилар «ўзларини кўрсатишни» билишади. Нега шундай?

— Бу муҳим масала. Шу бонсдан биз: «Одамларни ўрганинг, уларга тўғри баҳо бера билинг. Ошна-оғайнигарчилик йўли билан эмас, бир-бирига ўтказиб қўйиш йўли билан эмас, баладидарвоз гаплар билан эмас, балки ишимизга хизмат қилиш йўли билан баҳо беринг», деб эслатишдан чарчамаймиз. Шундай қилинганда камтарин одам ҳам четда қолмайди.

Мана, шундай бир мисол. Ўз вақтида республикадаги энг йирик Аму — Бухоро қаналида ташвишли аҳвол юз берди: насос станцияси икки агрегатининг ўз вақтида ишга туширилиши хавф остида қолди. У ерга билимдон, тажрибали мутахассислар группасини юбордик. Лекин бу билан иш битмаслиги сезилиб турарди. У ерда моҳир ташкилотчининг қаттиқ қўли ҳам керак эди.

«Узглаводстрой» трестларидан бирида ишлаб турган Виктор Григорьевич Духанинга чек тушди. Ўша вақтда уни ҳеч ким танимас, ўз вазифасида камтарин меҳнат қилаётган, одамлар кўзига чалинмаган эди. Шунга кўра баъзилар: «Шундай оғир юкни Духанин кўтара олармикан?» — деб шубҳа билдиришди.

Аmmo биз таваккал қилдик. Баайни таваккалчилик қилдик: уни канал қурилиши бошқармасининг бош инженери этиб тайинладик.

Духанинни трассада, барханлар орасида, одамлар куппа-кундузи ёқилган фонарлар билан ишлаётган пайтларда кўрганман: теварак-атроф қалин қум бўрони пардаси билан қоплангани учун машиналарнинг фарасини ёқиб ишлашга тўғри келганди. Жасур қурувчилар олдида бўрон пардасигина эмас, ноумидлик шубҳалари ҳам тарқалди: қудратли икки агрегат ўз вақтида ишга туширилди.

Виктор Григорьевични янги ишлар кутарди. Уни Туя-мўйин гидроузели қурилиши бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлашди. Бу ерда ҳам у вазминлик билан, баъзи бир раҳбарларга ўхшаб шовқин-сурон кўтармай, одамларни ўз орқасидан эргаштирди. Ўтган йили кўп минг кишилик коллектив Амударёни жиловлаб, уни ўз пазмига бўйсундирди. Бу ерда қўлбола денгиз тез орада мавжланиб Ўзбекистон ва Туркменистон территориясидаги 500 минг гектар янги ерларни суғориш имконини беради.

Хоразмда Духанинни сув ҳокими — мироб деб бежиз айтишмайди. Ақлли ташкилотчини илғамай қолишимизга сал қолганлигини вақт тасдиқлади.

Бундай илғамай қолишларни кечтириб бўлмайди. Камтаринликнинг ўз-ўзини жазолашига йўл қўймаслик лозим. Бундай масалаларда биз ҳушёр бўлишимиз керак.

— Нимасини айтасиз, камтарлик камтарлигича қолаверса-ю, у эришилган натижадап фахрланшга халал бермаса.

— Камтарлик бунга халал бермаслиги керак.

Куни кечагина биз партия Марказий Комитетига, Ватанга олти миллион тонна Ўзбекистон пахтаси етиштирганимиз ҳақида рапорт бердик. Ҳалигача биз бундай ҳосилни кўтармаган эдик. Республика пахтачилиги тарихи ҳам «оқ олтин» мажбуриятимиз октябрь ойидаёқ шу қадар барвақт бажарилганлигини билган эмас.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон деҳқонларини катта зафар билан самимий қутлади. Унинг табрик сўзлари Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг онги ва қалбидан чуқур жой олди. Бу сўзлар Ленин партияси белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун курашда республика партия ташкилотига, барча меҳнаткашларга янги-дан-янги куч-қувват бағишлайди.

1 миллион тонналик хирмондан иккинчисига кўтарилиш учун одатда ўн йиллаб муддат кетганини эслатиб ўтмоқчиман. Республика етмиш тўртинчи йили беш миллион тонналик маррага чиқиб олган эди. Орадан олти йил ўтиб навбатдаги чўққига кўтарилдик. Бу билан нега ҳам фахрланмайлик ахир!

Кибрланш, Ленин айтганидай, коммунистликни пеш қилиш билан мақтаниш бошқа масала. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган октябрь Пленумида Леонид Ильич Брежнев бизни ана шундан огоҳлантирди. «Бизнинг совет турмуш тарзимизда бюрократизмга, дагалликка, кибр-ҳавога ўрин йўқ ва бўлиши ҳам мумкин

эмас», — деди у. Камтарлик сўзи эса ифтихор сўзи билан бир сатрга жо бўлади.

— Камтарлик — ҳусн эмас, балки бундан ҳам муҳимроқ фазилат бўлиб, партиянинг, коммунистнинг ҳаётидаги муҳим хислатдир. Биз бу сўзни шахснинг бошқа фазилатлари билан тўла боғламасдан, айрим ҳолда олаётган эканмиз, камтарликнинг ўзи алоҳида сайқал топади, деган маънони асло билдирмайди.

— Албатта шундай. Коммунистик тарбия — фазилат ва хислатларнинг йиғиндиси бўлмай, олижаноб қотишмадир. Бу қотишмадан ҳеч нарса — ғоявий қатъият ҳам, маънавий поклик ҳам ва ўз-ўзидан равшанки, камтарлик ҳам тушиб қолмаслиги муҳимдир.

1980 йил

ҚАРДОШЛАРЧА ДҶУСТЛИК ЙЎЛИДА

Атоқли партия ва давлат арбоби, истеъдодли адиб, кўпмиллатли социалистик реализм адабиётининг энг ёрқин намояндalarидан бири Шароф Рашидович Рашидов асарларининг бешинчи жилдига киритилган рисоалар публицист қаламидан чиққан ва кенг китобхонларнинг таҳсинига сазовар бўлган ҳамма асарларини тўлалигича қамраб ололмайди. Шароф Рашидов Улуғ Ватан уруши йилларида ва ундан кейинги даврда газеталарда турли-туман очерклар ҳамда мақолалар билан қатнашининг СССР халқлари интернационал бирлиги вужудга келишининг гоёта муҳим масалалари кўтарилган ва ҳал қилинган йирик назарий асарлар яратилганча бўлган улкан ижодий йўлни босиб ўтди.

Бу доимо замонамизнинг долзарб масалаларига мурожаат қилиб турадиган санъаткор ҳамда янги жамият фаол бунёдкорининг ижодий йўлидир. Шароф Рашидов Улуғ Октябрь Социалистик революцияси оёққа бостирган ва мислсиз юксакликларга кўтарган халқларнинг тарихини, давр воқелигини ҳар томсизлама ўрганиш асосида назарий равшан ва тугал таъриф-тавсифлар, порлоқ ҳамда ҳаққоний образлар орқали ёритади, уларни бирлаштирган дўстлик ва ҳамкорлик манбаларини кўрсатади, келажак йўлида фидокорона курашаётган, эҳтирос билан меҳнат қилаётган совет кишиларининг маънавий-руҳий дунёсини, уларнинг юксак идеаллари ҳамда маънавий фазилатларини очади, жамиятимизда янги инсон муносабатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мураккаб жараёнларини гавдалаптиради.

Ш. Р. Рашидов кўпмиллатли социалистик давлатнинг вужудга келиши ва шаклланиши тарихига алоқадор кенг доирадаги масалаларни очишга бағишланган публицистик рисоаларида Коммунистик партиянинг ленинча доно ва узоқни кўзлаган миллий ҳамда ижтимоий сиёсати натижасида кишиларнинг янги тарихий ҳамжиҳатлиги — совет халқи ташкил бўлганлиги ҳамда мустақамланганлигини жуда кўп фактик материаллар воситасида ишонarli кўрсатади.

Ш. Р. Рашидов публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари — эҳтиросли партиявийлик, пролетар интернационализм, даврининг энг йирик масалаларига эътиборни қаратиш, юксак ваза-

рий савия, бадиий таъсирчанлик — унинг бутун ижодий йўли давомида шаклланиб камолга етди. Бу фазилатлар айниқса унинг «Дўстлик байроғи», «Ленинча миллий сўёсатнинг танта-наси», «Дўстлик ва қардошлик тили», «Совет Ўзбекистони», «Бир-лигимиз ҳамда ҳамкорлигимизнинг тили» сингари асарларида ёрқин намён бўлди. Бу хусусиятлар адибнинг китобхонлар эъти-борига ҳавола этилаётган публицистик асарлари жилдига кирган барча рисоаларига ҳам хосдир.

Ш. Рашидовнинг санъаткор ва публицист сифатидаги ўзига хос хусусияти яна шундаки, у доимо ижодий ўсишда, доимо ўз асарларини мукаммаллаштириш устида иш олиб боради. Жумла-дан, янги ўзбек қишлоғи ҳақидаги асарлари («Ғолиблар» по-вести ҳамда «Бўрондан кучли» романи) босилиб чиққандан сўнг анча ўтгач, Ш. Р. Рашидов яна бу китобларига қайта мурожаат қилди. Китобхонлар томонидан яхши кутиб олинган «Ғолиб-лар»га янги сюжет йўллари ҳамда тарихнинг янги тажрибасини киритди, марказий қаҳрамонлар образларини янада тиниқлаш-тирди, ғоявий йўналишини чуқурлаштирди. Мана шундай мақ-садда йўналтирилган ижодий иш оқибатида китобхонлар «Бў-рондан кучли» романи билан биргаликда чўлқувар пахтакорлар ҳақидаги йирпк эпик асарга эга бўлдилар.

Яна бир мисол. «Дўстлик байроғи» китоби бир умумий мав-зудаги яхлит бир масалани очишга қаратилган, бир услубий йўналишда ёзилган «Ленин байроғи остида», «Рус халқи билан абадий бирга», «Социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви», «Ҳамкорлик йўли», «Ягона оила» деб аталган бешта рисолали ўз ичига олган эди. Уларнинг ҳаммаси қўлиб-гиздаги Бешинчи жилддан ўрин олган. Лекин муаллиф уларни қайтадан ишлаб чиққан. Кўпмиллатли давлатимизнинг тарақ-қиёт йўлларига, янги инсоннинг шаклланишига, СССР халқлари-нинг бузиламас дўстлигига, интернационал алоқаларнинг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши, шу билан бирга бизнинг мамла-катимиздагина эмас, умуман дунёнинг ҳамма чеккаларида мил-лионлаб кишиларнинг диққат-эътиборини тортиб турган, ҳамон ўз актуаллигини заррача бўлсин йўқотмаган бошқа жуда кўп масалалар муаллиф томонидан бутунлай янгидан кўрилди; КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Со-вети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари, «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» сингари бутун дунёда зўр қизиқиш уйғотган хотира асарлари асосида тўлдирилди ва бойитилди.

Янгидан яратилган рисоаларда совет кишиларнинг кейин-ги ўн беш йил мобайнида олиб борган яратувчилик фаолияти-нинг бебаҳо тажрибалари умумлаштириб берилди. Маълумки,

совет халқи мана шу даврда экономика, Ғап ҳамда маданият соҳасида, империализм, неоколониализмга қарши тинчлик ва ижтимоий тараққилёт учун курашчиларнинг сафларини жипслаштириш ва мустаҳкамлаш соҳасида улуғвор муваффақиятларни қўлга киритди. Шунинг учун ҳам Ш. Р. Рашидовнинг тадқиқотлари шундай сиёсий ўткирлик ҳамда ғалсафий салмоқдорлик касб этдики, бу ғазилатлар давр талабларидан, КПСС XXV съездининг тарихий қарорларидан, СССРнинг янги Конституциясидан, кейинги йиллардаги партия ҳужжатларидан келиб чиқади.

Ш. Р. Рашидов публицистик асарларида кўтарилган масалалар гоётда ранг-баранг бўлиши билан бирга, улар узвий бир бутунликка эгаки, бу Асарларнинг ушбу бешинчи жилдига яхлит йўналш ҳамда тус беради. Адиб жамиятимизнинг ривожланиш йўллари, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсир қилувчи теран жараёнлари, мустамака Туркистон халқларининг Россия меҳнаткашлар оммаси билан интернационал алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилган омилларни характерлайдиган ҳаёт ҳодисалари ҳақида фикр юритаркан, марксизм-ленинизмнинг асосий принципларига оғинмай суянадиким, бу муаллиф тарихий-ғалсафий концепциясининг бутунлиги ва унинг илмий теранлигини белгилаб беради. Бу жиҳатдан айниқса «Ленинизм байроғи остида» рисоласи аътиборга сазоворким, унда жуда ҳам мураккаб масалани чинакам демократик ҳал қилишни таъминлаган Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти катта умумлаштирувчи куч билан таъкидланади.

Ш. Р. Рашидов бу масалани тарихий ҳамда назарий лапада батафсил кўздан кечиради, ўз қарашларини мамлакатимизнинг бой тажрибасига асосланиб мустаҳкам далиллайтиди, масаланинг халқаро жиҳатларини текширади, Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкаси халқларининг озодлик курашига кўпроқ диққат-эътиборини қаратади. Бу ўринда ҳам В. И. Лениннинг кўрсатмалари йўлчи юлдуз бўлди. Зотан, доҳий шундай башорат қилган эди: «Эртаги кун эса жаҳон тарихида худди шундай кун бўладики, бу кунда империализм томонидан эзилган ва кўзи очилган халқлар узил-кесил уйғонади ва бу кунда бу халқларни озод қилиш учун узоққа чўзиладиган қатъий ва оғир жанг бошланади»¹.

Ш. Р. Рашидов ҳали ҳанузгача диктаторлик режимлари сақланиб турган ва неоколониализм ўз мавқеини мустаҳкамлашга уринаётган Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Жанубий Африка халқларининг озодлик курашлари тимсолида империализмга

¹ В. И. Ленин. Тўда асарлар тўплами, 45-том, 406-бет.

қарши ҳаракат кучайиб, ўсиб бораётганлиги, озодлик ва мустақиллик учун курашаётганларнинг сафлари жипслашаётганлигини кўрсатади. У Исроил экстремистларининг босқинчиликлари, Садатнинг хиёнаткорона хатти-ҳаракати, АҚШнинг халқларга ёт, империалистик сиёсати, Советларга қарши хуружи ва ижтимоий тараққиётга интилаётган халқларнинг йўлида дуч келаётган қийинчиликлар ҳақида ёзади.

Адиб миллий озодлик ҳаракатлари авж олган ҳозирги шароитда амалда бўлган қонуниятларни очиб кўрсатади. Бу ҳаракат турли мамлакатларда потекис ривожлалаётганлиги, кўп халқлар бизнинг мамлакатимиз ҳамда бошқа ўлкаларда социализм қуриш тажрибасини ўзлаштириб, тобора кучлироқ инсонч билан социалистик тараққиёт йўлидан бораётганлигини қатъият билан таъкидлайди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг озодлик кураши ҳамда илғор йўл тугишида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ёрдами ва ҳар томоплама қўллаб-қувватлаши бениҳоя улкан аҳамиятга эгадир.

«Ленинизм байроғи остида» рисоласида империалистларнинг озодликка чиқаётган мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан асоратга солиш ва шунинг баробарида улар миллий мустақиллигини поймол этишга уринаётганликлари ҳақида ҳам гоյтда актуал хулосалар чиқарилади. Шунинг учун ҳам, деб ёзади муаллиф, «Кун тартибига «иккинчи мустақиллик» учун, иқтисодий ва ижтимоий эркинлик учун кураш масаласи қўйилади».

Ш. Р. Рашидовнинг ижодиётида халқлар дўстлиги гоёлари, коммунизм қуришдан иборат умумий ишда уларнинг қардошларча ҳамкорлиги ва социалистик ўзаро ёрдами, пролетар интернационалиزمи гоёлари алоҳида ўринда туради. Муаллиф социалистик қурилиш давомнда совет кишиларининг улуғ қардошлиги мустаҳкамланганлиги, миллатидан қатъий назар синфий манфаатларининг умумийлиги билан бирлашган халқлар ўртасида тарихда мисли кўрилмаган ва биз эндиликда ифтихор билан халқларнинг ленинча дўстлиги деб атайдиган муносабатлар тугилганлигини батафсил назардан кечиради. «Улуғ Октябрь ва СССРда пролетар интернационализмнинг тантапаси», «Ривожланган социализм шароитида миллий муносабатлар», «Ягона оила», «Социалистик миллатларнинг гуллаши ва яқинлашуви» сингари публицистик рисоаларда кейинги йилларда партия XXIV ва XXV съездлари, КПСС Марказий Комитети Пленумлари, СССР янги Конституцияси, улкан марксни-ленинчи ўргоқ Л. И. Брежневнинг асарлари ва толмас фаолнати томонидан пролетар интернационалиزمи назарияси ва амалиётига, марксленинча таълимотга қўшилган улкан ҳиссанинг аҳамияти таъкидлаб кўрсатилади. Рисоаларда ҳодисалар ва жараёнлар, янги

тарихий бирлик — совет халқининг шаклланиши ва ривожланиши, совет ватанпарварлиги ҳамда пролетар интернационализи ми, янги инсон — коммунизм қурувчисининг шаклланиши каби жуда кўп масалалар теран, илмий-назарий асосли суратда тилга олинади ва таҳлил этилади. Муаллиф Улуғ Октябрдан кейинги даврда СССРда ленинча миллий қурилиш программаси ҳаётга қандай татбиқ этилганлиги, мамлакатимиз халқлари ўртасида дўстлик қандай мустаҳкамланиб борганлиги, уларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари кучайиб, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида кенг тус олганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан Совет Ўзбекистонининг ривожланиш практикасида келтирилган мисоллар гоётада кучли таъсир қилади.

Миллий чекка ўлкаларда социалистик қурилишнинг тақдирини В. И. Лениннинг кўрсатмалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. В. И. Ленин вазифаларини белгилаб айтган эди: «Бу соҳада сизнинг олдингизда бир вазифа, илгари бутун дунё коммунистлари олдида турмаган вазифа туради, бу вазифа шундан иборат: Сиз, Европа мамлакатларида бўлмаган алоҳида шароитга мувофиқ тарзда, умумкоммунистик назарияга ва амалиётга таяниб, бу назария ва амалиётни асосий омма деҳқонлардан иборат бўлган шароитга, капиталга қарши кураш вазифасини эмас, балки ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш вазифасини ҳал қилиш керак бўлган шароитга татбиқ эта билишингиз лозим»¹.

Мана шу принцип ва айни чоқда Октябрнинг биринчи давлат ҳужжатларида (Гинчлик ҳақида Декрет, «Россия халқлари ҳуқуқларининг Декларацияси», Халқ Комиссарлари Советининг «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига» мурожаати ва ҳоказо) аниқ этирилган программ талабларининг изчил суратда амалга оширилиши натижасида Шарқ халқларининг ҳақиқий теплигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий ҳамда маданий қолоқлигини тугатиш учун реал замин яратилди.

«Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан сўнг Ўрта Осиё халқлари ҳаётининг жуда муҳим хусусияти шунда кўриндики, — деб ёзилади «Социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви» рисоласида, — улар қийин капиталистик йўлни четлаб социализм сари ҳаракат қилдилар».

Ш. Р. Рашидов иқтилобдан аввалги Туркистон меҳнаткашлар оmmasининг Россия марказий областларидаги пролетар ҳаракати билан теран боғланган алоқаларидан дарак берувчи кенг тарихий материалларга суянган ҳолда Улуғ Октябрь социалистик революцияси амалга ошадиган пайтга келиб Туркистонда турли мил-

¹ В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 380-бет.

латларга мансуб меҳнаткашларнинг мустаҳкам интернационал дўстлик муносабатлари қарор топганлигини ва худди мана шу ҳол аксининқилобчилик билан курашда, ўзбек қишлоқларини советлаштириш, социализм принципларини тасдиқлашда бениҳоя муҳим роль ўйнаганлигини чуқур илмий асослайди ва хулосалар чиқаради.

Ш. Р. Рашидов тарихга мурожаат қилиш натижасида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамиятини очишга, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига ўз мустамакаларидай қараб, Туркистонни босиб олишга интилган, тўғридан-тўғри ҳарбий босқинчилик қилишдан тоймаган Англия ҳамда Америка империалистларининг меҳнаткаш халқ оммасига ёт сиёсатини фош қилишга муваффақ бўлади.

Ш. Р. Рашидов рисолаларида кўзга ташлападиган тарихийлик бугун дунёда бораётган жараёнларни англаш билан чамбарчас боғлашиб кетади. Совет Шарқи меҳнаткашлар оммасининг инқилобий кураш тажрибаси, бир томондан, Туркистон, бутун Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон халқларининг рус халқи, унинг пролетар авангарди билан интернационал алоқаларининг тирак характери ҳамда мустаҳкамлигини кўрсатса, иккинчи томондан — империалистик доираларнинг идеология ва тактикаси, улар бугунда социализм позицияларини бўшаштириш йўлида қўллаётган барча воситаларни фош қилиш зарурлигини аниқлатади.

Ш. Р. Рашидов Совет Ўзбекистонининг тараққиёти ҳақида сўзларкан, унинг саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида эришган ютуқларини қонуний равишда бутун мамлакатимиз меҳнаткашларининг республикага кўрсатаётган беқиёс улкан ёрдами билан боғлайди. Электроэнергетика ва газ саноати, металлургия ва кўп тармоқли машинасозлик, катта химия, тоғ-кон, кўмир, олтин қидириш саноатлари, қурилиш индустрияси — бошқа кўп соҳалар каби ушбу соҳаларда эришилган муваффақиятлар ўтмишда собиқ чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаси Октябрнинг ғалабаси, социализм ғояларининг қарор топиши, ленинча миллий сиёсат, пролетар интернационализм ва халқлар дўстлиги принципларининг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида тарихан қисқа муддат ичида қанчалар юксаликка кўтарилолганлигидан ёрқин далолатдир.

Шу билан бирга муаллиф Совет Иттифоқи ва шунингдек, умуман социалистик ҳамдўстлик миқёсларида халқлар дўстлиги оиласидаги Ўзбекистоннинг роли ҳамда ўрнини кўрсатиб берадиган интернационал ҳамкорликнинг улуғвор далилларини келтиради. Мамлакатнинг асосий пахта базаси Ўзбекистон пахтаси — СССР ва социалистик мамлакатлар саноати аҳтиёжларини қондиради, Урал ва Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия Федера-

цияси Ўзбекистон газини оладилар. Республикада қазиб олинмаган олтин умумдават хазинасига тушади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев таъқидлаб ўтганидек, «Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳолати республиканинг ўзидagi пахта ҳосилигагина эмас, Урал ва Ленинград машинасозларининг, Кузбасс шахтёрларининг, Қозоғистон ғаллакор совхозларининг, Белоруссиядаги электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарувчиларининг ишига ҳам боғлиқдир. Худди шунингдек, Украинанинг равнақи, унинг ўз меҳнаткашлари муваффақиятли ишигагина боғлиқ бўлиб қолмай, шу билан бирга Татаристон ва Бошқирдистон нефтчилари, Коми ўрмон саноати, Москва, Горький ва Куйбишев машинасозлиги ишининг натижаларига ҳам боғлиқдир. Бундай ми-солларни юзлаб ва минглаб келтириш мумкин. Ишларимизнинг кўлами иқтисодий районлар чегарасидангина эмас, иттифоқдош республикалар чегарасидан ҳам ташқарига чиқмоқда»¹.

1966 йилда рўй берган ер қимирлашдан сўнг Тошкентнинг тикланиши, Ўзбекистонга кўрсатилган дўстона, самимий ёрдам мамлакатимиз халқлари қардошларча жипслигининг улуғвор намунасидир. Барча иттифоқдош республикаларнинг иштироки билан Тошкентда бир неча йил ичида янги тураржойлар, ноёб қурилишлар, саноат, маданият, маиший турмуш биоплари қад кўтарди. Тошкент ўз миллий қиёфасини сақлаган ҳолда айни пайтда том маънода интернационал шаҳар, қардошларча ҳамкор-лик рамзига айланди. Ўз навбатида Ўзбекистон СССР ҳам Доғистон ҳамда Қирғизистоннинг ер қимирлашдан зарар кўрган районларига, Тбилисида сув тошқини рўй берганда қардошлик қўлини чўзди, дўстона зарур ёрдам кўрсатди...

Барча мамлакатимиз халқларининг ҳамжиҳатликда Мирза-чўл, Жиззах, Қарши, Сурхон — Шеробод чўлларини ўзлаштири-ши, Ўзбекистон қурилиш отрядлари ва мелпораторлар бригадаларининг Россиянинг Ноқоратупроқ ерларига келиши, Иваново ҳамда Тошкент тўқимачиларининг мусобақаси... Булар ҳаммаси Улуғ Ватан уруши йилларида оғир синовлардан ўтган, урушдан кейинги тинч яратувчилик йилларида янада мустаҳкамланган халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстликнинг мазмундор ми-соллари. Буларнинг бари турли тилларда сўзлашувчи ва бир улуғ жаҳоншумул-тарихий ишни адо этувчи кишиларнинг, бир умумий дунёқарац, маффаат ҳамда идеаллар билан чамбарчас боғланган кишиларнинг интернационал бирлигидан дарак берув-чи далолатлар.

Ш. Р. Рашидовнинг тадқиқотларида Шарқ хотин-қизларининг озодликка чиқиши, жамият иқтисодий ҳамда маданий ҳаётининг

¹Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 4-том, 61-бет.

барча соҳаларига шитоб билан кириб келиши масалаларига катта эътибор билан қаралгандир. Адиб шулар билан бирга Ўзбекистонда фан, адабиёт ва санъат эришган улкан муваффақиятларни кўрсатувчи маънога тўлиқ фактлар ҳамда рақамлар келтиради. «Социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви» мақоласида Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ҳар томонлама кенг фаолияти ҳақида материаллар берилди; маълумки, ҳозирда бу академия ўнлаб илмий-тектириш институтларини бирлаштириб туради, чунончи, атом реактори бўлган ядро физикаси, кибернетика, электроника, энергетика ва автоматика, геология ва геофизика институтлари шулар жумласидадир. Республика Академиясида гуманитар йўналишдаги институтлар апча кенг тармоқ отган. Илмий ходимлар сони ўттиз мингдан кўпроқ кишини қамраб олади, улардан 850 киши фан доктори, ўн икки мингдан кўпроги фан кандидатларидир. Илмий ходимларнинг ўн бир ярим мингдан ошиғи хотин-қизлар бўлиб, улар орасида — 93 фан доктори ва уч мингга яқин фан кандидатлари бор.

Ш. Р. Рашидов ўзбек халқи маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ кенг кўламдаги масалаларни текшираркан, шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзбек маданияти томонидан Совет ҳокимияти йилларида эришилган улғувор ютуқларни тушунтириб бериш жиҳатидан принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим белгиларни ажратиб кўрсатади. Мазмунан бутунлай янги, маҳорат билан яратилган адабиёт ва санъатнинг шаклланиш жараёнларини у диққат-эътибор билан кўздан кечиради.

Ш. Р. Рашидовнинг жуда кўп рисоаларида Шарқ адабиёти тарихи билан боғланган кўп масалалар батафсил, илмий асосли очилади, ҳозирги давр Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари кўп-миллатли совет адабиётининг теран илдилари кўрсатилади. Муаллиф маънавий меросни таҳлил қиларкан, В. И. Лениннинг эксплуататорлар жамияти шаронтида ҳар бир халқ маданиятида икки маданият борлиги ҳақидаги таълимотига изчил суянади. У ипқидобгача бўлган даврда ва совет адабиётида кенг тадқиқотчиларнинг эътиборини торттиб келган традициялар масаласини ҳам шу нуқтан назардан туриб ҳал этади.

Ш. Р. Рашидов айниқса, рус тилига, дўстлик ва қардошлик тилига бағишланган рисоаларида, — «Абдий рус халқи билан» деб аталган принципиал рисоласи ҳам шу жумлага киради. — маданият соҳасидаги интернационал муносабатларни таъсирчан ҳам ишонарли очади.

Ш. Р. Рашидов тадқиқотларида социалистик жамият шаронтиларида миллатлараро алоқаларнинг қудратли воситаси сифатида юзага чиқадиган буюк рус тили шунчалар тўла ва батаф-

сил, изчил ва теран кўздан кечириладики, бу ҳолда биз ҳозирги даврда Ғавқулодда улкан аҳамият касб этган масалага илмий-ижодий ёндашилгани тўғрисида сўзлашга ҳақлигимиз.

Ш. Р. Рашидов юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайдиган Совет Ўзбекистони мисолида турли миллатларга мансуб миллионлаб совет кишилари учун рус тили ҳам ҳаётда, ҳам коммунистик қурилиш практикасида шакллантирувчи ҳамда бирлаштирувчи роль ўйнаётганлигини намойиш қилиб кўрсатади. Ҳозирги даврда рус тилини ўрганиш жаҳон кўламида давом этмоқда.

Ш. Р. Рашидовнинг публицистик асарларида бу масаланинг назарий жиҳатлари амалиёт билан, иттифоқдош ҳамда автоном республикаларда рус бўлмаган миллатлар учун рус тилини ўқитишни яхшилаш масалалари билан боғланиб кетади. Муаллифнинг Совет Ўзбекистони пойтахтида бўлиб ўтган рус тилига бағишланган бир қатор Умумиттифоқ конференцияларини ташкил этишда фаол қатнашгани ҳам шунга ёрдам берди. Республикаларда рус тилини тарқатиш ва ўқитиш тажрибаларини ўрганишда 1979 йил, май ойида ўтган «Рус тили — СССР халқларининг дўстлик ва ҳамкорлик тили» деб аталган Умумиттифоқ илмий-назарий конференцияси алоҳида катта қимматга эга бўлди ва умумдавлат аҳамиятига молик муҳим вазифани ҳал қилишда янги йўللار белгилаб чиқди.

Ш. Р. Рашидов ўзининг публицистик ва амалий фаолиятида Лениннинг мамлакатимизнинг ҳар бир граждани «Улуғ рус тилини ўрганиш имкониятига эга бўлсин» деган ғоясини фаол тарғиб қилади ва илгари суради.

Ш. Р. Рашидов публицистикасига такрорланмас ўзига хослик бағишловчи характерли хусусият шундан иборатки, муаллиф масалаларни жуда аниқ ва равшан қилиб кўяди, уларни ечишда ўз назарий ҳиссасини кўшади, ҳар бир сўзда унинг ҳаяжонли муносабати, эҳтиросли эътиқоди, янги шаклар қўллаши ёрқин намоен бўлади. Адиб доимо образли, таъсирчан тил ифодаларига интилади, образли тилдан кенг фойдаланади. Бунда санъаткор, назариётчи ва публицист фазилатлари чамбарчас бирлашиб кетади.

Ш. Р. Рашидовнинг мана шу бешинчи жилдга кирган тадқиқотлари Асарларнинг аввалги жилдларидан ўрин олган бадиий китобларининг узвий давомига ўхшайди. Улар бир-бирларини шунчалар тўлдириб ва изоҳлаб турадилар. Ш. Р. Рашидовнинг йирик прозаси («Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романлари) худди публицистикаси каби ўткир замонавийдир. Уларда коммунизм бунёдкорларининг жонли ҳамда ёрқин образлари акс этади. Улар бизнинг бугунги кунимиз ва келажагимиз, интернационализм ва халқлар қардошлиги ҳақидаги теран фикрлар билан бой. Уларда кўтарилган масалалар йирик ва долзарб. Уларда равшан публицистик оҳанг ҳоким. Улар асос эътибори билан

партиявий. Уларнинг ижтимоий шакллантирувчи қиммати давр тасдиғидан ўтган.

Ш. Р. Рашидов — толмас тарғиботчи ва интернационализм ҳамда совет халқлари қардошларча дўстлигининг куйчисидир. Унинг публицистик асарлари давр ҳодисаларини ўзига хос тарзда тадқиқ қилади. Бу асарлар улкан ҳамда бетакрор санъаткор ижодиётининг ажралмас, узвий қисмидир. Унинг барча асарлари каби улар коммунизм учун улуғ курашга хизмат қилади.

П. ФЕДОСЕЕВ,
академик.

1979 йил

ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВНИНГ БЕШ ЖИЛДЛИК
АСАРЛАРИГА КЎРСАТКИЧ

- Адабиётнинг улуғвор вазифаси. IV, 118.
Азиз пахтакор. III, 519.
Ақлимиз, талантимиз, меҳнатимиз — партияга, халққа. IV, 196.
Бадий публицистика ҳақида. IV, 20.
Бахтнома. III, 445.
Байрам тонги. III, 455.
Бахтлилар юрти. III, 466.
Бебаҳо инсон. IV, 163.
Белград қизи. III, 500.
Бир бутун кўпмиллатли адабиёт. IV, 61.
Бирдамлик йўли. V, 124.
Бўрондан кучли. II.
Ватан ишқи. III, 437.
Ватан қасидаси. III, 461.
Ватанпарварлар шаънига қасида. IV, 321.
Гул диёрим бор. III, 459.
Давр нафаси. IV, 105.
Доно устоз. IV, 88.
Дўстимга мактуб. III, 489.
Дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик тили. V, 261.
Езувчининг юксак бурчи. IV, 51.
Ер келур. III, 509.
Жанг қил. III, 488.
Жангчи. III, 495.
Жаҳон севган адабиёт. IV, 90.
Замонавийлик — адабиёт ва санъатнинг қалби. IV, 143.
Идеология иши — коммунизм учун курашнинг муҳим соҳаси.
V, 218.
Икки дил достони. III, 373.
Инқилобнинг оташин куйчиси. IV, 272.
Ишқ кўйдим. III, 457.
Йўл бошида. IV, 266.
Камолот. IV, 345.
Кашмир қўшиғи. III, 333.
Келинчак. III, 516.
Келсанг. III, 511.
Комсомол. III, 446.
Қунаримизнинг қиёфаси. IV, 202.
Қурашга бағишланган ҳаёт. IV, 310.
Ленинизм байроғи остида. V, 7.
Лочинлар. III, 493.
Меҳнатим. III, 451.
Муҳим мавзу. IV, 70.
Навойга. III, 458.
Нафрат. III, 453.

Орзумиз. III, 460.
Офарин. III, 491.
Октябрь фарзанди. IV, 256.
Олтин тўй. IV, 234.
Она насиҳати. III, 503.
Осиё ва Африка ёзувчилари бирлашмоқдалар. IV, 130.
Ота. III, 518.
Папанничиларга. III, 447.
Посбон. III, 440.
Пўлат қуювчи. III, 521.
Раҳбарнинг камтарлиги. V, 467.
Ривожланган социализм шароитида миллий муносабатлар. V, 350.
Рус халқи билан абадий биргамиз. V, 46.
Салмоқли ҳиссамиз. IV, 247.
Салом, Москва. IV, 126.
Санъаткор қизга. III, 444.
Санъаткорнинг катта қалби. IV, 192.
Сингилга. III, 439.
Совет адабиётининг интернационализи. IV, 330.
Социалистик турмуш тарзи ва миллий онг. V, 335.
Социалистик миллатларнинг равнақ топиши ва ўзаро яқинлаши-
ши. V, 78.
Социалистик реализмнинг қудратли манбалари. IV, 167.
Социализмнинг Шарқдаги машъаллари. IV, 179.
Сув ва нур. III, 470.
Сув қўшиғи. V, 378.
Тарихнинг қаҳри-ла қайрадим қилич. III, 486.
«Тошкент руҳи» яшамоқда ва етмоқда. IV, 285.
Тухматчи. IV, 100.
Тўлин ой. III, 515.
Тўғри йўлда. IV, 187.
Улуғ Октябрь ва СССРда пролетар интернационализи таъта-
наси. V, 192.
Умр баҳори. III, 523.
Умр — жасорат. IV, 282.
Унутилмас сиймо. IV, 36.
Ухла, қўзим! III, 498.
Уллама. III, 512.
Фонтан ёнида. III, 452.
Халқ шоири. IV, 240.
Шаҳар даражасига. V, 433.
Ширин келармиш. III, 514.
Ширин хабллар. III, 504.
Шонр, мутафаккир, инсонпарвар. IV, 293.
Шолохов сўзининг қудрати. IV, 244.
Эрким. III, 438.
Эрк истар кўнгил. III, 464.
Юксак идеаллар учун. IV, 95.
Юрак амри. IV, 121.
Ютуқлар ҳамда вазифалар. IV, 177.
Ягона онлада елкама-елка. IV, 222.
Ягона онла. V, 160.
Яна учрашгунча, Россия юлдузлари. IV, 160.
Янги чўққилар сари. IV, 75.
Ялғасин севги! III, 507.
Ўзбек совет адабиёти юксалишида. IV, 42.
Ўлкам. III, 484.

Ўлкам, омон бўл! III, 506.
Қардош маданиятларнинг биродарлик учрашуви. IV, 154.
Қасос ол! III, 502.
Қаҳрамон хотираси. III, 491.
Қаҳрамонлик трилогияси. IV, 7.
Қиз севгиси. III, 510.
Қувончли диллар. III, 449.
Қудратли тўлқин. III.
Ғолиблар. I.
Ғунча. III, 446.
Ҳамза. III, 468.

БЕШ ЖИЛДЛИК АСАРЛАРГА ҚИСҚАЧА
БИБЛИОГРАФИЯ

- Ғолиблар. Повесть. «Шарқ юлдузи» ж.*, 1951, 9, 10, 11-сонлар.
Ғолиблар. Повесть. Ұздавнашр, 1953, 236 б.
Ғолиблар. Роман. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972, 318 б.
Икки дил достони. Т., «Қизил Ұзб». ва «Пр. Востока» Бирлашган
нашриёти, 1959, 73 б. (В. Виткович билан ҳамкорликда).
Камолог. «Шарқ юлдузи», 1960, 12-сон. (Ю. Карасев, Б. Привалов
билан ҳамкорликда)
Победители. Роман. М., «ГНХЛ», 1974 (Роман-газета).
Победители. Сильнее бури. Романы. М., «Известия», 1975, 639 б.
Победители. Роман. М., «СП», 1974, 350 б. (яна, «СП», 1954, 207 б.)
Победители. Повесть. Т., Госиздат УзССР, 1951, 244 б.
Победители. Роман. Душанбе. (тож.) «Ирфон», 1978, 315 б.
Победители. Роман. Ашхобод. (туркм.) «Туркменистан», 1978,
329 б.
Победители. Роман. Ереван, (арм.) «Советакан грох», 1979, 405 б.
Победители. Роман. Т., Изд. лит. и искусства, 1977.
Победители. Роман. Боку, (озарб.) 1976, 378.
Бўрондан кучли. Роман. «Шарқ юлдузи» ж. 1958, 5, 6, 7, 8-сонлар.
Бўрондан кучли. Роман. Т., Ұзадабийнашр. 1958, 319 б.
Бўрондан кучли. Роман. Тўлдирилган ва тузатилган нашри, Т.,
Ұзадабийнашр, 1961, 358 б.
Бўрондан кучли. Роман. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973,
310 б.
Бўрондан кучли. Роман. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 310 б.
Дўстлик байроғи. Т., Ұзбекистон КП МКнинг Бирлашган нашриё-
ти. 1967, 245 б.
Дўстлик ва қардошлиқ тили. Т., «Фан». 1977, 64 б.
Знамя дружбы. М., Госполитиздат. 1967, 230 б.
Зўрмар аз бўрон. Роман. Душанбе, (тож.) «Ирфон». 1968, 335 б.
Дуллипанда қуши. Роман. Нокис, (қорақал.) 1963, 323б.
Сильнее бури. Роман. М., Госполитиздат, 1959, 117 (роман-га-
зета).
Сильнее бури. Роман. Т., Изд. «Кзыл Ұзб.» и «Правда Востока»,
1958, 303 б.
Сильнее бури. Роман. М., «СП», 1972, 311 б. (яна, М., «СП», 1960,
326 б.)
Сильнее бури. Роман. Т., Гослитиздат УзССР, 1960, 351 б.
Сильнее бури. М., Госполитиздат, 1961, 303 б.
Сильнее бури. Роман. М., «Молодая гвардия», 1967, 320 б.
Сильнее бури. Роман. Т., Изд. лит. и искусства, 1979, 310 б.
Сильнее бури. Роман. Олма-Ота, (қозоқ.) Казгослитиздат. 1959,
287 б.
Сильнее бури. Роман. Тбилиси, (груз.) «Накадули». 1961, 362 б.
Сильнее бури. Роман. Махачқала, (қумиқ.) 1960, 334 б.

- Сильнее бури. Роман.* Фрунзе, (қирғиз.) 1962, 312 б.
Сильнее бури. Роман. Рига, (латинш.) 1962, 315 б.
Сильнее бури. Роман. Минск, (белорус.) 1963, 411 б.
Сильнее бури. Роман. Ереван, (арм.) «Айпетрат», 1961, 386 б.
Сильнее бури. Роман. Боку, (озарб.) 1962, 351 б.
Сильнее бури. Роман. Киев, (укр.) 1961, 275 б.
Сильнее бури. Роман. Таллин, (эст.) 1962, 310 б.
Қудратли тўлқин. Роман. «Шарқ юлдузи», ж. 1964, 1, 2, 3-сонлар.
Қудратли тўлқин. Роман. Ўзадабийнашр. 1964, 343 б.
Қудратли тўлқин. Роман. Т., Ғафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969, 336 б.
Қудратли тўлқин. Роман. Т., «Ўқитувчи», 1977, 328 б.
Могучая волна. Роман. М., Воениздат. 1975, 315 б. (яна. М., Воениздат, 1970, 1972).
Могучая волна. Роман. М., «СП», 1969, 328 б. (яна. «СП», М., 1965).
Могучая волна. Роман. «Ташкент», 1964, 326 б.
Могучая волна. Роман. «ГИХЛ», 1964 (роман-газета).
Могучая волна. Роман. М., «СП», 1979, 319 б.
Могучая волна. Роман. Вильнюс, (литва), «Вага». 1967, 327 б.
Могучая волна. Роман. Махачқала, (қумиқ.) 1975, 359 б.
Могучая волна. Роман. Рига, (латинш.) «Лиезма», 1967, 327 б.
Могучая волна. Роман. Киев, (укр.) 1972, 310 б.
Гудратли толқун. Роман. Ашхобот, (туркм.) «Туркманистон», 1964, 424 б.
Кубаттуу толқун. Роман. Фрунзе: (қирғ.) «Кыргызстан». 1970, 354 б.
Кудиретли толқун. Роман. Нокис. (қорақали.), «Қорақалпақистан», 1974, 355 б.
Кашмир қўшиқлари. Қисса. «Шарқ юлдузи», ж. 1956, 10-сон.
Кашмир қўшиқлари. Қисса. Ўқувнедлавнашр. 1959, 44 б.
Кашмир қўшиғи. Қисса. Т., «Адабиёт ва санъат», 1970, 39 б.
Кашмир қўшиғи. Қисса. (3-нашри.) Т. Ўзадабийнашр. 1963, 55 б.
Кашмир қўшиғи. Қисса. Т., «Ёш гвардия», 1978, 80 б.
Тарих ҳукми. Т., «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» Бирлашган нашриёти. 1950, 26 б.
Ўзбек совет адабиёти 25 йил ичида. Т., Ўздавнашр. 1949, 24 б.
Кашмирская песня. Легенда. М., «Правда», 1957, 29 б.
Кашмирская песня. Легенда. «СП», 1958, 50 б.
Кашмирская песня. Легенда. Т., Гослитиздат, УзССР, 1957, 47 б.
Кашмирская песня. Т., Изд-во лит. и иск-ва, 1970, 38 б.
Кашмирская песня. Боку, (озарб.) «Гявжлик», 1979, 39 б.
Кашмирская песня. Повесть. Изд. «Ёш гвардия», 1979.
Кашмирская песня. Олма-Ота, (қозоқ). Казгослитиздат, 1961, 51 б.

МУНДАРИЖА

ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА	7
Пролетар интернационализи асосида	7
Ленин гоёлари барча халқларнинг йўлини ёритиб турибди	18
Дўстлик ва ҳамкорлик самаралари	32
Бирлик енгади	39
РУС ХАЛҚИ БИЛАН АБАДИЙ БИРГАМИЗ	46
Улуғ оғамиз	46
Асрлар давомида	53
Мустаҳкам иттифоқ	64
СОЦИАЛИСТИК МИЛЛАТЛАРНИНГ РАВНАҚ ТОПИШИ ВА ЎЗARO ЯҚИНЛАШИШИ	78
Капитализмни четлаб ўтиш	78
Ҳамдўстлик — Октябрь самараси	103
Миллий муносабатларнинг ривожиди янги босқич	107
БИРДАМЛИК ЙўЛИ	124
Тараққиётнинг порлоқ юлдузи	125
Деҳлидан — Гаванагача	135
Уч қитъа анижумани	146
ЯГОНА ОИЛА	150
Зилзила	151
Жасорат	170
Болалар	177
Қардошлар	181
Тошкент — янги шаҳар	189
УЛУҒ ОКТАБРЬ ВА СССРда ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ ТАНТАНАСИ	192

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ — КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ	218
Ленин васиятларига садоқат	218
Куч-қудратимиз манбаи	221
Идеология ишига комплекс ёндашайлик	229
Ешларнинг актив ғоявий, ҳаётий позицияси учун	243
Адабиёт ва санъатда юксак партиявийлик учун	249
Назария билан тажрибанинг боғланшини мустаҳкамлайлик	253
Идеология ишига раҳбарликни ҳар томонлама такомиллаш- тирайлик, идеология ишидаги самарадорликни оширайлик .	257
ДУСТЛИК, БИРОДАРЛИҚ ВА ҲАМКОРЛИК ТИЛИ	261

I

Тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирини ўзаро бойитиш асосида	261
Улуғ, қудратли ва гўзал тил	264
Рус тилининг тарихий роли	277
Интернационализм руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси .	291
Педагог кадрларга эътибор ва ғамхўрлик	299

II

Совет халқларининг умумий мулки	304
СССР да тиллараро муносабатлар тараққиётининг янги босқичи	318
Инсон шахсиятини камолга етказишнинг қудратли воситаси	330
СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИ ВА МИЛЛИЙ ОНГ	335
РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР	350
Миллий муносабатлар диалектикасининг етакчи тенден- цияси	353
Совет халқи — интернационал ва миллий жараёнлар риво- жнинг сифат жиҳатида янги поғоваси	368
СЎВ ҚЎШИҒИ	378
Асрий орзу	381
Гонг олдидан	285
Ленин даҳоси билан	390
Умумхалқ ҳашари	402
Жангдан жангга	407
Афсоналар ҳақиқатга айланади	428

ШАҲАР ДАРАЖАСИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК	433
Қишлоққа — юсак турмуш маданияти	433
РАҲБАРНИНГ КАМТАРЛИГИ	467
<i>П. Федосеев</i> . Қардошларча дўстлик йўлида	477
Асарларга кўрсаткич	487
Қисқача библиография	490

На узбекском языке

РАШИДОВ ЎАРАФ РАШИДОВИЧ

Собрание сочинений

в 5 ти томах

ТОМ V

ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИЕ СТАТЬИ

Нашриёт редактори *Н. Фафуров*

Рассом *И. Кириакиди*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *В. Бардукова*

Корректорлар: *Ш.Собирова ва Ш.Соатова*

ИБ № 2009

Босмахонага берилди 19.08.82. Босинга рухсат
этилди. 8.12.82. Формати 84×106/32.

Босмахона қоғози №1. Оддий янги гарнитурга. Юқори
босма. Шартли босма л 26,04+1,26 вкл. Нашр л.
29,17+0,5 вкл. Тиражи 50000 (1000 нусхаси мелов-
ваний қоғозда Нашр.л.29,19+0,5 вкл. Баҳоси 3с.26т)
Заказ 1504. Баҳоси 2с.10т. Фафур Ғуллом номидати
Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент.
Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоний кўчаси, 30.

Рашидов, Шароф.

Асарлар: 5 жилдлик /[Муҳаррир Ҳ. Фулом].—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.—

5-чи жилд. Публицистик мақолалар 496 б., расм.

Шароф Рашидович Рашидов «Асарлар»нинг бешинчи жилдига унинг турли йилларда яратган публицистик мақолалари киритилди. Автор уларда Ленин партияси раҳбарлигида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг яратилгани, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликнинг қандай тузилгани, ривожлангани ва тобора метиндай мустақамланиб бораётгани ҳақида оташин сўз билан ҳикоя қилади.

Рашидов, Шароф. Собрание сочинений. В 5-ти т. Т. 5. Публицистические статьи.

Ў32 + 66:2(2) + 66,5